Д-36.

Н. А. ДОБРОЛЮБОВ

Н. А. ДОБРОЛЮБОВ

АДАБИЙ - ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР

Ə.Yusifzadə adına MMP,
Pedaqoji-psixoloji resurs mərkəzi
INVENTAR № 3769

Д56

Н.А.ДОБРОЛЮБОВ

АДАБИЙ - ТАНҚИДИЙ
МАҚОЛАЛАР

ОПИСАНО 1999 г

Описано 1999г.

БИБЛИОТЕКА
Инв. №

БИБЛИОТЕКА
Инв. № 35115
16 19 г.

ТУПЛОВЧИ О. ШАРОФИДДИНОВ



А. В. КОЛЬЦОВ

I БОБ

Оддий халқ ичидан чиққан ажойиб рус кишилари. Кольцов. У нимаси билан ажойиб. Умуман лирик поэзиянинг ва жумладан қўшиқнинг аҳамияти. Рус халқ қўшиқларининг характери тўғрисида. Кольцовга қадар бизда халқ қўшиқларига тақлидан ёзилган асарлар қандай яратиларди. Кольцов қўшиқларининг бу тақлидий асарлардан ва халқ қўшиқларининг ўзидан фарқи.

Кольцов, гарчи катта шуҳратга лойиқ шоир бўлса-да, бизда сўнгги вақтларга қадар ҳам шуҳрат қозонмай келди. Тўғри, унинг баъзи бир қўшиқлари куйга солингани ва фортепьяно жўр бўлишида кўпчилик томонидан куйланиши мумкин бўлгани туфайли жамоатчилик орасида тарқалмоқда ҳамда ўзига хайрихоҳлик уйғотмоқда. Аммо иккита-учта қўшиқ билан мана шундай тасодифий танишиш натижасида шоирнинг асарларини чуқурроқ ва жиддийроқ ўрганишга киришган одамлар ҳали унча кўп эмас. Кольцовни фақат оддий халқ ичидан чиқиб, мустақил равишда тузуккина шеърлар ёзишни ўрганиб олган киши дебгина танийдиган ва қадрлайдиган одамларни ҳозирга қадар ҳам жуда кўп учратиш мумкин.

Дарвоқе, шу ҳолнинг ўзи ҳам унга диққатимизни жалб қилишни тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам, жамиятдаги бой синфларга мансуб оилалардан ақлли ва ўқимишли одам етишиб чиқса, бунинг таажжубланарли жойи йўқ, негаки, бундай оилаларда боланинг гўдаклигидан бошлабоқ унинг ақлли ва ўқимишли бўлиб етишиши учун ҳамма имкониятлар ишга солинади. Аксинча, зарур билимларни эгаллаш учун, ақлий қобилиятларини ўстириш учун ва ишбилармон ҳамда фойдали одам бўлиб етишиш учун ҳамма имкониятга эга бўлган болалардан бемаъни ва ярамас ёшлар чиқишига таажжуб ва таассуф билан қарамоқ керак. Бахтга қарши, бундайлар жуда кўп топилади. Мана шундай қуруқ ва бемаъни одамларнинг ўқимишлилик ҳақидаги мулоҳазаларини эшитсангиз, ўзингизни кулгидан тўхтата олмайсиз. Улар баъзи бир нарсалар ҳақида

жуда юзаки тушунчаларни ўзлаштириб олиб, ўзларини ўқимишли деб ҳисоблайдилар ва оддий халқ тўғрисида ижирғаниб гапирадилар, оддий халқ орасидан бирор киши чиқиб қолса ва уни ҳамма ажойиб одам деб эътироф этса, улар бундай одам тўғрисида изоҳлаб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса ҳақида гапиргандай, ажабланиб сўзлайдилар. Ҳолбуки, бундай қолларда таажжубга мутлақо ўрин йўқ. Оддий халқнинг умуман кўпда ўқимишли бўлмаслигининг сабаби шундаки, билим олиш учун унинг маблағи жуда кам. Аммо борди-ю, бирон қулай шароит туғилиб қолса, деҳқон боласи кўпинча ҳайрон қоларли даражада тез ўсиб, тез илм-маърифатли бўлади. Бунинг сабаби, шубҳасиз, шундаки, деҳқонларимиз табиатга яқин яшайдилар. Агар биз тарихга мурожаат қилсак, шуни кўрамизки, бизнинг авом халқимиз орасидан энг қийин шароитларда, энг юқори давлат хизматларида, фан ва санъатнинг турли-туман соҳаларида руҳий кучи билан ҳам, ўткир ақли билан ҳам, соф олижаноб мақсадлари билан ҳам ажралиб турувчи одамлар кўп чиққан. Масалан, Россияда ҳали на шоҳ, на тартиб ва на аввалдан тайёрлаб қўйилган кучлар бўлмаган бир вақтда Россияни сақлаб қолган нижегородлик авом мешчанин Мининни эслайлик... Авом халқдан чиққан бошқа бир одамни — костромалик мужик Сусанинни эслайлик. Бурч ҳақидаги ўз тушунчаларига астойдил содиқ бўлган бу одам подшони сақлаб қолиш учун дадиллик билан ўзини қурбон қилган. Чунки буни у бутун Россияни қутқариш учун зарур деб билган эди. Нижегород губернасидаги ғариб бир қишлоқдан чиққан деҳқон боласи Никонни хотиримизга келтирайлик. У кейинчалик патриарх даражасига кўтарилиб, ўз даврининг энг ўқимишли кишиларидан бирига айланган эди. Пётр ва унинг ворислари замонида паст табақадан кўтарилган ва турли муносабатлар билан шуҳрат қозонган машҳур одамларга эътибор берайлик. Бир шоирнинг ажойиб таъбирига кўра, Пётр даврида «давлатнинг ярим ҳукмрони» бўлган Меншиков болалигида кўчама-кўча сомса сотиб юрган... Кейинчалик давлат канцлери бўлган, сўзнинг том маъносида бизнинг биринчи дипломатимиз Шафировни Пётр боққоллик дўконининг дастёрлари орасидан топган... Авом халқ вакилларининг давлат ишлари соҳасида юқори кўтарилганини кўрсатувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Фан ва умуман маориф соҳасида ҳам бундай шахслар жуда кўп. Бизнинг биринчи олимимиз, бир ўзида, Пушкин айтганидек, бутун бир академия ва университетни мужассамлаштирган, илмнинг деярли ҳамма соҳаларида меҳнат қилиб жуда катта фойда келтирган Ломоносов — келиб чиқишига кўра архангельсклик мужик эди. Ажнабийларни ҳайрон қолдирган, Екатерина II нинг ҳурматига сазовор бўлган машҳур механигимиз Кулибин — нижегородлик мешчанин эди. Курскда ҳозир ҳам ажойиб астроном — қассоб Семенов яшайди...

Мана шу номлар қаторида Кольцовнинг номи ҳам кўзга кўринарли ўрин тутади. Унинг оддий халқ орасидан чиққани, ҳақиқатан ҳам, кўз ўнгимизда унинг асарларига янги қиммат бахш этмоқда. Бироқ биз Кольцовнинг ажойиб томони фақат унинг оддий халқ орасидан чиққанида деб ўйласак, жуда катта хато қилган бўлар эдик... Йўқ, унинг асарлари жуда кўп шундай фазилатларга эгаки, бу фазилатлар ҳар қандай шоирнинг ижодида ҳам, унинг келиб чиқишидан қатъий назар, юқори баҳоланади. Шунинг учун ҳам Кольцовни бизда жуда кўп учрайдиган деҳқон шоирлари билан сира таққослаб бўлмайди. Масалан, бизда йигирма беш йиллар чамаси бурун Слепушкин ҳақида жуда кўп гап бўлган эди. У ҳам авом халқдан чиққан бўлиб, жуда кўп шеър ёзган.[1] Бу шеърлар ҳақиқатан ҳам анчагина силлиқ, баъзилари эса самимий ҳис-туйғулардан ҳам маҳрум эмас эди. Кўпчилик унинг шеърларини қизиқиб ўқир ва авом халқ орасидан чиқиб, ўзича ўқиб ўрганган бу одамнинг мустақил равишда шу даражага эришганига, кўпгина олим ва ўқимишли кишиларникидан қолишмайдиган шеърлар ёза олишига таажжубланар эди. Аммо бу шеърларни чинакам ўқимишли бирор одам ёзганида эди, ҳамма бу шеърларни диққатга лойиқ шеърлар эмас дер ва ҳеч ким уларни ўқимас ҳам эди... Кольцовнинг шеърлари бундай эмас. Унинг шеърларини авом орасидан чиққан одам эмас, балки энг мукаммал билим олган шоир ёзган бўлганда ҳам, улар жуда ажойиб, одатдан ташқари ҳодиса бўлар эди.

Бироқ, бутун умри бўйи қўшиқ тўқиган ва фақат қўшиқлардагина ўзининг бутун талантини намойиш қилган одам нимаси билан ажойиб бўлиши, қандай муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Кўпчилик шу тариқа савол бериши мумкин, чунки аксар кишилар поэзияни ва умуман санъатни ҳаётда ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга бўлмаган оддий бир эрмак, безак, бекорчи вақт ўтказиш деб ҳисоблайди. Бу нотўғри тушунчани рад этмоқ учун поэзиянинг мавжудлигини белгиловчи асосларга мурожаат қилиш ва поэзиянинг моҳияти нимада эканини ҳамда шоирнинг каттами-кичикми фазилати нимада эканини тушунтириб бериш лозим.

Поэзия бизнинг ички сезгимизга, қалбимизнинг барча гўзал, эзгу ва оқилона нарсаларга ишқибозлигига асосланади. Шунинг учун ҳам қаердаки маънавий ҳаётимизнинг мана шу уч томонидан фақат бир томонигина мавжуд бўлиб, қолган иккисини босиб кетса, у ерда поэзия бўлмайди. Масалан, жуда хушбичим қилиб тикилган фрак ҳар қанча гўзал бўлмасин, барибир, унда поэзиядан асар ҳам йўқ. Чунки унда на эзгулик бор, на донолик. Худди шунингдек, бировдан олган қарзингни ўз вақтида қайтарсанг, бу яхши ва виждоний иш. Бироқ бу ҳам поэзиядан маҳрум. Чунки биз бу ишда на бирор донолик ва на нафосат кўрамиз. Қарра жадвални олсак, у жуда оқило-

ва нарса. Аммо унга ва гўзаллик, ва эзгулик хос бўлмагани туфайли, карра жадвалда поэзия асари йўқ. Шундай қилиб, ҳақиқий юксак поэзия ана шу уч асос — гўзаллик, эзгулик ва оқилоналикнинг тўла мужассамланувидан таркиб топади. Поэтик асарда бу уч нарса қанча тўла мужассамлашса, у асар шунча яхши бўлади. Эзгулик талабига жавоб бериш учун асар, албатта, олижаноб, виждонан бўлиши керак; шунинг учун ҳам қабиҳ ва разил мақтов билан тўлиб-тошган шеърлар, бу мақтов қанчалик яхши ифодаланган бўлмасин, бизга ёқмайди. Ақлимизга озиқ бера олиши учун поэтик асарда, албатта, фикр бўлмоғи зарур: ҳақиқатан, ҳеч ким учун заррача қизиғи йўқ нарсаларни шунчаки санаб чиқиш ёки ҳеч қандай ички маънога эга бўлмаган бирон пуч, арзимас ҳодиса ҳақидаги ҳикоя ҳеч кимга завқ бермайди. Ҳар ким ҳам: хўш, нима бўлибди? Бу гапдан нима маъно чиқади? деб сўрайди... Поэтик асардан айниқса туйғуга, ҳиссиётга таъсир қилиш кўпроқ талаб қилинади. Поэзияга тутинган кишилар кўпинча худди ана шу талабни бажо келтирмайдилар. Улар кўпинча бирор одатдагича воқеани нақл этадилар ёки ўз фикрларини шеърга солиб баён этадилар-у, буларнинг ҳаммасини поэзия деб хаёл қиладилар. Амалда эса шундай бўлиб чиқадики, улар ўз фикрларига ёки эзгу ниятларига маҳлиё бўлиб, ҳис тўғрисида ўйлашни тамоман унутиб юборадилар, натижада, поэзия ўрнига дидактика, яъни қуруқ мулоҳазаларга тушиб кетадилар. Бизнинг ҳисларимиз умумий тушунчалар таъсирида эмас, балки ҳамма вақт жонли предметлар таъсирида уйғонади. Бирон мулоҳазани ўқиб туриб ҳам, унда баён қилинган фикрлар таъсирида биз бирдан қалбимизда ёқимли ёхуд ёқимсиз ҳислар пайдо бўлганини сезишимиз мумкин, албатта. Бироқ гап юритилаётган предметни аниқ тасаввур қилсаккина, бу ҳислар пайдо бўлиши мумкин. Предметни аниқ тасаввур қилар экансиз, умумий фикр бизнинг назаримизда, албатта, муайян образ қиёфасида намоён бўлади. Масалан, биз камбағаллик тушунчасидан оч қолган, усти-боши жулдур, камбағал одамни тасаввур қилишга, бахт тушунчасидан бахтиёрлик ҳақидаги орзуларимизга мос келадиган бирон ҳаётий манзарани тасаввур қилишга кўчамиз ва ҳоказо. Шу асосда бизнинг ҳисларимизни қондира олиш учун поэзияга жонли, аниқ *образлар* зарур. Бундай образлар эса қалбимизда биз поэтик формада ифодаламоқчи бўлган фикрни яхши уқиб олганимиздагина эмас, балки, уни инсон қалбида ўнғайлик билан ҳиссиётлар қўзғатадиган даражада аниқ ва жонли тасаввур қилганимизда пайдо бўлади. Шоирона табиатли одамларни бошқалардан ажратиб турадиган асосий фарқ ҳам худди мана шу ўринда равшан кўринади. Ҳар бир ақлли одам ҳақиқатни *тушуна олади;* олижанобликдан маҳрум бўлмаган ҳар қандай одам *эзгу ишга интилиши керак* ва интилади ҳам. Аммо фақат шоир ва умуман санъаткоргина ҳақиқатни ҳам, эзгу нарсани ҳам кучли *ҳис*

қила олади, улардаги ҳаёт ва гўзалликни кўра олади, уларни аниқ ва ажойиб образларда тасвирлаб бера олади.

Аслини олганда, шоирона ҳиссиёт деярли ҳар бир одамда бўлади. Ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган, дунёдаги ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган даҳмазалар ва эҳтироссиз одамларни топиш роят мушкул иш. Аммо оддий одамларда ҳиссиёт жуда кучсиз намоён бўлади ҳамда кўпинча тирикчиликнинг турли ташвишлари остида кўмилиб кетади. Шоир одамда эса бу ҳиссиёт жуда тараққий этган бўлади, унинг қалбининг бошқа томонлари устидан ҳукмронлик қилади ва ҳар қандай ташқи тўсиқларга қарамай, жуда ёркин намоён бўлади.

Айтганча, шоирларнинг ўзида ҳам ҳиссиёт ўзининг кучи ва йўналишига кўра турлича бўлади. Ҳаётдаги турли вазиятларга қараб ва табиий темпераментига кўра шоирнинг ҳислари бошқа одамларда ҳам бўлгани каби бирор томонга кўпроқ йўналтирилган бўлиши мумкин. Масалан, баъзи бир ўтиришларда шундай одамларни учратиш мумкинки, улар бирор латифа ёки ҳодисани жуда жонли ва қизиқарли қилиб айтиб бера оладилар, аммо предметни аниқ ва тўғри тасвирлаб беролмайдилар, бу предметдан олинадиган таассуротни ифода қила олмайдилар. Бошқалар эса, аксинча, предметларни аниқ тасвирлай олишлари билан ажралиб турадилар. Улар, предметларни шундай яхши тасвирлайдиларки, тингловчилар кўз ўнгида улар жонли нарсалардай гавдаланади ва бунинг натижасида уларнинг қалбида осонлик билан чуқур ҳислар қўзғалади. Ҳикоячиларнинг учинчи хили ҳам бор. Улар одамлар ва предметларнинг хусусиятларини шунчалик аниқ топа оладиларки, овоз ва ҳаракат билан, афт-башараларини ўзгартириш билан, тақлид қилиб уларни кўрсатиб бериб қўя қолади. Булар ҳикоячиларнинг энг жонли тоифасидир... Поэзияда ҳам худди шу аҳволни кўрамиз. Баъзи шоирлар ҳаётда содир бўлиб турадиган ҳодисаларни яхшилаб ҳикоя қилиб беришга кўпроқ уста бўладилар. Бу *эпик* ёки баёний поэзия деб аталади. Унга поэмалар, романлар, повестлар, эртаклар ва ҳоказолар киради. Иккинчи хил шоирлар айниқса предметларни тасвирлашни ва бу предметлар қўзғайдиган ҳисларни, таассуротларни ифодалашни яхши биладилар. Бу *лирик* поэзия бўлади ва унга майда шеърларнинг деярли ҳамма тури киради. Унинг лирик поэзия деб аталишига сабаб шуки, қадим замонларда бундай шеърларнинг ҳаммаси қўшиқ қилиб айтилган ва қўшиқларга лира деган чалғу асбоби жўр бўлган. Ниҳоят, шундай шоирлар ҳам борки, улар ўз тилларидан гапиртмай, ҳар хил шахсларни бизга рўбарў қиладилар ва уларни гапиришга, ўзаро турли муносабатларга киришишга мажбур этадилар. Бу — *драмадир.* Драма деганда биз комедияни ва умуман ҳар қандай театр томошасини тушунамиз. Поэзиянинг ҳамма соҳаларини мана

шу уч жинс ташкил қилади. Адабиётда булардан бошқа жинс йўқ.

Албатта, поэтик асарларда бу уч жинсни бир-биридан тамомила ажратиб қўйиш мумкин эмаслигини эсда тутиш лозим. Повестда ҳам кўпинча турли шахслар ўзаро суҳбатлашади, ўзлари ҳаракат қилади, автор эса улар учун ўз тилидан гапирмайди; драмада ҳам лирик ҳисларга тўла нутқлар бўлиши мумкин; лирик шеърга эса ҳисларни янада кучлироқ қўзғаш учун ҳикоя киритилиши мумкин. Жинсларнинг бундай аралашувисиз адабиётда иш битириш қийин, чунки бу ҳол ҳаётнинг ўзида ҳар қадамда учраб туради, поэтик асар эса ҳаётда бор нарсанинг ҳаммасини бизга қанча жонли ва тўғри очиб берса, шунча яхши. Поэзиянинг уч жинси ўртасидаги фарқ асарда фақат *ё тасвирнинг, ё баённинг, ё ҳаракатнинг* бўлишига қараб эмас, балки уларнинг қайси бири кўпроқ иштирок этишига, етакчи роль ўйнашига қараб белгиланади.

Поэзиянинг номлари айтиб ўтилган уч жинсдан энг кўп тарқалгани *лирик* поэзиядир. Ҳақиқатан ҳам, предметлар бизда тўхтовсиз таассуротлар уйғотиб туради, қалбимизда эса бир онда ўтиб кетадиган турли-туман ҳиссиётлар тўхтовсиз пайдо бўлиб туради. Бу таассуротлар ва ҳиссиётларнинг ҳар бири лирик шеърга мазмун бўлиши мумкин. Шоир ҳам шундай таассуротлар ва ҳиссиётларни тасвирлаб, одамларга катта хизмат қилади: шоир бўлмаса, жуда кўп гўзал ҳиссиётларни ва олижаноб интилишларни унутиб юборган бўлар эдик; улар қалбимизда бир лаҳзагина пайдо бўлар эди-ю, шу ондаёқ турмушдаги майда-чуйда ташвишлар таъсирида йўқолиб кетарди. Қалбдаги ҳиссиётларни гўзал қилиб тасвирлай оладиган шоир бу ҳисларни доимо бизга эслатиб туради ва бир вақтлар ташқи шароитлар бўғиб қўйган ҳиссиётларни қалбимизнинг теран жойларида қайтадан вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам шоирнинг фазилати, бир томондан, ундаги поэтик ҳиснинг қанчалик кучли эканига, иккинчи томондан эса — бу ҳиснинг қандай предметларга ва бу предметларнинг қайси томонларига йўналтирилганига боғлиқдир. Ҳиснинг қандай предметга ва предметнинг қайси томонига йўналтирилиши эса ақл-фаросатга боғлиқдир. Шундай шоирлар борки, улар фақат жўшқин ҳисга эгалар-у, бошқа нарсалардан маҳрумлар. Уларнинг ақл-фаросати шу қадар чекланганки, улар бирор темага ёпишиб олиб, бутун умр бўйи шу темани куйлайдилар. Кўпинча бу жуда арзимас ва майда тема бўлади. Бунинг устига уни ўзлари тузукроқ тушунмайдилар ҳам. Яна бир тоифа шоирлар борки, улар шеърларининг кўпчилигида қандайдир ноаниқ бир қайғу-алам ҳақида нола чекадилар, аммо нимадан нола-фиғон қилаётганликларини ўзлари ҳам дурустгина билмайдилар. Яна бир хил шоирлар ҳаёт ва дунёнинг яхшилиги ҳақида жар солиб, нималардандир завқланган-

лари-завқланган; бироқ улар мақтаб кўкка кўтараётган ҳаёт ва дунё нега яхши, унинг яхшилиги нимада кўринади — бу саволлар уларнинг ўзлари учун ҳам жуда қоронғи... Бундай шоирларнинг поэзияси *фикран* жуда камбағал бўлгани туфайли муҳим аҳамиятга эга бўла олмайди. Шунингдек, яна бир тоифа шоирлар борки, улар гарчи анча-мунча нарсаларни билсалар ҳам, ақл-фаросатда унча юксак турмайдилар. Улар турли-туман предметлар ва ҳиссиётларни тасвирлашга киришадилар-у, аммо предметнинг энг муҳим, энг асосий томонларини дарҳол пайқаб олиш учун, унга оддий ва тўғри қарашни билмайдилар. Қандайдир номуҳим, эътибор бермаса ҳам бўлаверадиган, тамомила тасодифий белгилар уларнинг назарида энг зарур белгилардай кўринади, энг муҳим ва энг асосий белгилар эса бир чеккада қолиб кета беради. Кўп нарсаларга ақли етадиган одамларнинг назарида бундай шоирларнинг асари мутлақо аҳамиятсиз ва ҳатто кулгили бўлиб қолади. Бундай асарлар бирон дурустроқ поэтик фазилатга эга бўла олмайди...

Иккинчи томондан, ақл-фаросатли одамлар ҳам жуда ёмон шоир бўлишлари мумкин. Уларда кўпинча ҳиссиёт ўрнини мулоҳазалар эгаллаб олади ва уларнинг қалбида шоирни табиат ва ҳаётдаги ҳар қандай ҳодисага нисбатан жуда таъсирчан қиладиган *сезгирлик*, зеҳн бўлмайди. Улар ё жонли тасвирлар ўрнига бизга умумий гапларни тақдим қиладилар, бу умумий гаплар эса ҳамиша зерикарли бўлади, ёки тасвирламоқчи бўлганлари ҳодисадаги соддалик ва табиийликда поэзияни ҳис этолмай, муболағалар ва безакларга мурожаат қиладилар. Бу эса табиатда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган ғайри табиий, бемаъни образларни туғдиради. Бундай шоирлар ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга бўла олмайдилар, чунки улар ҳам бир одамнинг қалбида яшайдиган поэтик ҳиссиётни қондира олмайди.

Юқорида айтганларимизнинг ҳаммасидан шу нарса аёнки, лирик поэзиянинг жамият учун муҳим аҳамиятини сира инкор қилиб бўлмайди. Лирик поэзиянинг турларидан бири бўлган *қўшиқ* ҳам жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Одатда умуман ҳар қандай лирик шеърни *қўшиқ* деб атайдилар ва ҳатто умуман поэзияни *қўшиқ айтиш* деб ҳисоблайдилар. Аммо *қўшиқ* деганда куйлаш учун қулай бўлган ва оддий ҳаёт ҳодисалари томонидан туғдирилган бирон ички ҳисни ифодаловчи унча катта бўлмаган лирик шеърни тушуниш керак. Бундай қўшиқлар ҳамма халқларда мавжуд, аммо халқ поэзиясини текшириш билан шуғулланган ҳамма одамларнинг далолатига кўра, ҳеч қайси халқнинг қўшиққа муҳаббати славянларникичали эмас. Славянларга эса руслар ҳам киради. Бизда халқ ўз ҳаётидаги ҳамма тантанали ҳолларда, ҳар қандай иш бошида, ҳар қандай шодлик ва қайғу-ғамда ҳам қўшиққа мурожаат қилди. Ғўдаклар йўргакдалик чоғидаёқ қўшиқ билан аллаланади; катта

бўлган сари эса унинг ўзи халқ қўшиқларини куйлашни ўрганиб боради. Қиш кунлари деҳқон ёшлар тўпланиб қолгудек бўлса, албатта, қўшиқлар янграйди; баҳор келганда, қишлоқ аҳолиси уни қарши олиш учун, гулчамбарлар тўқишади, ўйинлар қилишади. Бундай чоғларда ҳам қўшиқ айтилмай иложи йўқ. Деҳқон далада ер ҳайдар экан, оғир меҳнатини қўшиқ билан енгиллатади; ҳосилни ўриш пайтларида ҳам, қуёшнинг иссиқ таптида уни йиғиб-тераётган вақтларида ҳам қўшиқ янграб туради — оғир меҳнат қилаётган деҳқонларнинг кўнглини кўтаради. Ёз билан хайрлашар эканлар, ҳосил байрамини ўтказар эканлар — бунда ҳам, албатта, қўшиқ айтилади. Ижтимоий меҳнатнинг ҳаммасида қишлоқ аҳолисига қўшиқ жўр бўлади; қўшиқ уларнинг оила ҳаётига ҳам кириб боради. Йигит уйланадиган бўлса, совчиликка борилса, қизоши бўлса, тўй бўлса, уларнинг ҳаммасида, албатта, шу тантана учун махсус тўқилган қўшиқлар куйланади. Оила билан хайрлашиш кунлари етиб келса, она ўғлини, хотин ёрини сафарга кузатса, оҳ-зор билан, йиғлаб-сиқтаб, ҳижрон қўшиғини айтиб кузатади. Бирор одам қазо қилиб қолса, мунгли қўшиқлар, марсиялар айтиб, у билан видолашилади... Бирор сабаб билан қалбни ғам-алам қопласа, у шу ондаёқ ҳазин қўшиқ бўлиб отилиб чиқади... Қалбда шодлик ўйнаса, бу шодлик ҳам хушчақчақ, янгроқ қўшиқда ифодаланмай иложи йўқ...

Аммо бизда хушчақчақ қўшиқлар кам... Халқ қўшиқларининг кўпчилиги ҳазин, мунглидир. Гоҳ бу қўшиқларда ўғлини йўқотган онанинг ёки қаллиғидан ажралган келиннинг ноласи куйланади; гоҳ ёш жувон эрининг қаттиқлигидан ва қайнонасининг ёвузлигидан нолийди; гоҳ уларда узоқ бегона юртларда ватанини согиниб юрган, севган одамларининг ҳижронида куйган ғариб йигитнинг фиғони эшитилади; гоҳ ғам-аламдан юрак-багри эзилган ғариб камбағал ҳеч нарсаси йўқлигидан ва ҳамманинг назаридан четда яшаётганидан шикоятлар қилади. Бу қўшиқларнинг ҳаммасида ҳам қандайдир истакни, қандайдир яхшироқ қисмат қўмсалганини, қандайдир қалб парвозини кўриш мумкин. Бироқ бу парвоз — ноаниқ, жуда галати, кўпинча ўзи-ўзини маҳв этиб юборадиган парвоз. Баъзан қўшиқда қандайдир бирон дадил, мардона, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган интилиш ифодаланади ва кўпинча, бу интилиш номаъқул ҳам бўлади, ижтимоий ахлоққа мувофиқ ҳам келмайди...

Бу қўшиқларда ҳис кўп; аммо, юқорида кўрганимиздек, ақллийлик кам, чунки уларда ифодаланган интилишлар, майларнинг кўпчилиги онгсиз. Эзгуликни ҳам ҳамма қўшиқларда учратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бу қўшиқлар ичида жуда поэтик асарлар учраб турса-да, умуман айтганда, улар поэтик жиҳатдан жуда ҳам юқори даражада туролмайдилар. Уларнинг кўпчилигида жуда ажойиб табиат тасвирини кўрамиз,

аммо табиатни тасвирлашда қўшиқларда бир хиллилик сезилади. Бу бир хиллиликни қисман қўшиқларнинг умумий ҳазин оҳангда бўлишлиги билан изоҳлаш мумкин: одатда уларда кимсасиз маъюс чўл-биёбон тасвирланади, унда бир неча дарахт бўлади, дарахтлар остида эса яраланган ёки ҳалок этилган мард йигит ётган бўлади; ёхуд уч-тўртта белги билан денгиз сатҳини қоплаб олган қуюқ туман, туман ичида зўрға-зўрға милтираб турган юлдузча ва ўзининг аччиқ тақдиридан нола чекувчи қиз тасвирланади. Қўшиқларнинг деярли ҳеч бирида табиатнинг ёрқин, нурли, серзавқ манзаралари ёки унинг даҳшатли, шиддатли ҳодисаларини учратмаймиз. Ҳамма қўшиқлар сокин ва маъюс ғам билан тўла; бу ғам кўпинча аччиқ киноя айланади, баъзан эса унда дадил мардона интилиш жўш уриб туради.

Бизнинг халқ қўшиқларимиз узоқ вақт давомида диққатимизни жалб қилмай келди. Ҳатто ўтган асрда кўпгина одамлар унга нафрат билан қараган эдилар. Бироқ, умуман поэзия ҳақидаги тўғри тушунчалар бизда секин-аста тарқалиб қарор топа борган сари, халқ қўшиқларига менсимай қарашлар ҳам йўқола борди. Уларни тўплай бошладилар ва ҳатто уларга тақлид ҳам қила бошладилар. Аммо бу тақлидлар тамомила муваффақиятсиз бўлди, чунки уларнинг авторлари бу ишни жуда уқувсизлик билан қилдилар ва бунинг устига поэзия ҳақидаги аввалдан ўзлаштириб олганлари сохта қарашларга амал қилдилар. Улар шоирнинг фазилати — гўзалликни хаёлдан тўқиб бичиш, ўйлаб топишда эмас, балки предметнинг ўз табиатида, ўз ичида мавжуд бўлган гўзалликни пайқай олиш ва тасвирлаб беришда эканини тушунишни истамадилар. Улар табиат кўнгилдагича гўзал эмас, уни, албатта, *бўяб-бежаш* керак, деб хаёл қилдилар. Шунинг учун халқ қўшиқлари ҳам уларга жуда дағал кўринди, қулоқларига эриш эшитилди, чунки уларда олдий халқнинг дағал турмуши ҳеч қандай безаксиз, бўялмасдан тўғри акс этар эди. Шундай қилиб, улар ҳақиқий ҳаётни эслатиб турадиган ҳамма нарсани улоқтириб ташлашга, яъни ҳар қандай поэзияни улоқтириб ташлашга интилдилар, улар ўрнига эса мужикларнинг сочини шоирона жингалак қилиб, устига басовлат чопонлар кийдириб, хотинларни ясантириб тасвирлашни ўйлаб топдилар, уларни нозик, эрка, кўнгли бўш чўпонларга айлантириб, ғайри табиий, бўлиши мумкин бўлмаган, чучмал ҳиссиётлар эгаси қилиб қўйдилар. Бундан ҳар қандай поэзиядан маҳрум бўлган риторик жумлалар, баландпарвоз гаплар келиб чиқди, холос. Аммо ўша пайтда бундай шеър тўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам табиатни шу тариқа бўяб-бежаб, тузатиб тасвирлаб яхши иш қиляпмиз, деб ўйлар эдилар. Бунга ўхшаш шеърлар бизда ўтган асрнинг охирларида, айниқса, кўп ёзилган; ўша пайтларда халқ турмушидан олиниб ҳаддан ташқари бўяб-бежалган, яъни бузилган идиллиялар ҳам, элегиялар ҳам, қўшиқлар ҳам

пайдо бўлди. Ҳамма нарсани содда, табиий кўринишида эмас, бўяб тасвирлашга интилиш ўша вақтларда бутун адабиётимизда ҳукмрон эди. Бу интилиш французларга тақлид қилиш туфайли туғилган эди; худди боягидек, чучмал, сентиментал хисларни биз ўша пайтларда халқ қўшиқларидан андоза олиб ёзилган ва катта муваффақият қозонган кўпгина қўшиқларда ҳам учратамиз. Масалан, Карабанов, Николаев, Нелединский-Мелецкий кабилар шундай қўшиқлар тўқишда машҳур бўлганлар. Уларнинг қўшиқларидан кўпчилиги куйга солинган, ҳатто халқнинг айрим тоифалари ичига ҳам кириб борган эди. Бу тоифалар аллақачонлар авомдан, ҳаётдаги дастлабки ибтидоийликдан узоқлаша бошлаган, аммо ҳали ўқимишли, маърифатли бўлиб олганича ҳам йўқ эди. Бу қўшиқларнинг қанақа бўлганини бир неча мисолдан кўриш мумкин. Мана, масалан, Кағабановнинг ўз даврида жуда бозори чаққон бўлган бир қўшиғи:

Севганимга учиб бор,
Сен менинг қўшиққинам.
Қисматимни қил изҳор,
Айтгин соғинчимни ҳам.
Бор, нафис қўлларга бор,
Намоён бўл кўзларга.
Айт дил ғамларин такрор,
Паристалар-қизларга.
Тақдирни бундан зиёд
Айтгин, қилмайман ҳавас.
Тутқунликда умрбод
Ер қўйнида бўлсам бас.

Мана шу тариқа яна қирқ мисра шеър бор. Уларда ҳам бошдан-оёқ бир хил риторик жумлалар такрорланади. Уларда на ҳаёт бор, на табиийлик ва на фикр. Ҳолбуки, бу қўшиқни Карабанов яратган қўшиқлар орасида энг яхшиси деса бўлади.

Мана — яна бир қўшиқ. Бутун Россияга маълум бўлган бу қўшиқни Нелединский-Мелецкий тўқиган:

Чиқиб дарё бўйига,
Оқимига қарайман.
Ялинаман тўлқинга
Ташвишимни олгин деб.
Дардим олиб кетмайсан,
Қайта ортар ғам-алам.
Сен оқимга етмайсан,
Мен хафақон яна ҳам.
Оқим қувар оқимни
Сенинг нишоб йўлингда.
Хаёл чулғар ақлимни,
Бир ният бор ўйимда.

Қўшиқнинг ҳаммаси жуда узун. Унинг давоми бу мисралардан солиштириб бўлмас даражада ёмон. Бу ўринда шоирнинг рус қўшиқларида жуда кўп учрайдиган дарёга мурожаат қилиш билан халқ қўшиқлари оҳангига мослашиб олмоқчи бўлганини кўрамиз. Аммо дарёга мурожаат қилинади-ю, дарҳол унинг кетидан фикрлар оқими дарё оқимига ўхшатилади. Бу ўхшатиш—китобий ўхшатишдир. Халқдан узоқлик «Дардим олиб кетмайсан» деган ноқулай ва галати поэтик иборада ҳам яққол кўриниб туради. Қўшиқнинг оҳангида ҳам бошдан-оёқ унда қалбдан отилиб чиққан ҳиссиёт йўқлигини, аксинча, бекорчиликда эрмак учун ўйлаб топилган совуқдан-совуқ риторик жумлаларгина мавжудлигини аниқ сезиш мумкин... Вақт ўтиши билан поэзияда нимани гўзал деб билиш ҳақидаги тушунчалар ҳам бир қадар ўзгарди, халқ қўшиқларида уларнинг ҳақиқий фазилатлари эътироф этилди ва бутун Россия бўйлаб улар тўплана бошланди. Жаноб Сахаров беш қисмдан иборат халқ қўшиқлари тўпламини нашр қилди.[2] Ундан ташқари бошқалар ҳам баъзи бир кичик-кичик қўшиқ тўпламларини нашр эта бошладилар. Жаноб Киреевский жуда катта қўшиқлар тўпламини тузиб чиқди. Аммо у ишини охирига етказолмай, яқинда вафот қилди...[3] Бизнинг ёзувчилар ҳақиқий халқ қўшиқларини аввалгига қараганда тузукроқ билиб олиб, ўз тақлидларида уларга кўпроқ яқинлаша бошладилар. Уларнинг ичида энг диққатга сазоворлари Мерзляков, барон Дельвиг ва Дигановлардир. Уларнинг асарларида руҳи жиҳатидан халқ қўшиқларимизга жуда ўхшаб кетадиган жойлари кўп топилади; ҳатто ғам, нола ва ҳоказо каби ҳисларни жуда яхши ифодалайдиган бутун бошлиқ қўшиқлар ҳам бор. Масалан, Мерзляковнинг «Қора қош, қора кўз» деган жуда ажойиб қўшиғи бор, Дельвигнинг «Оҳ, сен, тунмисан, тунмисан» деган қўшиғи ва ҳоказолар бор. Аммо уларда ҳам рус халқига, рус ҳаётига хос бўлган хислатлар ҳамон жуда кам. Уларнинг қўшиқларида ифодаланадиган ҳислар табиат қучоғида яшовчи, содда ва табиий тилда гапирувчи оддий одамларга мансуб эмас, балки шундай одамларга мансубки, улар атайин табиий одамларга ўхшамасликка, улардан узоқлашишга ҳаракат қиладилар. Бундай одамлар Грибоедовнинг ажойиб таъбири («Ақллилик балоси»даги) билан айтганда,—

Бирор сўзни тўғри айтмас соддалик билан,
Узларини солиб кўрар минг хил кўйларга.

Мана, масалан, Дельвигнинг энг яхши қўшиқларидан бири. Бу қўшиқ яқин-яқинларгача ҳам катта шуҳрат қозониб келган эди:

Куйлай-куйлай қушчагина
Сўнг жимиб қолди.
Юрагдаги севинчи-ю,
Тинчи йўқолди.
Нега, куйчи қушчагина,
Жимиб қолдинг сен?
Нега юрак, дардкаш бўлдинг
Қоро ғам билан?

Ҳароб қилди қушгинани
Евуз одамлар.
Уғлонни ҳам ҳалок этди
Евуз ниятлар.
Учса эди қушчагина
Денгиз томонга,
Қочса эди ўғлонгина
Қуюқ ўрмонга.
Кенг денгизда бўрон эмас,
Унда зўр уммон.
Ўрмондаги одамлармас
Беаёв ҳайвон.

Бу қўшиқнинг формаси халқ қўшиқлариникидай кўринади; аммо унга бироз диққат қилиб қаралса, бу форманинг жуда ҳам қалбаки эканини кўриш мумкин. Йигитни қушчага ўхшатишнинг ўзиёқ рус халқининг руҳига мутлақо тўғри келмайди. Бу ўхшатиш роппа-роса икки мисра орқали қўшиқнинг бошидан-охиригача шу қадар расмиятчилик билан такрорланиб бориладики, у мутлақо ўлик ўхшатишга айланади, қалб ҳислари сира иштирок этмаган ҳолда халқ қўшиғи формасига бемаъни мослашув бўлиб қолади. Табиий бўлмай, тўқиб чиқарилган бу ўхшатиш асли ҳолича ҳам тўғри эмас: қўшиқнинг бошида *ёвуз одамлар* қушчани ҳалок этишади; қўшиқнинг охирида эса қушча *қуюндан* сақланиш учун денгиз сари учиб кетади; бу қуюн, бинобарин, йигитни ҳалок этган шум овозаларга ўхшатилади; ўрмондаги ҳайвонлар эса денгиз тўлқинлари билан бир қаторга қўйилади. Нега бундай, нега шундай ўхшатилянти деб сўрамай ҳам қўя қолинг, қўшиқдаги асосий фикр ҳам, яъни йигит шум овозалардан ўрмонга қочади деган фикр ҳам бизнинг содда, доно халқимизга ёпишмайди: бундай фикр киборлар жамиятининг фисқу-фужури, ғийбатлари ичида яшаган одамнинг миясидагина туғилиши мумкин, холос.

Бу қўшиқларнинг ҳаммасидан Кольцовнинг қўшиқлари ер билан осмонча фарқ қилади. Биз рус қалбига, рус ҳисларига эга бўлган, халқ турмушини яқиндан билган, халқ билан бирга яшаган ва унга бутунлай хайрихоҳлик билан қаровчи соф рус кишисини биринчи марта Кольцовнинг қўшиқларида учратдик. Унинг қўшиқлари ўз руҳига кўра, кўп жиҳатдан халқ қўшиқларига ўхшайди, аммо Кольцов қўшиқлари поэзияга бойроқ, чунки уларда фикрлар, ўйлар кўпроқ ва бу фикрлар, бу ўйлар катта маҳорат билан, санъат билан, кучли ва ранг-баранг ифодаланган, чунки унинг ҳислари анча чуқурроқ ва онглироқдир ҳамда интилишларининг ўзи ҳам анча олижаноб ва аниқдир. Кольцовни халқ турмушига яқин қилган ҳаёт шароитлари, бир томондан, унга халқнинг ҳақиқий эҳтиёжларини билиш ва халқ руҳига кириб олиш имконини берди. Аммо шу шароитларнинг ўзи Кольцовни бир оз ўқимишлилик, маърифатлилик даражасига кўтардики, бу халқдаги жамики дағал, онгсиз ва ноаниқ нарсалар Кольцов қўшиқларида

сайқалланган, оқилона ва аниқ ҳолда қайтадан вужудга келишига сабаб бўлди.

Кольцовнинг қандай қилиб бунга муваффақ бўлганини бизга унинг ҳаёти изоҳлаб беради, чунки унинг бутун поэзияси унинг ҳаёти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биз энди бу одамнинг ажойиб ҳаётини баён қилишга киришамиз, кейин эса Кольцов поэзиясига ва айниқса унинг рус қўшиқлари номи билан аталган шеърларига хос бўлган турли хусусиятлари ҳақида баъзи бир шахсий мулоҳазаларимизни ўртага ташлаймиз.

Azərbaycan Milli Kitabxanası
Xüsusi qiymətli resurslar şöbəsi
INVENTAR № 37679

II БОБ

Кольцовнинг болалиги. Унинг отаси; ҳаётининг дастлабки йиллари, бошланғич тарбия, билим юрти, уйдаги машғулотлар; чўлда бўлиши; табиатга муҳаббат; китоб ўқишга иштиёқ; дўстлик.

Алексей Васильевич Кольцов 1809 йил 2 октябрда[4] Воронежда туғилди. Унинг отаси воронежлик мешчанин бўлиб, бой эмас, аммо ўзига тўқ эди. У, қўй жаллоблик қилар эди. У қўйларни кўпинча ўша ўлкада мавжуд бўлган ёғ эритувчи заводларга етказиб бериб турарди. Кольцовнинг отаси маърифатнинг қадрига ета оладиган ва ўғлининг ўқимишли бўлишини истайдиган даражада маълумотли эмас эди. Кольцов ҳаётидаги баъзи бир ҳодисаларга қараб ҳукм қилганда, у эсли-ҳушли, эпчил, ўз ишларини ҳамма вақт уддабуронлик билан қила оладиган ва ҳатто ўз фойдаси учун баъзан ҳар хил ҳаром-хариж йўллардан ҳам тортинмайдиган одам эди. Ўз фойдаси учун қаллобликдан ҳам тоймаслик масаласига келсак, бу иш бизнинг чакана савдомизда мутлақо оддий нарса бўлиб қолган... Савдо-сотиқ бобида пишиқлигига қарамасдан, Кольцовнинг отаси кишини олижаноб қиладиган, унга соф ва юксак интилишлар бағишловчи ақл-фаросатдан тамомила маҳрум эди. У бутун вужуди билан савдо-сотиқ ишларига берилиб кетган, эртаю кеч ҳар нарсадан фойда чиқаришни ўйлар эди. Шунинг учун ҳам, у, табиий, ўғлининг қобилиятини ва хоҳишларини тегишинча тўғри баҳолай олмасди. Гўдаклик йилларида Кольцовни ҳеч ким тергаб-тежаб турмади, унинг ўсишини кузатиб бормади. Унинг ақлий ва маънавий ўсишигагина эмас, ҳатто жисмоний соғлом ва бақувват бўлишига ҳам ҳеч ким ғамхўрлик қилмади. Ҳозир ҳам қишлоқларда ва кўчаларда эртадан-кечгача ҳеч кимнинг назоратисиз кўча чангитиб, югуриб юрадиган тўда-тўда болаларни кўп кўриш мумкин. Кўпчилиги беш-ўн ёшлар орасида бўлган бу ўғил ва қиз болалар одатда, яланғоёқ, ҳамма ёғи кир, ювунмаган, таранмаган бўлади. Улар тўғри келган жойда тентиб югуриб юришади, бир-бирлари билан жанжалла-

БИБЛИОТЕКА

шишади, муштлашишади. Шундай қилиб юриб, улар кўпинча шамоллаб қолишади, зотилжам бўлишади ёки уларга бирон хавфли касал юқади, ёхуд бирон ерлари майиб бўлади-ю, бир умрга ногирон бўлиб қолишади. Ўзининг илк болалик йилларини Кольцов ҳам худди шундай аҳволда ўтказди ва катталарнинг бепарволиги туфайлиги кўп қатори саломатлиги заиф бўлиб қолди. Шабнамли кўкатларни ялаш, оёқ босиб юриб, кўлмакларни кечиб юриб, у жуда оғир касалга дучор бўлди. Бу касал туфайли оёғидан ажрашига сал қолди. Бу галча уни даволадилар. Унинг оёғи тузалиб кетди, аммо шундай бўлса-да, касалнинг асари қолди ва кейинчалик ҳам унга кўп таъсир кўрсатди.

Ота-она бундай бепарволик билан қарагандан кейин, бола қандай қилиб яхши ўсади, дейсиз. Аммо шундай бўлса-да, унинг табиий қобилиятлари ва майллари устун чиқди. Бошқа болаларга тентаклик қилишга, дангаса бўлишга ва ахлоқсиз ўсишга имкон берадиган нарсалардан Кольцов ажойиб таассуротлар ола билди ва табиатнинг ҳамиша жонли гўзалликларига яқинлашиш йўлини топа олди. У кўпинча отасининг подалари билан ўрмонга ёки чўлга кетиб қолар ва у ерда кейинчалик қўшиқларида шу қадар яхши тасвирлаган табиатдан тўйиб-тўйиб лаззатланарди. Унинг бу лаззатланиши ҳозирча шуурсиз бўлса-да, аммо унда эндигина уйғониб келаётган поэтик ҳиссиёт унинг лаззатланишига таъсир кўрсатмас эди деб айтиб бўлмайди, албатта. Маълумки, болалигимизда олган таассуротларимиз ҳамма вақт жуда кучли, жуда жонли, жуда яшовчан бўлади. Улар қалбимизда бутун ҳаётимиз давомида сўнмайдиган чуқур излар қолдиради. Шунинг учун ҳам биз Кольцовнинг шеърларига қараб, болалигида уйида, отасининг савдо-сотиқ ишларида жуда кўп кўра бериб жонига тегиб кетган ифлос, паст, бемаъни ва кўпинча ахлоқсиз ишлардан кўра, табиатнинг соф, жонли ҳодисалари унга кўпроқ таъсир кўрсатган деб, ҳукм қилишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам, бошқа болага фалокатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган нарсалар ҳам, дастлабки тарбияда катталарнинг ғамхўрлиги ва назорати етишмаганининг ўзи ҳам Кольцовни табиатга яқинлаштириб ва қўпол ҳаётнинг пасткаш икр-чикирларидан сақлаб қолиб, унга фойда келтирган...

Уз ўғлини дурустгина маълумотли одам қилишни ортиқча иш деб билган Кольцовнинг отаси уни хўжаликда ва савдо-сотиқ ишларида ўзига шунчаки ёрдамчи қилмоқчи эди. Аммо бунинг учун ҳам ҳеч бўлмаса бир оз илм кераклигига унинг ақли етади ва шиҳоят ўғлига савод ўргатишга қарор қилади.

Воронежлик қандайдир семинарист қўлида ўқиш-ёзишни ўргана бошлаганда, Кольцов тўққиз ёшга тўлган эди. Шу ёшигача ўз эркн билан юриб, ўйинқароқ бўлиб қолган бола ўқишга бўйни ёр бермас деб ўйлаш мумкин. Аммо боланинг

табиати шу қадар яхши эдики, у ўзи ҳеч кимнинг турткисиз билимга интиларди. Шунинг учун Кольцов жуда осонлик билан савод чиқарди. Орадан кўп ўтмай, у китобларни шариллатиб ўқийдиган бўлиб қолди ва отаси ўқишни давом эттириш учун уни Воронеж уезд билим юртига беради. Кольцовнинг бу ерда қандай ўқиганн ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ; аммо унинг мактабдан унча кўп нарса ололмаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Эҳтимол, у мактабда ҳам бошқа болалардан орқада қолмагандир, чунки бошқалар билан бирга у ҳам иккинчи синфга кўчирилган, бироқ иккинчи синфда у ҳаммаси бўлиб фақат тўрт ой ўқиди, холос. Боланинг ўқишни, ёзишни ва ҳисобни ўрганиб олганини кўриб, отаси унинг ўқишни давом эттиришга сира ҳожат йўқ деб ҳисоблайди ва уни мактабдан чиқариб олиб, хўжалик ишларида ўзига қарашишга мажбур қилади. Билмадик, Кольцов мактабдан ажрагашда қандай ҳисларни кечирди экан? У пайтда бошқа кўпгина болалар каби Кольцов ҳам мактабда ўқитиладиган ҳикматлардан қутулганига роса севинган бўлса ҳам ажаб эмас. Аммо кейинчалик бутун умри давомида Кольцов ўзини ҳеч бўлмаса бошланғич маълумот олиш имконидан маҳрум қилган мана шу воқеани доимо афсус ва ачиниш билан эслайди. Унинг табиий зеҳни қанчалик ўткир бўлмасин, унинг фаҳми-фаросати қанчалик кучли бўлмасин, у кейинчалик маълумотини ошириш учун қанчалик кўп меҳнат қилган бўлмасин, буларнинг ҳеч қайсиси ҳеч қандай ўқишсиз, мактаб кўрмай ўтказилган болалик ва ёшлик йилларининг ўрнини қоплай олмас эди.

Воронеждаги билим юртидан унинг ортдирган яхши бир хислати шу бўлдики, унинг қалбида китобга эҳтиросли муҳаббат пайдо бўлди. Билим олишга, ақлий машғулотларга бўлган интилишни ҳеч қандай нарса мутлақо сўндира олмас эди. Ҳар қандай ақлли ва бузилмаган болаларда бўлгани каби ундаги бу интилиш шу ёшдаги болалар учун умумий ва табиий бўлган ўйинчоққа ёки ширинликка ўчликдан ҳам кучли эди. Ақлли бола бўлгани ва хўжаликда яхши ёрдам бергани учун отаси ўғлини эркалатиб, баъзан унга ширин кулчалар ва ўйинчоқлар учун бир оз пул бериб турарди. Кўпгина одамлар ҳали пул сарфлашни билмайдиган болаларга пул бериб туришни маъқул кўрмайдилар. Бу одамлар қисман ҳақлидир. Лекин, иккинчи томондан, боланинг табиати, маънавий хоҳиш-истаги, ақл-фаросатининг қанчалик ўсгани унинг берилган пулни *қандай қилиб* ва *нималарга* сарфлашида жуда равшан кўриниши мумкин. Кольцов пулларни *китобга* сарфларди. Шунинг ўзидан ҳам унда ўқимишли бўлиш ва бирон ақлий фаолият билан шуғулланиш истаги қанчалик зўр бўлгани кўриниб турибди. Бироқ умумий маълумотнинг ҳатто дастлабки асосларини ҳам ўзлаштирмаган Кольцов ўз диққатини фан ва санъат соҳасидаги ҳақиқатан ҳам муҳим

ва қимматли бўлган нарсаларга қаратолмас эди. У мактаб кўрмагани, чуқур билим олмагани туфайли шунга яраша китобларни ўқиши керак эди. Рус эртаклари шундай китоблар ўрнини босди. Ҳақиқий турмушдан тамомила узоқ бу эртакларда қандайдир фантастик дунё, муъжизалар ва хаёлларнинг ноаниқ олами тасвирланади; бу оламда ҳамма нарса табиий қонунлар асосида эмас, балки чўртон балиқнинг амри билан ва «сеҳрли» сўзнинг кучи билан рўёбга чиқади. Бу эртакларни тушуниш учун алоҳида илмий тайёргарлик талаб қилинмайди. Шунинг учун ҳам ёш Кольцов уларни бемалол қийналмай ўқиди. Эртакларда у ақли етмайдиган, тушуниб бўлмайдиган нарсаларни учратмади, бироқ хаёли эса бу эртакларда ҳикоя қилинган ажойиб саргузаштлар билан банд бўлди; эртак қаҳрамонининг тақдирини хайрихоҳлик билан кузатиб борар экан, қалбида ҳислар жўш урди. Бу эртаклар ҳар қанча ёмон бўлмасин, Кольцовнинг рус эртакларини ўқишга ҳавас қўйиб қолгани тааҗжубланарли нарса эмас. У арзон эртак китобларини сотиб олар ва айниқса Еруслан Лазарович билан Бова Королевичнинг саргузаштларини ўқиб, улардан завқланарди. Эртаклар унинг жўшқин хаёлини, албатта, бойитар ва умуман унинг эҳтиросли табиатига кучли таъсир кўрсатарди. Бундай таъсирлар ҳаддан ташқари зўрайиб кетса, унинг маънавий ўсишига зарар келтириши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Бироқ, бу ўринда, ҳар қачондагидек, Кольцовнинг табиатга яқинлиги ва жонли фаолияти уни мана шу хавфдан сақлаб қолди. Ёш Кольцовнинг 11—12 ёшидаёқ бекорчи хаёллар билан банд бўлишга вақти йўқ эди. Биз юқорида кўрдикки, отаси ўғлини мактабдан чиқариб олар экан, мақсади унинг бемалол ўқиши, хаёлотга берилишига йўл қўйиш эмас эди; балки уни ўзига ёрдамчи қилмоқчи эди. Шунинг учун ҳам 12 ёшидан бошлаб Кольцов отасининг савдо-сотиқ ишларидаги ипр-чиқирларни билиб олди. Бирор жойдан мол ҳайдаб келиб, уни сотиш билан шуғулланадиган савдогарларни бизда жаллоб деб аташади. Шунга кўра Кольцовга баъзилар *жаллоб-шоир* деб лақаб қўйишган. Бу лақабни бот-бот эшитиб турамиз. Жаллоблик ҳунари, қисман, боланинг ҳақиқий ҳаётни ўрганишига ёрдам берди, қисман эса унинг табиатга яқинлашишига катта йўл очди. Воронеж губернасида Воронежнинг ўзига яқин жойда пода боқиладиган жуда ажойиб, ўтга сероб кенг чўллар бор. Кольцовнинг отасига қарашли подалар кенг чўллар бор. Кольцовнинг отасига қарашли подалар одатда, ёз вақтида шу ерларда ўтларди. Хўжайин вақт-вақти билан керакли кўрсатмаларни бериб кетиш учун бу ерга келиб турар ва бундай сафарларга ўғлини ҳам олиб келарди. Баъзан эса у бир неча кунгача шу ерларда қолиб кетарди. Мана шундай вақтларда боланинг поэтик ҳислари жўш уриб, табиатдан тўйиб-тўйиб лаззатланарди. У бепоён чўлнинг тиниқ уфқларига шодлик билан боқар; чўлда вақтин-

ча истиқомат қилувчи чумаклар, чўпонларнинг содда гапсўзларига диққат билан қулоқ солар; қушчаларнинг хушчақчақ сайрашларидан ҳам, баҳор кўкатларининг гўзаллигидан ҳам, чўл шамолининг тўлғонишларидан ҳам таъсирланиб, уларни бутун қалби билан ҳис қиларди. Кейинчалик эса у буларнинг ҳаммасини ўзининг содда, аммо мазмундор шеърларида жуда ажойиб тасвирлаб бера олган. Чўлни у мана бундай тасвирлайди:

Чўл бепоёндир,
Ен-атроф кенгдир,
Етар ясланиб
Ёшанлар гилам
Оёқ остида.
Эҳ, сен чўлгинам,
Бепоён чўлим!
Кенг, яйдоқ ерни
Қоплаб ётасан,
Қора денгизга
Бориб етасан...

Бу мисраларда шоирнинг бепоён чўлдан таъсирланиб, жонли ва қувноқ туйғуларга берилгани кўриниб турибди; қуйидаги мисраларда ҳам мана шундай чўл табиатидан лаззатланиш ҳислари ёрқин ифодаланган:

Баҳор фасли яшил қирлар
Гул-лоладан безак тақкан.
Сайроқ қушлар шўх-шўх ўйнар,
Қушга тўла гўзал гулшан.
Тинмай куйлар қушлар тун-кун
Қўшиқлари ажиб маҳзун...

Аммо шу чўлнинг ўзи бўм-бўш ва сокин улуғворлиги билан шоирнинг қалбида ҳазин ва гамгин ҳислар ҳам қўзғайди. Бу ҳислар, масалан, «Қабр» шеърининг сўнгги мисраларида шундай ифодаланган.

Даҳшат солиб эсади
Шамол қабр устида,
Буғдойзордан ошириб,
Уша қабр ёнидан
Ковжироқ чўп-хасларни,
Шўракларни учириб.
Ваҳший саҳро, тинч мозор
Уйқусини эркин ел
Учирмоқчи бўлади,
Лекин улар уйғонмас.

«Йўловчи» шеъри ҳам шу ҳис билан тўлиб-тошган.

Булут тошиб эсади елвар,
Шовуллайди саҳро ўтлари,
Тун қоп-қора парда сингари,
Зулумотда сўнги йўқ йўллар;
Бепоён чўл уфқида ялпиг

Сеҳрловчи бир юлдуз янглиг:
Тасодифан ёқилган чироқ
Тун қўйнида ёпар ярқирок.
Мен кеч қолган, якка умидсиз
Пўловчиман кар чўл қўйнида.
Бир жой топиб тунаш ўйида
Ягир отим қистайман ҳар кез.
Пўл олганман у чироқ сари,
У қувнатар бир бахт сингари...

Мана шу ҳаётдан, мана шу чўлдан Кольцов бутун ҳаёти давомида ажралмади; лекин шундай бўлса-да, чўл табиатининг илк таассуротлари болалик чоғидаёқ, яъни ҳали ҳамма туйғулар сийқалашмаган ва жуда жонли пайтдаёқ унинг қалбидан чуқур ўрин олган эди. Ўша вақтлардаёқ у чўлнинг барча қулайликлари ва ноқулайликларига, барча гўзаллиги ва ёқимсиз томонларига кўникиб қолди. Баъзи кунлари у табиат ва фаолиятдан тўйиб-тўйиб лаззатланади: гоҳ янги бўй чўзган майин кўкатлар устида мусаффо осмонни томоша қилиб, яслашиб ётади, гоҳ кун бўйи от устида чўлма-чўл учиб юриб, подаларни бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб ўтади, гоҳ:

Бўтқа пишиб турганда бунда,
Аравакаш куйлаган тунда —

гулхан атрофида вақт ўтказади.

Шундай қилиб, шу сернинг ўзида у, кейинчалик шеърларидан бирида эслагани каби, она-ватанининг ривоятлари, афсоналари билан танишади.

Қоп-қоронғу тунлар кўп замон
Улар билан вақт ўтар эди;
Қўшиқлари маст этар эди,
Ажиб қувонч бўлиб намоён.

Чўлда мана шу тариқа шоирона вақт ўтказишнинг ноқулай томонлари ҳам бор эди, албатта. Чўл ҳамма вақт ҳам гуллар билан безанган бўлавермас, чўл қуёши ҳамма вақт ҳам иссиқ нурларини тўка бермас эди; Кольцов чўлда совуқ куз пайтида ҳам бўлган, баданни зирқиратувчи муздек шамолларнинг азобини ҳам тортган, аёзда, зах тупроқ устида тунларни бедор ўтказган, тиззасидан лой кечиб, қирма-қир ҳам юрган. Аммо аслида бақувват бўлган ва эркатойликка, ҳаловатга ўрганмаган Кольцовга булар ортиқча зарарли таъсир кўрсата олмайди.

Қиш кунлари болашинг машғулотлари ўзгарар эди. Отаси мол олиб, мол сотишга гумашталарининг ёнига қўшиб уни ҳам бозорга юборарди. Бунда Кольцов пасткаш савдо-сотиқ ишларининг барча хийла-найранглари билан танишиши керак эди; у қўпол ва қабиҳ ҳаётни кўради, ўзи билан дуч келган одамларининг хийла-найранглари, фирибгарлиги ва пасткашлигини билиб олади. Агар у ақлли-хушли ва саховатли бўлмаганида, агар қалбида чуқур поэтик ҳислар мавжуд бўлмаганда эди,

унинг ҳар хил ярамас таъсирлардан сақланиб қолиши жуда қийин бўлар эди. Аммо у шундай ҳолларда ҳам ўз қалбини соф сақлаб қола олди, олижаноб шоир ва инсон бўлиб қолаверди.

Бундай савдо-сотиқ ишларидан дам оламан деганда, унга яна китоб қўл келди. Қиш пайтларида бозордан уйига қайтар экан, у китоб ўқишга тушарди. Энди у ўқийдиган китоблар аввалгига қараганда анча хилма-хил ва бошқача йўналишга эга эди. Бундай бўлишига қуйидаги бир ҳол ёрдам берди. Билим юртида экан вақтларида Кольцов бир бой савдогарнинг ўғли билан дўстлашиб қолган эди. Улар тенгдош эдилар[6]. Уларнинг дўстлиги Кольцов билим юртидан чиқиб кетгандан кейин ҳам давом этади. Бу дўстлик самимийлик ва олижаноблик билан ажралиб туради. Бу дўстлик икки ўртоқнинг доимо бирга ўйнаши-ю, шўхлик қилишда бир-бирига ёрдам беришидан иборат эмас эди. Аксинча, уларнинг бир-бирлари билан чиқишиб қолишига сабаб шу бўлдики, ҳар иккови ҳам китоб ўқишни жони-дилидан яхши кўрар ва қўлларига тушган китобни бирга ўқиб чиқишар эди. Бой савдогарнинг анча-мунча китоби бор эди ва икки дўст Дюкре-дю-Мениль, Август Лафонтен ва бошқаларнинг романларини ўқиб, эртаю кеч боғда қолиб кетганлари-кетган эди. Баён санъати жиҳатидан бу романлар рус эртакларидан бир қадар юқори турарди; аммо уларда ҳам афсонавий гаплар кенг ўрин олганди. Улар оламни ва ундаги ҳаётни ҳақиқатда қандай бўлса шундайлигича тасвирлаб берадиган ҳозирги замонавий романлар ва повестларга сира ҳам ўхшамайди. Дўстлар ўқиган романларда ҳамма нарса муболаға билан, ғайри табиий қилиб тасвирланган, ҳамма нарса ҳақиқий ҳаётда сира ҳам юз бериши мумкин бўлмайдиган тарзда кўрсатилган, шунинг учун ҳам улар бир қадар бузуқ чиққан. Бироқ оддий ва ўзига заррача мафтун қилмайдиган воқеликка кўникиб қолган Кольцов мана шу хаёлий оламга берилиб дам олганига хурсанд бўлар, роман қаҳрамонларининг тақдирлари ҳақида орзиқиб хаёл сурганидан шодланарди; бу афсоналар унинг хаёлида:

Туш бўлиб гўё,
Сеҳрли тушдай,
Элтар эдилар
Ажиб манзилга...

Унга айниқса араб эртаклари жуда ёқар эди, чунки бу эртаклар ўзидаги сеҳрли воқиалар, олди-қочди саргузаштлар, дабдабали тасвирлар билан унинг хаёлига озиқ берарди.

Шу тариқа уч йил ўтди. Кольцов 14 ёшга кирганда, тақдирнинг оғир зарбаси жудолик солди. Шу қадар севган дўсти, шу вақтга қадар ўзининг энг яхши ҳисларини ҳамдамлашган ҳамдарди, ёшлик чоғларининг энг яхши дақиқаларини бирга ўтказган ўртоғи оғир касалдан вафот қилади. Бу — Кольцовнинг таъсирчан қалбига шикаст етказган биринчи бахтсизлик

эди, у қалбига ором бўлган ҳамдардининг вафотидан жуда қаттиқ изтиробга тушди. У 1828 йилда ёзган «Тенгдошимга»[6] шеърида балки ўша дўстига мурожаат қилган эди:

Не сабабдан тенгдош ўғлон
Чекасан оҳ ва фиғон?
. . . . . .
Қоп-қоронғу ҳаёт йўли
Ва ёш ўлмоқ ваҳшатми?
Е тўсатдан келган бало
Айладими сени мажруҳ?
Ёки эрта бўлди пайдо
Йўқчиликдан ғам-андуҳ?..

Кольцовнинг дастлабки ижодий тажрибаларидан бири бўлмиш бу шеър бошидан-охиригача ҳали анча бўш эди; аммо унда ҳарқалай самимий ҳислар кўриниб туради, ниятларнинг софлиги ва олижаноблиги билиниб туради. Бу ҳислар, бу ниятлар шоирнинг илк болалигиданоқ қалбида маҳкам ўрнашиб қолган эди ва улар бўлмаса, Кольцов шу қадар ажойиб шоир бўла олмас эди.

III БОБ

Кольцовнинг шеър билан биринчи танишуви ва мустақил шеър ёзишга дастлабки уринишлари. Воронежлик китобфуруш Серебрянский билан дўстлашув. Онлавий муносабатлар.

Дўстининг вафотидан қаттиқ изтироб чеккан Кольцов узоқ вақтга қадар уни унутолмай юрди, унинг аламли қалби ёш кетган дўстидан қолган китобларни қайта-қайта ўқиш билан бир оз таскин топарди. Шу тариқа ўзини маърифатли қилишга интилиш, фикрий машғулотларга иштиёқ Кольцовга ҳатто ўлим зарбасига учраган дўстона муносабатларни давом эттиришга ёрдам берди. Сезгир ва соғлом ақл эгаси бўлган Кольцов бора-бора ўзига шу пайтгача жуда завқ бериб келган афсонавий романлардан қониқмай қолди ва бошқача, дурустроқ китоблар қидиришга киришди. У отаси бериб турадиган пулларга яна китоб сотиб ола бошлайди. У вақтларда Воронежда атиги битта китоб дўкони бўлар эди. Шунинг учун ҳам китобфуруш шу қадар иштиёқ билан китоб сотиб олиб, уларни қизиқиб ўқийдиган Кольцовни сезмай иложи йўқ эди. Китобфуруш билан танишиш эса бизнинг шоиримизга катта фойда берди. Кунлардан бирида китобфуруш унга Дмитриевнинг шеърларини таклиф қилади. Бу шеърлар Кольцов ўқиган биринчи шеърлар эди. Янги харид қилган китобини кўтариб, у хурсанд кайфиятда уйига келади ва уни бемалол ўқиш учун дарров боғ ичига равона бўлади. Биринчи мисраларни ўқибоқ, бу китоб шу пайтгача ўқиб чиққан ҳамма китобларидан бошқача, унинг ёзилиши ҳам қандайдир ўзгача эканини тушунади. У бу оҳангдор мисраларнинг нотаниш мақомини синчиклаб ўргана бошлайди ва тез орада шу мисралар билан ўзи аввалари эшитган қўшиқлар орасида қандайдир ўхшашлик борлигини кўради. Бундан у шеърларни ўқиш керак эмас, балки куйлаш керак экан деган хулоса чиқаради ва боғида Дмитриевнинг шеърларини ашула қилиб айта бошлайди. Орадан кўп ўтмай бутун китобни бошдан-оёқ куйлаб чиқади. Аммо бу шеърлар қалбининг теран жойларида қандайдир ўзгача, ноаниқ, лекин кучли бир ҳис қўзғаётганини сезган Кольцовга бу камлик қилар эди. У ўзи ҳам ўқиган шеърларига ўхшаш оҳангдор, силлиқ бирор қўшиқ тўқишни истаб қолади. Умуман айтганда, Кольцов ўзининг мустақил фаолиятини талаб қиладиган одамлар тоифасига мансуб эди, айтгандай, унинг табиатининг ажойиб фазилати ҳам хулли шу эди. Шундай одамлар бўладики, улар бошқалар айтган нарсаларни бошдан-оёқ такрор айтиб бера олади, бирон нарса буюрилса, уни ўрнига қўйиб бажо келтиради, эшитган нарсаларини ҳамма вақт эсда сақлайди ва билади; аммо улар ўз-ўзларича мустақил бирор ишнинг удасидан чиқа олмайдилар. Бундай одамлар ҳамиша ўзгаларнинг иродасини бажарувчи кишиларгина бўлиб қоладилар, умумий иш учун иккинчи даражали оддий қурол бўлишдан нарига ўтмайдилар; улар ҳеч қачон бошқаларнинг қаторидан ажралиб тура олмайдилар, бирон ишга бош бўла олмайдилар, бирон янги гап айта олмайдилар. Аксинча, шундай одамлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон бошқаларнинг орқасидан кўр-кўрона ва онгсиз равишда эргашишни истамайдилар, ҳеч қачон ўзлари ўйлашга, мулоҳаза юритишга ва ҳаракат қилишга эринмайдилар, балки, танлаб олган соҳаларида ҳамма вақт кучларини синаб кўришга ҳаракат қиладилар. Бундай одамлардан ҳамиша ажойиб ишларни кутиш мумкин. Кольцов ҳам мана шундай одам эди. У ҳеч қачон муайян таассуротларни қабул қилиш, уларни эслаб қолиш ва ўзлаштириб олиш билан чеклана олмас эди. Унинг қалби ҳамиша бирон фаолият билан шуғулланишни талаб қиларди ва у бирор нарса ўзига жуда маъқул тушса, ҳайрон қолдирган бўлса, ўзи ҳам мустақил ҳолда шунга ўхшаш бирон нарса қилмай қўймас эди. Шусиз кўнгли жойига тушмасди. Бизнинг дағал эртакларимизни ўқиган вақтларидаёқ, унинг хаёллари ўқиган эртакларидан қатъий назар жўш урарди; унинг хаёлида турли-туман ажойиб ҳодисалар пайдо бўлар, улар бирлашиб, яхлит манзаралар ва воқеаларни ҳосил қиларди; бироқ буларнинг ҳеч қайсиси ёзиб қўйилмас ва кўп ўтмай унутилиб кетарди. Лафонтен ва Дюкре-дю-Минель романларини ўқир экан, Кольцов ҳам хаёлида буларга ўхшаш бирон нарса яратмоқчи бўлади, аммо бунга кучи етмайди ва истаги рўёбга чиқмайди.

Энди у шеър тўқишда ўз кучини синаб кўришни жуда хоҳлаб қолади. У бу ишга қандай киришишни билмайди, чунки

шеър тузилиши қоидалари у ёқда турсин, ҳатто тилнинг грамматик қоидаларини ҳам билмас эди: имлоси у ҳатто бутун умр ўрганолмасди. Бу қийинчиликлардан ташқари Кольцов каби жуда кам маълумот олган ўн тўрт ёшли боланинг ўз шеърларига бирон дурустроқ мавзу топиши ҳам мушкул эди. Бироқ унинг хоҳиши жуда кучли эди, у бу уринишларидан бирон иш чиқаришга қатъий қарор қилганди. Кольцовга ўхшаган одамлар эса бирор нарсага қатъий қарор бериб ўз йўлларига тушиб олсалар, бу йўлдан сира ҳам қайтмайдилар, ўз қарорларидан мутлақо воз кечмайдилар. У бир қанча мавзуларни ўйлаб кўради ва пировордида, ўз дўстининг туши ҳақидаги гапларини эслайди. Дўсти бир вақтлар уч кеча сурункасига бир хил туш кўрган ва уни Кольцовга айтиб берган эди. У гапириб бераётган вақтидаёқ Кольцов бу ҳодисадан жуда ҳайратда қолганди. Энди у шу ҳодисани ўз шеърига мавзу қилиб олишга қарор қилади. Ўзи ҳоли қолган бир вақтни топиб, бировнинг халақит бериб қолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Кольцов ишга киришади. Шеър тузилиши ҳақида тушунчага эга бўлмаганидан, у Дмитриевнинг шеърларидан бирини танлаб олади-да, унинг вазнига тақлид қилиб ёза бошлайди, ёзганини эса овозини чиқариб ўқиб, силлиқ чиққан-чиқмаганини текшириб боради. Ўзича етишган шоир учун дастлаб бу иш жуда қийин бўлди ва унинг дастлабки ўн мисрача шеъри катта меҳнат эвазига туғилди. Аммо кейинчалик, шеърий нутқнинг оҳангига бир оз қулоғи ўргангач, Кольцов навбатдаги мисраларни ёзишда анча кам меҳнат сарфлайди. У туни билан ўтириб чиқади ва эрталабгача «Уч туш» деган шеърини тайёр қилади. Бу шеър жуда ҳам бўш ва заиф бўлса ҳам бироқ эндиликда Кольцов учун энг муҳими шунда эдики, у гарчи зўр-базўр бўлса-да, ҳали заиф томонлари жуда кўп бўлса-да, *шеър тўқишни,* ҳижоларни, мисраларни бир-бирига қовуштиришни ўрганиб олган эди. «Уч туш»ни мутлақо ярамайдиган асар деб кейинчалик ўзи йиртиб ташлайди. Шундай бўлса-да, шеър тўқишдаги биринчи муваффақият уни хурсанд қилади, кўнглини кўтаради ва у шундан сўнг яна бошқа шеърлар тўқишга киришади. Шеърий нутқнинг вазни ва моҳияти билан тузукроқ танишиш учун у шошиб-пишиб Ломоносов, Богданович, Державин асарларини сотиб олади. Унинг дастлабки шеърларида фақат шеър составидагина эмас, балки асарнинг бошдан-оёқ ҳамма тузилишида ва оҳангида ҳам бу ёзувчиларнинг таъсири бўлган бўлиши эҳтимол; бироқ бу вақтларда ёзган шеърларининг деярли ҳаммасини шоир ўзи йўқ қилиб ташлаган, унинг кейинги ёзган шеърларида эса на Ломоносовга, на Державинга хос хусусиятлар заррача сезилмайди: уларнинг тили ҳам, мазмуни ҳам жуда ўзига хос ва оригиналдир. Шу тариқа одамнинг ички кучи ўзига хос ва оригиналдир. Шу тариқа одамнинг ички кучи қанча кўп бўлса, унинг ўз маънавий табиати қанча юксак бўлса, бундай одам ҳар қандай бегона таъсирдан шунча тез

ва осон қутулади деган мулоҳазанинг тўғрилиги Кольцов мисолида яна бир бор исбот бўлади.

Кольцов шеър тўқишга жуда ҳам берилиб кетади ва ҳатто наср билан ёзилган китобларни деярли ўқимай қўяди; у тинмай шеърнинг уйғунлигини эшитишни, қофияларнинг оҳангдорлигидан ва шеърий нутқнинг равонлигидан лаззатланишни истайди. Ўзи эса ҳамон наср билан назмни тузукроқ фарқламай, ёдакисига шеър тўқишда давом этади. Бизнинг бошловчи шоиримиз ўз кучига ишонмай, бирон маслаҳат бера оладиган, кўнглини кўтарадиган одам ахтаради ва унга кўнглини очиб, шеърларини кўрсатмоқчи бўлади. Бироқ Кольцовга яқин бирорта ҳам бундай одам йўқ эди. Дўсти аллақачонлар вафот этган, бошқалар билан эса нон-қатиқ бўлган эмас эди, бошқалар таниш бўлган ҳолда ҳамки бу ишда дурустроқ маслаҳатчи бўлишлари гумон эди; ўз оиласидан ҳам Кольцов бирон хайрихоҳлик топишни кутмас эди, аксинча, масхара бўлмаслик ва таънаю-ҳақоратларга қолмаслик учун уйдагиларга ўз шеърий машғулотларининг мевалариши кўрсатишга журъат қилмасди. Бироқ, энди у ўз меҳнатларини ҳаммадан яшира олмас ҳам эди; у, албатта, бирор одамга кўнглини ёзишни истар, бирор одамнинг маъқуллашини ёки мулоҳазаларини эшитишни хоҳларди. Бир қанча мулоҳазалар ва иккиланишлардан сўнг у адабий ишлар ҳақида китобфуруш бирон нарса билса керак, чунки у эртаю кеч китоблар орасида айланишгани-айланишган деган қарорга келади. Шу фикрга келиб, Кольцов китоб дўконига йўл олади. У ерда «Уч туш» ни ва ўша вақтларда ўқигани турли шоирларга тақлид қилиб ёзилган бир қанча бошқа шеърларини китобфурушнинг ҳукмига тақдим қилади. Китобфуруш, албатта, шеърларимни ўқиб, фикрингизни айтсангиз, деган илтимос билан келган боладан ҳайратда қолади. Аммо, Кольцовнинг бахтига, бу одам фақат кўнгилчангигина эмас, унча чуқур маълумотга эга бўлмаса-да, ақллигина одам эди. У ўзи етишган шоирнинг шеърларини ўқиб чиқади ва Кольцовга бу шеърларинг менга ёқмади деб рўйи-рост айтади. Лекин, шу билан бирга, у самимий ва виждонли одам бўлгани учун бу шеърларнинг нимаси ёмону, нега ёмон эканини изоҳлаб беролмаслигига, буни изоҳлайдиган махсус қоидалар борлигига, уларни эса билмаслигига иқрор бўлади. Шу ернинг ўзида у Кольцовга бир китобни таклиф қилади. Бу китоб «Москвадаги саховатли университет пансионида тарбияланувчилар учун нашр қилинган рус шеър тузилиши» деган китоб бўлиб, унда шеърларни қандай қилиб тўғри ва яхши ёзиш кераклиги ҳақида тўла-тўкис маслаҳатлар берилган эди. Кольцов бу китобдан худди янги бир дунё кашф этгандай бешад қувонади. У ўзини шу қадар ташвишга солиб қийнаб қўйган муайян санъат қоидаларининг аллақачонлардан бери мавжуд бўлиши мумкин эканини хаёлига ҳам келтирмаган

қалбга ҳам эга эди. Шунинг учун ҳам у ёш шоирнинг ҳаётига катта қизиқиш билан қарайди. У Кольцов билан машғулотлар ўтказа бошлайди, ўзи ўрганиб, идрок қилиб улгурган нарсаларини унга ҳам бера бошлайди ва айниқса поэтик асарнинг ҳақиқий фазилати ва гўзаллиги нимада эканини қуйт билан тушунтиради. Кольцов бу одамдан кўрган яхшиликларини эслаганда, ҳамиша жуда кучли миннатдорлик ҳисларига тўлиб-тошарди. Дарвоқе, Серебрянскийнинг маълумотни оширишда ва поэтик қобилиятини ўстиришда Кольцовга ҳақиқатан ҳам катта ёрдам бергани равшан кўриниб туради. Улар аввалдан белгилаб қўйилган жадвал билан дарс қилишмаган, бири устозу, иккинчиси шогирд бўлмаган, аммо уларнинг ўртасида муҳим, фойдали ва олижаноб нарсалар ҳақида жонли, оқилона суҳбатлар бўлиб турган. Кольцов дўстининг сўзларини кўр-кўрона қабул қила берган эмас, балки ўзи ҳам муҳокама юритган, у билан тортишган. Кольцовнинг сўнгги хатларидан бири шундан далолат беради. У 1838 йилда, Серебрянскийнинг вафотидан кўп ўтмай, дўстининг бевақт ўлимидан қайғуриб, шундай ёзган эди: «Биз у билан бирга ўсдик, Шекспирни бирга ўқидик, бирга ўйлашдик, бир-биримиз билан тортишишдик. У менга шу қадар кўп яхшилик қилган эдики, у яхшиликлари билан мени ҳаддан зиёд эркалатиб юборганди. Шунинг учун ҳам унинг вафотидан кейин гарангсиб қолдим, ҳамма нарсага: алвидо!— дегим келди».

Кольцовга зарур маълумотни беришга интилар экан, Серебрянский айни чоқда унинг дастлабки поэтик асарларининг қаттиққўл танқидчиси эди. У билан танишиб олгандан кейин Кольцов учун китобфурушнинг фикрларига мурожаат қилишга ортиқ эҳтиёж қолмади. Янги дўсти Кольцов учун ишончлироқ ва меҳрибонроқ судья бўлди. Серебрянский ўзи етишган шоир ёзган ҳар бир шеърни синчиклаб текшириб чиқар ва муфассал муҳокама қиларди. У ҳар бир мисра устида ўз мулоҳазаларини айтар ва бадиий мукаммаллик учун нималар етишмаслигини Кольцовга батафсил тушунтириб берарди. Бу муносабатлар ҳақида Кольцов «Серебрянскийга» шеърида шундай гувоҳлик беради:

Нима билан бойман, қилма ҳисоб ҳам,
Шодман сўнгги сўзни кўролсам баҳам,
Завқим шундан! Сендаги талабчан ошг
Топар ундан қанча-қанчалар нуқсон.
Бунда ҳар шеър тутқун ва гуноҳкордир,
На илож бор! Мен шундайин бир шоир,
Русда фақат кулги, майнага қодир.
Лекин айбим фош қилишдан қайтмагил ҳеч бор,
Айтгин менга, ниманарга қилай эътибор?

Серебрянский кўриб чиққан шеърларни Кольцов кейинчалик ҳақиқатан ҳам қайта ишлар ва улар шу тариқа оз-оздан пардозланардики, натижада босиб чиқарса бўладиган ҳолга келарди. Афсуски, кўп ўтмай Кольцов Серебрянскийдан ҳам ажралишга мажбур бўлади ва яна бир қанча вақтгача бир ўзи, маслаҳатчисиз ва дўстсиз қолади. Серебрянский камбағал одам эди, ўз меҳнати билан бир амаллаб кун кўришга мажбур бўлади. Умрининг охирида бир бурда нонга зориқиб қолмаслик учун у врач бўлишга қарор қилади ва бунинг учун Тиббий-хирургия академиясига ўқишга киргани Воронеждан Москвага жўнайди. Кольцов якка қолади.

Ўз оиласида Кольцовнинг кўнгли унча таскин топмасди ва унинг адабий интилишлари қўллаб-қувватланмасди. Отаси ҳамон ўғлини савдо-сотиқ ишларида ўзига ёрдамчигина деб билар ва унинг шеърий машғулотларига ҳамда китобга ҳавасига ноҳушлик билан қарарди. Кольцов улгайган сари, отаси ишларни унинг қўлига кўпроқ ўтказа борди. Энди у кўпинча чўпонларга турли фармойишлар бериш ва подаларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун чўлга ёлғиз ўзи борарди. Энди бозорга ҳам тез-тез бориб туришга, мол ва ёр сотишга, жинидан ёмон кўргани чакана савдо билан кўпроқ шуғулланишга тўғри келади. Кольцов яшаган ва ўсган сайин, унинг бошига тушаётган кунларни кечириш оғирлашиб, ҳаёт азобга айлана боради. Табиатан виждонли ва олижаноб бўлган, баъзи бир юксак тушунчалар ва интилишларни ўзлаштириб олган Кольцов ўзининг келиб чиқиш шароитига кўра боғлиқ бўлиб қолган пасткаш муносабатлар ва бачкана, кўпинча унча ҳалол бўлмаган машғулотлар ичида хотиржам яшаёлмас эди. Шундай бўлса-да, у ўзини йўқотиб қўймайди ва, аксинча, у ишбилармон савдогар, тежамли, сариштa хўжайин эди; ҳатто у ўз фаолияти воситасида ҳаётга ижобий, соғлом қарашни ўзлаштириб олиб, ундан фойдалана билди, бу эса унинг қўшиқларида жуда яхши ифодаланган. Ҳар қандай ҳақиқий олижаноб ва қобилиятли одам каби, Кольцов ҳам ҳатто энг ярамас нарсалардан ҳам уларнинг яхши томонини топа олар ва худди мана шу яхши томонлардан фойдаланарди.

Шунга қарамай, Кольцовнинг атрофидагилар уни шу қадар кам тушунар эдиларки, Кольцов бироита ҳам ўзига хайрихоҳ ва ҳамдард одам тополмайди. Серебрянский билан дўстлашмасдан аввалроқ у ўз уйида бир қиз билан яқинлашиб қолган эди. Кольцовларнинг оиласида яшайдиган бу қиз унинг юрагини тушуна оларди. Аммо орадан кўп ўтмай отаонаси уни бу қиздан ҳам ажратиб қўяди. Шундан кейин у оиласида ўзига сирдош ва ҳамдард бўладиган бироита ҳам одам тополмайди. У қиздан ажралгач, узоқ вақтгача ҳижрон аламида ўртаниб юради; бу ҳижрон алами кейинчалик унинг кўпгина шеърларида сезилиб туради. Серебрянский билан дўстлашиш ўша вақтларда унинг ғамини анча енгиллатади.

Энди Серебрянский Москвага жўнаб кетгач, яккаю-ёлғиз қолади. Бу ёлғизлик яна бир олижаноб одамни учратгунча давом этади, Кольцовга кўп ёрдам берган ва унинг кейинги тақдирига катта таъсир кўрсатган бу одам — Станкевич эди.

IV БОБ

Станкевич билан танишиш. Москвага сафар. Кольцов шеърларининг Станкевич томонидан биринчи марта нашр қилиниши. Белинский, Кольцовнинг Москва ва Петербургдаги адабий доиралар билан танишиши.

Кольцовнинг бутун ҳаётига шу қадар катта ижобий таъсир кўрсатган китобга муҳаббат унинг Станкевич билан яқинлашишига ҳам ёрдам берди. Улар бир-бирлари билан биринчи марта Воронеждаги яккаю ягона китоб дўконида учрашадилар ва танишиб қоладилар. Воронежлик бир помешчикнинг ўғли Николай Владимирович Станкевич Кольцов билан бир ёшда эди (у 1809 йилда туғилган). Ўша вақтларда (1830 йиллар атрофида) у Москва университетининг студенти эди ва Воронежга ёзги таътилга келган эди. У Кольцовнинг шеърий машқларини эшитиб, уларни ўқиб чиқади ва маъқуллайди. Серебрянский жўнаб кетгандан кейин ўзининг ижодий меҳнатида ҳар қандай кўмакчи ва раҳбардан ажралиб қолган ёш шоир учун бу жуда муҳим эди. Бироқ Станкевичнинг унга кейинги йилларда кўрсатган таъсири янада муҳимроқ бўлди.

Станкевич билан яқинлашган ҳамма одам ўзида бу таъсирни аниқ сезарди; уни билган одамларнинг ҳаммаси ҳозирга қадар унинг тўғрисида жуда миннатдорлик билан гапиришади. У том маънода сергайрат, фикрловчи ва олижаноб одам эди. Бундай одамлар жуда кам учрайди, бироқ уларнинг қандай одам эканлигини уларнинг тескариси бўлган кишиларга қараб билиб олиш мумкин. Шундай одамлар бўладики, кунини яшаб, ошини ошаб юра берадилар, бирон нарса билан астойдил қизиқмайдилар, бирор нарсадан ҳайратга тушмайдилар, бирон нарса устида узоқ бош қотирмайдилар ва ҳеч қандай юксак ниятларга ва чуқур эътиқодларга эга бўлмайдилар. Ҳамма ҳам бунақа одамларни ўз ҳаёти давомида жуда кўп учратган, албатта. Бундай одамлар билан юксак ва олижаноб масалалар тўғрисида баҳслашиб бўлмайди, улар ўзларининг ҳаёти учун моддий фойда бермайдиган ҳар қандай нарсани тушунишдан тўпослик билан бош тортадилар. Уларнинг олдида гўзал нарсадан завқланиб, таъсирланиб бўлмайди: уларнинг қалби тош бўлиб кетган, ҳислари ўлиб, ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган бўлиб қолган, уларнинг туриш-турмуши ҳар қандай жўшқин одамга ҳам совуқ нафас уфургандай бўлади, энг жўшқин ҳаракатларни ҳам сусайтиради. Уларнинг олдида ҳатто эзгуликка ҳам кўнгил

беролмайсиз: улар ахлоқ-одобни мутлақо ўзларича тушунадилар ва эзгулик сари бўлган ҳар қандай жонли, самимий интилишни мазах қилишга ва қоралашга тайёрлар. Улар қуруқ бачкана, худбин одамлар. Аммо уларга сира ўхшамайдиган, уларнинг тамомила акси бўлган одамлар ҳам учрайди: дунёда шундай одамлар ҳам борки, уларнинг қалби шўх, кўнгли очиқ, ақли ўткир ва мусаффо, интилишлари, ниятлари олижаноб ва жўшқин бўлади. Бундай одамлар билан ҳар қандай покиза ҳисни, ҳар қандай ҳаётий ва олижаноб фикрни жон деб ҳамдамлашасан, киши. Уларнинг борлиғи одамни эзгу ишларга илҳомлантиради, қалбда жуда муқаддас ва соф ниятлар қўзғайди, фикрга, ақлга жуда кенг йўл очиб бергандай бўлади. Шунинг учун ҳам бундай одамлар атрофида ҳамма вақт олижаноблик билан фикрловчи ва ҳис қилувчи дўстлардан иборат тўгарак жам бўлади. Бу тўгарак кимнинг атрофига тўпланган бўлса, унинг хотирасини абадий сақлайди ва баъзан жуда кенг таъсир доирасига эга бўлади. Н. В. Станкевич мана шундай камёб одамлар тоифасига мансуб эди. Унинг атрофида ҳамма вақт олижаноб одамлардан ташкил топган тўгаракча мавжуд эди. Улардан кейинчалик адабиётда машҳур ва фойдали кўпгина одам етишиб чиқди. Станкевич бу тўгаракка Кольцовни ҳам олиб киради. 1831 йилда жаллоб-шоир отасининг ишлари билан Москвага жўнаши керак эди. Бу ерга келгач, у Станкевични қидириб топади ва Станкевичнинг илтимоси билан унинг уйига қўнади. Мана шу ерда, Станкевичнинг дўстлари орасида у биринчи марта ўзи учун янги бўлган оқилона гапларни эшитади; мана шу ерда биринчи марта унинг ақли янги тушунчалар билан ёришадики, шу вақтгача бундай тушунчалар унга ёт эди, улар ҳақида ҳатто Серебрянский ҳам унга бирон дурустроқ маълумот беролмасди. Маълумки, у вақтларда Станкевич атрофида тўпланадиган одамлар айниқса юксак фалсафий масалалар билан машгул эдилар. У вақтларда бундай масалалар ҳаммашинг тилида достон эди. Айниқса, машҳур герман мутафаккири Гегельнинг таълимоти кўпчиликнинг диққатини тортган эди. Бизда умуман фалсафани жуда қийин ва мураккаб бир нарса деб ҳисоблашга кўникиб қолишган, бироқ амалда эса у жуда осон нарса, чунки фалсафа соғлом фикрга ва оддий мантиққа асосланган бўлади. Соғлом фикр ва оддий мантиқ эса, албатта, ақли расо ҳар қандай одамда бўлади. Тўғри, немисларда фалсафа жуда мураккаб тус олиб кетган, чунки улар фалсафада алоҳида сўзлар ва иборалари жуда кўп ишлатишади. Аммо бизнинг рус тилимизда ҳозирча бундай иборалар сира йўқ, чунки бизда фалсафа ҳақида умуман жуда кам нарса ёзилган. Шу сабабдан Станкевич тўгарагидагилар фалсафий масалалар ҳақида баҳслашар эканлар, мавҳум жумлаларни ноилож содда тилда ифодалашга мажбур бўлганлар; бу тарзда фалсафа ҳатто

у китобхонлар ўртасида унча машҳур эмас эди, чунки мақолалари остига деярли ҳеч қачон ўз номини қўймас эди. Аммо адабиётчилар ва журналистикага яқин одамлар ўртасида унинг эътибори зўр эди. Унинг сўзи ҳамма вақт юксак қадрланар, одамлар унинг гапларини муҳаббат ва ишонч билан қарши олардилар. Фақат улар учун эмас, балки ҳамма ўқувчилар учун ҳам Белинскийнинг овози ҳамма вақт кучли ва ишонарли жаранглади. Одамлар унинг танқидий мақолаларини ҳавас билан завқланиб ўқишарди. Гарчи ўқувчиларнинг кўпчилиги журналдаги фикрларни ким баён қилаётганини билмасалар-да, унинг фикрлари ҳамма вақт қизғин ҳимоячиларга ва тарафдорларга эга бўларди. Мана шунинг ўзиёқ Белинскийнинг қанчалик ақл ва кучга эга бўлганидан далолат беради. Кўпинча одамлар бирон фикрни қабул қилишади, у фикрни нуфузли ёки ақлли, виждонли деб ном чиқарган бирор одам қўллаб-қувватлагани учун шундай қилишади. Бу ўринда обрў деб аталган нарсанинг таъсир қилганини кўрамиз. Аммо ким томонидан айтилгани номаълум, эгасиз фикрларни одамлар завқ билан қабул қилар эканлар, демак, бу фикрлар тўғри, ҳаққоний, ишонарли экан. Белинскийнинг кўп мақолалари мана шундай кучга эга эди. У жуда зўр заковатга эга эди, нарса ва ҳодисаларга ҳайрон қоларли даражада равшан ва аниқ назар билан қарарди. Кўп мисоллардан фақат биттасини кўриб ўтайлик. Ҳозир ҳамма жуда юқори баҳолаётган Гоголнинг дастлабки повестлари вужудга келганда, барча танқидчиларимиз Гоголни шунчаки хушчақчақ ҳикоянавис деб ҳисобладилар ва ҳақиқатан ҳам ярамас, қабиҳ нарсаларнинг қабиҳ томонлари жуда ёркин ва аниқ фош қилингани учун унга таъна қилдилар. Аммо Белинский ўша пайтдаёқ Гоголнинг қандай аҳамиятга эга эканини ҳаммадан аввал тушунди. 1835 йилдаёқ у «Телескоп»да бир мақола бостириб, унда Гоголгача бизда, гапнинг рости, соф рус повести бўлмаганини, уни биринчи бўлиб Гоголь яратганини айтди[9]. Шундан сўнг у бошқа танқидчиларнинг ҳар қандай таънаю-танбиҳларидан Гоголни ҳамиша ҳимоя қилиб келди. Унинг мақолалари шуни исбот қиладики, Белинский, Гоголнинг ҳақиқий фазилатлари нимада эканини, унинг талантининг моҳиятини мутлақо равшан ва тўғри тушунган. Мана, йигирма йил ўтди, Белинскийнинг кетидан бутун рус жамоатчилиги Гоголнинг буюк аҳамиятини эътироф этди ва уни қойиб юрганлар тилларини тийишга мажбур бўлдилар... Белинскийнинг бундан 15 — 20 йил бурун адабиёт ҳақида доҳиёна мулоҳаза юритиб айтган кўпгина фикрлари ҳозир янгийнги тадқиқотлар билан исбот қилинмоқда. Кольцов хусусида ҳам худди шундай бўлди. 1835 йилда Белинский «Телескоп» журналида ёш шоирнинг шеърлари ҳақида мақола бостиради ва унда Кольцов поэзиясининг моҳиятини белгилаб бериб, унинг жуда ажойиб поэтик истеъдод эгаси эканини айтади[10],

Анча батафсил ёзилган бу мақоладан бир неча сатр келтирайлик: «Кольцов юборган қалин дафтардаги шеърлардан бир қисмигина босилди,— деб ёзади Белинский,— босилганларининг ҳам ҳаммасини баравар яхши деб бўлмайди... уларнинг ичида иккита-учта заифлари ҳам бор. Аммо уларнинг ичида бironта шеър йўққи, унда ҳислар беихтиёр ярқ этиб кўриниб кетган бўлмасин ёки қалбдан отилиб чиққан бир-икки мисра бўлмасин... Бу шеърларнинг кўпчилигини ижобий баҳолаш мумкин, улар шубҳасиз гўзал шеърлардир... Уларнинг деярли ҳаммаси ҳаётга ва авторнинг таассуротларига жуда яқин туради, шунинг учун ҳам ифодалар содда ва равон, ҳислар самимий, бу ҳислар ҳамма вақт ҳам унча чуқур бўлмаса-да, аммо улар ҳамма вақт тўғри, ҳамма вақт ҳам оташин бўлмаса-да, аммо ҳамма вақт латофатли ва хилма-хил... «Буюк сир» шеърида ўқувчи ҳайрон қоларли даражадаги теран фикрларга дуч келадики, улар жуда содда ва жуда гўзал ифода қилинган, бу шеърда қандайдир гўдаклик ва софдилликни, шу билан бирга назарнинг кўтаринкилиги ва соддалигини кўрамиз!» («Тел.», 1835 й, 27 қ. 476 бет).

Белинский мақоласини хулосалаб, Кольцовнинг истеъдоди ҳаёт шароитининг оғирлиги остида сўниб қолмаслигини, балки ўсиб чиниқишини, вояга етишини чин кўнгилдан тилайди. У шоирга руҳий матонат ва ҳаёт билан толмай курашув ҳақида эслатади-да, унинг қуйидаги мисралар билан тугайдиган «Дўстга» шеърини келтириб, мақоласини шу билан тугатади:

Майли менга инсоннинг қаҳри
Лаззатлардан маҳрум қилса ҳам,
Бешикда ва тобутда заҳри
Ғазаб билан эзса, тилса ҳам,
Қаршисида қалб чўкмагай тиз,
Уйларимга қоламан содиқ.
Майли, гўрда ҳоқ бўлай беиз,
Бўй эгмайман қайғуга ортиқ!..

Жаллоб-шоир ўзининг энг яхши асарларини ҳали ёзмаган вақтдаёқ, Белинский Кольцовни шу қадар яхши тушуна олган эди. Ўша пайтда босилган асарлари ичида энг яхшилари «Қўшчи қўшиғи», «Мард йигит», «Деҳқон базми» эди. Асосан мана шу қўшиқларнинг ўзига қарабоқ, машҳур танқидчимиз Кольцовнинг ўзига хос поэзиясининг муҳим характерини ва хусусиятларини белгилаб бера олди.

Аммо ўша вақтларда адабиёт ишларида тажрибали ва ақлвон қозилар деб ҳисоблаб юрилган кишиларнинг кўпчилиги Кольцов шеърларини совуққонлик билан кутиб олишди. Бу нарса 1836 йилда Кольцов иккинчи марта отасининг ишлари билан Москвага келганида, уни қандай кутиб олганларида қисман кўринди. Кольцов Москвадан Петербургга ўтиши керак эди. Бу гал ҳам у Москвада Станкевичнинг уйига

тушди ва шу ерда Белинский билан яқиндан танишиб қолди[11]. Белинский бу вақтларда Станкевич билан жуда яқин муносабатда эди. Белинский воронежлик шоирни москвалик кўпгина фахрий адабиётчиларга таништиради. Бироқ уларнинг ичида Кольцовни тушунадиганлари кам эди. Улардан бири Кольцов ё жазаваси тутиб кетар, ёки майин ҳиссиётга берилар, ёхуд ўзининг шоирона кайфиятини бошқа бирон йўл билан намоён қилар деб ўйлаб, шоир билан суҳбатлаша бошлайди. Бироқ Кольцов ҳамма оддий одамлар каби ўзини тўғри тутади, жазавага ҳам тушмайди, ҳиссиётга ҳам берилмайди, балки бўлар-бўлмас хом хаёлларга эмас, содда, меҳнаткаш ҳаётга кўникқан савдогар сифатида фикр юрита бошлайди. Буни кўрган бояги муътабар адабиётчи Кольцов шоирона ҳисдан маҳрум экан деган хулосага келади... Кольцовга жуда қуруқ ва совуқ муомилада бўлган яна бир адабиётчи ҳатто ўзини шоир билан таништирган Белинскийни мазах қилади:— «Бу мисралардан нима фазилат топдингиз?— дейди у,— бу ерда истеъдод нима қилсин? Бу сизнинг шунчаки найрангингиз бўлса керак: бизни мазах қилиш учун бу китобчани ўзингиз ёзгансиз!..»

Бундай одамлар орасида Кольцов ўзини унчалик хурсанд ҳис қила олмас эди. Шуниси ҳам борки, у бундайлар билан таниш бўлиш шарафига ноил бўлиш учун унча ҳаракат ҳам қилгани йўқ. У ҳамма вақт жуда камтар ва йиғилишларда жуда тортинчоқ эди; аммо бу тортинчоқлик янги одамларга кўникмаганидан ва бошқаларни жалб қила оладиган ҳеч қандай хусусиятим йўқ деган камтарона фикрдан келиб чиқарди. Кольцов иш юзасидан бўладиган муносабатларга одатланган эди, у одамлар нима сабаб биландир бири-бирига керак бўлиб қолганда, бири-бири билан чиқишиб кетишини кўриб, шунга кўникиб қолган эди. Ишсиз, бошқасиз бир одамнинг олдига шунчаки бориб келиш унга ғалати туюларди. Агар Кольцов бошқаларнинг ўзига қандайдир алоҳида бир меҳрибонлик билан муносабатда бўлаётганини, кўнглини олиш пайига тушиб қолишганини, у билан танишиш йўлини ахтараётганини билиб қолса, аввалига бу унинг кўнглига ҳатто шубҳа ҳам соларди. У бу ишларда бирон махфий ният йўқмикин, уни мазақ қилишмоқчи эмасми эканлар деган ва ҳоказо ташвишда қоларди. У нима учун ўзини севишларини, бошқаларга зарурлигини тушуна олмасди. Бундай ҳолларда, одатда, у: «Мени бошларига уришадими?.. менинг нимамга қизиқишади?» деб қўярди. Ўзини чин қалбдан эркалатишаётганини, самимий меҳрибонлик қилишаётганини кўргандан кейингина, у ўша одам билан яқинроқдан танишишга жазм қиларди. Яқиндан танишгач эса, унинг тортинчоқлиги тамом йўқолиб кетар, бундай одамлар билан бемалол очилиб суҳбатлашарди. Ўз дўстлари орасида эса у жуда оқ кўнгил, доли-гули табиат эди; у дўстларига ҳамма фикрларини айтар,

ҳамма ҳисларини баён қилар, бутун ҳаётини жамики тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берарди. Бундай ҳолларда Кольцов ўз ҳисларини бошқаларнинг кўнглини юмшатиш учун баён қилган, ўз тақдиридан шикоятлар қилган деб ўйлаш керак эмас. Йўқ, у йиғлоқиликни ёмон кўрарди. Аксинча, у ҳамма вақт ўзининг ижобий феълида тура оларди ва ҳатто дўстлари билан ҳам ҳис-туйғулари ҳақида узундан-узоқ сўзлашиб ўтирмас эди. Аксинча, у кўпинча ўзининг ҳунари ҳақида, хўжалик ишларида абжирлиги тўғрисида, ҳатто савдо-сотиқ ишларидаги ҳар хил қилмишлари ҳақида гапиришни севарди. Ҳатто қандай қилиб тажрибасиз харидорни алдашни, қимматроқ сотиб, арзонроқ олишга уринишини ҳам гапириб берарди. Кольцовни яхши билган Катков жаноблари шу тўғрида қуйидаги латифани айтиб юради:

Бир куни шоир ўзининг қилмиш-қидирмишларини ҳикоя қилиб турганида, эшитиб ўтирган ошналаридан бири сўраб қолибди:

— Алексей Васильевич, мабодо харидорингиз биз бўлиб қолсак, наҳотки бизни ҳам алдаб кетардингиз?

— Сизларни ҳам алдаб кетардим,— жавоб берибди Кольцов,— худо ҳақи, алдаб кетардим, сиз билан охирги нарсамни ҳам баҳам кўришга тайёрман, аммо олди-сотдида бой бермайман, ўзимни тия олмайман. Яхшиси, савдодан кейин икки ҳисса қилиб қайтариб берардиму, лекин харид қилаётганингизда, албатта, алдаб қўярдим.

Бу жуда ажойиб латифа. У гўдаклик чоғидан бошлаб одамга сингиб кетган ярамас одат ҳатто олижаноб табиатли кишиларга ҳам қанчалик кучли таъсир кўрсата олишидан ва мукаммал, бенуқсон одам бўлиш учун биргина гўзал қалбнинг ўзи кифоя қилмаслигидан далолат беради. Кольцовнинг қалби олижаноб ва соф қалб эди, унинг ниятлари ҳамма вақт эзгу ниятлар эди ва у ҳамма вақт дўстлари билан бориб будини баҳам кўришга тайёр эди. Бироқ у ҳам нима қилиб бўлса-да, савдода фойда кўришдек хунук одатдан халос бўла олмаганди; савдода бундан «ўзимни тия олмасдим» дейди... Бундай қилиқлар, шубҳасиз, унинг эътиқодидан эмас, балки кўникишидан келиб чиққан эди. Зотан биз кўникмаларимиз ҳақида қанча кам ўйласак, кўникмаларимиз бизга шунчалик кучли таъсир кўрсатади. Бироқ Кольцовнинг ақли қанчалик тўлиша борган сари, қанчалик кўп фикрлай бошлаган сари (айниқса 1836 йилда Станкевичнинг дўстлари билан яқинлашгач ва 1838 йилда яна Москвага келиб, бунда анчагина узоқ яшаганида), майда савдогарлик вазифаси унга шунча малол кела бошлади, унинг савдогарликка нафрати шунчалик кучая борди. Белинский томонидан Кольцовнинг биографиясида келтирилган 1838 йилдан кейинги мактубларида бу нафрат тобора очиқроқ, равшанроқ ифодаланади. Воронежга келгани ҳамон у ёзади: «Танишларим билан секин-аста ало-

қани узяпман: уларнинг бемаъни гап-сўзлари жуда зериктирди»[12]. Қуйидаги сатрларни ҳам у тахминан ўша вақтларда ёзган: «Сизга ёзгим келяпти-ю, аммо миямга ҳеч нарса келмаяпти. Воронежда негадир бошимга бир бало бўлди, жуда тентакламо бўлиб қолди. Билмадим, мана шу савдо-сотиқ ишларидан шундай бўлдими, ёки турмушимнинг ўзгарганиданми. *Сизникида туриб, сиз билан бўлиб жуда ўрганиб қолган эдим, ҳамма нарсани кўнглимдан чиқариб ташлагандим;* бу ерда бўлса, яна ҳамма нарсани унутиб, бошқа иш қилишинг, бошқа нарсани ўйлашинг керак: ахир, савдо-сотиқ ишлари ҳам ўз-ўзидан бўлавермайди-да, бунда ҳам баъзи нарсалар тўғрисида бош қотириш керак бўлади. Шунчалик қартайиб, шунчалик оғирлашиб қолдимки, қўяверасиз; ростини айтсам, *мен шоирликни ташлаб, бутунлай савдо кишиси бўлиб кетаманми, деб қўрқаман. Бундан худо сақласин!* Бундай бўлишга вақт эрта; буларни ўз оғзимдан эшитишни сира ҳам истамасдим!..»[13] Бу сатрлар гамгин сатрлар, бироқ уларда ҳамон бир даража хотиржамлик ва умид сезилиб туради. 1840 йилга келганда эса унинг сўзларидан ғамгинлик, оғир алам сезилиб туради: «Воронежда яқин-ўртада аҳволим вой бўлиб қолса керак деган гам анчадан бери юрагимни тирнамоқда...— ёзади у.— Мен бу ерда анчадан бери қафасга тушган ҳайвондай яшаб, узоқларга кўз тикаман. *Атроф-доирам тор, тўрт теварагимда қабиҳ, разил ҳаёт, турмушим аллақачонлардан бери заҳар-заққумга айланган.* Қандайдир кўзга кўринмайдиган бир эзгу куч мени қулашдан сақлаб турибди. Агар турмушимни ўзгартирмасам, яқин орада қуласам керак; икки карра икки — тўрт бўлгани сингари, бу ҳам муқаррар. Мен, гарчи ўзимни ўзим кўп нарсалардан маҳрум қилган бўлсам ҳам, *хусусан, мана шу ифлос ҳаётда яшаб туриб, ўзимни ундан четда тутсам ҳам, ҳар ҳолда буткул четлаша олганим йўқ, ҳар ҳолда ундан узил-кесил чиқиб кета олганим йўқ...»*[14]

Мана шу бир неча мисрада камолатга интилувчи шоирнинг олижаноб қалби ифодаланган. Шоирнинг ихтиёридан ташқари ҳаёт шароитлари уни ярамас ва бемаъни нарсаларга дуч қилган экан, шоир ҳатто буни ҳам ўзидан кўришга, ўзини койишга уринади... Кольцов дўстларининг кўрсатишича, унинг бутун ҳаёти давомида энг севган орзуси пасткаш савдо ишларидан тамом юз ўгириб, бутун вақтини бемалол ўқишга бағишлаш бўлган... Ундаги бу интилиш айниқса 1836 йилдан кейин доимий ва қатъий тус олди.

Умуман, 1836 йилда Москвада ва Петербургда ўтказилган ҳаёт Кольцовда жуда кўп янги таассуротлар туғдирди ва уни шу пайтгача билмаган жуда кўп янги нарсалар билан таништирди. Янги одамлар билан танишишнинг ўзи унинг учун жуда мароқли ва фойдали эди. Янги одамларни кўрган-

да дастлаб у, ҳамиша ийманиб, тортиниб турарди, бироқ бир оз у ёқ-бу ёққа разм солиб олгач, ҳаммани кузатишга бошларди. У одатда кам гапирар, бировга бир оз хўмрайиб қararди; буни кўриб, ҳамма, у хижолат ичида шекилли, ўзини ўнғайсиз сезяпти шекилли деб ўйларди; Кольцов эса бу вақт мудом кузатар ва ғоятда зийраклик ҳамда катта маҳорат билан ҳамма нарсани пайқаб оларди... Шу тариқа у тезда одамнинг нималигини билиб олар ва кўпинча, мишмишларга кўра, ақлли ва маърифатли одамлар деб ҳурмат қилиши лозим бўлган одамларнинг пучлиги ва арзимас одамлар эканлигини дадил очиб солар эди. Шоирнинг ҳақиқий дўстлари қўллаб-қувватлайдиган бундай кашфиётлар, гарчи биринчи дафъа уни хафа қилиб, дилининг оғришига сабаб бўлса ҳам, албатта, унда ўзининг кучига ишончни кучайтирмаслиги мумкин эмас эди. Ҳақиқатан ҳам, шу вақтлардан бошлаб Кольцов шеърларида унинг мустақиллиги қатъий кўрина бошлайди.

Петербургга келиши билан Кольцов бунда ҳам ўша даврнинг энг машҳур адабиётчилари билан танишиб олди. Бу ерда ҳам уни яхши кутиб олдилар. Умуман адабиётчиларга самимий муҳаббати ва ҳар қандай талант эгасига ҳурмати билан ажралиб турадиган Пушкин уни жуда хурсанд бўлиб, хайрихоҳлик билан кутиб олди. Пушкиннинг илиқ қабулини Кольцов ҳеч қачон унута олмас ва ҳар гал шуни гапириб берганида, кўзларига ёш олишига сал қоларди. Бу воқиадан кўп ўтмай (1837 йил, январь ойида) Пушкин дунёдан ўтди. Кольцов ўзининг жуда ажойиб «Ўрмон» шеърини унинг хотирасига бағишлади.

Кольцов Петербургда Пушкиндан ташқари кн. Одоевский, Жуковский, кн. Вяземский билан танишади. Кн. Вяземский Кольцовга доимо яқиндан ёрдам бериб туради. Кольцов 1840 йилда отасининг ишлари билан яна Москвага келганда ҳам, Вяземский унга кўп таъсир кўрсатиб, катта ёрдам беради. Бошқа адабиётчиларнинг кўпчилиги авом халқдан чиққан шоир билан танишишга ўзларя ошиқиб қолдилар. У, булар билан дастлаб тортиниб, камтарлик билан муносабатда бўлди, аммо кейинчалик бу ерда ҳам худди Москвадаги каби ўзининг кузатувчанлигини намойиш қила бошлади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Кольцовнинг адабий доиралар билан танишувининг энг муҳим натижаларидан бири шу бўлдики, унинг кутубхонаси янги китоблар билан бойиди. Кольцов танишган ёзувчиларнинг деярли ҳар бири унга ўз асарлари ва китобларини совға қилди. Бу Кольцов учун жуда кўнгилли эди, чунки Кольцовнинг китобга иштиёқи сўнмадигина эмас, балки тобора авж олмоқда эди.

Аммо энди у енгил-елпи ўқиш учун мўлжалланган асар-

лар ва романлар билан унча қизиқмай қўйган эди, у илмий китобларни ва айниқса тарихий асарларни севиб қолганди. Гарчи у аввалгидай тақлид учун бирон намунага муҳтож бўлмаса-да, шеърлар ҳамон унинг диққатини ўзига тортарди. Кольцов ўзи поэзияда ўзига хос янги бир жинс яратиб, бу соҳада мутлақо мустақил ижод қилмоқда эди. Бу жинсда Кольцовга намуна бўлиш у ёқда турсин, ҳатто рақобатлашадиган ҳам биронта одам йўқ эди... Унинг хатларидан шу нарса аёнки, турли адабиётчилар унга Воронежга ҳам китоблар ва журналлар юбориб турган, Кольцов эса бундай совғаларни ҳамиша катта хурсандчилик билан қабул қилган.

V БОБ

Воронежга қайтиш. Уйдаги машғулотлар. Кольцовнинг руҳий ташвишлари. Москвага янги сафар ва Воронежга қайтгандан сўнг шоирнинг япа тортган қайғулари ва шиконтлари. Москва ва Петербургга сўнгги сафар. Воронежда Кольцовнинг ғам-ғусса чекиши ва касаллиги. Оилавий муносабатлар. Петербургга кўчиш ниятлари. Кольцовнинг вафоти.

Москва ва Петербургдаги ҳамма ишларини муваффақият билан тугатиб, Кольцов Воронежга қайтади ва дарҳол хўжалик ишларига киришади. Ўзининг бу вақтдаги машғулоти ҳақида Кольцов шундай деб ёзади: «Отам икки ойдан бери Москвада, буқа сотяпти; уйда ёлғизман, иш кўп. Чўчқалар сотиб оламан, уларни вино заводига бардага қўяман; дарахтзорда ўтин қиламан; кузда ер ҳайдадим; шошиб-пишиб қишлоққа бориб-келиб тураман; уйда эртадан кечгача иш билан бандман»[15]. Шу вақтдан бошлаб унинг иши кўпайиб, ташвиши ортади, чунки отаси савдо-сотиқ ишларини тамоман унинг бўйнига юклаб қўяди. Ҳамма қарзлар, жамики векселлар ва тилхатлар унинг номига ўтказилади,— у энди бутун хонадонининг фаровонлигини таъмин қилиб туриш учун кучини аямай меҳнат қилиши керак. Аввал бошда бу фаолият уни бир оз қизиқтирди, аммо кўп ўтмай у Москвадаги дўстларини ва у ерда ўзига маълум бўлган юксак, олижаноб тушунчалар ҳақида ўйлар экан, бу ишлар унга малол кела бошлайди. 1837 йилда В. А. Жуковский Воронежга келганида, уни кўриб кетади. Жамики Воронеж аҳолисининг кўз ўнгида машҳур шоир ва тахт ворисининг мураббийси Кольцовга катта илтифот қилади. Фақат шу воқеагина Кольцовга тасалли беради.

Умуман, 1836—1838 йиллар Кольцов учун жуда ташвишли йиллар бўлди. У ўзи ҳал қила олмайдиган масалалар ҳақида авалгидан кўра кўпроқ ўйлай бошлайди, ўз аҳволининг ноқулайлигини аввалгидан кўра кучлироқ ҳис қилади, аммо бу шароитдан у чиқиб кета олмас эди. Унинг бу даврдаги руҳий азоблари кўпгина ўйларида ёрқин ифодаланади. Бу

ўйларда деярли ҳамма вақт чуқур масалалар қўйилади, бироқ, уларга заиф ва чала жавоблар берилади. Шуни ҳам айтиш керакки, шоир ўйларидан бирида ўзининг шубҳа ва саволларини изоҳлашга, оқлашга уринади:

Нима қилай мен
Ерут дунёда
Ўз хоҳишимсиз
Ортиқ уриниб?
Не қилсам экан,
Жўшқин ирода,
Осий ўй билан,
Эҳтирос билан?
Бу қора ернинг
Етти қатига
Осмоннинг кучи
Ҳаёт жамлаган.
У ҳаёт яшар,
Мисли малика!
Бешикдан токи
Гўрга киргунча.
Руҳ тупроқ билан
Олиб борар баҳс:
Ер эса сира
Қуллик истамас.
Ва йўқдир мажол
Ғалаби йиқмоққа;
Ҳеч илож йўқдир
Осмон руҳини
Қора ер билан
Келиштирмоққа.

Бу ўринда руҳ ва таннинг бир-бирига қарши ҳаракатига диққатни жалб қилган ҳолда масалани изоҳлашга интилиш бордай туюлади. Бироқ шоир шу билан чекланишга журъат қилмайди; бир неча мисрадан кейин, у:

Бу эртакчада
Мақсад яширин;
Менинг дилимда
Ғоя ҳам йўқдир.
Кўриб билиш-чун
Худонинг ишин.

деб, ўз мулоҳазаларидан воз кечади.

Ўзининг етарли даражада маълумотга эга эмаслигини Кольцов энди ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ҳис қилади ва жуда афсусланади. Табиатан у жуда ақлли ва зеҳнли эди; у ҳаёт ва табиатга уларни тушуниш, идрок этиш истаги билан қарарди. Кўрган ва эшитган нарсалари ҳақида унинг миясида ҳамиша янги ва муҳим саволлар туғилиб турарди. Унинг ақли ва ўзлаштириб олишга улгурган баъзи бир умумий тушунчалари унда бу масалаларни илм ёрдами билангина ҳал қилиш мумкин деган фикрга олиб келар эди. Аммо аниқ ва қатъий хулосалар чиқариш учун, дадил мулоҳазалар юритиш учун унда айни шу нарса, яъни илм етишмас эди. Бундан у қаттиқ

қайғурарди. У кунлардан бирида ошнасига шундай деб ёзган эди: «Агар одам гениал бўлмоқ туриб, ундан ҳам ўтиб кетган бўлса-ю, аммо саводи бўлмаса, битта бемаза эртакни ҳам ўқиб чиқолмайди. Ҳар қандай ишга ҳам мукаммал қобилият керак. Аввалари мен тентак ўзим ҳақимда ҳар хил нарсаларни ўйлаб, керилиб юрардим, энди бўлса, қуюлиб қолганимда, кўнгилда фақат бир истак — ўқиш истагигина қолди». Ҳақиқатан ҳам, Кольцов ўзининг хўжалик машғулотлари орасида ҳам китобни қўлдан қўймай, ҳамон ўқишини давом этдирди.

1838 йилда Кольцов яна Москвага келади ва бу гал у ерда анча вақт туриб қолади. У яна ўзининг аввалги олижаноб дўстлари билан топишади. Улар билан бирга бўлар экан, қалби ором олади, кишига малол келадиган бачкана ташвишлар, савдо-сотиқ муомалалари, Воронежда атрофини ўраб олган қўпол ва дағал улфатларни унутгандай бўлади. Шу даврда кўпгина яхши шеърларини яратади. Бунинг сабаби, албатта, шунда эдики, у тамомила хотиржам эди, қалбини ҳеч нарса ташвишга солмас эди. Бироқ энди Воронежга қайтиш унинг учун яна ҳам оғир бўлди. Воронежга қайтган ҳамон у Москвага мактуб ёзади: «Воронежга яхши келиб етдим; аммо Воронежда яшаш менинг учун аввалгига қараганда икки баравар оғирроқ: одам зерикади, дилинг ғаш, гўё бошпанасиз қолганга ўхшайсан. Ҳамма нарса аввалгидек жой-жойида кўринади-ку, аммо ҳеч нарса кўнглингга ёқмайди[16]. Уни тушуна олмаган одамлар орасида яшаши Кольцов учун оғир бўлгани кўриниб турибди. Лекин шу хатнинг ўзида, яна шундай дейди: «Воронеж аввалгига қараганда мени ўн чандон ортиқ илтифот билан кутиб олди; мен ундан миннатдорман». Бироқ, афтидан, бу илтифот фақат сиртқи илтифот бўлган. Шу хатнинг ўзида Кольцов тушунчалари ўртасидаги тафовут қандай қилиб уни Воронеждаги аввалги танишлари билан алоқани узишга мажбур қилганини ёзади. «Мен келганимдан кейин,— деб ёзади у,— нарсаларга нотўғри қарайсизлар, хато тушунасизлар деб уларни ишонтирмоқчи бўлдим: ундоқ деб ҳам кўрдим, бундоқ деб ҳам. Улар мени мазақ қилиб кулишди, у алжираяпти деб ўйлашди. Мен улардан юз ўгирдим, шу билан уларнинг таъзирини бермоқчи эдим, аммо иш тамом бошқача бўлиб кетди: мен улар билан чиқишиб кетдим; уларнинг гапига қулоқ соламан, аммо ичимда бошқа нарсани ўйлайман; уларнинг ҳаммасини кучим борича мақтайман; бирини доно дейман, бирини олим, яна бирини ажойиб шоир, баъзиларини файласуф, музикачи, қойил қолса бўладиган амалдор, ибратга лойиқ савдогар, намунали китобфуруш дейман; буни эшитиб уларнинг ҳаммаси мендан хурсанд бўлишади; мен бўлсам, ичимда улар устидан ичагим узилгунча куламан. Шу тариқа ҳамма иш жойида кетяпти; бўлмаса, бекордан-бекорга ўзингга аҳмоқ-душман ортдиришнинг нима кераги бор? Дунё шунақа экан-да, худо нима берган бўлса, шу билан ўтиб кетар экан

ҳар ким». Бу мактуб бизга яна бир марта Кольцовнинг табиатан жуда олижаноб ва ақлли одам бўлганини, аммо илмининг камлиги унга ҳамиша зарар етказиб келганини исбот қилади. У ўзи ўзлаштирган янги тушунчаларни қувонч билан бошқаларга ўргатишга тайёр эди, шунинг учун ҳам ўзига таниш ва яқин кишилар билан бу тушунчаларни ўртоқлаша бошлаган эди. Аммо бу ишга унинг кучи етмади, уни мазақ қилишди ва кўп ўтмай Кольцовнинг ўзи ҳаракатлари бефойда эканини кўриб, ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўяди... Кольцовнинг оиласидаги аҳвол энди аввалгидан бир қадар дуруст эди. Шеър ёзиш ўғлига хўжалик ишлари билан шуғулланишга халақит бермаётганини, аксинча шеър ёзгани учун ўғлини баъзи бир муътабар одамлар иззат-икром қила бошлаганини кўриб, отаси Кольцовни аввалгидай сиқмай қўйди ва унга яхши муносабатда бўла бошлади. Бояги хатда Кольцовнинг ўзи шундай ёзган эди: «Кекса отамнинг менга муомаласи яхши; (Москвада) ишни дўндириб келганим учун, менга меҳри аввалгидан ошиб кетди: у доим ишнинг дўндирилганини яхши кўради». Бу вақтларда Кольцовнинг астойдил яхши кўрган синглиси билан ҳам муносабати жуда яхши эди. У бутун кучини сарф қилиб, синглисини илмли қилишга интилади, чунки илмнинг қанчалик зарурлигини у ўз ҳаётида жуда равшан сезган эди. У синглиси билан тез-тез суҳбатлашиб туради, унга китоблар ўқиб беради, жуда кўп ҳаракат қилиб, ҳатто ҳийла-найранг ишлатиб бўлса ҳам, отасини синглисига фортепьяно олиб беришга, музика бўйича ва француз тили бўйича ўқитувчи ёллашга кўндирмоқчи бўлади.... Бахтга қарши, кейинчалик майда-чуйда оилавий машмашалар ва ғаразгўйликлар Кольцов билан синглиси ўртасидаги бу меҳри-оқибатга футур етказади. Кольцов бунга қарши ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, совуқчиликнинг олдини ололмайди ва синглисига қўйган меҳри эвазига вафосизлик ва ношукурлик кўриб, қаттиқ қайғуради.

Савдо-сотиқ ва хўжалик ишларини юргизиб туриш ҳам Кольцов учун унчалик осон иш эмас эди. Минг хил турли-туман ташвишдан ташқари энди унинг бўйнида яна бир ташвиш пайдо бўлади — уй қуради. Кольцовнинг ўзи йўқлигида иш сира ҳам юришмайди, шунинг учун Москвадан қайтиб келгач, ҳамма ишни эпга келтириш ва изга солиш учун Кольцовнинг ўзига жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Бунинг устига Кольцов иш туфайли алоқа қилиб турадиган одамлар ҳам уни ранжита бошлайдилар. Баъзан ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун, баъзан эса ҳатто ҳалокатдан сақланиб қолиш учун Кольцов бу одамларга ҳийла ишлатишга, муғомбирлик қилишга мажбур бўлади. Масалан, кунлардан бирида чўлда Кольцовнинг қандайдир бир хизматчиси, негадир хўжайинидан аччиғланиб, ғазабга келиб, уни сўймоқчи бўлади. Кольцов қандайдир йўл билан унинг ниятини сезиб

қолади. Нима қилиш керак? Бу ишёқмас танбални шу ернинг ўзида ушлаб олиб, фош қилиш хавфли, унинг ҳужумидан сақланишнинг ҳам ҳеч иложи йўқ — чор атроф кимсасиз чўл. Кольцов муғомбирлик йўлига киради: у дарҳол бояги одамга жуда меҳрибон бўлиб қолади, унга жуда ширин муомала қила бошлайди, вино билан меҳмон қилади, ўзи ҳам бирга ичишади, ога-инидек бўлиб кетади. Шу тариқа у хавф-хатардан омон сақланиб қолади. Воронежга қайтганда эса ўнғайлик билан бояги газанданинг сирини фош қилиб, ўзи истагандек таъзирини беради. Кольцовдай эзгу табиат, олижаноб одам учун мана шундай кишилар билан яшаш жуда оғир эди; Кольцовнинг Воронеждан кетиб, Москва ёки Петербургга бориб яшаш орзуси тобора кучая боради. Бунинг иложи бўлмаса, ҳеч бўлмаганда, чакана савдогарчиликдан халос бўлиб олишни истайди, чунки савдо ишида экан, беихтиёр турли-туман ҳийла-найранглар ишлатишга, ёлғон-яшиқ гаплар тўқишга мажбур бўлади. Кольцовнинг бу даврдаги энг қувончли ниятларидан бири шу эдики, у чўлдаги ишларини бир тартибга келтирса ва уйини қуриб битирса, чакана савдони отасининг қўлига топшириб, ўзи уйида китоб дўкони очмоқчи эди. Афсуски, унинг бу нияти рўёбга чиқмади.

1838 йилда Серебрянский вафот эди. Унинг вафоти Кольцовни жуда қаттиқ қайғуга солади. Садоқатли ва меҳрибон дўстдан айрилиқ гами Кольцовнинг аҳволини оғирлаштиради — уни қадрламайдиган, унга тушунмайдиган одамлар қуршовида Кольцов ўзини янада ёлғиз сезади. Кольцовнинг ўзларидан кўра тузукроқ, юқорироқ одам эканини бўйнига олгиси келмаганларнинг ҳаммаси уни мазақ қилишади, сўкишади, ёмонлашади. Буларнинг ҳаммасига Кольцов баъзан кулиб қўя қолади, баъзан эса қаттиқ изтироб чекади. У дўстига ёзган хатларидан бирида шундай дейди: «Атрофимни бамисоли ғуж-ғуж татар билан жуҳуд қуршагандай, ишим бўлса бошдан ошиб ётибди. Уй битганига бир ой бўлди. Қурилиш ташвиши, судли ишлар, илтифот кўрсатиш, бировнинг кўнглини олиш, лаганбардорлик, одамларникига бориш, ҳисоб-китоблар, қарз-қурзлар, сўкишлар, жанжаллар жуда жонга тегди... Шу аҳволда қандай қилиб ёзяпман? Нега ёзяпман? Билсангиз, сиз учун, фақат сиз учун ёзяпман; бу ерда бўлса, шеър ёзишим туфайли бошим мазақдан чиқмайди. Эринмаган одам борки, ҳаммаси бир илож қилиб шу қаламкашнинг қанотини қайириб қўяй деб дағдаға қилади; бирон телба-тескарининг чиранишини кўриб, кўпинча кулгим қистайди...»[17].

1840 йилда Кольцов яна бир марта Москва билан Петербургга борди. Бу сафарга сабаб унинг иккита судлашадиган иши бўлди, бу ишларни ниҳоясига етказиш учун ҳар икки пойтахтда Кольцовнинг ўзи ҳаракат қилиши керак эди. Петербургдаги иши Кольцовнинг зарарига ҳал бўлди. Сўнг кичи ишнинг ҳаракатини қилиш учун ошигич равишда Москвага жўнайди. Бу ерда князь П. А. Вяземский унга кўп ёрдам кўрсатади, у Кольцовга жуда кўп тавсияномалар беради, уларнинг ёрдамида Кольцов бир қанча юқори мартабали одамларнинг ҳузурида бўлади. Князь П. А. Вяземскийнинг тавсияномаларисиз бу одамларнинг яқинига йўллаб бўлмас эди. Шу тариқа Кольцов Москвадаги ишини муваффақиятли ҳал этади.

Москвада эски дўстлари орасида Кольцов руҳан дам олади. Воронежга қайтиш ҳақида ўйлар экан, даҳшатга тушади. «Сира-сира уйга кетгим келмаётганини билсангиз эди,— деб ёзади у Петербургга—Белинскийга,— уйга кетишни ўйлашнинг ўзидаёқ бутун аъзойи-бадаким музлаб кетади; аммо кетмасам бўлмайди, бу — зарурият, темир қонун»[18]. Шунинг учун у иши битгандан кейин ҳам яна бир қанча вақт Москвада туриб қолади ва янги йилни — 1841 йилни, дўстлари билан бирга ғоят шодиёна кутиб олади. Бир йилдан сўнг янги йилга — 1842 йилга атаб ёзган шеърида буни ғамгинлик билан эслади:

Эски йил, шовқин-ла кутгандим сени
Даврасида ёру дўстларинг.
...Суҳбатимиз этарди давом
Тонгга қадар жонли ва бошанг;
Май сингари бўлмасди тамом,
Қадаҳлардай эди сержаранг!
Аммо йил ўтди ҳам: бировга юлдуз,
Биров учун яшиндай тезкор,
Мени алдаб у йил — ёруғ юз
Оғма дўстдай, иблисдай айёр!
Оғир йил, сен кетдинг, аммо мен ҳаёт,
Дўстлар йўқ, жим, ёлғиз этаман байрам.
Янги йил ҳам маккор зулумот,
Унга боқиб кўзларимда нам.
У зулматда келар бор пинҳон!
Наҳот янги ғамлар мужассам?
Наҳотки дунёдан бевақт, бешшон
Қалб тўла армон-ла хайр-хўшлашсам?

Шоирнинг сезгани тўғри чиқди. У 1842 йилнинг охирига бормай вафот этди. 1841 йилнинг бошида у уйига қайтишга мажбур бўлади, чунки Москвада тирикчилик учун пули қолмайди. Москвадан жўнаш арафасида у Петербургга юборган мактубида шундай ёзади: «Ҳеч жўнагим келмаяпти, вассалом. Охири шундай вақт етиб келдики, уй-жой ҳам, қариндош-уруғлар ҳам кўнглимга сиғмай қолди. Питерда яшашга заррача имкон бўлганда ҳам, шартта у ерга жўнардиму, ўлгунимча ўша ерда яшардим. Аммо чўнтагингда пулинг бўлмагандан кейин бундай қилиб бўлмайди,— шу важдан энди уйга кетяпман... Мен, ростини айтсам, аввал Питерга жўнамоқчи эдим; аммо очлик асар қилгандан кейин бу фикримдан қайтдим — қайтиб ҳам тузук қилдимми дейман...»[19]

Кольцов Воронежга қайтиб, савдо-сотиқ ишларини ва уй ташвишларини бир оз эпақага келтиргани ҳамон, отасидан Петербургга кўчиб кетиш учун розилик сўрайди. Бу гал отаси рози бўлади ва ҳатто ўғлининг номига ёзилган векселлар бўйича қарзларни тўлашга ҳам кўнади, бу қарзлар тўланмаса, Кольцовнинг Воронеждан кўчиб кетиш имкони бўлмас эди. Отаси шунингдек мол олиб сотишни ҳам тўхтатиб, фақат уйга қараш билан шуғулланмоқчи бўлади. Негаки энди уйнинг ўзидан ҳам йилига 7 000 сўмгача даромад олиш мумкин эди. Кольцов отасининг бу қароридан беиҳоя хурсанд бўлади. Аммо шу пайт у жуда қаттиқ касал бўлиб қолади. 1841 йил рўзанинг сўнгги ҳафтасида у жуда оғирлашади, аммо бу гал уни даволаган докторнинг астойдил ғамхўрлик қилгани туфайли ҳаёти сақланиб қолади. Кольцовнинг онаси касал ўғлининг олдидан бир қадам ҳам жилмай, бахтсиз ўғлини меҳрибонлик билан парвариш қилади. Кольцов бир неча марта доктордан соғайиб кетмайдиган бўлса даволамай қўя қолишни илтимос қилади: «Доктор,— дейди у,— агар дардим бедаво бўлса, сиз фақат ҳаётимни чўзаётган бўлсангиз, сиздан илтимос қиламан, чўзмай қўя қолинг. Қанча тез узилсам, шунча яхши, сизга ҳам ташвиш камроқ бўлади». Доктор беморни соғайиб кетасиз деб ишонтиради ва бу бир қанча вақт Кольцовга таскин беради. «Ундай бўлса, даволанганим бўлсин»,—дейди у. Дарҳақиқат, бир қанча вақт унинг аҳволи яхшиланади ва ҳатто у бир гўзал, ўқимишли аёл билан яқинлашиб, руҳий кайфияти ҳам жойига келиб қолади. Кольцов бу аёл билан турмуш қурмоқчи, ўз бахтини шу аёлдан топмоқчи эди. Аммо кўп ўтмай уларнинг орасига айрилиқ тушади ва ҳижрон Кольцовни шу сўнгги илинжидан ҳам маҳрум қилади. Шу туфайли соғлиги аввалгидан ҳам ёмонлашиб кетади. У кўкрагида оғриқ сезади, бутун аъзойи бадани жуда бўшашиб кетади. Даволаниш учун доктор Кольцовга Донда чўмилишни маслаҳат беради ва у бунинг учун қишлоққа—қариндошларидан бирининкига жўнайди. Чўмилиш, ҳақиқатан ҳам, унга бир қадар ёрдам беради, бироқ у даволанишни охирига етказмай, тўхтатишга мажбур бўлади, чунки куз тушиб қолган ва ортиқ чўмилиб бўлмайдиган бўлиб қолган эди. Айтганча, шундан кейин ҳам Кольцов аста-аста соғайиб борди, яна ўқиб, ёза бошлади, дўстлари билан яна хат ёзиша бошлади.

Бироқ батамом соғайиб кетиш учун тўла-тўкис хотиржам бўлиш керак эди. Кольцовга эса худди мана шу хотиржамлик етишмас эди. Оиладагилари энди уни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйишганди ва у қашшоқлик ичида, энг зарур нарсаларга ҳам муҳтож бўлиб яшайди. Шундай вақтлар ҳам бўладики, у дори сотиб олишга ҳам пул тополмайди; баъзан қанд билан чой ҳам етишмайди; баъзан ҳатто иссиқ овқатсиз қолади. Орадан кўп ўтмай муҳтожлик ёнига безовталик қўшилади: Кольцов яшаётган уйда тўй тараддуди бошланади, бутун уйни бошга кўтарадиган чоп-чоп, югур-югурлар, ювиш-сидиришлар, қий-чувлар бир дақиқа ҳам тинмайди. Бу беморнинг тинчини бузади, ҳолини оғирлаштиради. У сўнгги хатларидан бирида ўзининг шу вақтдаги аҳволини баён қилади. Бу мактубни ўқиш кишининг юрагини эзади: «Ҳамма ёқдан-буёққа менинг хонам орқали юриб ела бошлади; дам ўтмай пол ювишгани ювишган, намлик эса менга ҳалокатли таъсир қилади. Дам ўтмай трубка тутатишгани тутатишган; менинг ишдан чиқиб қолган ўпкам буни кўтара олмайди. Мен зотилжам бўлиб қолдим. Аввал ўнг томоним, кейин чап томоним, худди юрагимнинг рўпараси касалланди. Бу касал жуда хавфли, жуда азоб беради. Зотилжам бўлиб қолганимдан кейин жуда қўрқиб кетдим. Бир неча кунгача ҳаётим қил устида турди; табиб, ҳақини жуда кам берган бўлсам ҳам, кунига уч мартадан келиб турди. Бу вақт бизникида ҳар куни кечқурун базм, шовқин-сурон, тўполон, бақириқ-чақириқ, чоп-чоп, нақ ярим кечагача менинг эшигим тинимсиз очилиб ёпилади. Чекманглар десам, бадтар чекишади, тутатманглар десам, кўпроқ тутатишади, полни ювманглар десам, кўпроқ ювишади...»[20] Ниҳоят, Кольцов ўзига далда бериб, тўй зиёфатлари тугагунча сукут сақлашга ва тоқат қилишга қарор қилади. Кейин эса у ҳатто ўзи чидаш берган кўнгилсизликлар учун ўзи ҳаммадан кечирим сўрайди ва шу тариқа уй эгалари билан бир даража иноқлашади ва яраша олади. Уй эгалари уни ўз ҳолига қўядилар. У хатларидан бирида бу тўғрида хурсанд бўлиб шундай ёзади: «Мен энди, худога шукур, анча тинч хотиржам яшаяпман. Улар мени безовта қилишмаяпти. Хонам — жимжит; ўзимга нон, ўзимга бекман, берадиган овқатлари тузук. Чой бор, қанд ҳам бор, менга ҳозирча бошқа ҳеч нарса керак эмас. Соғлигим анча яхши бўлиб қолди. У ёқ-бу ёққа юра бошладим, ҳатто икки марта театрга ҳам бордим. Табиб рўза ичи ўлмайсан, баҳорда эса ўзим тузатиб оламан дейди»[21].

Беморлик азоблари бир оз енгиллашган орадаги маза шу қисқа фурсат ичида, ташвишлардан бир оз хотиржам кезларда Кольцовнинг Петербургга кўчиб кетиш орзуси яна зўраяди. Бундан аввал ҳам Кольцов учун Петербургда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш имкони туғилган эди. Масалан, 1840 йилда Кольцовга акция асосида вужудга келтирилган китоб дўконини бошқариш таклиф қилинган эди. Худди шу вақтлар орасида «Отечественные записки» журналининг нашири А. А. Краевский унга журнал идорасига мудир бўлишни таклиф қилган эди. Аммо у вақтларда Кольцов Воронеждан кетолмайди, чунки отасининг ўғли номига ўтказган қарз тўғрисидаги тилхатлари бунга йўл қўймайди. Бунинг устига у янги савдо ишини маблағсиз бошлашга журъат қилмайди, негаки, жаллоблик қилиб юрган вақтларида маблағ унча кўп

бўлмаганидан тугилган кўнгилсизликлар яна бошимга тушмасин деб қўрқади. Энди эса, ўзига яқин одамларнинг турли-туман макр ва фитналари туфайли Кольцовнинг бисотида ҳеч нарса қолмаган бир вақтда, ҳатто ўз уйида бегонадан бадтар ҳаёт кечиришга мажбур бўлган бир вақтда, у Петербургга кўчиб кетишга аввалгидан кўра қатъийроқ аҳд қилади. Бу ниятини амалга ошириш учун у сабрсизлик билан соғайишини кутади. Аммо, Петербургда қандай ҳаёт кечираман, нима билан тирикчилик қиламан? деган фикр ҳозир ҳам уни қаттиқ ташвишлантиради. Бир хатида у ёзади: «Уйда қола берадиган бўлсам, туриш-турмушимнинг мазаси бўлмайди; аммо турмушим ҳар қанча оғир бўлса ҳамки, бошпанам бўлади-ку. Уйдан мени қувиб юборишмас. Питерга кетай десам,— бунинг учун менга ҳеч ким сариқ чақа ҳам бермайди. Боринг-ки, йўл кира топарман ҳам; сотса, уч юз сўмча пул бўладиган буюмим бор; бу пул етарли. Бироқ у ерга боргандан кейин, нима иш қиламан? Гумашталик қиламанми?— Қилолмайман; ўз ҳисобимдан бирор иш қиламанми?— бунга бир пақир ҳам пул йўқ. Шеърларимга умид боғлайми?— бунга нима ҳам бера-ишарди? Ешим қирққа кирганда, куним гадойликка қолса, нима бўлади?.. Шундан ёмони йўқ-да!»[22]

Кольцовнинг кўнглидан бундай ўйлар ва ташвишлар бир лаҳза ҳам аримайди ва ҳаётининг сўнгги кунларида оромини бузади. Бутун 1842 йил давомида Кольцов касалдан бош кўтармайди. Ниҳоят, дармондан кетади; касаллик азоби, фақирлик азоби, шароитларга қарши самарасиз кураш ташвиши уни йиқитади. 1842 йил 19 октябрда кундуз соат учда Кольцов вафот этди. У ҳаммаси бўлиб дунёда 34 йилгина яшади.

Биз бу ажойиб инсоннинг ҳаёти ҳақида шу пайтгача матбуотда босилган маълумотлар асосида ҳикоя қилдик. Аммо, заррача шубҳа йўққи, кейинчалик Кольцов биографиясига доир янги фактлар ҳали кўп очилади ва улар бизнинг шоирга бўлган ҳурматимиз ҳамда муҳаббатимизни янада кучайтиради. Кольцовнинг ҳаётидан жуда кўп нарса айтиб бериши мумкин бўлган унинг дўстлари шоирга яқин кўпгина одамларни ёмон отли қилиб қўймайлик деб, назокат сақлаб, шу вақтга қадар индамай келдилар. Вақти келиб, албатта, Кольцов ҳақида мукаммалроқ ва тўлароқ мақолалар пайдо бўладики, биз улардан Кольцовнинг оиладаги ҳаётининг ҳамма тафсилотларини билиб оламиз. Айтганча, бу одамнинг характери ҳақида умумий хулоса чиқариш учун биз билган нарсаларнинг ўзи ҳам кифоя қилади. Унинг бутун ҳаёти давомида биргина интилишни, биргина доимий ниятни — илмли бўлиш ниятини кўрамиз. Бу интилиш унинг болалигидан очиқ-ойдин намоён бўлади ва кейинчалик бутун ҳаёти давомида ҳеч қачон ва ҳеч қаерда унинг кўнглидан чиқмайди. Шоирнинг атрофини қуршаб олган ҳамма нарса бу ниятнинг рўёбга

чиқишига тўсқинлик қилади, бироқ шунда ҳам шоир қалбидаги орзу заррача сўнмайди. Бу интилиш дастлаб унда китобга ҳавас уйғотади, кейин ўзининг ҳам бирор нарса ёзишга ҳавасини туғдиради, унинг шоирлик фаолияти шу тариқа бошланади. Унинг илми кўпайиб, ақли бойиб борган сари шоирлик фаолияти ҳам ўсиб мукаммаллаша борди. Ҳақиқий ва катта шоир сифатида Кольцов ҳеч қачон қуруқ ҳиснинг ўзига берилиб кетган эмас, унинг шеърларида ақл-идрок ҳис-туйғу билан қўшилиб кетган. Кольцовнинг ҳар бир шеърида, албатта, фикр бор. Шоирнинг илми ортиб борган сари, унинг шеърларидаги фикр ҳам аниқроқ ва тўлароқ ифодалана боради, қалбдаги ҳислар билан янада мустаҳкамроқ қўшила боради. Баъзи шеърларининг, масалан, ўйларининг камчиликлари шундан келиб чиққанки, шоир уларда ҳали ўзи аниқ билмаган, яхши тушуниб етмаган нарсаларни тасвирламоқчи бўлган. Шу сабабдан бу шеърларда поэтик ҳис кучли ифодаланган эмас.

Кольцовнинг турмушида ҳам худди шу аҳволни кўрамиз. Кольцов илми кўпайиб, ақли олий бурчларни англайдиган бўлганга қадар ёлғон гапиришга, айёрлик қилишга, савдо ишларида фириб ишлатишга ор қилмайди. Аммо буларнинг ярамаслигини англаган ҳамон дили ғаш бўлади, ташвиш чекади; у ўзининг аввалги ҳаётидан нафратлана бошлайди ва вафотига қадар ўз шароитини ўзгартиришга, янгича ҳаёт бошлашга интилади. Бечора шоир ўз ниятларига эриша олмайди: унинг атрофини қуршаган ёвузликлар ҳаддан ташқари кучли эди; шоир курашда ғолиб чиқолмасди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, у курашади ва ҳатто бу курашда кўп нарса ютади ҳам; у ўз поэзиясини осонлик билан яратмади: ўзида поэтик ҳисни сақлаб қолиш ва тарбиялаб вояга етказиш, шеър тўқишни ўрганиб олиш ва ҳатто унинг асарларида сезилиб турадиган унча-мунча илмни эгаллаш ҳам унга жуда қиммат-га тушди. Бутун ҳаёти давомида у вафотидан сал аввал ўзўзига берган ваъдасига амал қилиб яшади. Унинг ваъдаси бундай эди: «Охирги нафасим қолгунча яшайман, охирги кучим қолгунча ишлайман; бутун кучимни сарф қиламан, ҳамма нарсамни қурбон қиламан; энг охирига қадар зўр бериб курашаман, ихтиёримдаги ҳамма воситаларни ишга соламан. Ана шундан кейин, ҳолдан кетиб йиқилсам, ҳамманинг олдида юзим қизармайди, ўзим виждоним қаршисида ҳам ҳақ бўламан».[23]

Дарҳақиқат, агар ёруғ дунё унинг қаршисида ноҳақ бўлган бўлса, шоир ўз виждони қаршисида ҳам, ёруғ дунё қаршисида ҳам тамомила ҳақ эди. Бу ёруғ дунёга шоир ўз ҳаётидан хотира сифатида шу қадар юксак, чинакам поэзия қолдириб кетди.

VI БОБ

Кольцов поэзиясининг характери. Нарсаларни тасвирлашдаги тўғрилик ва ҳаққонийлик. Нарсаларга ижобий қараш. Шеърларда фикрнинг мавжудлиги. Ўйлар. Кольцов қўшиқларида халқ характерининг баъзи бир белгилари. Ҳиссиёт ва ифода кучи. Кольцовнинг тили. Хулоса.

Кольцов ҳаётида биз шуни кўрдикки, у доимо ўз ақлини ва қалбини илм билан бойитишга интилган; шу биргина ҳолнинг ўзиёқ уни ажойиб одам даражасига кўтаради ва уни севишга ҳамда ҳурмат этишга мажбур қилади. Яна бунинг устига, юқорида кўрсатиб ўтганимиз каби, шоирнинг ҳаёт шароити билан кураши самарасиз қолмади: у кўп қийинчиликларни енгиб ўтди, ўзининг мустаҳкам иродаси ва табиий ақли туфайли кўп нарсага эришди. Кольцов ортдирган нарсаларнинг ҳаммаси унинг қалбида одамлардан яширин қолиб кетмади, балки унинг поэзиясида ўзининг аниқ, жонли ва жарангдор ифодасини топди. Биз Кольцовни ўз ҳаёти билан ажойиб дедик. Бироқ поэтик асарлари билан у янада ажойиброқдир. Бу асарлар шоир биографиясини тўлдиришда ҳам фойдадан холи эмас. Уларда шоирнинг жонли шоирона қалби жуда яхши ифодаланган. Биз учун эса улар умумий қимматга ва аҳамиятга молик ажойиб адабий асарлар сифатида яна ҳам муҳимроқдирлар. Мана шу сабабларга кўра биз Кольцовнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоямизга яна унинг шеърларининг аҳамияти ва характери тўғрисида уч-тўрт оғиз гап қўшамиз.

Дастлаб Кольцов машҳур шоирларимизга қисман тақлид қилиб, турли-туман майда шеърлар ёзган. Булар унинг энг заиф асарларидир, уларнинг ичидан фақат бир-иккитасигина алоҳида диққатга сазовор бўлиши мумкин. Булардан ташқари Кольцовнинг яна ўйлари ва қўшиқлари бор. Ўйларда у одатда дунёга назар ташлаганда миясида туғиладиган саволларни, шубҳаларни ифодалашга ҳаракат қилган. Бу ўйлар жиддий бир камчиликка эга: уларда шоир ўзи аниқ ва равшан тушунмайдиган нарсалар ҳақида гапиради, жуда муҳим ва жуда чуқур бир саволни ўртага ташлаб қўйиб, унга жавоб бермайди, баъзан эса бу тўғрида фикр юритиб ўтиришнинг ўзи ортиқча, деб охирида қўшиб ҳам қўяди.

Кольцовнинг қўшиқлари бизда поэзиянинг мутлақо ўзига хос, янги бир жинси сифатида майдонга келди. Тўғри, Кольцовга қадар ҳам бизда рус қўшиқлари ёзилар эди, аммо бу қўшиқларнинг қандай қўшиқлигини биз юқорида кўриб ўтдик. Улар худди оддий рус кишиси намоён бўлаётгандай бўлиб кўринса ҳамки, бу қўшиқларнинг на мазмунида, на ифодаларида рус ҳаётига тегишли ва содда ҳеч нарса йўқ эди. Кольцов биринчи бўлиб ўз қўшиқларида ҳақиқий рус кишисини, авом халқимизнинг ҳақиқий ҳаётини, тўқиб-бичмай, бўямай, аслида қандай бўлса, шундайлигича кўрсата бошлади. Бундай бўлишининг икки сабаби бор. Биринчидан, Кольцов халқ ҳаётини яхши биларди, билганда ҳам бировларнинг ортидан эшитиб эмас, балки ўз тажрибаси бўйича биларди. Кўпгина одамлар бирон марта бирор қишлоқдан ўтиб қолган бўлсалар ва йўл-йўлакай бир-иккита деҳқон билан учрашган бўлсалар, халқ ҳаётини жуда билиб юбордим, деб хаёл қиладилар. Бундай одамлар, одатда, бизнинг ҳаётимиз билан деҳқонлар ҳаёти ўртасидаги фарқ шундаки, деҳқонлар соқол олмай юрадилар, муомилада назокатни тушунмайдилар ва бир-бирларини атайин йўқлаб туришни билмайдилар деб ўйлайдилар. Шунинг учун ҳам улар кўпинча, деҳқон бола ариқчанинг бўйига ўтириб олади-ю, кишига таъсир қиладиган ҳазин қўшиқ куйлайди ёки подани далага ҳайдаб қўйиб, ўзи бирор сершох дарахтнинг соясига ўтириб олади-да, сивизғада ширин-ширин куйлар чалади, ёхуд ёвуз миш-мишлардан қутулиш учун ўрмонга бошини олиб кетмоқчи бўлиб, дераза олдида ўй ўйлаб ўтиради деб тасаввур қиладилар. Деҳқон боласининг бекорчилик билан умр ўтказишга, тўлқинларга беҳуда гап сотишга, тўғри келган нарса ҳақида ўй ўйлашга вақти йўқлигини, унинг бундан зарурроқ иши борлигини деҳқон қўшиқларини тўқувчилар тушунишни истамайдилар. Қорним қора нонга бўлса ҳам тўқ бўлсин деса, деҳқон боласи ўз гамини ўзи ейиши керак. У ер ҳайдаши, мола босиши, ҳосилни ўриб олиши, янчиши, кейин галлани бозорга олиб бориши, ниҳоят, буларнинг устига, яна уйга қараши, молни боқиши лозим. Унинг иши озмунчами! Худо берган куни у эртадан тунгача иш билан банд, ҳатто байрам кунлари ҳам дурустроқ дам олишга улгуролмайди. Қандайдир олтин аср ҳақида, фақир кулбага бахт қушининг қўниши ҳақида ва ҳоказолар тўғрисида хаёл суришга унинг вақти борми? Фақат деҳқон ҳаётини билмайдиган одамгина, яъни деҳқон ҳаётини кўрган бўлса ҳам, ўз бошидан кечирмаган одамгина деҳқон боласининг ҳис-туйғуларини ва орзуларини мана шундай тасаввур қилиши мумкин. Хайриятки, мана шу халқникига ўхшатиб ёзилган қалбаки қўшиқларда ҳис-туйғулари баён қилинаётган одамнинг кимлиги, қаерда ва қандай яшаши сира ҳам кўринмайди. Бу шахс сахий ғаламат йигит ёки сулув қиз деб аталади, бинобарин, у оддий халқ ичидан чиққан. Ҳолбуки, бу ўринда оддий халқ ҳаётига ҳеч бўлмаса бирор ишора ҳам йўқ, одатда эртаю кеч деҳқоннинг кўнглини таталаб ётадиган ташвишдан — қорнини тўқ, устини бут қилиш чорасини қидириш ташвишидан асар ҳам йўқ. Гўёки бу деҳқонлар қаердадир осмонда — булутлар қўйнида яшайди, ҳаво билан қорнини тўйғазади, шамолдан кийим кияди-ю, самовий шудринглар билан ювинади!..

Кольцовда аҳвол тамом ўзгача. У оддий халқнинг ҳамма муҳтожлигини ўзи ҳам синаб кўрган, халқ билан бирга яшаган, бизнинг авом халқимиз қандай аҳволда яшаса, Кольцовнинг ўзи ҳам шундай аҳволда ҳаёт кечирган. Шу сабабдан Кольцов шеърларидаги рус кишилари хаёлдан тўқилган шахс эмаслар, балки ҳақиқий кишилардир.

Кольцов қўшиқларидаги тасвирнинг табиийлигига иккинчи сабаб — шоирнинг табиий ақлининг хусусиятларидир. Шоир ҳамма вақт нарсаларга ижобий, амалий нуқтаи назардан қараши билан ажралиб турарди, илми ошган сари бундай назар янада равшанлашиб боради. Кольцов одатда идеалист деб аталадиган ва ўзи ҳаётда муҳтожлик, қийинчилик кўрмай яшагани учун моддий фаровонлик устидаги ташвишларга менсимай қаровчи кишилар тоифасидан эмас эди. Кольцов турмушнинг муҳтожлик ва маҳрумлик мактабида савод чиқарди, тарбия топди. Шу сабабдан у ҳаётда тўқликнинг муҳимлигини яхши тушунади ва бу унинг поэзиясида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Кольцов нима ҳақида ёзмасин, унда жонли, ижобий йўналиш сезилиб туради. Масалан, у чўлни кўриб, ундан завқланади ва чўлни ажойиб тарзда тасвирлайди; аммо у шу лаззатга маҳлиё бўлиб, ҳамма нарсани унутиб юбормайди. Шеърдаги асосий фикр шуки, бу чўлга ёш ўроқчи йигит келади, у пул ишлаши керак, бу пулга эса тўй қилиб, оқсоқолнинг қизига уйланмоқчи. Мана шу ўроқчи йигит чўлга қараб шундай мулоҳаза юритади:

Сенга меҳмонга
Келмадим ёлғиз:
Келдим мен ўткир
Дўст — ўроқ билан;
Истагим эди
Адир, ўтлоқда
У ёи-бу ёнда
Ер билан кезмоқ...
Керил кўкрагим,
Қулоч ёз қўлим!
Хушбўй ис келтир
Чошгоҳ шамоли!
Тозалаб ўтгин
Бепоён қирни!
Чалғилар, гувланг,
Чақнанг ҳар ёқда!
Шовқин сол ўтлоқ
Урим чоғида;
Эгилинг гуллар,
Бош уринг ерга!

Ўроқчи йигит меҳнатининг мана шу ажойиб тасвиридан кейин, бу иш қандай мақсадда қилинаётгани очилади:

Ҳосилни йиғиб,
Қиламан гарам,—
Қазак қиз берар
Бир ҳовуч танга.
Сўнг тикиб ҳамён,
Ҳазина қилиб,
Қайтгум қишлоққа,
Оқсоқол сари:
Шўр пешонамга

Ачинмас эди,
Кўзин ўйнатсин
Олтин хазинам...

Турмушнинг моддий маблағлари ҳақидаги ташвиш Кольцов қўшиқларининг ҳаммасида сезилиб туради. Унинг қўшиқчиси табиатдан завқланибгина қолмайди; йўқ, у бошқа нарса ҳақида ўйлайди:

Уруғимиз ялтирар,
Жаранглайди чалғилар;
Ширин бўлар дам олмоқ
Оғир ғарам устида.
...Баракат бер худойим,
Шу бойлигим — дошимга.

«Ҳосил» шеърида қишлоқ табиатининг баҳордаги уйғонишини ажойиб тасвирлагандан сўнг, гап деҳқонларнинг дала ишлари ҳақида боради ва шеърнинг асосий фикри:

Олло не этди ато
Инсоннинг меҳнатига —

деган масалага йўналтирилади.

Зиёфатга тўпланиб қолишса, деҳқонлар яна:

...Дастурхоннинг устида
Бир-бир бошдан сўзлашар
Ноя ва ўрим ҳақида,
Эски дамлар ҳақида:
Қачон худо ва ҳоким
Ҳосилни мўл қилишин,
Қачон пичан чўлларда
Яшил, сероб бўлишин.

Кузда мужиклар:

Донни элтиб пуллашар,
Бўза олиб пулига,
Ҳалқумларин ҳўллашар.

Шоир ўз қайлиғига кулбада фақат муҳаббат изҳор қилиб қўя қолмайди, балки яна дейди:

Қиммат баҳо кўйлак кий,
Тақкин инжу, марварид;
Майли, заррин кимхоб кий,
Барин қилай мен харид.

Ярамас хотини билан жанжаллашгани ҳақида гапириб туриб, у қарзларини ҳам унутмайди:

Бўлсак ҳамки дони ит-мушук,
Мақтанамиз дўст, иноқмиз деб.
Қўйди-чиқди, мол бўлиш билан
Қарзга ботдик дунё совуриб...

Кўнгли шодиёна ҳисларга тўлиб кетса, шундай дейди:

Мен далада елдай изгимай,
Қарол ишлаб, танга тўпладим,
Бахт синадим дегизлар оша...
Бунда менинг тақдирим порлоқ:
Икки дона уй қуриб олдим,
Мўйна, ипак, олтинларим мўл,
Боёнларга бойдир асримиз.

Ғам-кулфатга берилса, яна абжир йигитнинг:

Олтин хазинаси,
Иссиқ бошпанаси,
Омоч-моласи
Қўш ҳайдовчи оти.

йўқлигига ачинади.

Ўзининг бошига тушган кулфатларни тасвирлаб, у дейди:

Йўқчиликда ўшандан бери
Эшикларда сарсонман доим,
Парча нонга кучимни сотиб,
Тер ўрнига сирқирар қоним...

Ғам-андуҳ ичида экан, у ўз кийим-бошини ҳам унутмайди: Менинг олтин даврим ўтиб кетди,—дейди у,—

Аста-секин вақт ўтган сари
Бор-йўғимдан бўламан жудо,
Эгнимдаги ёлғиз чакмон ҳам
Тўзиб битгач, деди: «Алвидо!»

Лихач Кудрявич қарияларнинг олдига йигинга чиқишга мажбур қилганларида, ўзининг қай аҳволда эканини батафсил айтиб беради:

Эски-туски чориқни
Пайтавасиз кипсам,
Йиртиқ-ямоқ чакмонни
Елкамга омонат,
Соқолимни тўзғитиб,
Бостирасан телпакни.

Бу барча хусусиятлар бошқа назмчилар тўқиган қўшиқларда жуда кўп учратадиганимиз ғам-ғусса, ҳасрат-надомат тўғрисидаги гапларга сира ҳам ўхшамайди. Аммо кўзга ташланиб турган соддалигига ва ҳар қандай поэтик безаклардан маҳрумлигига қарамай, Кольцов қўшиқларида бояги назмчиларнинг асарларидагига нисбатан поэзия кўпроқ, бу айни шунинг учунки, уларда ҳақиқат кўпроқдир. Бу қўшиқларда тасвирланган одамлар ўз аҳволларига кўра ҳам, ўз туйғу-ҳисларига кўра ҳам бизга яқинроқ турадилар. Биз уларнинг ҳақиқатан ҳам яшаётганини, шодланаётганини ва азобланаётганини кўрамиз, уларнинг шодлиги ва кулфатла-

рининг сабабини ҳам тушунамиз, шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёти, уларнинг ҳислари бизда хаёлдан тўқиб-бичилган, сохта, шунчаки бекорчиликдан нима қилишини билмай нола билан умр ўтказувчи шахсларнинг шикоятларига қараганда кучлироқ таассурот қолдиради.

Худди шунингдек Кольцовда табиат тасвири ҳам бутунлай ҳаққоний ва табиийдир. У кўпгина назмчилар ҳамиша қилгани каби қояли қирғоқлар, шилдираб оқувчи ариқчалар, озода сўқмоқлари бор гўзал ўрмонлар ва ҳоказоларни тўқиб-бичмайди. У ўзи кўрган ва ўзи билган нарсани: чўлни, буғдойзорни, ўрмонни, қишлоқни, ёзги жазирама иссиқни, кузги бўронни, қиш изғиринларини тасвирлайди ва улар табиатда қандай бўлсалар шундайлигича кўрсатиб беради. Унинг турли-туман шеърларида мана шундай табиат манзаралари жуда кўп учрайди.

Улардан баъзиларини, масалан, чўл тасвирини биз юқорида келтирдик. Бошқаларини эса шу китобчанинг охирида берилган шеърларда ва айниқса, «Ҳосил», «Қўшчининг қўшиғи», «Нега ухлаяпсан, мужик боласи», «Қуёш порлайди» ва бошқа шеърларида кўриш мумкин.

Табиат ва ҳаётни бузмасдан, тўғри тасвирлаш қобилиятидан ташқари Кольцовнинг яна бир муҳим фазилати бор: у нарсаларни тўғри ва аниқ тушунади. У ўзи кўрган нарсасини шунчаки гапириб бериб қўя қолмайди; бундай қилиш қуруқ эзмалик бўлар эди. Йўқ, у нима тўғрисида ва нима деб гапиришни пухта ўйлайди—унинг шеърларида ҳамиша фикр мавжуд. Нарсалар ва одамларнинг ҳамма тасвири унда асосий фикрни яхшироқ ифодалаш ёки тушунтириш учун хизмат қилади. Унинг бирорта ҳам шеъри йўққи, бу шеърда бирон нарса шунчаки, ҳеч қандай нафсиз тасвирланган бўлсин; бошқаларда эса бу ҳол тез-тез учрайди. Шоирлар борки, шамолнинг гувиллаб турганини эшитиб қолса бўлди—дарров шеър ёзишга тушади ва унда, мана, кўриб қўй, мен шамолнинг гувиллаб турганини эшитяпман, дейди; осмонда булут кўрса, булутга қандай қараб турганини шеър қилиб ёзади; йўлда кетаётганида ёмғир қуйиб юборса, яна бир шеърни тайёр қилади, унда мана, мен кетаётган эдим, ёмғир қуйиб юбориб, ҳамма ёғимни шалаббо қилди, дейди. Кольцовда биз бундай шеърларни учратмаймиз. У ҳам, албатта, шамол ҳақида ҳам, қуёш ҳақида ҳам, бўрон ҳақида ҳам гапиради; аммо уларнинг ҳаммаси ўзича, ажралиб турмайди, балки улар бирон бир мақсад учун келтирилади. Унинг ҳамма шеърида одам бор ва ҳамма шеърида шу одамга табиатнинг бирон ҳодисаси қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапирилади. Масалан, бир шеърида чол баҳор ҳақида фикр юритиб, ўзининг ҳаётдан лаззатланиш муддати жуда кам қолганини эслайди. Бошқа бир шеърида баҳор ёшларнинг қалбини қитиқлаб, уларда жонли ҳислар уйғотади. Учинчи бир

шеърда баҳор қишлоқ аҳолисининг ҳосил ҳақидаги орзуларини, хуррам ўйларини туғдиради. Баъзан шамолнинг эсиши унга йўлни эслатади ва у куйлайди:

Шамол эсар далада,
Майсаларни силкитар,
Босиб ўтган йўлимни
Чанг-тўзонлар бекитар.

Гоҳ у азамат йигитнинг қочишига ҳомийлик қилиши учун бўронни кўмсайди:

Булут қўзғаб ярим тунда
Гулдураклар яса, бўрон!
Сен шовиллаб ваҳшат билан
Унинс солгин, кексе ўрмон!
Оғтимиздан одам йўллаб,
Излатмасин жоҳил боён...

Гоҳ куз шамоллари ва бўронлари унинг қалбида ёлғизлик ҳисларини уйғотади ва у ҳазин куйлайди:

Шамол эсади,
Дарғазаб шамол,
Булут кезади
Мисли қора шол,
Ёруғ дунёни
Тўсар булутлар.
Кўёш бетини
Тўсар булутлар.
Намгар зулматда
Туманлар аро
Кеча қорайиб
Кўринар, холос...
Шундай кўнгилсиз
Зулматда ёлғиз
Яшамоқ фақат
Музлатар дилни...

Шундай қилиб, Кольцовда ҳар бир манзара, ҳар бир мисра одамга нисбатан ўз маъносига, ўз қимматига эга. У табиатнинг ўзида мавжуд бўлган шу маънони чуқурроқ тушунишга интилди ва ҳамма нарсанинг, жумла жаҳоннинг маъносини қидириб топишга интилиш унинг ўйларининг мазмунини ташкил қилди. У дейди:

Фикри мутлақ ила ёнади қуёш,
Ҳамон у сирли ўй ичра юлдузлар
Белоён осмонда порлар ишвагар;
Ҳамроҳсиз, ягона, хаёлчан ойнинг
Еримиз устида ёркин шоҳи...
...Ҳар ерда фикр бир, биттадир гоя...
...Биттадир—борлиқнинг маликаси у...

У ўрмонга қараб туриб, сўрайди:

Карагайзор шовиллаб не деб,
Унда қай хил ўйлар яширин?
Наҳот унинг муз вужудида
Тирик фикр ётар пинҳоний?

У инсон фикрлаши мумкин ва керак эканини, унинг кўз ўнгида дунёда содир бўлаётган нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида ўз-ўзига ҳисоб бериши мумкин ва керак эканини билади, чунки:

Олам-олам табиат
Дилидадир инсоннинг;
Ҳиссиёт-ла лиммо-лим,
Севги билан жонланган
Барча кучлар шу дилда
Сурат бўлиб кўринар...

Тўғри, табиат ҳодисаларининг маъносини қидириб топиш учун бўлган интилишлар Кольцовни муайян хулосага олиб келгани йўқ. У фақат:

Дунё — худо сиридир,
Худо — ҳаёт сиридир...

деб ишонди, холос, ва бу сирнинг ичига киришгача бориб етмади. Бунинг учун унинг илми камлик қилди; унинг ўйлари қалбини эзди. Бу тўғрида ўзи шундай дейди:

Ўйлар оғир меп учун,
Лаззатлидир тиловот...

Дарвоқе, Кольцовнинг ижобий табиати уни мистицизм деб аталган ботқоққа ботишдан, яъни ҳар бир энг содда нарсадан ҳам бирон махфий сир топишга интилишлардан сақлаб қолди. У ниҳоят, нарсаларга содда, равшан, ортиқча сафсаталарсиз ва хаёлларсиз қарашга қайтди. Бу жиҳатдан унинг икки шеърини таққослаш диққатга сазовордир. Уларнинг бири 1830 йилда ёзилган бўлиб, Кольцов бу вақтда ҳали олий фалсафий масалалар билан мутлақо таниш эмас эди:

МЕН КИММАН?

Бир зарраман, борми қимматим?
Меҳнат севган бир ишчиман,
Бахт йўлида нақт ўтказаман,
Аммо афсус, йиғи одатим.
Не излайман? Неларга зорман?
Қай диёрда, нега даркорман?
Одамлар бор, ўлгунча худди —
Шу саволлар билан боши банд;
Менга нима! Улар дошишманд,
Ҳар тўғрида баҳслашсин жиддий.
Мен дономас - ақлим калталар.
Менга зарур оз нарса билмоқ;
Ғадир-будур йўл бўйлаб ҳарчоқ
Кўр сингари босаман бир-бир;
Тентаклардан куламан ортиқ;
Гўзалларга бўламан ошиқ;
Бахтсизларга йиғлайман дилдан,—
Лекин ўзим билмайман, кимман...

Бунда ҳам бир қадар гапни чалғитиш сезилиб туради; бу шеърнинг оханги рус мужигининг мугомбирона соддадиллик билан «Бизга йўл бўлсин!.. Биз оми одаммиз» дейишидаги оҳангни эслатади. Бу мисраларда Кольцов гўё мен мулоҳаза юритишга киришмоқчи ҳам эмасман, мен одамлар бош қотириб юрган масалаларни билишни ҳам истамайман демоқчидай бўлади. Бу ўринда умуман фалсафий тафаккурга менсимай қараш ҳам сезилиб туради.

Қуйидаги бошқа бир шеър 1841 йилда, Кольцов умрининг охирида ёзилган:

Ўзга ҳаёт қайғулари,
Бу дунёни кўрмоқлик паст.
Йўқ нарсанинг орзулари
Бизлар учун эмасми бас?
Осон ишдир зўр шов-шув-ла
Қуруқ сўздан жаннат қурмоқ,
Баҳс очишиб, тортишув-ла,
Биз ноёб деб ишонтирмоқ...
Бу дунёда, ер юзида
Қадрсиздир ҳаётимиз,
Чиплик борми қалб сўзида,
Шуни дерми туйғу ва ҳис?
Қоп-қоронғу, ваҳшатдир гўр,
Ундан нари зўр зимистон;
На бир хабар, на кенгаш бор,
Чеккан билан бизлар фиғон.
Ерда тотғин ҳаёт тотин:
Анвойи гул ислари бор,
Кеча, кундуз—бари олтин,
Ўрмон куйлар шўх, оҳангдор,
Бунда тирик қалб уриши,
Ишқ ўти ҳам муътабардир...

Бу ўринда ҳам шоир хаёлий жаҳон яратиб, юксакликлар ҳақида хаёл суриш беҳуда эканини эътироф қилади; бироқ энди унинг фикрлари анча жиддий айтилган; унинг тафаккурга, ақлга қарши эмас (унинг ўзи ақл, тафаккур туфайли кўп нарсага эришди), балки ақлни суиистеъмол қилишга, хаёлий назарияларга берилиб, ҳаётдан узоқлашишга қарши бош кўтаргани кўриниб турибди. Бундай ўзгариш Кольцов олий масалалар билан танишган ва уларни пухта ўйлаб кўрган вақтда содир бўлди. Бу жиҳатдан уни алхимик* билан таққослаш мумкин бўлар. Фалсафа тошини кўп қидирган алхимик пировардида алхимиянинг бемаънилигига ишонч ҳосил қилади ва унинг ўрнига ҳақиқий фанга мурожаат қилиб, илмда янги кашфиётлар оча бошлайди. Бу ўринда ҳатто унга унчалик аниқ бўлмаган, бир қадар хаёлий фикрлар ҳам ҳар ҳолда

* Олтин ясаш воситасини топиш мумкин ва одамларни ҳамиша ёш ва гўзал ҳолда сақлаб, умрни манғу узайтирадиган ичимлик топиш мумкин деб ўйлаган қадим вақтлардаги олимларни алхимик деб атар эдилар. Шу мақсадда алхимиклар жуда кўп тажрибалар ўтказганлар ва алхимия деб аталган фанни вужудга келтирганлар.

Кольцов учун бефойда бўлмайди. Улар Кольцовнинг ақлини нарсаларга жиддийроқ қарашга ўргатди ва унинг ақлининг табиий ўткирлиги ва ижобийлигини янада мустаҳкамлади. Агар бегона ўлкалар ҳақида заррача тушунчага эга бўлмаган одам ўша жойларга саёҳатга борса худди шу тариқа, гарчи бу мамлакатларда у унчалик яхши нарсаларни кўрмаса ҳам, барибир катта фойда олади: у лоақал, чоғиштириш йўли билан ўзига қадрдон, кўнглига яқин нарсаларни яхшироқ қадрлашни ўрганади ва улардан тўғрироқ фойдаланади.

Кольцов ҳам, ҳақиқатан, ўзига яқин нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланишни биларди. У рус ҳаётинигина эмас, балки рус халқининг характерини ҳам жуда яхши тушунарди ва уни ўз шеърларида ифодалай оларди. Масалан, унинг шеърларида рус кишисининг кенг табиати жуда яхши ифодаланган, бу ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва ҳеч нарсани писанд қилмайдиган довюрак киши табиатидир. Буни «Қандай соғлом ва навқирон», «Ҳаёт билан ҳисоб-китоб», «Лочиннинг ўйлари» каби шеърларида кўриш мумкин.

Кольцовда довюраклик билан бирга, бепарволик, «бўлса бўларчилик» ҳам жуда тўғри ифодаланган. Рус киши гамни ҳам, хурсандчиликни ҳам шу сўз билан қарши олади. Лихач Кудрявичнинг қўшиқлари рус халқ характерига тамомила мос келади. Лихач Кудрявич ҳамма нарсани ҳисоблаб, мўлжаллаб қўйишни унча ёқтирмайди:

Ҳазил билан қилган иши
Ҳақиқатга айланади.
Сочларини силкитганда
Ҳосил пишиб жойланади...

унинг фикрича:

Бойваччалик шарт эмас,
Жингалак соч бўлсанг бас;
Ҳазил билан сен учун
Ҳамма нарса таппа-тахт.

Бахти кулиб турган пайтда у шундай дейди. Бошига кулфат тушиб қолгудай бўлса ҳам у ўз характерини ўзгартирмайди: у бу гал ҳам ғам-кулфатни йўқотиш йўлини, балонинг олдини олиш йўлини ўйлаб ўтирмайди, балки мутелик билан ўз тақдирига бўйсуниб кета беради:

Кўйлак кийиб туғилма,
Талант билан туғилма,
Сабр билан туғилгин
Ва бўйнингни эгги хам...
Ғам даҳшатли бўронмас,
Аммо тоғни учирар,
Юрар кўзга кўринмай,
Суриштирмай ўлдирар.

Қисматдан қутулиб бўлмайди, шундай экан беҳуда ҳаракат қилиб ўтиришнинг шима ҳожати бор...
Лекин —

Соғ бўлсангу, ёш бўлсанг,—
Шодликсиз ҳам шод бўлсанг,
Чорламасанг ҳам ўзи
Бахт тўсатдан келади...

Бунда ташвиш қилиб ўтиришнинг ўрни йўқ: ғалла керак бўлса —

Худо ўзи ундириб,
Миколa ҳам ўрдириб,
Дала-даштдан йиғдирар...
Фаровонлик керак бўлса —
Қайга борсак — ўша ер макон:
Тоғда — ўрмон, боғ, уйлар лак-лак,
Денгиз туби—олтинларга коп,
Кўкда булут — келтирар кўйлак.

Айтганча, Кольцовнинг ўзи ҳам нарсаларга мана шундай қараган экан, деб ўйламаслик керак. Аксинча, у поэзияда ҳам, бутун ҳаёти давомида қилганидек, шароитлар билан курашиш керак, бепарволик, албатта, ялқовликка ва мудроқликка олиб келади деган фикрни ифодалаган.
У қишлоқ одамига таъна қилиб, ёзади.

Нега ухлаб ётибсан, деҳқон йигитча?

У ўз дўстига шундай дейди:

Нега сен ёт одамлар
Эшигида хору зор?
Ишон дилинг кучига,
Тош кўтарар елканг бор...

Агар ҳаёт шароитлари унинг учун жуда оғир бўлса, унинг руҳи тушмайди, балки:

Азоб чекмоқ, юпанмоқ учун,
Бадбахт бахтни бир кўрмоқ учун —

далил боради.
У доимо

Ғамдан гоҳ-гоҳ бўларкан огоҳ
Ўзи учун кўкрак кермоққа,
Агар чақмоқ чақаркан ногоҳ,
Ортга қайтмай, тикка юрмоққа...

тайёр.
Унинг интилишлари ҳамма вақт жонли, кучли ва улар ҳамиша унинг шеърларида жуда ажойиб тарзда ифодаланган. Кольцовда фикрлар ва ҳислар ифодаси қанчалик кучли, қанчалик табиий, қанчалик ҳаққоний эканини юқорида келтирилган парчалардан кўриш мумкин; бу шеърларнинг ўзини ўқиб эса бунга янада чуқурроқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ўринда яна уларнинг формаси ҳақида бир-икки оғиз сўз айтамиз. Кольцовнинг қўшиқлари алоҳида, ўзига хос вазнда ёзилган бўлиб, бу вазн бизнинг халқ қўшиқларимизнинг вазнига яқин туради, аммо унга нисбатан анча тўғри вазндир. Уларда кўпинча қофия йўқ, агар бор бўлса, кўпинча мисра оралаб қофияланган. Кольцовнинг тили жуда содда, халқ тилининг ўзи. Унинг шеърларида китобий ифодалар аҳён-аҳёнда учраб қолади, шунда ҳам булар кўпинча унинг ижодий фаолиятининг дастлабки даврида тўғри, метрик вазнда ёзилган заиф шеърларида учрайди. Халқ ифодалари эса унда жуда кўп учрайди, аммо деярли ҳамма ўринда улар адабиётда қабул қилинган тўғри шаклдадир. Унинг шеърларида «то вақтигача», «орқа бош билан» деган каби нотўғри ифодаларни атиги бешолтитагина топиш мумкин. Аммо бу камчиликлар мутлақо аҳамиятсиз камчиликлардир ва улар Кольцов поэзиясининг ҳақиқий гўзаллигига ҳеч қанча путур етказа олмайдилар.

Энди биз Кольцов ҳаётидаги асосий ҳодисаларни ва унинг поэзиясининг энг муҳим хусусиятларини биламиз. Улар билан поэзиясининг энг муҳим хусусиятларини ўқиш орқали давом мукаммал танишиш унинг асарларини ўқиш орқали давом этиши керак. Биз эса, юқорида айтган гапларимиздан сўнг қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин.

Кольцов поэзиясида унинг қалби, унинг юксак интилишларга, оғир синовларга ва олижаноб, соф ҳисларга тўла ҳаёти ифодаланган. Унда Кольцовнинг нарсаларга ёрқин назари, табиат ва ҳаётни тушуна олиши кўриниб туради, ниҳоят, унда нарсалар жонли, табиий тасвирланганини, табиат безалмасдан, бузилмасдан акс этдирилганини кўрамиз. Буларнинг барчаси шундай фазилатларки, улар Кольцов шеърларини адабиётимизда жуда ажойиб ҳодиса деб аташга асос беради. Уларда поэтик фазилат учун зарур бўлган барча шартлар, яъни оқилона фикр, олижаноб интилиш ва жонли, чуқур ҳис мужассамлашган. Ана шу шартларнинг қўшилишидан шундай ҳаққонийлик ва самимийлик пайдо бўлганки, улар Кольцов ўз қалбидаги руҳий сезгиларни тасвирлаганда ҳам, ташқи нарсаларни тасвирлаганда ҳам жуда яққол сезилиб туради. Агар бу сўнгги фазилатнинг Кольцовга қадар бўлган ёзувчиларимизда қанчалик кам учраганини эсласак, бизнинг қаршимизда у тамомила янгича қиммат касб этади.

Кольцовнинг ҳаёти ва шеърлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни тугатаётиб, хулоса қилиб шуни айта оламизки, Кольцов фақат авом ичидан ўз-ўзича етишиб чиққан ажойиб шоир сифатидагина эмас, балки буюк халқ шоири сифатида ҳам бизнинг диққатимизга ва муҳаббатимизга мутлақо сазовор бўла олади.

батамом ёки бир мунча *қўшилишади*. Қолгани китобни ўқигандан сўнг икки соат ўтар-ўтмас хотирадан кўтарилиб кетади. Гончаровнинг асари бундай эмас. У сизга ҳеч қандай тайёр хулоса бермайди ва афтидан бергиси ҳам йўқ. Унинг тасвир қилган ҳаёти мавҳум фалсафа учун бир восита эмас, балки асл мақсаднинг ўзидир. Ўқувчига ва романидан чиқарадиган хулосаларингизга парво қилмайди: бу сизнинг ўз ишингиз. Хато қилсангиз, муҳокамангиз торлигидан; бунга авторнинг дахли йўқ. У сизга аниқ бир манзарани тасвир қилиб беради ва бу тасвирнинг воқеликка ўхшашлигига кафил бўлади, холос. Тасвир қилинган нарсаларнинг қимматини аниқлаш сизнинг вазифангиз, ёзувчи бунга асло парво қилмайди. Баъзи талант эгаларини кучли ва гўзал қиладиган туйғулар жўшқинлиги ҳам унда йўқ. Масалан, Тургенев ўз қаҳрамонлари тўғрисида худди ўзига яқин кишилар ҳақида сўзлагандек ҳикоя қилади, уларнинг қалбидан оташин ҳисларини олиб, мулойим бир шафқат ва мушфиклик билан ва аламли бир изтироб билан бу ҳисларни мушоҳида қилиб боради, яратган шахслари билан бирга қайғуради, улар билан бирга қувонади, ўзи яхши кўриб, улар атрофида вужудга келтирган гўзал ва нафис муҳитига ўзи мафтун бўлади... ва унинг бу мафтунлиги юқумлидир. Бу мафтунлик ўқувчининг хайрихоҳлигини бутунлай ўзига жалб қилиб олади, биринчи саҳифадан бошлаб унинг бутун фикрини ва сезгиларини ҳикояга боғлайди. Тургеневнинг шахслари қайси суратда ва қайси ҳолатда ўқувчига кўринган бўлсалар, ўқувчини ҳам, бу ҳолатларни кўнгилдан ўтказишга ва бир карра ҳис этишга мажбур қилади. Кўп замонлар ўтиб, ўқувчи ҳикоянинг боришини унутиб қўяр, майда-чуйда воқиалар орасидаги муносабатни йўқотар, айрим шахслар ва ҳолатларнинг таъриф-тавсифини диққатдан соқит қилар ва ниҳоят, ўқиганининг барчасини унутиб қўяр, лекин ҳикояни ўқиганда олган лаззати, топган завқи эсидан чиқмайди ва кўнглидан кетмайди. Гончаровда бундай ҳоллар йўқ. Унинг таланти таассуротга берилмайди. Гул ва булбулга боққанда ҳасратли қўшиқлар айтмайди. Буларни кўрганда у ҳайрон бўлади, тўхтаб анчагача тикилиб қарайди, қулоқ солади, ҳаёл суради... Бу чоғда унинг кўнглидан нималар ўтади — буни биз яхши билмаймиз... Лекин мана — у бир нарсалар чиза бошлади... Сиз ҳали аниқ шаклга кирмаган чизиқларга бепарволик билан қарайсиз... Бу чизиқлар аниқлашиб, ойдинлашиб, гўзаллашиб бораверади ва бир маҳал аллақандай бир муъжиза билан улардан гўзал ва ёқимли гуллар ҳам, булбуллар ҳам олдингизда пайдо бўлади. Уларнинг тасвирини кўриш устига гулларнинг хушбўй ҳидини ҳам сезасиз, булбулларнинг сайрағанини ҳам эшитасиз; агар, гул билан булбул ҳиссиётингизни қўзғата билса, лирик қўшиқларни ана энди айта беринг. Рассом буларнинг суратини чизди-да, қилган ишидан қаноат ҳосил қилиб, бир чеккага чиқиб қараб турди. Тасвирга у ортиқ

бирон чизиқ ҳам қўшмайди. «Яна бирор чизиқ қўшишнинг фойдаси ҳам йўқ,— деб ўйлайди у.— Агар жонли гувоҳларнинг ўзи кўнглингизга ҳеч нарса солмаса, қуруқ сўз нима деёлади?» дейди.

Гончаров талантининг кучли томони предметнинг бутун суратини қамраб ола билишида, уни бениҳоя аниқ қилиб тасвирлашда ва тасвирни ҳайкалдай қуйиб ташлашдадир. Замонамиздаги рус ёзувчиларидан уни айириб турган фарқ ҳам шудир. Унинг талантидаги ўзга белгиларнинг барчасини ана шу хусусият билан осон изоҳлаш мумкин. Унинг кишини ҳайратга соладиган бир қобилияти бор: у ҳаётнинг шамолдек ўтиб бораётган ҳар бир воқиасини, истаган чоқда тўхтатиб, тамомила уни ўзлаштириб, ўзиники қилиб олгунча, тўлатўкис ва янгилик ҳолида ушлаб тура олади. Ҳаётнинг ёруғ нури ҳаммамизга тушади, лекин бизга тушган нур шуурмизга бориб тегар-тегмас дарров гойиб бўлади. Сўнгра бошқа нарсалардан бошқа нурлар тушади, булар ҳам асар қолдирар-қолдирмас дарров йўқолади. Бутун ҳаёт шу тарзда, онгимизга бориб етмай, устидан сирғаниб ўтиб кета беради. Санъаткор ундай эмас. У, ҳар бир буюмда ўз кўнглига яқин ва ошна нарса тополади ва бирон жиҳатдан ўзини кўпроқ ажаблантирган пайтини топиб шунинг устида тўхтаёлади. Поэтик талантнинг хусусиятига ва унинг қанчалик тарбия топганига қараб санъаткор муяссар бўлган нарсаларнинг доираси тораяди ё кенгаяди, олган таассуроти жонлироқ ёки чуқурроқ бўлади; бу таассуротларнинг ифодаси ҳаяжонлироқ, ёки сустроқ бўлади. Баъзан ҳодисаларнинг бирон сифати шоирнинг хайрихоҳлигини қўзғайди ва шоир ҳар нарсада ўша сифатни топмоққа тиришади, бу сифатни мумкин қадар тўла ва жонли ифода қилишни ўзига вазифа қилиб олади. Ўзининг шоирлик кучини кўпроқ шунга сарф қилади. Шу тариқа ўз қалбининг ички оламини ташқи дунёдаги ҳодисалар олами билан боғловчи ва бутун ҳаётга ва табиатга унинг ўзида ҳукмрон бўлган руҳий кайфият орқали қаровчи ёзувчилар пайдо бўладилар. Шундай қилиб баъзиларнинг асарларида ҳамма нарса пластик гўзаллик туйғусига тобе бўлади, баъзилар мулойим ва ёқимли чеҳраларга аҳамият берадилар ва яна баъзиларнинг асарларида ҳар бир образда, ҳар бир тасвирда инсонпарварлик ва ижтимоий интилишлар акс этади. Гончаровда бу жиҳатларнинг ҳеч бири ҳалдан ташқари бўртиб кўринмайди, унинг бошқа хислати бор. Унда дунёга поэтик кўз билан қарашда осойишталик, тўлалик ва тугаллик бор. Гончаровнинг мустасно тарзда ортиқча майда кўрсатган ҳеч нарсаси йўқ, агар майл кўрсатадиган бўлса, ҳаммага бир даражада кўрсатади. Предметнинг бир томонига, воқианинг бир нуқтасига қизиқмасдан, балки уни айлантириб ҳар ёғини кўради, воқианинг ҳамма нуқталарининг ҳам юзага чиқишини кутиб туради, ана шундан кейингина уларни бадиий қайта

ишлашга киришади. Албатта, бунинг натижасида ёзувчи тасвир қилаётган нарсаларга анча вазминлик, хотиржамлик ва холислик билан қарайди, ҳатто майда-чуйда тафсилотларни тасвир қилганда ҳам аниқ ва равшан тасвир қилади ва ҳикоянинг жузъий томонларининг ҳаммасига бир даражада эътибор қилади.

Мана шу сабабдан Гончаровнинг романи баъзи бировларга бир мунча чўзинқирагандек кўринади. Роман ҳақиқатан чўзилган. Биринчи қисмида Обломов диванда ётади, иккинчи қисмида Ильинскийлар уйига бориб, унда Ольга деган қизни яхши кўриб қолади, Ольга ҳам унга муҳаббат боғлайди. Учинчи қисмида Ольга Обломовдан айнаб, айрилишиб кетадилар; тўртинчи қисмида Ольга, Обломовнинг дўсти Штольцга тегади, Обломов бўлса квартирасининг эгаси бўлган хонимни олади. Бутун воқеа шу, холос. Романда ҳеч қандай ташқи воқеалар, тўсқинлар (Обломов билан Ольганинг учрашувлари тўхтаб қолишига сабаб бўлган Нева дарёсидаги кўприкнинг очилишини истисно қилинса) ва бегона аҳволлар аралашмайди. Бутун воқеани қимирлатиб турган танҳо бир куч — Обломовнинг ялқовлик ва ҳафсаласизлиги. Шу гапни тўрт фаслга чўзиш мумкинмиди? Агар бу мавзу бошқа бир ёзувчига тўғри келиб қолса, бошқача қилиб ёзар эди; яъни эллик саҳифалик енгил ва қизиқ бир нарса ёзар, кулгили бир асар чиқарар, ялқовни масхара қилиб, Ольга билан Штольцни мақтар ва шу билан тугатар эди. Бундай ҳикоянинг гарчи бадиий аҳамияти у қадар бўлмаса-да, унчалик зериктирадиган хафагазак ҳам бўлмас эди. Гончаров ишга бошқача киришди. Бу киши бир марта кўзи тушган ҳодисани пировардигача таъқиб қилиб бўлмасдан, унинг сабабларини топмасдан ва теваракдаги ҳодисалар билан унинг алоқасини англамасдан туриб, ундан қўл тортишни истамади. У, кўз олдидан лип этиб ўтган тасодифий бир образни тип даражасига кўтармоқни, унга бир жинслик ва доимийлик туси бермоқни истади. Шунинг учун ҳам унинг назарида Обломовга тааллуқли нарсаларнинг ҳеч бири пуч ва аҳамиятсиз кўринмади. У ҳар бир нарсага ҳавас билан киришди ва ҳаммасини муфассал ва лўнда қилиб тасвир этди. Обломов яшаб турган уйнигина эмас, балки туришни истаган уйни ҳам ёзди, унинг чопонини, ҳаттоки хизматкори Захарнинг кул ранг тўни ва тикандек чакка соқолини ҳам тасвирлади. Обломовнинг хат ёзишини тасвир қилиш билан кифояланмай, қишлоқ оқсоқолидан унга келган хатнинг қоғоз ва сиёҳи қандайлигини ҳам қолдирмай ёзиб тасвир қилди. Хуллас, ҳамма нарса хўп аниқ, лўнда айтилган ва тасвир қилинган. Ёзувчи ҳатто, романда асло роль ўйнамовчи анчайин бир киши барон фон-Лангвагенни ҳам бир четда қолдириб кетолмайди. Бу киши тўғрисида ҳам бутун бошлиқ гўзал бир саҳифа ёзади; агар унинг таърифи бир саҳифада битмасайди, икки, балки тўрт саҳифа ҳам ёзарди. Бу нарса воқеанинг тез боришига зиён келтириши мум-

кин. Доим ҳузур берадиган воқеалар талаб қилувчи беларво ўқувчини зериктиради. Шундай бўлса-да, бу нарса Гончаровнинг тасвирлари бадиий бўлишига гоят кўп ёрдам берувчи қиммат баҳо бир хусусиятдир. Унинг асарини ўқиганда, кўп нарсалар унчалик зарур эмасдек, кераксиздек ва санъатнинг мангу талабларига уйғун эмасдек кўринади. Аммо бир озлан кейин унинг тасвир қилган дунёси ичига кира бошлайсан, унинг кўрсатган ҳодисалари барчаси қонуний ва табиий эканига бенихтиёр тан берасан, ўзинг воқеада иштирок қилаётгандек бўласан ва улар ўрнида бўлсанг, улар аҳволига тушсанг, бошқа илож йўқлигини фаҳмлайсан, ҳатто шундай бўлмоғи керак деб топасан. Ёзувчининг доим киргизиб турган ҳамда фавқулодда маҳорат ва муҳаббат билан тасвирлаган майда-чуйда тафсилотлари, ниҳоят аллақандай таъсир кўрсатади. Сиз ёзувчи бошлаган оламга бутунлай кириб кетасиз, бу оламда ўзингизга қандайдир яқинлик топасиз, ҳар киши ва ҳар нарса сизнинг назарингизга ташқи шакл билангина эмас, ички ва қалби билан кўриниб намоён бўлади. Романни бошдан-оёқ ўқиб бўлганингиздан сўнг фикрингиз доирасига аллақандай янги бир нарса қўшилганини, кўнглингизда янги образлар, янги типлар пайдо бўлиб, жуда чуқур ўрнашганини сезасиз. Булар кўп вақтгача сизни таъқиб қилади, сизда улар тўғрисида ўйлаш ҳаваси туғилади ва уларнинг аҳамиятини ҳамда ўз ҳаётингиз, ўз табиатингиз ва майлингизга муносабатини билгингиз келади. Ҳафсаласизлик ва ҳориганлик тарқаб кетади; фикрингизда тетиклик, сезгиларингизда соғломлик пайдо бўлади. Романнинг кўп саҳифаларини қайта ўқимоқ, улар устида муҳокама ва мунозара қилмоқ истайсиз. Обломов бизда шундай таъсир қолдирди. «Обломовнинг туши» бобини ва яна бир неча жойларини қайта-қайта ўқидик. Романнинг ҳаммасини икки қайта ўқиб чиқдик, иккинчи дафъа ўқиганимизда биринчи дафъадагидан кўра кўпроқ ёқди. Ёзувчи воқеаларга боғлаб берган ва, баъзи бировларнинг фикрича, романни *чўзиб юборган* бу тафсилотларнинг ана шундай лаззатли аҳамияти бор.

Шу тариқа Гончаров бизга аввало турмушдаги ҳодисаларни тўла ва тўкис ифода қиладиган бир санъаткор сифатида кўринади. Турмушдаги ҳодисаларни тасвир этиш унинг қисматига тушган бир вазифа, бундан у ҳузурланади. Олдиндан тайинланиб қўйилган назарий мулоҳазалар ва олдиндан белгиланган ғоялар унинг объектив ижодига ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди, бир нарсага кўп рағбат кўрсатиш ва унга жуда берилиб кетиш унда йўқ. Унинг ижоди виқорли, хушёр ва холис. Бу хислатлар санъаткорликнинг энг юқори мақсадими ёки санъаткордаги сезгининг заифлигини кўрсатувчи нуқсонми? Бу саволга қатъий жавоб бериш қийин ва ҳарнечук, доирасини чегаралаб туриб, изоҳ билан берилмаса, ҳаққоний гап бўлмайди. Кўп кишиларга шоирнинг воқеликка бундай хотиржам қа-

рагани ёқмайди, бундай кишилар бу хил талант маъқул эмас, деб дарҳол қаттиқ ҳукм чиқаришга тайёр турадилар. Бундай ҳукм берилиши табиий эканини англаймиз ва эҳтимол ўзимиз ҳам ёзувчидан, сезгиларимизни кўпроқ қитиқлашни ва кўпроқ қизиқтиришни талаб этмоқ истармиз. Лекин бу тилак, доим ва ҳатто ҳиссиётда ҳам бирор йўлбошчи бўлувини хоҳлашдан келиб чиққан обломовчилик тилаги эканига иқрор бўламиз. Ёзувчининг ҳаётдан олган таассуротлари унда лирик ҳаяжонлар қўзғамагани, балки қалбининг чуқур жойларида жим қолгани учун автор сезгисини заиф деб айблаш тўғри бўлмайди. Аксинча, таассуротлар қанча тез ва суръатли бўлса, шунча юзаки ва бир лаҳзада ўтиб кетадиган бўлади. Тил ва имо билан ҳаяжон беришда битмас-туганмас истеъдодга эга бўлган кишиларда бунинг мисолини кўплаб учратамиз. Агар киши нарсанинг суратини ўз қалбида сақлаб, тарбиялай олса ва сўнгра буни равшан қилиб тўлдириб кўрсата билса, бундай одамда сезгирлик чуқур ҳис қилиш билан қўшилган бўлади. Бундай одам бир фурсатгача индамай турада, лекин дунёда ҳеч нарса унинг назаридан соқит бўлиб қолмайди. Унинг атрофида яшаган ва ҳаракатда бўлган ҳар нарса, табиатда ва жамиятда бўлган ҳар бир нарса.

Қалби аро... яшаб турар.[4]

Турмушнинг барча ҳодисалари ҳар онда жаҳонпамо ойнада кўрингандек, унда акслапиб кўринади ва унинг ихтиёри билан тўхтаб қотади, қимирламайдиган қаттиқ бир қолипга қуюлади. У қоя гўё турмушнинг ўзини ҳам тўхтата оладигандек ва ҳаётнинг энг кичкина заррасини, илгаб бўлмас лаҳзасини ҳам ушлаб, бизга, унинг ҳидини искаб, ундан лаззатланиб, доим унга қараб томоша қилмогимиз учун кўрсатиб, кўз ўнгимизда абадий қолдира оладигандек кўринади.

Мана бундай қудрат такомилга етган, талантнинг ёқимлилиги, гўзаллиги, соғломлиги ёки куч ва қудрати деган нарсага баравар бўлади, албатта. Лекин бу қудратнинг ҳам даражаси бор. Сўнгра бу қудрат ҳар хил нарсаларга татбиқ этилиши мумкин, бу жиҳати ҳам аҳамиятли. Бунда биз *санъат — санъат учун* деган қараш тарафдорлари билан келиша олмаймиз: бу маслакдагилар инсон характерини гўзал тасвир қилиш нечоғлик муҳим бўлса, дарахт япроғини чиройли қилиб тасвир қилиш ҳам шунчалик муҳим дейдилар. Субъектив кўз билан қараганда бу даъво эҳтимол тўғридир: икки санъатчининг таланти бир даражада кучли бўлиб, фақат уларнинг иш кўрган соҳаси бошқа бўлиши мумкин. Лекин ўз талантини япроқ ва оқар сувларни гўзал тасвир қилишга сарф этган шоирга ўшанчалик талант билан ижтимоий турмуш ҳодисаларини тасвир эта оладиган бир шоирни тенглаштиришга асло рози бўлмаймиз.

Бизнинг фикримизча, танқид учун, адабиёт учун ҳамда жамиятнинг ўзи учун талантнинг катта-кичиклиги, унинг хусусиятлари ва имкониятларидан кўра, санъаткордаги талантнинг нимага ишлатилиши ва қандай нарсаларда ифодаланиши муҳимроқдир.

Гончаровнинг таланти нимада кўринди ва нимага сарф бўлди? Роман мазмунини текшириш — бу саволга жавоб бўлиши керак. Чамаси Гончаров тасвир қилмоққа кенг доира олмаган. Кўнгилчан, дангаса Обломовнинг ўрнида қандай ётиши, қандай ухлаши, дўстлик ҳам, муҳаббат ҳам уни гафлатдан уйғотиб, ўрнидан турғазолмагани жуда ҳам айтадиган муҳим бир воқеа эмас, аммо бунда рус ҳаёти акслапиб кўринади, бунда батамом, мукаммал ва тўғрилик билан қолипга қуйилган замонавий рус типи кўринади. Бунда бизнинг ижтимоий тараққиётимизнинг янги бир сўзи, яъни ночорлик ва болаларча умидворлик билан эмас, балки ҳақиқатни батамом англаб, аниқ ва равшан, қатъий суратда айтилган сўзи ифода қилинган. Бу янги сўз — *обломовчиликдир*. Бу сўз рус ҳаётининг кўп ҳодисаларини очиб берувчи бир калитдир ва бу сўз Гончаров романига, барча ҳажвий ҳикояларимиздагидан кўра ортиқроқ ижтимоий аҳамият бағишлайди. Обломов типида ва бу обломовчиликнинг ҳаммасида кучли бир талантнинг муваффақиятли ижодидан кўра ортиқроқ бир нарса кўрамиз. Бунда биз рус ҳаётининг маҳсулини, замонанинг белгисини кўрамиз.

Обломов бизнинг адабиётимизда жуда ҳам янги одам эмас. Аммо бу кунгача у, Гончаров романидаги каби содда ва табиий суратда бизга кўрсатилган эмас эди. Жуда ҳам эски замонга киришиб кетмаслик учун шуни айтайликки, Обломов типининг қардошлик хусусиятларини Онегинда учратамиз, сўнгра адабий асарларимизнинг энг яхшиларида бунинг такрорлапганини кўрамиз. Ган шундаки, бу тип бизнинг асосий ва халқда бўлган типимиздир ва жиддий ёзувчиларимизнинг ҳеч бири бундан кўз юмиб ўтолган эмас. Аммо замонанинг ўтиши билан, жамият онгли равишда тараққий қилган сари, бу тип ўз шаклини ўзгартирди, турмушга муносабати бошқача бўла борди, янги маъно касб этди. Унинг ҳаётдаги бу янги фасларни сезмоқ, унинг янги маъносининг моҳиятини белгиламоқ, ҳамиша жуда катта вазифа бўлиб келди ва бу вазифани бажаролган талант адабиётимиз тарихида ҳар вақт муҳим бир қадам илгари босди. Гончаров «Обломов»ни ёзиб, ана шундай қадам қўйди. Обломов типининг муҳим жиҳатларига диққат қилиб, сўнгра турли замонларда адабиётимизда пайдо бўлган бу хилдаги типлар билан Обломовни солиштириб кўрамиз.

Обломов характерининг муҳим хусусияти нимадан иборат? Дунёда бўлаётган барча ҳодисаларга ҳафсаласизлик билан қарашдан келиб чиққан бепарволикдан иборат. Унинг бундай ҳафсаласизлигининг сабаби, бир чеккаси унинг мавқеида бўлса, бир чеккаси унинг зеҳний ва ахлоқий жиҳатдан олган тар-

биясидир. Мавқеи жиҳатидан у — хўжайин; ёзувчининг таъбирича, «унинг Захари (хизматкори) ва яна уч юзта Захарлари бор» Илья Ильич ўзининг мумтоз мавқеини Захарга қуйидаги сўзлар билан тушунтиради:

«Ахир, кўрмайсанми, мен уринаманми, ишлайманми? Ёки ейишим камми? Озганманми? Кўринишим харобми? Бир нарсага муҳтожлигим борми? Ишимни қилиб берадиган, керагимни келтирадиган одамларим бор! Худога шукур, туғилганимдан бери, бирор марта пайпоғимни ўзим кийган эмасман! Ўзимни безовта қилармидим! Нега экан? Хўш, бу сўзларни кимга айтаётибман? Болалигимдан буён кетимдан қолмай хизмат қилган сен эмасмисан! Буларнинг ҳаммасини биласан, жуда нозик тарбияланганимни кўргансан, очлик ва қаттиқчиликни, муҳтожликни сира кўрмаганимни биласан, бир бурда нон топиш кўйига тушмаганман ва умуман қора иш билан машғул бўлган эмасман».

Обломов рост айтади. Тарбиясининг тарихи унинг сўзларига далил бўлади. Ишини қиладиган, керагини берадиганлари бўлганидан, бунинг орқасида, болалик чоғидан лавангликка ўрганади. Баъзан, ҳатто ўзи хоҳламаса ҳам, ҳушёқмаслик қилиб, бекор ётади. Ахир, айтинг-чи, мана бундай шароитда ўсган кишидан нима ҳам талаб қилиб бўлади:

«Захар,— худди эпчилдек пайпоғини, ковушини кийгизиб қўярди. Илья ўн тўрт яшар бола бўлса ҳам ётган жойида унга ҳали бу оёғини, ҳали у оёғини тўғриларди. Агар бир нарса ёқмай қолса, оёғи билан Захарнинг тумшуғига тепар эди. Мабодо Захар хафа бўлиб, шикоят қилиб қолса, катталардан калтак ер эди. Сўнгра Захарка унинг бошини қашийди. Илья Ильични безовта қилиб қўймаслик учун секин енгини кўтариб камзулини кийгизиб кўяди, кейин ўрнидан тургач, қилинадиган ишларни, яъни эрталабки ювчиниш ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни Илья Ильичнинг эсига солиб туради.

Агар Илья Ильичнинг кўнгли бир нарсани хоҳлаб қолса, кўзини қисиб қўйса бўлди, уч-тўрт хизматкор бирданига югуришиб, унинг хоҳишини бажаришга киришади. Агар бирон нарсасини қўлидан туширгудай бўлса, ёки бирон нарса олмоқчи бўлса-ю, бўйи етмай, ололмаса, бирон нарса келтириш лозим бўлса, бирон жойга бориб келмоқчи бўлса, хизматкор тайёр — баъзан шўхлик қилиб, югуриб-елиб ҳамма нарсани ўз таъбига ёққандай қилишни истайди,— аммо бирдан ота ва онаси ва яна учта холаси, беш кишилашиб шовқинлаб берадилар:

— Қаёққа борасан? Нега? Васька-чи, Ванька-чи, Захарка-чи? Ҳай Васька, Ванька, Захарка! Аптовлар, нега қараб турибсизлар? Ҳап сизларнимн!..

Илья Ильич бир нимани қилай деса, ҳеч ўзи қилолмайди. Кейинроқ шунисн ҳам яхши ва тинчроқ эканини фаҳмлаб, «ҳой Васька, Ванька, буни келтир, уни келтир» деб бақирадиган бўлди. «Уни хоҳламайман, анувни келтир! Югур, келтир!»

Ота-онасининг бундай нозик парваришн кўпинча уни безор қилар эди. Ҳовлидан югуриб ўтадими, ёки эшикдан чопқиллаб тушадими, бирданига орқасидан ўн киши бақиришиб қолади. «Ҳай, ҳуй! Ушланг, тўхтатинг! Йиқилади, ўрилади, туратур! Тўхта!..» Қиш куни даҳлизга чиққундай бўлса, ёки дарчанинг туйнугини очмоқчи бўлса, яна ҳай-ҳуйлар, бақиришлар бошланади. «Ҳай, қаёққа борасан? Нега чиқдинг? Чопма, юрма, аста, йиқилиб майиб бўласан, шамоллайсан». Ильюша нонлож хафа бўлиб, уйда қола берар, иссиқ иқлимлардан келтириб уй ичида тарбияланган гулдек ташқари чиқмас эди. Бу гулдек ойна тагида нимжон бўлиб ўсар эди. Ташқари чиқишни истаган кучлар ичкарида қолиб сўлиб тушарди».

Бизнинг ўқимишли тоифаларимиз ичида бу хил тарбия фавқулодда ва таажжубли бир ҳол эмас. Албатта, бойваччанинг пайпоғини ҳар қаерда Захаркалар кийгизиб қўяди деб айтиб бўлмайди. Аммо шуни унутмаслик керакки, Захаркаларга бундай имтиёз махсус мурувват юзасидан ёки тарбияга доир юксак мулоҳазалар билан берилади ва бу нарса уйдаги юмушларнинг умумий мақомига асло уйғун келмайди. Бойвачча ўзи кийинса ҳам кийинар, лекин ўзи кийинадиган бўлса, бу ишга бир эрмак эканини, ҳақиқатда бу ишни қилишга мажбур эмас эканини билади; умуман бир иш қилишга муҳтожлиги ҳам йўқ. Уриниб нима қилади? Нима керак бўлса қилиб берадиган, олиб берадиган кишиси йўқми. Шу сабабдан меҳнат қилиш лозимлиги ва меҳнатнинг мукаддаслиги ҳақида ҳар қанча гапирилса ҳам, ишлаб, ўзини уринтирмайди. Уйдаги юмушларни малай ва оқсочлар қилганини ва ота билан онанинг фақат буйруқ бериб, ёмон ишлаганларини сўкиб қойиганларини кўриб, болалик чоғидан шунга кўникиб қолган. Шундай қилиб унинг миясида, ишга уриниб овора бўлгандан кўра, бекор ўтирган маъқулроқ деган биринчи тушунча пайдо бўлади. Унинг бундан сўнгги ўсиши ҳам шу йўлдан кетади.

Боланинг ахлоқ ва ақл жиҳатидан ўсишига унинг бу аҳволи қандай таъсир кўрсата олиши яхши маълум. Ички кучлари «сўлиб, шалпайиб қолишга» мажбур бўлади. Агар бола бу кучларни баъзан ишга солмоқчи бўлса, буни ҳар хил харҳашада ва такаббурланиб буйруқ беришда, ҳар ишни бошқалар бажаришини талаб этишда кўрсатади. Ҳолбуки боланинг ҳар бир харҳашасига кўна бериш болани бузиб қўйиши, ўзини тиёлмайдиган қилиши, такаббурликка ўргатганлик эса ўз қадрини сақлаш қобилиятини йўқотиши маълум. Бола худа-беҳуда харҳаша қилишга ўрганиб қолади-да, ҳар нарсани талаб қила беради. Хоҳишини бажариб бўлиш-бўлмаслиги билан иши бўлмайди, мақсадни ва мақсадига эришиш учун лозим бўлган воситаларни ўйлаш лаёқатини йўқотади ва ўз кучи билан бартараф қилиш лозим бўлган бир тўсқинга учраши билан ночор ва ноилож қолади. Ўсиб, катта бўлганда ҳафсаласизлигидан ва бебурд бўшанглигидан бир қанчаси табиатда сақланиб қолади, буни бирмунча усталик билан ниқоблаб юрадиган Обломов етишиб чиқади; лекин унинг ҳамиша ва ҳар доим бир хусусияти бўлади, бу нарса фаолият талаб қиладиган жиддий ишдан безорликдир...

Уларнинг бундай аҳволга тушиб қолишига, Обломовларнинг эҳтий даражалари ҳам кўп ёрдам кўрсатади. Табиий, уларнинг бу эҳтий етукликлари ҳам мавқеларига боғлиқ бўлади. Булар турмушни дафъатан кўрганларида тескаридан кўрадилар-да, кейин ўлгунча дунёга ва одамларга муносабатларини тузукина ва маъқул равишда англаб ололмайдилар. Сўнгидан кўп нарсаларни уларга бошқалар тушунтириб бера-

дилар, баъзиларини тушунадилар ҳам, лекин болаликдан ўрнашиб қолган қарашлар кўнгилнинг бир чеккасида қолади ва доимо ундан мўралаб қарай беради, янги тушунчаларга ғов бўлиб, уларнинг кўнгилга чўкишига йўл бермайди... Бошда аллақандай уйқа-гуйқалик пайдо бўлиб, мия ғовлайди: баъзан бундай одам бир нарса қилишга қарор ҳам қилади, лекин қандай бошлашни, қасрга мурожаат қилишни билмайди... Бундай бўлиши табиий, чунки нормал киши ҳамма вақт қўлидан келадиган нарсани орзу қилади ва шу сабабдан хоҳлаганини дарҳол қилиб қўя қолади... Обломов-чи?.. Бу одам бир ишни қилиб ўрганган эмас, бинобарин, ниманинг удласидан чиқиб, ниманинг уддасидан чиқолмаслигини тузуккина танлаб ололмайди, бу сабабдан бир нарсани жиддий ва *амалда* қилмоқни орзу этолмайди ҳам... Унинг орзуси фақат «фалон нарса қилинса, яхши бўлар эди» шаклида кўринади. Лекин бу нарсани қандай қилиш кераклигини билмайди. Шунга кўра у, хаёл суришни яхши кўради ва хаёли воқелик билан тўқнашадиган вақтининг келиб қолишидан қўрқади. Бу ҳолда ишни бировга ағдаришга тиришади, агар ҳеч ким бўлмаса, тавакkалга ташлайди...

Бу хислатларнинг барчаси хўп яхши фаҳмланиб, фавқулодда куч ва тўғрилик билан, Илья Ильич Обломовнинг шахсида тўпланиб кўрсатилган. Илья Ильич муҳим хусусияти қимирламаслик бўлган алоҳида бир жинсга мансуб экан деб ўйланилмасин. Уни азалдан эркин ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум деб ўйлаш ҳам тўғри эмас. Аслида у ҳам бошқалардек одам. Болалигида болалар билан чопишиб, қор бўрон ўйнашни истаган. Бирор нарсани ўзи қўлга киритишни хоҳлаган, жарга бориб келгиси, ариқдан, девордан ва жарликлардан ўтиб, яқиндаги дарахтзорларга бориб югургиси келган. Обломов уйидаги тушлик овқатдан сўнг ухлаш одатидан фойдаланиб, бирмунча яйраб олар эди. «Бола — болохонага чиқиб тушар (болохона йиқилай-йиқилай деб тургашидан, унга чиқишга рухсат йўқ эди), оёқ остида ғирчиллаб турадиган тахталардан сакраб ўйнар, каптархонага чиқар, боғнинг бир бурчагига бориб қўшнизнинг ғўнғиллашига қулоқ солар ва унинг учишини томоша қилиб ўтирар эди». Баъзан — «Зовурга тушиб ерни кавлаб, аллақандай илдизлар топиб, арчиб ер эди ва бу илдизлар онаси берган олма ва мураббодан тотлироқ кўринар эди». Бу ҳолларнинг барчаси мулойим, мўмин-қобил, ёвош характер пайдо бўлиши учун бир заминдир, аммо улардан ҳали ўтказган даражада бемаъни ялқов характер тугалмайди. Шилқимлик билан мағрурлик кишида туғма бўлмасдан, кейин пайдо қилинадиган нарсалар бўлганидек, қўрқоқлик ва орқасини бошқалар калтагига тутиб бериш даражасига борган мулойимлик ҳам одамларда табиий бўлмай, кейин пайдо қилинадиган хислатлардан. Бу икки хислат ўртасидаги масофа, одатда ўйлаганларидек узоқ эмас. Димоғдорликка ҳеч ким малайлардек уста бўлманди; қул остидаги кишиларга қўпол

муомила қилишда эса, ҳеч ким, амалдорларга хушомад қилувчилар олдига тушолмайди.

Илья Ильич шунчалик мулойим бўлса-да, ковушини кийгизиб қўядиган Захарнинг тумшуғига тепишдан қўрқмайди, бу ишни бошқаларга қилмаган бўлса, бунинг яккаю-ягона сабаби шуки, қаршиликка учрашдан қўрқади; чунки бу қаршиликни енгиш керак бўлади. Ноилож ўз фаолияти доирасини ёнидаги уч юзта Захарлари билан чегаралашга мажбур бўлади. Агар бу хил Захарлар юз марта, минг марта кўп бўлсалар ҳам, булар томонидан ҳеч қандай қаршиликка дуч келмас, ким тўғри келса, ҳеч қўрқмай, оғзига ура беришга ўрганиб қолар ва унинг бундай феъли ёввойилик аломати бўлолмас эди. Бу феъли-ҳўйи унинг ўзига ҳам, атрофидагиларга ҳам, жуда табиий ва керакли кўринар эди ва ахлоқини тузатиш, ўзгартиш зарурлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Лекин ҳайтовур, унинг бахтигами ёки шўригами, Илья Ильич ўрта даражада давлатманд помешчик бўлиб туғилган ва йилига ўн минг сўмдан ортиқ даромад қилмас ва бу сабабдан дунёнинг тақдирини фақат хаёлидагина ҳал қилолар эди. Хаёлида эса ўзини жуда улуғ, ботир, қаҳрамон деб ўйлар ва бундай хаёлларга берилишни яхши кўрар эди. «У, баъзан хаёлида ўзини шундай бир енгилмас лашкарбоши фаҳмлар эдики, унинг олдида Наполеон ўйнаб турсин, ҳатто Еруслан Лазаревич ҳам ҳеч бўлиб қоларди. Уруш ва унинг сабабларини ҳам ўйлаб чиқарарди: масалан, африка халқлари Европага ёпирилиб келадилар ёки янги салб муҳорабалари чиқаради, у жанг қилади, халқларнинг тақдирини ҳал этади, шаҳарларни вайрон қилади. Бировга омон беради, бировни ўлимга ҳукм қилади. Олижаноблик ва баланд ҳиммatлилик кўрсатади». Баъзан ўзини улуғ бир мутафаккир ёки адиб деб хаёл қилади, халойиқ унга эргашиб, ҳамма унга сажда қилаётгандай фаҳмлайди... Обломов ҳеч бир орзу-ҳаваси бўлмаган, бефаросат ва бепарво дагал бир одам эмас, балки ўз турмушида аллақандай бир нарсани излаган, ҳар ҳолда бир нарса тўғрисида ўйлаган одам. Лекин ўз орзуларига ўз ҳаракати орқасида етишмасдан, бошқалар орқали етишмоққа ўрганиб қолган; бу қабиҳ одати унда ҳафсаласизликни ўстирди ва уни аянчли маънавий қуллик ҳолига солди. Бу қуллик бунинг хўжайинлиги, катталиги билан шу қадар чирмашиб кетадики, бу хусусиятлар бир-бирига шу қадар аралашиб, бир-бирига шу қадар боғланиб қоладики, улар орасига бирор чегара қўйиш асло мумкин эмасдек кўринади. Обломовнинг мана шу маънавий қуллиги унинг шахси ва унинг бутун тарихининг энг диққатга сазовор томони деса бўлади... Аммо Илья Ильич — мустақил ва бировга қарам бўлмаган одам — қандай қилиб қуллик даражасига тушади, эркинликнинг ҳузурини у кўрмаса, ким кўради, дейиш мумкин. Хизмат қилмайди, одамлар билан алоқаси йўқ, ўзига баҳузур давлати бор... «Бировга бўйин эгишга, бировдан илтимос қилишга, бирозга ялинишга

мажбур эмасман, тинмасдан ишловчиларга, югуриб-елиб юрувчи кишиларга, ишламаса оч қоладиганларга ўхшамайман» деб мақтанади... Содда дил бева хотин Пшеницина унинг *хўжайинлигини,* унинг тоза ва озодалигини, юрганда ва гапирганда мустақиллигини, «тинмасдан хат ёзмагашини, хизматга кеч қолишдан қўрқмаганини, ҳар кимга мени эгарлаб мин дегандек қарамаганини, ҳаммага ва ҳар нарсага, гўё менга бўйин эг, дегандек қараганини» яхши кўради. Лекин бу хўжайин ҳамишша бировнинг иродасига қул бўлиб қолгашидан ва ўзидан бир нарса кўрсатиш даражасига сира чиқмагашидан бутун ҳаётини нобуд қилади. У ҳар бир хотиннинг қули, уни ўзига итоат эттирмоқ истаган ҳар бир кишига, ҳар бир муттаҳам, ўғрига қул. У ўз крепостной малайи Захарга ҳам қул, уларнинг қайси бири қайсисига кўпроқ қарам эканини билиш ҳам қийин. Ҳарҳолда Захар бир нарсани хоҳламаса Илья Ильич уни мажбур қилолмайди, хоҳлаган нарсасини эса хўжайин хоҳламаса ҳам қилаверади, сўнгра хўжайин ҳам унинг қилганига рози бўлади... Шундай бўлмоғи ҳам керак. Чунки Захар ҳарҳолда бир нарсанинг уддасидан чиқади, Обломов бўлса ҳеч нарсанинг уддасидан чиқолмайди ва ҳеч нарса қилолмайди. Ақл ва ахлоқ жиҳатидан Обломовга қараганда анча паст бўлган ҳолда уни ҳар наъмага соладиган Тарантьев билан Иван Матвеич тўғрисида сўзлаб ҳам ўтирмайлик. Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, Обломов бир бойвачча бўлганидан на ишлагиси келади, на бир иш қўлидан келади. Ўзининг атрофидагиларга қандай муносабатда эканини ҳам англаб етолмайди. Бирон иш фақат хаёлда бўлиб, ҳақиқатга ошмоқдан нарида турган чоқда иш қилишдан қочмайди, масалан, катта чорбоғ қилиш планини тузади, бу ишга жуда ҳафсала билан киришади, фақат «майда-чуйдалар, смета ва ҳисоб-китоблари» уни чўчитади-да, ҳар доим бу ишни орқага ташлаб туради. Бу ишларга озора бўлиб юрармиди! Иван Матвеичга айтганидек, у — бир бойвачча. «Сен кимсан, нимасан ўзинг?— деб сўрарсиз сиз. Захардан сўрасангиз у, «хўжайин» дейди. Ҳа, мен хўжайинман, ҳеч нарсани қилиб уддасидан чиқолмайман, агар билсангиз, қилинг, қўлингиздан келса ёрдам беринг, меҳнатингизга хоҳлаган нарсангизни олинг — билим, шунинг учун-да!» Бу сўзлар билан ишдан қутулмоқни хоҳлайди, ўзини билмасликка солиб ялқовлигини яширмоқчи деб ўйлайсизми? Йўқ, у, ҳақиқатан ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарсани қилолмайди, бирор дурустроқ ишга асло тутинолмайди. Ўзининг чорбоғи тўғрисида (бу чорбоғни тузатиш планини тузиб қўйган) Иван Матвеичга қуйидаги сўзларни айтиб, ўзининг билмаслигини иқрор қилади: «Баршчина нима эканини билмайман, деҳқончилик меҳнати нима эканини, камбағал мужик нима-ю, бой нима, билмайман. Бир чорак арпа ёки сулининг нималигидан, неча пул туришидан хабарим йўқ. Қайси ойда нима экилади, нима ўрилади, қандай қилиб ва қачон нима сотилади, тасаввур

қилмайман. Бой ёки камбағаллигимни ҳам билмайман, бир йилдан сўнг тўқ бўламанми ёки гадой, ҳеч билмайман!.. Бас, менга бир гўдакка гапиргандек гапиринг, маслаҳат беринг...» Бошқа таъбир билан айтганда: менга хўжа бўлинг, давлатимни хоҳлаганингизча тасарруф қилинг, ундан қанча эп билсангиз менга шуни беринг... Амалда худди шундай бўлиб чиқди: Иван Матвеич Обломовнинг чорбоғини бутунлай қўлга олиб қўйишга етиб қолган эди, лекин бахтга қарши Штольц халақит берди.

Зотан Обломов ўз қишлоғидаги тартибларни, ўз ишининг аҳволини билмаган бўлса бир гап эди, бундай бўлганда мушкул осон бўларди-я!.. Фақат балонинг каттаси шундаки у, умуман ҳаётнинг маъносини англаб олмаган Обломов доирасидагиларнинг биттаси ҳам, турмуш деган нарса нима, нега керак, унинг маъноси ва аҳамияти нима? деган саволни танасига ўйлаб кўрмаган. Обломовлар турмушни, «аҳён-аҳёнда бетоблик, зиён кўриш, уриш ва жанжал ҳамда гоҳ-гоҳда қилинадиган биронта юмуш каби номатлуб ҳодисалар орқасида ҳар замонда бир безовта бўлса бўладиган, йўқса роҳат ва ҳузур» деб биладилар. «Улар меҳнат боболаримиздан бошлаб бизга юкланган бир жазо деб, ноилож унга рози бўлар, лекин уни ҳеч суймас эдилар. Иложини топсалар, меҳнатдан қутулишни ўзларига қарз ҳам фарз билар эдилар». Илья Ильич ҳам турмушга худди шундай қарар эди. Унинг Штольцга тасвир қилиб берган бахтли турмуши — гулханлар, гулзорлар, самовар кўтариб дарахтзорга саёҳат қилиш, яхши емоқ ва яхши ичмоқдан, ҳамда яхши тўн киймоқ, ҳузур қилиб ухламоқ, сўнгра ора-сира дам олмоқ учун мулойим, мўмин-қобил лўппигина хотин билан аҳён-аҳёнда саёҳат қилиб ёзилмоқдан ва деҳқонларнинг қандай ишлаётганларини томоша қилмоқдан иборат. Обломовнинг зеҳни болалигидан шундай қолипга кириб қолганки, ҳатто жуда ҳавойи муҳокамалар ва бориб турган хаёлий назарияларнинг ҳам бир томошини маҳкам ушлаб олади-да, сўнгра ҳар қанча ваъз-насиҳат қилсалар, ишонтирсалар ҳам бир карра маъқул қилиб олганини ҳеч қўймайди. Илья Ильич бундай роҳат турмушни тасвир қилар экан, бу турмушнинг ички маъноси ҳақида фикр қилмайди, унинг қонунийлиги ва ҳақиқати тўғрисида ўйламайди, бу гулзор ва гулхоналарнинг қаердан пайдо бўлиши ва уларни ким парвариш қилишини, бу гул-гулзорлардан фойдаланишга унинг ўзида қандай ҳақ борлигини танасига ўйлаб кўрмайди. Ўзига бундай саволларни бермаган ва оламга ҳамда жамиятга ўзининг қандай муносабати борлиги тўғрисида ўйламаган Обломов, табиий, ўз турмушининг маъносини ҳам уқиб ололмайди ва бу сабабдан, ҳар бир ишдан зерикади, ҳар иш уни қийнайди. Бир замон у хизмат қилган, лекин қоғозлар ёзишдан мақсад нима эканини асло англаёлган эмас ва ҳеч нарсани тузуккина англаб фаҳмлолмагач, истеъфо бериб, хизматдан бўшашдан ва ёзиб-чизиш-

ни йиғиштиришдан бошқа чора тополмаган. Бир вақтлар у ўқиб ҳам кўрган, лекин илмнинг қандай фойдаси борлигини тушунолмасдан, китобларни бир бурчакка тахлаган-у, уларни чанг босиб ётишини томоша қилишдан нарига ўтмаган. Баъзан одамларга аралашиб зиёфатларга ҳам борган, лекин одамларнинг нега зиёфатларга боришига ҳеч тушунолмаган: бунинг фаҳмига етмасдан, танишларнинг ҳаммасидан юз ўгириб, бориш-келишни ташлаб, эртадан-кечгача дивандан тушмай ётадиган бўлган. Хотинлар билан ҳам дўстлашиб кўрган, лекин улардан нима яхшилик кутиб бўлади, нима фойда топилади деган мулоҳазаларга борган, аммо бу саволларга жавоб топмай, хотинлардан ҳам ҳазар қила бошлайди... Ҳамма нарса унинг кўнглига уради, зериктиради; шунинг учун бунча ҳаракат ва машаққат тортиб қийналаётган «одамларнинг чумолидек ҳаракатларига» нафрат билан қарайди, уларни масхара қилиб, ёнбошлаб ётаверади.

Обломовнинг фесл-ҳуйи тўғрисидаги сўзларимизни бу нуқтага етказгач, энди, юқорида андак айтиб ўтганимизча, бу хил кишиларнинг адабиётимиздаги бошқа типларига мурожаат қилишни маъқул топдик. Юқоридаги мулоҳазалар, бизни Обломов аслида бундай мужмағил ва ўз ихтиёри билан бир иш қилмайдиган, харакатсиз одам бўлиб туғилган эмас, деган фикрга келтирди. Унинг ялқовлиги ва хафсаласизлиги тарбия ва муҳитнинг таъсирида вужудга келган. Бундаги энг муҳим нарса Обломов эмас, балки обломовчиликдир. Агар Обломов ўзига яраша бир иш топса, эҳтимол ишлар ҳам эди. Аммо бунинг учун у ўсган муҳитидан бирмунча бошқачароқ муҳитда тарбияланиши шарт эди. Лекин ўша аҳволда қолганда кўнглига ёққудай ҳеч иш тополмади, чунки ҳаётнинг маъносини тақир англамади ва бошқаларга муносабати қандай эканини тузукина тушуниб ололмади. Мана шу нуқтага келганда уни ўтган замондаги отоқли ёзувчиларимиз яратган типлар билан таққослашга имкон топилади. Рус ёзувчиларининг энг яхши роман ва повестларидаги қаҳрамонларнинг ҳаммаси ҳам турмушдан мақсад нима эканини англамасдан, ўзига муносиб иш топилмаганидан қийналгани кўпдан бери маълум. Буниинг орқасида улар ҳар бир ишдан дарров безор бўлиб, юраги қизийди ва бу жиҳатдан Обломовга жуда ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам, масалан, «Онегин»ни олинг, «Замонамизнинг қаҳрамони»ни олинг, «Ким айбдор?», «Рудин» ёки «Ортиқча одам» ёхуд «Шигров уездининг Гамлети»ни олинг, буларнинг ҳаммасида ҳам Обломовнинг хислатларига батамом ўхшаган хислатлар топасиз.

Онегин ҳам Обломовга ўхшаб, жамиятдан юз ўгиради, чунки:

Хиёнатлар уни чарчатиб қўйди.
Дўстлар, дўстликлардан жуда тез тўйди.[5]

Шундан кейин у ёзувчиликка киришади:

Жўшқин заиқ-сафардан қочиб у энди
Уйига бутунлай қамалиб қолди.
Зерикиб кўлига қаламни олди,
Ёзишни истади: мушкул, зўр меҳнат
Кўнглини айнатди, эзди, қаламдан
Ҳеч нима чиқмади...[6]

«Ёзмоқчи бўлган мақола ва асарларининг биринчи саҳифасини» кўнгил тортган кишиларга ўқиб беришни яхши кўрган Рудин ҳам ёзувчиликка уриниб овора бўлиб юради. Тентетников ҳам кўп йилларгача «Бутун Русияни ҳамма нуқтаи назардан қамраб олиш керак бўлган катта асар»га уринади, лекин «унинг иши ҳам кўпроқ ўй ўйлашдан иборат. Қаламлар хит бўлади, қоғозларда суратлар пайдо бўлади, сўнгра бу ишлар бир чеккага йиғиштирилиб қўйилади». Илья Ильич ҳам бу ишда ўз ака-укаларидан қолишмайди. У ҳам ёзувчилик билан шуғулланади, таржима ҳам қилади. У ҳатто Сэйнинг* асарларини таржима қилган. Штольц ундан: «Ёзган асарларинг қани, таржималарингқани?» деб сўраганда,— «Қайдам, Захар бир ёққа ташладими; бурчакда ётган бўлса керак» — деб жавоб беради. Ҳатто Илья Ильич ўзи каби жазм билан ишга киришганларга қараганда кўпроқ иш қилган бўлиб чиқади... Обломовнинг ака-укалари, гарчи мавқеи ва савияси жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилган бўлсалар-да, ишга бир мартадан уриниб кўрганлар.

Фақат Печорингина «ҳикояфурушларни ва мешчанлик руҳи билан суғорилган драмалар ёзувчилар»ни назарга илмаган, бироқ, у ҳам хотиралар ёзган. Бельтовга келсак, бу ҳам бирон нарса ёзган бўлса керак; бундан ташқари у артист эди, Эрмитажга қатнаб, бу ердан расм чизиш учун қоғозни ёйиб қўйиб, Сибирдан келаётган Бирон билан Сибирга кетаётган Миних учрашувини кўрсатадиган катта бир сурат солиш устида хаёл сурар эди... Буларнинг натижаси нима бўлгани ўқувчиларга маълум... Обломовлар оиласига мансуб бўлганларнинг ҳаммасида шу обломовчилик ҳукм суради...

«Бошқалардан ақл олиш», яъни ўқиш тўғрисида ҳам Обломов ака-укаларидан кўп фарқ қилмайди. Илья Ильич ҳам баъзан китоб ўқир, ўқиганда ҳам марҳум отасига ўхшамас эди. Отаси — «Анчадан бери китоб ўқиганим йўқ; бир китоб ўқий» деб, тўғри келган китобни ўқир эди... Обломов бўлса, бошқа эмас. Замона унга ҳам таъсир қилган: у танлаб, ёққан китобни ўқийди. «Агар биронта яхши асарни эшитиб қолса, унда бу китоб билан танишиш ҳаваси туғилади. Китобни излайди, суриштиради, агар тезроқ келтириб берсалар, ўқишга киришади, китобдаги мавзулар тўғрисида ўйлай бошлайди. Бир оз уринса китобни ўқиб тугириши ҳам мумкин, лекин бир маҳал қара-

* Жан Батист Сэй (1767 — 1862) француз буржуа экономисти. *(Ред).*

сангиз, ҳафсаласи совиб, шифтга қараб ётганини кўрасиз, ўқилиб битмаган ва тушунилмаган китоб ёнида ётади. Тез киришади-ю, лекин ҳафсаласи ҳам тез совийди. Бир карра ташланган китобни қайта қўлга олмайди». Бошқалар ҳам шунақа эмасми? Онегин бошқалардан ақл олмоқ бўлиб:

Токчага қалади жилд-жилд китоблар[7]

ва ўқишга тутунади. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмайди, китоб жонига тегади:

Китобларни ташлар хотинларсимон,
Чанг босган китоблар ётган токчага,
Тортади қопқора қалин пардача[8].

Тентетников ҳам китобни шундай, кўпинча таом вақтида «шўрва билан, қовурдоқ билан ва ҳатто сомса билан» қўшиб ўқир эди (ҳар нечук доим қўлида китоб бўлишга одатланган эди)... Рудин ҳам Лежнев билан сўзлашганда,— агрономия тўғрисида аллақандай китоблар сотиб олдим, лекин биттасини ҳам ўқиб тамом қилганим йўқ — деб ўзи иқрор бўлади; у ўқитувчилик қилади; бироқ, тарихий воқиалардан хабарсизроқ экани маълум бўлади, ҳатто XVI асрга мансуб бир тарихий ёдгорлик масаласида ҳисоб муаллими уни мот қилиб қўяди. Бу ҳам Обломов сингари фақат умумий ғояларни осонлик билан фаҳмлар эди, аммо «тафсилот, ҳисоб ва рақамлар» ҳамиша бир чеккада қолиб кетар эди.

Обломовлар ва буларнинг бошқа шериклари билан бирга, бирталай кераксиз илмларни ўқиган ва ўқиган нарсаларининг заррачасини ҳам турмушга татбиқ қилишни билмайдиган Андрей Иванович Тентетников «— Бу ҳали ҳаёт эмас, бу ҳаётга тайёргарлик, холос; чинакам ҳаёт — хизмат қилишда бўлади» деб ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам, Онегин билан Печориндан бошқа ҳамма қаҳрамонларимиз хизмат қилади ва ҳаммаси ҳам хизматни кераксиз ва маънюсиз ортиқча машаққат деб билади. Уларнинг ҳаммаси бироз хизмат қилиши биланоқ олижаноблик билан хизматдан бўшаб истеъфо беради. Бельтов юқори мансабга минишга ўн тўрт йилу олти ой қолганда, хизматини ташлаб кетади, чунки аввал мирзаликка қизиқиб, ҳавас қилса ҳам, кейин ҳафсаласи совиб, тажанг бўлиб, ишга парвосизланиб қолади... Тентетников бошлиғи билан ғижиллашиб қолади, бундан ташқари ўз мулкини тасарруф қилишга киришиб, бу билан давлатга фойда келтиришни хоҳлаб қолади. Рудин ўзи муаллимлик қилиб турган гимназиянинг директори билан уришиб қолади. Обломовга бўлса, «одамларнинг бошлиқларга хушомад қилиб, табиий овозлари билан эмас, аллақандай мулойим ва хунук, ясама, разил овоз билан сўзлашувлари ёқмади», керакли бир қоғозни Астрахань ўрнига Архангельск шаҳрига юбориб қўйгани учун бошлиқларга ҳалигидек ясама овоз билан изоҳ беришни

истамади ва хизматдан истеъфо берди. Бу ҳолларнинг ҳаммасида ҳам ўша обломовчилик...

Обломовларнинг маишати ҳам бир-бирининкига жуда ўхшайди.

Кезишлар, ўқишлар ва қаттиқ уйқу,
Ўрмонлар кўлкаси, сувларнинг саси,
Қора кўз капалак бутун беқайғу,
Тегиб ўтган тирик, тоза бўсаси,
Нозик ва ҳам лазиз ҳар тушки овқат,
Жиловга ўралган югурик бир от,
Бир шишада тиниқ, шуъла ранг вино,
Одамлардан узоқ жимжит бир дунё:
Мана Онегиннинг эзгу ҳаёти.[9]

Илья Ильич хаёл қилган маишат ҳам худди шу, фақат от мустасно, холос. Обломов маишатида ҳатто қора кўз лўппи қизнинг бўсасини ҳам унутмаган, Илья Ильич хаёлида «офтобдан бўйни қизарган, енглари шимарилган, уятчангликдан ерга қараган, кўзларида ғамза ўти ёнган бир деҳқон қизини орзу қилади. Бу қиз, хўжайиннинг силаб-сийпалашларидан қочган бўлади-ю, лекин ўзи кўнглида хурсанд... жим... хотин кўриб қолса... худо уради!» (Обломов ўзини уйланган хаёл қилади). Агар Илья Ильич ҳафсала қилиб Петербургдан қишлоққа жўнаб кетганда, бу орзусини албатта юзага чиқарар эди. Умуман, бундай хаёлий лаззатга, ҳаракатсиз қўлга киритиладиган бахтга мойиллик Обломовларнинг ҳаммасида бор. Буларга бахт ўзи келса-ю: «— Мендан истаганингча лаззатлан, вассалом»,— деб турса... Ҳатто Печориндек одам ҳам, эҳтимолки, бахт — роҳат ва ширин истироҳатдан иборат бўлса керак деб ўйлайди. Ёзган хотираларининг бир жойида у ўзини шундай бир одамга ўхшатади: «Очликдан, дармонсизликдан уйқу босиб, тушида лаззатли таомлар, тўлиб турган шароблар кўради, бу одам тушида хаёлнинг пуч неъматларини хўп лаззат билан ейди ва очлиги тарқаб андак ором олгандек бўлади, лекин уйқуси ўчиб, ҳаёлот тарқалади-да, аввалгидан бадтар оч қорин билан қолади». Яна бир жойда Печорин ўз-ўзига савол бериб:— «Нега мен тақдир кўрсатган бу йўлга киришни хоҳламадим, бу йўлга кирсам, тинчгина роҳат ва ҳузурда яшар эдим» дейди-да, «Чунки руҳим тўполонга ўрганган ва ҳаракат — фаолиятга ташна бўлгандан бундай қилдим» деб ўйлайди. Лекин ўзининг курашидан ҳамиша толийди ва тузуккина иш топилмаганимдан бундай бемаза гавғолар чиқараман, деб доим ўзи айтади. Ўзига маъқул иш тополмасдан, бекор юрган ва кўнглига ҳеч нарса билан таскин беролмаган беқарор киши, ишдан кўра бекорчиликка мойилроқ бўлади... Бас, яна ўша обломовчилик...

Обломовларнинг бошқаларга, хусусан хотинларга муносабатлари ҳам бир-бирининкига жуда ўхшайди. Одамларни ва уларнинг майда-чуйда ишларини, тор қарашлар ва арзимаган орзуларни Обломовларнинг ҳаммаси ёмон кўради, нафрат

билан қарайди. Обломовлар ичида энг инсонпарвари бўлган Бельтов ҳам, менсимасдан: «Булар ҳаммаси қора ишчилар» дейди. Рудин ўзини аллақандай доҳи фаҳмлайди, гўё унинг доҳилигини ҳеч ким тушунолмайди. Печоринга келсак, бу кишини қўя беринг, ҳамма бу кишининг оёғи остида. Ҳатто Онегиннинг ҳам қуйидаги бир жуфт мисраси бор:

Яшаб фикр қилган киши ҳар замон
Руҳида инсондан нафрат эткуси.[10]

Тентетниковдек ёввош одам ҳам, маҳкамага келганда ўзини гўё «гуноҳи учун юқори тоифадан паст тоифага туширив қўйилгандек» сезади; қишлоққа келгач эса, Онегин ва Обломовлар каби, ўзи билан танишишга ошиққан қўшнилари билан борди-келди қилмасликни истаб қолади. Одамлардан нафратланишда бизнинг Илья Ильич ҳам ҳеч кимдан қолишмайди: ахир, одамлардан нафратланиш жуда осон-да, бунинг учун ҳеч қандай ҳаракат ҳам керак эмас. У, Захарга мақтаниб ўзини «бошқаларга» таққослаб гапиради. Дўстлар билан сўзлашганда, нега одамлар бунча уринадилар: хизмат қилиб, ёзиб-чизиб, газета ўқиб, улфатчилик қилиб, ўзларини-ўзлари нега мунча қийнар эканлар, деб таажжуб қилади. Ҳатто Штольц билан сўзлашганда ўзининг бошқалардан юқори эканини жуда аниқ айтади. «Ҳаёт улфатчиликдами? Хўп ҳаёт экан-да! Нимаси бор? Мияга, кўнгилга бир нарса берадими? Буларни айлантириб турган марказга қара, у қаерда? Йўқ, у йўқ, кишининг юрагига жаз этиб тегадиган нарса йўқ. Меҳмон деб юрган бу одамларнинг ҳаммаси, бу жамият аъзоларининг барчаси ғафлатда қолган, ўлик одамлар, жамоат ва киборларга мансуб одамларнинг ҳаммаси ҳам мендан бадтар одамлар!» дейди. Сўнгра Илья Ильич бу мавзуда узоқдан-узоқ сўз бошлаб хўп сайрайди, шундай сайрайдики, Рудин ҳам орқада қолиб кетади.

Хотинларга Обломовларнинг ҳаммаси бир хилда жуда расво муомала қилади. Булар муҳаббатни билмайди, умуман, ҳаётдан маъни топмаганларидек, муҳаббатда ҳам ҳеч маъни тополмайдилар. Хотин киши бир қўғирчоқдек бўлса, бундай хотин билан андак ўйин-кулги қилишни ёқтирадилар; хотинларни ўзларига ошифта қилиш бўлса, бунга ҳам йўқ демайдилар. Нега ҳам йўқ десинлар, хўжайинлик табиатлари бундан лаззат олади! Ахир бироқ, биронта жиддий ишга бориб тақалгундай бўлса, олдиларидаги хотин қўғирчоқ эмас, балки улардан ҳам ўз ҳуқуқига ҳурмат талаб қила олувчи хотин эканини сал фаҳмласалар, дарҳол шармандаларча қочадилар. Юраксизлик бу жаноблариинг ҳаммасида ҳам ҳаддан ошиқ даражада. «Нозик гўзаллар кўнглини безовта қилишга ёш чоғидан уста бўлган» ва «хотинлар билан топишганда, бунга учмаган; улардан ажралганда ғам емаган» Онегин ҳам Татьянадан икки мартаба қўрқади. Биринчи гал, ундан

сабоқ олганда, иккинчи гал, унга сабоқ берганда. Унинг ўзи Татьянани дафъатандан яхши кўрган эди. Агар Татьяна бу қадар жиддий яхши кўрмаса, Онегин у билан бундай жиддий устоз каби муомала қилишни хаёлга ҳам келтирмас эди. Лекин Татьянанинг муҳаббати жидийлигини кўрган Онегин бунда ҳазиллашиш хавфли эканини фаҳмлаб, ўтиб кетган умридан, характерининг оғирлигидан, кейинроқ бориб Татьянанинг бошқани яхши кўриб кетишидан сўзлай бошлайди. Кейин ўзи бундай қилганининг сабабини баён қилганда: «Татьянада муҳаббат учқунини кўриб, унга ишонишни истамадим» дейди:

Бездирган эркини қўлидан бутун
Йўқотиб қўйишни хоҳламаганди.[11]

Ўзидаги юраксизликни қандай сўзлар билан яширганини айтмайсизми!

Бельтов ҳам Круциферскаяга ошиқлигини охирига етказмай қочиб қолади. Ори рост, унинг сўзларига ишонсак, Бельтов тамомила бошқа мулоҳазалар билан қизни ташлаб кетади. Рудин ҳам ўзидан Наталья узил-кесил жавоб олмоқчи бўлганда жуда эсанкираб қолади. Унга «тақдирга тан бериш керак» деб маслаҳат беришдан нарига ўтмайди. Эртасига унга ёзган хатида «Сизга ўхшаган хотинлар билан муомила қилиб ўрганмаганман» деб ўзини оқламоқчи бўлади. Хотинлар кўнглини овлашга уста бўлган Печорин ҳам шундай. Бу одам, дунёда хотиндан бошқа ҳеч нарсани яхши кўрмайман ва хотинларга бор-йўғимни фидо қиламан, дейди. Лекин бу ҳам биринчидан «мустақил хотинларни ёмон кўраман, бунга улар лойиқ» дейди; иккинчидан, асло уйланмайман дейди. «Хотин кишини қандай муҳаббат билан яхши кўрсам ҳам, агар уйланиш тўғрисида сал шипшитдими, тамом. Юрагим тошга айланади ва ортиқ уни ҳеч нарса юмшата олмайди. Бундан бошқаси учун ўзимни фидо қилишга тайёрман. Ҳаётимни йигирма мартаба таҳликага солишга розиман, ҳатто номусимни ҳам тикаман, лекин эркинлигимни сотмайман. Нечун эркинликни бундай мудофаа қиламан? Менга у нима беради? Ўзимни нимага ҳозирлаётибман? Келажакдан нима кутаман? Тўғриси ҳеч нарса кутмайман. Бу аллақандай туғма қўрқув, номаълум бир сезги» деган сўзларни айтади. Ҳақиқатда эса бу ҳам обломовчиликдан бошқа нарса эмас.

Илья Ильичда ҳам, Онегинни қўя турайлик, ҳатто Печорин ва Рудинлардаги каби унсурлар йўқ деб ўйлайсизми? Бор ҳам гапми! Масалан, бу ҳам Печорин каби хотин кишидан албатта *мурод ҳосил қилиш* истайди, ҳар хил қурбонлар билан муҳаббатини исбот этишни талаб қилади. Аввал бошида Ольганинг унга тегишига ишонмаганидан, қўрқа-писа уни хотинликка даъват қилади. Ольга бўлса, бу таклифларингизни аллақачон қилишингиз керак эди, дегандек бир сўз айтади. Ольганинг бу

сўзидан Илья Ильич ранжийди, унинг розилиги ёқмайди. Бундан кейин нима қилди деб ўйлайсиз? Менга ўйнаш бўладиган даражада муҳаббатингиз борми?— деб Ольгани ўсал қилишга киришади. Ольга ҳеч маҳал бу йўлдан бормайман, деб жавоб берганида, у хафа бўлиб қолади. Аммо Ольганинг сўнгра айтган сўзлари ва икковининг ўртасида бўлиб ўтган воқиа унинг кўнглини тинчитади. Лекин ҳар ҳолда иш ниҳоясига етиб қолганда, у шу қадар қўрқиб қоладики, ҳатто Ольгага кўринишга ҳам ботинолмайди, ўзини касалга солади, кўприк очилиб, йўл кесилганини баҳона қилади. Сўнгра Ольгага сиз мени уятга қолдирасиз деган маънода ишорат қилади.— Нега бундай қилади? Чунки Ольга ундан узил-кесил жавоб сўрайди, ҳаракат қилишни талаб этади, ҳолбуки у, бундай дадилликка ўрганмаган. Уйланишнинг ўзи, уни Печорин ва Рудинларни қўрқитадигандай қўрқитмайди, унинг одатлари бирмунча эскичароқ. Лекин Ольга, уйланишдан аввал Илья Ильичнинг мол-мулкларини саранжомлаб олишини истайди. Бу иш унинг томонидан *фидойилик* бўларди, шунинг учун у албатта, бунга рози бўлмайди ва чин Обломовлигини кўрсатади. Ҳолбуки, ўзи бошқаларга нисбатан жуда инжиқ. Ольгага шундай муомила қиладики, бундай муомилани Печорин ҳам қилса бўлар эди. У ўзининг Ольга яхши кўрадиган даражада чиройли ва кўнгил тортар эмаслигини мулоҳаза қилиб, хаёл суриб кетади. Сўнгра қийналишга, кечалари уйқусиз қолишга бошлайди ва ахири ғайратга кириб, Ольгага узундан-узун рудинамо хат ёзади ва хатида Онегининг Татьянага, Рудининг Натальяга, ҳатто Печориннинг княжна Мерига ёзган хатларида ҳам қайта-қайта айтила бериб, сийқаси чиқиб кетган эски сўзларни такрор қилади: «Мен сизни бахтиёр қилишга лойиқ яратилган эмасман. Вақти келиб, мендан кўра тузукроқ кишига муҳаббат боғларсиз»:

Ёш қиз алмаштирар кўп мартаба чин
Хаёллари билан енгил фикрини.
Янгидан сиз яна севарсиз: аммо...
Ўзни тутишни-да ўрганмоқ даркор;
Ҳар ким тушунмайди менга шеклли
Офатга элтади тажрибасизлик.[12]

Обломовларнинг ҳаммаси ўзини камситиб, пастга уришни яхши кўради. Лекин бундан мақсадлари, «йўқ-йўқ, ундай эмас» деган жавоб олиш, биров олдида ўзларини сўкиб, ундан мақтов эшитишдир. Улар ўзларини фақир-ҳақир кўрсатган бўлиб, бундан завқ оладилар; бу жиҳатдан уларнинг ҳаммаси Рудинга ўхшайди. Рудин тўғрисида Пигасов бундай дейди: «Ўзини бир ҳақорат қилишга тушса, ўзини лойга шундай булғаб ташлайди-ки, энди бу ёруғ дунёга асло қарамас деб ўйлайсан. Дунёга қарамаслик қаёқда! Бир вақт қарасангиз, арақ ичиб кайф қилгандек, ўз ишидан роса шодланиб кетганини кўраман». Мана шу хусусият обломовларнинг ҳаммасига хос.

Онегин ҳам ўзини хўп таҳқир қилгандан сўнг, Татьянага ўзининг олижаноблигини мақтайди. Обломов ҳам Ольгага хат ёзиб, ўзини ўзи масхара қилгач, «Энди енгил тортганини, энди бахтиёрдек эканини» ҳис қилади. Онегин нутқини қандай насиҳатлар билан тамомлаган бўлса, бу ҳам хатини шундай насиҳатлар билан тугатади: «Ўртамизда бўлган воқиа келажакдаги дуруст муҳаббатингиз учун сизга бир сабоқ бўлсин» деган сўзларни ёзади.

Илья Ильич, табиий, Ольга назарида ўзини таҳқир қилгунча шу даражасида тура бермади; хатининг Ольгага қандай таъсир қилишини билмоққа ошиқади ва унинг йиғлаб тургалини кўриб, хурсанд бўлади ва бундай қийин чоқда қизнинг олдига боришдан ўзини тўхтатолмайди. Ольга бўлса, «ўзининг бахти учун ғам еб» ёзилган бу хатда у ўзининг қандай разил ва аянчли бир худбин эканини кўрсатганлигини исбот қилади. Бундан Илья Ильич бутунлай ўсал бўлади. Дарҳақиқат, билим ва савия жиҳатидан ўзларидан юқорироқ хотинга дуч келганда, Обломовларнинг ҳаммаси ана шундай қочиш қилади.

Баъзи доно одамлар балки «бу қиёсингизда гарчи бир-бирига ўхшаган фактлар танлаб олинган бўлса-да, ҳарҳолда маъно йўқ — деб қичқирарлар.— Бировнинг характерини белгилаганда, унинг қилиқлари унча муҳим эмас, балки бирон ишни қилгандаги мақсади, тилаги ва қандай муддао билан қилганлиги муҳимдир. Бу мақсад жиҳатидан қараганда Обломовнинг ҳаракатлари билан Рудин, Печорин ва бошқаларнинг феъл-ҳўйлари орасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўрмай бўладими?.. Обломов ҳеч бир ишни ҳафсала билан қилмайди, жойидан қимирлашга ҳам эринади, мабода бошқалар уни судрасалар, жойида маҳкам ўтириш учун андак ҳаракат қилишга ҳам эринади, унинг бутун мақсади, сира ортиқча ҳаракат қилмаслик. Аммо булар бўлса ҳаракат ва фаолиятга ташналар, ҳар нарсага қизиқиб киришадилар.

Қамраб олинганда бетинчлик билан,
Макон ўзгартишга уйғонди орзу.[13]

Улар мана шу «макон ўзгартиш» касалига мубталолар, бу эса кучли руҳнинг аломатидир. Агар улар ҳақиқатан фойдали бир иш қилмасалар, бунинг сабаби, ўз кучларига яраша иш тополмаганларидир. Улар, Печорин айтгандек, чиновниклик столига кишанбанд этилган ва қоғозлар кўчириб ўтиришга маҳкум доҳиларга ўхшайдилар. Улар атрофларидаги муҳитдан юқори турадилар, шунинг учун одамлардан ва турмушдан нафрат қилишга ҳақлари бор. Мавжуд муҳит ва жамиятдаги аҳволга муносабат нуқтаи назаридан қараганда, уларнинг бутун ҳаёти ҳамма нарсани инкор қилишдан иборатдир. Обломовнинг ҳаёти эса, бор нарсаларнинг таъсирига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан бўйсунишдан ва муҳофазакорлик қилиб, ҳар бир ўзгаришдан ҳазар этишдан

иборатдир. Таъсирланиш хислати унинг табиатида сира йўқ. Бу одамларни бир-бирига таққослаб бўладими? Обломов билан Рудинни тенглаштириб бўладими! Печоринни ҳам Илья Ильичдек ботқоққа ботган деб бўладими? Бу, мутлақо тушунмаслик, нодонлик, бемазагарчилик ва жиноятдир!..» деб товқин-сурон кўтарувчилар бўлур.

Э, худойим!— дарвоқе, донолар билан сўзлашганда ҳушёр бўлиш кераклигини унутиб қўйибмиз. Улар сизнинг тушингизга ҳам кирмаган хулосаларни келтириб чиқарадилар. Агар сиз чўмилмоқчи бўлсангиз-да, сув бўйида қўллари боғлиқ турган бир доно сизга: мен сузишга устаман, сувга чўккундай бўлсангиз, қутқариб олиб чиқаман,— деб мақтанса,— сиз: «Э ошна, қўлларинг боғлиқ-ку, аввал ўз қўлингни ечиш ғамини есанг-чи!» дея кўрманг. Агар бундай десангиз доно киши дарҳол сиздан ранжиб:— Ҳа, ҳа, шундайми, сиз мени сузишни билмайди, дейсизми? Менинг қўлларимни боғлаган кишини мақтаяпсизми?! Сувга ғарқ бўлганларни қутқарувчи кишиларни хуш кўрмайсиз экан-да!..— деб жиззакилик қила бошлайди. Доно кишилар жуда гапдон ва ҳеч кутилмаган ажойиб хулосалар чиқаришга уста бўладилар... Бу ўринда ҳам худди шу аҳволни кўрамиз: Улар Обломовни Печорин билан Рудиндан юқори қўймоқчи деган хулоса чиқарадилар, унинг бекор ётишини маъқуллашга уринади, у билан бошқа қаҳрамонлар ўртасидаги асосий ички айирмани кўролмайди — деган натижаларга келадилар. Донолларга гапни тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Биз айтган гапларимизнинг ҳаммасида Обломов ва бошқа қаҳрамонларнинг шахсидан кўра обломовчиликни кўпроқ назарда тутдик. Шахсларга келсак, масалан, Печориннинг табиати, мижози билан Обломовнинг табиати ўртасидаги катта айирмани кўрмасдан иложимиз йўқ. Шунингдек, Печорин билан Онегин ҳамда Рудин билан Бельтовлар ўртасидаги айирмани ҳам кўрмай қололмадик... Одамларнинг шахсан, табиатан бир-биридан фарқ қилиши тўғрисида ким мунозара қилиб ўтиради (гарчи бу айирма одатда ўйланилгандек катта ва муҳим бўлмаса-да?). Аммо гап шундаки, бу шахсларнинг ҳаммаси обломовчилик касалига мубтало ва бу касал уларнинг пешонасига бекорчилик, текинхўрлик ва дунёда тақир кераксизлик тамгасини босган. Эҳтимол, бошқа шароит ва бошқа одамлар орасида бўлса, Онегин ҳақиқатан олижаноб, яхши одам бўлар эди, Печорин билан Рудин балки улуғ ишлар қилган бўларди, Бельтов ҳам чинакам жуда яхши одам бўлиб чиқарди. Лекин бошқа шароитда ўссалар, Обломов билан Тентетников ҳам бундай лаванг бўлмасдан, ўзларига бironта фойдали иш топиб олишлари мумкин эди... Гап шундаки, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган бир хусусият бор, яъни буларнинг ҳаммаси бирор иш қилиш орзусида бўлади-ю, лекин қуруқ орзудан нарига бор-

майди, улар, ўз орзуларининг кўпидан натижа чиқиши мумкинлигини, лекин ҳеч натижа чиқмаслигини биладилар. Мана бу жиҳатдан улар бир-бирларига жуда ўхшайдилар. «Ўтмишни эслаб, беихтиёр ўзимдан: нима учун яшадим, нима мақсадда туғилдим?— деб сўрайман. Бир мақсад борлиги аниқ, пешонамга катта ишлар битилган бўлса ҳам ажаб эмас, чунки танамда ҳадсиз куч борлигини сезаман. Лекин мен ўзимнинг бу тақдиримни пайқамадим, пуч ва бемаъни ҳаваслар ўчоғидан темирдек совуқ ва букилмас бўлиб чиқдим, лекин яхши орзулар ҳавасини мангуликка йўқотдим, умримнинг гунчасини бой бердим». Бу сўзлар Печоринники, Рудин ўзи ҳақида бундай ўйлайди: «Табиат менга кўп нарсалар ҳадя қилди. Лекин мен куч-қувватимга эп бўлган бирор иш қилолмасдан, ўзимдан ҳеч бир яхши ёдгор қолдирмасдан ўлиб кетаман. Менинг бутун бойлигим хабата бўлиб кетади. Экқан уруғларимнинг мевасини кўрмайман...» Илья Ильич ҳам бошқалардан қолишмайди, бу ҳам ўз вужудида «мозорга кўмилгандек аллақандай олижаноб, порлоқ бир куч борлигини» жуда алам ва афсуслар билан айтади. «Бу куч энди ўлган бўлса ҳам ажаб эмас, ёхуд тог бағридаги олтиндек бекиниб ётгандир. Бу олтин аллақачон пулга айланиб қўлма-қўл юриши керак эди, бироқ, бу хазина ифлос ахлатлар тагида қолиб кетмоқда, табиат ва ҳаётнинг мукофоти бўлган бу хазинани бирров гўё ўғирлаб, яна унинг ўз вужудига кўмиб қўйгандек». Қарангки, *хазина* унинг табиатида экан, фақат бу хазинанинг эшигини дунёга очиб кўрсатолмайди. Унинг оғайнилари бўлса, «дунёни кезиб»:

Узига улуғ ишлар излайди;
Хайриятки бой отадан қолган мерослар
Майда-чуйда юмушларни
Унинг бўйнидан олган. [14]

Обломов ҳам ёшлигида: «куч-қувват борида хизмат қилиш керак, чунки битмас-туганмас конларни ишлаш учун Русияга қўл ва миялар керак...» дебхаёл сурарди. Ҳали ҳам «бутун инсоният қайғуси унинг кўнглига бегона эмас, юксак гоялардан лаззат олади» гарчи азамат иш излаб жаҳонгаштлик қилмаса-да, ҳарҳолда оламшумул бир иш кўрсатиш орзусини қилади, ҳар ҳолда қора ишчиларга нафрат билан қарайди ва ҳаяжон билан:

Одамларнинг чумолидек меҳнатига
Куйдирмайман жонимни мен... [15]

дейди.

Бекорчиликда бошқа бирodарларидан ортиқ эмас; фақат буники ошкороқ; у ўзининг бекорчилигини жамоатга аралашиш билан ва Невский кўчасида сайр қилиш билан бекитишга ҳам интилмайди.

Бироқ, Обломовдан олган таассуротимиз билан номлари юқорида зикр қилинган бошқа қаҳрамонлардан олган таассуротимиз ўртасида бундай фарқ бўлувининг сабаби нима? Бошқа қаҳрамонлар шоқулай муҳитда янчилиб қолган кучли шахслардек кўринадилар, Обломов бўлса, энг қулай шароитда ҳам ҳеч нарса қилолмайдиган ландовурдек кўринади. Биринчидан, бунинг сабаби шуки, Обломовнинг табиати, унинг мижози ҳаддан ташқари суст, шу сабабдан ўз фикрларини юзага чиқаришда ва қарши келган ҳолларни даф қилишда қизғинроқ бўлган Онегин ёки баджаҳл Печоринга қараганда, табиий камроқ ҳаракат қилади, ҳақиқатда уларнинг ҳаммаси ҳам ўзларига қарши вазиятлар олдида баравар даражада ночор ва ноилождар; чинакам, жиддий ишга келганда ҳаммалари ҳам писиб кетадилар, бечора ва ожиз бўлиб қоладилар. Обломовнинг вазияти, унинг фаолияти учун қандай қулайликлар берар эди? Мулки бор эди, бу мулкни саранжом қилса бўларди. Сўнгра уни амалий ишга чақирган дўсти бор эди. Ғайрат ва жасорати, қарашларининг аниқ ва равшанлиги билан ундан баланд бўлган ва уни суйган хотин киши бор эди... Аммо обломовларнинг қайси бирида бу қулайликлар йўқ эди, айтинг-чи? Бу қулайликлардан қайси бири фойда чиқарди? Онегин ҳам, Тентетников ҳам мулкларини тасарруф қилдилар, ҳатто Тентетников тўғрисида мужиклар аввал «оёғи илдам» деган гапларни ҳам айтдилар, лекин кўп ўтмасдан шу мужикларнинг ўзи хўжайиннинг бошда чаққон бўлса ҳам, ҳеч нарса билмаган уқувсиз эканини ва бирон наф чиқаролмаслигини фаҳмладилар... Ошна-оғайнигарчилик-чи? Дўстларига қандай муомила қилдилар улар? Онегин Ленскийни ўлдирди; Печорин яланг Вернер билан ўчакишди. Рудин бўлса Лежневни ўзидан бездирди, Покорскийнинг дўстлигидан баҳраманд бўлмади. Буларнинг ҳар қайси ўз умрида Покорский сингари одамлардан озмунча учратганми?.. Нима қилдилар? Булар ҳаммаларига муштарак бўлган иш учун бирлашдиларми, ўзларига қарши бўлган ҳоллардан қўриқланиш учун бирлашиб иттифоқ туздиларми? Ҳеч нарса қилмадилар. Ҳамма нарса хабата бўлиб кетди. Ҳар бир иш ўша обломовчилик билан тугади. Ишқ-муҳаббат тўғрисида гапиришга ҳам арзимайди. Обломовларнинг ҳар бири ўзидан юқори хотинга дуч келади (Крушиферская Бельтовдан юқори, ҳатто княжна Мери ҳам Печориндан юқори) ва ҳар қайсиси хотинларнинг муҳаббатидан шармандаларча қочади ёки қочмаса, хотинларнинг ўзи қувлаб юборадиган ишлар қилади... Бунинг сабаби разил обломовчиликнинг уларга таъсири бўлмаса, бошқа нима?

Обломов билан ўзга қаҳрамонлар ўртасида мижоз ва табиатдаги айирмадан бўлак, ёш жиҳатдан ҳам катта фарқ бор. Биз уларнинг бир-биридан катта-кичиклигини айтмоқчи эмасмиз, бу жиҳатдан улар ҳаммаси тенг десак бўлади, Рудин ҳатто Обломовдан 2—3 ёш каттароқ ҳам. Биз улар вужудга келган даврни айтмоқчимиз. Обломов энг кейингиси, бас, ёш бўғинлар учун, ҳозирги замон учун аввалги Обломовлардан анча улуғ кўриниши керак... Обломов 17—18 ёшларида университетда ўқиб, ёшлигидаёқ Рудиннинг 35 ёшда билган фикр ва ғояларини билади. Бундан сўнг унинг олдида икки йўл бор эди: тил билан эмас, балки мия билан, қўл ва кўнгил билан астойдил қилинадиган чин иш ёки бекор ётиш. Обломовнинг бадбин ва камҳафсалалиги уни иккинчи йўлга олиб келди. Бу йўл ёмон, лекин бунда алдаш ва лақиллатиш йўқ. Агар у бошқа ака-укаларига ўхшаб, ҳозир фақат орзу қилган нарсалари тўғрисида барала сўзлашга жўраъат қилса, старостадан хат олганидагидек, ёки уйнинг эгаси квартирни бўшат дегандагидек ҳафагарчиликларни кунда кўрар эди. Авваллари, фалон нарса керак, пистон нарса керак, деювчи ёки юксак мақсадлар тўғрисида сўзловчи қуруқ маҳмадоналарнинг сўзларини маза қилиб, хурсанд бўлиб тинглар эдилар. У маҳалда эҳтимол Обломов ҳам гапиришдан қочмас эди... Аммо энди ҳар бир гапдан, ҳар бир қуруқ маслаҳатгўйдан «қани, бу ишларни ўзингиз ҳам бир синаб кўринг-чи!» деб талаб қиладилар. Обломовлар эса бунга чидаш беролмайдилар...

Дарвоқе, «Обломов»ни ўқигандан сўнг бу типни адабиётда нималар вужудга келтирганини ўйлаганингизда янги ҳаётнинг таъсири қанчалик кучли сезилиб туради! Буни фақат ёзувчининг шахсий талантидан ва унинг қарашларининг чуқур ва кенглигидан кўриб бўлмайди. Юқорида биз айтган ўзга қаҳрамонларни яратган бошқа ёзувчиларда ҳам кучли талант ва инсонпарварлик руҳидаги кенг қарашлар бор. Лекин гап шундаки, бу қаҳрамонларнинг биринчиси — Онегин пайдо бўлганига ўттиз йил бўлади. У замонда эндигина туғилиб келаётган ва ярим товуш билан шивирлаб, дудмол қилиб айтилган сўзлар, энди аниқ ва равшан қолипга кирди, очиқ-ошиқ ва ҳайқириб айтилди. Қуруқ гапнинг аҳамияти қолмади. Жамиятнинг ўзида ҳақиқий ишчанлик эҳтиёжи туғилди. Чинакам юксак ва олижаноб мақсадли Рудин ва Бельтов каби кишилар эса ўзларини эзиб турган аҳволларга қарши қаттиқ даҳшатли кураш зарур экани у ёқда турсин, ҳатто бундай курашнинг яқин замонларда мумкин бўлишини ҳам пайқаб ололмаган эдилар. Улар жуда қалин, одам оёғи тегмаган ўрмонга кирдилар, хавфли ботқоқликка оёқ босдилар, оёқлари остида турли-туман газандалар, илон ва чиёнлар кўрдилар, қисман бирон жойда йўл-пўл кўриниб қолмасмикан деган умидда атрофга қарамоқ ва қисман ором олмоқ ҳамда андек вақтгача бўлса-да, хавф-хатардан ва илон-чиёнларнинг заҳаридан ўзларини сақлаб турмоқ учун дарахтларга чиқиб олдилар. Уларнинг кетларидан эргашиб борган кишилар улардан бир гап кутди, олдинда бо-

раётган кишилар деб уларга ҳурмат билан қаради. Аммо олдида бораётган бу кишилар балаидан ҳам ҳеч нарса кўролмадилар, чунки ўрмон бепоён ва қалин эди. Аммо дарахтга чиқаман деб юз-қўлларини тирнаб, оёқларини яра, қўлларини чақа қилдилар... Бундан улар қийналдилар, азоб чекдилар, ҳоридилар, энди дарахт устида ўтирибоқ олиб, андак ором олишлари керак. Тўғри, умумнинг фойдаси учун улар бирон иш қилмадилар, бирон нарса кўролмадилар, бирор оғиз гап айтмадилар. Пастда турганлар уларнинг ёрдамисиз ўз кучлари билан дарахтларни кесиб, ўзларига йўл очишга мажбурлар. Аммо, умумнинг фойдасини назарда тутиб, қанчалик азият билан чиққан баланд ерларидан у бахтсиз бечораларни тушириш учун уларга тош отишга ким журъат этади? Уларга раҳм қиладилар, ҳозирча улардан дарахт кесишга ёрдамлашувни талаб ҳам қилмайдилар; уларнинг ҳиссасига бошқа вазифа тушган эди, улар бу вазифани бажардилар. Агар бу ишдан тузук натижа чиқмаган бўлса, айб уларда эмас. Ёзувчиларнинг ҳар бири, обломовчи қаҳрамонларига аввал мана шу нуқтаи назардан қарар ва бу қарашда ҳақли эдилар. Бунинг устига йўловчилар, бир жойдан йўл топиб чиқишга кўп вақтларгача умид боғлаб келдилар. Шунингдек, дарахт устидаги йўлбошчиларнинг йироқларни кўриш лаёқатига ишонч ҳам кўп вақтларгача давом этди. Бироқ, секин-секин масала ойдинлашиб, иш бутунлай бошқа тус олди. Дарахт устида ўтириш йўлбошчиларга ёқиб қолди; улар йўл топиш, ўрмондан, ботқоқдан қутулиш тўғрисида турли йўллар, тадбир ва чоралар кўрсатиб, гап сота бошладилар. Ҳатто дарахт устида баъзи мевалар кўрдилар ва мевани ўзлари еб, пўчоғини пастдагиларга ташлаб роҳат қилмоқдалар. Пастдаги халойиқдан танлаиган баъзиларини ёнларига чақирдилар, булар ҳам дарахтга чиқади, лекин, йўл қараш учун эмас, мева ейиш учун чиқади. Мана булар туб моҳияти билан Обломовларнинг худди ўзлари... Пастдаги бечора йўловчилар ботқоқда ботмоқда, илон-чаёнлар уларни чақмоқда, газандалар қўрқитмоқда, дарахт шохлари юзларига келиб урмоқда... Ниҳоят халойиқ ишга тутинишга қарор қилиб, дарахтга кейин чиққанларни қайтариб туширмоқчи бўлади, лекин Обломовлар писанд қилмасдан, мева ея берадилар. Бундан сўнг халойиқ аввалги йўлбошчиларга мурожаат қилиб, улардан пастга тушиб, умумий ишга ёрдам беришни сўрайди. Бироқ, йўлбошчилар яна эски гапларни такрорлаб, йўл қараш керак, дарахт кесиб овора бўлишнинг кераги йўқ, дейдилар. Шунда бечора йўловчилар янглишганларини фаҳмлаб, улардан ҳафсалалари пир бўлади ва «Ҳаммангиз Обломовлар экансиз-ку!» дейди. Сўнгра гайрат билан ишга киришадилар. Дарахтларни кесиб, ботқоққа кўприк соладилар, йўл очиб ҳамла қилган илон ва газандаларни уриб-янчиб борадилар, аввал

бунча мақтаган ва ҳавас қилган ақлли кишиларига, Печорин ва Рудинлар каби юракли ботирларига сира эътибор қилмай қўядилар. Обломовлар аввал халойиқнинг қилаётган ишига жимгина қараб турадилар, сўнгра ўтирган дарахтлари кесилаётганини кўриб, одатларича қўрқадилар-да, «Ҳай-ҳай, нима қиляпсиз, қўйинг! Нима қиляпсиз?— деб бақирадилар.— Ахир, бизлар йиқилиб ўлишимиз мумкин-ку, биз ўлсак, биздаги гўзал ғоялар, юксак сезгилар, инсонпарварлик ғоялари, биздаги суханшуносник, хар бир гўзал ва нодир нарсага бўлган муҳаббат ва ҳаяжонлар ҳам ўлиб кетадику, қўйинг, қўйинг, нима қилаётибсиз?»— деб қичқирадилар. Аммо йўловчилар бу хил чиройли сўзларни минг марталаб эшитганлар, шу сабабдан у сўзларга қулоқ солмай, ишларини қила берадилар. Обломовлар ҳали ҳам ўзларини ва обрўларини сақлаб қолишлари мумкин: бунинг иложи, дарахтдан тушиб, бошқалар билан бирга ишлашдир. Аммо улар одатларича эсанкираб, нима қилишни билмайдилар. Саросимага тушиб, ожизлик ва нотавонлик билан: «Нега тўсатдан бучдай бўлди?» деб таажжуб қиладилар-да, уларни ҳурмат қилмай қўйган авом халққа беҳуда лаънатлар ёғдира берадилар.

Ҳолбуки, авом халқ ҳақли! Агар халойиқ чинакам иш зарурлигини англаган бўлса, унинг олдида турган Печорин бўладими, Обломов бўладими, иши йўқ. Биз бунда, бу ҳолларда Печорин ҳам худди Обломовдек иш тутиши керак демаймиз. Бундай ҳоллар Печорингга бошқача таъсир қилиб, ўзга йўлдан ўсса ҳам бўларди. Лекин кучли талантлар яратган типлар узоқ яшайди. Рудин, Печорин, Онегин ва ҳоказоларга бир жиҳати ўхшаб кетадиган кишилар ҳали ҳам бор, улар ўзга шароитда бўлиши мумкин бўлган бошқа қолипда эмас, балки Пушкин, Лермонтов ва Тургеневлар қандай тасвир қилган бўлсалар, шу суратда, шу қолипда яшайдилар. Фақат халқнинг онгида улар борган сари Обломовга айланиб борадилар. Уларнинг Обломовга айланишлари аллақачон пировардига етиб тамом бўлган дейиш мумкин эмас. Йўқ, ҳали ҳам минглаб одамлар қуруқ сафсата билан кун ўтказадилар, қуруқ гапни иш деб фаҳмлайдилар. Гончаров яратган Обломов типи, бундай сифат ўзгариши бошланганини исбот қилади. Агар бурун ҳурмат этилган бу қалбаки талантларнинг қандай аянчли кишилар экани жамиятнинг лоақал бир қисми ичида маълум бўлганда эди, Обломов типининг пайдо бўлиши мумкин эмас эди. Аввал улар ҳар хил жандалар кийиб, сочларини ҳар хил тараб кўришардилар, ҳар хил талантлари билан одамларни ўзларига қаратар эдилар. Аммо энди Обломовнинг сири очилиб, асл зоти маълум бўлиб қолди. Ёзувчи уни чиройли тахтиравонидан тушириб, юмшоқ диванга ўтқазган ва жанда ўрнига кенг оддий чопон кийган ҳолда, ҳомуш бир қиёфада бизга кўрсатди. *Унинг ҳу-*

нари нима? Унинг ҳаётида нима маъно бор, яшашдан мақсади нима? деган саволлар бошқа майда-чуйда масалалар билан аралаштирилмай, аниқ ва равшан қўйилди. Чунки энди жамоат ишларининг вақти келди ёки кела бошлади... Мана шу сабабдан биз мақоламизнинг бошида Гончаров романида *замона аломатини* кўрамиз деган эдик.

Дарвоқе, қаранг, бурун замонда чин жамоат арбоби деб қаралган ўқимишли ва гапдон бекорчиларга қараш энди қандай ўзгарди.

Мана, қаршингизда — чиройли, чаққон, ўқимишли ёш йигит. У йигит киборларга аралашиб юради, улар билан борди-келди қилади ва улар орасида ҳурмати ҳам бор. Театр, бал ва маскарадларга боради. Яхши кийинади ва яхши ейди. Китоблар ўқийди ва гоят саводхон... унинг юраги ҳар кунги бу бой, кайфли турмуш билан тўлқинланиб туради, лекин у, юксак масалаларни ҳам тушунади. Одамларнинг эҳтиросларини ва:

> Асрлар чўзилган хурофотлар ҳам
> Ўлимдан кейинги сирларни мубҳам[16]

тўғрисида муҳокама қилишни яхши кўради. Баъзи виждон маслаклари ҳам бор:

> Кўҳна бағишчиларнинг бўйинтуруғин
> Енгил оброк билан алмаштаради.[17]

Бу ҳам қўлидан келади. Баъзан яхши кўрмаган бир қизнинг тажрибасизлигидан фойдаланишни истамайди. Узининг киборлар орасидаги муваффақиятига мағрур бўлмаслик ҳам қўлидан келади. У, ўз атрофидаги кайф-сафо билан машғул бўлган киборлардан шу қадар юқори турадики, уларнинг пучлигини англаш даражасигача чиққан. Ҳатто у киборлар доирасини ташлаб, қишлоққа кўчиб кетишга ҳам қобил. Бироқ, у ерда ҳам нима қилишни билмай зерикади... Бекорчиликдан дўсти билан хафалашиб, енгиллик қилади-да, дуэлда уни ўлдиради... Бир неча йилдан сўнг яна киборлар доирасига қайтади, бунда бир вақт ўзи рад этган бир хотинга ошиқ бўлади; илгари бу хотиннинг муҳаббатини қайтариб ташлашига сабаб шу эдики, агар унинг муҳаббатини қабул қилса, бу хотин деб эркин дайдиб юришдан воз кечишга мажбур бўлар эди... Бу одамнинг Онегин эканини тушунгандирсиз, лекин яхшироқ қаранг — бу одам Обломов.

Қаршингизда — юраги бундан кўра яна тошқинроқ, мағрурлиги ҳам зиёдроқ бўлган яна бир йигит туради. Онегин учун кони ташвиш бўлган нарсалар бу одамнинг гўё ўз табиатида бордай кўринади. У, кийим-бош ва пардоз ташвишини қилмайди, чунки у буларсиз ҳам киборлар тонфасидан; сўзлашганда сўз танлаб ўтирмайди, қалбаки билимдонлик кўрсатишга эҳтиёжи йўқ, чунки ўз тили тиғдан тез.

Одамларнинг заиф томонларини фаҳмлаб, ҳақиқатан улардан нафрат қилади. Хотинларни бир лаҳзалик эмас, ҳақиқатан доимий ва ҳатто кўпинча машғуликка мафтун қилади. Йўлда учраган тўсқинларни бартараф қилиб ёки йўқотиб ташлаёлади. Фақат унинг бир камчилиги бор: қаёққа қараб юришини билмайди. Кўнгли совуқ, ҳеч нарсага ҳавас қилмайди. Кўп нарсани кўрган, пул билан муяссар бўладиган кайф-сафоларнинг ҳаммасидан безган. Киборларга мансуб сатанг, гўзалларнинг ишқ-муҳаббати ҳам кўнглига урган, чунки булар қалбига ҳеч нарса бермайди. Фанлардан ҳам безор, чунки шуҳрат ва бахт улардан эмаслигини кўради, энг бахтиёр кишилар — подонлар, шуҳрат бўлса омаддан; урушнинг ташвиши-ю, хавфи-хатарлари ҳам кўнгилга тегди, чунки у булардан бир маъно топмади ва тез орада уларга кўникиб қолди. Ниҳоят унинг ўзига ҳам ёққан ёввойироқ қизнинг чин кўнгилдан самимий муҳаббати ҳам жонига тегди. Унинг кўнглига бу қиз ҳам тасалли беролмайди, кўнглидаги ҳавас ва интилишларини қондиролмайди. Ундаги бу интилиш нимада? Бу интилишлар уни қаёққа бошлайди? Нечун у юрагидаги бутун кучи билан бу ҳавасларга берилмайди! Чунки кўнглининг орзу-ҳавасларини ўзи англамайди. Кўнгилдаги гайратни нимага сарф қилиши тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмайди ва аҳмоқларни масхара қилиш билан овора бўлиб кун ўтказади, тажрибасиз ёш қизчалар кўнглини безовта қилади, бировларнинг кўнгил ишларига аралашади, атайин жанжал чиқариб, арзимаган ишларда ботирлик кўрсатади... Бу одамнинг Печорин эканини пайқагандирсиз. Максим Максимич билан сўзлашганда ўзи ҳам деярли худди шундай иборалар билан ўзини тавсиф қилганини эслагандирсиз. Аммо, яхшилаб қаранг — бунда ҳам яна ўша Обломовни кўрасиз...

Энди ўз йўлини бирмунча англаб борувчи яна бир киши бор. Бу одам ўзидаги кучнинг кўплигини фаҳмлаш билан бирга, улуғ мақсади борлигини ҳам яхши англайди... Ҳатто бу мақсаднинг қандайлигини ва қаерда эканини ҳам пайқагандек бўлади. Бу киши, гарчи баъзан қарзини тўламаса ҳам, олижаноб ва ҳалол; майда-чуйдалар тўғрисида эмас, юксак масалалар тўғрисида ҳаяжон билан сўзлайди. Башариятнинг саодати учун ўзини фидо қилишга тайёр эканига ишонтиришга уринади. Барча масалаларни миясида ечиб қўйган, ҳамма нарсани тартиб ва интизомга солган: кучли нутқи баъзи хом йигитларнинг ҳавасини келтиради, бу йигитлар унинг дабдабали сўзларини эшитганда таъсирланиб, ўзларини буюк ишлар қилгуси киши фаҳмлайдилар... Бироқ, унинг умри қандай ўтади? Беқарор ва бетоқат, бошлаган ишни пировардига етказмай чала ташлаб, бошқа нарсага уриниб кетади, ҳар нарсага жуда катта ҳавас билан киришади-ю, оқибатига етказмайди... Бир қизни яхши кўради, бу қиз,

«Онам мани қилса ҳам, сизга тегаман», дейди; у бўлса қизга: «Эй тангрим! Ҳали онангиз рози эмасми? Қандай кутилмаган зарба! Э худойим, мунча тез!.. Иложи йўқ, бўйсунинг керак»..— деб жавоб берди. Мана бу унинг бутун ҳаётидан бир намуна... Бу одамнинг Рудин эканини пайқадингиз... Йўқ, бу ҳам Обломов. Бу кишининг шахсига диққат билан қарасангиз ва ҳозирги замон талабларига таққослаб кўрсангиз, бу гапга аниқ ишонасиз.

Бу кишиларнинг ҳаммасида бир сифат, бир хислат бор, у сифат шундан иборат: турмушда буларга зарур ва керакли, кўнгилларига ёққан ва улар учун азиз ва вужудларига сингиб, диндек муқаддас бўлган, агар тортиб олинса, яшашлари мумкин бўлмай қоладиган бирор нарса йўқ. Улардаги ҳар нарса юзаки ва ташқи. Ўз табиатларида ҳеч нарса йўқ. Улар агар мажбур бўлсалар, Обломов каби баъзи ишларни ҳам қиладилар. Обломов Штольц судраган жойга зиёфатга боради, Ольгага китоб ва ноталар сотиб олади, Ольга айтган нарсаларни ўқийди. Аммо бирон тасодиф орқасида устларига тушган юмушни сира ёқтирмайдилар. Агар бу одамларнинг иш билан топган фойдалари, ишсиз текинга берилса, бу ҳолдан хурсанд бўлиб, юмушдан воз кечар эдилар. Обломовчилиги туфайли обломовчи чиновник хизмат қилмасдан маош олиб турса ва амалга минса, сира идорага бормас эди. Агар ҳарбий кишига:— Сен қурол тутмасанг ҳам аскарликда қоласан, ҳатто маълум ҳолларда жуда фойдаси тегадиган чиройли формани ҳам ташламайсан,— дейилса, у ҳарбий киши, қурол тутмасликка қасам ичарди. Агар ҳозир меҳнат билан топиладиган нарсалар бемеҳнат топиладиган бўлса, профессор дарс бермас, ўқувчи ўқимас, ёзувчи ёзмас, актёр саҳнага чиқмас, рассом қалам ва лавҳасини сиқтирар эди. Булар олий мақсадлар, виждон, маслак ва умум манфаати тўғрисида сўзлайдилар, лекин амалда булар фақат қуруқ гап бўлиб чиқади. Уларнинг қалбидан чиққан энг самимий тилак-роҳат ва халат орзуси, холос: уларнинг бутун фаолиятлари ҳам бизга мансуб бўлмаган ибора билан айтганда — *ҳурмат халатидан* иборатдир; бу ҳурмат халати билан улар ўзларининг кучсизлик ва бадбинликларини яширадилар. Ҳатто энг фозил кишилар ҳам, ҳатто табиати тетик ва меҳр-шафқатли кишилар ҳам амалий ишга келганда ўз мақсадлари ва планларидан дарров воз кеча қоладилар, атрофларидаги муҳит билан дарров муросага келадилар, лекин сўзда бу муҳитни разил ва ифлос ҳисоблайверадилар. Бас, бу кишиларнинг сўзлаган сўзлари ва қилган орзулари ўзлариники бўлмай, ташқаридан келган ёт сўзлар ва ёт орзулардир. Уларнинг дилларида ёлғиз бир орзу, бир мақсад бор, у ҳам бўлса мумкин қадар тинч ва озорсиз роҳатда яшаш орзусидир, обломовчиликдир. Буларнинг кўпи ҳатто шу даражага борганки, бир ишни ҳавас ва шавқ-завқ

билан ишлаш мумкинлигини тақир англаёлмайдилар. «Иқтисодий кўрсаткич»ни ўқиб кўринг; унда «Бойликнинг ҳаммага баравар тақсим қилиниши, хусусий кишилардаги сармоя ортдириш ҳавасини сўндирса, ҳамма бекорчиликдан оч қолиб ўлади...» дейилган[18].

Бу Обломовлар бошқалар таъсири билан мияларида пайдо бўлган, ташқаридан юққан нарсаларни ҳеч вақт руҳ ва танларига сингдирмайдилар, булар тўғрисида ўйлаб, асло бир фикрга келмайдилар; сўзни амалга айлантириш, маслакни руҳ эҳтиёжи билан қўшиш ва бу эҳтиёжга сингдириб, кишини ҳаракатлантирувчи ягона кучга айлантириш даражасига сира чиқмайдилар. Шу сабабдан бу кишилар доим ёлғон сўзлайдилар, шу сабабдан майда-чуйда ишларга келганда, ожиз ва ночор бўлиб қоладилар. Шу сабабдан уларга жонли ҳақиқатлардан ҳавойи назариялар қимматроқ, турмушдаги оддий ҳақиқатлардан умумий маслаклар муҳимроқ келади; улар фойдали китоблар ўқиганда ҳам, нима ёзилганини билиб қўйиш учун ўқийдилар. Ҳамиятпарвар мақолалар ёзадилар, лекин бу мақолаларни ўз ширин нутқларини ўқиб, лаззатланиш учун ёзадилар. Нутқларини эса, оҳангини тинглаб хурсанд бўлиш ва бошқаларни ажаблантириб, мақтовига сазовор бўлиш учун ботирланиб сўзлайдилар. Лекин, бу ўқиш ва нутқлар, бу ёзувлардан мақсад нима эканини тушунишни истамайдилар ёки тушунишга уриниб ўзларини ташвишга солмайдилар. Улар ҳар вақт — биз бундай ўйлаймиз, биз бундай деймиз, нариси билан ишимиз йўқ, биз аралашмаймиз,— дейдилар... Амалий иш бўлмаган вақтларда халқни бу билан аҳмоқ қилиш ва:— бизлар ҳар ҳолда ҳаракат қилаётибмиз, юрамиз, ташвиш тортамиз, бошқаларга сўзлаймиз,— деб гердайиш мумкин эди. Рудин сингари кишиларнинг жамоатчилик орасидаги обрўси шунга асосланган эди. Ҳатто айш-ишрат, қиморбозлик, майда-чуйда фисқ-фасод билан шуғулланиб, бошқа каттароқ иш қилишга майдон торлигидан шундай пастлашиб кетдик дейиш мумкин эди. У вақтда Печорин ва ҳатто Онегин ҳам руҳи бениҳоя кучли кишилардек кўринардилар. Аммо энди бу қаҳрамонлар бир чеккага сурилиб қолдилар, аввалги аҳамиятлари йўқолди, ўзларининг ажибликлари ва жамият билан улар ўртасидаги ва уларнинг аъзамат кучлари билан ҳеч нарсага арзимаган ишлари ўртасидаги аллақандай бегоналик ва узоқлик бизни ҳайрон қилмайдиган бўлиб қолди...

Ажабо, бу сирни қиз этдими ҳал?
Ажабо, топилди керакли бир сўз[19]

Бу топилган керакли сўз — *обломовчиликдир.*

Агар мен, инсониятнинг ҳуқуқи ва шахсга эркинлик бериш лозимлиги тўғрисида сўзловчи помешчикни кўрсам, дафъатанги сўзиданоқ унинг Обломов эканини билиб оламан.

Ишларнинг чалкашлигидан ва оғирлигидан зорланувчи чиновникни кўрсам, биламанки, у — Обломов.

Агар журналларда хиёнатларга қарши либералларча шикоят эшитсам ёки аста юриш фойдасиз экани ва ҳоказолар тўғрисида сўзлар эшитсам, унинг Обломов эканига шубҳам қолмайди.

Агар журналларда хиёнатларга қарши либералларча ёзилган сўзлар ва кўпдан буён орзу қилинган ва тиланган ишлар энди қилинди деб хурсандлик билдирувчи мақолалар ўқисам, бу сўзларни Обломов қишлоғидагилар ёзган деб биламан.

Муҳтожларга ҳаяжон билан хайрихоҳлик билдирувчи ва порахўрлар, зулм ва жабрлар тўғрисида бир неча йиллардан бери ҳали ҳам тинмасдан эски (баъзан янги) латифалар сўзловчи, ўқимишли кишилар улфатчилигида бўлсам, ўзимни беихтиёр эски Обломовкада кўраман...

Бу хил одамларнинг шовқин-суронини тўхтатиб «фалон-фалончиларни ёмон дейсиз; хўп, бунинг чораси нима?» деб сўранг. Улар жавоб беролмайдилар... уларга бу иллатларнинг олдини даъвосини таклиф қилинг, улар: «Ийи, йўғ-э, бирданига шундай қилса бўлармикинми» деб таажжубланадилар. Мутлақо шундай дейдилар. Чунки Обломовлар ўзгача жавоб беролмайдилар. Суҳбатингизни давом қилдириб «хўш, энди нима қилмоқчисиз?» деб сўранг. Рудин Натальяга қандай жавоб берган бўлса, улардан ҳам шундай жавоб оласиз: «Иложимиз йўқ! Тақдирга тан беришдан бошқа чорамиз йўқ. Қўлимиздан нима келади; унинг аччиқлигини, оғир ва чидаб бўлмайдиган бир ҳол эканини хўп яхши биламиз, лекин ўзингиз андиша қилиб кўринг...»* Жавоб шу бўлади. Ундан бошқа ҳеч нарса демайдилар, чунки уларнинг ҳаммасида обломовчилик тамғаси бор...

Гоголь бутун вужуди билан орзу қилган, рус юрти шунча интизорлик билан кўп вақтдан бери кутаётган «Олга!» деган қудратли сўзни айтиб, уларни жойларидан силжитадиган мард ким? Жамиятда ҳам, адабиётда ҳам бу саволга ҳали жавоб берилгани йўқ. Биздаги обломовчиликни тушуниб, уни бизга кўрсатиб бера олган Гончаров ҳам жамоатимиз ичида ҳали ҳам кучли бўлган умумий янглишувдан четда қололмади: у, обломовчиликни гўрга кўмиб, қабри устида «алвидо» дейишга қарор қилди. Штольцни сўзлатиб, унинг тилидан: «алвидо эски Обломов қишлоғи, сенинг замонинг ўтди» деди. Бу сўзлар тўғри эмас. «Обломов»ни ўқиган ва ёки энди ўқияжак бутун Россия бу сўзларга рози бўлмайди. Йўқ, Обломов-

* Тургеневнинг «Рудин» асаридан.

лар юрти ҳали ҳам бор: у — бизнинг ўз юртимиз; бу юртнинг хўжалари — бизнинг тарбиячиларимиз, бундаги уч юз Захаркалар бизнинг хизматимизга доим тайёр турадилар. Ҳар қайсимизда Обломовдан бир парча бор ва бизнинг қабримизга «алвидо» сўзини ёзишга ҳали вақт эрта. Илья Ильич билан бизнинг ҳақимизда қуйидаги сўзларни сўзлашга ҳеч асос йўқ:

«Унда ҳар қандай ақлдан ҳам афзал бўлган ҳалол ва соддиқ қалб бор эди! Бу хислат унинг табиий хазинаси. У, умр бўйи бу хазинага зарар етказмасдан асраб келди. Турткилардан йиқилди, ҳафсаласи пир бўлди ва ниҳоят умидсизланиб, ожиз ва нотавон бўлиб уйқуга толди, лекин ҳалоллик ва тўғриликни йўқотмади. Унинг кўнглидан бир карра бўлса-да қалбаки овоз чиқмади. Ифлослик унга юқмади, либос кийдирилган ёлғоннинг ҳеч қанақаси йўлдан уролмайди. Ҳеч нарса уни оздириб, эгри йўлга бошлаёлмайди. Унинг олдида ёмон ишлар, фисқу фасодлар денгиздай мавж урса ҳам, бутун олам заҳарланиб ост-уст бўлса ҳам, Обломов қалбакилик маъбудига асло сажда қилмади. Унинг қалби ҳамиша тоза, кўнгли соф ва тўғри... Бу — поэзия ва шундаек тоза қалб. Бундай одамлар кам топилади. У — одамларнинг зубдаси! Унинг қалбини ҳеч нарса билан сотиб олиб бўлмайди. Ҳар қаерда ва ҳар нарсада унга яхшиси бўлади».

Бу парчанинг тафсилига киришиб ўтирмаймиз. Лекин унинг нотўғрилигини ҳар бир ўқувчи сезади. Лекин Обломовнинг ҳақиқатан бир яхши одати бор: бошқаларни алдашга ҳафсала қилмас, фақат табиатан бир ҳушёқмас данғаса эди. Аммо *нимани унга топшириб бўлади?* Бекорчиликдан бошқа нарсани унга топшириб бўладими? Бекорчиликни, албатта, ҳаммадан ўтказади, лекин бекорчилик усиз ҳам бўла беради. У ёмонлик маъбудига сажда қилмайди. Нега сажда қилмайди? Дивандан туришга ҳафсала қилмаганидан сажда қилмайди. Судраб бут олдига келтириб, чўккa тушириб қўйсангиз, ўрнидан туришга ожизлик қилиб қолади. Ҳеч нарсага сотилмайди. Уни сотиб олиб нима қиласиз? Жойидан турсин учунми? Аммо жойидан турғазиш учун бўлса, жуда қийин! Ифлослик юқмайди! Ўрнидан турмасдан ётганида тузук, лекин Тарантьев, Затертий, Иван Матвеевичлар келдиларми —бас, булар келгач, Обломов атрофида шундай разолат бошланадики, асло қўя беринг. Унинг зиёфатини ейдилар, ичкилигини ичадилар, ўзини маст қиладилар, сўнгра қалбаки вексел оладилар (лекин, ҳартовур, Штольц рус одатича ортиқча такаллуфсиз, судсиз ва терговсиз уни бундан қутқаради), унинг исмини рўкоч қилиб, мужикларни хонавайрон қиладилар, бесабаб, беасос талай пулларини оладилар. Буларга индамасдан сабр қилиб чидайди, шунинг учун ҳам унинг юрагидан бирор қалбаки товуш чиқмайди. Йўқ, тирикларни бундай мақтаб бўлмайди, биз ҳали тирикмиз, биз ҳали ҳам обломовмиз, обломовчилик биздан сира кетгани йўқ ва ҳатто *«ҳозирги вақтда, қачонки»*[20] ҳам кетган эмас. Гончаров Илья

Ильич тўғрисида қуйидаги сўзларни ёзганда, бизнинг адибларимиз, ёзувчиларимиз, ўқимишли кишиларимиз ва жамоат ходимларимиз ўқиб кўриб, у нарса ўзлари тўғрисида ёзилганига ва ўзлари назарда тутилганларига иқрор бўлмайдиларми?

«Юксак мақсадлар лаззати ҳам унга ошна эди. Бутун башарият қайғуси унга бегона эмас. Баъзан башарият учун қайғуриб, кўнглида аччиқ-аччиқ йиғлар, номаълум қайғу тортар, номаълум азоб чекар ва кўнгли сиқилар эди. Инроқларга, эҳтимол баъзан Штольц чақирган ўзга дунёга қочгиси келар эди. Ширин кўз ёшлари юзига тушади. Шундай ҳоллар бўладики, одамлардаги айбларга, ёлғон ва ғийбатларга, дунёга ёйилган ёмонликка нафрат билан боқади, улардан жирканади, одамларнинг танасидаги маразларини кўрсатиш тилагида ўртаниб ёнади. Унинг бошида янги фикрлар тутилади, бу фикрлар бошида денгиз тўлқинларидек мавж уради, сўнгра бу фикрлар ниятга айланади, бутун қонини қайнатиб қиздиради. Қуввати ошиб, томирлари ўйнайди. Ният ишга айланади. Маънавий куч уни ҳаракатга келтиради ва у бир дақиқада икки-уч хил ҳиёфага киради. Кўзлари чақнаб, ўрнидан туриб ўтиради, қўлларини керib, шавқ-завқ билан атрофига қарайди... Ажойибдан орзусини амалга ошириш учун баҳодирлик кўрсатгудай бўлади... Е худойим! Мана бундай юксак ҳаракатдан қандай муъжизалар, қандай яхши натижалар чиқади! Бироқ тонг отиб, куп ўтади, кеч бўлиб, қуёш ботади ва қуёш ботиши билан Обломовнинг чарчаган кучлари ҳам роҳат тўшагига ётади. Кўнгилдаги тўлқин ва ҳаяжонлар пасаяди, миясн хом хаёллардан, бўшаб, ҳушига келади. Томирлардаги қон сусаяди. Обломов ўй ўйлаб, жимгина орқасига ўтирилади, қайғули кўзлари билан дарчадан осмонга қараб, биронинг тўрт қаватли уйи орқасида ботиб бораётган қуёшнинг ҳашаматини томоша қилиб қолади. Қуёшнинг бу хил ҳашаматли ботишини неча марталар бундай томоша қилган!»

Маърифатли ва юксак фикрли ўқувчи, бу сўзлар сизнинг яхши ният ва фойдали фаолиятингизни аниқ тасвир қилмайдими? Фарқ фақат сизнинг кўтарилишда қайси пайтгача боришингизда бўлуви мумкин, холос.

Илья Ильич ўрнидан туриб, керишиб атрофига қараш билан тамом қилди. Баъзилар бу даражага бормайди. Баъзиларнинг бошида фикрлар денгиздаги тўлқиндек мавж уради (бушақалар кўп), баъзиларнинг фикри ниятга айланади, лекин интилиш даражасига чиқмайди (бунақалар камроқ), баъзилар бўлса, ҳатто интилиш даражасига ҳам чиқади (бунақалар жуда кам)...

Хуллас, жаноб Бендиктовнинг таъбирича бутун адабиёт

...Жон ва танимизга азоб,
Назм ва насрдан тутилган уқубат —

дан иборат бўлган ҳозирги замон тақозосига бўйсуниб, шуни айтамизки, жаноб Гончаровнинг Обломов шаънига айтган мақтовлари бизнинг иззат-нафсимизга қанчалик мос келмасин, биз уларни ҳақли деб эътироф қилолмаймиз. Тетик, ёш ва фаол кишини Печорин ва Рудинларга қараганда Обломов

у қадар ғижинтирмайди, лекин шундай бўлса ҳам, қўлидан ҳеч иш келмаган пуч одам бўлгани учун жирканчдир.

Жаноб Гончаров замонанинг зайлига бўйсуниб Обломовнинг зидди ва унинг заҳарига малҳам бўлган Штольц типини ҳам беради. Аммо бу одам тўғрисида, ҳар доим айтиб келган фикримизни, яъни адабиёт турмушдан жуда ҳам нари ошиб кетолмайди, деган фикримизни такрор айтамиз. Штольцлар, яъни тетик, ҳушёр фаол табиатли ва ҳар бир фикри дарҳол амалга (ишга) айланадиган кишилар бизнинг жамиятда ҳали йўқ (биз бунда юксак орзуларни кўтаришга лойиқ бўлган маърифатли табақани назарда тутамиз; ғоя ва мақсадларнинг доираси жуда тор бўлган авом орасида бундай кишилар ҳар доим учрайди). Бизнинг жамият ҳақида қуйидаги сўзларни айтган ёзувчининг ўзи ҳам бунга иқрор: «Кўзлар мудроқдан очилди, дадил ва илдам қадамларнинг овози келди, жонли товушлар эшитилди... Номи русча бўлган Штольцлардан кўп пайдо бўлиши керак!» Булардан жуда кўп чиқиши керак, бу ҳақда шубҳа йўқ; аммо ҳозирча уларга замин йўқ. Шу сабабдан Гончаров романида Штольцнинг ишчан, эпчил, серҳаракат, югурган-елган бир киши эканини кўрамиз, холос. У яшамоқ — меҳнат қилмоқдир, дейди. Аммо унинг нима қилганини, бошқалар ҳеч нарса қилолмаган жойда у қандай қилиб бир ишдан натижа чиқазишини билмаймиз. Бу нарса биз учун яширин қолади. У, Илья Ильич учун дарров, бир лаҳзада, мулкини саранжомлаб беради. Лекин бу ишни қандай қилиб бажаргани маълум эмас. Илья Ильичнинг қалбаки векселини бирпасда йўқ қилди — қандай қилиб? Буни биламиз. Обломовдан вексел олган Иван Матвеичнинг бошлигига борди, у билан дўстона сўзлашди; шундан сўнг Иван Матвеич маҳкамага чақирилди, унга векселни қайтариб бериш буюрилди, ҳатто бунинг устига ўзининг ҳам хизматдан чиқиб кетиши таклиф этилди. Бу иш, албатта, тўғри қилинди; лекин шу иш юзасидан Штольцни энг яхши рус жамоат арбоби деб айтиш мумкин эмас. Бундай бўлолмайди ҳам, чунки вақт келмаган. Ҳали ҳозир, агарда пешонангнинг кенглиги етти қарич бўлганда ҳам, жамоат орасида, ўзининг ўн миллион сўмлик мулкидан эзгу ишларга анча пул сарф этувчи Муразовдек катта савдогар, ёки Костанжоглодек ҳимматли номешчик бўлоласан, холос; аммо ундан нарига ўтолмайсан... Шунинг учун биз ҳам тушунолмаймиз: қандай қилиб Штольц ҳатто Обломовга ҳам ҳукмини юргизолган истак ва талабларидан тинчий олди? Қандай қилиб у, ўзининг аҳволидан қаноатланиб, якка, алоҳида ва мустасно бир бахти билан тинчиб қолади? Аммо шуни унутмаслик керакки, унинг ости ботқоқ, яқинида эски Обломовка бор, катта йўлга чиқиб обломовчиликдан қочиб қутулиш учун, олдин ўрмонда дарахт кесиб, йўл очиш лозим. Бунинг учун Штольц бирон нарса қилдими, қилган бўлса, нима қилди ва қандай қилди — буларни

билмаймиз... Бусиз эса унинг шахсиятидан қаноат ҳосил қилолмаймиз. Лекин рус қалбига тушунарли тилда «олға» деган қудратли сўзни айтоладиган киши у эмас, деб айтоламиз.

Эҳтимол, бу қаҳрамонлик лаёқати Штольцдан кўра Ольга Ильинскаяда кўпроқдир, бизнинг ёш турмушимизга балки у яқинроқдир. Гончаров яратган хотинлар типлари тўғрисида ҳеч нарса демадик; на Ольга тўғрисида, на Агафья Матвеевна Пшеницина тўғрисида, ҳатто ўзига яраша алоҳида характери бўлган Анисья ва Акулиналар тўғрисида ҳам ҳеч нарса демадик, чунки булар ҳақида жўялик бир нарса айтишга бутунлай ожизлигимизни фаҳмладик. Гончаров яратган хотинлар типларини текшириш, хотинлар кўнглини жуда яхши биламан деб даъво қилиш билан баравардир. Сизда бу хислат бўлмаса, Гончаров яратган хотинлар типларидан завқ олиб, шунга қаноат қила қолинг. Хотинлар Гончаров психологияни жуда тўғри тасвир қилади ва жуда нозик жойларни топади дейдилар, бу тўғрида хотинларга ишонмасдан бўлмайди... Уларнинг айтганига бир нарса қўшишга журъат қилолмаймиз, чунки бизга асло таниш бўлмаган бу иқлимларга оёқ босишга ботинолмаймиз, аммо мақоламиз охирида Ольга ва унинг обломовчиликка муносабати тўғрисида бир неча оғиз сўз айтамиз.

Ольга рус ёзувчисининг ҳозирги рус ҳаётидан ола билдиги, энг мукаммал ва энг юксак бир идеалдир. Шу сабабдан у, мантиқининг фавқулодда аниқлиги, равшанлиги ва соддалиги билан, танг қоларли даражадаги бой қалби ва иродасининг бир-бирига ҳамсозлиги ва оҳангдошлиги билан бизни шу қадар таажжублантирдики, ҳатто унинг ростлигига шубҳаланиб «бундай қизлар бўлмайди» дейишгача борамиз. Лекин романнинг бошидан уни таъқиб қилиб борсак, унинг доим шундай бўлиб келганини, ҳамиша шу йўлда ўсганини кўрамиз: ёзувчи томонидан ўйлаб чиқарилган тип бўлмай, ҳаётий ва жонли киши эканини кўрамиз, фақат биз бундай қизларни шу пайтгача кўрмаганмиз, холос. Янги рус ҳаётининг аломатларини Штольцдан кўра кўпроқ бу қизда топса бўлади. Обломовчиликни ёндириб, кулини кўкка совурувчи сўзларни бу қиздан кутиш мумкин... Ольга Обломовга муҳаббат боғлашдан, унга ва унинг табиатининг тузалишига ишонишдан бошлайди... Обломовни ғафлатдан уйғотиб, унда фаолият қўзғатиш учун кўп ҳаракат қилади. Кўп вақтларгача муҳаббат ва нозик парвариш билан уни тарбия қилишга уринади; унинг хайрли эзгу ишларга бу қадар ожиз ва кучсизлигига ишонгиси келмайди. Унга умид боғлаб, келажакда уни одам қилажагига ишониб, унинг учун ҳар бир ишни қилади: ҳатто уят ва одоб деган нарсаларга ҳам эътибор қилмай, ҳеч кимга айтмай, якка ўзи Обломовникига боради. Обломовга ўхшаб обрўйим тушади деб қўрқиб ўтирмайди.

Обломовнинг хулқидаги ҳар бир бемазалик ва қалбакиликни дарҳол кўрсатади ва уларнинг нечун ва нима сабабдан бузуқлигини ғоятда содда ва лўнда сўзлар билан тушунтиради. Масалан, Обломов Ольгага юқорида айтганимиз хатни ёзгандан кейин:— бу хатни ёлғиз сизнинг ғамингизни еб ёздим, ўзимни мутлақо унутдим ва қурбон қилдим,— деган даъволарни қилади. Унинг бу сўзларига Ольга: «йўқ, ёлғон, агар сиз фақат менинг бахтим ташвишини қилиб, бунинг учун икковимизнинг айрилишимизни лозим топсангиз, менга хат ёзиб ўтирмасдан, жўнаб кетақолар эдингиз»— деб жавоб беради. Обломов: «Агар бир кун келиб меним тўғримда янглишганингизни англаб, мендан кўнгил узиб бошқани суйсангиз, сиз учун бахтсизлик бўлади, деб ташвиш қилдим» — дейди. Ольга унинг бу сўзларига жавоб ўрнида ундан сўрайди:— «Нега буни меним учун бахтсизлик деб биласиз? Ҳозир мен сизни севаман ва сиз билан хурсандман, кейин бошқани севсам, бошқа билан хурсанд бўламан, меним ғамимни ейишингиз бекор». Фикрнинг бундай аниқ ва лўндалигида янги ҳаёт уруғи бор, ҳозирги жамиятни етиштирган ҳаёт эмас, бошқа янги ҳаёт уруғи бор... Сўнгра, Ольгадаги иродаинг унинг кўнглига бўйсунишини қаранг! Одамларнинг ғийбат ва масхара қилишларига эътибор қилмайди. Обломовнинг расволигини батамом билиб қаноат қилмагунча ундан юз ўгирмайди, аввалгидек яхши кўра беради. Унинг расволигини билгандан кейин, хато қилганини ва ўз тақдирини унинг тақдирига боғлай олмаслигини очиқ айтади. Ундан юз ўгирганда ҳам ва ҳатто ундан кейин ҳам, уни мақтайди ва эркалатади. Аммо бу қилиқлари билан Обломовни қақшатади, шундай қақшатадики, Обломовларнинг ҳеч қайсиси хотинлардан бундай шатта еган эмас.

Пушкин романининг охирида Татьяна Онегинга қараб дейди:

Мен сизни севаман (айёрлик нечун?)
Лекин мен ўзганинг ёрини ортиқ;
Мен унга абадий қолурман содиқ.

Бас, бу бемаза олифта йигитдан қизни унинг фақат ахлоқий бурчи қутқариб қолади; агар Татьяна бировнинг ҳасмя бўлмаса, ўзини Онегин қучоғига отишга тайёр эди. Натальянинг Рудинни ташлашига ҳам унинг дафъатанданоқ ўжарлик қилиб туриб олиши сабаб бўлди. Сўнгра Наталья ундан юз ўгиргандан кейин, Рудин ўзини севмаганини аниқ пайқаб қаттиқ қайғуради. Княжна Мериннг нафратига сазовор бўлишдан бошқа иш қилолмаган Печорин тўғрисида сўзлаб ўтиришга ҳожат қолмади. Йўқ, Ольга Обломовга нисбатан бутунлай бошқача муносабатда бўлди. У, мулойимгина қилиб гапнинг тўғрисини айтди қўйди: «Яқиндагина билдимки, мен сендан истаганим ва сенда бўлишни орзу қилганим нарсани,

Штольц менга айтгани ва у билан мен икковимиз ўйлаб чиқарган нарсани сенда бор билиб, шуни севган эканман. Мен келажакдаги Обломовни севган эканман! Сен мулойим ва инсофлисан, Илья; сен... каптардек мулойимсан; бошингни қанотинг орасига тиқасан ва бошқа ҳеч нарса қилишни истамайсан; бўгот тагида вақирлаб умрингни ўтказишдан тоймайсан... Лекин мен бундай эмасман: мен бунга қаноат қилмайман, менга бундан бўлак яна бир нарса керак, аммо у нарса нима эканини билмайман!» Шундан сўнг Ольга Обломовни ташлайди-да, ўша нималигини ўзи билмаган нарсани излаш билан овора бўлади. Ниҳоят истаган нарсасини Штольцдан топиб, у билан қовушади, бахтга эришади; бироқ шунда ҳам тўхтаб қотиб қолмайди. Аллақандай туманли савол ва шубҳалар унинг кўнглини тинчитмайди, қандайдир бир нарсани билмоқчи бўлади. Ёзувчи унинг тилак ва орзуларини, унинг кўнглидаги ғояларни обдон очиб кўрсатмайди, бу сабабдан унинг бу руҳий аҳволининг сифати тўғрисида хато қилишимиз мумкин. Лекин бизнинг назаримизда, ундаги бу ҳолат янги турмушнинг унинг қалбига ва миясига кўрсатган таъсиридир; бу янги турмушга Штольцдан кўра у яқинроқ туради. Қуйидаги сўзларда бунга кичкина ишора борлигидан шундай бўлса керак деб ўйлаймиз.

«— Нима қилай? Чорасиз қайғуриб ётаберайми?— деб сўради у.
— Майли, сабр ва тоқат керак. Сен билан мен паҳлавон эмасмиз,— жавоб берди Штольц. Сўнгра уни қучоқлар экан, давом этди:— Биз Манфредлар ва Фаустларга қўшилиб, кўнглига васваса соладиган масалаларга қарши мардона кураш очмаймиз, уларга талабгор бўлиб чиқмаймиз, бошимизни эгиб, қийин дақиқаларни сабр билан ўтказамиз, сўнгра ҳаёт яна кулар, бахт яна...
— Агар улар бизни сира қўймаса-чи: қайғу билан ҳадеб қийнай берса-чи?— деб сўради Ольга.
— Ҳеч чора йўқ, ҳаётнинг янги бир офати деб бунга ҳам шукур қиламиз... Йўқ, бундай гаплар бўлмайди, бўлиши мумкин эмас! Бу сенинг қайғунг эмас, бутун инсоният бошига тушган офат. Сенга бир томчиси томган, холос... Киши ҳаётдан айрилиб қолганда, сувчиқ бўлмаган вақтда бу нарсалар хавфли, бизда бўлса...»

Штольц гапни тугатмади, «бизда бўлса» нималар борлигини айтмади. Лекин «кўнглига васваса солувчи саволларга қарши уруш очишни» истамаганлиги аниқ. У «рози бўлиб, бошини қуйи солишга» қарор қилди... Лекин Ольга бу курашга шайланган, уни орзу қилади. Штольц билан тинчгина роҳатда яшаш Обломовнинг беҳафсалалигига ўхшаган бир нарсага айланиб кетмасин, деб доим ташвиш қилади. Албатта у, бошини эгиб, бир вақт яхши кун тугилар деган умидда ҳар бир қийинликка сабр қилиб туролмайди. Обломовга ортиқ ишонмай қўйганидан уни ташлаб кетди. Агар Штольц ҳам унинг ишончини оқламаса, бир кун буни ҳам ташлаб кетади. Агар савол ва шубҳалар Ольгани қийнай берса, Штольц бўлса насиҳатгўйлигини қўймасдан, турмушнинг бу янги офатларига ҳам сабр ва тоқат қилиб, бош эгишга ундай берса, бунинг бўлиши муқаррар. Ольга обломовчиликни яхши билади, ҳар қандай ниқоб кийса ҳам унинг барча навларини танийди ва омон бермасдан, уни қаттиқ қоралашга қудрати етади...

ЗУЛМАТ ДУНЕСИ

(А. ОСТРОВСКИЙ АСАРЛАРИ. ИККИ ТОМ. СПБ., 1859 ЙИЛ.)

Бу қандай оғим бўлдики, сен бир бурилиб қарашга улгурмасдан, янги бир воқианинг устидан чиқиб қоласан,— бирон тузукроқ воқиа бўлса ҳам гўрга эдику-я... Лекин ҳамма ёққа довруқ солишди, демак, бирон сабаби бордир.

Гоголь.

Ҳозирги рус ёзувчиларидан бирортасининг адабий фаолият соҳасидаги тақдири Островскийники сингари қизиқ бўлган эмас. Унинг биринчи асарини («Оилавий бахт манзараси»ни) мутлақо ҳеч ким назар-писанд қилгани йўқ, журналларда бу асар авторини на мақтаб ва на ёмонлаб бирон гап бўлгани йўқ[1]. Уч йилдан кейин Островскийнинг иккинчи асари: «Қўйнидан тўкилса қўнжига» пайдо бўлди; авторни ҳамма, адабиётда бутунлай янги шахс, деб кутиб олди ва дарҳол ҳамма уни, рус адабиётида, драматик санъатнинг Гоголдан кейинги жуда ҳам талантли, энг яхши намоядаси деб тан олди[2]. Лекин оддий китобхон учун жуда қизиқ туюладиган, автор учун эса жуда қайғули бўлган ва бизнинг шўрлик адабиётимизда тез-тез учраб турадиган тасодифлардан бирига кўра Островскийнинг пьесаси театрда ўйналиши у ёқда турсин, ҳатто бирорта журналда унга батафсил ва жиддий баҳо берилган йўқ[3]. Дастлаб «Москвитянин»да босилган «Қўйнидан тўкилса» айрим оттиск бўлиб босилиб ҳам чиқди, лекин адабий танқидда у ҳақда бир оғиз ҳам гап бўлгани йўқ. Шу тариқа, бу комедия, худди сувга тушиб кетган тошдай, анчагача дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди. Бир йилдан кейин Островский «Камбагал келин» деган яна бир комедия ёзди. Танқид авторга иззат-ҳурмат билдирди, уни такрор-такрор, «Қўйнидан тўкилса»нинг автори деб атай берди, ҳатто унга шунчалик эътибор берилишининг сабаби кўпроқ унинг биринчи комедияси, лекин иккинчи комедияси эмас, иккинчисини

ҳамма биринчи комедиясидан заифроқ деб билган эди, деб писанда ҳам қилди. Сўнгра, Островскийнинг ҳар бир янги асари журналистикада бир мунча ҳаяжон туғдирди, орадан кўп ўтмай унинг комедиялари туфайли ҳатто бир-бирига тамомила қарама-қарши икки адабий партия вужудга келди. Бир партия ёш «Москвитянин» редакцияси бўлиб, бу партия «Островский ўзининг тўрт пьесаси билан Россияда халқ театрини вужудга келтирди», деб жар солди, у —

Янги ҳақиқат жарчиси шоир
Янги дунёни яратар фақат.
Унинг сўзлари тамом янгидир,
Эски чинликка қилса ҳам хизмат.

ва Островский тасвирлаётган бу эски ҳақиқат Шекспир пьесаларидаги ҳақиқатдан,—

Содда, лекин қимматлироқдир,
Юракларга қуйилар вазмин.—

Бу шеърлар «Москвитянин»да (1854 йилдаги 4-сонида) босилган бўлиб, «Камбағаллик айб эмас» деган пьеса хусусида, кўпроқ ундаги бир шахс тўғрисида, Любим Торцов тўғрисида ёзилган. Бу шеърларнинг галатилигидан ўз вақтида кўп кулишган бўлса ҳам, лекин улар ўзбошимча илҳом мевасн эмас, балки Островскийнинг ҳар бир сатрига маҳлиё бўлган партиянинг танқидий фикрларининг анча тўғри ифодаси эди. Афсуски, бу фикрлар ҳамиша очиқ-ойдин айтилмасдан, жуда киборлик, бетайинлик билан изҳор қилинарди, унга қарши партиянинг ҳатто жиддий баҳслашувига имкон ҳам бўлмасди. Островскийни мақтовчилар у *янги сўз* айтди, деб жар солишди, бироқ «бу янги сўз ўзи нима?» деган саволга узоқ вақтгача ҳеч қандай жавоб беришмади, кейин бўлса, бу *янги сўз* — бу гапни томоша қилинг — *халқчилликнинг* худди ўзгинасидир, дейишди! Лекин бу халқчилликни Любим Торцов хусусида шу қадар бемаза-бематра қилиб ўртага чиқаришди ва Торцов билан шу қадар чамбарчас қилиб боғлашдики, Островскийга хайрихоҳ бўлмаган танқид бу қулай фурсатни қўлдан бермади, албатта, шўноқ мақтовчиларга тилини кўрсатиб: «Сизнинг *янги сўзингиз* Торцов экан-да, Любим Торцов, пияниста Торцов экан-да! Бор-йўғини ичиб тамом қилган Торцов сизнинг идеалингиз экан-да» деб, уларни калака қила бошлади. Бу тил кўрсатиб калака қилишлар Островскийнинг асарлари ҳақидаги жиддий гапларга ярашадиган қилиқ эмас эди, албатта, лекин шунисини ҳам айтиш керакки, Любим Торцов ҳақида мана бундай шеърларни ўқиганидан кейин, ким ҳам ўзини кулгидан тўхтата оларди, дейсиз:

Шоирнинг жонли образлари бор,
Масхарабозга сингмиш тахт-бахт.
Мана шундандир ҳозирда *илк бор.*

Томошабинда бир хил завқ, қувват.
Маша шу учун давдан, беминнат
Зални титратиб ердан шип қадар
Чуноос солдилар томошабинлар;
Тинмай янгради қарсаклар қат-қат.
Любим Торцов саҳнада жонли
Турар эди бош кўтариб тик,
Бошда рўмол эски ва йиртиқ,
Тўзғин эди соқол, мўйлаби,
Ўли шўрлик сархуш ва ориқ,
Лекин русга хос тоза қалби

Комедия йиғлаб у ўйнаган он,
Фожна у билан қулса қаҳ-қаҳлаб,—
Билмоқни кўнглимиз қилмайди талаб!
Қани, театрга! Ўзда оломон,
Дилга яқин ҳаёт бор унда ҳозир:
Унда рус қўшиғи оҳангдор чунон,
У ерда ҳам кулар, ҳам йиғлар инсон.
Театр — мукаммал, жонли жаҳондир.
Замоннинг энг содда, тофиллари, биз
Одамга ачинмай, кўриб кувнаймиз:
Дилимиз равшандир, нафас ҳам эркин,
Любим Торцов дилнинг белгилар йўлин!
Великорусга хос ҳаёт саҳпада,
Великорусга хос буюк тантана
Қувноқ кўшиқларда ва бой суҳбатда
Великорусга хос нутқлар оҳангдор.
Великорусга хос онгда албатта.
Она Волга каби кенглик, *тўлқин бор...*
Театр бахш этиб эрк, ҳузур ҳар чоқ,
Йўқолар алдов-ла тўпланган чарчоқ!

Бу мисралар кетидан Рашель ҳақорат қилинади, унинг санъатидан завқланиб, шу билан ўзининг *кўр-кўрона тақлидчилик руҳини* ошкор қилганларга таъна тошлари ёғдирилади. «Эҳтимол, Рашель талантлидир, ҳатто генийдир,— дейди шеър автори,— аммо унинг санъати бизнинг *кўнглимизга тўғри келмайди!*». «Биз бошқалар сингари ҳақиқатдан кўз юммаймиз— бизга ҳақиқат керак», дейди. Ана шундай жуда қулай пайтдан фойдаланиб шоир-танқидчи яна қуйидаги поэтик ибораларни ишлатиб, Европа билан Американи ҳақорат қилади ва Русни мақтайди:

Қалбакилик ёқар Европа учун
Ё ит кексалиги билан оғриган,
Тиши чиқмаган ёш Америкага...
Аммо Русь мустаҳкам! Кўр унинг кучин;
Русь ҳақин севади; *ҳақни тушуниш*
Худодан берилган хайрли, соз иш;
Унинг ўзгинасида мужассам фақат
Инсонда бор барча олий фазилат.

Ўз-ўзидан равшанки, Торцовни рўкач қилиб, инсонга олижаноблик бағишлайдиган нарсанинг нималиги ҳақида қилинган бу хитоблар масалага зийрак ва холис қарашга олиб бориши мумкин эмас эди. Бундай хитоб қилишлар қарши томон

танқидининг олижанобона дарғазаб бўлиб, Любим Торцов ҳақида ўз навбатида қуйидагича хитоб қилишига баҳона топиб берди, холос:

Яна буни баъзи бировлар *янги сўз* деб айтишади, буни кейинги йиллардаги бутун адабий ҳосилимизнинг энг яхши меваси қилиб кўрсатишади! Рус адабиётини *бундай нодонларча ёмонотлиқ қилишнинг* сабаби нима? Дарҳақиқат, рус адабиётида бундай *сўз* ҳали айтилган эмас эди, бундай қаҳрамон ҳеч қачон рус адабиётининг тушига ҳам кирмаган эди, сабабки, рус адабиётида эски адабий ривоятлар ҳали ҳам яп-янгилигича сақланиб турган эди, бу ривоятлар дилнинг, таъбнинг бундай айниб кетишига йўл қўймас эди. Бу ривоятлар эсдан чиқа бошлаган пайтдагина *Любим Торцовнинг бутун хунук афти-башарасини кўрсатиб, саҳнага чиқиши мумкин бўлди...* Маст-аласт юрадиган Торцовдай бир махлуқ фигурасининг идеал даражасига чиқариб қўйилгани, уни халқчиланкининг поэзиядаги энг соф ифодаси деб у билан фахрланмоқчи бўлганлари, адабиёт соҳасидаги ютуқларни Торцовга қиёс қилиб ўлчамоқчи бўлганлари, уни «ўз одамимиз», у «ҳовлимизга ярашиб» турибди деган баҳона билан, унга кўнгил қўйиш деб ҳаммага тақдим қилишлари бизни таажжубга солди, биз буни кўриб жуда ҳайрон бўлиб қолдик. *Бунинг оти дидфароғатнинг айниши ва соф адабий ривоятларни тамомила эсдан чиқариб юборши эмасми? Лекин, ўят деган нарса ҳам бор-ку, адабий одоб деган нарса ҳам бор-ку,* ахир, энг яхши ривоятлар йўқолиб кетгандан кейин ҳам, ўят, одоб деган нарсалар сақланиб қолади-ку. Торцовга «ўз одамимиз» деб пом бериб ва уни поэтик идеаллар даражасигача кўтариб, *нима сабабдан биз ўзимизни ўзимиз шарманда қиламиз?* («Отечественные записки», 1854 йил, VI сон).

«Отечествен. записки»дан бу парчани келтиришимизга сабаб шуки, бу парча Островскийни ёмонотлиқ қилувчилар билан уни мақтовчилар ўртасидаги мунозара ҳамма вақт Островскийга жуда кўп зарар келтиргашини аниқ кўрсатади..* «Отечествен. записки» дагилар ҳамма вақт Островскийга душман бўлиб келишди ва уларнинг кўпгина ҳужумлари Островский асарларини мақтаб кўкларга кўтарган танқидчиларга қарши қаратилган эди. То сўнгги вақтларгача, «Отечествен. записки» Островскийнинг ҳам, жаноб Григорович билан Евгения Тур хотинининг ҳам *шоирлик фаолияти тамом бўлди,* деб эълон қилган вақтигача («Отечествен. записки»нинг 1859 йилдаги VI сонига қаралсин.) авторнинг ўзи доимо бир чеккада қолиб келган эди. Ҳолбуки, Любим Торцовга сиғиниш, Европа маърифатига душманлик кўзи билан қараш, Пётр замонига қадар бўлган эскиликни ҳурмат қилиш ва шу каби айбларнинг бутун оғирлиги ҳар ҳолда Островскийнинг устига ағдарилди. Унинг истеъдодига қандайдир эскилик тарафдори, ҳаттоки салкам жаҳолатпарастлик деган доғ туширилди. Унинг тарафдорлари бўлса яккаш *янги сўз* ҳақида гапиравердилар-да,— лекин унинг нималигидан оғиз очмадилар,—

* Айтганча, китобхонлар Островский ҳақидаги ҳамма танқидий фикрлар можаросини жон деб ташлаб ўтиб, мақоламизнинг иккинчи ярмидан бошласалар ҳам бўлаверади. Биз Островскийни танқид қилувчилар ўзларига бир қараб қўйсинлар деб, кўпроқ шу мақсад билан уларни юзмаюз қиламиз.

бир асаридаги бирон фазилатни дастак қилиб олиб, бу фазилат бошқа асарларида бўлмагани учун уларни ёмонлади. Бир хил танқидчилар, Островский ўзининг илгариги йўлидан қайтиб, савдогарлар ҳаётининг жуда расвогарчилигини жонли қилиб тасвирлаш ўрнига, уларни идеал қилиб тасвирлади, деб таъна қилишди. Бошқа хил танқидчилар, аксинча, идеаллаштиргани учун уни мақтаб, доимо, «Қўйнидан тўкилса»ни биз етарли даражада ўйлаб кўрилмаган, бир томонлама, ҳатто сохта асар деб ҳисоблаймиз, деб писанда қилишларини ҳеч қўймадилар*. Островскийнинг бундан кейинги асарлари пайдо бўлганда, унинг ўз комедияларининг сюжетини қайси муҳитдан олган бўлса, шу муҳитнинг ифлос ва бемазалигини ривожлик қилиб бўяб, пардозлаб кетган, деб ундан гина қилиш билан бирга, бир томондан, шу муҳитни пардозлагани учун уни мақташди;** иккинчи томондан бўлса, ҳаётдаги бутун ифлосликларни дагерротипдагидай қилиб тасвирлаб берган, деб унга таъна қилишди.*** Островскийнинг адабий фаолияти ҳақидаги асосий қарашларнинг ўзидаги бу зиддиятлар Островский ҳақидаги муҳокамаларда танқидга ишонмоқчи бўлган соддадил кишиларни йўлдан оздириш учун кифоя қиларди. Лекин зиддият бу билан чекланиб қўя қолмади; Островский комедияларининг турли фазилатлари ва нуқсонлари ҳақидаги кўпдан-кўп бошқа айрим мақолаларда ҳам шу зиддият сезилиб туради. Островский талантининг турли-туманлиги, унинг асарларида баён қилинган мазмунининг жуда бойлиги доимо бир-бирига зид ҳар хил таъналарга сабаб бўлиб келди. Масалан, «Сердаромад жой» учун ушга, унинг тасвирлаган порахўрлари унчалик разил кишилар эмас, деб таъна қилишди,* «Асранди қиз» учун ёмонотли қилиб, унда тасвирланган шахслар жуда ҳам разил шахслардир, дедилар.** «Камбағал келин». «Бегонанинг чанасига ўтирма», «Камбағаллик айб эмас» ва «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» асарлари учун Островскийга ҳар томондан, у пьесасининг бадиий қимматини ўзининг асосий вазифаси учун қурбон қилди, деган танбиҳларни эшитишга тўғри келди*** ва яна шу асарлари учун авторга,

---

* Масалан, «Камбағаллик айб эмас»ни текширган бир танқидчи, Островский ўзининг биринчи асарида «соф сатирик эди: у ёвузликни тасвирлаш билан бирга, бунга қарши келадиган ҳеч нарсани кўрсатмаган эди» («Москвит», 1854 йил, 5-сон), деб Островскийга таъна қилган эди. «Русская беседа» танқидчиси бундан ҳам қаттиқроқ гапларни айтди. У «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма»ни текшириб туриб, «Қўйнидан тўкилса» ҳақида бундай фикр билдирган эди: «Албатта, «Қўйнидан тўкилса» шундай асарки, бунда гоят зўр истеъдод изи кўриниб турибди, лекин бу асар рус ҳаётига терс назар билан қарашнинг (бадиий маҳорат туфайли бу назар қисман майинлаштирилган) кучли таъсири остида ёзилган асардир. Бинобарин, шу жиҳатдан уни, афсуслиниб бўлса-да, *натурал ижод* оқибатлари қаторига қўйиш лозим бўлади» («Русская беседа», 1856 йил, 1-сон).

** Танқидчилардан бири «Камбағаллик айб эмас» комедиясини «Қўйнидан тўкилса»дан шунинг учун афзал кўрдики, «Камбағаллик айб эмас»да «Островский энди фақат сатириккина бўлмасдан, у сохта цивилизация балоси билан бир қаторда, яна шу ҳаётнинг ўзида, ўз афсоналари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланган бехзод содда ҳаётни ҳам кўради ва аста бир-бирига зид томон тўқнашганда унинг бутун кўнгли, табиий, шу сўнггисида бўлади» («Москвит», 1854 йил, 5-сон). «Русская беседа» танқидчиси ҳам Островскийни шунинг учун мақбул кўрадики, «Қўйнидан тўкилса»дан кейин, ҳаётга *терс қарашни* бас қилиб, энди унга *хайрихоҳлик билан* қарайдиган бўлди ва «Қўйнидан тўкилса»да кўрганимиз ғамгин, маъюс тасвирлар ўрнида, энди ҳаётдан олинган бошқа, яхши таассуротлар остида вужудга келган образлар пайдо бўлмоқда.

*** Масалан, «Отечественные записки»да яна ўша «Камбағаллик айб эмас» комедияси таҳлил қилинганда Островскийнинг асарида — турмушнинг *энг ифлос томонлари ҳақиқатда қандай бўлса, шундай бўёқлар билан тасвир қилингани устига*, яна улар идеал даражасига кўтарилган» деб Островскийга таъна қилинган эди. Афтидан, танқидчига, турмушнинг ифлос томонлари тасвир қилинмаган ёқмаса керак. Турмушни идеаллаштирали деган таъна билан бир қаторда, ҳалигидай таъналар доимо эшитилиб турди; яқинда ҳатто мана бундай таъналар ҳам эшитилиб қолди: «Комедия жаноб Островский қалами остида ўзининг бадиий аҳамиятидан юз ўгирди-ю, ҳақиқий ҳаётнинг шунчаки нусхаси бўлиб қолди» («Атеней», 1859, 8-сон).

---

* «Саҳнага чиқарилган бу шахслар китобхоннинг ёки томошабинининг нафратини қўзғатишлари лозим эди, лекин улар кишининг фақат раҳмини келтиради, холос. Жамият танасидаги мараз бўлган порахўрлик уларнинг ҳатти-ҳаракатларида кишини жиркантирадиган тарзда унчалик ёркин очиб ташланмаган... Ҳолбуки, ҳар хил порахўрлар ва газна ўғриларининг бизнинг жафокаш, жонажон онамиз Россияни ҳамма ерда — ичидан ҳам, ташидан ҳам қийнаб, қабиҳлик билан хароб этаётганини кўрсатса бўларди». («Атеней», 1858 й., 10-сон).

** «Асранди қиз»даги Надядан бошқа, ҳамма шахслар — ҳеч қандай шахс эмас, инсонга хос ҳар хил ифлосликларнинг фильтрдан ўтказилган қандайдир мавҳум йиғиндиси-бўлиб, булардан китобхоннинг кўнглида жуда оғир ва нохуш, таассурот қолади, холос», («Весна», жаноб Ахшарумов мақоласи).

*** «Ўз вазифаларининг олижаноб ва яхши вазифалигига учиб, автор уларни кўнглида етарли, даражада ишлитмади, тегишли даражада тўла ва аниқ тасаввур бўлиб етилишига қўйиб қўймади... Агар Островский ўз драмасини торроқ доиралар ичига олиб қисганда эди, ўзининг жуда ҳам *олижаноб ва кенг вазифаларини* бир қадар торайтирганда эди, танлаб олган драматик ҳолат устида қайта-қайта ўйлаган, қайта-қайта ҳис қилган парсаларининг ҳаммасини бирваракайига ўртага ташламаганида эди, асар гарчи, эҳтимол ўз кучидан бирмунча маҳрум бўлса ҳам, мукаммал яхлит бир асар бўларди». («Москвит» 1853 йил, 1-сон, «Камбағал келин» таҳлили).

«Автор *ўз вазифасини* бажариш учун драма формасини танлаб олиб, бу билан шу форманинг ҳамма талабларини қондириш вазифасини, яъни ҳаммадан олдин китобхонга ёки томошабинга драматик коллизия билан ва ҳаракат билан таъсир қилиш ва шу йўл билан унда комедиянинг асосий идеясидан асар қолдириш вазифасини ўз устига олди.

Бу жиҳатдан биз ж. Островскийнинг янги пьесасидан мимнун бўлиб қолишимиз ҳеч мумкин эмас ва ҳоказо». («Москвит», 1854, 5-сон, «Камбағаллик айб эмас»нинг таҳлили).

«Жаноб Островскийнинг асарларида *вазифалар* тўғри қўйилган бўлиши билан бирга, чуқур маноли қилиб ҳамиша одоб-ахлоққа нисбатан қилиб қўйилган бўлади... Шу сабабдан ҳам жуда яхши ўйлаб топилган ва драматик жиҳатдан жуда яхши тузилган бу асарнинг («Ўзинг ис-

табиатга қулларча тақлид қилиш билан қаноатланиб қўя қолмасдан, ўзининг *ақл доирасини кенгайтиришга* ҳаракат қилса бўларди деб насиҳатгўйлик қилишди.* Бу ҳам озлик қилгандай, у ўз асарларининг *идеяси* ҳақида ўйламасдан, воқеликни ҳаққоний тасвирлашга (яъни маҳоратга) жуда ҳам кўп эътибор беради, деб ҳатто унга таъна қилдилар. Бошқа сўзлар билан айтадиган бўлсак,— ўз олдига ҳеч қандай *вазифа* қўймаган ёки қўйган *вазифалари* ҳеч нарсага арзимайди, деб ундан таъна қилдилар, ҳолбуки бошқа танқидчилар, у ўз олдига жуда кенг вазифалар қўйган, унинг бу қўйган вазифалари уларни бажариш учун ишлатган воситаларидан жуда устун туради, деб тан олишган эди..**

Хуллас, ўн йилдан буён турли танқидчилар (баъзан эса худди шу танқидчиларнинг ўзлари) Островскийнинг олдига қўйиб келган талабларини бир-бирига бирон даражада қо-

---

таганча ҳаёт кечирма»нинг) жаноб Островский шу дамгача ёзгани бошқа ҳамма асарларидан заифроқ қилиб ёзилганига афсусланмай илож йўқ». («Рус. бес.», 1856 йил, 1-сон).

* «Қулларча тақлидчилик — янги комединянинг фақат талига хос нарса эмас; унинг деярли бутун мазмунида, бутун асар концепциясида ҳам, тафсилотларида ҳам шундай тақлидчилик бор. Биз бу комедияда бирон идеал томонни ахтариб топмоқчи бўлсак, ҳаракатимиз беҳуда кетарди; на шахсларда ва на ҳаракатнинг ўзида бирон идеал томонни тополмайсиз. Биз аввало авторнинг ўз фаолиятини шу дамгача чеклаб келган тор доирадан чиқиб, ақл доирасини бир қадар кенгайтиришни истар эдик» («Отеч. записки», 1854 йил, 6-сон).

** Яқинда «Атеней»да босилиб чиққан, беҳаёлик билан ёзилган мақолада бу фикр айниқса равшан ифодаланган. Танқидчи мақоланинг охирида бундай дейди: «Жаноб Островскийнинг асарлари, ҳақиқий ҳаётни ифода қилса-да, уларнинг ўзида ҳеч қандай ҳаёт йўқ; уларда *на идея* бор, на ҳаракат бор, на аса поэтик характерлар бор... Авторнинг шуниси яхши, у асарларида (савдогарлар ҳаётидан олиб ёзган комедияларида) савдогарлар ва мешчанлар ҳаётининг анча тўғри, ҳақиқий манзараларини тасвирлаб бера олган. Бундан нари ўтган эмас. Бир асарининг бошқа асарларидан ажралиб туради. Бу асар «Камбагал келин»дир, лекин шуниси ҳам борки, бу асари бошқа ҳамма асарларидан ёмон. Энди *фикр бойлиги*, характерларнинг туман-туманлигига келганда, биз бу ҳақда кўнгилга таскин берувчи бирон фикр айта олмаймиз». Фақат шуниси билан ҳам кифоя қиладики, бир асари бошқа асари учун, бирон зиддиятни кўрсатишда, сабаб бўлган. Масалан, («Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» «Қўйнидан тўкилса қўнжига» комедиясининг pendant-и, яъни айни ўзидир, «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма»ни «Қўйнидан тўкилса қўнжига» деб атаса ҳам бўлаверади. «Камбагал келин» «Бегонанинг чанасига ўтирма» ёки «Бой келин» комедиясининг ёзилишига сабаб бўлди; «Камбагаллик айб эмас» комедияси ҳам шуларга жуда яқин туради, «Камбагаллик айб эмас» ни тамомила ҳақли ўлароқ «Камбагал куёв» деб аташ мумкин. *Жаноб Островскийнинг фантазияси идеяларга ва уларни ифодалайдиган образларга қанчалик бой эканлиги шулардан кўриниб турибди».*

Островскийни мақтовчилар кундан-кун янги типлар ва драматик ҳолатлар яратишда унинг битмас-туганмас бой фантазияси борлигига узоқ вақтларгача таажжубланиб юрганликларини эсга солиб ўтсак, бу ёзувчининг аҳамиятини ошқлаш учун унга хайрихоҳлик билдириб келган танқиднинг қанчалик арзимас танқид бўлганлиги бизга аниқ ва равшан бўлади.

вуштириш учун ўрта ўлчовни қидириб топиш маҳол бир нарса. Гоҳ — нима сабабдан у рус ҳаётини жуда ҳам ёмонотлиқ қилади? — дейишади, гоҳ — нега унга пардоз бериб, безайди? — дейишади. Гоҳ — нега у дидактизмга берилиб кетяпти?— дейишади. Роҳ — нега унинг асарлари одоб-ахлоқ асосига қурилмаган?— дейишади... гоҳ — у турмушни жуда ҳам қуллардай тасвирлаб берармиш, гоҳ — унга содиқ эмасмиш; гоҳ — у ташқи пардозга жуда кўп аҳамият берармиш; гоҳ — ташқи пардоз масаласига бепарво қарармиш. Гоҳ — унинг асарларида ҳаракат жуда ҳам суст боради, дейишади, гоҳ — китобхонни аввалдан тайёрламай туриб, жуда ҳам қалтис бурилишлар қилади, дейишади. Гоҳ — характерлар жуда оддий, дейишади, гоҳ — жуда ҳам гайри оддий бўлиб кетган, дейишади... Қўйингки, ўша бир асар тўғрисида мана шундай пойма-пой фикрлар билдирилди. Ҳолбуки, бундай фикрларни айтган танқидчилар ҳеч бўлмаганда асосий нуқтаи назарлари жиҳатдан, бир-бирларининг фикрларига қўшилсалар керак эди. Агар жамоатчилик Островский ҳақида ўн йилдан буён тўқиб чиқарилаётган мана шундай танқидларга қараб ҳукм чиқариши лозим бўлганда эди, бу автор ҳақида нима деб ўйлаш керак, деган масалада жуда боши қотиб, ҳайрон бўлиб қоларди. Бу танқидларга қараб ҳукм қилганда, гоҳ Островский бачкана ватанпарвар, жаҳолатпараст бўларди, гоҳ — Гогольнинг ижоди гуллаган даврда яратган асарларидаги традицияларини бевосита давом эттирган ёзувчи бўларди; гоҳ — славянпараст бўларди, гоҳ ғарбчи бўларди; гоҳ халқ театрини яратган ёзувчи, гоҳ катта савдогар Коцебу бўларди; гоҳ янги, ўзига хос назарияси бор ёзувчи бўларди, гоҳ ҳақиқий турмушда ҳеч нимага ақли етмайдиган, ундан фақат пуска кўчирадиган одам бўларди. Шу дамгача бирон киши Островскийни тўла таъриф қилиб бермагани бу ёқда турсин, ҳатто унинг асарларининг энг муҳим маъносини ташкил қилган томонларини ҳам кўрсатиб бергани йўқ.

Бундай қизиқ ҳодисага сабаб нима? «Демак, бирон сабаби бўлса керак?». Эҳтимол, Островский ҳақиқатан ҳам ўз йўлини шу қадар тез ўзгартириб турарки, унинг характери ҳали ҳозиргача ҳам аниқ бир тусга кирмагандир? Ёки, аксинча, «Москвитянин»да босилган танқидда айтилганидек, у энг аввал бошданоқ шундай баландликка чиқиб олгандирки, бу баландлик ҳозирги замон танқидининг тушуниш даражасидан юқори турадигандир? Афтидан, ундай ҳам эмас, бундай ҳам эмас. Островский тўғрисидаги муҳокамаларда шу дамгача ҳукмронлик қилиб келган бетайинликнинг сабаби шундаки, уни ҳарна қилиб бўлса ҳам маълум маслаклар намоиндасига айлантирмоқчи бўлдилар, сўнг шу маслакларга содиқ бўлмаганлиги учун уни жазоладилар ёки шу маслакларга маҳкам ёпишиб олгани учун уни бошларига кўтардилар ва аксинча. Ҳамма Островскийнинг ажойиб талант эгаси

эканлигини тан олди, шунинг учун ҳам ҳамма танқидчилар ўзлари қандай маслакда бўлсалар, Островскийнинг ҳам шу маслаклар учун курашувчи, шу маслакларга ҳомийлик қиладиган ёзувчи бўлишини орзу қилдилар. Островскийнинг рус ҳаётини яхши тасвир қилиши славянпарастликка мойил бўлган кишиларга жуда ёқиб тушди, шу билан улар тортиниб-нетиб турмасдан, Островскийни чириб-ириб бораётган Ғарбга қарама-қарши *«бетакрор қадимги Русь»* ҳаётининг мухлиси деб эълон қилдилар. Островский рус халқини чиндан биладиган ва севадиган киши бўлганидан славянпарастларнинг уни «ўз киши»си деб ҳисоблашлари учун кўп важ топиб берди ва улар буни шу қадар бўлар бўлмасга дастак қилиб кўтариб чиқдиларки, бу билан ўзларига қарши партиянинг Островскийни европача таълимот душмани ва тараққиётга душманлик йўлини тутган ёзувчи деб ҳисоблаши учун жуда муҳим баҳоналар топиб бердилар. Лекин, аслида, Островский ҳеч қачон, ҳар ҳолда ўз асарларида, на европача таълимот душмани ва на славянпараст ёзувчи бўлган эмас. Эҳтимол, маълум назарияларни тан олиш маъносида, тўғаракнинг унга маълум таъсири бўлган бўлиши мумкин, лекин бу таъсир ҳақиқий ҳаётни тўғри ҳис қилиш қобилиятини йўққа чиқариши мумкин эмас эди, унинг таланти кўрсатиб турган йўлни батамом беркитиб қўйиши мумкин эмас эди. Шу сабабдан, Островскийнинг асарлари қарама-қарши икки томоннинг мўлжал қилиб турган, бир-биридан тамомила фарқ қиладиган андазаларига доимо чап бериб келди. Орадан кўп ўтмасдан славянпарастлар Островскийда итоатгўйликни, сабр-тоқатни, ота-боболарнинг урф-одатларига тарафдорликни, Ғарбга нафратни таргиб қилишга асло хизмат қилмайдиган хислатлар борлигига кўзлари етди, шу сабабдан, ё сўзини ичида ютиб қолди деб ёки бўлмаса ҳаётга *салбий* қарашга ён босди, деб унга таъна қилишни лозим топишди. Славянпарастлар партиясига мансуб танқидчиларининг энг бемаза-бематраси жуда қатъий қилиб бундай дейди: Островскийнинг ҳамма асарлари ҳам яхши бўларди-ку-я, «лекин у ўйлаб қўйган нарсасини бажо келтиришда баъзан қатъийлик ва жасорат кўрсата олмайди, унга худди, *натурал оқим* туфайли ортдирган ноўрин уятчанлиги ва юраксизлик қилиш одатлари халақит бериб тургандай бўлади. Шундан у кўпинча бирон *кўтаринки ёки каттароқ иш* қилмоқчи бўлади-ю, лекин *натурал* андаза эсига тушиб қолиб, ўйлаб қўйган нарсасини чўчитиб юборади; у бахтли дақиқалар хаёлига эрк бериши лозим эди-ю, лекин, худди, баланд парвоз қилишдан қўрққандай бўлади. Шунинг учун ҳам тасвир қилган образи қандайдир кемтик бўлиб қолади» («Рус. бес.»). «Қўйнидан тўкилса»ни кўриб завқ-шавқ қилган кишилар ҳам орадан бир оз ўтгандан кейин, Островскийнинг рус ҳаётидаги эски урф-одатларни сав-

догарлар ҳаётидаги янги европача одатлар билан таққосланганида доимо рус ҳаётининг эски урф-одатлари томон оғиб борганлигини кўрдилар. Бу нарса уларга ёқиб тушмади, шунинг учун ҳам *ғарбчи* деган партия танқидчиларининг энг бемазаси ҳам ўзининг қатъий муҳокамасини қуйидаги сўзлар билан ифода қилди: «бу асарларнинг характерини белгилаб берадиган дидактизм йўли бу асарларда чинакам поэтик талант бор деб эътироф қилишимизга имкон бермайди. Бу йўл бизнинг славянпарастларимизда халқчиллик замини деб аталадиган заминларга асосланган. Жаноб Островский комедияларида ва драмаларида инсоннинг фикри, ҳис ва ҳур иродасини шуларга бўйсундирган». («Атеней», 1859 йил). Танқиднинг шу дамгача Островскийни рус жамиятининг маълум қисми ҳаётини тасвирловчи ёзувчи деб билиб, унга тўғри ва одил қарамасдан, ҳамма вақт уни у ёки бу партия тушунчаларига мувофиқ ахлоқ тарғиботчиси деб билганлигининг сабабини ана шу қарама-қарши икки парчадан топиш мумкин. Танқид илгаридан тайёрлаб қўйилган бу андазани рад қилиб ташлаб, Островскийнинг асарлани қатъий суратда ўрганишга, авторнинг ўзи нима берса, шуни олишга киришмоғи лозим эди. Лекин у ҳолда авторни ўз сафларига тортиш истагидан воз кечиш лозим эди, мухолиф партия тўғрисидаги фикрларни кейинги планга суриб қўйиш лозим эди, мухолиф томоннинг такаббурона ва беҳаё кирдикорларига эътибор бермаслик лозим эди... бундай қилиш у томон учун ҳам, бу томон учун ҳам жуда қийин бўлди. Островский у томоннинг ҳам, бу томоннинг ҳам кўнглига ёқмайдиган ва уларнинг янада бошини гангитган бир неча нотўғри қадам ташлаб, улар ўртасидаги мунозара қурбони бўлди.

Яхшики, жамоатчилик танқидий мунозараларга унчалик эътибор бермади, Островскийнинг комедияларини ўзи ўқий берди, театрда қўйилганларини томоша қилди, яна такрор олиб ўқиди, шу тариқа ўзининг севикли комигининг асарлари билан анча яхши танишиб олди.[6] Шу туфайли ҳозир танқидчининг меҳнати ҳам анча енгиллашиб қолди. Ҳар бир пьесани алоҳида-алоҳида текшириб, мазмунини ҳикоя қилиб, саҳна ҳаракатларининг пардама-парда авж олиб боришини кўздан кечириб ўтириш, йўл-йўлакай майда-чуйда келишмаган-қовушмаган жойларини хатга олиб, ўринлатиб айтилган сўз ва ибораларни мақтаб ўтириш ва ҳоказоларнинг кераги йўқ. Буларнинг ҳаммасини китобхон жуда яхши билади: пьесаларнинг мазмуни ҳаммага маълум, айрим нуқсонлар ҳақида кўп марта гапириб ўтилди. Боплаб, дўндириб айтилган ибораларни халойиқ аллақачон ўрганиб олиб, гап-сўзида худди бир масал-маталдай ишлатиб юрибди. Иккинчи томондан—авторга ўз фикрингни зўрлаб маъқуллатишнинг ҳам кераги йўқ, ўзи тузук иш ҳам бўлмайди («Атеней»нинг

танқидчиси москвалик жаноб Н. П. Некрасов сингари жасорат билан фикр билдирувчилар бўлса бордир): Островскийнинг обскурант эмаслиги, қамчинни оила ахлоқининг негизи деб билиб, уни тарғиб қилувчи ҳам эмаслиги, ҳамиша сабр қилиш ва ўз ҳуқуқларингдан воз кечишни буюрувчи ифлос ахлоқ ҳомийси ҳам эмаслиги,— шу билан бирга, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам рус ҳаётининг *ифлос доғларини* очиб кўрсатиб шармандаю шармисор қилишга ҳаракат қиладиган ўтакетган кўр, туҳматчи ёзувчи ҳам эмаслиги ҳозир ҳар бир китобхонга очиқ-ойдин бўлиб қолган. Албатта, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида: яқиндагина бир танқидчи «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясининг асосий идеяси шундан иборатки, савдогар хотинининг дворянинга эрга тегаман дейиши ахлоқдан эмас, ота-онанинг гапига кириб, ўз тенгига чиқса, анча одоблик иш қилган бўлади, деб исбот қилмоқчи бўлган эди. Яна шу танқидчи (жуда зўр бериб), «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» деган драмада гўё Островский «катталар нима деса, бутунлай шунга бўйсуниш, қадим замондан буён расм бўлиб қолган қонунга кўр-кўрона ишона бериш, инсон эркидан, ўз инсонлик ҳиссиётларингни баён қилиш ҳуқуқингни даъво қилиб чиқишдан тамомила воз кечиш инсон фикри, ҳисси ва ҳур иродасидан анча яхши нарса» деган фикрни тарғиб қилган, деган қарорга келибди. Яна ўша танқидчи «Овқатгача кўрилган яхши туш» кўринишларида тушга ишониш сингари хурофотлар мазақ қилинган», деб жуда оқилона фикр юритибди...* Лекин ҳозир китобхонлар қўлида Островский асарларининг икки томи бор, шундай бўлгандан кейин, бундай танқидчининг сўзига ким ҳам ишонарди, дейсиз?..

Демак, Островский пьесаларининг мазмуни ва уларнинг қандай авж олиб бориши китобхонларга маълум деб фараз қилганимиздан кейин, биз унинг ҳамма асарларига ёки уларнинг кўпига хос томонларини фақат ёдга солиб ўтишга, унинг бу томонларидан бир натижа чиқаришга ва шу томонлар асосида бу ёзувчи адабий фаолиятининг аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биз шундай қилганимиздан кейин, бизсиз ҳам китобхонларнинг кўпчилигига аллақачон маълум бўлган, лекин, эҳтимол, кўпчилик тегишли даражада ҳали мукаммал ва яхлит хулоса қилиб олмаган нарсаларини умумий очеркда фақат таъриф қилиб берамиз. Бунда яна шуни ҳам огоҳлантириб ўтишни лозим топамизки, биз авторга ҳеч қандай программа таклиф қилмаймиз, асарларингизни мана бу фикрларга мувофиқ ўйлаб, ёзиб чиқасиз, деб унга ҳеч қандай қоида ҳам тузиб бермаймиз. Талантли ёзувчи эканлигини ҳамма тан олган, жамоатчиликка манзур бўлиб, адабиётда маълум аҳамият қозонган ёзувчининг кўнглига бундай тан-

* Булар ҳаммаси «Атеней» да босилган.

қид усули жуда қаттиқ тегади деб ҳисоблаймиз. Ҳолатни тузатиш қилиши *лозимлигини*, ўз *вазифасини* қанчалик жарганлигини кўрсатадиган танқид камдан-кам бизда баъзи бир умид ғунчалари кўрина бошлаган, лекин очиқ сохта йўлдан бораётган ва шу сабабдан йўлини тўғрилаб маслаҳатга муҳтож бўлган, энди ёза бошлаган автобатан ўринли бўлади. Лекин умуман олганда, ҳалигидай ва ўз қид ноҳуш танқид бўлади, чунки танқидчини бирон ён бўлболадан имтиҳон олмоқчи бўлган олифта муаллим ҳеч солиб қўяди. Островский сингари ёзувчи тўғрисида бундай схоластик танқид йўлига кириш мумкин эмас. Ҳар бир китобхон тўла ҳуқуқ билан бизга бундай деб айтиши мумкин: «Нима сабабдан сиз, мана бу ерда фалон нарса бўлиши керак, бу ерда фалон нарса етишмай турибди, деган мулоҳазалар билан ўзингизни ўзингиз қийнаб ўтирибсиз? — Биз, асло сизнинг Островскийга дарс беришга ҳақингиз бор деб айтмоқчи эмасмиз. Островскийнинг ёзган пьесаси, сизнинг фикрингизча қандай ёзилиши лозимлигининг бизга сира қизиги йўқ. Биз Островскийни яхши кўрамиз ва унинг асарларини ўқиймиз, бинобарин, танқиддан бизнинг тилагимиз шуки, у кўпинча бизни беихтиёр завқланишга мажбур қиладиган асарни идрок қилсин, танқид бизнинг ўз таассуротларимизни маълум бир системага солиб берсин ва уларни бизга тушунтириб берсин. Агар у шундай қилиб тушунтириб берганидан кейин бизнинг таассуротларимизнинг хатолиги, натижалари зарарли бўлиши маълум бўлгудай бўлса ёки биз авторда йўқ нарсани унда бор деб айтаётган бўлсак,— унда танқид бизнинг хатомизни очиб ташласин, ўшанда ҳам авторнинг ўзи берган нарсалар асосида очиб ташласин». Биз бу талабларни тамомила тўғри талаблар деб билиб, Островскийнинг асарларига *реал* танқид кўзи билан қарашни — унинг асарлари бизга берган нарсаларни кўздан кечириб чиқадиган *реал* танқидни қўллашни маъқул деб ҳисоблаймиз. Бунда, нима сабабдан Островский характерларни Шекспир сингари тасвирламайди, нима сабабдан ҳажвий ҳаракатларни Гоголь сингари авжига чиқармади, деган* ва шу каби талаблар қўйилмайди. Бундай талабларнинг ҳаммаси, бизнингча, масалан, Островский эҳтиросларни комиги бўлиши лозим ва бизга Мольер тартюфларини ва гарпагонларини яратиб бериши зарур ёки у Аристофанга ўхшаб, комедияга сиёсий тус бериши керак, деган талаблар сингари — кераксиз, фойдасиз ва ўринсиз талаблардир. Албатта, агар Островский ўз шахсида ҳам Аристофанни, ҳам Мольерни ва ҳам Шекспирни бирлаштирса, яхшироқ бўлишини биз инкор қилмаймиз; лекин бундай эмаслигини, бундай бўлиши мумкин эмаслигини биз биламиз,

* Доно танқидчилар Островский ҳақида ҳақиқатда шундай фикрларни баён қилган эдилар...

танқидчиси москвалик жаноб Н. П. Некрасов сингари жасорат билан фикр билдирувчилар бўлса бордир): Островскийнинг обскурант эмаслиги, қамчинни оила ахлоқининг негизи деб билиб, уни тарғиб қилувчи ҳам эмаслиги, ҳамиша сабр қилиш ва ўз ҳуқуқларингдан воз кечишни буюрувчи ифлос ахлоқ ҳомийси ҳам эмаслиги,— шу билан бирга, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам рус ҳаётининг *ифлос доғларини* очиб кўрсатиб шармандаю шармисор қилишга ҳаракат қиладиган ўтакетган кўр, туҳматчи ёзувчи ҳам эмаслиги ҳозир ҳар бир китобхонга очиқ-ойдин бўлиб қолган. Албатта, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида: яқиндагина бир танқидчи «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясининг асосий идеяси шундан иборатки, савдогар хотинининг дворянинга эрга тегаман дейиши ахлоқдан эмас, ота-онанинг гапига кириб, ўз тенгига чиқса, анча одоблик иш қилган бўлади, деб исбот қилмоқчи бўлган эди. Яна шу танқидчи (жуда зўр бериб), «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» деган драмада гўё Островский «катталар шима деса, бутунлай шунга бўйсуниш, қадим замондан буён расм бўлиб қолган қонунга кўр-кўрона ишона бериш, инсон эркидан, ўз инсонлик ҳиссиётларингни баён қилиш ҳуқуқингни даъво қилиб чиқишдан тамомила воз кечиш инсон фикри, ҳисси ва ҳур иродасидан анча яхши нарса» деган фикрни тарғиб қилган, деган қарорга келибди. Яна ўша танқидчи «Овқатгача кўрилган яхши туш» кўринишларида тушга ишониш сингари хурофотлар мазақ қилинган», деб жуда оқилона фикр юритибди...* Лекин ҳозир китобхонлар қўлида Островский асарларининг икки томи бор, шундай бўлгандан кейин, бундай танқидчининг сўзига ким ҳам ишонарди, дейсиз?..

Демак, Островский пьесаларининг мазмуни ва уларнинг қандай авж олиб бориши китобхонларга маълум деб фараз қилганимиздан кейин, биз унинг ҳамма асарларига ёки уларнинг кўпига хос томонларини фақат ёдга солиб ўтишга, унинг бу томонларидан бир натижа чиқаришга ва шу томонлар асосида бу ёзувчи адабий фаолиятининг аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биз шундай қилганимиздан кейин, бизсиз ҳам китобхонларнинг кўпчилигига аллақачон маълум бўлган, лекин, эҳтимол, кўпчилик тегишли даражада ҳали мукаммал ва яхлит хулоса қилиб олмаган нарсаларини умумий очеркда фақат таъриф қилиб берамиз. Бунда яна шуни ҳам огоҳлантириб ўтишни лозим топамизки, биз авторга ҳеч қандай программа таклиф қилмаймиз, асарларингизни мана бу фикрларга мувофиқ ўйлаб, ёзиб чиқасиз, деб унга ҳеч қандай қоида ҳам тузиб бермаймиз. Талантли ёзувчи эканлигини ҳамма тан олган, жамоатчиликка манзур бўлиб, адабиётда маълум аҳамият қозонган ёзувчининг кўнглига бундай танқид усули жуда қаттиқ тегади деб ҳисоблаймиз. Ёзувчининг нима қилиши *лозимлигини*, ўз *вазифасини* қанчалик яхши бажарганлигини кўрсатадиган танқид камдан-кам ҳолларда, баъзи бир умид ғунчалари кўрина бошлаган, лекин очиқдан-очиқ сохта йўлдан бораётган ва шу сабабдан йўл-йўриқ ва маслаҳатга муҳтож бўлган, энди ёза бошлаган авторга нисбатан ўринли бўлади. Лекин умуман олганда, ҳалигидай танқид ноҳуш танқид бўлади, чунки танқидчини бирон гўдак боладан имтиҳон олмоқчи бўлган олифта муаллим ҳолига солиб қўяди. Островский сингари ёзувчи тўғрисида бундай схоластик танқид йўлига кириш мумкин эмас. Ҳар бир китобхон тўла ҳуқуқ билан бизга бундай деб айтиши мумкин: «Нима сабабдан сиз, мана бу ерда фалон нарса бўлиши керак, бу ерда фалон нарса етишмай турибди, деган мулоҳазалар билан ўзингизни ўзингиз қийнаб ўтирибсиз? — Биз, асло сизнинг Островскийга дарс беришга ҳақингиз бор деб айтмоқчи эмасмиз. Островскийнинг ёзган пьесаси, сизнинг фикрингизча қандай ёзилиши лозимлигининг бизга сира қизиғи йўқ. Биз Островскийни яхши кўрамиз ва унинг асарларини ўқиймиз, бинобарин, танқиддан бизнинг тилагимиз шуки, у кўпинча бизни беихтиёр завқланишга мажбур қиладиган асарни идрок қилсин, танқид бизнинг ўз таассуротларимизни маълум бир системага солиб берсин ва уларни бизга тушунтириб берсин. Агар у шундай қилиб тушунтириб берганидан кейин бизнинг таассуротларимизнинг хатолиги, натижалари зарарли бўлиши маълум бўлгудай бўлса ёки биз авторда йўқ нарсани унда бор деб айтаётган бўлсак,— унда танқид бизнинг хатомизни очиб ташласин, ўшанда ҳам авторнинг ўзи берган нарсалар асосида очиб ташласин». Биз бу талабларни тамомила тўғри талаблар деб билиб, Островскийнинг асарларига *реал* танқид кўзи билан қарашни — унинг асарлари бизга берган нарсаларни кўздан кечириб чиқадиган *реал* танқидни қўллашни маъқул деб ҳисоблаймиз. Бунда, нима сабабдан Островский характерларни Шекспир сингари тасвирламайди, нима сабабдан ҳажвий ҳаракатларни Гоголь сингари авжига чиқармади, деган* ва шу каби талаблар қўйилмайди. Бундай талабларнинг ҳаммаси, бизнингча, масалан, Островский эҳтиросларни комиги бўлиши лозим ва бизга Мольер тартюфларини ва гарпагонларини яратиб бериши зарур ёки у Аристофанга ўхшаб, комедияга сиёсий тус бериши керак, деган талаблар сингари — кераксиз, фойдасиз ва ўринсиз талаблардир. Албатта, агар Островский ўз шахсида ҳам Аристофанни, ҳам Мольерни ва ҳам Шекспирни бирлаштирса, яхшироқ бўлишини биз инкор қилмаймиз; лекин бундай эмаслигини, бундай бўлиши мумкин эмаслигини биз биламиз,

* Булар ҳаммаси «Атеней» да босилган.

* Доно танқидчилар Островский ҳақида ҳақиқатда шундай фикрларни баён қилган эдилар...

шундай бўлса-да, Островскийни адабиётимиздаги ажойиб ёзувчи деб биламиз. Унинг ўзи шу туришида ҳам ёмон эмас, у бизнинг эътибор бериб ўрганишимизга арзийди, деб биламиз...

Реал танқид шу билан бирга авторга бировларнинг фикрини зўрлаб маъқул қилдиришга ҳам йўл қўймайди. Реал танқид ёзувчи яратган шахслар ва уларнинг ҳаракатлари устидан ҳукм чиқаради; реал танқид ўзида бу шахсларнинг қандай таассурот қолдиришини айтиши керак, агар бу таассурот нотўла, ноаниқ ва икки маъноли бўлса, шу тақдирдагина авторга айб қўйиши мумкин. Реал танқид ҳеч маҳал, масалан: мана бу шахс қадимги хурофотларга мойил экан, лекин автор уни раҳмдил ва бамаъни қилиб тасвирлабди, демак, автор қадимги хурофотларни яхши қилиб кўрсатмоқчи бўлган экан, деб хулоса чиқармайди. Йўқ, реал танқид бунда ҳаммадан бурун фактни кўз олдига келтиради: автор эски хурофотлар билан заҳарланган раҳмдил ва бамаъни кишини тасвирлаб берибди. Танқид сўнгра шундай шахснинг бўлиши мумкинми ва ҳақиқатан борми, деган масалани қараб чиқади; бундай шахснинг бўлиши ҳақиқат эканлигини аниқлаганидан кейин, бундай шахсни яратган сабаблар тўғрисидаги ўз мулоҳазаларига ўтади ва ҳоказо. Агар асари текширилаётган автор бу сабабларни кўрсатган бўлса, танқидчи улардан ҳам фойдаланади ва бунинг учун авторга ташаккур билдиради; агар бундай сабаблар кўрсатилмаган бўлса, «хўш, бундай шахснинг мавжудлиги сабабларини тушунтирмасдан, уни асарингда тасвирлашга қандай журъат қилдинг» — деб авторнинг кекирдагига пичоқ тақаб туриб олмайди. Реал танқид ҳақиқий ҳаёт ҳодисаларига қандай қараса, санъаткорнинг асарига ҳам худди шундай қарайди: реал танқид реал ҳаёт ҳодисаларининг ўз нормасини белгилашга, уларнинг муҳим, характерли томонларини тўплашга ҳаракат қилиб, уларни ўрганади, лекин асло, нега бу жавдар эмас-у — сули, нега олмос эмас-у — кўмир деб жонсарак бўлиб ўтирмайди... Шундай олимлар ҳам ўтган эдики, улар жавдарнинг сулига айланишини исбот қилиши лозим бўлган тажрибалар билан ҳам шуғулланиб кўришган; шунингдек, агар Островский фалон кўринишни мана бундай қилиб ўзгартирса, Гоголнинг худди ўзи бўларди, фалон шахсни мана бундай қилиб тузатса, Шекспирнинг ўзи бўларди, деб исбот қилишга уринган танқидчилар ҳам бор эди... Лекин бундай олимлар билан бундай танқидчиларнинг фан билан санъатга фойдаси оз теккан бўлса керак. Илгари ҳаётда ёки ҳаётни тасвирлаб кўрсатувчи санъат дунёсида яшириниб ётган ёки унчалик равшан бўлмаган бир қанча фактларнинг умумий онг доирасига киритганларнинг фойдаси қайтага кўпроқ бўлди. Агар шу дамгача Островскийга нисбатан бундай бирон иш қилинмаган экан, бу ғалати ҳолат тўғрисида бизнинг ажабланишдан ва

кучимиз ҳамда билимимиз етишига қараб у ҳолатни тузатишга ҳаракат қилишдан бошқа иложимиз йўқ.

Бироқ, Островскийнинг илгариги танқидчилари ҳақидаги гап-сўзни тугатиш учун, уларнинг деярли ҳаммалари қўшилган ва эътибор берса арзийдиган мулоҳазаларини тўплаб кўрсатамиз.

Биринчидан, Островскийнинг мушоҳада истеъдоди ва ўз асарларининг сюжетларини қайси табақалардан олган бўлса, шу табақалар ҳаёти манзараларини тўғри тасвирлаб бера билишини ҳамма тан олади.

Иккинчидан, Островский комедияларидаги халқ тилининг ўрнили ва ўткирлигини (гарчи баъзилар бунга адолат билан тан бермаган бўлса ҳам) ҳамма қайд қилиб ўтди.

Учинчидан, ҳамма танқидчиларнинг фикрига кўра, Островский пьесаларидаги деярли ҳамма характерлар мутлақо оддий характерлардир, уларнинг бирон махсус томони йўқ, улар қандай пасткаш муҳитда ҳаракат қилсалар, шу муҳитдан юқори кўтарилмайдилар. Кўплар, бундай шахслар мутлақо туссиз кишилар бўлиши лозим, деган асосга суяниб туриб, буни авторга айб қилиб қўймоқдалар. Лекин бошқалар ҳаққига кўчиб, мана шу оддий шахсларнинг ҳам жуда ёркин типик хусусиятлари бор, деб айтмоқдалар.

Тўртинчидан, Островский комедияларининг кўпчилигида (жуда завқланиб, уни мақтовчилардан бирининг ибораси билан айтганда) «пьеса плани ва тузилиши ихчам эмас» ва шунинг натижасида (унинг мухлисларидан яна бирининг ибораси билан айтганда) «уларда драматик ҳаракат бирин-кетин ва тобора авж олиб бормайди, пьесадаги интрига пьеса идеяси билан узвий суратда қўшилишиб кетмайди ва пьеса идеясига бир қадар бегонадай бўлиб туради» деган фикрга ҳамма қўшилди.

Бешинчидан, Островский комедияларининг ҳеч кутилмаганда юз берадиган тасодифий ечими ҳаммага маъқул бўлмади. Бир танқидчининг фикрига қараганда, пьесанинг охирида «худди уйда қандайдир бир гирдоб пайдо бўлиб, бир зумда ҳамма қатнашувчиларнинг бошини тескари қилиб юборади».

Островскийдан гап очган ҳар қандай танқидчининг шу дамгача қўшилиб келган фикрлари ана шулар деса бўлади... Биз бутун мақоламизни ҳамма тан олган ана шу фикрларни кенгайтириб баён қилишга мўлжаллаб тузишимиз мумкин бўларди. Шундай қилганимизда, эҳтимол қисматимиз ҳам тузукроқ бўлур эди. Китобхонлар, албатта, бир оз зерикиб қолишарди; лекин биз жуда осон қутулиб олардик, эстетик танқидчиларнинг кўнглини ҳам олган бўлардик, ҳатто — ким билсин? — эҳтимол, бадиий гўзалликлар ва бадиий нуқсонларнинг қадрини яхши биладиган моҳир заршунос деган ном ҳам чиқаришимиз мумкин бўларди. Лекин, афсуски, биз ўзи-

мизда *жамоатчиликни эстетик дид-фаросатли қилиб тарбиялаш* истеъдоди бор деб ҳис қилмаяпмиз, шунинг учун ҳам биз ўзимиз бадиият масаласининг энг инжа тур ва товланишлари ҳақида жуда бамаъни гап сотиб ваъзхонлик қилиш учун устозлик ролини ўйнашни ўзимизга ҳеч эп кўрмаймиз. Бу вазифани Алмазов, Ахшарумов ва шуларга ўхшаган жанобларга бера қолиб, бунда Островскийнинг асарларини текшириб, у тасвирлаган турмуш тўғрисидаги натижаларнигина баён қилиб берамиз. Лекин аввал бадиий талантнинг ёзувчининг абстракт идеяларига муносабати тўғрисидаги бир қанча мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз.

Талантли санъаткорнинг асарларида, унинг асарлари ҳар қанча хилма-хил бўлса ҳам, ҳаммаси учун характерли бўлган ва унинг асарларини бошқа ёзувчиларнинг асарларидан ажратиб турадиган қандайдир умумий бир хусусияти борлигини ҳамма вақт кўриш-пайқаш мумкин. Оддий санъат тилида буни санъаткорнинг *дунёқараши* деб аташ расм бўлиб қолган. Лекин агар биз бу дунёқарашни маълум маштиқий назарияга айлантиришга, уни абстракт формулалар билан ифодалашга ҳаракат қиладиган бўлсак, беҳуда иш қилган бўламиз. Бу абстракт формулалар одатда санъаткор онгининг ўзида бўлмайди: кўпинча у ҳатто абстракт муҳокамаларида ўзининг санъаткорлик фаолиятида ифода қилинадиган нарсаларига тамомила қарама-қарши бўлган тушунчаларни — тўғри деб билиб, қабул қилгани ёки пала-партиш, нуқул ташқи кўринишига қараб тузилган, сохта силлогизмлар воситаси билан ҳосил қилинган тушунчаларни баён қилади. Санъаткор талантини таърифлашда омил хизматини бажарадиган унинг дунёқарашини эса унинг яратган жонли образларидан қидирмоқ керак. Санъткор таланти билан мутафаккир таланти ўртасидаги муҳим фарқ ҳам мана шунда. Аслини олганда фикр қилувчи куч билан ижодкорлик қобилиятининг иккови — философда ҳам, ёзувчида ҳам баббаравар мавжуд бўлади, иккови унга ҳам, бунга ҳам баббаравар зарур. Философлик қилувчи ақлнинг улуғворлиги ва поэтик генийнинг улуғворлиги баббаравар шундан иборатки, бирор нарсага назар ташлаганда унинг муҳим томонларини тасодифий томонларидан дарҳол ажратиб олиб, сўнгра уларни ўз онгингда тўғри уюштира билишинг ва ҳар турли комбинациялар қилишда уларни бемалол ишга солиш имкониятига эга бўлиш учун уларни яхши билиб олишинг керак. Лекин мутафаккир билан санъаткор ўртасидаги фарқ шуки, санъаткорнинг таъсирчанлиги ўткирроқ ва кучлироқ бўлади. Буларнинг иккови ҳам дунёга назарларини ўз онгларига бориб етган фактлардан ҳосил қиладилар. Лекин таъсирчанлиги ўткирроқ, жонлироқ киши, «табиатида санъаткорлик» бор киши теварак-атрофдаги муҳитда унинг кўзига ташланган энг дастлабки муайян фактни кўргани замон бу нарса унга жуда зўр таъсир қилади. Унда ҳали бу фактнинг сабабини тушунтириб бера оладиган назарий мулоҳазалар йўқ; лекин у бунда эътибор беришга арзийдиган қандайдир алоҳида бир нарса борлигини кўради-да, фактнинг ўзига жуда тикилиб қарайди, уни яхшилаб билиб олади, уни аввал ягона бир тасаввур тариқасида юрагида сақлаб юради, кейинчалик унинг ёнига бошқа, худди шундай фактлар ва образлар қўшади, ниҳоят, илгари санъаткорнинг кўзига ташланган шу хилдаги ҳамма жузъий ҳодисаларнинг жамъи муҳим хусусиятларини ўзида ифодалайдиган бир тип яратади. Мутафаккир, аксинча, ундан тез ва унча кучлик таъсирланмайди. Янги хил фактни биринчи кўрганида, бу нарса унда жонли таассурот қолдирмайди; кўп ҳолларда у, бу фактни зўрға пайқаб қолади ва ғалати бир тасодифга йўлиққанда унга назар-писанд қилмай ўтиб кетгандай, ҳатто бу янги фактни яхши уқиб олишга ҳам ҳаракат қилмасдан, у фактни назар-писанд қилмайди. (Албатта, шахсий муносабатлар тўғрисида гапираётганимиз йўқ: шоир сингари, ҳар қандай философ ҳам *фактни* дастлаб кўрганидаёқ ошиқ бўлиб қолиши, жаҳли чиқиши, маъюсланиб қолиши мумкин). Фақат кейинчалик, кишининг онгида кўпгина бир хилдаги фактлар тўпланиб қолганда, таъсирчанлиги заифроқ одам, ниҳоят, бу фактларга эътибор беради. Бироқ, илгари тўпланган ва сезилмасдан унинг онгида жойлашиб ётган айрим тасаввурларнинг ҳаммаси бир бўлиб, унга дарҳол улардан умумий бир тушунча яратишга ва шундай қилиб, жонли воқеликдан олинган янги фактни дарҳол мавҳум ақл доирасига кўчиришга имкон беради. Бунда эса янги тушунчага бошқа идеялар қаторидан тегишли ўрин ахтарилади, унинг аҳамияти аниқланади, ундан хулосалар чиқарилади ва ҳоказо. Бунда мутафаккир,— ёки соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, муҳокама юритувчи киши,— ҳам воқеликдан олинган фактлардан ва ҳам санъаткорнинг санъати туфайли ҳаётдан олиб яратилган образлардан фойдаланади. Баъзан ҳатто шу образларнинг ўзлари муҳокамали кишининг ҳақиқий ҳаётдаги баъзи бир ҳодисалар ҳақида тўғри тушунчалар ҳосил қилишига имкон беради. Шундай қилиб, *ижтимоий ҳаётнинг бошқа вазифалари қаторида санъаткорлик фаолиятининг аҳамияти* тамомила аниқ ва равшан бўлиб қолади: санъаткор яратган образлар ҳақиқий ҳаёт фактларини худди фокусга жам қилиб тўплагандай тўплаб, бу фактлар тўғрисида тўғри тушунчалар яратилишига ва одамлар ўртасида тарқалишига жуда кўп ёрдами тегади.

Бундан шу нарса равшан бўладики, санъаткор ёзувчининг асосий фазилати унинг асарларидаги тасвирнинг *ҳаққонийлигидир;* акс ҳолда бу фактлардан нотўғри хулосалар чиқарилади, ёзувчилар туфайли сохта тушунчалар вужудга кела-

ди. Санъаткорнинг ҳаётни ҳаққоний тасвир қилиши деб нимани тушунмоқ керак? Аслини олганда, ёзувчилар ҳеч қачон *мутлақо ёлғон* нарсани ўйлаб чиқармайди: энг бемаъни роман ва мелодрамаларда ҳам уларда тасвирланган *эҳтиросларнинг* ва разолатлар мутлақо сохта эди деб, айтиб бўлмайди, яъни улар ҳатто бемаъни тасодиф ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин шундай роман ва мелодрамаларнинг *ҳақиқатга хилофлиги* шундан иборатки, уларда ҳақиқий ҳаётнинг моҳиятидан, унинг характерли хусусиятларидан иборат бўлмаган тасодифий, сохта томонлари тасвирлаб берилади. Улар яна шу жиҳатдан ёлғон бўладики, агар назарий тушунчалар шуларга қараб ҳосил қилинадиган бўлса, тамомила сохта идеялар ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, ўз талантини шаҳватпарастлик ҳодисалари ва фаҳшбозликларни мақташга бағишлаган авторлар бор; улар шаҳватпарастликни шундай тасвирлаб берадиларки, агар уларнинг гапига ишонадиган бўлсак, инсониятнинг чин роҳат-фароғати фақат шу шаҳватпарастликдан иборат, эмиш. Бу, албатта, бемаза хулоса, лекин аслида шундай одамлар ҳам бўладики, улар етуклик даражаларига қараб бундан бошқа роҳат-фароғатга ақллари ҳам етмайди... бундан бешбадтар бемаза бошқа ёзувчилар ҳам бўлган, улар дарё-дарё қон оқизган, шаҳарларга ўт қўйган ва ўз вассалларини талаган урушқоқ феодалларнинг қаҳрамонлигини мақтаб, кўкларга кўтаришган. Бу феодалларнинг қаҳрамонлигини тасвирлашда бевосита сохтагарлик усули ишлатилган эмас; лекин улар шундай тасвирлаб берилган, шу қадар мақталган эдики, бу мақтовлар феодалларни мақтаб, кўкларга кўтарган авторнинг дилида инсонлик ҳақиқати йўқлигидан далолат беради. Шундай қилиб, ҳар қандай бир томонламалик ва ғайри оддийликлар санъаткорнинг ҳақиқатга батамом риоя қилишига халақит беради. Демак, санъаткор ё бутун дунёга гўдак бола сингари софдиллик ва соддалик билан қарашига ҳеч доғ тегизмай, уни батамом бедахл қилиб сақлаб қолиши керак, ё бўлмаса (бу ҳаётда мутлақо мумкин бўлмагани учун) ўз қарашини кенгайтириш имкониятидан фойдаланиб, муҳокама юритувчи кишилар ҳосил қилган умумий тушунчаларни уқиб олиб, ўзини бир томонламаликдан эҳтиёт қилиши лозим. Илмнинг санъат билан алоқаси шу бўлиши мумкин. Энг юксак мавҳум муҳокамаларни эркинлик билан жонли образларга айлантириш ва шу билан бирга, ҳаётдаги ҳар қандай, энг жузъий ва тасодифий фактдаги энг олий, умумий маънони батамом англаб олиш — фан билан поэзиянинг батамом қўшилишиб кетишидан иборат бўлган ва шу дамгача ҳали ҳеч ким эриша олмаган идеалдир. Лекин ўзининг умумий тушунчаларида тўғри асосларга амал қиладиган санъаткорнинг ҳар ҳолда илмсиз ёки сохта билими бор ёзувчидан афзаллиги шуки, бундай санъаткор ўзининг санъаткорлик табиатига эркинроқ қулоқ сола олади. Унинг ўз

ҳиссиёти ҳамма вақт унга тўғри йўл кўрсатиб туради; лекин унинг умумий тушунчалари сохта бўлса, унда кураш, шубҳа, беқарорлик бошланиши турган гап, ва агар булар натижасида унинг асари тамомила сохта асар бўлиб кетмаса ҳам, ҳар ҳолда бўш, рангсиз ва номукаммал асар бўлади. Аксинча, санъаткорнинг умумий тушунчалари тўғри бўлса ва унинг табиатига ҳамоҳанг бўлиб тамомила ёпишиб тушса, у ҳолда бу ҳамоҳанглик ва бирлик асарда ҳам акс этади. Ў ҳолда воқелик асарда ёркинроқ ва жонлироқ акс этади ва асар муҳокама юритувчи кишини тўғри хулосалар чиқаришга тезроқ олиб бориши ва, бинобарин, ҳаёт учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Агар биз шу айтилган гапларнинг ҳаммасини Островский асарларига татбиқ қилсак ва юқорида унинг танқидчилари тўғрисида айтганларимизни ёдга олсак, унинг адабий фаолияти ички бадиий туйғулар билан ташқаридан уқиб олинган мавҳум тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан келиб чиқадиган иккиланишлардан унчалик ҳоли эмас эди, деб иқрор қилишимиз лозим бўлади. Островский комедияларида тасвирланган фактларнинг маъноси тўғрисида танқиднинг бутунлай қарама-қарши хулосалар чиқарганлигининг сабаби ана шу иккиланиш ҳолларидир. Албатта, Островскийни, у эркинликдан воз кечишни, аҳмоқона итоатгўйликни, қулликни ва ҳоказоларни тарғиб қилади, деб айблашга сабаб кўпроқ танқидчиларнинг бефаросатлигидир; лекин демак, ҳар ҳолда авторнинг ўзи ҳам ўзини шу хилдаги айб тақишлардан етарли даражада ҳимоя қилмаган. Дарҳақиқат, «Бегонанинг чанасига ўтирма», «Камбағаллик айб эмас» ва «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» комедияларида бизнинг қадимги ҳаётимизнинг энг ёмон томонлари амалда шундай тасодифлар билан безаб кўрсатилганки, улар қадимги ҳаётимизнинг бу ёмон томонларини ёмон деб ҳисобламасликка мажбур қилгандай бўлади. Шу номлари кўрсатилган пьесаларга асос қилиб олинган бу тасодифлар авторнинг уларга аслидан кўра кўпроқ аҳамият берганлигини исботлайди, бинобарин, шу нотўғри қараш асарларнинг яхлитлигига ва ёркинлигига зарар келтирган. Лекин бевосита бадиий туйғу кучи бунда ҳам авторни ёлғиз қолдирмаган, шунинг учун ҳам унинг тасвирлаб берган айрим ҳолатлари ва айрим характерларининг асл ҳақиқатлиги ҳамма вақт мана мен деб кўзга ташланиб туради. Островский камдан-кам ҳоллардагина идеяга жуда қизиқиб кетиб, характерларни ёки айрим драматик ҳолатларни тасвирлашда зўрма-зўракиликка йўл қўяди, масалан, «Бегонанинг чанасига ўтирма»даги Русаковнинг шармандаи-шармисор бўлиб қолган қизини Бородкин ўзига хотин қилиб олмоқчи бўлганини билдирган кўринишда шундай зўрма-зўракилик бор. Пьесанинг бошидан то охиригача Бородкин қадим замондагидай олижаноб

ва раҳмдил қилиб кўрсатилади; унинг энг кейинги қилган иши бўлса Бородкин мансуб бўлган табақа одамларининг хулқ-атворига асло тўғри келмайди. Лекин автор бу шахсга ҳар хил яхши сифатлар бағишламоқчи бўлган, шулар жумласидан, унга ҳатто ҳақиқий Бородкинларнинг тепа сочини тикка қилиб, даҳшатга келтирадиган сифат ҳам берган. Аммо Островский асарларида бундай зўрма-зўракилик жуда камдан-кам учрайди: бадиий ҳақиқат туйғуси уни ҳамиша бундай ҳоллардан сақлаб келган. У худди шу ҳақиқатга содиқ бўлиб қолиш ниятида кўпроқ ўз идеясидан қайтгандай бўлиб кўринади. Островскийни нима бўлса ҳам ўз партияларига тарафдор қилишни орзу қилиб юрган кишилар, бизнинг айни муддаомиз бўлган фалон фикрни ўз асарида етарли даражада равшан ёритиб бермаган, деб кўпинча унга таъна қилишган. Масалан, баъзи бир танқидчилар «Камбағаллик айб эмас»да катталарга бўйсуниш ва итоатгўйликнинг тантанасини кўришни орзу қилиб, пьесадаги воқианинг ечими ювош-мўмин Митя хулқ-атворининг зарур оқибати эмас, деб Островскийдан таъна қилишган эди. Лекин автор бундай ечимнинг аслида бемаъни ва бадиий жиҳатдан сохта бўлишига ақли етиб, шунинг учун ҳам Любим Торцовни воқиа ечимига тасодифан аралаштирган. «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма»даги Пётр Ильич образи учун ҳам автордан таъна қилишган. Бундай танқидчиларнинг фикрича, Островский Пётр Ильични рус кишисига айниқса, айш-ишрат қилиб юрган рус кишисига хос бўлган кенг феъл, бениҳоя ҳимматдан маҳрум қилиб тасвирлаган. Лекин авторнинг санъаткорлик туйғуси қўпғироқ товушини эшитиб эс-ҳушини йиғиштириб оладиган Пётрнинг қўли очиқ, ҳиммати зўр, дали-ғули руслардан эмас, балки анчайин майхоналарни обод қилиб юрадиган саёқ бир одамлигини пайқаб, тушуниб олишга имкон берди. «Сердаромад жой» учун ҳам жуда қизиқ-қизиқ таъналар эшитилган эди. Нима сабабдан, Островский Жадов сингари ёмон бир кишини ният ҳалол одамлар вакили қилиб тасвирлабди ҳам дейишди; Островский асарларидаги порахўрлар жуда разил ва овсар одамлар, деб жаҳллари ҳам чиқди, шу билан бирга, улар, «порахўрликни, лаганбардорликни *атайин ва жуда усталик билан* расм қилиб, авж олдираётган, уни қувватлаётган, давлат ва ижтимоий организмга янги-янги элементларнинг киритилишига қаршилик кўрсатиш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилиб *зўр бераётган кишиларни* жамоатчилик муҳокамасига ташлаб шармандаи-шармисор қилса анча яхши бўларди», деб ўз фикрларини айтишди. Талабчан танқидчи яна қўшимча қилиб, шундай бўлса, «биз икки партиянинг гоҳ бўрондек қаттиқ, гоҳ усталик қилиб бардош бериладиган можароларини жонимиз билан томоша қилардик» дейди. («Атеней», 1858 йил, 10-сон). Бундай ис-

так, абстракт тарзда олиб қараганда, тўғри бўлса ҳам, лекин Островский тасвирлаган зулмат дунёсини танқидчи мутлақо тушунмаганини исбот қилиб беради, бундай истакнинг ўзи фалон шахслар нима учун разил, фалон ҳолатлар нимз сабабдан тасодифий, фалон тўқинишлар нега заиф чиққан, деган ҳар қандай англашилмовчиликларнинг олдини олиб қўяди. Биз ҳеч кимни ўз фикримизга зўрлаб кўндирмоқчи эмасмиз; лекин бизнинг фикримизча, агар Островский бизнинг порахўрларимизни тўғри уюштирилган онгли партия қилиб тасвирлаб бермоқчи бўлса, ҳақиқатни бузган бўларди, рус ҳаётига тамомила ёт ҳодисаларни унга тўнкаган бўларди. Бизда қаерда бундай партиялар борлигини кўрдингиз? Билиб туриб, ўйлаб қўйилган қадамлар изини сиз қаерда кўрдингиз? Ишона беринг, агар Островский шундай одамлар ва шундай ҳаракатларни ўйлаб чиқарадиган бўлса эди, воқианинг бошланиши ҳар қанча драматик бўлса ҳам, пьесадаги ҳамма характерлар ҳам қанча яққол қилиб тасвирланса ҳам, барибир бутун асар жонсиз ва сохта асар бўлиб қола берарди. Ҳали ҳам бу комедияда Жадов образида сохта оҳанглар бор; лекин уни ҳам авторнинг ўзи ҳамма танқидчилардан бурун пайқаб олган. Автор пьесанинг ўрталарига борганда ўз қаҳрамонини дастлабки кўринишларда чиқиб олган мартабасидан пастга туширади, сўнгги пардада бўлса, уни ўз зиммасига олган курашига ҳеч қобилияти йўқ шахс қилиб кўрсатади. Биз бунда Островскийга ҳеч қандай айб қўймаслигимиз бу ёқда турсин, аксинча, ёзувчи таланти-нинг зўрлигидан шундай қилган деб биламиз. Жадовнинг жуда чиройли сўзларига автор, шубҳасиз, хайрихоҳлик билан қараган; лекин шу билан бирга у, Жадовни шундай ажойиб ишлар *қилишга* мажбур этиш ҳақиқий рус ҳаётини бузиб кўрсатиш эканлигини ҳам пайқаган. Бунда бадиий ҳақиқат талаби Островскийни ташқи тенденцияга қизиқиб кетишдан қайтарган ва жаноб Сологуб ва Львовларнинг йўлидан бормасликка ёрдам қилган. Бу уқувсиз маҳмадоналарнинг қилмишлари машиналик қўғирчоқ ясаб, уни *ҳалол чиновник* деб аташ ҳеч қийин иш эмаслигини кўрсатади; лекин у қўғирчоққа жон киргизиш ва уни инсон сингари гапириш ва ҳаракат қилишга мажбур этиш осон гап эмас.[7] Островский ҳалол чиновникни тасвирлаб бермоқчи бўлиб, ҳамма ерда ҳам бу қийинчиликни бартараф қилолган эмас; лекин, ҳар ҳолда, унинг комедиясида кўп жойда Жадовнинг тамтароқ гаплари орасидан инсон табиати кўзга ташланиб туради. Киши табиатини мана шундай пайқаб олишни, киши дилининг ич-ичларига кириб бориб, унинг ташқи, расмий муносабатларини тасвирлашдан қатъий назар, унинг ҳис-туйғуларини билиб олишни — Островский талантидаги энг муҳим ва энг яхши хусусиятлардан бири деб биламиз. Шу сабабдан ҳам доно танқидчилар, Островский характер-

ни тасвирлашда бизнинг муддаомиздаги асосий мотивга содиқ бўлиб қолмади, деб унга таъна қилганларида, биз уни ҳамиша шу таънадан халос қилишга тайёрмиз.

Худди шунингдек, биз Островский комедияларининг ечими тасодифий ва бемаъни, деган таъналарни ҳам ноўрин деб биламиз. Автор тасвирлаб бераётган ҳаётнинг ўзидаки бамаъниликдан бўлмагандан кейин, бамаъниликни ёзувчи қаердан олсин? Шубҳасизки, одамни пияницаликдан сақлаш учун қўнғироқ товушидан кўра кўпроқ таъсир қиладиган бирон бир важ топиб кўрсатиш Островскийнинг қўлидан келар эди; лекин Пётр Ильичнинг ўзи ҳеч қандай важ-пажигни тушунмайдиган одам бўлгандан кейин иложинг қанча? Бировнинг миясига ўз ақлингни қуйиб қўёлмайсан, халқ ўртасидаги мутаассибликни ўзгартиролмайсан. Бу мутаассибликка ушинг ўзида йўқ бирон маънони бериш — уни бузиб кўрсатиш ва шу мутаассиблик намоён бўлиб турадиган ҳаётнинг ўзини сохталаш демакдир. Бошқа масалаларда ҳам худди шундай: — бир текисда ўйлаб мулоҳаза қилиб бир мақсадга интилувчи ўзгармас драматик характерлар яратиш, яхши мулоҳаза қилиб кўрилган ва усталик билан татбиқ қилинадиган интригаларни ўйлаб топиш — рус ҳаётида мутлақо йўқ нарсани зўрма-зўракасига рус ҳаётига киритиш демакдир. Виждонан айтганда, ичи қора фисқи-фасодчиларни, уззукун ёвузлик қилувчиларни, билиб туриб иезуитлик қилувчиларни ҳеч ким умрида учратган эмас. Агар бизда бирон киши разиллик қилар экан, кўпроқ характери заифлигидан шундай қилади; агар муттаҳамлик қилиб одамларга фириб берса, бунинг сабаби кўпроқ шуки, теварак-атрофидаги кишилар жуда ҳам аҳмоқ ва лақма; бирор агар бошқаларга зулм қилса, бунинг сабаби кўпроқ шуки, бунинг учун ўлиб-тирилиб ўзини қийнаб ҳам ўтирмайди: шундай ҳам ҳамма лақма ва итоатгўй. Бизнинг фисқи-фасодчиларимиз, дипломатларимиз ва ички қораларимиз доимо бир шахматчини ёдимга тушириб туришади, бу шахматчи менга бир вақт мана бундай деган эди: «ўйнайдиган ўйинингни илгаритдан чамалаб қўйишинг мумкин деган гап бўлмағур гап; шахмат ўйновчилар бекорга мақтанишади; аслида уч юришдан ортигини олдиндан кўриб қўйишинг мумкин эмас». Шундай деган шахматчи кўп ўйинчиларни ютарди: демак, бошқа ўйинчилар уч юришни ҳам ҳисоблаб кўра олмас экан, бурунлари тагида турганини кўришаркан, холос. Бизнинг бутун рус ҳаётимиз ҳам худди шундай: кимки уч қадам нарини кўрса, у одам доно ҳисобланади ва у минглаб кишиларни алдаб, тузоққа илинтириши мумкин, бунда эса, санъаткор рус терисидаги қандайдир Тартюфлар, Ричардлар, Шейлокларни тасвирлаб берсин, эмиш! Бизнинг фикримизча, бундай талаб асло бизга тўғри келмайди ва ундан нуқул схоластиканинг ҳиди келиб туради. Схоластик талабларга мувофиқ, санъат

асарида тасодифга йўл қўйилмаслиги лозим: унда ҳамма нарса қатъий мулоҳаза қилиб қўйилган бўлиши лозим, ҳамма нарса бир нуқтадан, мантиқий зарурат билан изчил ва *шу билан бирга табиий суратда* баён қилиниб бориши лозим!.. Лекин, агар *табиийлик мантиқий изчилликнинг* бўлмаслигини талаб қилса-чи? Схоластикларнинг фикрича, сюжетдаги тасодифийлик мантиқий зарурат талабига тўғри келмайдиган бўлса, бундай сюжетларни олиш керак эмас. Бизнинг фикримизча бўлса, ҳамма сюжетлар улар ҳар қандай тасодифий бўлса ҳам, бадиий асар учун ярай беради ва шундай сюжетларда табиийлик йўлида ҳатто мавҳум мантиқийликни ҳам қурбон бериш керак. Шу билан бирга бунда, табиат сингари, ҳаётнинг ҳам ўз мантиқи борлигига ва бу мантиқ, эҳтимол, бизнинг кўпинча ҳаётга мажбураш тиқиштирадиган мантиқимиздан анча яхши бўлиб чиқишига батамом ишониш керак... Айтмоқчи, бу масала санъат назариясида ҳали жуда ҳам янги масала, шунинг учун ҳам, биз ўз фикримизни қатъий бир қонда қилиб кўтариб чиқмоқчи эмасмиз. Биз фурсатдан фойдаланиб, Островский асарлари тўғрисида шу масаладаги ўз фикримизни баён қилиб ўтмоқчимиз, холос. Островскийнинг асарларида эса ҳамма ерда турмуш фактлари қандай бўлса, уларни шу ҳолича олиб қараш биринчи ўринга қўйилганини ва ҳатто асардаги мантиққа қаттиқ ёпишиб олишга бир қадар нафрат кўзи билан қаралганлигини, шунга қарамасдан, унинг комедияларининг қизиқлигини ва мазмунли эканлигини кўриб турибмиз.

Биз мана шу қисқача мулоҳазаларимизни айтганимиздан кейин, мақоламиздаги асосий масалага ўтишдан олдин, яна баъзи бир нарсаларни писанда қилиб қўйишимиз лозим. Биз бадиий асарнинг асосий қиммати унда ҳаётнинг ҳаққоний тасвир қилингани деб эътироф қилиб, шу билан бирга ҳар бир адабий ҳодисанинг *қиммат даражаси* ва аҳамиятини белгилаб берадиган андазани ҳам кўрсатиб берамиз. Ёзувчининг кўзи воқеалар моҳиятини қанчалик чуқур кўрганига, у ўз асарларида ҳаётнинг турли томонларини қанчалик кенг кўламда қамраб олганига қараб, унинг таланти қанчалик буюк эканлиги тўғрисида ҳукм чиқариш ҳам мумкин бўлади. Бусиз ҳамма гап-сўзлар беҳуда бўлади. Масалан, жаноб Фетнинг таланти бор-у, жаноб Тютчевнинг таланти бор: уларнинг бир-бирига нисбатан аҳамияти қандайлигини қандай белгилаш керак? Шубҳасиз, уларнинг ҳар бирининг идрок доираси қандай бўлса, шу доираларни қараб чиқиш йўли билангина белгилаш мумкин. Шундай қилганда маълум бўладики, бирининг таланти табиатдаги сокин ҳодисалардан олинган бир лаҳзали таассуротларни пайқаб олишдагина бутун кучи билан намоён бўлади; иккинчиси бўлса, бундан ташқари, фақат табиий ҳодисалар туфайлигина эмас, балки шу билан бирга ахлоқ-одоб масалалари туфайли, ижтимоий ҳаёт манфаатлари ту-

файли қўзғаладиган оташин эҳтиросни ҳам, бераҳм гайратни ҳам, чуқур тафаккурни ҳам пайқаб олишга қурби етади. Аслини олганда, ҳар иккала ёзувчининг талантига бериладиган баҳо мана шуларнинг ҳаммасини кўрсатишдан иборат бўлиши лозим эди. Шундай бўлганда китобхонлар у ёзувчининг ҳам, бу ёзувчининг ҳам адабиётда қандай ўрин тутишини ҳеч қандай эстетик муҳокамаларсиз ҳам (бу муҳокамалар одатда жуда хира бўлади) билиб олишарди. Биз Островскийнинг асарларини худди шундай қилмоқчимиз. Бундан илгариги гапларимизнинг ҳаммаси бизни шу дамгача, Островский асарларида доимо воқеликнинг тўғрилигига, турмушнинг ҳаққонийлигига амал қилинади ва бу нарсалар ҳамма вазифалардан ва ёмон ниятлардан олдинда, биринчи ўринда туради, деб тан олишга олиб келди. Лекин бу ҳали кифоя қилмайди: ахир, жаноб Фет ҳам табиатнинг ноаниқ таассуротларини жуда тўғри ифода қилади, лекин бундан асло, унинг шеърлари рус адабиётида катта аҳамиятга эга деган хулоса чиқариб бўлмайди. Демак, Островскийнинг таланти ҳақида бирон аниқ фикр билдириш учун у воқеликни тўғри тасвирлаб беради, деган умумий хулоса билан кифояланиб қўя қолиш мумкин эмас; бундан ташқари яна унинг мушоҳада доираси қанчалик кенг эканлигини, фактларнинг унинг эътиборини ўзига тортадиган томонлари на қадар муҳимлигини ва Островский бу фактларни қанчалик чуқур ўрганишини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг учун ҳам унинг асарларида бор нарсаларни реал нуқтаи назардан қараб чиқиш зарур.

Шундай нуқтаи назардан қараб чиқишда биз қуйидаги умумий мулоҳазаларга амал қилишимиз лозим:

Островский киши қалбининг ич-ичларини кўра билади, кишининг *табиатини* — унга ташқаридан илашиб қолган майриқлардан ва ортиқча нарсалардан ажрата билади; шунинг учун ҳам унинг асарларида одамни босиб-эзиб ётган ташқи зулм, шароитнинг бутун оғирлиги, мазмуни жиҳатдан кишини жуда ҳам дарғазаб қиладиган, лекин воқеанинг ташқи, расмий томони жиҳатидан маънавиятни, инсонлик фазилатларини бутунлай тўсиб қўйган кўп ҳикоялардагига нисбатан анча кучли сезилиб туради.

Островскийнинг комедияси жамиятимизнинг юқори табақаларига тақилмай, фақат ўрта табақалари билан чекланиб қўя қолади, шунинг учун ҳам комедияда тасвирланган бир кўп қайғули воқеаларнинг сабабини очиб, тушунтириб бериш мумкин эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, унинг комедияси кишини комедияда бевосита тақилмаган турмушга тааллуқли бир кўп шундай мулоҳазаларга ҳам олиб бориши ҳеч гап эмас; бунинг сабаби шуки, Островский комедиясидаги типларда, кўпинча нуқул савдогар ёки чиновникларнинг хусусиятларигина эмас, балки умум халқ хусусиятлари ҳам тасвирлаб берилган.

Островский комедияларида ижтимоий ишларга оз тақилган. Бунинг ҳам, шубҳасиз, сабаби шуки, бизнинг ҳар хил расмиятчиликларга тўлиб-тошган гражданлик ҳаётимизнинг ўзи *кишининг* бемалол ва кенг кўламда ифода қилинишига имкон берадиган ҳақиқий фаолият доирасини бўлолмайди, деса бўлади. Аммо Островский асарларида икки хил муносабат — киши ҳали ўз дили, кўнглини татбиқ қилиши мумкин бўлган *оила* муносабатлари ва *мулк* муносабатлари жуда тўла ва яққол тасвирлаб берилган. Шунинг учун ҳам, Островский пьесаларининг сюжетлари ва номларининг ўзи оила, куёв, келин, бойлик ва камбағаллик атрофида айланиб юриши бежиз эмас.

Островский пьесаларидаги драматик коллизиялар ва ҳалокатларнинг ҳаммаси икки табақа — *катталар* билан *кичикларнинг, бойлар* билан *камбағалларнинг, ўзбошимчалар* билан *беозорларнинг* бир-бирига тўқнаш келиши натижасида юз беради. Бундай тўқнашларнинг оқибати аслида жуда кескин ва тасодифан бўлиши равшан бир нарса.

Мана шу дастлабки мулоҳазаларимиздан кейин, энди Островский асарларининг бизга очиб берган дунёсига қадам қўямиз ва бу *зулмат дунёсида* яшовчиларга диққат қилиб кўз ташлашга ҳаракат қиламиз. Биз уни *зулмат дунёси* деб аташимиз бежиз эмаслигига кўп ўтмай ўзингиз ҳам қаноат ҳосил қиласиз.

II

Қаердаки қаттиққўллик кўпроқ бўлса,
у ерда гуноҳ ишлар ҳам кўпроқ бўлади.
Инсоф қилиб ҳукм чиқармоқ керак.

Островский.

Укаларимизнинг ғамгин ва мутеъ юзларини кўриб турибмиз. Тақдир уларни қарамлик билан ғам-ғусса ичида кун ўтказишга маҳкум этган. Нозик табиат Митя, таралабедод Андрей Брусков, камбағал келин Марья Андреевна, шарманда бўлган Авдотья Максимовна, бахтсиз Даша билан Надя — кўз олдимизда тақдирга тан бериб, бошларини қуйи солиб, дамларини чиқармай маъюс турадилар... Булар — нафаси ичига тушиб кетган, кишига билдирмай ичида оҳ чекувчилар дунёси, тўпос ва лўқ-лўқ оғриқ дунёси, худди турма ва гўристондагидай мудҳиш жимжитлик дунёси. Фақат аҳён-аҳёнда ожиз ва заиф бир нола бу дунёнинг жимлигини бузади. Бироқ бу нола ҳам пайдо бўлиши ҳамон қўрқа-писа сўниб қолади. На ёруғлик бор, на иссиғлиғу на эркинлик; бу қоп-қоронғи тор зиндондан чирик ва зах ҳиди келиб туради. Эркин ҳаводан на бирон товуш киради унга, на бирон ёруғ кун шуъласи тушади.

Унда ҳар бир инсон қалбида ифлос ҳаёт ботқоғи қоплаб олгунча гуриллаб ёниб турувчи муқаддас аланга учқуни баъзибаъзида ярқ этиб кўриниб қолади. Зах ва сассиқ зиндонда бу учқун милт-милт қилиб туради, бироқ, баъзан, бир дақиқа учқун лов этиб ёниб, азоб-уқубат ичида ётган маҳбусларнинг маъюс гавдаларига ҳақиқат ва эзгулик нурини сочади. Шу бир дақиқа ёруғ тушганда бизнинг ога-иниларимиз бунда азоб чекиб ётганини, ёввойилашиб кетган, тилдан қолган, ҳамма ёғи ифлос бу махлуқларнинг инсонлигини таниб олиш мумкинлигини биламиз-да, алам ва даҳшатдан юракларимиз эзилиб кетади. Бу бечора шўрлик маҳбусларнинг тили, гапга келмай қолган — улар қаттиқ зарб еб лол бўлиб қолгандай, кишанларини шақирлатишни ҳам билмайдилар; улар ҳатто бу азоб-уқубатларини англаш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлгандай; лекин, шундай бўлса ҳам, улар бошларига тушган жабр-жафоларни сезиб турадилар, улар жабр-жафо сезиш қобилиятидан маҳрум бўлган эмас. Улар дамларини чиқармай, қимир этмай жабру жафога чидаш бериб ётган бўлсалар, бунинг сабаби шуки, бу қўланса муҳитдаги ҳар бир фарёд, ҳар бир юракдан чиққан оҳ уларни бўғизидан олади, кўкракларига ханжардай санчилади, кишан зарбидан оғир тортиб кетган аъзойи баданларининг ҳар бир ҳаракати яна ҳам қийинлашиб, аҳволларини бешбадтар оғирлаштиради. Уларни қувонтирадиган нима бор, дейсиз; нажот кутишга кимлари бор дейсиз: ақлга тўғри келадиган ҳеч қандай ҳуқуқ ва талабларни тан олмайдиган ҳар хил Торцовлар (Большовлар), Уланбековлар, Брусковлар ва шу кабилардан иборат бемаъни-бемаза *бебошлик* қутуриб, ҳеч нарсадан тап тортмай, улар устидан ўз ҳукмини юргизиб турибди. Бу зулмат сокинлигини унинг ваҳшиёна, хунук бақириқларигина бузиб, бу мудҳиш инсон фикри ва иродаси гўристонида ҳаммани қўрқувга солиб, тўс-тўполон қилиб турибди.

Лекин бу шўрлик кишиларнинг ҳаммаси жонсиз мурда эмас, улар қоронғи гўрда туғилиб, шунда кун кечираётган кишилар эмас. Бир замонлар, гарчи қисқа муддат бўлса ҳам, бегам гўдаклик чоғларида улар ҳам худонинг эркин ёруғ кунини кўришган, улар қўланса зиндонда ҳам, аччиқ жабри-жафога тутқун бўлганларида ҳам шу олтин замонларни ёдларидан чиқармайдилар. Бирон бир зўравоннинг бебошлик қилиб бақиришлари, қўлини палахса қилиб дағдаға қилишлари бепоён эркин ҳаёт имкониятларини, эркин фикр ва оташин юракдан чиққан мағрур ғайрат нидоларини,— бу жафокаш шўр пешоналарнинг эзиб-янчиб ташланган бўлса ҳам, лекин ному нишонсиз йўқ бўлиб кетмаган ғайрат нидоларини уларнинг эсига тушириб туради. Шу билан зимистонда норозилик, ожизона ғазаб ва тўпос ғайрат ва шижоатнинг қолдирган қора доглари ҳаракатга кела бошлайди, тўлқинланган жаҳаннам юзасига сузиб чиқмоқчи бўлади ва сувни бўлғаб, лойқалатиб сузиб чи-

қиб, бу жаҳаннамни яна ҳам ёмонроқ, яна ҳам даҳшатлироқ ҳолга келтиради. Жонли фикрга, самимий сўзга, олижанобликка эрк йўқ, ҳурлик йўқ; барала очиқ, кенг фаолиятнинг оёғига оғир зулм кишани солинган. Лекин киши ҳали тирик экан, унинг умр кўриш орзусини, яъни бир амаллаб ҳаракатлари билан ўзини кўрсатиш орзуларини йўқ қилиб ташлаш мумкин эмас. Унинг бу орзуси қанчалик кўпроқ сиқувга олинса, унинг кўринишлари шунчалик хунуклашиб боради; лекин одам боласи ҳали жон бермаган экан, унинг ҳеч орзуси *бўлмаслиги* мумкин эмас. Торцовлар, Брусковлар ва Уланбековларнинг бу зулмат дунёсидаги зўравонлиги шундайки, кўп кишилар бу дунёда ҳақиқатан жонидан жудо бўлади, уларнинг маъноси ҳам қолмайди, иродасидан ҳам, ҳатто юрак туйғусидан ҳам маҳрум бўлади — бамаъни-бафаросат ҳаёт деган ҳамма нарсадан маҳрум бўлади-да, ожиз жиннилардай харобаликда куй кечиради, худди ҳайвон сингари умр кўради. Лекин жоши қаттиқ кишилар ҳам бор: улар норозилик аламини ичларига йиғиб юрадилар-да, хонаси келганда уни ишга соладилар, унгача ўзлари шарпаларини ҳам билдирмасдан худди илон сингари сирғалиб юрадилар, сувилондай, чўлбақадай ғужанак бўлиб, тўлғаниб, буралиб-буралиб юрадилар... Уларнинг тили гапдан қолган, ҳеч овозлари чиқмайди, кишининг кўзига ҳам кўринишмайди; қулоч ёйиб тезлик билан қилинадиган ҳар қандай ҳаракат ўз бошларига бало бўлиб, кишанланган таналарини ундан ҳам ёмон азобга қўйишига ақллари етади. Улар кишандан халос бўлиш ниятида талпинсалар, турмадан қочиб қутула олмасликларини, балки кишаннинг ҳар тўлғаниши баданларидан парча-парча гўштларини узиб олишини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар дамларини чиқармай, ғинг демай ишга киришадилар: улар энгашиб, у ёқдан-бу ёққа айланиб, сиқилиб-қисилиб, кишанни арралаб ташлаш учун киши билмас қўлларимизни бўшатиб олсак бўлармикин деб, қўлларидан келганча ундоғ ҳам уриниб кўришади, бундоғ ҳам уриниб кўришади... Бирон кишининг кўзи тушиб, пайқаб қолмасин деб, олазарак бўлиб, худди ўғрилардай, ора-сира ҳаракат бошланади; алдамчилик, разиллик, айёрлик, ёвузликлар, теварак-атрофдагиларга кўз олайтиришлар бошланади, ҳамма фақат ўзини, ўз тинчлигини кўзлаб қолади. Бунда ёмон ният билан бирон мўлжал қилиб қўйиш деган нарса ҳам йўқ, тун-кун киши билмас кураш олиб бориш деган нарса ҳам йўқ, ҳатто бирон айтадиган айёрлик ҳам йўқ; бу беихтиёр ўз омонлигингни кўзлаб қилинган ҳаракат, холос, ташқи ҳолатлар туфайли мажбуран қилинган, лекин асло ўйлаб кўриб, бирон яхши мулоҳаза билан қилинган ҳаракат эмас. Биз баъзан кўзимизга тутун кирганда, йиғиб кетганимизда ёки хрен чайнаганда кўзимиздан ёш чиқиши, тўсатдан ёруғликка чиқиб қолганимизда кўзимизни беихтиёр қисиб олишимиз, совуқ еганда аъзойи баданимиз беихтиёр жунжиб сиқилиши сингари бу

одамлар ҳам, очиқчасига, хурсандчилик билан ҳақ иш қилиш мумкин бўлмаганидан, беихтиёр ва онгсизлик билан айёрлик, доғулилик ва қўпол шахсиятпарастликка кириши кетади... Гарчи бу одамлардан эҳтиёт бўлиш лозим бўлса ҳам, лекин уларни айблаб бўлмайди: улар нима қилаётганларини ўзлари ҳам билишмайди. Улар қамчин ва калтак зарбидан безор бўлиб қолганларидан, худди қулдай тарбияланганликларидан, ҳамиша бир бурда нонсиз қолишдан ваҳима босиб кун кўриб келганликларидан, қул сингари ҳаёт кечириб турган бу кишилар бутун кучларини сарф қилиб, қуллик фазилатларининг энг муҳимларидан бири бўлган — уялмай айёрлик қилиш ҳунарини ўрганиб олишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг уяладиган нимаси ҳам бор дейсиз, уларнинг ҳурмат қиладиган қандай ҳақиқат ва ҳуқуқлари бор дейсиз? Ахир, зўравонлик улар устидан ҳукмини юргизиб, ҳеч бир ҳақи бўлмагани ҳолда, бекордан-бекорга, виждонсизлик қилиб, уларни янчиб ҳалок қилиб турибди-ку! Шундай зулм остида тарбияланган кишиларда ахлоқ бурчи, чин ҳалоллик ва ҳуқуқ деган нарсалар нима қилиб юрибди дейсиз? Шу сабабдан ўтакетган муттаҳамлик уларга жуда таърифи кетган қаҳрамонликдай, энг ифлос алдамчилик жуда уддабуронликдай бўлиб кўринади. Улар сизни алдаши, бирор нарсангизни ўғирлаб олиши мумкин. Бирон ерингизга пичоқ уриши мумкин, лекин шундай қилса ҳам сизга астойдил илтифот қилиб, самимий муносабатда бўлади, ҳеч пинагини бузмай, сиз билан жуда хушмуомала бўлади ва яна кўпдан-кўп ажойиб олижаноблик фазилатларини кўрсатади. Уларнинг табиатида асло ёвузлик йўқ, хонлик ҳам йўқ; лекин улар зўравон бебошларнинг дастидан тиқилиб қолган ботқоқдан қутулиб олишнинг бирон иложини қилишлари керак: улар анави ўзбошимча зўравонлар бемалол тарала-бедод қилиб юрган тоза ҳавога алдамчилик ва пул билан чиқиб олиш мумкинлигини биладилар; шу сабабдан улар муғомбирлик, лаганбардорлик, алдамчилик қиладилар, бировларнинг мол-мулкини майда-чуйдалаб ҳам, улгуржи қилиб ҳам, лекин ҳамиша киши билмас қилиб ўз ёнларига сола бошлайдилар. Бу мол-мулк бировники бўлса нима бўлибди? Ахир, уларнинг ҳам бор-бурдларини тортиб олишган-ку, *уларнинг эркинлигини, фикрини ҳам* тортиб олишган-ку; шундай бўлгандан кейин, ҳалол иш нима-ю, ҳаром иш нима деб муҳокама қилишни улар қаердан билсин? Нимага ўз фойдангни кўзлаб бошқани алдагинг келмасин?

Шундай қилиб, Островский тасвирлаб берган зулмат оламида ташқи итоатгўйлик ва ўтакетган жаҳолат ва жуда расво бўлиб инсонлик қиёфасидан маҳрум бўлиш даражасига етган тўпос, маъюс дарди-алам қуллардай айёрлик, разилона алдамчилик, уччига чиққан доғулилик билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу дунёда биров бировга ишониши мумкин эмас: сизнинг ошнангиз ҳар қадамда сизни боплаб ҳисобдан ургани

ёки сизнинг мол-мулкингизга қўл урганини гапириб мақтаниши мумкин; бирон мўмайроқ пул чиқиб қоладиган қаллоблик-да шерикларидан бирови ҳамма пул ва ҳужжатларни ўз ёнига солиб олиб, ўртоғини қарз бандиси қилиб чуқурга итариб юбориши ҳеч гап эмас; келиннинг сепини беришда қайин ота куёвининг кўзини шамғалат қилади; куёв бўлса совчи хотининг кўзини шамғалат қилиб ҳисобдан уриб қолади; келин отаси билан онасига фириб беради, хотини эрини алдайди. Бу зулмат дунёсида муқаддас ҳеч нарса, соф ҳеч нарса, одил ҳеч нарса йўқ: бу олам устидан ҳукмини юргизиб турган ўтакетган ваҳший, эсини еб қўйган, ҳақ нималигини билмайдиган зўравонлик бу оламдан ҳар қандай виждон ва ҳуқуқ деган онгни ситиб чиқарган... Кишилик қадри-қиммати, шахснинг эркинлиги, муҳаббат билан саодатга ишонч ва ҳалол меҳнат фариштасиники бу зўравонлар оёқ ости қилиб, безбетлик билан кул-кул қилган экан, унда виждон ва ҳуқуқнинг бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ҳолбуки, шу ернинг ўзидаёқ, деворнинг орқасида бошқа ҳаёт, ёруғ, озода маърифатли ҳаёт қайнаб турибди... Зулмат дунёсининг ҳар иккала томонидагилар бу ҳаётнинг гўзаллигини сезиб турадилар. Шунинг учун ҳам гоҳ ундан ҳайиқадилар, гоҳ унга кўнгил қўядилар. Лекин, бу ҳаётнинг негизларини ва унинг ички кучларини кундалик муносабатларида ҳар қандай фазилат ва ҳақиқат нималигини ёдларидан чиқариб юборган разил кишилар ҳеч тушуна олмайдиган бўлиб қолишган. Улар бу маърифатнинг энг дағал ва кўзга ташланиб турадиган ташқи кўринишларинигина тушунадилар, холос, агар улар маърифатни *хуш кўрмасликка* ният қилсалар, унинг худди шу ташқи кўринишларини ёмонотлиқ қиладилар, агар *олий ҳиммат зотлардай* ҳаёт кечиришга ишқибоз бўлиб қолсалар, унинг шу ташқи кўринишларига *тақлид қиладилар*, холос. Зўравон чол соқол-мўйловини қириб, ароқни тарк қилиб шампанский ичадиган бўлиб олади; унинг қизи *ҳижрон ўтини ёқувчи* романслар айтиб, офицерлар кўйида оҳ тортиб юради; ўғли айшишрат қилиб, раққосларга қиммат баҳо сарполар тортиқ қилишга киришади; уларнинг бутун маърифатининг маъноси шу... Лекин янги дунёдан қўрқадиганлар ҳам, агар уларга эски паст Вихорев ёки Бальзаминов дуч келиб қолса, уни жон деб маърифат намояндаси деб бошларига кўтаришади ва у ҳақда гап очиб, янги тартибдан норозиликларини айтиб, дарғазаб бўладилар... Янги ҳаёт тўлқинига қарши қаратилган бу кураш бутун шу *зўравонлар* ҳаёти орқали, ғам-ғуссага тўла *итоаткорлар* ҳаёти орқали шу тахлитда ўтиб турибди, лекин бу тўлқин кўп замонлардан буён йиғилиб қолган бутун ифлосликларни бир кун эмас, бир кун ювиб кетади ва ичига тортиб кетадиган ботқоқларни тип-тиниқ ва улкан бир дарёга айлантириб юбориши турган гап, аммо ҳозирча бу тўлқин ифлосликларни сал-пал кўтариб, қўзғатиб турибди, ўзи ҳам унинг ичи-

га сингиб, у билан бирга ириб-чириб бормоқда... Ҳозир янги ҳаёт негизлари зулмат дунёсидаги ҳамма фуқароларнинг онгини худди узоқ бир шарпа ёки даҳшатли бир туш сингари безовта қилиб турибди, холос. Ҳатто ўзлари юрак ютиб *янги расмга тақлид қилувчиларни* ҳам бу янги ҳаёт ҳар қандай даҳшатли туш сингари (гарчи унда жуда ажойиб ва ғаройиб нарсалар кўзга кўринган бўлса ҳам) ваҳимага солиб қўйди. Зўравонлик зулмидан халос бўлиб, ҳис ва онгларини яна ўз жойига қўйиб олганлар ҳам, ҳатто шулар ҳам даҳшатли тушдан кейин довдираб қолгандай ўзларига келолмайдилар, ўзларининг янги ҳолатлари қандайлигини яхшилаб англаб-билиб олганларича йўқ, шу сабабдан, чинакам маърифат нималигини ҳам, ўз зиммаларидаги вазифаларини ҳам тушунмасдан, ҳуқуқларини қўлларида сақлаб туришни ҳам билмай, бирон иш бошлашни ҳам билмай, яна ўша тақдирга тан бериб итоаткорлик одатларига ёки ёлғончилик ва ҳар хил ифлос ўзбошимчалик кирдикорларига қайтмоқдалар.

Островскийнинг комедияларидан тушуниб олган умумий таассуротларимиз шундай. Мана шу хирароқ чиққан очеркнинг баъзи бир томонларини сал равшанроқ қилиб кўрсатиб бериш учун айтган сўзларимизни тасдиқлаб тушунтириб берадиган бир қанча жузъий томонларни эсга тушириб ўтамиз. Биз бу мақолада Островскийнинг комедияларида учратган ва ҳамма нарсани хўрлаб, эзиб ётган бебошликнинг бевосита натижаси бўлган маънавий бузуқликни, одамлар ўртасидаги виждонсизлик, ғайри табиийлик муносабатларини кўрсатиб ўтиш билан кифояланиб қўя қоламиз.

«Островский асарлари»нинг биринчи саҳифасини очайлик. Биз савдогар Пузатовнинг уйида, бедид-бефаросатлик билан жиҳозланган хонадамиз, деворларига суратлар, жаннат қушлари осиб қўйилган, ойналарига ранг-баранг пардалар тортилиб, шишаларда шарбатлар териб қўйилган. Пузатовнинг синглиси ўн тўққиз яшар Марья Антиповна чамбаракда иш тикиб, *«Қора ранг, ғамгин ранг»* деб ашула айтиб ўтирибди. Кейин қиз ўз-ўзи билан гаплашади:

Мана, ёз ҳам ўтиб кетяпти, сентябрь ҳам келиб қолди, сен бўлсанг худди монах аёл сингари тўрт девор ичида ўтир-у, дераза ёнига ҳам борма, эмиш. Қандоқ яхшики!

Дарҳақиқат, бу қиз ҳаётининг унчалик қизиғи ҳам йўқ: уйларида Марья Антиповнанинг акаси бебош муттаҳам Пузатов ўз ҳукмини юргизиб туради; у уйда бўлмаганида эса, Пузатовнинг худогўй, меҳрибон ва ҳар қандай одамни сариқ чақага сотиб юборадиган, эртадан кечгача вайсашдан оғзи бўшамайдиган кампир онаси қизидан ва ёш келинидан кўзини узмай қараб туради. Ёш жувонлар бу одамлар дастидан на вақтихушликни, на тинчлик ва на эркинликни билишади: кампирнинг тинмай вайсаши ва уй хўжайинининг мижгов-

лигидан бу бечораларнинг юраги тарс ёрилишга келиб, ғам-ғусса тортишдан кўра ўлимларига ҳам рози бўлишади. Улар, бехтиёр, ўзларини овутиш учун киши билмас бирон йўл топишмоқчи бўладилар-да, албатта, топишади ҳам. Марья Антиповна тақдиридан шикоят қилиб бўлганидан кейин, дарҳол бундай дейди:

— Майли, нима қилибди, чиқармасангиз, чиқарманг, устимиздан қулф солиб қўя қолинг! Зўгум қилсангиз қилаверинг! Сингилим билан биз бўлсак монастирга тунги ибодатга борамиз деб, яхшилаб кийиниб оламиз-да, паркка ё бўлмаса Сокольникига қараб жўнаб қоламиз. *Бирон айёрлик йўлига кириб олмасак бўлмайди...*

Мана сизга ножўя, бехтиёр айёрлик қилишнинг биринчи хили. Марья Антиповнада бундай фикрнинг қаёқдан туғилгани, унда қандай тасодифлар йиғилиб-йиғилиб шундай айёрлик қилиш одати пайдо бўлгани билан бизнинг нима ишимиз бор?.. Биз бундай кайф-ҳолнинг бизга Островскийнинг ўзи жуда аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берган *умумий* сабабини биламиз ва бу масалада Марья Антиповна тасодифий бир ҳодиса бўлмай, балки жуда оддий, деярли ҳамиша учраб турадиган бир ҳодиса эканлигини кўрамиз. Марья Антиповнанинг нега ёш чоғидан бузилганини тушунтириб бериш учун бизга бундан бошқа ҳеч нарсанинг кераги ҳам йўқ. Лекин Островский бизни бу оиланинг ичига олиб киради, жуда махфий ишлар бўлаётганда, бизни ҳам у ерда ҳозир бўлишга мажбур қилади; биз бўлсак, бунда, бир томондан, алдамчилик ва айёрликка ва, иккинчи томондан, ўта кетган ва беҳаё зулмга асосланган муносабатлардан бошқача муносабатларнинг бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб, афсусланиб қалбимизда сезиб турамиз. Марья Антиповнанинг Пузатовнинг хотини Матрёна Савишна билан ва икковларининг кухарка билан машмашалари бу хонадонда бўладиган ҳамма воқеаларнинг ифлос бузуқликка асосланганини кўрсатиб беради. Матрёна Савишна Машанинг қулоғига қуйиб, офицерларни дераза ёнидан ўтишга ўргатиш керак эмас, нега десанг, ёмонотлиқ бўлиб қоласан, кейин қутулолмай жонинг кетади, дейди. Ҳолбуки, улар кухаркани аллақандай йигитларнинг ёнига юборишган эди, йигитлар Останкинога борамиз деб таклиф қилишган ва бир бутилка мадера ҳам олиб келинглар, дейишган. Албатта, буни ҳам ҳеч кимга билдирмай, қўрқа-писа қилишади, чунки, Пузатов уйда бўлмаса ҳам, онаси ҳеч нарсадан кўзини узмай, буларнинг кирдикорларига тўсиқлик қилиш пайидан бўлиб туради. Машенька қайтиб келаётган Дарьяга ойнадан кўзи тушиб қолиб, қўрқиб кетиб: «Опажон, ишқилиб ойимиз кўриб қолмаса гўрга эди!» деб қичқириб юборади. Лекин унинг қўрқишининг жони бор. Дарьяни кампир кўриб қолади; аммо Дарьянинг ўзи ҳам анойи эмас: «Дўконга шойига бориб келдим»— деб кампирни лақиллатади. Бу гал қоровуллик қилиб турган кампирни алдашди. Лекин ёш жувонлар кухарка билан гаплашиб

турганда, саҳнанинг орқасидан шов-шув эшитилиб қолади; кухарка қўрқа-писа қулоқ солиб туради-да: «Шўрим қурсин, *ўзи* келиб қолганга ўхшайди...» дейди. Дарҳақиқат, даҳлизданоқ Пузатовнинг: «Хотин! Ҳо хотин, дейман! Матрёна Савишна!..» деган овози эшитилади. Хотини эшик ёнига бориб: «Нима гап?» деб сўрайди. Эри: «Салом! Сен, худо билсин, ҳали нималар деб ўйладинг-кин!..» деб жавоб қайтаради. Шу савол-жавобнинг ўзиданоқ сиз Антип Антипич билан Матрёна Савишна ўртасидаги эри-хотинлик муносабатлари қандай эканлигини билиб олдингиз. Кўриниб турибдики, хотини унга худди болалар ўйнайдиган резинка қўғирчоқдай: гоҳ қўғирчоқнинг оёғидан тортишади, гоҳ бошини сиқиб пачақ қилишади ёки чўзишиб *нима* бўларкин деб қараб кўришади. Пузатов хотинимнинг ҳам инсонлик ҳақ-ҳуқуқлари бор деб ҳеч вақт эсига ҳам келтирмаган. Унинг маънавий қадри-қимматини ҳурматлаш ҳақида ҳеч вақт ўйлаб ҳам кўрган эмас — Пузатов ҳеч бундай нарсаларни билган киши эмас. Унинг хотинига муносабати ҳайвоний шаҳватини қондириш ва ўйин-кулги қилишдан нарига ўтмайди. У хотинини мақтаб: «Хотиним ясаниб олсами, ҳар қандай бойвуччa ҳам, басовлат ойимчалар ҳам унинг олдида ип ечолмайди, худо урсин! Улар ҳаммаси бачки-ку; бизнинг мундог бир тикилиб қарашимизга ҳам арзийдиган ҳеч нарсалари йўқ. Хотинигинамни сўрасанг, э-ҳа... яъни мен унинг қадди-қоматини айтмоқчиман... нимасини айтасан» деб юради... Хотинининг меҳр-муҳаббатига лойиқ бўлиш учун унга нисбатан зиммасидаги вазифаларини ҳам шундай деб билади. У бу тўғрида шундай дейди: «Хотиним мендай азаматни, мендай келишган йигитни бирон кишига алиштирарди, дейсизми!..» Унинг нимаси келишган денг? Унинг ўз таърифи мана бундай: «Қани энди менга ўхшаган силлиққина, юзлари қип-қизил яхши савдогар бўлса, яхши кўрсанг ҳам арзигудай; суяклари чиқиб ётган бирон таъвия эмасман»... Айтмоқчи, бу жиҳатдан, эҳтимол, унинг гапи тўғри ҳамдир: бошқаларнинг хотини ҳисобидан ҳаёт кечирувчи жаноблар-нинг фракларига карикатура қилиб, ҳашаматли камелия гули тақиб қўйилиши бежиз эмас!.. Бинобарин, агар Матрёна Савишна эрига билдирмасдан Останкинога ёш йигитларнинг ёнига бориб тураркан, бунинг қисман маъноси Матрёнанинг бир оз бошқа томонга қараб ўсиб бораётганлиги бўлса, қисман яна шуки, аҳмоқ, ўзбошимча эрини ҳар кўрганда тоза ҳам кўнгли айниб турса керак. Эрининг ўзбошимчалиги бўлса, масалан, мана бундан иборат: Антип Антипич чой кутиб, бурчак-бурчакка кўз ташлаб ўтиради-да, сўнгра зерикканидан мана бундай қилиқ қилади:

Антип Антипич. *(Жаҳл билан.)* Хотин дейман. Бу ёққа кел!
Матрёна Савишна. Яна нима *бўлиб қолди?*
Антип Антипич. Бу ёққа келсанг-чи. *(Қўли билан столга тақ этиб уради.)*

Матрёна Савишна. Нима бало, жинни-пинни *бўлиб* қолдингми?
Антип Антипич. Кел, бир адабингни бериб қўяй. *(Столга қўли билан уради.)*
Матрёна Савишна. Сенга нима *бўлди? (Қўрққанича.)* Антип Антипич...
Антип Антипич. Ҳа? Қўрқдинг-а? *(Кулади.)* Қўрқма, Матрёна Савишна, шунчаки ҳазиллашапман. *(Оғир нафас олади.)* Қани, чойингдан дарак йўқ-ку?

Кўрдингизми, у зерикканидан шундай *ҳазил қилади?* У чой кутиб зерикиб кетди... Инжиқликни ҳеч билмайдиган хотинининг ҳам бундай эрга қанчалик кўнгил қўйиши равшан бир нарса.

Лекин Антип Антипич онасига қараганда ҳали анча прогрессив ва инсонпарвар одам. У хотинини фақат маст бўлган чоғларидагина уришни жўяли иш деб билади, ўшанда ҳам бу ишни унчалик хуш кўрмайди. Синглисини Ширяловга эрга бераётганида ундан: «Сен ичганингда жинни бўлмайсанми? Хотинингни урмайсанми?» деб сўрайди. Унинг онаси Степанида Трофимовна бўлса, бу ишни асло маъқул кўрмайди: у, нимага хотинингни қўрқитиб олмайсан, деб ўғлини сўкади. «Раҳматлигим мени ҳар қанча яхши кўриб, ҳар қанча эркалатса ҳам эркалатарди-ю, лекин ётоқхонамизда... ишқилиб қозиқда қамчи осиғлик турарди»— дейди у. Ўғлининг қамчиси йўқ, буни камшир, одоб-ахлоқдан путур кетгани деб билди... Лекин хотини қамчисиз ҳам эрининг олдида иккиюзламалик қилмаса иложи йўқлигига кўзи етиб туради: хотини айёрлик қилиб уни суюб ўпади, унга эркалик қилади, ўзи ҳам бир-қадар ўзбошимчалик кўчасига киришдан қайтмасдан, «мени оғиз очмасликка мажбур қиладиган одам ҳали туғилгани йўқ» деса ҳам, эридан ва қайин онасидан кечги ва тушги ибодатга рухсат сўраб боради. Бу хонадонда алдамчилик ва айёрлик ҳукм суради ва улар *риёкорлик дини* деб атаса бўладиган қандайдир алоҳида динни кўрсатиб беради.

Пузатов хотинидан бўшагандан кейин, синглисининг ёнига кириб, сени фалончи, фалончига бераман, деб унга топган куёвларини айтади. Бунда ҳам яна куёвларнинг қадди-қомати тўғрисида ҳар хил пардалик гапларни гапирганида, ҳаёликда ақасидан қолишмайдиган қиз бу гапларни эшитиб, ичкари уйга қочиб кириб кетади. Шундан кейин бу қизнинг тақдири тўғрисида она билан ўғил киши билмас маслаҳат қилишади. Она Ширяловни куёв қилишни таклиф қилиб, уни мана бундай деб таърифлайди: «Ўзи қари бўлса ҳам, хотинсиз қолган, Антипушка дейман, пули ҳам жуда кўп, қаерга қўйишини билмайди. Ўзи яна басовлат, худогўй, ибрат олса бўладиган савдогарлардан, иззат-ҳурмати ҳам бор». Ўғли бунга лўнда қилиб: «Она дейман, *ўзи жуда ҳам уччига чиққан фирибгар одам-да»* деб жавоб беради. Унинг бу гапини эшитиб, Пузатов ҳалолликни ҳурмат қилади ва фирибгарликни хуш кўрмайди,

деб ўйлайсан киши. Асло ундай эмас. Фирибгарликка келганда унинг ўзининг алоҳида тушунчалари бор, бу тушунчаларга мувофиқ маълум чегарагача етказиб фирибгарлик қилса бўлаверади, лекин бу чегараларнинг қандайлигини ўзи ҳам билмайди... Мана бу киши унга *унча фирибгар эмасдай* кўринса, ана унисига *жуда уччига чиққан фирибгардай* кўринади. Агар уччига чиққан фирибгар бўлса, унинг виждони бир оз қийналгандай бўлади. Лекин шуниси ҳам борки, кейинчалик бу туйғунинг унчалик оқибати бўлмайди. Она билан ўғил ўзларининг маънавий тушунчалари тўғрисида мана бундай дейишади: ўғлининг, Ширялов жуда фирибгар одам, деган гапига Степанида Трофимовна бундай жавоб беради:

— Э, барака топкур ўғлим-а! Нимаси фирибгар, қани менга айт-чи! *Ҳар байрамда черковга бориб туради, борганда ҳам ҳаммадан олдин боради; рўза тутади; катта рўзада чойга қанд ҳам солиб ичмайди,* асал билан ёки майиз билан чой ичади. Ҳа, кўзичоққинам, ана шундай! Сенга ўхшаган эмас... *борди-ю, бирон кишини алдаса алдабди, хўш, алдаса нима бўпти! Алдамчиликни бошлаган ҳам у эмас, тузатадиган ҳам у эмас: ўзи савдогар одам-да. Антипушка, агар билсанг, савдо ишлари шундай бўлади.* «Алдамасанг — сотолмайсан» деган мақол бекорга айтилмаган.

Антип Антипич. Нимасини айтасан. *Агар қўлинг боғлиқ бўлса, оғайнингга фириб берсанг нима бўпти.* Ҳеч воқиси йўқ. Бўлаверади. Лекин, ойижон, *баъзан виждон ҳам уялади. (Бўйнини қашлаб қўяди.)* Тўғри гап. *Жон берадиган пайтинг ҳам эсингга тушиб қолади. (Ўртага жимлик тушади.)* Мен ўзим ҳам, хонаси келиб қолганда, киши билмас қилиб боплашни ундан яхшироқ биламан, *кейин бориб унга:* пайти келиб қолган эди, сени бироз боплаб қўйдим, деб *айтишдан ҳам тортинмайман.* Ўтган йил ҳисоб вақтида Савва Саввичнинг беш юз сўмини уриб қолдим. Кейин бориб ўзига буни айтиб бердим: Савва Саввич дейман, ярим минг сўлкавойингни уриб қолдимку, шуни ҳам билмай қолдинг-а, энди, биродар, ўтган ишга салавот, *бундан бўён эҳтиёт бўл, дедим. Бир оз жаҳли чиқиб юрди-ю, яна опоқ-чопоқ бўлиб кетдик.* Нимасини айтасан.

Кўрдингизми, Пузатов ўзининг фирибгарликларини ёмон иш деб ҳисобламайди, ҳатто алдамчилик деб ҳам ҳисобламайди, шунчаки, мақтанса арзийдиган олғурлик, усталик деб билади. Пузатовга алданганлар ҳам буни шундай деб биладилар. Савва Саввич алдангани учун жаҳли чиқиб юради-ю, ҳақорат қилинган иззат-нафси яна ўз жойига тушгандан кейин, у Антип Антипич билан оғайнигарчилигини давом қилдира беради. Урушда одам ўлдириш оддий бир ҳодиса бўлгани сингари, бунда ҳам алдамчилик оддий бир нарса бўлиб қолган. Зулмат дунёсидаги турмуш шундайки, унда яшовчилар орасида умрбод душманлик ҳукм суради. Бу ердагиларнинг ҳаммаси бир-бири билан жанг қилади: эрининг ўзбошимчалиги учун хотини у билан жанг қилади, хотини итоат қилмаслиги ёки эрининг кўнглини топмаганлиги учун эри хотини билан жанг қилади; болалар ўз ақллари билан турмуш қилмоқчи бўлганликлари учун ота-оналар болалар билан жанг қиладилар; ота-оналар болаларнинг ўз ақллари билан яшашга йўл қўймаганликлари учун болалар ота-оналари билан жанг қиладилар; хўжайинлар билан бошлиқлар ҳамма нарсада ўзбошимчалик қилиш учун, приказчиклар ва бировларнинг қўл остида ишлайдиганлар ўзларининг энг қонуний орзу-ҳаваскарига ҳам имкон тополмасликлари туфайли бир-бирлари билан жанг қиладилар; савдо ва саноат ишлари билан шуғулланувчилар, ҳамиша эксплуатацияга мўлжаллаб қилинадиган ишлардан олинадиган фойдани бошқа бирон киши олиб кетмасин, деб бир-бирлари билан жанг қиладилар; бекорчи дайдилар ўз меҳнатлари билан бу дайдиларни боқадиган, кийинтирадиган ва бойитадиган меҳнаткаш кишиларни қўлдан чиқариб юбормаслик учун жанг қиладилар. Мана шундай кишиларнинг ҳаммаси бир бўлиб туриб ҳалол кишиларга, мазлум меҳнаткашларнинг кўзини очиб уларни қаттиқ туриб ўз ҳуқуқларини баланд овоз билан ўртага қўйишга ўргата оладиган кишиларга қарши жанг қиладилар. Шундай бўлгандан кейин, ҳамма қамал ҳолатига тушиб қолади, ҳамма ўзини хавф-хатардан омон сақлаб қолиш ва душманга чап бериш пайидан бўлади. Ҳамманинг юзидан қўрқув ва ишончсизлик кўриниб туради; табиий тафаккурнинг табиий йўли ўзгариб кетади, шу билан соғлом тушунчалар ўрнини ҳайвоний характерда бўлган ва инсонлик табиатига тамомила қарама-қарши бўлган қандайдир шартли мулоҳазалар олади. Маълумки, уруш логикаси ақл-идрок логикасидан тамомила фарқ қилади. Ҳарбий айёрлик ўз яқинларингни қириб ташлашга қаратилган ақлдан далолат берадиган бир нарсадай мақталиб кўкларга кўтарилади; одам ўлдириш инсоннинг энг яхши қаҳрамонлиги деб мақталади; бировни боплаб талаган кишининг, душман лагерини босиб олган, унинг ҳарбий анжомларини ва бошқаларни тортиб олганларнинг бошқалар назарида мартабаси улуғ бўлади. Ҳолбуки ҳамма қонунларда алдамчиликни ҳам, талончиликни ҳам, одам ўлдиришни ҳам жазолаш лозимлиги кўрсатилган. Бу ҳам оз: ҳамма қонунларда гуноҳни юмшатадиган сабаблар эътиборга олинади ва баъзан жиноятга олиб борган сабаблар сира рад қилиб бўлмайдиган бўлса, одам ўлдиришдек катта жиноят ҳам кечирилади. Ҳолбуки, масалан, Австрия итальянларни илгаригидай эзиб-янчиб ётсин деб, шу итальянларга қарши жанг қилаётган венгер ёки славянинг гуноҳини енгиллатувчи қандай омиллар бор? Ҳар бир венгер ёки славян офицерининг ёки солдатининг француз ёки сардин полкларига қараб отган ҳар бир ўқи учун уни даҳшатли жазо билан жазолаш керак эди! Лекин кишиларга маълум ҳолларда, албатта, юқадиган ёппа кўрлик балосининг кучи ҳам шундаки, урушда бўладиган одам ўлдириш ва талашлар учун ҳеч ким жазоланмаслиги бу ёқда турсин, ҳатто унинг учун мақтаб, мукофотлайдилар ҳам! Островский комедияларидан бизнинг кўз олдимизда намоён бўладиган зулмат оламидаги ҳамма махлуқлар ҳам худди шундай жиннидай кўр бўлиб қолган. Улар бутун теварак-атрофдагилар билан доимо жанг қилиб

туришади, шунинг учун ҳам улардан кишининг тинч ва хотиржамлик ҳолатида бўладиган бамаъни муҳокама-ю мулоҳазаларни талаб қилманг ва кутманг; Пузатов уруш ҳақида мана бундай муҳокама юритади: «Агар мен сени пачоқ қилиб ташламасам, сен мени янчиб ташлайсан; яхшиси мен сени пачоқлаб ташлаб қўя қолай», дейди. Бундай муҳокамага қарши нима ҳам деб бўлади? Ғалаба билан мағлубиятдан бирини танлаб олиш сингари қийин аҳволга тушиб қолган ҳар қандай кишининг ҳам миясида шундай муҳокама тугилиши турган гап эмасми? Пузатов магазиндан счёт берган немиснинг пулидан қисиб қолганини ҳикоя қиларкан, у бундай муҳокама юритади: «Ҳамма пулини шундоғ тутқизиб қўя қолярканман-да? Нега энди? Йўқ, кейинроқ олса, иззати билан олган бўлади. *Қанча хоҳласалар, шунча баҳо қўйиб мол сотишяпти, бошқалар бўлса аҳмоқлигидан уларга ишониб ўтиришибди. Агар вексель олишга кўнмаса, келаси сафар ҳам шундай қиламан».*

Кўрдингизми, бунда энг оддий ўйин бўляпти: кимки ўйинга уста бўлса, ўша ютади.

Лекин Пузатовнинг ўзи аслида эҳтиёж бўлмаганда, фойда чиқишига кўзи етмаганда, алдамчилик қилишга хуши йўқ: хуши йўқлигининг, жумладан, сабаби шуки, бундай алдамчиликда муҳим манфаатларни кўзлаб иш тутадиган пухта ақлни ифода қилмасдан, ҳар қандай салобатликдан маҳрум бўлган шунчаки енгилтаклик ифодаланади. Пузатов айёрликда ҳамма чегаралардан ўтиб кетадиган Ширяловнинг ишини маъқул кўрмаслигига кўпроқ сабаби шуки, Ширялов на урушингни, на ярашингни билади, гоҳ яраш вақтида ўқ узиб қолади, гоҳ ўз одамларига қараб ҳам ўқ узиб юбора беради. «Бу,— дейди Пузатов,— бамисоли жуҳуднинг ўзи: ўз отасини алдашдан ҳам қайтмайди. Тўғри айтаман: ҳар қандай кишига ҳам шундай безрайиб қараб тура беради. Ўзини бўлса худди авлиёга солиб юради». Айтгандай, бунда Пузатовнинг Ширяловни хуш кўрмаслигини назар-эътиборга олмаса ҳам бўлади: Пузатов Ширяловни хўп боплаб сўкиб турганида, бу савдогар Антип Антипичникига меҳмонга кириб келади. Антип Антипич уни жуда иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, отасини қариганида уйланишга мажбур қилаётган ўғли Сеньканинг ичкиликбозлиги ва Ширяловнинг ўзининг қилган фирибгарликлари тўғрисидаги гапларига диққат қилиб қулоқ солиб ўтириб, яна сиқлисини унга уштиради-да, шу ондаёқ, Марья Антиповнанинг розилигини олмасдан, унга айтиб ўтирмасдан, ишни ҳам узил-кесил битириб қўя қолади. Унинг шундай қилишига сабаб нима? Ширялов кетганидан кейин Пузатовнинг оғзидан чиққан бир неча оғиз сўзи бунга жавоб бўла олади. Пузатов кўзларини учириб-учириб, ўз-ўзи билан гаплашади: «Мана бу ўғри мужикни қара-я; шайтоннинг жуда ҳам устаси-да! Ўзини соддаликка солишини қара! Сенькада айб эмиш!.. — Мени ким деб ўйлаяпсан, қариганингда бир ҳузур қилгинг келиб қопти-да... Нима

бўпти, биз бажону дил хўп деймиз! Нима қилибди, майли!.. Фақат, *Парамон Ферапонтович, қалин моли масаласида ким кимни алдашини кўриб қўямиз. Модаримиз билан биз ҳам анойи кишилардан эмасмиз»...* Демак, масала равшан: сиқлисини *яхшилаб пуллаб* олиш фурсати келиб қолган экан: қандай қилиб, бу фурсатдан фойдаланмасдан бўлади? Сиқлисига ҳам жуда қўл келадиган иш бўлади: ҳар ҳолда жойини топади!..

Островскийнинг вақт жиҳатдан биринчи асари бўлган «Оила манзаралари»да тасвирланган одамлар ана шундай, у одамларнинг муносабати ана шундай. Унинг кейинги комедияларида тўлароқ ва равшанроқ очиб кўрсатилган кўп нарсаларнинг боши шу асаридаёқ тасвирланган эди. Ҳар ҳолда шу нарса равшанки, автор шу вақтдаёқ бизда бир-бирларига жуда яқин кишиларнинг кўпчилигининг ўзаро муносабатида ҳукм сурган ғаразгўйлик ва қабиҳликни кўриб ҳайрон қолган эди. Бу қабиҳликнинг ва душманликнинг сабаблари ҳам шунда кўрсатилган; у ҳам бўлса, бир хил кишиларнинг бемаъни ўзбошимчалиги ва бошқаларнинг қўрқа-писа бўйин товлаши ва танбаллигидир. Яна шу ернинг ўзида бундай ғайри табиийликнинг оқибатлари — оила ишларида ҳам, жамоат ишларида ҳам ҳамманинг бир-бирини алдаши ва бир-бирига фириб бериши жуда аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берилган.

«Қўйнидан тўкилса»да биз яна ўша риёкорлик ва фирибгарликнинг дин даражасига етказилганлигини кўрамиз, бир хил кишилардаги ўша бемаънилик ва ўзбошимчаликни ва бошқалардаги алдовчи итоаткорлик, қулларча айёрликни кўрамиз, лекин бунда улар жуда ҳам авж олган. Бунда биз зулмнинг бир қанча поғонасини кўрамиз, зўравонликнинг бир қанча системаларга бўлиниши кўрсатиб ўтилади, унинг тарихи баён қилинади. Ўз яқинларининг ҳаммасига зулм қилувчи, *ўзини тийиш* деган нарсани ҳеч билмайдиган зўравонларнинг энг каттаси Самсон Силич Большовдир. У уй ичидагиларнинг ҳаммасини дағ-дағ титратиб даҳшатга солиб туради! Унинг хотини Аграфеня Кондратьевна катта қизини қўрқитиб, «отангга устингдан арз қиламан» дейди; қизи бўлса: «Сизни худо арзгўйликка яратиб қўйган: ўзингизни мен унчалик назар писанд ҳам қилмайман» — деб жавоб беради. Онаси яна «отангга айтаман» деб пўписа қилса, қизи ундан бешбадтар талаб: «отангга, отангтаданбошқа гапни билмайсиз, отамнинг ёнида тилингиз ҳам бурро бўлиб қолади, қани ёлғиз ўзингиз бир гаплашиб кўринг-чи»! деб жавоб қайтаради. Маълум бўладики, Самсон Силич хотинига ҳам, қизига ҳам олабўжидай бўлиб кўринса керак, шу сабабдан улар иккови бир-бировларини у билан қўрқитсалар ҳам, лекин унинг зиддига киши билмас, вимдан оппозиция тузишган, бу оппозиция ўз-ўзидан дунёга келиб қолган. Аграфеня Кондратьевна жуда калтафаҳм бўлганлиги туфайлидан, ўз ҳис-туйғуларини равшан бир тусга ки-

ритишга ожизлик қилади ва оҳ-воҳ тортиб, дард ичида эзилиб қолганини шу билан изҳор қилади. Лекин Липочка ҳеч тап тортмасдан бундай дейди: «Ойимнинг ҳафтасида етти жумаси бор, бетайин, дадам бўлса, ичмаган куни дами ичидан чиқмайди, ичиб маст бўлдими, бирор кишини тутиб урмай қўймайди... Мен ўқимишли қиз бўлсам бунга қандай қилиб ҳам чидай оламан!». Бу уйдаги хизматкорларнинг барчаси ҳам худди шундай қовоғи солиқ қўрқоқ махлуқлар: югурдак Мишка хўжайиндан еб турадиган таёқларидан зорланади; кухарка Фоминишна Большовнинг қизи Липочкага куёв ахтариб юрган совчи хотин Устинья Наумовна билан бундай суҳбат қилади:

Устинья Наумовна. Утирсанг-чи, Фоминишна,— ахир, оёқларингда мадор ҳам қолмагандир, оғриғи бордир.

Фоминишна. Нимасини айтасиз, холажон! Вақт қани, шўрим қурсин: хўжайиннинг ўзи шаҳарга кетган эди, дарак йўқ, ҳаммамиз жон ҳовучлаб ўтирибмиз: маст бўлиб келсами, кўргилигимизни кўрамиз. Эй худо, ўзи, десангиз, бирам батавфиқки! Товба, одам боласи ҳам шундай шўх туғиларкан-а!

Устинья Наумовна. Турган гап: бой одам шайтонга ўхшаган, нарса бўлади, нималигига дарров ақлинг ета қолмайди.

Фоминишна. Бизга кўрсатган кунлари қурсин. Утган ҳафта кечаси маст бўлиб келиб, чунонам тўполон қилиб бердики, асти қўяверинг. Юракларимиз така-пука бўлиб, ёрилишга сал қолди! Идиш-товоқларни чил-чил қалиб ташлади... «Хув сен — фалончи-пусмадончилар,— дейди, каллаларингни шартта олиб ташлайман», дейди.

Ҳақиқатан ҳам, Самсон Силич ҳаммани даҳшат остида тутиб туради деса бўлади. У келганда ҳамма унинг кўзига қараб туради ва титраб-қақшаб, унинг кайфини билиб олишга ҳаракат қилади. Биз кичик бир воқиани келтирамиз, бу воқиа Самсон Силичнинг бутун уй ичисини қандай титроққа солишини кўрсатади. Уйга Фоминишна югуриб кириб келади-да, бақириб бундай дейди:

Фоминишна. Самсон Силич келди, мастга ўхшайди!

Тишка. Оббо! Бўлмаса шўримиз қурирган!

Фоминишна. Югур, Тишка, Лазарни чақириб кел; бўла қол, чироғим, югур!..

Аграфена Кондратьевна *(зинада пайдо бўлиб)*. Фоминишна хола, қаёққа келяпти?

Фоминишна. Вой, айланай, шу ёққа қараб келяпти. Вой ўлмасам, эшикларни беркитиб қўя қолай, айланай, болахонага чиқиб кета қолсин; сен, айланай, шу ерда ўтиравер.

Шунча дили сиёҳликдан кейин, билишса, Самсон Силич маст-паст эмас экан; Фоминишнанинг кўзига шундай бўлиб кўринган экан. Лекин қизиғи шундаки, ҳеч нарсани суриштирмасдан, ҳаммага зулмини ўтказиб турадиган бу золим ҳамма тушунчаларни аралаш-қуралаш қилиб, ҳамма фарқларни йўқ қилиб юборади: она, қиз; кухарка, хўжайка, югурдак бола, приказчик — шундай оғир пайтда ўз жонини сақлаш пайидан бўлиб, ҳаммалари бир мазлумлар тоифаси ҳолига тушиб қолишади. Бошқа вақтларда Тишкани уриб турткилаб турадиган Фоминишна, чироғим, деб унга ялиниб қолади; Аграфена Кондратьевна ўз кухаркасига ёлвориб: «Энди нима қиламиз, Фоминишна хола» деб ундан савол қилади. Фоминишна унинг ҳолига ачиниб, эшикни ёпиб, унга ҳомийлик қилмоқчи бўлади... Хўжайини билан қандайдир сирли, киши билмас иттифоқ иплари билан боғлашган, ўзи ҳам кичик золим бўлиб олиш пайига тушиб олган приказчик Лазарь Подхалюзингина мана шу Большов хонадонига қадам қўйган ҳар бир кимсага даҳшат соладиган қўрқувдан бирмунча четроқда туради. Подхалюзин, назаримизда, шу дамгача оғир зулм остида эзилиб ётган, лекин энди бошини кўтараётган ўзбошимчаликнинг бошқа, пастроқ поғонаси бўлса керак... Совчи хотин Подхалюзин билан гаплашиб туриб, унга бундай дейди: «Самсон Силичимизнинг қандай ғотлигини ўзинг ҳам биласан-ку; у, фалокат босиб, чепчикни ҳам мажағлаб ташлайди». Подхалюзин бўлса, катта кетиб, «ҳеч нарсани мажағлаёлмайди» деб жавоб беради. Тишка Лазардан мушт еганида, урганингни хўжайинга айтаман, деб қўрқитса, Лазарь бундан ҳам бадтарроқ жавоб қайтаради: «Хўжайинга айтаман дейсанми? Хўжайиннинг менга нима қидарди? Агар бир нарса деса, мен...» деб гап бошлайди-ю, лекин, гапини тамом қилмайди. Самсон Силичнинг қандай разиллигини у ҳам ҳали ёдидан чиқармаганлиги кўриниб туради. Айтмоқчи, Подхалюзин ҳам, Большовнинг ўзини банкрот эълон қилиш учун ўйлаб қўйган ҳамма наъмаларидан хабардор бўлиб олгандан кейингина ҳалигидай чиранади. Подхалюзин ўзини қайси эшикдан чиқиб олган бўлса, уни қўриқлаб турган турмачини шу эшикдан киргизиб қамаб қўйган кишидай ҳис қилади. Лекин авахта дарвозаларининг калидлари турмачининг қўлида қолган: ҳали шу калидларни талаб қилиб олиш керак. Шунинг учун ҳам Подхалюзин ўзини турмадан чиққан деб ҳис қилса ҳам, лекин ҳали батамом озодликка чиқмаганини билганидан, дамба-дам гоҳ ўзидан хурсанд бўлса, гоҳ безовта бўлиб туради, гоҳ сурбет бўлиб олса, гоҳ қулдай лаганбардорлик қилиб туради. У Большовнинг ҳовлиси билан дўконларини ўз қўлига ўтказиб олди; энди чолнинг мулкини узил-кесил ўз қўлига олиб, кўнглига жуда ёқиб қолган қизига уйланиб олиши керак. Подхалюзин ниятларини рўёбга чиқаришда худди шу Большовнинг ўзбошимчалигидан фойдаланмоқчи бўлади. Бу масалада узоқ бош қотириб юрмасдан ва ёмон ният билан бирон бир план ҳам тузиб ўтирмасдан, у Липочкага илгари унашиб қўйган асилзода йигитни қиздан айнит деб, совчи хотиннинг қулоғига қуйиб қўяди, ўзи бўлса Большовнинг бошига тушган оғир кунларига шерикдай бўлиб, атрофида гир капалак бўлиб юради. Унинг дастлабки мулоҳазалари унча мураккаб эмас. У ўз-ўзига бундай дейди: «Аввал Самсон Силичнинг характери қандайлигини билиб олсанг, жуда қўл келиб қолиши мумкин. Бундайларнинг ода-

ти шуки, бошига бирон гап келиб қолгудай бўлса, ҳеч нарса билан ҳам уриб чиқаролмайсан. Тўрт йил бурун соқол-мўйловини олдириб юришни одат қилгандай: Агафеня Кондратьевна шунча худонинг зорини қилсалар ҳам, қанча кўз ёши қилсалар ҳам,— йўқ, кейин яна қўйиб юборарман, ҳозир ўз билганимни қиламан, деб туриб олди-да соқол-мўйловини олдирди. Бу иш ҳам худди шундай: мен ўзларига ёқиб қолсам ёки миясига жо бўлиб қолсам борми — эртанинг ўзидаёқ никоҳ бўлади, вассалом, гапинг ҳам огзингда қола беради». Унинг тузган бу режасининг жуда жўплиги кўриниб турибди; унинг бутун режаси Большовнинг шарт кесарлигига асосланиб тузилган. Бунда ортиқча бирон айёрлик ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки, ҳар қандай аҳмоққа атаб қонун ёзилавермайди, ўзбошимчага бўлса айниқса; шундай бўлгандан кейин Устинья Наумовна айтмоқчи, унинг нималигига ҳеч *ақлинг етмайди.* Подхалюзин таваккал қилаётганини ўзи ҳам билади. *«Узларига ёқиб қолгудай бўлсам,*— дейди,— *ёки шунчаки миясига жо бўлиб ўрнашиб қолсам, борми»*— бу ҳар иккала эҳтимолнинг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам баббаравар мумкин. *Узларига ёқиб қолиш* масаласига келганда, бунда ҳам бир оз ақл юритиш керак: итоаткорлигинг тўғрисида, миннатдорлигинг ҳақида, шундай кишига хизмат қилишни ўзинг учун бахт деб билишинг, уни катта билиб, ўзингни кичик билишинг тўғрисида ёлғон-яшиқ гапларни гапира берсанг, қамчисидан қон томиб турса ҳам, бундай аҳмоқ кишини ийдириш ҳеч гап эмас. Турмушдаги ҳамма дипломатиялардан бу энг разили, бунинг шахмат ўйинида фақат биргина юришингни чамалаб кўришдан ортиқча ери йўқ. Бу содда айёрлик тузоғига Большовнинг илиниш сабаби шуки, унинг ўзбошимчалик, зўравонлик одатлари аллақачон уни ҳар қандай фаросатдан маҳрум қилиб қўйган, масалага тўппа-тўғри ва ақл юритиб қараш жиҳатидан ҳар қандай имкониятдан маҳрум қилиб қўйган. У ўзини бирдан бир қонун деб ва қандай доирада фаолият кўрсатса, шу доирадаги ҳамма ишлар менинг қўлимда, деб билади. У ўз оиласида буни ҳеч тап тортмасдан дағаллик билан айтаверади. У қизи тўғрисида: «Қиз меники, хоҳласам ошга қўшиб ейман, хоҳласам ёгини оламан» дейди. Шу сабабдан ҳам қизининг кўнглига қарамай, уни Подхалюзинга эрга беришни жуда нари борганда қизиқчилик деб билади. «Қани энди сен қаллиғингнинг ёнига кир,— дейди у Лазарга: бир *қизиқчилик қилайлик».* Бу қизиқчилик шундан иборатки, у тўсатдан хотини билан қизига, Лазарь Липочкага куёв бўлди, дейди. Ҳаммалари — онаси ҳам, совчи хотин ҳам, Фоминишна ҳам, қизининг ўзи ҳам нима қилишларини билмай қолишади. Лекин қиз *ўқимишли* бўлгани учун, ўзини тутиб олиб, қатъий норозилик билдиради: «Хоҳламайман, кераги йўқ, мен бундай бедавога тегмайман» деб қичқиради. Албатта, унинг бундай норозилик билдиришидан

ҳеч қандай натижа чиқмайди: Самсон Силични айтганидан қайтариш осон гап эмас. Бунинг устига устак, Подхалюзин айёрлик билан «Ота, дейман, сиз айтганча бўлмайдиганга ўхшайди» деб оловга ёғ қуйиб юборади. Унинг шу гапларини эшитган заҳотиёқ Большов куёв билан келиннинг қўлларини зўрлик билан бир-бирига қўшиб: *«Мен шундай бўлсин деганимдан кейин нега энди мен айтгандай бўлмас экан? Агар мен буйруқ беришга ярамасам, ота бўлиб нима қилиб юрибман?* Мен уни бекорга боқиб ўтирибманми?», деб унга сўз қайтаради. Кўриб турибсизки, Большов оталик вазифаларидан фақат бир вазифани — болаларга буйруқ бериш вазифасини тан олади, холос. У қизини боққан бўлса, буни саховат деб билади; унинг бу саховати учун қизи ўз эркидан тамомила воз кечиб, миннатдорчилик билдириши лозим. Большов бутун бошқа ишларда ҳам худди шундай қилади. Подхалюзин муттаҳам деб унинг ўзи айтади, лекин бу билан унинг нима иши бор, нега десангиз, Подхалюзин унинг приказчиги, шу приказчикнинг фойдасини кўзлаб иш қиляпти. Большов ҳеч уялиб-нетиб ўтирмасдан, Лазарнинг яхшиликни билмаслигини юзига солиб, ундан таъна қилади, мана бундай фактларни унинг ёдига солиб ўтади: «Қўлинг ҳалол эмаслигини неча марта билиб қолганларим эсингдами? Лекин мен сени ҳайдаб юбормадим-ку, бутун шаҳарга номингни чиқармадим-ку, мен сени ўзимга бош приказчик қилиб олдим, бутун мол-мулкимни сенга бердим. Энди, Лазарь, қизимни ҳам ўз қўлим билан сенга беряпман». Буларнинг ҳаммаси, Лазарь фирибгарликни бошлайди, ва ҳаммадан, албатта, Большовнинг ўзидан бошқа, ҳаммадан пул ишлаб олади, деган умид билан қилинаётган ишлар. Турган-битгани ғийбат бўлган ва Большовнинг ишларига ҳам унча-мунча ёрдамлашиб турадиган пияниста приказчик Расположенский ҳам худди шундай: Самсон Силич уни суддан ҳайдаб чиқарганларини гапириб куліб юради ва жуда багритошлик билан ҳукм чиқариб, уни Камчаткага сургун қилиб юбориш керак эди, дейди. Расположенскийнинг: «Нимага Камчаткага?» деган саволига Большов шартта кесиб: «Нимага эмиш! Қилган бемазагарчиликларингга? Нима, сенга ўхшаганларнинг елкасига қоқиб қўйишсинми?» деб жавоб қайтаради. Лекин Самсон Силич ишдан ҳайдалган чиновникнинг кирдикорларига бундай раҳмсизлик билан қараса ҳам, қасддан банкрот бўлмоқчи бўлиб ўйлаб қўйган ишида ундан ёрдам сўрашни асло ўзига ор деб билмайди. Большов бошқалар учун мажбурий деб биладиган ахлоқ-одоб қоидаларини ўзига ҳеч алоқаси йўқ деб ҳисоблагандай бўлади. Бу қизиқ ҳодисанинг (афсуски, бизнинг жамиятимизда тез-тез учраб турадиган бундай қизиқ ҳодисанинг) сабаби шуки, Большов ижтимоий иттифоқнинг ҳақиқий негизларини тушунмайди, одамнинг бошқаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари соҳасида ҳамманинг бир-бирига кафиллик қилишини тан

олмайди-да, Пузатов сингари жамиятни худди душман лагери деб билади. «Мен ўзим бирон илож қилиб ишимни яхшилаб олсам бўлгани; ундан кейин, ким кимдан зарар кўради ёки ким кимдан фойда олади — бу билан нима ишим бор; зарар кўрган бўлса, айб ўзида: демак, овсарлик қилибди». Большовнинг ҳамма фикри-зикри шундай мулоҳазаларга асосланган, у ўзини банкрот эълон қилмоқчи бўлганида ҳам шундай ўйга бориб, шу қарорга келади. Островскийга таъна қилиб, у ўз комедиясида, Большовнинг қандай қилиб, қандай қаттиқ таъсирлар остида қай тарзда қадам-бақадам, ўз характерининг қайси умумий хислатларига қараб ўзини банкрот деб эълон қилиш нияти пайдо бўлганлигини унча тўла ва равшан тасвирлаб бермаган, дейишди. «Қасддан банкрот бўлиш,— дейишди танқидчилар,— оддий алдамчилик, ўғирлик ва одам ўлдиришдан ҳам ёмонроқ жиноят. Қасддан банкрот бўлиш ҳам бир-у, шу учала жиноят ҳам бир; лекин қасддан банкрот бўлишнинг яна ҳам ёмон жиноятлигига сабаб шуки, киши бундай жиноят қилганида жуда узоқ вақт тайёрланиб ўйлаб кўриб иш қилади, киши айёрлик қилиб жуда узоқ вақтгача сабр қилиб юради, ўзи жуда аблаҳ одам бўлса, шу ҳолдагина бунга ботинади. Кишининг маслаги сохта бўлса ёки бирон жуда ёмон маънавий таъсирларга берилган бўлса, шу ҳолдагина бундай жиноят йўлига кира олади. Островский асарида бундай ҳеч нарса кўрсатилмагани бу ёқда турсин, Большовнинг банкрот бўлиши унинг қарзини *тўлагиси келмаганидан*, шунчаки кўнглига келганини қилиб қўйгандек тасвирлаб берилган». Шундай мулоҳазаларнинг ҳаммаси, назарий жиҳатдан тўғри бўлса ҳам, лекин рус ҳаётига асло татбиқ қилиб бўлмайдиган мулоҳазалар эканлиги маълум бўлади. Гап ҳам шундаки, бизнинг ҳаётимиз бирон бир маслакнинг вужудга келишига асло ёрдамлашмайди, агар бирон кишида шундай маслак пайдо бўлиб қолгудай бўлса, уни амалга оширишга йўл қўймайди. Бизнинг жамиятимизда фақат биргина маслак авж олмоқда,— у ҳам бўлса маънавий маслак бўлиши (ёки ҳар ҳолда шундай маслагингиз борлигини кўрсатиш) керак эмас деган маслакдир. Лекин Самсон Силичдаги маслакни унинг ўзи мутлақо англамаса ҳам, унда худди шундай маслак бор: шундай маслак туфайли у Лазарни эркалатади, Расположенский билан бирга ишлашади, ўзини синган деб эълон қилишга ҳам журъат этади. Умуман олганда шуни айтиб ўтиш лозимки, бизнинг «зулмат дунёси»даги баъзи бир ҳаётни қўллаб ёрдам қилиб турган нарса ҳам худди шу маслакдир. Шу маслак туфайли бунда одамлар мансабга минади, жуда нафълик қилиб, яхши жойга қиз бериб, қиз оладилар, бойлик ортдириб оладилар, умуман, киши иззат-икромлик бўлиб олади. Агар «зулмат дунёси»да бу бирдан бир *маслак* бўлмаганда, унда бутун ҳаёт тўхтаб, кўзини юмиб, ўлик ҳолига кириб қоларди. Бу

дунёда *мустаҳкам* маънавий принциплар, *ҳалол* ва *муқаддас* маслакларга эга кишилар ҳам бор, албатта; лекин, афсуски, булар ҳаммаси Обломовга ўхшаган кишилардир. Улар ўз маслакларини ҳам амалий ишдан, ҳаётдаги ёлғончилик билан курашдан ҳосил қилмасдан, яхши китоблар ўқиб, дўстлар билан қизғин суҳбатлар ўтказиб, хотинлар олдида тантанали суратда қасамёдлар қилиб ва диванда яхши орзу қилиб ётиб, шунинг орқасида ҳосил қилганлар. Одамларки ёшлик чоғларидан амалий ишга тортилмаганидан кейин, ўзларининг ташқи дунёга муносабати ва ўз юришturишларининг маънавий негизлари масаласини яхшилаб ўйлаб кўриш учун жуда кўп бўш вақтлари бўлган экан! Амалий иш майдонидан четда туриб, улар ажойиб нарсалар тўғрисида ўйладилар; лекин улар ҳақиқий ишга яроқсиз бўлганларича қолиб кетаверадилар ва «зулмат дунёси»даги баъзи бировларга дуч келганлари замон ҳеч нарсага арзимайдиган махлуқ эканликлари маълум бўлди. Дастлаб улар Онегиндай лорнет тутиб, Печориндай қора плашчда, Рудин сингари ажойиб нутқ сўзлаб чиққанларида, одамлар улардан қўрққандай бўлишди-ку; лекин кейин, буларнинг ҳаммалари Обломовлар эканини, агар улардан бирон бир қиз даҳшатга келса келиб, лекин амалий ишдаги кишилар учун ҳеч ҳам хавфли бўлишлари мумкин эмаслигини пайқаб олишди. Нияти ҳалол ва маслаги мустақил бўлган бу кишилар шу кўйи ҳаётдан ташқарида қолиб кета беришди (бу ният ва маслакларнинг ўзи аслида хомлиги, амалий қиммати бўлмаганлигидан, кўпинча амалда уларнинг ўзига вафосизлик ҳам қилди). Шунинг учун ҳам, агар улар теварак-атрофларидаги йиртқич қушлар билан тўқнаш келганларида худди каптардай ювош бўлиб қолишди, деб айтиш мумкин бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда улар каптардай ожиз бўлиб қолишди деб таъкидлаш мумкин. «Зулмат дунёси»даги иродаси мустаҳкам ва ишлашни одат қилиб олган одамларга келсак, улар ҳаммаси дастлабки пайтдан бошлаб шундай йўлга қадам қўйишдики, бу йўлнинг соф маънавий маслакларга олиб бориши ҳеч ҳам мумкин эмас эди. Ишловчи одамга бу ерда ҳеч вақт типч, эркин ва умум учун фойдали фаолият бўлган эмас; у ёқ-бу ёққа кўз ташлашга улгурмасдан, қандай қилиб душман лагерига кириб қолганини ва ўзини омон сақлаб қолиш учун гарчи ўз ихтиёри билан қочиб ўткандай кўриниб бўлса ҳам, душманларини бирон илож қилиб алдаш лозим бўлиб қолганини сезди, шундан кейин душманларни қандай қилсам доғда қолдираркинман ва улардан ўзимни омон сақлаб қоларкинман, деб айёрлик йўлини ахтара бошлайди; агар айёрлиги ҳам ўнгидан келиб қолса, қисман улардан ўч олиш, қисман ўзини янги хавф-хатардан сақлаш ниятида уларга қарши адоват йўлларини ўйлаб топади. Шундай бўлгандан кейин кишиларнинг бир-бирларига муносабати тўғрисида тўғри тушунчалар

қаёқдан бунёдга келсин? Бунда кишилик қадри-қимматини ҳурмат қилиш руҳида тарбия бериш қаёқда дейсиз? Бунда ҳамма бировнинг қандайдир ноҳақлиги касрига қолади, мен ҳеч айбдор бўлмаганим ҳолда ҳамма менга ёмонлик қилади, мен бирон кишини уришга ҳеч ниятим бўлмагани ҳолда, ҳамманинг ҳужумини қайтариш пайидан бўлиб турishим лозим бўлади. Киши деган бенхтиёр ҳеч нарсани суриштирмайдиган бўлиб қолади ва аслида ҳеч кимни уришнинг кераги йўқлигини англаб-билиб турса ҳам, тўғри келган кишини ура бошлайди. Беихтиёр «зулмат дунёси»даги ҳаётни яна шиддатли жанг билан таққослайсан киши. Урушда бирон солдат бизнинг томонимизга қараб бирорта ҳам ўқ узмаган душманни ўлдирса ҳам ҳеч гап эмас: демак, у ўзини ўққа тутиб берибди. Одам ўлдирган солдат виждон азобига тушмайди. Худди шундай, бирон савдогар умрида ҳеч кимга заррача ҳам зарари тегмаган бирон ҳалол кишини алдаса ҳеч воқиси йўқ. У киши мол сотиб олган бўлса бўлди; савдо ҳам худди урушдай гап: алдамасанг — сотолмайсан!.. Худди шу нарсани «зулмат дунёси»даги помешчикка, чиновникка, кимга хоҳласангиз, шунга татбиқ қилинг — яна оқибати шу бўлади: ҳамма уруш ҳолатида бўлади, бировни алдаб, унинг нарсасини ўзиники қилиб олганлиги учун ҳеч ким виждон азобига йўлиқмайди. Бунинг сабаби шуки, ҳеч кимда маънавий маслак деган нарса йўқ, ҳамма шарт-шароитга мослашиб ҳаёт кечиради.

Шундай қилиб, Большов ўзининг ёмон ният билан банкрот бўлишида ҳеч қандай бирон алоҳида *маслакларга* амал қилмаслигини, ишқилиб жиноий ишларни қарайдиган суд қўлига тушиб қолмасам гўрга эди, деб қўрқишдан бошқа *қаттиқ виждон азобига* йўлиқмаслигини жуда тўғри, русларга хос характерли хислат деб биламиз. Биз масалага абстракт тарзда қараганимизда, ҳамма жиноятлар қандайдир жуда ёмон ва ғайри оддий бир нарсадай бўлиб кўринади; лекин айрим ҳолда олиб қараладиган бўлса, жиноятқорларнинг кўпчилиги ҳеч нарн-берисини суриштирмасдан жиноят қила беради ва бунинг сабаби ҳам жуда аён. Жиноий суд қонунига мувофиқ киши ҳам бировни талаган, ҳам одам ўлдирган бўлсин; унинг ҳеч одамгарчилиги қолмаган нияти ёмон киши эканлиги турган гап. Лекин кейин билсанг, у ҳеч нияти ёмон одам ҳам эмас, росмана одам, ҳатто оқ кўнгил одам. Унинг ўғрилик қилиш ва одам ўлдириш яхши иш деган ҳеч қандай маслаги ҳам йўқ; у жиноят қилганда ҳам виждон азобига тушмасдан, ўзи билан ўзи узоқ кураш олиб бориб жиноят қилмасдан, шунчаки, ўзи ҳам нима қилаётганини яхши англамасдан тўсатдан жиноят қилган. Умрида кўп жиноятчиларни кўрган кишилар билан гаплашиб кўринг; кўп ҳолларда худди шундай бўлишини сизга айтиб тасдиқлаб беришади. Шундай ҳодисаларнинг бўлишига сабаб нима? Саба-

би шуки, ҳар қандай жиноят кишининг ўз табиатидан келиб чиқадиган нарса эмас, балки киши жамиятда қандай ғайри нормал муносабатлар ичида ҳаёт кечирса, шу ғайри нормал муносабатлар натижасида жиноят қилади. Бу ғайри нормаллик қанча кучли бўлса, ҳатто ҳалол кишилар ҳам шунчалик кўпроқ жиноят қиладилар, жиноят қилишда ўйлаб иш қилишлик ва мунтазамлик шунча камроқ бўлади, тасодифий равишда деярли онгсизлик билан жиноят қилиш шунчалик кўпроқ бўлади. Биз текшираётган «зулмат дунёси»да ижтимоий муносабатлардаги ғайри нормаллик энг сўнгги даражасига бориб етади, шунинг учун ҳам унда яшовчилар мутлақо ҳар қандай маънавиётдан маҳрум бўлиб қолишлари равшан бир нарса. Улар жиноятнинг фақат ташқи, юридик томонини тан оладилар, агар бирон илож қилиб унинг бу томонига чап бериб ўтиб оладиган бўлсалар, унга ҳақли суратда таҳқир кўзи билан қарайдилар; жиноятнинг ички томонини, бошқалар учун, жамият учун оқибатлари қандай бўлишини асло тасаввур ҳам қилмайдилар. Большов ёмон ният билан банкрот бўлишни ўйлаб қўйганида унга қарз берганларнинг аҳволини вой қилишини, эҳтимол бир неча кишини хонавайрон қилиб қўйишини ўйламайди ҳам. Уни авақтага солиб қўйганларида ҳам унинг бошига бу нарса келмайди. У, Иверскаяга қарашдан ҳам қўрқаман дейди, Иверская дарвозаси ёнидан ўтиб бораркан, болалар бармоқларини менга бигиз қилиб кўрсатишяпти, деб зорланади, мени Сибирга боришади, деб қўрқади. Лекин ўзи хонавайрон қилган одамлар тўғрисида оғиз очмайди ҳам. Қилган жиноятининг ўтакетган разолат эканини ҳатто тушуна олмайдиган одам жиноят йўлига шундай осонгина қадам қўйган экан, бунинг нимаси ажабланарли дейсиз? У «бошқаларнинг ҳам шундай қилаётганини» кўрган, холос. Лекин бу гапни у, Островскийнинг жиддий танқидчиларидан бири айтгандай, ўзини оқлаш учун айтмайди, улардан ўрнак ҳам олмайди. Йўқ, бу асосий ўзак бўлиб, Большовнинг бутун ахлоқи шу ўзакдан келиб чиқади. У бошқаларнинг банкрот бўлганини, унинг пулига муттаҳамлик қилганини, кейин шу пулга бельэтажлик уйлар солишганини, ажонини, кейин шу пулга бельэтажлик уйлар солишганини кўрган, билган; ҳозир ҳам у йиб от-аравалар қилишганини кўрган, билган; ҳозир ҳам у шу умумий мулоҳазага амал қиляпти: «Мени таламасинлар десам, мен ўзим бошқаларни талаш пайидан бўлишим керак» дейди. Большовнинг кредиторлари банкрот бўлмаганини унинг оёғига болта уришмаганини бунда гапириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ: ким тўғри келса, шунинг фойдасига шерик бўлиб олсанг, барибир эмасми? Урушдаги сингари, бунда ҳам текшириб ўтиришнинг кераги йўқ. Ҳеч ким ҳеч кимни алдамаса эди, иъни уруш бўлмаса эди, у вақтда Самсон Силич ҳам ҳалол, тинч умр кўраради, ҳеч кимни алдамас эди. Теварак-атрофингдагиларнинг ҳаммаси муттаҳам бўлгандан кейин, Большов нима қилсин? Борди-ю Большов ҳалоллик билан

яшаса, унинг ҳалоллигидан кимга қандай фойда етади? Агар у фрибгарлик қилмаса, бошқа бирон-таси қилади, барибир. Большов бу ҳақда Подхалюзин билан мана бундай гаплашади:

Большов. Мана сен, Лазарь, бекор вақтларингда менга балиқ қилганингда панларга тегишли чакана пархин, яна ундан бошқа нарсаларни ҳам ҳисобга олсанг бўларди. Бўлмаса, савдо қилганимиз-қилган-у сариқ чақалик фойдаси бўлмаяпти. Е дўкондорлар ўғирлаб, ота-оналарига, ўйнашларига ташиб олиб боришяптимикин; уларни бир оз назо қилиб қўйса бўлармиди, дейман. Фойдаси чиқмагандан кейин, бу тараққа-турукнинг нима кераги бор дейсан. Е ишни эплашолмаяптими, дейман? Эплаб олиш вақтлари ҳам келиб қолди шекилли.

Подхалюзин. Самсон Силич, ишни эплашолмаяптимикин деганингиз нимаси энди? Ўзим ҳамиша шаҳарда бўлиб, ҳамма вақт қулоқларига қуйиб турибман-ку.

Большов. Нима деб қулоқларига қуйиб турасан?

Подхалюзин. Нима ҳам дердим, ҳамма иш жойида бўлсин, иш деганни ўринлатиб қилиш керак, деб уриниб кўраман. Йигитлар, оғзингизни очиб ўтирманг: кўрдингизки, сал иш ўнгидан келадиган бирон харидор келиб қолдими ёки газмолнинг гули бирон ойим қизнинг кўзига яхши кўриниб қолдими, дарров ҳар гази устига бир ёки икки сўмдан қўйиб юборинглар, дейман.

Большов. Огайни, дейман, немислар магазинларида бизнинг бойларимизни қандай шилиб олишларини билсанг керак. Майли, биз-ку немис эмасмизку-я, православ христианларимиз, лекин биз ҳам сомсани ёққа булаб еймиз, ахир, шундай эмасми?

Подхалюзин. Бўлмаса-чи. Ўлчаганда ҳам, дейман, тоза тобига келтириб ўлчаларинг: чўзишга чўза бер-у, лекин, худо сақласин, шарт этиб йиртила кўрмасин, дейман; бизда кетгунча, эгасига етгунча, дейман. *Аҳволи қолган бўлса, ўзидан кўрсин*, қўлингни бир қимирлатиб қўйиб бир газни уриб қолсанг ҳам бўлаверади, дейман.

Большов. *Ҳаммаси бир гап: машинани ҳам ўғирлайди-ку.* Эҳ, Лазарь, нимасини айтасан, шу кунларда фойданинг мазаси йўқ, илгарги замонлар қани дейсан.

Турган гап: Самсон Силичнинг бутун ахлоқи: бошқалар ўғирлагандан кўра яхшиси ўзим ўғирлаб қўя қолай, деган қоидага асосланган. Бу қоиданинг, эҳтимол, драматик жиҳатдан қизиғи йўқдир, танқидчиларнинг кўнгли нимани хоҳласа, шуни қила берсинлар; лекин бу қоида ҳаётимизнинг кўп соҳаларида жуда расм бўлиб қолган. Шу қоидага мувофиқ баъзи бировлар пора олишади-да, билиб туриб ёлғон гапиришади: барибир, мен пора олмасам, бошқа биров олади, у ҳам кўрабила туриб ёлғон гапиради, деб ўйлашади. Бошқа бириси: барибир, агар менинг иш бошқарувчим деҳқонларимни сиқувга олмаса, округ бошлиғи сиқувга олади деб, ўзининг помешчиклик ҳуқуқларини маҳкам ушлаб ўтирибди. Яна бири: барибир, мен бўлмасам, ўзига бошқа бирон кишини топиб олади, мен иссиқ жойимдан ажраб қоламан, деб бошлиғининг олдида тўрт букилиб ифлослик қилади. Хуллас, қаёққа қараманг, ҳамма ерда шу қоидага амал қилувчи одамларни кўрасиз: бири муттаҳамга уйининг тўридан жой беради, яна бири содароқ бойни шилиб олади, учинчиси чақимчилик билан кун

кўради, тўртинчиси — маъсума қизни йўлдан уради,— ҳаммаси: «мен бўлмасам, бошқаси қилади-ку» деган мулоҳазага бориб иш кўради. Бу мулоҳазанинг бунда асло ибрат бўларли жойи йўқдай бўлиб кўриниши турган гап... мутлақо бирон бир олий даражали маънавий негизлар бўлмагани учун, бу мулоҳаза энг дағал, энг аблаҳ эгоизм ифодасидан бошқа нарса эмас.

Большов ҳам бу эгоизмга амал қилиб ўзини банкрот деб эълон қилмоқчи бўлди. Унинг эгоизми яна ўзи учун шу жиҳатдан жўяликки, бошқаларнинг банкрот бўлиб бойиб олаётганини кўриш билан бирга, ундан қарз олган бир кўп кишилар синганлиги туфайли, унинг ўз ишларининг ҳам бир қадар мазаси кетган эди. У жуда хафа бўлиб, Подхалюзинга бундай дейди:

— Сен, Лазарь, савдо-сотиқнинг нималигини билиб қўй! Сен нима деб ўйлаяпсан! Текинга пул олиш мана шунақа бўлади. Пулдан оғзингни очдинг дегунча худди қурбақадай сакрайди. Мана вексель ола қол, дейди. Бисотида ҳеч нарсаси бўлмагандан кейин, вексель билан ундан нима олардинг! Менда шундақа векселлардан юз минг сўмлиги йиғиниб ётибди. Протест қилинганлари ҳам кўп; нуқул йилдан йилга орқага суришлан бошқа гап йўқ. Хўп десанг, ҳаммасини сенга ярим сўлкавойга бераман! Вексель берган қарздорларни исковинч итлар билан ҳам қидириб тополмайсан: баъзи бирлари ўлиб кетган, баъзи бирлари ҳар ёққа қочиб кетган, тутиб қамоққа солай десанг ҳам ҳеч кимни тополмайсан. Сенга айтсам, Лазарь, қамоққа солганингдан ўзинг ҳам хурсанд бўлмайсан: баъзи бири яна шундай қарзга ботиб оладики, уни қамоқдан таёқ билан уриб ҳам чиқаролмайсан. Мен бунда ҳузур қилиб ётибманми, сен ўз йўлингдан қолма, деб жавоб қайтаради.

Теварак-атрофини ана шундай мулоҳазалар билан ўраб олган Большов кредиторларга кичкина наъма кўрсатиб қўяй деб, шундай қилганида ўзини тамомила ҳақли деб ҳисоблайди. Дастлаб унда номаълум бир истак, бирон илож қилиб қарзини тўлашдан бўйин товлаш истаги пайдо бўлади, ахир, вақти келганда бундақа қарзлардан жуда кўпини тўлаган-ку. У фақат, «бунда қандай наъма ўйлаб чиқарсам экан» деб ўй ўйлаб юради; лекин унинг ўзи ҳам, маслаҳатчиси Расположенский ҳам буни яхши билмайди. Большовнинг берган саволига Расположенский: «Кейин, хонасига қараб бирор чора кўрармиз» деб жавоб беради. Лекин шу онда уларнинг миясига бир фикр келиб қолади — кредиторларни битимга кўнишга мажбур қилмоқчи бўлишади,— ҳаммаларига бир сўмга 25 тийиндан таклиф қилишмоқчи бўладилар, ким тихирлик қилса, унга кўпроқ бермоқчи, ҳатто ҳамма қарзини тўламоқчи бўлишади. Большов бундай дейди: «Тўғри гап,— савдолашса зарар қилмайди: йигирма беш тийинга кўнишмаса, ярим сўмга кўнишади; агар ярим сўмга унашмаса, етмиш тийинга икки қўллаб ёпишиб олишади. Ҳар ҳолда фойда олади-ку. Ундан кейин нима дейишса дейиша берсин, қизим бўлса бўйи етиб қолган, ҳозир десанг ҳам чий-

дан ташқари қилиб узатаман юбораман. Ўзимнинг ҳам, сенга айтсам оғайни, ором оладиган вақтим келиб қолди. Енбошлаб ётиб салқинда дам олардик, савдо-сотиқ ишларинг бўлса жуда жонимга тегиб кетди». Кўрдингизми, Большовнинг нияти жуда яхши, у ҳеч нияти ёмон одамга ўхшамайди: у қизининг бўйи етиб қолгани, энди ўзининг ҳам суяги тинчликни хоҳлаб қолгани учун кредиторлардан имкони борича бирон нарса юлиб олмоқчи... Бунинг нимаси ёмон бўптики, шуни деб Большов жуда қаттиқ виждон азобига тушсин? У ўзининг ўйлаб топган янги наъмасига ўз умрида қилган кўплан-кўп алдамчиликларидан бири деб қарайди ва бу алдамчиликларни у жуда оддий бир иш деб билади. Уни фақат бир нарса бир оз хижолат қилиб турибди — ўйлаб қўйган операциясини боплаб ўринлатиши маҳол бир нарса бўлса керак. У қисман шундан қўрқиб юрибди, шунинг учун ҳам уларга бир сўмга йигирма беш тийиндан тўлаб пулдорлар билан битим тузиб қўя қолмоқчи. Лекин Подхалюзин унга: «Менга қолса, Самсон Силич, йигирма беш тийиндан тўлагандан кўра, сира ҳам тўламаган маъқулроқ кўринади» дейди. Большов бўлса,— ҳеч гап қайтармасдан, унинг гапига дарров рози бўла қолади... «Хўш,— дейди у.— Тўғри айтасан, *тантилик қилганинг билан бирон кишини ажабда қолдирармидинг*, яхшиси киши билмас зимдан ишингни тўғрилаганинг маъқул. *Ундан кейин парвардигор ўзи охиратда суд қила қолар.* Лекин машмашаси жуда зўр бўлади-да» дейди. Шундай дейди-ю лекин Большовга қарз берганлар тўғрисида ўйлаб топган бу наъмаларнинг одоб-ахлоққа хилоф ишлиги тўғрисида бир оғиз ҳам гап айтмайди, ғинг ҳам демайди. У фақат «парвардигорнинг суди»ни эсидан чиқармайди; лекин бу ҳам кўпроқ шунчаки, хўжа кўрсинга: бунда «охират»нинг ўйнайдиган роли Большовнинг: «Бонапарт бўлса Бонапарт бўлаверсин, биз худойи таолонинг марҳаматидан кўпроқ умидвор бўламиз, *лекин ҳозир гап бунда эмас*» деган машҳур гапида худонинг марҳамати ҳиссасига берган ролидан ортиқ эмас. Худди шундай, ҳозир гап унда эмас: Большовни қизиқтираётган нарса охиратда бўладиган суд эмас, (ҳали бу охирати қачон келади-ю), уни ўз ишининг ташвиш-ғалвалари қизиқтиряпти. Бу ташвиш-ғалвалар уни жуда хижолатга солиб қўйди: унинг ғалвага ҳеч тоқати йўқ. Жуда беҳаёлик билан бўлса ҳам, бир варакайига алдаб қўя қолса-ю, шу билан қутулиб қўя қолса, кўнглидагидай иш бўлади; лекин ўй ўйлаш, фикр юритиш, узоқ вақт фрибга тайёрланиб юриш, шу айёрлик наъмасининг ҳаммасини маромига келтиришга, э-ҳе бундай узундан-узоқ виждонсизлик қилиб ўтиришга юраги чидайдими? Бундай қилмаслигига сабаб виждонсизлик ва догулилик хунарининг озлиги эмас, унисн ҳам, бунисн ҳам тўлиб-тошиб ётибди,— бунинг сабаби фақат шуки, у бирон нарса тўғрисида қунт қилиб ўйлашни одат қилган эмас. Буни ўзи

ҳам тан олади ва қийналиб қолган пайтларида буни Расположенскийга ёрилиб айтади ҳам: «Биз савдогарларнинг бошимизга битган бало шуки, биз аҳмоқмиз — ҳеч нарсага ақлимиз етмайди, сен каби зулуклар бундан жон деб фойдаланасанлар». Ҳатто шундай ҳам дейиш мумкинки, Большовнинг ҳамма ўзбошимчаликлари ўз ақли билан билиб туриб бирон иш қилишни билмаганидан келиб чиқади, лекин асли ўзида шубҳасиз фаҳм-фаросати борлигидан, мустақил ва англаб иш қилишга интилади ҳам. Комедиядан бизга Большовнинг қандай ўсиб, тарбияланган, ёшлик чоғидан бошлаб қандай таъсирлар остида бўлгани маълум эмас; лекин унинг соғлом, мустақил бўлиб вояга етиб боришига имкон бермаган худди шундай ноқулай шароитда тарбияланганлиги бизга аниқ ва равшан кўриниб туради. Унинг ҳаракатларида ўз ақли йўқлиги доимо сезилиб туради, ақл-фаросат билан иш қилишни ва қилаётган нарсасини ўйлаб кўришни одат қилмаганлиги кўриниб туради. Ҳолбуки унинг ҳозирги аҳволи, қийинчиликларга дуч келганда узил-кесил барбод бўлиб кетмасдан, балки ўзида қарама-қаршилик руҳини сақлаб қолган табиати энди мустақилликни талаб қилиб қолган, унинг ўжарлиги ва золимлиги ана шу мустақилликнинг ифодасидир. Маълумки, ўжарлик — бўшанглик ва заифлик аломатидир; худди шунингдек, бебошлик ҳам ички заифлик ва лаганбардорликнинг аниқ исботидир. Узбошимча одам ҳамма вақт, менга ҳеч ким буйруқ беролмайди, ўзим хон, кўланкам майдон, нимани хоҳласам шуни қиламан, деб *исбот* қилишга ҳаракат қилади; ҳолбуки ҳақиқатан мустақил ва иродаси кучли одам буни ҳеч исбот қилгиси ҳам келмайди: у ўз иродасини синаб кўрай деб бўлмагур ишларга сарфлаб ўтирмасдан, керак жойига сарф қилади. Большов ихтиёрим ўзимда, ҳеч ким менга буйруқ беролмайди, деб шу гапига маст бўлгандай ҳадеб такрорлаб юради: бунга худди ўзи ҳам ишонгиси келмагандай бўлади... Эҳтимол, унинг туғилишидаёқ заиф бўлмаган шахсига бир вақтлар жуда жабр қилгандирлар ва уни табиий ирода кучининг инчасидан маҳрум қилиб қўйгандирлар, шундайлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам, у эркинликка чиққанида ўзини идора қилишдан ожизлик қилиб қолади. У ўзбошимчалик қилади ва кишиларнинг кўзига жуда даҳшатли бўлиб кўринади, лекин бунга сабаб фақат шуки, ҳеч кимдан зарба емаган: кураш бўлиб қолса борми, у курашга бардош беролмайди.... Островский бошқа бир комедиясида бу хусусиятни жуда аниқ ва равшан тасвирлаб кўрсатган, шунинг учун биз ҳали яна бу масалага қайтамиз. Лекин Большовда ҳам шундай хусусият борлиги кўриниб туради, Большов ҳатто қасддан банкрот бўлишга қарор берган бўлса ҳам, унинг ташвишини ўз елкасидан бошқанинг устига ошириб юборишга ҳаракат қилиш бу ёқда турсин, шима қилаётганини ўзи ҳам билмайди, ўз фойдасидан ҳам кечади, ҳатто бу ишда ўз их-

тиёридан кечиб юборади, ҳамма нарсани тақдирнинг зиммасига юклаб қўя қолади... Подхалюзин билан Расположенский, бир-бирлари билан оғиз-бурун ўпишиб, шундай фирибгарлик қиладиларки, Большов кредиторлари билан битим тузиш ўрнига, ўзини сингган деб эълон қилади. Лекин Подхалюзин шунчаки тилёғламалик қилиб, Большовни бу йўлдан қайтарган бўлади. Большов нима деб жавоб беради? У қизишиб кетиб: «Нима, пул тўлармишманми? Сен ҳали нима деб ўйлаяпсан? *Мен ҳамма мол-мулкимга ўт қўйсам қўяманки, лекин уларга бир чақа ҳам қолдирмайман.* Моллarни ташиб ол, векселларни сот: *кимга керак бўлса, талаб, ўғирлаб олаверсин,* лекин мен уларнинг қарзини тўлаб бўпман» дейди. Подхалюзин юраги ачиган бўлиб, «ишимиз жуда юришиб турган эди, энди ҳаммаси совурилиб кетаркан-да» дейди; Большов бўлса бақириб: «Сенга нима? Дунё сеники эмас-ку... хизматингни аямасанг бўлгани, сени эсдан чиқармайман» дейди. Ўзи унга нима бало бўлди? Иродаси кучли кишининг жазавасими деб ҳам ўйлайсан, ўзи ҳеч айтганидан қайтмайдиган одам эди, дейсан... Бироқ, биринчидан, унинг ўз фойдасига зид келадиган бундай қарорга келганига сабаб нима, нима учун у зўр бериб ишлаб ғайратини ишга солмасдан, иродаси Подхалюзинга бақиришдан нарига ўтмай қолди? Иккинчидан, Большовнинг ўзи бир оздан кейин ўз ниятидан қайтади. Подхалюзин унга тушунтириб, шундай «тескарисига айланиб кетиши» мумкинки, «мулкингизни ҳам тортиб олишади, ўзингизни ҳам суддан судга судраб юришади», деса, Большов жавоб бериб: «Энди, оғайни, иложинг нима, худонинг хоҳлагани шундай бўлгандан кейин, нима ҳам деярдинг» дейди. Подхалюзин бунга жавоб бериб: «Тўғри айтасиз, Самсон Силич» дейди, лекин, аслини олганда, «тўғри» эмас, балки жуда аҳмоқона гап. Большов ҳамма маънавий масъулиятни ўз зиммасидан агдариб ташламоқчи бўлганидан ташқари, кўнглига тугиб қўйган иши тўғрисида ўйлаб кўргиси ҳам келмай қолди. Қандай қарорга келган бўлса, шуни кўнглига маҳкам тугиб қўйган. Лекин, бу қарор қандай бўлса ҳам унинг фикр ва тушунчалари билан боғлангани йўқ ва унинг учун ёт ва ўлик бир нарсадай бўлиб қолаверади. У ҳатто, мен шундай қилмоқчи бўлганим йўқ, «худонинг хоҳлагани ўзи шу: шундай бўлгандан кейин, нима ҳам деярдинг» деб ишонтирмоқчи ҳам бўлади. Бизнинг жамиятимизда жуда ҳам кенг тарқалган бу хусусият Островскийнинг асарида жуда аниқ ва ҳаққоний тасвирлаб берилган. Шу хусусиятнинг ўзи бизга кўп нарсаларни кўрсатиб беради ва Большовнинг характерини бошқа бир қанча узундан-узун монологларда тасвирланиши мумкин бўлганидан ҳам яхшироқ тасвирлаб беради. Бу ақл-фаросатни зулмат босган, фикр юритишдан кўнгли қолган, ҳар қандай хатарли қадам қўйишга келганда иродасизлик қилиб қолиши,

ҳатто ўз шахсий манфаатингга қарши қаратилган бундай тўпос, ўтакетган фатализм ва ўзбошимчалик — булар ҳаммаси Большовда жуда яққол намоён бўлиб кўринади ва мулкини ўзининг приказчиги ва куёви Подхалюзинга ҳадя қилганлиги бунинг сабабини ҳам жуда яққол кўрсатиб беради, қолбуки, Большовнинг бу ишини баъзи бир танқидчилар тушуниб бўлмайдиган олий ҳимматлилик ва король Лирга тақлид қилиш деб билмоқчи бўлдилар. Большовнинг бу ишида ҳақиқатан ташқи томондан Лирнинг қилган ишига ўхшашлик бор, лекин ҳажвий асар фожиавий асарга қандай ўхшаса, бу ўхшашлик ҳам шундай. Лир ҳам бизга нотўғри тарбия қурбонидай тасвирлаб берилади; унинг ҳокимият тизгини қўлимда бўлганидан эмас, *мен ўзим, ўзлигимча* буюк одамман, деб камол мағрурланиб қилган иши, унинг қилмиши ҳам унинг мағрур золимлиги учун берилган жазо бўлади. Лекин агар биз Лирни Большовга таққосламоқчи бўлар эканмиз, улардан бири турган-битгани Британия короли эканлигини, иккинчиси — рус савдогари эканлигини кўрамиз; бирининг турган-битгани зеби-зийнат бўлса, иккинчисининг турган-битгани бедармон пасткашлик, унинг ҳамма мўлжаллари сариқ чақадан нарига ўтмайди. Лир ҳақиқатан жуда кучли характерга эга ва ҳамманинг унга қуллуқ қилиб қўл қовуштириб туришлари унинг бу табиатини бир томонлама — буюк муҳаббат ишларига ва умум фойдасига томон эмас, балки фақат унинг ўз инжиқликларини қондиришга томон кучайтириб туради. Ўзини подшолигидаги ҳар қандай хурсандлик билан ғам-ғуссанинг сабабкори, ундаги ҳар қандай ҳаётнинг боши билан охири, деб ҳисоблашни одат қилиб қолган кишининг табиати шундай бўлиши равшан бир нарса. Бунда ташқи ҳаракат учун кенг имкон бўлганидан кейин, унинг ҳамма орзу-ҳаваслари осонлик билан бажо келтирилиб тургандан кейин, иродасини кўрсатишга жой ҳам қолмайди. Лекин бир вақт қарасангиз, унинг ўзига маҳлиё бўлиши ҳар қандай ақл-идрок чегараларидан ташқарига чиқади: у ўз мансаби туфайли суриб турган бутун давр-давронлари ва кўриб турган бутун иззат-икромларини тўғридан-тўғри ўз шахсига кўчиради-да, ҳокимиятдан воз кечганимдан кейин ҳам кишилар мендан қўрқиб-титраб туришларини бас қилишмайди, деб ўйлаб, ҳокимиятдан воз кечади. Мана шу аҳмоқона ишонч ўз дунёсини қизларига беришга ва шунинг орқасида ўзининг ваҳшиёна бемаъни аҳволидан оддий кишининг оддий мартабасига етишга ва инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳамма ғам-ғуссаларни бошидан кечиришга мажбур қилади. Ана шундан кейин бошланадиган курашда унинг қалбининг ҳамма яхши томонлари очила боради: ана шунда биз унинг олижаноблигини ҳам, меҳрибонлигини ҳам, шўрликларга ғамхўрлигини ҳам, жуда инсонпарвар, адолат тарафдори эканлигини ҳам кўрамиз. Унинг ирода кучи қизла-

рига лаънат ўқиб, уларни оқ қилганидагина кўринмасдан, шу билан бирга Корделия олдида ўзининг гуноҳкор эканлигига ақли етганида ҳам, ўз хулқ-атворининг жуда ёмонлигидан афсусланганида ҳам, шўрлик камбағаллар тўғрисида жуда оз ўйлабман, ҳақиқий виждон деган нарсага оз кўнгил берибман, деб тавбасига таянганида ҳам кўриниб туради. Лирнинг шундай катта аҳамиятга эга бўлганлигининг сабаби ҳам шу. Биз унга назар ташлаганимизда аввал бу бетайин золимга нафрат билан қараймиз; лекин драманинг ривожига кўз ташлаб борсак, унинг инсон боласи эканлигига тобора кўникиб, ахири шу фикрга келамизки, *унга эмас, балки унинг учун ва бутун бир дунё учун, ҳатто Лир сингари* кишиларни ҳам шундай бетайинликка олиб бориши мумкин бўлган ва инсон шаънига тўғри келмайдиган ёввойи ҳолатдан дарғазаб бўлиб, унга камоли нафрат билан қарайдиган бўлиб қоламиз. «Король Лир»нинг бошқаларга қандай таъсир қилганини билмаймиз, лекин бу асар бизда ҳамма вақт шундай таассурот қолдиради.

Танқидлардан бирида, Островский ҳам ўз Большовини шундай буюк трагизм даражасига кўтармоқчи эди, шунинг учун ҳам у Самсон Силични, тўртинчи пардада, авахтадан чиқариб, уни куёви билан кизига ялиниб, кредиторларига 25 тийиндан тўлашини илтимос қилдирди, дейилган эди. Бундай муҳокама Шекспир билан Островскийнигина эмас, умуман драматик ҳолатларнинг маънавий хусусиятини хеч тушунмасликдан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, сўнгги пардада китобхон олдида Большовнинг қадри-қиммати ҳеч ҳам кўтарилмайди ва у кулгили характерини ҳам ҳеч йўқотмайди. Сўнгги кўришишларда фожиа элементи бор. Лекин бу элемент бунда соф ташқи жиҳатдан иштирок қилади, масалан, «Ревизор»да ҳам жандармнинг кириб келишида шундай элемент бор... Лекин бунда Большовнинг ҳолига кишининг юраги ачишига ва унинг шахсини маъқул кўришга мажбур қиладиган ички трагизм нима? Бебошлик гирдобига тушиб колган Большовнинг табиатини шу гирдобдан қутқариб олиб, уни чеч-хушига келтира оладиган маънавий кураш изи борми ўзи? Йўқ, бундай из йўқ, комедия хам бу изларни кўрсатиб бериш ниятн билан ёзилган эмас; сўнгги пардани биз Большовнинг феъли-атвори жуда зўр маҳорат билан тўла-тўкис тасвирлаб берилган парда деб ҳисоблаймиз. Большов феъли-атворининг табиий ривожини эса душман ҳолатлар босиб-эзиб ташлаган эди, кеш кўламда мустақил иш юргизишига имкон берган шароитларда хам, унинг бошига яна бало ёпишиб олиб букиб ташлаганида ҳам бир хилда ожизона ва разилона бўлиб қола берди. Большовни биз сўнгги пардада ҳам кулгили ҳолда кўрамиз: у ўзига ўзи қилиб, бошига бало ортдирганидан кейин ҳам, бу зимистон юракка бирон

ёруғ нур тушгани йўқ. У ифлос иш қилганини ҳеч тан олмайди, виждон азобига тушиб, ичидан уялиш деган нарса йўқ; у фақат тошида уялиб юради: кредиторлар уни суддан судга судраб юришибди, болалар унга қўлларини бигиз қилиб мазақ қилишяпти. «Авахтада ётиш қандай бўларкан (дейди у), кўча-кўйда солдатнинг олдига тушиб юриш қандай бўларкан! Ахир, мени шаҳардагилар қирқ йилдан буён билишарди, қирқ йил ҳамма менга эгилиб салом берарди, энди бўлса болалар қўл билан кўрсатиб мазақ қилишяпти». Уни ҳаммадан кўпроқ шу нарса безовта қиляпти; ундан кейин, эсига Иверская тушиб туради, тушганда ҳам узоққа бормайди: уни эслаб турганида, Сибирь қилинмасам гургайди, деб қўрқиб, шу билан уни ҳам эсидан чиқариб юборади. Мана, унинг айтган гаплари: «Унда Иверская ҳам қолиб кетади: унга қайси кўзим билан қарайман? Лазарь, дейман, биз виждонимизни пулга қандай сотсак, Иуда ҳам Исо пайғамбарни пулга сотган-ку... *Пулга сотган бўлса, уни нима қилишди?.. Мен бўлсам атайин, билиб туриб шундай қилдим-ку. Мени Сибирга сургун қилишлари турган гап. Э, худо! Агар мени деб пул бермасангиз, Исо пайғамбар ҳақига берсангиз-чи (йиғлайди)».*— Афсуски, «Қўйнидан тўкилса» театрларимизда қўйилмаяпти; талантли артист Иверскаяни Иуда билан шундай аҳмоқона таққослаш, Сибирга сургун қилишни Исо пайғамбарни ўртага солиш билан аралаштириш каби комизмни жуда ҳам бошлаб тасвирлаб берарди... Бундан олдин ва кейин бўлган гап-сўзлар, бу дабдабали гаплар комизмни янада кўпроқ кучайтириб юборардиким, унда Подхалюзин пинагини ҳам бузмай кулиб туриб, Большов учун ўн тийиндан ортиқ пул тўлашдан бош тортади, Большов эса гоҳ нонкўрлик қиляпсан деб куёвидан таъна қилади, гоҳ икковимизнинг ҳам ишимиз вой бўлади, сен ҳам Сибирь қилинасан, деб уни қўрқитади; гоҳ куёви билан қизига савол бериб, сенларда христианлик деган нарса борми-йўқми дейди, гоҳ икки қўлим бир тепан бўлиб қолдим, деб ўзидан ўзи хафа бўлади-да: «эшшак чала ўриб қўйса, қул ҳам ўзини ўзи уради» деган мақолни мисол келтиради,— гоҳ, шиҳоят, худди тентак одам сингари қизига мурожаат қилиб: «Ана, энди бойиб кетасиз, боёнлардай умр кўрасиз; шайтоннинг қўнглини олиб, уки сайри-томошалар-ку, уки балу базмларни обод қиласиз! Лекин, сиз Олимпиада Самсоновна, темир панжаралик қафаслар борлигини, у қафасларда бечора маҳбуслар ўтиришини ёдингиздан чиқарманг... Биз шўрнинг қурғур маҳбусларни ёдингиздан чиқарманг...» дейди. Бизнинг фикримизча, мана шу кўринишнинг бутунлиги «Ревизор»да шаҳар бошлиғи савдогарларга, сизларнинг фирибгарлик ишларингизни қўллаб турганларим ёдингиздан чиқиб кетибди-да, деб уларни сўккан жойига жуда ўхшаб кетади, фақат шуниси борки, Островскийнинг асаридаги кул-

гили жойлари бунда бирмунча усталик билан тасвирлаб берилган, шу билан бирга сўнгги пардада Большовнинг жуда бахтсиз бўлиб шўри қуриб қолганлиги унинг шахсининг ички комизмини бир қадар ниқоблаб яшириб туради, шу туфайлидан зийрак танқидчилар Островский, эҳтимол, тушида ҳам кўрмаган идея ва мақсадларни унинг идея ва мақсадлари деб унга тўнкашган эди. Авторнинг Большовни сўнгги пардада кўрсатишдан мақсади унга томошабинларнинг раҳмини келтириш деб ўйлайдиган танқидчининг маънавий тушунчалари хўп тузук бўлса керак... Бизнинг фикримизча, Большов пьесанинг охирига бориб бутун пьесадагидан ҳам кўпроқ разолат ва ифлослик ботқоғига ботиб кетади. Бошига тушган бало-қазолар ҳам, турмада ётганлари ҳам унга ақл киритмагашини, унда инсонлик туйғуларини уйғотмагашини кўрамиз-да, бундай ҳис-туйғулар унда абадий сўниб кетган бўлса керак, бундай ҳис-туйғулар абадий уйқуга бош қўйган бўлса керак, деб жуда тўғри хулоса чиқарамиз. У ҳозир ҳам, кредиторларга 25 тийиндан тўлаш кўплик қилади, лекин камига унашмаса, энди нима иложи бор, дейди. «Авахтада бир-бир ярим йил ётқизиб, тинка-мадорингни қуритишади, ҳар ҳафта сени солдатнинг олдига солиб, кўча-кўйлардан олиб ўтишади, ҳали қараб тур, зиндонга ташлашдан ҳам қайтишмайди, ундан кўра ярим сўмдан тўлаганим ҳам яхшироқ деб қоласан». Бирон дадил қадам қўйишга журъат қилолмайдиган, узоқ вақт курашга бардош беролмайдиган бу шахснинг кулгили ожизлиги шундан аниқ ва равшан кўриниб турмайдими? Бутун пьесада қонун нималигини ва бурч нималигини бирон марта ҳам эсига олмаган бу кишининг маънавий жиҳатдан ҳам ҳеч нарсага арзимаган бир шахс эканлиги равшан эмасми? Бу ҳам оз: унинг дағал кўнглида оталик ва эрлик туйғуси ҳам сўниб кетган; буни биз пьесанинг биринчи пардаларида кўрган эдик, сўнгги пардасида ҳам кўриб турибмиз. Хотинининг ғам-ғуссаси билан унинг ҳеч иши йўқ, қизининг дағал аблаҳлиги унинг оталик ҳис-туйғусини ғазаблантирмайди. Олимпиада Самсоновна унга бундай дейди: «Дадажон, мен йигирма ёшимгача сизникида турдим-у, лекин ёруғ дунёни кўрганим йўқ, энди нима демоқчи бўласиз, пулни сизга берайин-у, ўзим яна чит кўйлакда юрайинми?». Большов қизи билан куёвига таъна қилиб, «мулкимни сизларнинг қўлингизга топшириб, билмай яхшилик қилган экапман», дейишдан бошқа бирон дурустроқ жавоб топиб беролмайди, «ахир, мен сиздан садақа сўраётганим йўқ-ку, ўз моли-дунёмни сўраяпман-ку» дейди. Наҳотки, отанинг қизига шу муносабати ҳам кулгили бўлмаса? Большовнинг бутун шу машмашадан ўзи учун чиқарган сабоги—ўз маънавий тараққиётида кўтарила олган энг юқори нуқтасидир: «каттага кўз тикма, борига барака деб ўтира бер; каттага кўз олайтирсанг, бор-будингдан ҳам айриласан» дейди. Бу

сўзлар бизга маънавий қадри-қимматнинг қандай паст даражада эканини кўрсатиб беради! Ўзи ёмон ният билан атайин банкрот бўлган киши бу қилмишидан «каттага кўз тиксанг — ўз мол-мулкингдан ҳам айриласан» деган оқилона гапдан бошқа бирон маънавий сабоқ ҳам чиқаролмайди! Орадан бир дақиқа вақт ўтгандан кейин, бу оқилона гапига қўшимча қилиб, ўйлаган ишимни боплаб ўрнига қўёлмадим, аттанг, деб афсусланади,— «эқинни чала ўриб қўйса, қул ҳам ўзини ўзи уради» деган мақолни мисол келтиради. Пьесанинг бошида атрофидаги кишиларни титратиб-қўрқитиб турганини кўрган баъзи бировларга иродаси кучли одамдай бўлиб кўринган Большовнинг ўтакетган бемаъни ва маънавий жиҳатдан ҳеч нарсага арзимаслиги бунда аниқ кўриниб туради! Шундай бўлса-да, «Қўйнидан тўкилса, қўнжига»нинг сўнгги пардаси томошабинларда Большовга раҳмдиллик уйготиши керак деган қарорга келган танқидчилар ҳам бор экан!*

---

* Москвалик жаноб Н. П. Некрасовнинг «Атепей»нинг сўнгги сонида босилиб чиққан ва бу олимона журналнинг умри узоққа бормаганлигини қисман исботлаб берадиган ғалати мақоласидан яна бир парча келтиришга журъат қиламиз. «Қилган алдамчилиги учун турмага тушган Большовнинг яна саҳнада пайдо бўлишининг нима кераги бор деган савол туғилади. Наҳотки, автор ҳақиқатда савдогар киши авахтада ўтиришни ўзига ор билади, деб шуни кўрсатмоқчи бўлиб, унга кишиларнинг раҳмини келтирмоқ ниятида шундай қилган бўлса? Лекин, ундай бўлса, ҳар қандай киши: Большовнинг нимасига кишининг раҳми келади, деб, сўрашга тамомила ҳақи бор. Сўнгги пардадаги бутун шу ҳаяжон тўртинчи кўринишнинг нима кераги бор эди? Афтидан, муҳтарам халойиққа: «Кўриб қўйинг, савдогарга ёлғончилик ҳеч ярашмайди: ўзини ундан беш бадтарроқ алдаб қўйишлари турган гап», деб шуни кўрсатиш учун керак бўлган бўлса керак. Қандай ажойиб фикр, бу фикрнинг маънавий принципи қандай бузоқ!..»

Танқидчи маънавий принципларни тушунишида Самсон Силичнинг ўзидан унча узоққа кетмаган бўлса керак, шу сабабдан биз юқорида келтирган Большовнинг «каттага кўз олайтирсанг, бор-будингдан ҳам айриласан» деган сўзларини бутун пьесанинг асосий идеяси деб билади. Шундай қилиб, танқидчи Большовнинг тушунчаларини пьеса авторининг ўзининг идеялари билан аралаштириб юбориб, Островскийга мана бундай насиҳатгўйлик қилади: «Санъатни воқеликка бўйсундиришнинг қанчалик хавфли эканлигини автор сезяптими? Ўз асарининг маънавий қиммати жуда ҳам паст эканлигига ақли етмаяптими? Наҳотки янги бадиий асар: «Алданмайин десанг—алдама» ёки «бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан» ёки, яна комедиямизга яқинроқ келадиган мисолни оладиган бўлсак, «алдамчилик қилма, чунки алдамчилигинг ҳамма вақт ҳам ўтавермайди» деган ҳаёт қоидаларига асосланиб ёзилса? Бунда кишининг маънавий қимматини сақлаб қолган нарса нима? Ҳеч бўлмаса, кишининг табиатининг энг кабиҳ томони бўлган алдамчилик шармандаий-шармисор қилинганми? Йўқ... Комедияда алдамчиликнинг (у қандай алдамчилик бўлмасин) кишининг маънавий табиатига хилофлиги ҳақида сўз йўқ, унда фақат, бизнинг қарз тўғрисидаги қонунларимиздаги камчиликларга қарамай, баъзан савдогарлар алдамчилик қилиб қўлга тушиб қолишади, уларни бу қилмишлари учун турмага соладилар, кейин Сибирга сургун қиладилар, дейилади, холос. Бу фикрга қўшилмасдан

Лекин комедиядаги бу шахс ҳақиқатда бизга нимани кўрсатиб беради? Наҳотки унинг маъноси фақат, «Мана, қаранглар, дунёда қандай ёмон одамлар бор» деган бўлса? Йўқ, жуда муҳим комедиядаги асосий шахс учун бу жуда камлик қилади, Островский сингари ёзувчининг таланти учун бу жуда озлик қилади. Большов характерини диққат билан текшириб чиқиб, анча чуқур маънавий таассурот оласан, киши. Биз Островский талантининг бошқалардан фарқ қиладиган хислатларидан бири — киши қалбининг ич-ичларига кира билиши ва унинг фақат фикрлаш тарзи ва юриш-туришларигина пайқаб олмасдан, унинг фикр юритиш процессининг ўзини ҳам, унинг орзу ниятларининг пайдо бўлишининг ўзини ҳам пайқаб ола билишдир, деб бир марта айтиб ўтган эдик. Большов характерини ишлаганда ҳам унинг шундай уста ёзувчи эканлигини равшан кўрамиз. Автор психик мушоҳадалар натижасида ҳаётнинг, афтидан, энг қоронғи ҳодисаларига жуда ҳам инсонпарварлик нуқтаи назари билан қарай олган ва киши табиатининг маънавий қадри-қимматига жуда ҳам ҳурмат кўзи билан қарай билган,— у ўз китобхонларига ҳам шундай ҳис-туйғу бағишлай олган, деб биламиз. *Ёмон ният* билан қасддан банкрот бўлган Большовнинг бирон ёмонлигини, мудҳишлигини, уни ваҳший бир махлуқ деб ҳисоблашга арзигудай бирон нарсаси борлигини кўрмаймиз. Автор бизни расмий, юридик нуқтаи назарга дуч қилади ва юз берган фактнинг моҳияти билан таништиради, бизнинг кўз олдимизда ҳаром бир ишни содир бўлиб, зўрайиб боришга мажбур қилади. Юридик маънода жуда ҳам даҳшатли бўлган бу ёмон ният воқиасидан биз нимани кўрамиз? Шайтонлик васвасасидан асар ҳам йўқ, незиятларга хос айёрликдан ҳам асар йўқ! Ҳаммаси шунчаки, очиқ кўнгил билан қилинган аҳмоқона ишлар! Самсон Силич — асло дўзахда яратилган одам эмас, шунчаки дағал ҳайвон табиатли бир одам, унинг табиатидаги яхши томонлари ёшлик чоғида янчиб хазон қилинган ва унда ҳеч қандай маънавий тушунчалар ривож топмаган. Унинг характерида шахсий ташаббус ёки кишининг ўзининг фаолиятига эркин ҳавас қўйиши деган нарса йўқ, у ҳеч мўлжал қилмай ва кўпни орзу ҳам қилмай, қандай тўғри келса шундай ҳаёт кечиради. Унинг ўзбошимчалик қилишига сабаб шуки, атрофидаги кишилар унга қаттиқ қаршилик кўрсатмайди, балки ҳамма вақт унга бўйсуниб туришади; бошқаларни алдаш ва эзишга

мумкин эмас, ҳақиқатда шундай. Аммо буни саҳнада такрорлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор?..» Танқидчи мана шу ажойиб саволни бергандан кейин яна шу ондаёқ жуда кеккайиб: «Жаноб Островский ўзи танлаб олган воқиани ўз асарининг идеясига мана шундай татбиқ қилибди!..» деб хитоб ҳам қилиб қўяди.

Биз, ҳозирги пайтда «Атеней» чиқмай қўйган бир даврда «Москвитянин» Н. П. Некрасов» жаноб Балашевичнинг «Орёл» журналида бемалол ўз мақолалари билан қатнашиб турса бўлардан, деб ўйлаймиз.

сабаб шуки, бу нарсанинг кўнглига ёққанини сезиб туради, холос, лекин бунинг бошқаларга қанчалик оғир туюлишини сезишга ожизлик қилади; унинг банкрот бўлиш қарорига келишининг сабаби шуки, бу кирдикорнинг ижтимоий аҳамияти қандайлигига асло ақли етмайди. Қонуннинг ўзини олий ҳақиқат намоядаси деб билмайди, балки йўлдан олиб ташланиши лозим бўлган ташқи тўсиқ деб, йўлда ётган тош деб билади. Виждон деган нарса унинг кўнгил товушидан пайдо бўлмасдан, ўтган-кетганларнинг мазақ қилишидан, Иверскаяга қарашларидан, Сибирга сургун бўлишдан қўрқишларидан пайдо бўлади. Қисқаси, Большовнинг жиноятқорона, ифлос ишларига сабаб унинг худди инсондай тарбия олмаганлиги эканини Большов образида аниқ кўриб турасиз. Унинг биз учун аблаҳ одамлигига сабаб шуки, унинг одамлик фазилатларининг деярли ҳаммасидан маҳрумлиги кўриниб туради; шу билан бирга унинг табиатидаги одамгарчилик куртаклари бузилиб, шу сабабдан ҳам у ифлос ва кулгили бир зот бўлиб қолган. Лекин шахснинг тараққий топмаганлиги оқибати бўлган ифлослик ва аблаҳликнинг ўзи бизга тўғри, эркин тараққий топишнинг зарурлигини кўрсатиб, киши табиатининг қадри-қимматини яна бизга тиклаб беради, разиллик ва жиноят — киши табиатида бор нарса эмаслигига ва табиий тараққиётнинг қисмати эмаслигига бизни ишонтиради.

Пьесанинг бутун ривожи ва Большов атрофида тўпланган бошқа ҳамма шахслар ҳам худди шундай хулосага боришга жуда яхши ёрдам қилади. Бутун пьесада схоластик назарияларни қувватлайдиган, характерларнинг ҳақиқий соддалиги ва ҳаётийлигига зарар келтирадиган ҳеч қандай айтарлик бирон кўз бўямачилик йўқ, ҳаракатларни сунъий йўсинда ривожлантириш деган нарса йўқ. Ҳамма шахслар ўз маъноси билан айтганда астойдил ҳаракат қилади, бирортаси ҳам мелодрама қаҳрамонидай ҳаракат қилишга уринмайди. Бунда энг юқори даражали камолатга эришган энг яхши ақлий қобилият ва энг олижаноб қалб кучлари ҳам уятли мақсад йўлида хизмат қилмайди; аксинча, бутун пьеса худди шундай камолатнинг етишмаслиги кишиларни шундай аблаҳликларга олиб боришини аниқ кўрсатиб беради. Ҳамма шахсларда фақат бир инсонлик нияти сезилиб туради — ҳаммалари қандай зулм остида ўсган ва яшаб туришган бўлса, шу зулмдан қутулиб олишга ҳаракат қилишади. Большов, ташқаридан қараганда, бу зулмдан қутулиб олгандай; лекин фикр билан иродани исканжага олиб сиқиб турадиган тарбия излари унда ҳам бутун умр сақланиб қолган ва уни бемаъни золимга айлантириб қўйган. «Зулмат дунёси»даги бу бемаъни ҳаёт тартиби шу қадар юқимлики, ҳатто жуда эзиб-янчиб ташланган шахс ҳам бошқалар зулмидан сал-пал қутулиб олди дегунча, ўзи бошқаларга зулм қилиш пайидан бўлиб қолади. Бу ваҳшиёна муносабатлар Островский комедиясининг бошидан охиригача зўр

маҳорат билан тасвирлаб кўрсатилган; шу сабабдан ҳам, бу комедияда биз бутун бир зулм иерархиясини кўриб турибмиз, дедик. Дарҳақиқат, Большов ҳеч кимнинг ўзини ҳам очтирмасдан ҳамма устидан ўз ҳукмини юргизиб туради; Подхалюзин хўжайинидан қўрқади, лекин Фоминишнага бақирадиган бўлиб қолган, Тишканинг бўлса бошида ёнғоқ чақиб туради; Аграфена Кондратьевна — кўнгли юмшоқ, ҳатто бир оз аҳмоқроқ хотин — эридан худди оловдан қўрққандай қўрқади, лекин Тишкани қоп қақшатиб туради, баъзан эса қизига ҳам бақириб, ўдағайлаб туради, агар қўлидан келса, кучи етса, уни ҳам сиқиб тоза сувини ичарди. Масалан, биринчи парданинг иккинчи кўринишида унинг ҳаддан ошиб ўдағайлаганига қаранг.— «Ё сен,— деб бақиради у қизига,— менга буйруқ беришга ҳаддинг сиғмайди, деб ўйлайсанми мени? Қани айт-чи, ҳу, уятни билмайдиган кўзларинг курсин, нимага кишига ҳасад билан бақрайиб қараб турасан? Нима, онангдан ҳам шахдамроқ бўлмоқчимисан? Биласан-ку, мен гапни чўзиб ўтирмайман: ошхонага қамаб қўйиб ишлатишдан ҳам қайтмайман. Сени қара-ю! Лаббай! Ҳа, она қизим, билиб қўйинг! Бўздан кўйлак тикиб, устингга кийгизиб қўяманки, кейин додингни кимга бўлса айтиб юраверасан».

Липочка жеркиб беради, Аграфена Кондратьевна яна такрорлаб: «Онангга гап қайтарма! Яна ғинг десанг, тилингни узиб, қўлингга тутқазиб қўяман» дейди. Лекин Липочка ўзининг *ўқимишли* қизлигини билади, шундан ўзига маънавий куч олиб туради, шу сабабдан онасининг гапларига унча эътибор ҳам бермайди ва у билан ҳар гал ғижиллашганида ютиб чиқади: онасига, сиз бошқача тарбия олгансиз, деб таъна қилади-да, ўзи йиглай бошлайди, онаси бўлса яна бирор кор-ҳол бўлиб қолмасин деб қўрқиб, яна ўзи қизини юпатишга киришади. Липочканинг жуда дағал ва ўтакетган зулмга мойиллиги яққол кўриниб туради. У, онасига бундай дейди: «Бошқалардан илмим зиёдалигини ўзим кўриб турибман; нима дейсиз, сизнинг беҳуда-бемаза ишларингизни кўриб, сизга ҳайбаракаллачилик қилайми? Буни қараш-у! Жуда ғалати бўпти-ю!» Подхалюзин билан бўлса, унашиш вақтида: «Қариялар хўп давр суриб, қилгуликларини қилиб бўлишди,— *бас энди, энди гал бизга келди*»...— деб гапни бир ерга қўйиб олишади. Фақат Тишкагина ҳозирча бировнинг елкасига миниб олишга ҳаракат қилмайди, аксинча, ҳамманинг таёғи унинг бошида синадиган бўлиб қолган: бу хонадондагиларнинг ҳаммаси зўравонлик наъмасини шунга ишлатади: «Бизда,— деб шикоят қилади Тишка,— агар унаси бўлмаса, буниси, ўзи бўлмаса, хотини адабимни бериб туради; ё бўлмаса приказчик Лазарь, ё бўлмаса Фоминишна, ёки яна бириси... ҳар бир мохов сенга хўжайинлик қилиб туради». Галма-гал савалаб, шундай хўжайинлик қилишларнинг излари Тишкада ҳозирдаёқ кўриниб қолган: у муттаҳамлик билан ўғирликни

ўрганиб олган. Кўпроқ пул ўғирлаб олганидан кейин, унга қандай бебошлик ва бераҳмлик билан хўжайинлик қилишган бўлса, албатта, ўзи ҳам шундай хўжайинлик қиладиган бўлади. Островский унинг мартабага миниш йўлини Тишка бир ўзи қолиб пул санаб турганида бир неча сўз билан жуда боплаб тасвирлаб кўрсатган: «Ярим сўлкавойни Лазарь берди (ҳеч кимга билдирмасдан ароқ олиб келиб берганим учун): тунов куни, қўнғироқхонадан сакраган эдим, Аграфена Кондратьевна уч мири берди; бир танга-ю бир мирини қимор ўйнаб ютиб олдим; ўтган кун бўлса хўжайиннинг прилавкада бир сўми эсидан чиқиб қопти». Тишканинг даромад манбалари шулар: ароқ олиб келиб беради, қўнғироқхонадан сакрайди, қимордан ютиб олади, ўғирлаб олади. Куни шундай ўтгандан кейин унда қандай маънавий туйғу пайдо бўлсин? Унинг ўзиники қўлига ярим танга бериб, қўнғироқхонадан сакратиб келишгандан кейин, у бошқаларнинг ғам-ғуссасига қандай қилиб шерик бўлсин? Вақти келиб ундан ҳам Подхалюзин чиқиши турган гап... Бу «зулмат дунёси»нинг замини ўзи шундоқки, унда бошқа мева ўсмайди ҳам, унмайди ҳам!

Бироқ, Подхалюзиннинг ўзи ким? Ахир, бу етук, онгли, ақлли фрибгар-ку! У комедиянинг умумий таассуротига — яъни бизни бу муҳитдаги ҳамма жиноятларни ақлнинг хиралашгани ва характердаги одамгарчилик хислатларининг камолга етмаганлиги натижаси деб эътироф қилишга мажбур қилаётган комедиянинг умумий таассуротига зид келмайдими? Аксинча, Подхалюзин бизни бу таассуротнинг тўғрилигига узил-кесил ишонтиради. Инсонлик идеяси шамоли унга қанчалик тегиб ўтган бўлса, унинг ҳам ҳали худди шунча баҳарнавълигини биз ундан кўриб турибмиз. У, у ёқ-бу ёқни суриштирмасдан алдамчилик кўчасига кириб кетавермайди, у мўлжаллаб қўйган ишларини аввал хўп ўйлаб кўради, шу билан, қарасак қипялангоч ёлғончиликдан хазар қилиб қолганини, ўз фрибгарлигини ҳар хил сафсаталар остига яширишга ҳаракат қилишини, ўз айёрлиги учун бирор маънавий асос қидириб топиш ва алдамчиликнинг ўзида хўжа кўрсинга, юридик ҳалолликка риоя қилиш истаги пайдо бўлганини кўрамиз. Шундай масалалар борки, чунончи дўконда тошдан уриб қолиш ва харидорларни алдаш,— улар тўғрисида Подхалюзин асло ўйлагани эмас, бу масалада у ҳеч виждон азобига учрамасдан, бемалол билганини қила беради. Лекин каттароқ иш чиқиб қолиб, хўжайиннинг мулкидан катта ўлжа чиқариш хонаси келиб қолганда, Подхалюзин ўйланиб қолади ва ўз қилмишини тўғри деб топа бошлайди.

«Айтадиларки, виждон деган нарса ҳам бор эмиш,— деб муҳокама қилади у:— турган гап, *виждонни ҳам эсдан чиқармаслик керак, лекин буни қандай маънода тушунмоқ керак?* Яхши одамга дуч келганда ҳар қандай одамда ҳам виждон тилга киради; *агар унинг ўзи бошқаларни алдаётган бўлса, у вақтда виждон нима қилиб юрибди!* Самсон Силич

жуда бой савдогар, хозир бу ишларнинг ҳаммасини эрмакка ўйлаб чиқарди, деса бўлади. Мен бўлсам камбағал одамман! Агар бунда ортиқчароқ бирон нарсадан фойдаланадиган бўлсам, унчалик гуноҳ ери йўқ; *нега десангиз, унинг ўзи адолатсизлик қиляпти, қонунга хилоф иш қиляпти.* Мен унинг нимасига раҳмим келсин? Йўлинг очилган бўлса, оғзингни очиб қараб ўтирма; *у ўз сиёсатини юргизяпти, сен бўлсанг ўз моддаинки тўғрилаб қўй.* Мен-ку яна бошқачароқ суробини тўғрилаб қўярдим-у, лекин хонаси эмас!»

Кўрдингизми, Подхалюзин ҳам одамгарчиликни еб қўйган қаҳри тошлардан эмас, унинг ҳам виждони бор, лекин виждон деган нарсани ўзича тушунади. Бошқа ҳамма одамлар сингари, у ҳам «зулмат дунёси»даги қирпичоқ бўлишларни кўриб боши гангиб қолган; у ўзининг фрибгарликларини ўйлаб топганда, уни алдамчилик деб билмайди, балки усталик деб, гарчи юридик жиҳатдан ғайри қонуний иш бўлса ҳам, ҳар ҳолда ҳақ иш деб билади; тўғридан-тўғри ёлғон гапиришни у хуш кўрмайди: совчи хотинга икки минг ваъда қилган бўлса ҳам, унга фақат юз сўм беради-да, бундан ортиқ арзийдиган иш қилганинг йўқ, деб туриб олади. Расположенскийга пулни майдалаб бўлиб-бўлиб беради, унга бир неча юз сўм берганидан кейин, «энди ўзинг ҳам инсоф қил-да», деб унга пул тўлашини бас қилиб қўя қолади. Большовнинг ўзи учун унинг кредиторларига пул тўлашдан асло бош тортмайди-ю, лекин, 25 тийиндан тўласа жуда кўплик қилади, дейди. Шу билан бирга шундай қилганида бирон асоси бордай иш қилади. Большовнинг ўзининг унга айтган гапларини, унинг ўз сўзларини эсида тутади. Самсон Силич қизини Подхалюзинга эрга бермоқчи бўлганида, бўлғуси куёви билан мана бундай суҳбат қилган эди:

Б о л ь ш о в. Мол-дунёни ўзим топганман... Кимга хоҳласам, ўшанга бераман... Бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ! Узумини егину, боғини суриштирма! Ҳаммасини олгин-у, лекин кампирим билан бизни боқасан, кредиторларга ҳам ўн тийин-ўн тийиндан тўлайсан.

П о д х а л ю з и н. Дадажон, бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ. Мени билмайди дейсизми? Қўлидан тўкиласа, қўнжига, деганлар.

Б о л ь ш о в. Сенга ҳаммасини ол денпман-ку, гап битта. Менга ҳеч ким йўл кўрсатолмайди! Кредиторларга қарзимни тўласанг бўлгани. Тўлайсанми?

П о д х а л ю з и н. Бўлмаса-чи, дадажон, дастлаб қарзингизни тўлайман.

Б о л ь ш о в. Лекин, менга қара, уларга кўп тўлама. Аҳмоқ бўлиб ҳаммасини тўлайверишдан ҳам қайтмайсан сен.

П о д х а л ю з и н. Йўқ, дадажон, кейин бир гап қиларминг, ахир. Ахир, орамизда сеники-меники йўқ-ку?

Б о л ь ш о в. Бўлмаса-чи. Сен уларга ўн тийиндан *ортиқ тўлама. Шунга ҳам жон дейишсин.*

Подхалюзин шу гапларни қулоғига жуда яхши қуйиб олган эди, шунинг учун ҳам Большов қамоқдан қайтиб келганида, гапни чўзмасдан унга шу гапларни эслатиб туради. У кредиторларнинг 25 тийиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги даъволарини адолатдан деб ҳисобламайди; аксинча, улар «жуда ҳадларидан ошиб кетишибди, беш йил муҳлат билан саккиз тийинга нима деяркан» дейди. Мана шу фикрлари ўзига нашъа қилиб, хурсанд бўлганидан қайнотасини меҳмон қилади, унга қўшилишиб кредиторларни сўкади, «бирон илож қилиб қутулиб олармиз» деб овитиб қўяди, чунки «худонинг ўзи раҳм қилади» дейди. Лекин кредиторларнинг талаб қилаётганини тўлашдан бош тортади, чунки улар «ҳеч тўғри келмайдиган нархни талаб қилишяпти» дейди. Унинг ўз нуқтаи назаридан у асло виждонсизлик ва қаҳри қаттиқлик қилаётгани йўқ, фақат ақл билан, қаттиқ туриб айтганини қиляпти, холос. У ҳатто Большов учун 10 тийин ўрнига 15 тийиндан тўлашга ҳам рози бўлиб ва ҳатто кредиторларни гапга кўндириш учун ўзи уларнинг олдига боришга ҳам рози бўлиб, анча олижаноблик қилади. Унинг ҳатто раҳмдиллиги ва бирмунча виждони ҳам борлиги кўриниб турибди; лекин у кўпроқ юлиб олиш ҳаракатида, ўзи ҳам, ишдан бирон кўпроқ фойда чиқариб олиш мумкин бўлар, деган умид билан юрибди. Бунда Подхалюзиннинг пасткаш айёр эканлиги, ёшлик чоғидан эзилиб, зулм остида яшчилиб келиб, касб қилган айёрлиги тобора кўпроқ намоён бўлиб кўринади. Ўгрилардай ҳеч қандай қарз-парзингни билмайман деб шартта тониб туриб олиб, Большовнинг бутун ишини ташлаб қўйишга, янги бирон наъма ўйлаб чиқариб, таваккал қилиб, янги иш пайидан бўлишга унинг юраги ҳам йўқ; ишни бир ёғлик қилиш учун ҳар қанақа фрибгарликдан, ишқилиб, бирон фойда чиқса рози бўлиб кетаверадиган танти фрибгарлар сингари ақл ишлатиб бирон мўлжал қилиш деган нарсани ҳам билмайди. Бирон ўтакетган доғули қасддан банкрот бўлиш сингари қалтис йўлга кирадиган бўлса, бир сўмга 25 тийиндан тўлаб қутулиб олиш мумкин бўлса, дарров бунга жон деб кўна қоларди; ундай доғули дарҳол шундай фойдали битим тузиб, бутун қаллоблигини шу билан тугатиб қўя қолар-да, бу ишдан ўзи ҳам жуда хурсанд бўларди. Ахир, бировнинг мулкининг тўртдан уч ҳиссаси қўлингга тегинга тегса, яна бунга хурсанд бўлмай, нимага хурсанд бўласан? Жайдари рус фрибгарларидан бошқа ҳар бир кимса бундай ёғлик ишга жон деб кўна қоларди. Ўз истеъдодига кўра ўзини шу касб йўлига тиккан чин фрибгар ҳар бир алдамчилик наъмасидан талашиб-савдолашиб ўзига бирон бахт ясаб олишга ҳаракат қилмайди, фойдаси сўм бўлиб чиқадиган бўлса, яна сариқ чақани деб ўзини бирон қаллобликка овора қилиб юрмайди: бу фрибгарлигидан бошқаси ҳам борлигини, ундан кейин яна бошқаси ҳам бўлишини у билади, шу важдан у бир ишни ўмариб бўлгандан кейин иккинчисига бемалол кўчиб ўтиш учун ўша бир ишни тезроқ маррасига етказиш пайидан бўлади. Бемаъни ўзбошимчалик зулмидан ҳосил бўлган шу зулм остида вояга етган бизнинг пасткаш фрибгаримиз бутунлай

бошқача иш қилади. Унда, рус кишиси жуда беандаза бўлади, деб нима учундир ҳамманинг завқи келадиган худди шу беандазалик йўқ, лекин бемаъни зиқна-ю хасисликдан десангиз қоп-қоп бор. Баъзи бировлар Подхалюзиннинг ишларини кўриб, унда ҳам русларга хос беандазалик бор: «кўрмадингизми,— агар бировнинг мол-мулкига кўз олайтирса, сиқимини каттароқ қилиб олади, оладиган бўлса уч чорагини эмас, ўндан тўққизига чангал солади», дейишлари турган гап... Лекин аслида, Подхалюзин бунда худди шу ишнинг кўзини билмаслигини, ўзига ишонмаслигини кўрсатади. У бир омадим келиб қолди, яна бундай омад келиши даргумон деб, шу бир қилган фрибгарлигига қаттиқ ёпишиб олади, шунинг учун ҳам у, шу фрибгарлигидан кўпроқ фойда чиқариб олишнинг иложи йўқмикин, деб бутун фикри-зикри шу бўлиб юраверади: ахир, таваккал қилиш осон бўлган дейсизми! У таваккал ишни ҳеч одат қилган эмас, таваккал иш унга осон гап эмас, шунинг учун ҳам у яна шундай бирон таваккал иш қилиш тўғрисида ўйлашдан қўрқади... У энди бир амаллаб жойлашиб олса бўлгани, ундан кейин, комедиянинг биринчи нашрида халойиққа сўнгги марта мурожаат қилганида берган ваъдасига мувофиқ, майда-чуйда фрибгарлик йўлига кириб олади: «Ундан кейин қарасангиз, магазинча очиб оламиз! Марҳамат қилсинлар: гўдак болани юборсангиз, бирон пиёзчалик ҳам ҳақингиздан уриб қолмаймиз»[8] — дейди. Бунинг маъноси шуки, илгари Большов ўз приказчикларига *тушунтириб* қандай таълим берган бўлса, бу ҳам шу билан қаноатланиб қўя қолади... Агар яна бирон *хонаси келиб,* бирон нарса бежо ётган бўлса, унинг йўли бошқа: унда Подхалюзин бир амаллаб кўпроғини юлиб кетади.

Шундай қилиб, Подхалюзин ҳам одамгарчиликни йўқотган бирон золим эмас, ҳамма аблаҳларнинг аблаҳи эмас. Подхалюзин Большовга, мен сизга содиқ қулман ва ҳоказо деб, унинг олдида кўз ёши қилган, кўринишда ҳаммадан ҳам разил ва қабиҳдир. Лекин бунда у тамаъгирлик қилиб эмас, балки Самсон Силичнинг, Липочкани сенга бераман, деган ваъдасини олиш учун унинг товонини ялашдан ҳам қайтмаган эди. Шуниси ҳам борки, Подхалюзин Липочкани астойдил яхши кўрарди... Буни у тўртинчи пардада, Липочка унга хотин бўлгандан кейин, унга қилган муомаласи билан аниқ исбот қилиб берди... Биз бўлсак энг зўр ошиқ-маъшуқлик воқиаларида энг одоблик қаҳрамонларнинг ишқ-муҳаббатини деб қилган қандай-қандай айёрликларининг ҳам юзига бормаймиз!

Липочка маънавий жиҳатдан ҳар қанча нотовон бўлса ҳам, пьесанинг умумий таассуротига ҳеч зарари йўқлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Унинг онаси билан қиладиган муомаласи, сўнгги кўринишда отаси билан қилган можароси ҳам жуда ифлос бўлганидан ҳажвийлик доирасидан четга чиқади,

дейишади. Бизнинг фикримизча, асло ундай эмас, чунки биз Большовнинг оиласи сингари оилада қон-қариндошлик муносабатлари муқаддас бўлади, деб айта олмаймиз. Липочкада ҳам шу хонадондаги зулм таъсири йўқ эмас: фақат шундай зулм бор жойдагина бундай бемеҳр, бемуҳаббат муносабатлар содир бўлади, ота-онага шундай совуқ, дағал муомала қилишлар шу зулмдан келиб чиқади; Липочка сингари ҳар қандай маънавиятдан бутунлай маҳрум бўлиш ҳодисалари фақат шундай зулм бор жойдагина бўлади. Агар Липочкани эзиб келган зулм изларини ҳисобга олмайдиган бўлсак, унинг савдогар оилаларимиз тугул, ҳатто дворянлар табақасидан бўлган кўпчилик хонимларимиздан ҳам ҳеч кам ери йўқ. Бутун ҳаётини фақат упа-элик суркаб ўтказмайдиганлари, ясаниб, ўзига зеб беришдан бошқани билмайдиганлари, танца деганда ўзини йўқотиб қўймайдиганлари, бирон офицерга ошиқи беқарор бўлиб оҳу воҳ қилиб юрмайдиганлари оз дейсизми? Агар мен ўз умримда ўқимишли уч нафар қиз билан суҳбат қилган бўлсам, улардан иккиси Липочканинг машҳур монологини,— «ҳарбийлар билан юришга нима етсин! Кўрсанг эсинг кетади, суқинг киради! Мўйловлари ҳам, эполетлари ҳам ўзларига ярашган, шпорларига ҳам қўнғироқ тақиб юришади!.. Ҳарбийлар қаёғда-ю, штатскийлар қаёғда, тенглаштириб бўлади, дейсанми? Ҳарбий киши манаман деб кўзингга ташланиб туради, ўзи ҳам эпчил, ҳамма ёғи келишган, штатский-чи? Худди бир ўлимтикка ўхшайди» деган монологини такрорлаганини эшитганман. Шундай монологларни оғзидан қўймайдиган қизларга нима деб бирон айб қўйиб бўлади? Липочка нимаки қилса асло нияти ёмонлигидан ёки табиатан ёвойилигидан қилмай, ахлоқ ва идрок жиҳатдан ҳеч вояга етмаганлигидан қилиши равшан эмасми? Бу бечора шўринг қурғурнинг шахсидан дарғазаб бўлишнинг нима кераги бор?

Умуман, «Қўйнидан тўкилса»нинг нимасидан хафа бўлса бўлади? Одамлардан ва ҳар бирининг қилмишидан хафа бўлмасдан, уларнинг бутун ҳаётини оёқ ости қилиб турган қайғули бемаъниликдан хафа бўлса бир йўли. Комедияда кишилар бизга юридик томондан эмас, балки одамлик томонидан тасвирлаб берилганини кўриб турибмиз, шу сабабдан, улар қилган жиноятларнинг ўзи ҳам бизга унча таъсир қилмайди. Бунда расмий жиҳатдан биз қасддан банкрот бўлган кишини, ундан ҳам бешбаттар ёмон бўлган, ўз хўжайинининг мол-мулкини босиб, талаб олган приказчикни, пинагини ҳам бузмай ўз отасини авахтага жўнатган маккор қизни кўриб турибмиз, уларнинг ҳаммасига биз аблаҳлар, ёвузлар деб ном қўйиб, лаънатлаймиз. Лекин комедиянинг автори бизни шу кишиларнинг уй ҳаётига олиб киради, бизга уларнинг қалбини очиб кўрсатади, уларнинг логикасини, масалага қарашини тасвирлаб кўрсатиб беради, шунинг учун ҳам, биз бенихоят бундай нияти ёмон эмас, албаҳлар эмас, балки ҳамма кишилар

қандай бўлса, бўлар ҳам шундай оддий кишилар, бизни ҳайратда қолдирган жиноятлар аслида ёвузликка мойил бўлган ғайри оддий табиат оқибати бўлмай, балки биз айблаётган кишиларнинг ҳаёти қайси шароитда бошланса ва давом қилса, шу шароитлардан муқаррар келиб чиқадиган натижалар холос, деган ишонч ҳосил қиламиз. Шундай ишонч ҳосил қилганимиздан, бу инсон табиатига, умуман шахсга ҳурмат билан қараймиз, комедияда қатнашувчи ва том маънода даҳшат ва нафрат қўзғатадиган мажруҳ шахслардан кулиб, уларга нафрат билдирамиз, шиҳоят, шахснинг нормал суратда камол топишига тўсиқлик қиладиган ва уни бузуқ йўлга соладиган таъсирларга чуқур, қаттиқ нафрат билдирамиз. Шундан кейин биз бевосита: булар қандай таъсирлар ва улар қандай амал қиладилар?— деган масалага ўтамиз. Ҳамма зарарли таъсирлар бунда бир хил кишиларнинг ҳақи бўлмагани ҳолда бошқалар устидан зўравонлик қилишидан иборат, деб комедия аниқ ва равшан кўрсатиб туради. Бу таъсирларнинг қандай амал қилиши комедияда жуда содда қилиб тушунтириб берилган. Большовнинг асло иродаси мустаҳкам одам эмаслигини, унинг узоқ вақт кураш олиб боришдан ожизлигини, умуман, ташвиш, ғалва деган нарсаларни хуш кўрмаслигини биз ўзимиз кўрдик; Подхалюзинининг зийрак одамлигини ва хўжайинини ҳеч хуш кўрмаганлигини ҳам биламиз; унинг уй ичиси ҳам, қўлидан ҳеч иш келмайдиган бемаъни кампир хотинидан бошқа ҳаммалари Самсон Силични унчалик яхши кўрмаслигини ҳам кўрдик. Шундай бўлгандан кейин Большовнинг ўзбошимчаликларига қарши уларнинг очиқ бош кўтариб чиқишларига нима йўл бермайди? Уларнинг молдий жиҳатдан унга қарамлиги, уларнинг тақдири унинг тақдирига боғлиқ эканлигими? Агар шундай бўлса, нега Подхалюзин хўжайинининг фойдасини кўзлаб жонкуярлик қилади-ю, Большов ақли етмаганидан ўйлаб-нетиб ўтирмай, «шунчаки эрмакка» хавфли йўлга қадам қўймоқчи бўлганда, уни бу йўлдан қайтармайди? Бунинг сабаби, албатта, бунда Подхалюзининг ўзи фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи эканидами? Шундай-ку-я, лекин «Қўйнидан тўкилса, қўнжига» асарида бизга тасвирлаб берилган бемаъни муносабатларнинг бутун даҳшат-ваҳшати мана шунда бор бўйича очиб ташланади. Бунда гап оиласини ва атрофидаги ҳамма кишиларни эзиб, уларга зулм қилиб келган ўзбошимчанинг шахсида эмас. Унинг ўзини оладиган бўлса, ўзи ожиз ва ҳеч нарсага арзимайди ҳам: уни алдаш, йўлдан олиб ташлаш, шиҳоят, қамаб қўйиш мумкин... Лекин гап шундаки, уни йўқотган билан бебошлик, зўравонлик йўқолмайди. Бу бебошлик жуда юқимли бўлади, кимки бу бебошлик зулмидан азоб тортган бўлса, унинг уруғлари ҳам худди шу азобланганларга бориб тегади. Ҳуқуқ деган нарсани билмайдиган бу бебошлик ҳуқуққа ишонишнинг тагига болта уради; асли ўзи зулмат ва сохталикдан иборат бўл-

ган бу бебошлик ҳар қандай ҳақиқат нурини суриб чиқаради: бемаъни ва инжиқ бу бебошлик идроки ва ҳар қандай бемаъни ва маъқул иш қобилиятини эзиб, янчиб, ташлайди: дағал ва золим бу ўзбошимчалик ҳар қандай муҳаббат ва ишонч алоқаларини вайрон қилиб ташлайди, ҳатто ўз-ўзингга ҳам ишонмайдиган қилиб қўяди, ҳалол, очиқ иш кўриш одатингни ҳам йўқ қилиб юборади. Унинг жамият учун зарари ана шундай! Агар ҳалол кишилар бебошни йўқотишга ғайрат билан киришсалар, уни йўқ қилиш ҳам қийин бўлмас эди. Лекин ҳамма бало шундаки, шу бебошлик таъсири остида энг виждонли кишилар пастлашиб, қулларча фаолиятсизлик касрига ҳолдан кетиб бормоқдалар, характеридаги инсонлик фазилатлари ҳаммадан оз камол топган кишиларгина иш билан шуғулланяпти, холос. Бебошлик таъсири остида уларнинг тушунчалари тамомила бузилганлигидан бу кишиларнинг фаолияти ҳам шундай паст, хусусий ва қўпол — эгоистик характердадир. Уларнинг мақсади уларга шунча жабр-зулм қилаётган бебошликни йўқ қилиш эмас, балки бирон илож қилиб бебошни ағдариб ташлаб, ўрнига ўзлари бебош бўлиб олишдир. Шунинг учун ҳам Большов авахтага тушганда унинг ўрнини Подхалюзин олади-ю, Большов қандай қилган бўлса, бу ҳам худди шундай эсон-омон ўз билганини қилади*.

«Қўйнидан тўкилса, қўнжига» комедиясидан чиқарадиган умумий хулосаларимиз ана шундай, бу комедияга айниқса узоқ тўхталиб ўтганимизнинг анча сабаблари бор. Биринчидан, бу комедия ҳақида шу дамгача жиддий бирон фикр билдирилгани йўқ эди; иккинчидан, йўл-йўлакай бу комедия ҳақида ёзилган қисқа-қисқа мақолаларда доимо бу пьесанинг маъноси қандайдир ғалати тушунилгани кўриниб турарди; учинчидан, бу комедиянинг ўзи Островский асарлари-

---

* Айтганча, Островский асарининг янги нашрида Подхалюзин ҳам эсон-омон қолмайди, пьесанинг охирида уни квартальний олдига солиб олиб кетади. (Шундан кейин уни Сибирга сургун қилишлари мумкин). Бизнинг фикримизча, бу қўшимча бутунлай ортиқча. Албатта, бунда автор ўз ихтиёри ва эътиқодларига кўра қилган эмас, балки гуноҳ, албатта, жазоланиши керак, деб қаттиқ оёқ тираб олган баъзи бир ўтакетган талабчан пуристларнинг кўнглига қараб шундай қилган. Лекин бунда гап шахсларда, ташқи фактларда ҳам бўлмай, турмушнинг ўзида, шу турмушга асос бўлиб турган алоқаларнинг ўзида эканлигини биз кўриб ўтдик. Шу билан бирга, агар Подхалюзин жазога тортиладиган бўлса, ўзининг бирон ножўя қилган иши учун, бирон ишни яхшилаб ўрнига қўймаганлиги учун жазога тортилса тортилар, бунисини ҳам биламиз. Ўшанда ҳам унинг қўлида яна бир имконият қолади: квартальний келганда унга, ароқ ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирайлик, дейди, ишини шу билан тўғрилаб юбормоқчи бўлади, квартальний гапга кирмай, уни олиб чиқиб кетади; лекин Подхалюзиннинг тақдири квартальнийнинг қўлида эмаслигини ва зулмат дунёсидагиларнинг ҳаммаси ҳам бу квартальний сингари гапга кирмайдиганлардан эмаслигини ҳам биламиз... Биз, парда туширилгандан кейин, ҳатто Подхалюзин иш кўриб турган муҳитдаги мавжуд ижтимоий муносабатларда у ишини ўнглаб олиб ўзини оппоққа чиқаришнинг жуда осон йўлини топиши турган гаплигига жуда аминмиз.

нинг энг ёрқин ва стук асарлари жумласига киради; тўртинчидан, бу асар ҳали саҳнага қўйилмагани учун халойиққа унинг бошқа асарларидан кўра камроқ маълум... Бундан ташқари, бу асарнинг кенгроқ ва батафсилроқ текширилиши лозимлигига сабаб шуки, бу асарда бебошлик зулми остида етишиб чиққан жони қаттиқ айёр шахслар тасвирлаб берилган. Бунда Аграфена Кондратьевнадан бошқа ҳамма шахслар шундай шахслардир. Улар ўз ишларида бебошликка бўйсундилар, ўз ақл-фаросатларини расво қилдилар, бебошлик зулмининг туғдирган ифлосликларига ўзлари ҳам шерик бўлдилар. Бу маънавий бузуқликни қараб чиқиш—ташқи зулм таъсири остида кишининг ички кучларининг оддий бузилишини кўрсатишга қараганда анча қийинроқ вазифадир. Худди мана шундай шахслар—эзилган, разолатга кетган, ҳар қандай гайрат ва ҳаракат деган нарсадан маҳрум бўлган шахслар бизга, асосан, Островскийнинг бундан кейинги комедияларида тасвир қилиб берилган; энди биз шу комедияларга мурожаат қилишимиз лозим. Биз бу кейинги комедияларда бебошликнинг кишини ўликдай карахт қилувчи таъсирини кўздан кечиришга мумкин қадар қисқароқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз, кўпроқ унинг фақат бир турига — оилада хотин-қизларимизнинг қулдай ҳаёт кечираётганига тўхталиб ўтамиз. Сўнгра, яна ўша бебошлик масаласи муносабати билан, ҳатто шу масала билан бевосита боғлаб туриб, «зулмат дунёси»даги фуқароларимизни довдиратиб, хижолатга қўядиган илм-маърифат формаларининг аҳамиятини қараб чиқамиз, ниҳоят, бу «зулмат дунёси» ва қаҳрамонларидан кўплари ўзларининг моддий аҳволини яхшилаб олиш учун қандай воситаларни ишлатаётганини кўрсатиб ўтамиз. Лекин бу масалаларнинг ҳаммасини қараб чиқиш ва уларнинг Островский комедияларидан маълум бўлишича, бебошлик билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиш учун махсус бошқа бир мақола ёзиш лозим бўлади.

Ҳозир бўлса биз «Қўйнидан тўкилса, қўнжига» таҳлилининг охирида китобхонларга мана бундай бир савол беришимиз мумкин: Островский тасвирлаб берган ва биз шундай батафсил анализ қилиб чиққан воқеа ва шахсларнинг ҳаётдагидай ҳаққоний эканини ва бадиий тасвир қувватини инкор қила оладиларми? Агар бу шахслар ва бу турмуш ҳақиқий турмушга мувофиқ бўлса, у вақтда китобхонлар, рус ҳаётининг Островский бизга тасвирлаб берган томонлари санъаткорнинг диққатига арзимайди, деб ўйлайдиларми? Китобхонлар, Островский тасвирлаб берган турмушнинг фақат жузъий, кичкинагина аҳамияти бор ва муҳокама юритувчи киши учун ҳеч қандай муҳим хулосалар чиқариш имконини бермайди, деб айта оладиларми?.. Бу саволларга бериладиган жавоблар Островский комедияларида бизга тасвирлаб берилган фактларни анализ қилганимизда мақсадимизга ета олган-олмаганимизни кўрсатиб бериши мумкин. Шахсан бизнинг ўзимиздан сўрасангиз, биз ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбур қилмаймиз, биз ҳатто Островскийнинг асарлари ҳақида гапириб ҳурсанд ҳам бўлмаймиз, дарғазаб ҳам бўлмаймиз. Биз фақат унинг тасвирлаб берган ҳодисаларига кўз югуртириб борамиз ва уларнинг биз учун қандай аҳамияти борлигини тушунтириб берамиз, холос. Китобхонлар турмуш устидан қилган ўз мушоҳадалари ва ҳуқуқ, ахлоқ тўғрисидаги ва инсонлик табиатининг талаблари ҳақидаги тушунчаларига қараб, муҳокамаларимизнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида ҳам, шунингдек биз Островский комедияларидан олиб таҳлил қилиб берган турмуш фактларининг аҳамияти ҳақида ҳам ҳукм чиқаришлари мумкин.

III

Ҳозир ҳам ҳар тараф ваҳший ва яйлоқ —
Барлар-ла сўзлаша олмайди бироқ;
Пайғамбардан у бекор соя сўрар —
Иссиқ қумларгина уни тўлдирар.
Ҳам тождор қарчиғай, шу ваҳший қонхўр
Ўлжасин бўғизлар, қийнар ва чўқир.

Лермонтов

Биз Островскийнинг «Қўйнидан тўкилса, қўнжига» комедиясини қараб чиққанимизда китобхонларнинг диққатини шу комедияда акс этдирилган рус ҳаётининг, кўпроқ савдогарлар ҳаётининг баъзи бир томонларига қаратдик. Биз, Островский асарларидаги ҳажвийликнинг асоси, бизнинг фикримизча, кенг маънодаги бебошликнинг оила ва жамият ҳаётига қилган бемаза таъсирини тасвирлаб кўрсатишдан иборат, дедик. Биз Самсон Силич Большовнинг атрофидагиларининг ҳаммасига муносабатидан бу бебошлик — ўзи ожиз ва пўкиллаб қолган бўлса ҳам, бирон маънавий кучи бўлмаса ҳам, лекин унинг таъсири жуда ёмонлигини, ўзи бемаъни ва ҳақ-ҳуқуқсиз бўлса ҳам, унга дуч келадиган, у билан алоқа қиладиган ҳамма кишиларнинг соғлом идрокини ва ҳуқуқ тўғрисидаги тушунчасини сохталаштириб юборишини кўриб ўтдик. Бебошлик муносабатлари таъсири остида фирибгарлик ва догуликнинг кучайиб боришини, ҳатто яхши кишиларнинг инсонпарварлик орзу ҳаваслари ҳам йўқолиб бориб, натижада тор, ўтакетган шахснятпарастлик, ошна-оғайни ва яқин кишиларга душманлик пайдо бўлишини кўриб ўтдик. Теварак-атрофдаги муҳитга қарши амалда чинакам кураш олиб боришга журъат қилиш учун жуда ҳам фаҳм-фаросатли — идрокли бўлиш, гўдак болалардай соф қалбга, гоят мустаҳкам иродага эга бўлиш лозим, теварак-атрофдаги муҳитнинг бемаънилиги эса ҳар қандай жонли ва ишчан шахсдан эгоистлик ҳис-туйғулари ва маккорлик ниятларининг авж олишига ёрдамлашади, холос.

Лекин бундай курашдан енгилмасдан чиқиш учун, шу биз санаб кўрсатган фазилатлар ҳам кифоя қилмайди, бундан ташқари яна кишининг саломатлиги ҳам жуда жойида бўлиши лозим, ва—энг муҳими—киши ўзига тузук, давлатманд бўлиши керак, ҳолбуки «зулмат дунёси»нинг тузилиши шундайки, унинг бутун бало-қазолари, ундаги ҳамма алдамчилик, фирибгарликларнинг бутун азоб-уқубати, оғирлиги ожизу бечоралар, ҳолдан тойиб жонидан тўйганлар ва зўрга бир амаллаб кунини ўтказиб юрган камбағалу қашшоқларнинг елкасига тушади; бели маҳкам ва бадавлат кишилар шу алдамчилик ва фирибгарликлари туфайли роҳатда яшайдилар. Шундай бўлгандан кейин, бу фирибгарликни фош қилишдан, шу офатга қарши курашишдан уларга нима фойда? Масалан, савдогар Большов ўзининг приказчиги бўлган Подхалюзин олдига «ўзинг ҳалол ишлаб, харидорларга, ачиб кетган молларни олманг, молга ортиқча пул тўламанг деб, насиҳат қилиб, мени хонавайрон қил» деган талаб қўяди, дейиш мумкинми? Албатта, приказчикнинг ўзи инсофга келиб, шундай қилса қилар, деб ўйлаш мумкин. Лекин приказчикнинг хўжайини бор: приказчик хўжайинининг марҳамати билан қорни тўқ, усти бутун юради, агар приказчик хўжайинга ёқиб қолса, «одам қаторига кириши» мумкин; агар хўжайин приказчикни ёқтирмай қолса, фойдаси йўқ ҳалоллик кўрсатган приказчик нима деган нарса бўларди? Ҳеч нарса!.. Шу сабабдан, Подхалюзин ўз фойдасини кўзлаб ақл юрита бошлайди. У ақли ўткир одам ҳам эмас, қаҳрамон ҳам эмас, бирон зўр бадавлат киши ҳам эмас, оддий, росмана бир киши. Ундан бутун шу теварак-атрофидаги муҳитга қарши, асрлардан буён қарор топган расм-русумларга қарши, у ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган гўдак болалик чоғиданоқ худди муқаддас бир нарсадай унинг миясига қуйишган тушунчаларга қарши амалда норозилик билдиришини талаб қилиш ҳам мумкин эмас... Албатта, теварак-атрофдаги муҳитда қандай ахлоқ ҳукмрон бўлса,— у шу ахлоққа бўйсуниши лозим,—бошқаларнинг босиб ўтган йўлидан бориши керак... Тайёр йўл турганида, ундан ҳеч ким билмайдиган янги йўлдан юришни қандай талаб қилиб бўлади, дейсиз!

Лекин, иккинчи томондан, Подхалюзин ҳаракатчан ва ишчан одам бўлгани учун, у ҳам ўз олдига баъзи бир ҳаётий масалалар ва вазифалар қўяди. Унинг вазифалари одатда жуда кичик, масалалари эса унча чуқур эмас, чунки унинг назар доираси жуда чекланган, тор. У кўз олдида бебошлик қилиб турган хўжайинини кўради, хўжайини ҳеч иш қилмайди, ўз ҳузурини кўзлаб ичгани ичган, егани еган, салқин жойни топиб, маза қилиб ётгани ётган, ҳеч кимнинг сўкишини ҳам эшитмайди, қайтага, ўзи ҳаммани ўзига келган гап билан сўкиб-жеркиб туради; мана шу ифлос шахсни

Подхалюзин одамзоднинг энг юқори мартабаси, бахт-саодат идеали деб билади. Унинг доимо кўриб тургани оддий тор ҳаёт доирасидан четга чиқадиган нарсалар тўғрисида фақат ғира-шира тушунчаси бор, улар тўғрисида асло ўйламайди ҳам, ундан нариси бошқа гап, у ҳақда биздақангилар орзу қилмаса ҳам бўлади, деб билади... Подхалюзинки шундай қарорга келган экан: ўзи учун маълум бир чегарани белгилаб олиб, ундан ташқарига чиқиш мумкин эмас деган фикрга келган экан, ўзини шундай доирага мослаб, шу доирада амал қилишга қарор бериши, шунинг учун ҳам бўйинни қисиб, эгилиб юришлари табиий бир нарса. Унинг бундай қилиши ҳам қийин гап эмас—у ёшлигидан шуни одат қилиб олган: елкангга доимо газ чўп тушиб тургандан ёки бошингга ёнғоқ чақилиб тургандан кейин беихтиёр бўйнингни қисиб, букилиб олишинг турган гап-ку... Бинобарин, Подхалюзининг ўзи кўп азоб кўриб қийинчиликларни бошидан кечиргани, ниҳоят, буни ҳамма жойда ҳам бор оддий нарса деб билганидан, бир кун эмас, бир кун менинг кўчамда ҳам байрам бўлиб қолар деган умид билан, орзу ниятларини ҳеч кимга билдирмай кўнглида сақлаб юради. Ҳолбуки, маънавий тараққиёти ўз йўлидан бораверади, бундай ҳолларда шундай бўлиши муқаррар бир нарса; Подхалюзин орзу ниятларимга ҳамма душман назари билан қараяпти, деб ўйлаб, бора-бора, бошқа ҳар қандай кишининг шахси сингари, менинг шахсим ҳам атрофимдаги ҳамма шахсларга қарама-қарши бўлиши керак, демак, мен бошқалардан қанча кўпроқ юлиб олсам, ўз нафсимни шунча кўпроқ қондирган бўламан, деган фикрга келади. «Зулмат дунёси»да бирон наф кўриш ниятида амалий иш кўчасига қадам қўйган ҳар бир кимсанинг умрбод муқаррар қамал ҳолатида қолиши ана шундан келиб чиқади... Ҳамма учун бир хилда мажбурий бўлган олий ахлоқ қоидаларидан у ҳаётда асло ишлатилмайдиган бир қанча ибора ва панд-насиҳатларни тан олади, холос: унда шахснинг иссиқ, ёқимли томони вояга етган эмас: ижтимоий бирдамлик тўғрисида ва ҳуқуқ билан бурчнинг баробарлиги тўғрисида фаннинг берган тушунчаларига унинг ақли етмайди. Унинг идеалларининг ўзи («Ревизор»да шаҳар ҳокимининг идеаллари бор бўлгани сингари, Подхалюзининг ҳам идеаллари бор) дағал, нурсиз, хунук ва одамнинг шаънига тўғри келмайдиган идеаллар. Шаҳар ҳокими, генерал бўлиб олганимда ҳокимларни беш соатлаб кутдириб қўяман, деб орзу қилади; худди шундай Подхалюзин ҳам: «Дадажонимиз вақтида хўп аҳмоқликлар қилганлар,—бас энди; энди бизга гал келди» деб мўлжаллаб қўяди. У ўз идеалини амалга оширадиган кунларга етиб олса бўлгани: унинг ўзи бебошлик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб олгунча, қандай қўрқиб, разиллик, фирибгарлик қилган ва азоб-уқубат тортган бўлса, бошқаларни ҳам шундай қўрқиб, разиллик, фирибгарлик қилиш-

га ва азоб-уқубат ичида яшашга мажбур қилиши турган гап...

Бундай мартаба йўлига кўз ташлаб бориш жуда оғир иш; инсон табиатининг бундай бузуқ йўлга кирганини кўриш ундан беш бадтар оғир. Подхалюзин сингари шахсларда бебошлик таъсири остида юз берадиган ваҳшёна — ғайри табиий интилишдан ҳам ёмонроқ бир нарса бўлмаса керак. Лекин Островскийнинг ундан кейинги комедияларида шу таъсирнинг бошқа томонлари, ифлослиги ва хунуклиги жиҳатдан бундан олдинги мақолаларимизда кўрсатиб ўтилган томонлардан ҳеч қолишмайдиган бошқа томонлари ҳам тасвир қилиб берилган.

Бу янги томошини биз эзилиб, индамас бўлиб қолган шахсларда кўрамиз. Островскийнинг деярли ҳар бир комедиясида суврати равшанроқ ёки мундайроқ қилиб чизиб берилган шундай шахсларни кўрамиз. Ҳатто «Қўйнидан тўкилса, қўнжига» комедиясида Аграфена Кондратьевна шундай шахслар жумласига киради, лекин комедияда у тузукроқ роль ўйнамайди. Бундан кейинги комедиялардан «Камбағаллик айб эмас» да Митяшнинг образи ва «Бегонанинг тўйидаги кайф» пьесасида Брусков болаларининг образлари, Островскийнинг деярли ҳамма комедияларидаги қизларнинг образлари яққолроқ тасвирлаб берилган. Инсон табиатининг бузилиб, разиллашиш тимсоли бўлган Подхалюзин сингари фрибгарларни кўриб хафа бўлсанг, бебошлик қурбони бўлган маъсума, ювош Авдотья Максимовна, Любовь Торцова, Даша, Надяларни ва турмуш уларнинг инсонлик шахсини сийқалаштириб *йўққа чиқарганини* кўрганингда юрагинг эзилиб кетади. Подхалюзинларда ҳали ҳаёт, мустақиллик нурлари ўзини унда-мунда кўрсатиб қолади; қандайдир умид нурларининг учқунлари кўриниб туради; бу маъсума қизлар ҳаётида эса худди гўристондагидай жимжитлик, қоп-қоронғи зимистон ҳукмронлик қилади, зоғ учмас қирларда мурдадай тупроққа қоришиб юрган гўзал бир қиз олдингда намоён бўлиб қолади-да, чанг солиб олган овини осмонда қийнаб тилка-пора қилаётган бургутнинг парвозигина жимжитликни бузиб туради... гўристонда ёки бирон катта байрам олдидан хасис савдогарнинг уйида бўладиган даҳшатли манзара!

Ювош, эзилган ғариб-бечораларнинг турли шароит ва вазиятлардаги ҳол-аҳволи билан танишиб чиқиш учун биз Островскийнинг савдогарлар ҳаётидан олиб ёзилган «Қўйнидан тўкилса, қўнжига» комедиясидан кейинги комедияларини қараб чиқамиз ва буни «Бегонанинг чанасига ўтирма» дан бошлаймиз.

Лекин бу пьесани тилга олиб, биз биринчи мақолада айтганларимизни, умуман санъаткорликнинг аҳамияти тўғрисидаги гапларимизни китобхоннинг эсига солиб ўтишни лозим топамиз. «Бегонанинг чанасига ўтирма» Островскийнинг *ўтиқодлари* устида жуда кўпдан-кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. Бир хил кишилар Островский славянпарастларнинг қадимги рус ҳаётининг гўзаллиги ҳақидаги ажойиб қарашларини билиб, уқиб олибди, деб уни мақтаб кўкларга кўтардилар; бошқалари бўлса, Островский ҳозирги замон илми-маърифатига қарши чиқди, деб ундан дарғазаб бўлишди. Бундай мулоҳазаларнинг ҳаммаси Островский учун қайғули бўлганлигининг асосий сабаби шуки, унинг қарашлари тўғрисидаги гап-сўзларни деб, унинг талантини, у тасвирлаб кўрсатган шахслар ва ҳодисаларни эсдан чиқариб қўйишди, Островскийга нисбатан бундай қилиш ҳеч одобдан эмас. Албатта, масалан, граф Соллогубдан: «сиз «Чиновник» асарингиз билан *нима демоқчисиз?*» деб сўрамасдан туриб, унинг асарини текшириб чиқиш мумкин эмаслигини биламиз — чунки «Чиновник» расм бўлган юридик гапдан бошқа бир нарса эмас, ҳатто идея ҳам эмас, шунчаки — ҳеч қандай талантсиз драмалаштирилган қуруқ сўздан бошқа нарса эмас. Масалан, жаноб Розенгеймнинг шеърларини ҳам шундай дейиш мумкин: унинг бирон сатрида поэзия йўқ; унинг учун шеър қимматининг бирдан-бир ўлчови шеър қилиб ёзилган идеянинг нисбий аҳамиятидир.[10] Шундай қилиб, жаноб Розенгеймнинг асарини бадиий жиҳатдан ҳеч қандай таҳлил қилиб текшириб ўтирмасдан, масалан, яқинда «Русское слово»да босилган «Момақалдироқ» асари унинг чиновникларга ёки откуп ишларига бағишлаб ёзилган элегиялари сингари бемаза темада ёзилган эмас, деб уни мақтаса арзийди. Бунда биз авторнинг пьесада ифода қилмоқчи бўлган маслагигагина эътибор бериб, бутунлай хотиржам бўлсак бўлади. Островскийнинг комедиялари бошқача танқидни талаб қилади, чунки унинг комедияларида авторнинг назарий тушунчаларидан ташқари, ҳаммасининг бадиий қиммати ҳам бор. Санъаткор умумий идеяларни ўз асарларида оддий назариётчидан бутунлай бошқача қабул қилиб, ривожлантиради ва ифода қилади. Санъаткорни мавҳум идеялар ва умумий принциплар қизиқтирмасдан, балки шу идеяларни ўзида акс эттирадиган жонли образлар қизиқтиради. Шоир бу образларнинг ички маънисини ақл билан идрок қилишдан анча илгари, уларни ўзи ҳам билмасдан, пайқаб қолиб, ифодалаб бериши мумкин. Баъзан санъаткор ўзи тасвирлаётган ҳодисанинг маънисини асло англаб олмаслиги ҳам мумкин; лекин танқиднинг вазифаси ҳам шундан иборатки, санъаткорнинг асарларида пинҳон бўлиб ётган маънони тушунтириб бериш керак, аммо танқид санъаткорнинг тасвирлаб берган ҳодисаларини текширганда, унинг назарий қарашларига ёпишиб олишга асло ҳақи йўқ. «Ўлик жонлар»нинг биринчи қисмида шундай жойлари борки, ўз руҳи жиҳатдан «Мактублар»га жуда яқин келади, лекин бундан

«Улик жонлар»нинг Гоголнинг назарий қарашларига шу қадар зид бўлган умумий маъносига зарар келгани йўқ. Белинский танқиди Гоголь назарияларига тақилгани йўқ. Гоголь ўзини насиҳатгўй деб эълон қилиб, халойиққа жонли ҳикоя билан мурожаат қилмасдан, балки насиҳатомуз гаплар билан лиқ тўла китобчаси билан мурожаат қилганидан кейин Белинский танқиди унга қарши ҳужумга отланди...[1]

Биз тараққиётимиз тарихида Островскийнинг аҳамиятини Гоголнинг аҳамияти билан таққослаб ўтирмасдан, шунигина кўрсатиб ўтамизки, Островскийнинг комедиялари қандай назариялар таъсири остида ёзилган бўлса ҳам, улардан жуда тўғри ва ёркин сифатларини ҳамма вақт топиш мумкин, бу сифатлари санъаткорнинг ҳеч қачон ҳаётий ҳақиқат идрокидан маҳрум бўлмаганини ва бу идрок уни назарияни деб ҳақиқатни сохталашига йўл қўймаганини исбот қилиб беради. Агар шундай экан, демак, ақл-идрок хатолари санъаткор дунё қарашининг асосий томонларини бутунлай йўқ қилиб ташлаши мумкин эмас. У ўзининг тасвирлари учун маълум идея энг яхши акс этган ҳаёт ҳодисаларини олмаслиги мумкин эди, уларни ўз билганича бир-бири билан боғлаши, уларни унча тўғри талқин қилмаслиги мумкин эди; лекин, агар унинг санъаткорлик туйғуси ундан юз ўгирмаган бўлса, агар асарда ҳақиқат сақланган бўлса,— танқид бундан авторнинг ҳали, балки миясига ҳам келмаган фикрлари учун уни сўкишда эмас, балки ҳақиқатни тушунтириб беришда, шунингдек ёзувчининг талантини таърифлашда ҳам фойдаланиши лозим. Танқид: «авторнинг тасвирлаб бераётган шахслари ва ҳодисалари мана булар; пьесанинг сюжети мана бундай; санъаткор тасвирлаб берган ҳаётий фактларнинг маъноси, бизнинг фикримизча, мана бундай ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти мана бундай» деб айтиши лозим. Шундай муҳокама қилинадиган бўлса, автор яратган образларига ўзи тўғри назар билан қараган-қарамаганлиги ўз-ўзидан равшан бўлади. Агар у, масалан, бирон шахсни умумий бир тип даражасига кўтармоқчи бўлса-ю, танқид, у шахс жуда кичик ва жузъий аҳамиятга эга, деб исбот қилиб берса,— демак, авторнинг қаҳрамонга нотўғри назар билан қараб, асарга зарар келтирганлиги равшан бўлади. Агар борди-ю автор бир қанча фактларни бир-бирига боғлиқ қилиб қўйса, танқид таҳлили натижасида бу фактлар ҳеч қачон бир-бирига ундай боғлиқ бўлмай, бутунлай бошқа сабабларга боғлиқ эканлиги маълум бўлса,— авторнинг тасвирлаган ҳодисаларининг бир-бирига алоқасини яна нотўғри тушунганлиги ўз-ўзидан равшан бўлади. Лекин бунда ҳам танқид хулоса чиқаришда жуда эҳтиёт бўлиши лозим; масалан, автор пьесанинг охирида бирон аблаҳни тақдирласа ёки олижаноб, лекин аҳмоқ бирон кишини тасвирлаган бўлса,— бундан, автор аблаҳ бир одамни яхшига чиқармоқчи ёки ҳамма

олижаноб кишиларни аҳмоқ деб ҳисоблайди, деган хулоса чиқаришга ҳали анча бор. Бунда танқид фақат: авторнинг олижаноб аҳмоқ деб тасвир қилаётган кишисининг танқиднинг ақл ва олижаноблик тушунчаларига мувофиқ ҳақиқатан шундай одамлиги аниқ-аниқ эмаслигини, шундан кейингина, авторнинг тасвир қилаётган шахслари ҳақиқий турмушда қандай бўлса, уларга шундай баҳо бераётган-бермаётганини қараб чиқиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, реал танқиднинг бадиий асарларга муносабати шундай бўлиши лозим; ёзувчининг бутун адабий фаолияти кўздан кечирилганда ёзувчига муносабати айниқса шундай бўлиши лозим. Танқид айрим асар тўғрисида гапиргандида жузъий масалаларга қизиқиб кетиб, ёзувчи ҳали етарли даражада ўзи аниқлаб билиб олмаган нарсалари учун ҳам уни айблаши мумкин. Лекин таъриф умумий бўлганда, жузъий масалалар бир чеккада қолиб кетиши мумкин, биринчи ўринда эса ёзувчининг бутун асарларида ифодаланадиган умумий назариясини тасвирлаш туради. Автор умумий назариясининг қандай ифода қилинганини эса унинг эътиборини ва кўнглини ўзига тортган ва унинг тасвирлари учун материал бўлиб хизмат қилган нарсалар ва ҳодисалар белгилаб беради.

Мана шу мулоҳазаларимизни баён қилиб бўлганимиздан кейин биз энди шуни айтишимиз мумкинки, «Бегонанинг чанасига ўтирма»да патриархал, қадимги ҳаёт ҳимоя қилинган ва русларнинг нодонлиги европаликларнинг илм-маърифатидан устун туради, деб шуни исбот қилиб беришга ҳаракат қилинган, дейиш ниятимиз йўқ. Биз ҳатто бу комедияда қандайдир зиддият борлигини қидириб топишимиз ҳам мумкин эди, лекин бундай ниятимиз ҳам йўқ, фақат пьесага асос бўлган фактни кўрсатиб ўтамиз, холос. Островский пьесаларининг асосий мотиви — бир хил кишиларнинг бебошлиги ва бошқаларнинг ғарибликдан келиб чиқадиган муносабатларнинг гайри табиийлиги эканини кўриб ўтдик. Санъаткорнинг ҳис-туйғуси шундай тартиблардан даргазаб бўлиб, бу тартибнинг жуда кўп турларини ёмонотлик қилади ва шу тартибда ҳаёт кечираётган жамиятнинг ўзини шармандаю шармисор қилади. Бу тартибнинг турларидан бири қуйидагича:

Русда ўзбошимча савдогарлар бор. У — хушфеъл, виждонли ва ҳатто, ўзича, ақлли бўлса ҳам, ҳар ҳолда ўзбошимча. Унинг бир қизи бор, бошқа ҳар қандай қиз ҳар қандай ўзбошимча олдида ўзини қандай тутса, бу қиз ҳам отасига ғинг демайди, ҳеч қандай ҳуқуқи ҳам йўқ. Қизнинг мустақил шахслик ҳуқуқини тан олмасликлари сабабли унга ҳаётда ўз шахсини ҳимоя қилиши учун қўл келадиган имкониятлар ҳам беришмаган: қиз ўқимаган, ҳатто уйдаги ишларга аралашишга ҳам ҳақи йўқ, одамларга ўз нуқтаи назари билан қарашни ҳам одат қилмаган, ҳатто ўзи хоҳлаб

кўнглига ёққан кишига тегишга ҳақи борлигини ўйламайди ҳам. Бўйи етиб, одам қаторига кириб қолган бўлса ҳам, бу қиз ҳали худди балоғатга етмагандай, ақли йўқ гўдак болалай иш қилади. У қизнинг отасига муҳаббати, қўрққанидан бўғилиб-бўғилиб турадиган муҳаббатининг ўзи тўла-тўкис муҳаббат эмас, идрокли ва очиқ-ойдин муҳаббат эмас. Чунки қиз отасига билдирмасдан холасидан — Кузнецкий мостда ўқиган қари бева хотиндан эшитган ҳар хил гапларини қулоғига қуйиб олади. Сўнгра унинг оғзидан чиққан гап қизнинг миясига жо бўлиб қолиб, ҳарбий хизматдан бўшаб яқинда шаҳарларига келган ёш олифта бир гусарга ишқи тушиб қолгандай, ўзига-ўзи гапириб юради. Гусар қизга совчи юборади, отаси кўнмайди; шундан кейин гусар қизни олиб қочиб кетади, қиз кетмасак бўларди, яхшиси отамникига қайтиб бора қолайлик дейди-ю, лекин ўзи гусар билан кетишга рози бўлади. Лекин гусар биринчи бекатдаёқ қизнинг отаси қочиб кетган қизига бир тийин ҳам қалин бермаслигини билиб қолиб, шу ондаёқ бечора қизни ҳайдаб юборади. Қиз уйига қайтиб келади; отаси уни тоза сўкади, сенга ёруғ кун ҳам кўрсатмаганим бўлсин, мени ҳам одамларга шарманда қилма, деб унинг устидан қулф солиб қўймоқчи бўлади; лекин қизини кўпдан буён яхши кўрадиган бир ёш савдогар унга уйланмоқчи бўлади, қиз ҳам Вихорев билан учрашмасдан илгари шу савдогарга кўнгил қўйиб юрарди. Шу билан ҳамма можаролар эсон-омон тамом бўлади.

«Бегонанинг чанасига ўтирма»' комедиясининг моҳиятини ташкил этувчи мазмун шундай. Ундан қандай маъно чиқади? Бу факт эски турмуш афзал деган темани баён қилиш учун, славянпарастлик тенденцияларини ифодалаш учун бирон сабаб бўла оладими? Бўла олмаса керак. Унинг маъноси шуки, бебошлик қандай беозор формаларда ифода қилинмасин, ҳар қандай беозор ҳомийлик шаклига кирмасин, ҳар ҳолда,— йўқ деганда, шу бебошлик таъсирида бўлган кишиларни одамгарчиликдан маҳрум қилади; одамгарчиликдан маҳрум бўлиш эса ҳар қандай эркин фаолиятга, идрок билан иш қилишга зиддир; демак, инсон қиёфасини йўқотган одам унга зулм қилиб турган бебошлик таъсири остида, ўзи истамаса ҳам, онгсизлик билан шунчаки аҳмоқлигидан ва мустақил иш кўра билмаслигидан ҳар қандай жиноят қилиб ҳалок бўлиб кетиши мумкин.

Биз ҳикоя қилиб берган фактнинг энг олдин ва яққолроқ кўзга ташланадиган бу маъноси комедияда етарли даражада яққол кўринмайди, чунки комедияда ақлли, басавлат ва улуғвор Русаков ва кўнгли очиқ, ҳалол Бородкин билан разил-тутуриқсиз Вихорев ўртасидаги контраст биринчи планга чиқарилган. Танқидчилар ҳам ана шу контрастга ёпишиб олиб, қилган таҳлилларида ҳатто авторнинг эсига ҳам келмаган мулоҳазаларни айтдилар. Уни ҳатто илм-маърифатга

душман, обскурант деб айблашларига сал қолди, ҳатто ҳозиргача ҳам баъзи бир танқидчилар Русаков — ўқимаган, оми одам-у, лекин ҳар ҳолда кўнгли очиқ, ҳалол киши қилиб тасвирланган, деб, авторнинг «гуноҳини» кечиб юборгилари келмайди*. Дарҳақиқат, оддий рус кишиларининг бошини қотириб қўядиган Вихорев сингари жанобларнинг сохта билимига қарши ғазаб билдиришга қизиқиб кетиб, Островский бунда рус кишисини бундай жанобларга маҳлиё бўлишга олиб борадиган *сабабларни* етарли даражада яққол равшан қилиб кўрсатмаган. Лекин автор бу сабабларни бутунлай эсидан чиқариб қўйган деб бўлмайди. Фактнинг оддий ва табиий маъноси унинг назаридан четда қолган эмас, «Бегонанинг чанасига ўтирма»да ҳам бебошлик муносабатлари деган умумий ном билан кўрсатилган муносабатларнинг ичида-мунда чочилиб ётган хусусиятларини кўрамиз. Агар бу хусусиятлар равшанроқ қилиб кўрсатилганда, комедия мукаммалроқ ва аниқроқ бўларди; лекин комедияни ҳозирги ҳолида ҳам автор дунё қарашининг асосий хусусиятларига қарама-қарши деб айтиб бўлмайди. Русаковларнинг «зулмат дунёси»га автор ташқаридан ёруғлик нурини олиб кирди, баъзи бир хусусиятларини силлиқлаб текислади; лекин, агар диққат билан назар ташланадиган бўлса, шундай силлиқланган ҳолида ҳам масаланинг моҳияти қандай бўлса, шундай сақланиб қолган. Русаковнинг қизига ва атрофидаги одамларга муносабатининг баъзи бир томонларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз; бунда ҳам бутун воқианинг асоси ўша бебошлик эканлигини, бу «зулмат дунёси»даги ҳамма оилавий ва ижтимоий муносабатлар шу бебошлик асосига қурилганини кўрамиз.

Максим Федотич Русаков — эски ҳаётдаги ҳамма ажойиб зотларнинг энг яхши намояндаси, жуда ҳам ақлли, доно кекса чол, славянпараст ва эскилик тарафдорлари бўлган танқидчиларимиз бизнинг Пётрдан кейинги давримизга ва бутун янги замон доноligига пеш қилиб келган мана шу *рус кишиси* Русаков, бизнинг фикримизча, ҳеч бир идрок қилинмаган ва аслида одобсизлик бўлган шу қоронғи, зулмат ҳаётга қарши жонли норозилик бўлиб хизмат қилади. Большов шу ҳаёт таъсирига берилиб кетган ифлос бир шахс эканлигини кўрган эдик; Русаков образида эса шу ҳаёт таъсирида ҳатто ҳалол ва мулойим кишиларнинг ҳам қандай бўлиб қолишлари тасвирланган! Ҳақиқатан ҳам, Русаковдаги табиий оққўнгиллик, ҳатто назокат дағал формалар орқали

---

* Биз Островскийнинг танқидчиларига тўхталб ўтган биринчи мақоламиздан кейин, журналларда бу ҳақда яна икки мақола босилиб чиқди. Бири мадҳия тарзида ёзилган мақола бўлиб, иккинчисида илгарги вақтларда Островский ҳақида айтилган ҳамма маза-бемаза гаплар такрорланган-да, охирида «ўйлаш, ўйлаш, ўйлаш керак» деб насиҳат қилинган. Иккаласи ҳам мутлақо аҳамиятсиз мақолалар.

ўзига йўл очиб ўтади. Русаков ҳаммага ширин муомала қилади, хотини билан қизи тўғрисида гапирганда ийиб кетади, Дуня отасининг Вихоревга қатъий рад жавоби берганини билиб, ҳушидан кетиб йиқилганида (айтмоқчи, бу кўриниш бизга жуда бўртдириб юборилгандай бўлиб туюлди), отаси қўрқиб кетади, ҳатто қизининг кўнглига қараб ўз қарорини ўзгартиришга ҳам рози бўлади. Бу ҳам оз: унинг калласи ҳам анча жойида, уни тўғри йўлдан оздириш ҳам мумкин эмас. У шунчаки: «шундай бўлиши керак, чунки мен шундай «бўлсин дедим» деб гапирмайди,— ўз қарорлари учун далиллар қидириб топишга ҳаракат қилади. Лекин ўз шахсининг яхши сифатларидан сақлаб қололганлари фақат шулар; ундан нариси бебошликдан ортдирган сифатлари. Русаков юмшоқ табиатли киши бўлганидан, энг аввалдан бошлаб мавжуд тартибга бўйсуниб қўя қолганлиги, уни қонун деб тан олганлиги кўриниб турибди; демак, унга бу қонунни калтак ва тепки билан исбот қилиб беришнинг зарурати йўқ эди. Шу сабабдан, унда қариган чоғида ҳам, Островский тасвирлаб берган бошқа бебошлардаги сингари душманлик ва ўжарликлар йўқ; шунинг учун ҳам у ҳатто ўзидан кичик ва ўзидан паст турганлар билан гаплашганда уларнинг сўзини қайтаришни ҳам билмайди. Лекин у туғилиб ўсган «зулмат дунёси»даги ҳаёти унга бирон ақл ўргатгани ҳам йўқ, бу ҳаётнинг ўзида бундай ақл деган нарсанинг ўзи йўқ, шунинг учун қобилият ва истеъдод пешонасига камроқ битган, бошқа ёру биродарлари қандай зулмат ичида адашиб, бемаъни ҳаёт кечираётган бўлсалар, Русаков ҳам шундай бемаъни ҳаёт кечиради.

Русаковнинг қандай ахлоқ даражасига етиб олганини кўриш қизиқ. Итоаткорлик, сабр-тоқат, тажрибага ва ривоятларга ҳурмат кўзи билан қараш, ўз муҳитидан ташқари чиқмаслик — унинг асосий низом-қоидалари ана шулар. У бу фактлар устида ҳеч ўйлаб кўрмасдан, уларни бир-бирига таққослаб, қўпол тажриба йўли билан шу низом-қоидалар тўғрисидаги хулосаларга келди, чунки унинг фикри айни чоқда кишиларнинг ишларини идора қилувчи тақдир тўғрисидаги энг ўжар, фаталистик тушунчалар билан боғланган. У «катталардан бориб маслаҳат сўраш керак — қари одам ёмон маслаҳат бермайди» деган ҳикматли сўзни айтиб саҳнага чиқади. Сўнгра, Бородкин қизининг қўлини сўраганда унга жавобан: «мен бу ишни яхшилаб ўйлаб кўришим керак, чунки мен қизим учун худо олдида жавобгарман» дейди. Шу сабабдан у қизининг тақдирига мана бундай хўжайинлик қилади: «қиз кимни ёқтираркан, деб унга ишониб қўйиш ақлга тўғри келадиган ишми? Йўқ, бундай қилиб бўлмайди: у одам *менга* ёқсин. Мен қизимни кимни ёқтирса, шунга бермайман, ўзимга ёққан кишига бераман. Ҳа, кимни ёқтирсам, шунга бераман» дейди. Шунинг ўзиданоқ ўтакетган

бебошлик равшан кўриниб турибди; лекин Русаковнинг: «қиз болага қандай ишониб бўлади? У нимани кўрибди? У кимни билибди?» деган муҳокамаси унинг бебошлигини сал-пал юмшатади. Русаковнинг қизи тўғрисидаги бу муҳокамаси тўғри; лекин: «қиз ҳеч нарсани кўрмаган ва ҳеч кимни билмайди? Уни ҳар ким ҳам алдаб кетаверадиган қилиб, ҳеч нарсани билмас девона қилиб тарбиялашнинг нима кераги бор эди?».. деб сўраш на Русаковнинг ва на ёр-биродарларидан биронтасининг миясига келмайди. Агар улар ўзларига шундай савол берганда эди, бунга бериладиган жавобдан, ҳамма бало-қазоларнинг иллати уларнинг худди шу бебошлигидан бошқа нарса эмаслиги маълум бўларди. Русаков ўз мартабасидан жуда хурсанд ва барин бўлиш нияти йўқ, илм-маърифатни эса у фақат баринларга ярашадиган иш деб билади, шунинг учун у, ўз қизини ҳам шундай тарбия қиладики, қизи, унинг ибораси билан айтганда, *тентак* бўлиб қолаверган. Вихорев унашмоқчи бўлганида, Русаков унга жавобан: «сиз ўзингизга тарбия кўрган ойим қизлардан қаллиқ қидиринг, бизнинг тентак қизларимизни ўзимизга қўяверинг, биз қизларимизга бирон арзонроқ куёв топиб оларміз» дейди. Бу сўзларда киноя ҳам борку-я! Лекин Русаков гапига жиддий тус бериб ҳам яна шу руҳда давом этади: «ўзингиз ўйлаб кўринг, унинг нимаси бойвуччa қиз, дейсиз, отам: тўрт девор ичида ўтирган қиз, ёруғликни ҳам кўрмаган... сиз бунинг нимасини яхши кўрардингиз: тарбия кўрмаган бўлса, ўзи содда қиз, сизга асло тенг эмас. Сизнинг ота-онангиз таниш-билишларингиз бор, ҳаммалари бу тентак қиздан кулишади, ўзингизга ҳам аччиқ ўтдек меъдангизга тегиб кетади... қизимни шундай қийноққа солиб қўймидим, дейсиз!» деб жавоб беради.

Бу муҳокамаларнинг ҳаммадан қайғули жойи шуки, бу гапларнинг ҳаммаси тўғри. Ростдан ҳам, агар Авдотья Максимовна *аслзодага* эрга чиқса, у Вихорев сингари унчалик бетайин бўлмаса ҳамки, турмуши ширин бўлмас эди. У, ҳақиқатан, шундай тарбия олганки, ҳеч одамбашара ери йўқ. Уни отаси ҳаммадан кўра яхшироқ мақтайди. Нима деб мақтайди, денг?— «Қизимнинг кўзларида фақат муҳаббату ювошлик бор, холос: *қизим ҳар қандай эрга ҳам кўнгил қўяверади*, қизимга уни яхши кўрадиган эр топиш керак» дейди. Бунинг маъниси шуки, унинг меҳрибонлиги бефарқ, ювош меҳрибонлик, оиладаги зулм дастидан беозор шахсларда ҳосил бўладиган ва ўзбошимчаларга ҳаммадан кўра кўпроқ ёқиб тушадиган меҳрибонлик. Ақл ишлатиб, идрок билан қадам ташлайдиган, адолат ва умум манфаати талабларига мувофиқ иш кўрадиган кишилар бундай меҳрибонликни хуш кўришмайди ёки ҳар ҳолда унга аянч бир нарса деб қарашади. Агар бирон киши ҳамманинг фикрига қўшила берса, демак, унинг ўз маслаги йўқ экан, агар у киши ҳаммани яхши кўр-

са ва ҳаммага дўстлик қилса, демак, у кишига ҳамма бефарқ экан, агар қизнинг ҳар қандай эрга ҳам кўнгли бўлаверса, демак, унинг юраги ҳатто бир парча гўшт ҳам эмас, балки, хоҳлаган нарсангни тиқаверсанг бўлаверадиган суюлиб кетган хамир экан, деб муҳокама қилишдан осони йўқ...

Бебошлик заҳари тегмаган кишининг севгидан оладиган лаззати шу бўладики, бошқа бир шахснинг иродаси ҳеч бир мажбуриятсиз унинг иродаси билан ҳамоҳанг бўлиб қўшилиб кетади. Шу сабабдан ҳам икки юракнинг севгисига тамаъгирлик, алдамчилик аралашиб қолса, севги пулга сотиб олинса ёки умуман бирон йўл ва воситалар ёрдами билан ошиқ-маъшуқлик қилинса, севги лаззати тўла ва мусаффо бўлмайди. Ошиқ-маъшуқларнинг кўнгли бир-бирига мос келгандагина севги туйғуси чиндан ҳам ширин бўлиши мумкин, шундагина севги туйғуси инсониятнинг келажак тараққиётида — кишилар бир-бирига қардош бўлиб, шахсий ҳуқуқда бир-бирларига тенг бўладиган келажак тараққиётида бизга ваъда қилинаётган ижтимоий роҳат-фароғатнинг замини ва гарови бўлади. Лекин бебошлик бу туйғуни ҳам ўз зулмидан ҳоли қолдиролмайди: бу туйғунинг эркин ва табиий вояга етиб боришини ўзи учун қандайдир хавф деб билади, шунинг учун ҳам дастлаб, унинг асоси бўлган шахснинг кўнглини барбод қилишга ҳаракат қилади. Бунинг учун бебошлар ўз ахлоқларини ўйлаб чиқаради, ўзларининг турмуш фалсафаларини тўқиб чиқаради ва уларнинг таърифига қараганда, шундай бўлиб чиқадики, шахснинг қиёфаси қанчаки сийқалашиб, фарқ қилиб бўлмайдиган, таниб бўлмайдиган ҳолга келтирилса, кишилик идеалига шунча яқин келармиш. «Унинг характери шундай яхшики, ҳар қанча ҳақорат қилинганда ҳам ғинг демайди, энг арзимаган паст одамга ҳам кўнгил қўя беради»— ўзбошимча одамни бундан ортиқ мақташ деган нарсани билмайди. Бизнинг фикримизча, бундай одам пасткаш, балчиқдай суюқ, латтадай шалпайган одам; яхши *одам* бўлиши мумкин, лекин фақат бу сўзнинг малайлик маъносида яхши *одам* бўлиши мумкин. Унинг қўлидан бошқа ҳеч нарса келмайди, шу билан бирга унинг қўлидан қанча яхшилик келса, шунча ёмонлик ҳам келади — хоҳирингиз жам бўлсин: ҳамма гап унинг кимнинг қўлига тушишида. Бебош Русаков бўлса булардан ҳеч бирини тан олмайди ва ўз билганини қилиб: «дунёдаги ҳамма бало-қазоларнинг сабаби кишиларнинг ўзини-ўзи тиёлмаслигидан келиб чиқади; биз бўлсак, қўрқиб, ўзимиздан каттани ҳурмат қилардик, шундай бўлгани яхши эди... ҳозирги ёшларнинг адабини берадиган одам ҳам йўқ, лекин уларнинг адабини бериб қўйиш керак; қамчилар ҳам қозиқда осилиб тура бериб, чанг босиб кетди» дейди. Русаков нима тўғрисида гап очмасин, гапни нуқул «ўзингдан каттани ҳурмат қилишинг керак» дан бошлайди. Унинг ҳатто Вихоревдан кўпроқ хафа бўлган жойи шуки, «ўзидан катта-

лар билан гаплашишни ҳам билмайди». Унинг қизи ҳам отасига сўзини маъқул қилмоқчи бўлганида, юмшоқ кўнгил бўлишига қарамасдан: «сен қайси юзинг билан мен билан бундай гаплашяпсан?» деб жеркиб беради. Шундан кейин қизига қатъий буйруқ бериб: «қизим, Авдотья, сенга охирги айтадиган сўзим шуки, ё Бородкинга эрга чиқасан, ё мен сени қизим демайман» дейди. Берган буйруғим кўпроқ таъсир қилсин деб, ундан яна таъна қилиб: «мен сени боқиб қатта қилдим, кўзимнинг қорачиғидан ҳам азиз билиб асрадим... сенга мағрур бўлиб кетиб, ўзимни гуноҳкор қилиб қўйганга ўхшайманми дейман... энди шу гуноҳларим учун худо мени азобга соляпти» деб қўшиб қўяди. Холис туриб гапирадиган бўлсак, бундай муомалани жуда одамшаванда муомала деб айтиб бўлмайди, лекин бизнинг «зулмат дунё»мизда бу ҳам анча мулойим муомала деб ҳисобланади, бинобарин, Русаковни, инсоф қилиб, ўзбошимчаларнинг энг яхшиси деб аташ мумкин.

Шуниси ҳам борки, Авдотья Максимовнани кўнгли юмшоқ, меҳрибон қилиб етиштирган нарса ҳам шу беозор бебошлик таъсири-да! Ундан ҳам аянчлироқ қиз камдан-кам бўлса керак. Аслини айтганда, у аянчли бўлишдан кўра кўпроқ кулгилидир. Унинг бу кулгили аҳволи Софья Павловнанинг Молчалинга муҳаббати сингари ёки Софья Сергеевнанинг Зильбербах ишқида куйиб ёнгани сингари (жаноб Потехиннинг «Янги чиққан оракул» деган асарида), ҳатто ундан ҳам бешбадтар кулгилидир. Лекин Авдотья Максимовнадан кулиш мумкин эмас: жуда ҳам оғир ғам-гусса ичида яшайди. Тим қоронғи тунда гўристонда мозор оралаб ёлғиз бораётганингизда сағаналарнинг биридан тўсатдан бирон нарса чиқиб қолиб, сизга афти-башарасини буриштириб қараб қўйса, шу афти-башарасини буриштириши қанчалик кулгили бўлса ҳам, шу дақиқада кулиш осон гап эмас: беҳосдан қўрқиб, юрагингиз қинидан чиқаёзади. Бизнинг «зулмат дунёси» нинг кулгили аҳволи ҳам худди шундай: воқианинг ўзи қизиққу-я, лекин бебошлар туфайлидан ва кишилар зулмат ичида эзилиб, улар қўлида қурбон бўлганлиги туфайлидан кулгинг ҳам келмайди... Авдотья Максимовна пьесанинг бошидан то охиригача ҳаяжонга келиб, бемаъни ва пуч саросима ичида юради. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, бу нарса бизни кулдирмасдан, фақат юрагимизни эзади: бечора қизнинг ўзини ҳар қандай ички маънавий таянчидан маҳрум қилиб, унга бутун умри жиловини бировга тутқизиб қўядиган қилиб тарбия беришган бўлса, у бечорада нима гуноҳ? Унинг кўнгли жуда юмшоқ, ҳамма бахтсиз ва эзилган, лекин ҳали тоқати-тоқ бўлмаган қизлар сингари, унинг ҳам характери шундайки, ҳамма нарсага ишонаверади; унда муҳаббат ўти энди ёна бошлаган; лекин у яйраб-яшнай деса, эрки йўқ, бирон бамаъни суянчиғи, ўзига муносиб ёри

йўқ. Авдотья Максимовна ҳам яхши билан ёмоннинг фарқига боролмайди, ҳали ўз кўнглини ҳурмат қилиш деган нарсани билмайди, унда маънавий бурч тушунчаси ҳам фақат уни ташқи мажбурий куч деб билиш даражасигагина етган, холос. Бечора қиз шу ҳолида, бошини қаерга қўйишини билмай, бетоқат бўлади. Қиз отасини яхши кўради, лекин ундан қўрқади, ҳатто унга унча ишонмайди ҳам. Бородкинни у ёқтириб қолган эди; лекин уни ўқимаган, дағал одам деб айтишди, шундан кейин у бошини йўқотиб қўйди, нима деб ўйлашини ҳам билмай қолди. Аҳвол шу даражага бориб етадики, Бородкин унинг кўзига балодек ёмон кўриниб қолади. Бу ёгдан Вихорев чиқиб қолди, у сурбет одам, чиройли афти-башарасидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ; қизнинг унга юраги жаз этиб қолади. Лекин бунда ҳам қиз ўзини беҳуда қийноққа солиб юради: қиз бир минут ҳам қарорида маҳкам туролмайди, ҳамма вақт худли ер депсиниб тургандай бўлади, гоҳ қалқиб юзага чиқади, гоҳ қарасангиз яна сувга ботиб кетади... худди, мана ҳозир бутунлай чўкиб кетади, деб кутиб турасан киши... Қиз дастлаб саҳнага чиққанида, биринчи парданинг охирида, Вихорев унга, отангиз сизни Бородкинга унашиб қўйди, дейди; у бўлса соддалик қилиб: «хотирингиз жам бўлсин, мен Бородкинга тегмайман» дейди.— «Отангиз шунга тегасан деб буюрса-чи?»— деб сўрайди Вихорев. «Йўқ,— дейди қиз,— отам мени мажбур қилиб эрга бермайди». «Мажбур қилиб берса-чи,— унда нима бўлади?»—«Унда,— деб худди овсар қиздай жавоб беради,— унда, тўғрисини айтсам, нима қилишимни ҳам билмайман... ўзи бир бало бўлиб қолганми менга?» дейди. Ҳеч нарсадан қайтмайдиган Вихорев қизга, ҳеч кимга билдирмасдан мен билан қочиб кета қолинг, дейди; қиз бўлса даҳшатга келиб: «йўқ, қўйинг-э, сизга нима бўлган? Бўйим баравар тилла сочиб қўйганингизда ҳам кетмайман» дейди. Нега бундай даҳшатга келди? Сабаби фақат шуки, қиз «отам мени оқ қилади; ундан кейин ёруғ дунёда кўрган куним яима бўларди?» деб ўйлайди. Шу сабабдан, қиз соддалик қилиб Вихоревга, отам билан гаплашиб кўринг, деб маслаҳат беради; Вихорев, барибир фойдаси бўлмайди деб гумонини айтади, қиз бўлса унга тасалли бериб: «Нима ҳам қилардик! Пешонам шўрлик экан... кеча аммам қарта очиб фол кўрган эди, ҳаммаси қандайдир ёмон чиқаверди, ўзим ҳам анча йиглаб олдим» деб, ўйлаб юрган нарсаларини айтиб беради. Вихорев уни қўрқитиб, бўлмаса, Кавказга кетаман, бир илож қилиб кетаман, ўзимни бирон кишининг ўқига тутиб бера қоламан, дейди; қиз бўлса унга ёпишиб олиб: «йўқ, кетманг. Сизга нима бўлган, алланима бало гапларни гапиряпсиз» дейди. Хуллас калом, қиз бечора қўрқинч ичида қолган: бир томондан, отасининг оқ қилиб юборишидан қўрқади, қартада очтирган фоллари ҳам ёмон чиқди, энди бўлса жазмани Вихорев, қараб турса, ўзини черкасларнинг ўқига

тутиб бермоқчи. Бу ҳамма даҳшатларга қарши қизда бирон бир ички залдият пайдо бўлса ҳам гўрга эди! Қиз соддалик қилиб, ҳа деб отасининг оқ қилишига ҳам, қартага ҳам, Вихоревнинг ўзини ўққа тутиб беришига ҳам ишона беради, яна буларнинг ҳаммасидан баббаравар қўрқади... Қиз ўзи тўғрисидаги ҳақиқатни иккинчи парданинг бошида айтади: «юришим бамисоли сояга ўхшайди, қўйган қадам товушимни ҳам эшитмайман... лекин бундан ҳеч қандай бирон яхши натижа чиқмаслигини юрагим сезиб турибди. Мен шўрнинг қурғурнинг ҳали кўп кўз ёши қилишим турган гап, буни ўзим ҳам биламан» дейди. Аҳвол шундай бўлгандан кейин, кўз ёши тўкмай кўр-чи!..

Бу ғам камлик қилгандай, маълум бўлса, қиз Бородкинни ҳам яхши кўраркан, у билан учрашиб қолса, гаплари ҳеч тамом бўлмасди: эшикка чиқиб уни кутиб ўтирарди, кузда тун қора кечалари у билан бирга ўтирғани-ўтирган эди,— ҳозир ҳам унга ачиниб-ачиниб қўяди-ку, лекин шундай бўлса-да, Вихоревнинг жуда ҳам чиройли ҳусни унинг фикри-ёдидан ҳеч чиқмай қолган. Айтганча, у ўзидан жуда ҳам норози ва «уни кўриб бошим балога қолди» дейди. Лекин Вихоревга эрга чиқиш кўнглимда бор, деб отасидан ризолик олиш унга ҳаммадан ҳам катта азоб бўлиб қолди. Қиз қандайдир жуда зўр дабдаба-ю ҳашамат билан унга тайёрланади, аввал Вихоревни, мен сени астойдил севаман деб қасам ичтирали, сўнгра унга, мен сени яхши кўришимни исбот қилиш учун ўзим отамдан илтимос қилмоқчи бўлдим, дейди... «Лекин илтимос қилиш мен учун қандай қийинлигини билсангиз эди»,— деб қўшиб қўяди, ундан кейин бўлган воқиалар унинг нимадан қўрққанлигини ва қўрқиши ҳам бежиз эмаслигини кўрсатиб беради.ким, бундай қўрқиш Русаковларнинг бутун оила ҳаётига асос бўлган бебошлик муносабатлари заминидагина бўлиши мумкин ва шу заминда туриб қарагандагина унинг сабабини тушуниш мумкин. Қизгаки отаси меҳрибон бўлгандан кейин, қизнинг отасига ўз кўнглини очиб гапиришдан осони йўқ, шундай қилса табиийроқ ҳам бўларди. Лекин Авдотья Максимовна, отам мени яхши кўради деб гапириб юрса ҳам, отаси билан шу хилда очиқчасига гаплашса, бунинг охири вой бўлишини билади, ўзи юмшоқ кўнгил ва ғариб бўлганидан илгаритданоқ қақшаб-титраб, ғам чекиб юради. Дарҳақиқат, «қайси юзинг билан», «мен сени арзанда қилиб боқиб катта қилдим», «сен аҳмоқ қиз бўлсанг», «мен сени оқ қилиб юбораман» деган ва шу каби гаплар қиз бечоранинг бошига дўлдек ёғилади, бу уни ҳатто шу даражага олиб бориб қўядики, унинг ожиз ва итоаткор қалбида ҳам тўсатдан мулойимгина бир норозилик илгарити ҳис-туйғуларидаги беихтиёр, онгсиз бир ўзгаришни ифода қиладиган норозилик пайдо бўлади: отасининг Бородкинга тегасан деган буйруғи қизда Бородкинга нафрат тугдиради. «Мен илгари Ваняга юрагим ачиб

юрардим,— дейди у Бородкин ҳақида,— энди кўнглим совиб қолди... ундан кўнглим қолди». Лекин жула деганда, унинг қўлидан келадигани шу бўлади: у бошқанинг иродасига қаршилик кўрсатишда бундан нарига ўтолмайди-да, ҳушидан кетиб йиқилади. Шу жойи кишига анча таъсир қилади. Русаковнинг кўнгли юмшаб кетиб, қизини Вихоревга беришга рози бўлади, лекин Вихорев қалин пули олмасликка кўнса, қизини бермоқчи бўлади. Авдотья Максимовна суюниб, йўлда Вихоревни учратиб, бу хушхабарни унга билдирмоқчи бўлиб шошилиб черковга қараб кетади; Вихорев бўлса уни ўзи билан олиб қочиб кетади... Кейин маълум бўлса, Вихорев Авдотья Максимовнани қистаб, ўз ҳолига қўймасдан олиб кетган экан, кекса Русаков учун бу жуда катта гап бўлади. Биз учун унинг унчалик аҳамияти йўқ, чунки биз Вихорев билан у олиб қочиб кетган қиз ўртасида карвон саройда бўлган можарони комедияда кўрганмиз. Шу можародан биз тўла ишонч билан, Вихорев Авдотья Максимовнани мажбур қилиб коляскага ўтқазган бўлса, фақат вақт ютиш мақсадида шундай қилган, агар Вихорев сал ялинганда, қизнинг ўзи ҳам йўқ деёлмас экан, деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Карвон саройда ҳам у аввал ялиниб: «Виктор Аркадьич, жонгинам! Сиз билан бўлсам ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтмайман, лекин, қўйинг, дадамнинг олдига қайтиб борай... Унинг ҳоли нима кечаркин?» ва ҳоказо дейди. Лекин Вихоревнинг иродаси қаршисида ўз илтимосини ҳам ёдидан чиқариб юборади. Вихорев унга бир оз ёлбориб, сал эркалатиб қўйган эди, қиз лаққа тушиб: «Нуридийдам! Севгилим, жони-дилим! Қаёққа десанг сен билан борганим бўлсин. *Энди ҳеч кимдан қўрқмайман ҳам, ачинадиган ҳам ҳеч кимим йўқ.* Қани энди, мана шундай қилиб, сен билан бирон жойга учиб кетсам!» дейди. Шундан кейин яна отасини эсига олади, албатта, бу гал ҳам фойдаси бўлмайди. У Вихорев билан қочиб кетишдан жуда қўрққан эди; лекин энди унинг қўлига тушганидан кейин, ундан ажралиб кетишдан ҳам хулди шундай қўрқади. У ўз олдига мустақил характери борлигини кўрсатиб бирон марта қатъий бирон жасорат қилгани ҳам йўқ. У мулойимлик билан зорланиб, ожизона илтимос қилишдан нарига ўтолмайди. Вихорев қизга қалин пули беришмаслигини билиб олгандан кейин уни жеркиб, тур нари, деб итариб ташлаганида, у бир оз жаҳли чиққандай бўлади-да, «Виктор Аркадьич, бир бечора қизни ҳақорат қилдингиз, бахтингиз очилмайди» дейди. Лекин шу ондаёқ ўз сўзларидан ўзи кўрқиб кетиб, яна ожизона тилга кўчиб, мулойим гап бошлайди, ҳатто, Авдотья Максимовнанинг ҳозирги ҳолатига ярашмаса ҳам, киноя қиляптимикин, деб ҳам ўйлаб қоласан киши. Шўрлик қизнинг қуйидаги сўзларида, бировнинг ёмонлигини кўрганда ундан даргазаб бўлишни ҳам билмайдиган меҳрибонлик ва ғинг демасдан тақдирга тан бериш ифоласини кўрасан: «Мен учун жазонгизни худо берсин: мен сизга ёмонликни раво кўрмайман. Ишқилиб, бой хотин қидириб топиб олинг-у, топган хотинингиз сизни мендан яхши кўрадиган бўлсин; ўйнаб-кулиб умр кўринглар, мен бўлса, ҳеч балода йўқ содда бир қизман, тўрт девор ичида, бахтим қаролигидан зор-зор йиғлаб, бир кунимни кўрарман» дейди. Бу баландпарвоз инсонпарварлик гаплар яна Вихоревга қаратиб айтилган! Вихорев бўлса «хўш, қилган шўхлигингки бундай арзонга тушаркан, шўхлик қилсанг нима бўпти» деб кўнглидан ўтказиб қўяди. Бунинг устига устак яна, пьесанинг охирида Русаков, қизимнинг кўргилиги бекор кетмади, ибрат бўлди, қизим ўзингдан каттанинг гапидан чиқма, деган насиҳатни яна ҳам маҳкамроқ қилиб қулоғига қуйиб олди, деб суюниб,— Вихоревнинг меҳмонхонадан қарзини тўлаб юборади. Кўрдингизми, бунда ҳам бебошлик расми-русуми ўз билганини қилади: мурувватнинг нусхаси бўлмайди: хоҳласам — жазосини бераман, хоҳласам — мурувват қиламан, дегандай... Ҳеч ким, ҳатто адолат тартиб-қоидалари ҳам менга хўжайинлик қилолмайди.

«Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясидаги икки асосий шахснинг аҳволи ва уларнинг ошкор бўлиб бориши ана шундай. Қалай, сизга маъқул тушадими? Сиз ўзингиз ҳам Авдотья Максимовнанинг аҳволига тушишни хоҳлайсизми? Еки сизнинг кўнглингиз, Русаковнинг ўрнида бўлиб, яқин кишиларингиздан бирортасини Максим Федотичнинг қизи аҳволига туширишни хоҳлар? Агар шундай бўлса, сиз, албатта, Островский бу комедияда тасвирлаб берган ҳаётнинг патриархал софлигини, унинг бахт-саодатли ҳаётлигини кўриб завқланишингиз керак. Агар кўнглингиз буни хоҳламаса, у ҳолда бу пьеса ҳам сизга кучли норозилик бўлиб, бебошликнинг ҳали қолган-қутган мулойимлиги ва фаросати билан ҳам кўп кишиларни алдаса бўладиган даврини фош қилувчи кучли норозилик бўлиб кўриниши лозим.

«Лекин,— деб айтишлари мумкин бизга,— Русаковлар оиласида юз берган бахтсизлик уларнинг ҳаётидаги оддий ҳодисалар жумласидан бутунлай четга чиққан бир тасодиф-ку. Вихорев келмасдан бурун бутун Русаковлар оиласида тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб турган эди-ку. Хамма балоқазо Кузнецкий мостдан Русаковнинг синглиси Арина Федотовнанинг олиб келган янги гап-сўзларидан бошланди-ку. Русаковнинг ўзи синглисига бундай дейди: «Сенинг касринг тегди, энди хурсанд бўлгандирсан? Мен қизимни ёмон йўлдан қўрқадиган ҳимматли қилиб тарбиялаб келган эдим, қизим қуш сингари беозор ва пок қиз эди. Сен ўзинг билан қандайдир балойи офатни бошлаб келдинг. Уззукун огзингдан бемаза гапдан бошқа бирон нарса чиққани йўқ... Нуқул беҳуда гап сотишдан бошқани билмадинг. Сени тузукроқ оилага киритиб ҳам бўлмайди: турган-битганинг заҳар-у васваса!». Ҳақиқатан ҳам, бу заҳарнинг қандай қилиб секин-аста қизнинг

юрагига бориб етгани ва тинч ҳаётини нотинч қилгани бутун пьесада жуда аниқ ва равшан, қадам-бақадам тасвирлаб берилган. Пьесанинг энг охирида яна оддий, патриархаллик муносабатларининг ҳозирги замон чала муллалик маразидан устун келганлиги, йўлдан озган қиз яна отасининг уйига қайтганлиги ва Бородкин сингарилар қизнинг ҳамма яқинлари, билиш-танишлари орасида унинг табиий ҳуқуқларини яна ўз жойига қўйганлиги тасвирлаб кўрсатилади. Афтидан, автор-нинг ўзи пьесага шундай маъно бермоқчи бўлган, пьеса умуман ҳаммада эски тартибга нафрат уйғотмасдан, у билан муросаий мадора қилдирадиган пьесадай таассурот қолдиради».

Биз бунга, автор ўз пьесасини ўйлаб ёзганида шимани назарда тутганини билмаймиз, лекин пьесанинг ўзида шундай хислатларни кўриб турибмизки, улар ҳеч вақт эски ҳаётни мақташга хизмат қилмайди, деб айтишимиз керак. Агар пьесадаги бу хислатлар ҳар бир кишининг кўзига ташланиб турадиган даражада яққол бўлмаса, агар пьесанинг таъсири икки хил бўлаётган бўлса, бу нарса фақат (биз биринчи мақолада кўрсатиб ўтганимиздай), авторнинг пьесани яратаётган вақтдаги умумий назарий маслаклари санъаткорлик табиатининг ҳақиқий турмушдан олган таассуротлари асосида ҳосил қилган парсасига тамомила мос келмаганини исбот қилиб беради, холос. Лекин, биз санъаткорни назариётчи деб эмас, балки турмуш воқиаларини тасвирловчи деб қараганимизда, унинг қандай назарияларга амал қилишига унча катта аҳамият бермаймиз. Масаланинг энг муҳими шундаки, у ҳалол ишлаган ва ўз назарияларини деб ҳаёт фактларини бузиб кўрсатган эмас: у ҳолда фактларнинг асл маъноси асарда, гарчи, албатта, мавҳум фикр кучи санъаткорлик ишига ёрдам берганидагидай ёркин ифода қилинмаса ҳам, ўз-ўзидан ифода қилинаверади... Островский ҳақида ҳатто унинг душманлари ҳам, Островский ҳақиқий ҳаёт манзараларини ҳаммавақт тўғри тасвирлайди, дейишади; демак биз автор ўз пьесасини яратганида унинг нияти қандай эди, деган масала жузъий ва хусусий масала бўлганидан, бир чеккада қолдириб ўтишимиз мумкин. Айтайлик, авторнинг ҳеч қандай нияти бўлмаган бўлсин, шунчаки, ўзи тасвирлайдиган «зулмат дунёси» да тез-тез бўлиб турадиган воқиа уни жуда қизиқтириб қолган бўлсин; у — шу воқиани олгану, ёзган қўйган. Унинг маънаси ҳақида халойиқ билан танқид ҳукм чиқара берсин. Танқид, пьесанинг маъноси — чала муллаликнинг зарарини кўрсатиш ва рус ҳаётининг туб заминларини мақташ деган қарорга келибди. Бизнинг фикримизча, бу қисман нотўғри, қисман бундай дейиш кифоя қилмайди. Пьесанинг асли маъноси мана бундай.

Русаков эски ҳаёт тартиб-қоидаларининг, бебошлик тартиб-қоидаларининг энг яхши намояндаси. У ўз табиати жиҳатидан кўнгли юмшоқ ва ҳалол одам, унинг фикри-зикри яхшиликка қаратилган, шунинг учун ҳам биз унинг оиласида яна шу Островскийнинг ўзи тасвирлаган бошқа оилалардаги сингари золимлик даҳшатларини кўрмаймиз. Лекин бу жуда тасодифий, фавқулодда бир ҳол: Русаковлар ҳаётига замин бўлиб хизмат қилаётган асосларнинг аслида фаровонликни таъмин қиладиган ҳеч қандай кафил йўқ. Аксинча, бу асослар шахс ҳуқуқини йўққа чиқариб, тарбия ва ахлоққа даҳшат билан итоаткорликни асос қилиб олиб, ўзлари бебошлик, зулм ва ёлғончиликка замин яратиб беришлари мумкин. Русаков — тасодифий бир ҳодиса, лекин шуниси ҳам борки, биринчи арзимаган тасодиф унинг оиласидаги Русаковнинг шахсий фазилатлари туфайли мавжуд бўлган ҳамма яхшиликларни барбод қилади. У, ҳамма бало-қазони бошлаган — Арина Федотовнанинг васвасалари бўлди, деб ўйлайди; лекин аслида унинг ўзи, ўз айбини бошқага тўнкаяпти. Бунда яна ўша яқинда билим душманлари далил қилиб келтирган силлогизмни кўрамиз. «Саводли мужиклар — ғийбатчи ва фрибгар одамлар; улар саводи йўқларни алдаяптилар, демак, мужикларнинг саводини чиқармаслик керак». Бу силлогизмнинг тўғриси мана бундай бўлади: «Саводсиз мужикларни саводли мужиклар алдашяпти; демак мужикларни алданишдан ҳимоя қилиш учун ҳамма мужикларнинг мулла бўлишига имкон бериш керак». Бунда ҳам шундай: Арина Федотовна Русаковнинг қизини йўлдан оздириб, алдади; бундан нима хулоса чиқади? Шуки, қизга ўзини васвасадан ҳимоя қилишига имкон бериш керак эди. Қизнинг ўзига ҳаётни ҳам кўрсатиш керак эди, одамлар билан ҳам таништириш керак эди, ўзини мустақил фикр юритиш ва мустақил қадам қўйишга ўргатиш лозим эди: ўқиб, илим олган ва жамиятга ўрганган қиз бузуқ Арина Федотовнанинг сўзларига учмас ва бўш калла Вихоревнинг тузоғига илиниб юрмас эди. Лекин унга чинакам, инсон билими бериш демак — унинг инсон ҳуқуқларини тан олмоқ, бебошлик ҳуқуқларидан воз кечмоқ, «зулмат дунёси» ҳаётига асос бўлган ҳамма ривоятларга зид иш қилмоқ демакдир: Русаковнинг нияти бу эмас эди ва бундай қилолмас эди ҳам. (У ҳаддидан ошиб кетмаслик даражасида, бебошлик ҳуқуқлари бошқа ошна-оғайниларини қандай хиёнат-жиноятларга олиб борса, шу хиёнат-жиноятларга чек қўйиш қўлидан келадиган даражада меҳрибон ва шунга яраша ақли ҳам бор. Лекин унда ўз ҳаётининг энг асосий негизларидан воз кечишга имкон берадиган даражада ақли йўқ ва характери ҳам ундай эмас). У бир нуқтага бориб тўхтаган ва шу нуқтадан келиб чиқадиган ҳамма нарсалар ҳақида анча тўғри муҳокама қилади: у, менинг қизимни алдаш ҳеч гап эмас. Арина Федотовнанинг гап-сўзлари қизим учун зарарли бўлиши мумкин, тарбия кўрмаган савдогар қизи баринга эрга чиқиб ҳузур кўрмайди ва ҳоказо деб жуда тўғри айтади. Лекин

унинг ҳамма муҳокама ва фикрларида ўжар бебошликни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятлар — бефаросатлик, тўпос консерватизм кўриниб туради. У, мавжуд бир вазиятга бориб тўхтаган ва бу вазиятнинг ўзгариши мумкинлиги ёки ўзгариши лозимлиги тўғрисида ўйламайди ҳам. Уз қизининг тарбия кўрмаганини, шу сабабдан бой кишига эрга чиқиши мумкин эмаслигини билади, лекин қизига тарбия бермаганлиги учун ҳеч пушаймон ҳам бўлмайди. Унинг тушунчаларига кўра, аслида ҳам ўзи шундай бўлиши керак: савдогар қизи бўлгандан кейин шу савдогар қизлигича қолиши керак, бой қизи бўлса, аслида бой қизи бўлиб туғилган. Русаков қизининг одамни одамдан ажратишни билмаслигини ҳам, шу сабабдан ифлос, тутуриқсиз Вихорев сингарларнинг тузоғига илинишини ҳам билади. Лекин бу нарса уни, қизимни бир оз оқ-қорани танийдиган қилиб тарбиялашим лозим экан, деган фикрга ҳам олиб бормайди. Аксинча, унинг тушунчасига мувофиқ, қизига ким тўғри келса, унга кўнгил қўйиши айни муддао. Кишининг дидига ёққан кишисини яхши кўриш, бировни яхши кўрса, бошқани ёқтирмаслик ҳуқуқи, ҳар жиҳатдан, фақат Русаковга аталган ҳуқуқ; бошқа ҳамма кишиларнинг қисмати беозорлик ва итоаткорлик бўлиши лозим; бебошлик тартиб-қоидаси ана шундай. (Русаков қанча кўнгли юмшоқ ва ақлли одам бўлса ҳам, бебош бўлганидан, атрофидаги кишиларга муносабатида бирон муҳимроқ ўзгариш ясашга журъат этолмайди, ҳатто шундай ўзгаришнинг зарурлигига ақли ҳам етмайди. Оиладаги ҳамма бало-қазоларга сабаб шуки, Русаков қизининг эркин фикр қилишига ва ўзига ўзи хўжайин бўлишига йўл қўйиб беришдан қўрқиб, унинг фикр ва туйғусини исканжага олиб сиқиб қўйган, яккаш уни балоғатга етмаган, салкам ақли заиф қиз деб юргани юрган. У қизининг бошига мусибат тушганини кўриб туради ва уни шу мусибатдан озод қилгиси келади; лекин бунинг учун даставвал у бебошлигини бас қилиши керак, қизимнинг ақли ва ихтиёри менинг қўлимда деган фикридан қайтиши лозим; лекин бунга ожизлик қилади; бунга ҳатто ақли ҳам етмайди... шу сабабдан у бутун айбни бошқаларга тўнкайди: гоҳ Арина Федотовнанинг марази юқди, дейди, гоҳ тўғридан-тўғри, шайтон йўлдан оздирди, дейди. «Инсон зотининг душмани,— дейди у,— бизнинг кўнглимизга ҳар хил васваса солиб, бизни йўлдан оздириб туради»... Шу билан энг оддий ҳақиқатни: агар киши ўз душманлари билан бемалол курашиб камолга етсин деса, кишининг ҳис-туйғуларини ғафлатда қолдирмаслик, унинг қўл-оёқларини боғлаб қўймаслик лозимлигини тушунгиси келмайди).

Қиз бечора отасининг шу ўзбошимчалиги учун ҳақиқатан бахтли, онгли, порлоқ бўлиши мумкин бўлган келажагини қурбон қилиши лозим. Максим Федотич қизини ҳар қанча яхши кўрган бўлса ҳам, турмуш ҳақидаги умумий қараши қи-

зининг ўсишига ҳам таъсир қилолмай қолмади. У қизини кишининг ўз-ўзини ҳимоя қилишига имкон берадиган ҳамма нарсадан эҳтиёт қилиб келди, у қизини мусибатдан сақлаб қололмаганининг сабаби ҳам шу. Яна нима камлик ери бор эди, лейсиз; қизини, Русаков сўзлари билан айтганда, «мумин-қобил ва ҳимматли қилиб» тарбиялаган, қизи ёмон китоб ўқиган эмас, одамлар орасида сира бўлмаган леса бўлади. Борадиган жойи фақат битта черков эди, ўзидан катталарни ҳурмат қилмаслик ва ўз кўнглига қараб иш қилиш каби шаккокликни ўрганадиган жойи йўқ эди, ҳарбий хизматга кириш фикридан қанча узоқ бўлган бўлса, ўзи ўз билгича иш қилиш фикридан ҳам шунча узоқ эди... Бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкинмиди, дейсиз? Русаковнинг бутун умрга чизиб берган чизиғидан чиқмасдан бир зайлда тинч ҳаёт кечирса бўлмасмиди; бу камолга етган, маъсума махлуқни, бу беозор қўзичоқни ҳеч ким васвасага солмас ва тўғри йўлдан оздирмас эди, чоғи. Лекин кишининг ҳамма қиладиган ишларига унинг дили, фаҳм-фаросати асос бўлиб, мададкорлик қилмаса, ўзи англаб билиб туриб бир қарорга келмаса, қилган ҳамма ишларининг таги бўш бўлади, бир нафаслик ва пуч бўлади. Оилавий ва ижтимоий муносабатлар кишиларнинг кўнглидаги ишончларидан келиб чиқса ва шу муносабатларда қатнашувчи ҳамма кишиларнинг ўз ихтиёри ва идроки билан тузилган битимга асосланган бўлса, шу муносабатларнинггина таги мустаҳкам бўлиши мумкин. Бебошлик, ҳатто унинг Русаков сингари энг яхши намояндалари ҳам буни тан олмайди, шу сабабдан биринчи тасодифга, бирон фитна-фужурга, маълум бир маъноси бўлмаган шунчаки бирон шўхликка дуч келиб қолганда, қаттиқ маглубиятга учрайди. Арина Федотовнанинг муҳокамаларидан ҳам паст ва бемаъни нима бўлиши мумкин эди? Авдотья Максимовна Вихоревдан ҳам разилроқ ва бемаънироқ кимни ҳам учрата оларди, дейсиз? Ҳолбуки, мана шу икки разолат намояндалари Русаковларнинг оила ҳаётини бутунлай бузиб юборди, отани қизини оқ қилишга, қизини отасиникини ташлаб кетишга мажбур қилади, сўнгра шўрлик қизни шу ҳолга солишдики, шундан кейин, Русаковнинг ўз фикрига мувофиқ, қизининг бутун умри ғам-ғусса ичида бахтсиз бўлиб ўтишидан ташқари, бутун бошлиқ оиласини ҳам шарманда қилди. Шундай қилиб, патриархаллик урфи-одатларига, бебошликка асосланган ҳаётда буларни бир-бири билан муросайи-мадорага келтирадиган куч ҳам топилмайди, чунки бу фақат иффатга хилоф иш бўлмай, бунда итоаткорлик принципи ҳам бузилган... маъсума, лекин шарманда бўлган қизининг ҳуқуқларини яна ўз жойига қўйиш учун Бородкининг олижаноблиги, шу муҳитнинг хулқ-атворларига муносиб бўлмаган ва ўтакетган олижаноблиги керакки, Авдотья Максимовнанинг жуда енгилтаклиги ҳам, уларни бир-бири билан муроса-мадорага келти-

ришнинг мумкин эмаслиги ҳам шу муҳитнинг жоҳиллигидан ва ундаги бебошликдан келиб чиққан.

Шундай қилиб, биз ўз хулосамизни такрорлашимиз мумкин: Островский «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясида, атайинми ёки беихтиёрми, ҳатто ўзи хоҳламаган бўлса ҳам — бизга ҳаёт негизининг ўзида бебошликка асосланган шарт-шароитлар мавжуд бўларкан, энг яхши ниятли ва олижаноб шахсларнинг қўлидан ҳам ҳеч яхши иш келмаслигини, оилани нг, ҳатто бутун бошлиқ бир жамиятнинг тинчлиги мустаҳкам бўлмаслигини ва энг бўлмағур тасодифлардан ҳам ўзини амин қилолмаслигини бизга тўғри кўрсатиб берган. Русаков характери ва муносабатининг таҳлилида биз бу ҳақиқатни шундай бир воқиага татбиқ қилиб кўрсатдикки, унда тупа-тузук бир киши шундай бебошлик балосига гирифтор бўлиб, ўз ҳуқуқлари унинг бошини гангитиб қўяди. Островскийнинг бошқа комедияларида биз «зулмат дунёси»нинг бошқа бир қисмига — қарам бўлиб қолган ва эзилган қисмига татбиқ қилинган шу ҳақиқатнинг янада кучлироқ қилиб кўрсатиб берилганини кўрамиз.

Шу мақолага эпиграф қилиб келтирилган мисраларни Русаковга ҳам бир қадар татбиқ қилса бўлади: унинг ҳам яхши ниятлари бор, у ҳам бошқаларга яхшиликни раво кўради, лекин кўланка «сўраб қилган илтимоси бекорга кетади», жазирама бебошлик нури остида қуриб қовжираб кетади. Лекин бу шеърлар жуда ажойиб қалб ва мусаффодан мусаффо орзуният эгаси бўлганлари ҳолда бебошлик зулми остида инграб ётган, ҳар қандай фикр ва туйғулари шу бебошлик касридан йўққа чиқаётган бечораларга ҳаммадан ҳам кўпроқ монанд, биз мана шу бечоралар тўғрисида ўйлаганимизда, шу мисралар ёдимизга тушди:

Пайғамбардан у бекор соя сўрар —
Иссиқ кумларгина уни тўлдирар,
Ҳам тождор қарчиғай шу ваҳший қошқўр
Ўлжасин бўғизлар, қийнар ва чўқир.

IV

Бу кўпроқ бебошликлан, балки,
эҳтимол, аҳмоқликдан ҳам.

Островский.

Русаковнинг қизи бошига тушган ғам-ғусса бизга кўп бемаъниликларни очиб беради; лекин унинг унчалик таъсир қилмаслигига сабаб шуки, зулмдан қиз ҳар ҳолда унча қийналмайди. «Камбағаллик айб эмас» комедиясида тасвирланган мазлум шахсларнинг тақдири бизга ундан ҳам бемаъни ва ваҳшиёна бўлиб кўринади.

«Камбағаллик айб эмас» комедияси ҳалол, лекин ожиз кишининг бемаъни ўзбошимчалик таъсири остида сўлиб, ҳалок бўлиб кетишини кўрсатади. Любовь Гордеевнанинг отаси,

Любим Торцовнинг иниси ва Митянинг хўжайини Гордей Карпич Торцов — сўзнинг том маъносидаги бебошлардан. У, хотини Пелагея Егоровнанинг таъбири билан айтганда ҳам баджаҳл, ҳам ўзига бино қўйган магрур одам, фаҳм-фаросати ҳам йўқ. Уйдагиларнинг ҳаммаси ундан қўрқиб, титраб туради. У Африкан Савич Коршунов билан дўстлашиб олганидан буён жуда ҳам сержарда бўлиб қолди ва «янги модага тақлид қила бошлади». Комедиянинг тугуни Гордей Карпичнинг шу дўстлиги ва янги модага қизиқиб қолганлигидан бошланади. Торцов ўз қизини Африкан Савичга бермоқчи бўлади, қизи бўлса приказчик Митяни яхши кўради, йигит ҳам қизни яхши кўради, булар, албатта, китобхоннинг эсида бўлса керак... Танқид шунга асосланиб, Островский «Камбағаллик айб эмас» пи савдогар оиласида эски урфи-одатлардан қайтиб, янги модага қизиқишнинг қандай зарарли эканлигини кўрсатиш ниятида ёзган, деб ўйлабди... шу сабабдан, бир хил танқидчилар Островскийни жуда ҳаддан ошириб мақтаб юборишди, иккинчи хил танқидчилар ҳеч раҳм қилмай уни ёмонотлик қилишди. Биз танқидчиларнинг униси билан ҳам, буниси билан ҳам баҳслашиб ўтирмаймиз ва таклифларининг ҳақ-ноҳақлигини текшириб овора бўлмаймиз. Островскийда дарҳақиқат шу танқидчилар айтган ният ҳам бўлгандир, деб фараз ҳам қиламиз: ҳозир бизни бу масала унча қизиқтирмайди. Бизни кўпроқ қизиқтирган нарса шуки, Гордей Торцовнинг образида биз бебошликнинг янги хилини, янги бир турини кўриб турибмиз: бунда биз бебошнинг илм-маърифатни қандай идрок қилишини, яъни бебош одамнинг ақли етадиган тасодифий ва жуда аҳамиятсиз илм-маърифат формаларини қандай идрок қилишини кўрамиз. Энди гапимиз мана шу ҳақда бўлади.

Бебошлик билан илм-маърифат аслида бир-бирига қарама-қарши нарсалардир, шу сабабдан ҳам, улар бир-бирига тўқнаш келишганда, албатта, бири-бирига бўйсуниши керак: ё бебош унча-мунча илм-маърифат ибтидоларини уқиб олади-ю, шундан кейин бебошлигини бас қилади, ё бўлмаса у илм-маърифатни ўз қайсарлигига хизматкор қилиб олади, ўзи бўлса, албатта, илгаригидай жоҳилу нодон бўлиб қолаверади. Гордей Карпич худди шундай бўлди, ҳамма бебошларнинг ҳам қисмати шундай бўлади, деса бўлади. Дастлаб илмлик бўлиш учун қадам қўйганда, бебошлигини ақл-фаросат талабларига бўйсундириш лозимлиги ва бошқаларнинг шундай талабларига ҳурмат билан қараш лозимлиги бебошнинг хаёлига ҳам келмайди. Аксинча, ҳар қандай билим, ҳар қандай мантиқ унинг қайсарликларини жуда ҳам ўринлатиб жойига қўйишга хизмат қиладигандай бўлиб кўринади. Шу сабабдан ҳам у билимнинг фақат қўпол-моддий, нуқул ташқи томонини тушунади, холос. «Билимсиз одамларнинг ичадиган нарсасини қара»,— дейди у.— Қаёқдаги наливка, ҳар хил виш-

нёвкаларни ичиб юришади. Дунёда шампанское деган нарсалар ҳам борлигини билишмайди!». «Овқат вақтида қилишадиган нодонлигини айтмайсизми: узун бурма бел камзул кийган бирон йигит ёки қиз хизматингда бўлади-я!» «Мен,— дейди,— бу шаҳарда қаёққа қарасам, нуқул нодонлик ва билимсизликка кўзим тушади: шу важдан Москвага кўчиб кетмоқчи бўлдим, у ерга бориб ҳар хил модаларни билиб олсам дейман». Бебош, билим дегани шу модага тақлид қилиш бўлса керак деб ўйлаб, хотинини қариган чоғида, дуррача ўрнига чепчик кийсанг бўлмайдими, музикантлар чақириб, ҳозирги расмдан қилиб, зиёфат берсанг-чи, эски одатларингни бас қилсанг-чи, деб ҳоли-жонига қўймайди. Ўзи бўлса уй ичидагиларга қилиб келган эски муомаласини ўзгартиш ва оиласининг турмушига бирон бир идрок деган нарсани аралаштиришнинг ҳеч зарурати йўқ деб билади. Гордей Карпичнинг талаби жуда зўр бўлиб қолди-ю, лекин атрофидаги одамларнинг эркинроқ ишлашига илгаригидай йўл қўймайди. Хотини жонидан тўйиб, «жаҳли ёмон, айниқса шу билимлик бўлиб *олганидан* кейин уни ҳеч гапга киргизиб бўлмайдиган бўлиб қолди» деб зорланади. «Илгари ҳар ҳолда ақли жойида эди,— дейди у ҳақда Пелагея Егоровна,— энди бўлса мияси жуда айниб қолди»... Хотини ҳатто қизининг тақдири тўғрисида отасига бирон гап айтишга ботинолмайди: «Худди бир йиртқич ҳайвондай бақрайиб қараб туради, оғзидан бир оғиз ҳам гап чиқмайди,— мени она деб ҳам билмайди... Рост... унга мен ҳеч гап айтолмайман; ўз дардингни бегона бирон кишига айтиб, йиғлаб-йиғлаб, юрагингни бўшатиб оласан, бўлгани шу...» Гордей Карпич уй ичидагиларнинг ҳаммасига жуда қўпол муомала қилади, уларни шундай сиқадики, асти қўяверинг. Қизидан яккаш талаб қиладиган нарсаси шуки, менинг изимдан чиқма дегани-деган. Қизи мени Коршуновга эрга берма, деб ёлборса, отаси унга жавоб бериб: «Аҳмоқ қизсан, жонингнинг хузурини билмайсан... Бири шуки, сен бу хилват, узоқ бурчакда эмас, ҳамманинг кўз олдида умр кечирасан; *яна бири шуки, бу менинг буйругим*» дейди. Қизи жавоб бериб: «Мен буйруғингни рад қилолмайман» дейди. Приказчик Митяни Гордей Карпич ноўрин, оғзига келган гап билан сўкиб ҳақорат қилаверади. Гордей Карпич Митянинг онасига пул юбориб туришидан хабардор бўлиб қолиб: «Сен аввал ўзинг мулла бўлиб олсанг-чи: онангга нимага пул керак бўларди, дейсан, зеби-зийнат ичида катта бўлган эмас-ку: оғилхоналарга ўзи қараб юрган бўлса керак»... дейди. Гордей Карпич буни катта жиноят деб билади: ўзига янги бир сюртук тикдира олмайди-ю, яна онасига пул юбориб туришига доғман!.. дейди. Ҳолбуки, Торцовнинг ўзи астойдил, тиришиб-тирмашиб хизмат қилаётган Митянинг моянасини ошириб беришни ўйламайди ҳам. Митя ювош, беозор одам бўлса ҳам: «Гордей Карпичнинг берадиган моянаси оз-у, сўкиб, ранжитишлари кўп, худди мен гуноҳкор бўлгандай, нуқул камбағаллигимни ўзимга солиб таъна қилиб туради... Ўзи бўлса моянамни оширай ҳам демайди» деб зорланиб юради. Умуман, Гордей Карпич ҳамиша жуда қўполлик ва бебошлик қилиб туради. Приказчиклар қўшиқ айтиб турган уйга кириб қолса: «Қўшиқларинг нимаси! Худди мужикларга ўхшаб бақирасанлар-а!..» деб жеркиб, уларни тоза сўкади. Иккинчи пардада, Пелагея Егоровна кеча ўтказиб, ҳар хил алмойи-алжойи ясаниб олган кишиларни таклиф қилганида, бир вақт Арина югуриб келиб: «Ўзи келиб қолди» дейди:— Кечада ўтирганларнинг бариси қўрқиб ўрнидан туриб кетади. Гордей Карпич уйга кириб келади-да, ҳақиқатан — хотини ва бошқа меҳмонлар билан саломлашгани шу бўладики, гапни: «Бу қандай аблаҳлар! Тур, йўқолларинг! Хотин, меҳмонга қара!..»дан бошлайди. Меҳмони Лфрикан Савич бўлгани учун, Гордей Карпич ўзини бир оз босиб туришга мажбур бўлади... Гордей Карпич кишининг юриш-туришига ва одоб сақлашига қараб ҳукм қилинадиган ташқи билимдонлик аломатларини ҳам ўхшатиб жойига қўёлмайди. У янги костюм ҳам кийди, *мебелини* ҳам янгилади, *шампанскоега* ҳам ишқибоз бўлиб қолди; лекин у ўз характерини, ҳатто одамларга муомала қилиш одат ва қилиқларини асло ўзгартиргиси келмади ва (бутун хулқ-атворида бебошлик табиатига содиқ бўлиб қолди) биз ҳам билим-маърифат ҳар қандай бебошга қандай таъсир қилса, унга ҳам шундай жуда қизиқ таъсир қилганини кўрамиз. Киши худди яхши йўлга чиқиб олгандай: шу дамгача қандай ҳаёт кечириб келган бўлса, шу ҳаётдаги нуқсонларга ақли етгандай, нодонликка қарши ғазаб ўти ёнгандай, умуман билимлик бўлишининг афзаллигини тушуниб олгандай... буни кўриб, хурсанд бўласан киши! Майли, у буларнинг ҳаммасини ҳали ғира-шира, сал-пал, нотўғри фаҳмлаб олган ҳам бўлсин; ҳар ҳолда биринчи қадам қўйилган, муз жойидан қўзғатилган, кишининг фаолияти янги йўлга кириб олган... Эҳтимол, у бундан кейин ҳам шу йўлдан борар, ўз хулқ-атворини сал тузатиб олар, унинг бутун ҳаёти янги бир тусга кирар... Йўқ, (қаёқда дейсиз? Хомтама бўлманг...) Бошқа ҳар қандай одам билимлик бўлса, унинг орзу ҳаваслари ҳам яхши бўлиб қолади, унинг фсъли ҳам яхши бўлиб қолади, ҳаққониятга ҳурмат кўзи билан қарайдиган бўлиб қолади ва ҳоказо. Лекин бебошда билимнинг ўзи, мантиқнинг ўзи, эзгуликнинг ўзи ўзига яраша ёввойи, хунук бир тус олади. Бебош ўзининг кўнглига келгани ҳамма учун ва ҳамма нарсада қонун бўлиши керак, деган нуқтаи назарга амал қилиб, илм-маърифатнинг кишилар учун яратиб берган қулайликларидан жон деб фойдаланади, кўнглим истаган нарсани бошқалар турли илм ютуқларига, янги кашф ва ихтироларга мувофиқ яхшироқ бажарсинлар, деб талаб қилишдан асло қайтмайди. Бебош шундан

нарига ўтмайди. Бебош илм-маърифатнинг янги талабларига ақли етиб, натижада унинг ўзи нафсини тияди, деб умид қилманг; ҳатто у ақл-идрок қонунларига ва фан хулосаларига астойдил ҳурмат кўзи билан қарайдиган бўлиб қолиши мумкин, деб ҳам ўйламанг: бу нарса бебошлик табиатига асло тўғри келмайди. Йўқ, ундай эмас, бебош ҳамиша фикр қиладиган ва билимлик кишиларни унинг бебошлик қилишига материал тайёрлаб бериши лозим бўлган қора ишчилар деб билиб, уларни назар-писанд қилмайди, (у ўзининг янги-янги ҳуқуқлар даъво қилиб чиқиши учун ҳамиша илм-маърифатнинг янги ютуқларидан бирон важ излаб туради), лекин шу илм-маърифат ютуқлари унинг зиммасига юклайдиган мажбуриятларга ҳеч ақли етмайди. Бебошлигини қўймагандан кейин, бошқача қилиш ҳам мумкин эмас, нега десангиз, билимлик бўлишнинг биринчи талаби ҳам худди шу бебошликдан воз кечишдир. Бироқ Гордей Карпич Торцов бебошлигини бас қилса, демак, ҳеч нарсага арзимайдиган одам бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам у атрофидаги кишиларнинг ҳаммасини эрмак қилиб юради: уларнинг нодонлигини юзига солиб таъна қилади, уларда сал-пал билим ва идрокнинг аломати кўриниб қолса, уларга кун бермай қўяди. Ўқиган қизларнинг гапга чечанлигини билиб олибди-да, қизига сен тузуккина гапни ҳам билмайсан, деб ундан таъна қилади; қизининг оғзидан сал-пал гап чиқадиган бўлган эдики: «Тилингни тий, аҳмоқ!» деб бақирадиган бўлиб қолди. Ўқиган приказчикларнинг яхши кийиниб юришини кўриб қолган эди, Митяга, сюртугинг мунча хунук, деб уни жеркиб гашрадиган бўлиб қолди; лекин унга ҳали ҳам жуда арзимаган мояна тўлайди... Гордей Карпич бутун ҳаётида ҳам шундай,— Гордей Карпичнинг образи бизга асосан мана шу бебошликнинг илм-маърифатга муносабатини очиб ташлаш жиҳатдан қизиқдир. Баъзи бир танқидчиларнинг, Островский шу шахс образида ва умуман «Камбағаллик айб эмас» комедиясида янги тушунчаларнинг эски рус ҳаётига ёмон таъсир қилганлигини кўрсатмоқчи, деган хулосага қандай қилиб келганларини ҳеч тушуна олмаймиз... Гордей Карпичнинг дағал, даҳшатли ва бемаъни бўлиши Москвага бориб келиб, янги модага тақлид қиладиган бўлгандан буён бошланмаганлиги бутун комедиядан аниқ ва равшан кўриниб турибди. У аслида илгари ҳам шундай бебош одам эди; энди унинг талаби бирмунча зўрайиб, янги наъмалар чиқарди, холос...

Любовь Гордеевна билан Митянинг ювош, беозор табиати шундай киши ва шундай муносабатлар таъсири остида бунёдга келади, булар инсонлик қиёфасини йўқотишнинг нималарга олиб боришини, зулм ҳатто энг кўнгли яхши, фидоий кишиларни ҳам мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятидан тамомила маҳрум қилиб қўйишини кўрсатадиган образлардир. Митя ўзини қурбон беришдан қайтмайдиган-

лардан: у иш қилиб онасига ёрдам кўрсатиш учун, ўзи муҳтожликда кун кечиради; у Гордей Карпичнинг ҳамма зулм-тааддиларига чидаб юра беради, унинг қизини яхши кўриб қолганидан, унинг отасидан ҳам ажрагиси келмайди, хўжайинининг жаҳли чиқишидан ҳам қўрқмасдан, у Любим Торцовга ўз ҳужрасидан жой бериб, уни ўз паноҳида сақлаб юради, ҳатто унинг бош оғриғига ичадиган ичкилигига пул ҳам бериб туради, Хуллас, Митяда меҳрибонлик, сахийлик шу қадар зўрки, у худди ҳеч қандай фидоийликдан, ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмайдиган одамдай бўлиб кўринади... Любовь Гордеевнанинг меҳрибонлиги ҳам бундан кам эмас. Митяни бўлса у жуда ҳам яхши кўради, буни гап билан таъриф қилиб ҳам бўлмайди: агар керак бўлса, Митя учун жонини ҳам аямайди. Агар булар эркин ва бир оз бўлса-да, ғайратли, росмана одамлар бўлганда эди, уларни ҳеч ким бир-биридан жудо қилолмасди, ёки, ҳар ҳолда, жудо қилмоқчи бўлганларида, оғир ва қаттиқ курашсиз бўлмас эди. Лекин Торцов оиласида бутун бу можаронинг қандай бўлганлигини томоша қилинг. Любовь Гордеевна даставвал муҳаббат изҳор қилиш вақтида, отасидан фотиҳа олмоқчи бўлганида Митяга бундай дейди: «Дадам бизнинг бахтли бўлишимизга рози бўлмаса-чи, унда нима бўлади?» Митя бунга жавоб бериб: «Олдиндан фол боқиб ўтиришнинг нима кераги бор? Худо нимани лойиқ кўрса, кўрармиз. Сени-ку билмайман, лекин сенсиз турмушим турмуш бўлмайди»,— дейди. Любочка бунга жавобан гап топиб беролмайди. Бунда бу ёш юракларнинг қанчалик ожизлиги ва эзилиб хомуш бўлиб қолганлиги аниқ ва равшан кўриниб турибди! Улар ҳатто ўз бошларига бирон мустақил қадам қўйиш тўғрисида ўйлашдан ҳам қўрқишади, ҳатто йўлимизда бирон гов учраб қолса нима қиламиз, деб шу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қиладилар. Қиз даҳшатга келиб: «Агар дадам рози бўлмаса, нима бўлади?» дейди. Йигит бўлса жавоб бериш ўрнига: «худо нимани лойиқ кўрса, кўрармиз!..» дейди. Уларнинг йўлида салгина тўсиқ учраганда ҳам, ўз ниятларига етолмасликлари аниқ бир нарса. Дарҳақиқат, шу кун кечқурун Гордей Карпич Коршунов билан бирга келиб, Коршуновни эркалатиб, ўп, деб қизига буйруқ беради ва бу сенинг қаллигинг бўлади, дейди. Пелагея Егоровна даҳшатга келиб, аллақандай беҳуш бўлиб қизининг қўлидан қаттиқ ушлаб олиб бақиради: «Қиз меники, бермайман! Дадаси Гордей Карпич, она юраги билан ҳазил қилма! Бас қил, юрагимни эзиб юбординг». Лекин Гордей Карпич ўкириб: «Эй, хотин! Сен мени биласан-ку: бир гап айтганимдан кейин шуни қиламан», дейди,— шу билан хотини ҳам жим бўлади. Энди гал қизга келади. Қиз ўз қаршилигини шундан бошлайдики, отасининг оёғига йиқилиб: «Отажон! Сенинг изимингдан чиқмайман... Отажон, менинг бир умр бахтсиз бў-

лишимни хоҳламайсан-ку! Яна бир ўйлаб кўр, дадажон! Нима десанг, буюр, лекин кўнглим бўлмаган кишига эрга чиқишга мажбур қилма» дейди. Унинг қарши келишининг охири шу бўладики, отаси тош бағирлик қилиб, унинг илтимосини рад қилганида, қиз: «Ихтиёр ўзингда, отажон!» деб жавоб беради-да, таъзим қилиб, онасининг ёнига бориб туради. Коршунов бўлса хотинларга, қани тўй қўшиғини бошланглар деб буйруқ беради... Кураш унчалик қаттиқ бўлмайди ва узоққа ҳам бормайди; лекин Любовь Гордеевнанинг ўз орзуларини ҳатто шундай изҳор қилиши ҳам катта гап. У жуда хафа бўлгани ва дили жуда оғригани учунгина оғиз очиб отасининг хоҳишига зид гапиришга ўзини мажбур қила олади. Шунда ҳам яна қандай гаплар денг: «Яна бир ўйлаб кўр!», «хоҳламайсан-ку!» эмиш. Қандай аянч бир ҳол: наҳотки, ўзинг мустақил бирор иш қилишинг мумкинлиги тўғрисида заррача ҳам ўйламасанг, бизга бало-қазолар таҳдид қилиб турган бир пайтда, бировнинг ҳукмига, бировнинг марҳаматига умид қилиб, фақат унга кўз тикиб ўтирсанг!.. Бу мудҳиш онлада ҳатто ўз жонини сақлаш туйғуси ҳам шундай қуллик тусига кирган бўлса, инсон табиати жуда ҳам расво бўлиб бузилган экан-да!..

Комедиянинг учинчи пардаси очилганда Гордей Карпичнинг истаги амалга ошган бўлади: меҳмонлар унинг қизини Африкан Савичга уналтириш муносабати билан базм қилиб ўтиришибди. Қари оқсоч хотин Арина куёвни қарғаб, шўринг қургур келининг ҳоли нима кечаркан, деб қайғириб ўтирибди; Пелагея Егоровна, қизим ҳалок бўлиб кетади, деб ўз бошига тушган бу ғам-гуссадан нола қилмоқда; Митя хайрлашгани келади: Митя бу бало-қазолардан қутулиш учун онасининг ёнига кетишга қарор қилди. Лекин Пелагея Егоровнанинг кўз ёшларини ва нола-зорини эшитиб, юраги эзилиб кетади, шу билан у ҳам Пелагея Егоровнанинг қўрқоқлиги ва ожизлигини юзига солиб, ундан таъна қила бошлайди: «Сиз кимдан йиғлаяпсиз,— дейди у,— қизингизни ўз қўлингиз билан беряпсиз-ку. Йиғлагандан кўра қизингизни бермасангиз бўлмасмиди. Нега қизингизнинг умрини хазон қиляпсиз, қул қилиб беряпсиз? Ахир, бу ишингиз гуноҳ эмасми?» дейди. Пелагея Егоровнанинг берадиган фақат битта жавоби бор: «Ҳаммасига ҳам кўзим етиб турибди, лекин ихтиёр менда эмас, ундан кўра сен, Митя, менинг ҳолимга ачинсанг-чи!» Шундан кейин, Митянинг кўнгли эриб кетиб, муҳаббатидан сўз бошлайди, Пелагея Егоровна бўлса: «Оҳ, сен азизгинам! Пешонанг шўрлик йигит экансан, энди сенинг бетингга қандай қарайман!..» деб жавоб беради. Пелагея Егоровна Митянинг дарди-аламига малҳам бўлиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган иш деб билади, масалан, Митя қўлини кесиб ташлабди, ёки унинг онаси ўлиб қолибди, деб эшитгандай, унинг шу қайғу ҳасратларига шерик

бўлади... Шу ўртада Любовь Гордеевнанинг ўзи ҳам келиб қолади; Митя шу қадар довюрак бўлиб кетадики, Пелагея Егоровнага, кечқурун қизингизни иссиқроқ кийинтириб туринг, мен онамникига олиб кетиб, ўша ерда никоҳ қилиб олиб қўя қоламан, дейди. Бу жуда ботирлик билан чиқарилган қарор. Лекин бу яхши ўйлаб кўриб тузилган жиддий режа эмас, шу сабабдан қандай тез бу қарорга келинган бўлса, шундай тез йўқ бўлиб кетади. Митянинг ўзи ҳалиги ғайратини мана бундай таърифлайди: «Кўнгилга эрк берсангиз-чи, кўнгил парвоз қилмоқчи! Жуда бўлмаса, жавобгарликни бир карра бўйнимга олишга тўғри келганда ҳам, ҳар ҳолда кўнглим очилгани қолади-ку». Шундай қилиб, умидсизликдан пайдо бўладиган бу телбаларча ғайрат-жасорат баъзи бир пайтларда жуда юраксиз кишиларнинг ҳам қўлидан келади. Лекин Митяда таклифини қўллаб юборадиган куч йўқ, шу сабабдан, қизнинг онасидан ва ўзидан рад жавоби эшитганидан кейин: «Нима ҳам қилардик, пешонамизга ёзилмаган экан» деб дарров ўзи ҳам ниятидан қайта қолади. Любовь Гордеевна бўлса, ўзини жуда йўқотиб қўйган, шу сабабдан, у ҳатто Митянинг таклифига рози бўлиш тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас деб билади... Бунинг ажабланадиган ери ҳам йўқ: ахир, Любовь Гордеевна Гордей Карпичга Митядан кўра яқинроқ-ку, унинг бебошлиги унда кўпроқ из қолдирган. Шу сабабдан қиз ҳар қандай ғам-ғуссага ҳам рози бўлаверади, ишқилиб, отасининг измидан чиқиб кетмаса бўлгани. «Йўқ, Митя, сен айтгандай қилиш мумкин эмас,— дейди қиз.— Ўзингни бекорга овора қилма, юрагимга ҳам ханжар урма... Шундай ҳам юрак-бағрим эзилиб кетган... Худо йўлингни берсин» дейди. Митя ҳам, Любовь Гордеевна Коршуновга текса «ҳалок бўлиши турган гап»лигини била туриб, ўзини четга ола қолади; буни қизнинг ўзи ҳам билади, онаси ҳам билади — шундай бўлса ҳам ҳаммалари ғам-ғусса ичида, дамларини чиқармай, тақдирга тан бериб қола беришади... Бебошлик зулми уларнинг инсонлик қиёфасини шу қадар бузиб ташлаган, ҳар қандай мустақиллик туйғусини эзиб, йўқ қилиб юборган, энг муқаддас ҳуқуқларини, ҳис-туйғуларининг дахлсизлиги, бировга кўнгил қўйиш, бир-бирини яхши кўриб, роҳатда умр кўриш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳар қандай қобилиятларидан маҳрум қилиб қўйган!..

Агар бу шўрликларни ҳақиқатан енгиб бўлмас куч, олий даражали бир шахс эзиб, қийнаб турган бўлса, бунинг йўли бошқа эди! Қаёқда ундай дейсиз!.. Гордей Карпич тушунчалари жуда тор бўлишидан ташқари, ўзи қўрқоқ ва юрагида ўти йўқ одам. Бу ҳам бебошга қаттиқ ёпишиб олган, унда албатта бўладиган хусусият. Бебош одам бирон қаршиликка учрамагунича ёки унга қўрқа-писа, қатъиятсизлик билан қаршилик кўрсатилса, бебошлигини қила беради, қайсарли-

гини қўймайди, терслигини бас қилмайди... Лекин жиддий ва узоқ вақт курашда уни қўллаб-қувватлаб турадиган суянчиғи йўқ. У талаб қилади, буйруқ беради, лекин бераётган буйруқларининг асли маъносини ҳам, заминни бор-йўқлигини ҳам тузукроқ билмайди... Бундан ташқари, бебош одамни ҳуқуқлари масаласида ҳамиша ғира-шира, ноаниқ ваҳима босиб туради: ўз даъволаридан кўпини ҳеч қандай ҳуқуқ билан, ҳеч қандай умумий қонун билан тўғрига чиқаролмаслигини ўзи ҳам сезиб юради... Бошқалар пайқаб қолишмасин деб қўрққанидан, у оддий бир чорани — пўписа қилиб қўрқитиш чорасини кўриб юради. Ҳар қандай разиллик, сохтакорлик, ҳаромлик, хуллас, ҳар хил бемазагарчиликларнинг шундай чора ниқоби остига кириб олиши турган гап. Унча кўп нарсани билмайдиган ўқитувчи, ўқувчилар мендан ҳеч нарса сўрашмасин деб, ўқувчилар билан қаттиқроқ муомала қилишга ҳаракат қилади. Ишни билмайдиган ёки қўли қингир бирон бошлиқ, қўл остида ишлаб турганлар мени ёмонотлик қилишга журъат қилишолмасин, деб ўзини сипо тутиб юради. Ҳеч қандай асл фазилати бўлмаган барин лакейининг кўзи олдида қаҳри қаттиқлик ва дағаллик қилиб туради. Кишилардаги умумий лоқайдлик ва юмшоқ кўнгиллик туфайлидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳамма вақт деярли жойида бўлиб чиқади; баъзи бировларнинг бошлиқдан ёки ўқитувчидан,— нега ундай, сабаби нима?— деб сўраги ҳам келади-ю, қарасаки, иложи йўқ, шу билан «э, бор-э», деб қўлини ювиб, қўлтиғига уриб қўя қолади... «Э, юзи қурсин! — дейди,— бекорга сўкиб берган қолади!» Шундай муҳокама-мулоҳаза натижасида сурбет, бебош одам аҳмоқлик ва виждонсизлик қилиб юрибди, сурбетлигидан келадиган ҳамма нозу неъматлардан фойдаланиб, теварак-атрофидагиларнинг гўё ҳаммасининг иззат-ҳурматига сазовор бўлиб юрибди. Ҳамма ҳайбаракаллачилик қилиб тургандан кейин бебош одамнинг ғурури яна ҳам ошиб кетади ва унга чиндан ҳам мадад бўлиб тушади. Уки, ўз қадри-қимматини билмабди, бу куч унинг шу нуқсони ўрнини босади. Чунончи, шаҳар ахлатини ташиб турадиган бирон жаноб, бу ахлатнинг нархи жуда паст юришига қарамасдан, атрофдаги аҳоли, қандайдир тушуниб бўлмайдиган хом хаёл билан, уни қиммат баҳо нарса деб билаётганидан хабардор бўлиб қолса, унинг нархини ошириб юбориб, талай пул ишлаб олиши мумкин... Лекин бебошнинг обрўси ҳам шундай хом хаёлга асосланган. Бирон жойда кучлироқ ва қаттиқроқ зарбага дуч келиб қолса, бебош одам кучдан қолади, юраги пўкиллаб, нима қиларини билмай қолади. Дастлаб у юрак ютиб, қайсарлигини қўймайди, шу нарса одат бўлиб қолганидан шундай қилади, бебош одам одамларнинг унга ғинг демай, итоаткорлик кўрсатганига ўрганиб қолганидан, у дастлаб бирон жиддий қаршилик пайдо бўлиб қолганига

ишонгиси ҳам келмайди. Яна шу сабабдан дастлаб унинг бебошлигини чеклаб қўйиш ниятига сал-пал ўхшаб кетадиган ҳар қандай овозни ҳам англашилмовчилик оқибати деб ҳисоблаб, худди қутургандай жаҳли чиқиб кетади, илгаригидан ҳам ёмонроқ қўрқитмоқчи бўлади, шу йўл билан ҳар қандай норозиликни кўпинча ё тинчитиб олади, ё бўлмаса бостириб ташлайди. Лекин одамларнинг кўзи очилиб англаб-билиб туриб, ундан қўрқишларини бас қилганларига, у билан қатъий олишмоқчи бўлганларига, масаланинг: «Ҳалок бўлсам бўламанки, лекин ён босмайман» деб дангал қилиб қўйилганига кўзи етди дегунча, у дарҳол чекинади, бўшашиб қолади, нафасини ўчиради-да, ғазаб ўтини бошқа нарсаларга ёки бутун гуноҳлари фақат ожизлиги бўлган бошқа одамларга қаратади... Уқиган, хизмат қилган, хусусий комиссия ишлари билан шуғулланган, умуман кишилар билан муомала-муносабат қилиб турган ҳар кимса ўз умрида бир неча марта шундай бебош одамга дуч келган бўлса керак ва бизнинг сўзларимиз тўғри эканлигини тасдиқлаб берса керак. Жаҳли тез ва бемаъни бошлиғингизга қарши *йўл-йўлакай* бирон гап гапиришдан қўрқинг: бўлмаса, устингизга ҳақорат сўзлар ёмғирдай ёғилади, сизни хўп сўкиб, дўқ қилишларнинг ҳисоби бўлмайди, бу ҳам озлик қилгандай, кейинчалик ҳам бошлиғингиз сиз тўғрингизда доимо ёмон гапириб юради: сизни либералга чиқариб қўяди, бошлиқларни ҳурмат қилиш деган нарсани билмайди, нуқул кеккайиб, манманликдан бошқани билмайди деявериб,, сизга кун бермайдиган бўлиб қолади... Лекин агар сиз хизмат қилиб, ҳалол ишламоқчи бўлсангиз, бебош одамлар билан жиддий, қатъий баҳслашишдан қўрқманг. Юздан тўқсон тўққиз ҳодисада сизнинг қўлингиз баланд бўлади. Фақат илгаритдан бир қарорга келиб қўйинг: ярим йўлда тўхтаб қолмайман, бирон хавф остида қолиб, ишлаб турган жойимдан ажраб қолсам ёки бирон бошқа ҳиммат-пимматидан қуруқ қолсам ҳам, то охиригача бораман, деб аҳд қилиб қўйинг. Сиз ўз фикрингизни билдирмоқчи бўлиб оғиз очган замонингиз бебош одам овозини кўтариб, сизнинг гапингизни кесиб қўймоқчи бўлади: лекин шундай бўлса ҳам, сиз барибир қарши фикр билдираверинг. Сизнинг билдирган эътирозингизга жавобан, сиз кимга қаратиб гапирган бўлсангиз, у димоғдорлигига ва феъли-ҳуйига қараб, у сизни ҳақорат қилади ёки сизга таъбиҳ беради. Лекин сиз бўш келманг: бебош одам қандай овоз билан гапирса, сиз ҳам овозингизни шундай баланд қилиб қарши келаверинг, унинг гапига қараб сиз ҳам ибораларингизни ўткирроқ қилиб ишлата беринг, у қанча дарғазаб бўлиб, жаҳли ортиб борса, сиз ҳам тобора баланд келиб, дўқ қила беринг. Агар бугун баҳсингиз тамом бўлган бўлса, орқага қайтмасдан, эртасига, индинига яна гапингизни давом қилдириб бораверинг, кеча

қаерда тўхтаган бўлсангиз, бугун гапни ўша ердан бошланг, шундай қилсангиз, амин бўлингки, қўлингиз баланд келади. Бебош одамнинг кўзига-ку жуда ёмон кўриниб қоласиз-ку-я, лекин у сиздан қўрқиб юрак олдириб қолади. У сизни жон деб ҳайдаб юборарди ва шармандангизни чиқариб расво қилардику-я; лекин сиз билан олишса, боши гавғога қолишини билганидан, сиз билан яна дуч келиб қолмаслик пайидан бўлиб юради, ҳатто анча попуги ҳам босилиб қолади: биринчидан, яккама-якка ҳалол кураш қилиш учун унда маънавий куч йўқ, иккинчидан, умуман узоқ вақт доим бирон иш билан банд бўлишни одат қилган эмас, ҳеч қайтмай сенга ёпишиб олиб, ҳамма вақт дадил ҳамла қилиб турган киши билан курашиш ҳам осон гап эмас...

Хуллас, Гордей Карпич юрагида ўти йўқ бебошлардан, у характери жиҳатидан ҳам мустаҳкам одам эмас. Ундаги ҳақиқатан иродаси кучли шахсга хос сифатлар ўрнини босадиган нарса ўзбошимчалиги билан тўпос қайсарлигидир. Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас» комедиясининг ечими гўё кутилмагандай бўлиб чиққанлигининг сабаби ҳам шу. Бу комедия тайёр бўлганда ҳамма танқидчилар, комедиянинг ечими ноўрин, деб авторга қарши чиқишган эди. Гордей Карпичнинг бирданига ўзгариб қолиши, унинг Африкан Савич билан уришиб қолиши ва Любим Торцовнинг талабларига қулоқ солганлиги ҳаммага ғайри табиийдай бўлиб кўринди. Айтганча, яна бундан ташқари, автор Торцовни қандайдир олижаноблик қилишга мажбур этган ва унинг шахсини маънавий жиҳатдан сунъий суратда яхшилаган, деб, авторга шундай даъвони кўтариб ҳам чиқишган эдилар. Ҳозир Островскийнинг бундай нияти бўлмаганини исбот қилиб ўтиришнинг лузуми ҳам йўқ: унинг адабий фаолиятининг характери аниқланди, бундан ташқари, у кейинги асарларидан бирида ўзи шундай бир сўзни тилга оладиким, бу сўз, бизнинг фикримизча, унинг сатирасининг қандай йўлдан бораётганини ҳаммадан ҳам яхшироқ таърифлаб берса керак. Бизнинг фикримизча, Островскийнинг вақтинча эътиқодлари ва назарий маслакларига қарамасдан, унинг таланти доимо бебошликнинг ҳамма турларини таъқиб остига олиб, у қаерда бошпана топса, ўша ерда, ҳатто олижаноблик ва олий ҳимматлик ниқоби остига яшириниб олган жойларда ҳам унга кун бермасликка интилади. Унинг уч комедиясида бебош одамларнинг олий ҳимматлиги қўзигани тасвирланади ва ҳар гал улар аҳмоқ, кераксиз ёки жизғаки қилиб кўрсатилади. «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясида Русаков қизининг ҳолига ачиниб кетиб, олижаноблик қилиб ўз қароридан қайтади ва қизини Вихоревга беришга рози бўлади. Хўш, нима сабабдан? Нимага? деган савол туғилади. Ахир, қизи Вихоревга эрга чиқса, ҳалок бўлиб кетишига Русаковнинг кўзи етади, шекилли. Бир неча

дақиқа бурун у ҳатто буни жуда жўяли қилиб исбот қилиб ҳам беради-ку; бир неча дақиқа илгари, қизига, агар гапимга кирмайдиган бўлсанг, икки қўлинг биртепан қилиб қолдираман, деб дўқ қилиб, қарори қаттиқлигини билдирган эди-ку. Энди бўлса бирдан олижаноблик қилиб, қизининг раъйига кўша қолади! Бунга сабаб нима? Қисман, юмшоқ кўнгиллиги ва ота меҳри; лекин бунинг сабаби ҳаммадан кўпроқ илгариги аҳдининг таги мустаҳкам эмаслигидир. Нима қилаётганини биладиган ва ўз ишини яхши кўрадиган киши бир дақиқалик ўжарликни деб у ишидан қайта қолмайди. Яна шу Русаковнинг ўзи, қизи унга шунча ялиниб, ёлбориб, соқолингни олдир, фрак кий, деб қистаса ҳам, бунга журъат қилолмайди. Ҳолбуки, қизининг тақдири тўғрисида унинг миясида соқол ва фрак тўғрисидаги сингари мустаҳкам бир тусга кирган ва тамомила аниқ бир фикр йўқ. Шунинг учун ҳам у қизи ҳақида шундай енгилтаклик билан қарор чиқара беради. Баъзи бировлар эса унинг бу қарорини, худди Вихоревнинг қарзини тўлагани сингари, жуда ийиб кетиб олижаноблик қилди, деб биладилар!..

Торцовнинг тантилиги ҳам Русаковникига ўхшаш ақл-фаросатдан келиб чиққан нарса эмас. У бўлажак куёви Африкан Савични жони-дилидан яхши кўради. «Сен энди менинг кимлигимни биласанми?» деб сўрайди ва куёвига ўзини яхши танитишдан бошқа дарди қолмайди. Куёвига яхши кўриниш учун у билан дўстлигини ҳам жуда мустаҳкамлаб олиш мақсадида Торцов қизини қурбон қилади, унинг ялиниб-ёлборишларига, онасининг кўз ёшларига ҳам илтифот қилмайди, ҳатто ўзини ҳам пастга уриб, куёвининг у билан бирмунча баланддан келиб муомала қилишларига ҳам йўл қўяди. Любим Торцов унаштириб қўйилган куёвни хафа қила бошлайди, куёв хафа бўлиб қолади-да, хафа бўлганини Гордей Карпичга анча қўпол қилиб билдиради ва сўзининг охирида: «Йўқ, энди сен менинг олдимга бориб, қизимни хотинликка ол, деб менга ялинасан» дейди. Гордей Карпичнинг жаҳлини чиқариш учун шу гап кифоя қиларди. У зарда билан: «Ҳали мен сенга бориб ялинарканман-ми?» деб сўрайди. Коршунов бўлса, ўлганнинг устига тепган қилиб, «боришинг турган гап, мен сени биламан, муддаонг тўй қилиш, бошингга ҳар қандай мушкул иш тушса ҳам, бутун шаҳарга номинг кетса бўлгани; лекин куёв топиш осон эмас... Сен, шўринг қурғур, энди нима ҳам қилардинг» дейди. Коршунов шу сўзлари билан ишни бутунлай пачава қилиб қўяди: у шундай бир йўлни ишлатдики, бебошликнинг бу йўлга асло чидаши мумкин эмас ва бу йўлнинг ўзи ҳам бебошликнинг бемаъни оқибатидан бошқа нарса эмас. Бир бебош: «Қани, шундай қилиб кўрчи» деса, иккинчи бебош: «Қиламан, дедим қиламан» дейди. Бунда гап энди, ким кимдан ўзаркин, устида боради. Агар

қаерда тўхтаган бўлсангиз, бугун гапни ўша ердан бошланг, шундай қилсангиз, амин бўлингки, қўлингиз баланд келади. Бебош одамнинг кўзига-ку жуда ёмон кўриниб қоласиз-ку-я, лекин у сиздан қўрқиб юрак олдириб қолади. У сизни жон деб ҳайдаб юборарди ва шармандангизни чиқариб расво қилардику-я; лекин сиз билан олишса, боши ғавғога қолишини билганидан, сиз билан яна дуч келиб қолмаслик пайидан бўлиб юради, ҳатто анча попути ҳам босилиб қолади: биринчидан, якқама-якка ҳалол кураш қилиш учун унда маънавий куч йўқ, иккинчидан, умуман узоқ вақт доим бирон иш билан банд бўлишни одат қилган эмас, ҳеч қайтмай сенга ёпишиб олиб, ҳамма вақт дадил ҳамла қилиб турган киши билан курашиш ҳам осон гап эмас...

Хуллас, Гордей Карпич юрагида ўти йўқ бебошлардан, у характери жиҳатидан ҳам мустаҳкам одам эмас. Ундаги ҳақиқатан иродаси кучли шахсга хос сифатлар ўрнини босадиган нарса ўзбошимчалиги билан тўпос қайсарлигидир. Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас» комедиясининг ечими гўё кутилмагандай бўлиб чиққанлигининг сабаби ҳам шу. Бу комедия тайёр бўлганда ҳамма танқидчилар, комедиянинг ечими ноўрин, деб авторга қарши чиқишган эди. Гордей Карпичнинг бирданига ўзгариб қолиши, унинг Африкан Савич билан уришиб қолиши ва Любим Торцовнинг талабларига қулоқ солганлиги ҳаммага гайри табиийдай бўлиб кўринди. Айтганча, яна бундан ташқари, автор Торцовни қандайдир олижаноблик қилишга мажбур этган ва унинг шахсини маънавий жиҳатдан сунъий суратда яхшилаган, деб, авторга шундай даъвони кўтариб ҳам чиқишган эдилар. Ҳозир Островскийнинг бундай ният бўлмаганини исбот қилиб ўтиришнинг лузуми ҳам йўқ: унинг адабий фаолиятининг характери аниқланди, бундан ташқари, у кейинги асарларидан бирида ўзи шундай бир сўзни тилга оладиким, бу сўз, бизнинг фикримизча, унинг сатирасининг қандай йўлдан бораётганини ҳаммадан ҳам яхшироқ таърифлаб берса керак. Бизнинг фикримизча, Островскийнинг вақтинча эътиқодлари ва назарий маслакларига қарамасдан, унинг таланти доимо бебошликнинг ҳамма турларини таъқиб остига олиб, у қаерда бошпана топса, ўша ерда, ҳатто олижаноблик ва олий ҳимматлик ниқоби остига яшириниб олган жойларда ҳам унга кун бермасликка интилади. Унинг уч комедиясида бебош одамларнинг олий ҳимматлиги қўзигани тасвирланади ва ҳар гал улар аҳмоқ, кераксиз ёки жиззаки қилиб кўрсатилади. «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясида Русаков қизининг ҳолига ачиниб кетиб, олижаноблик қилиб ўз қароридан қайтади ва қизини Вихоревга беришга рози бўлади. Хўш, нима сабабдан? Нимага? деган савол туғилади. Ахир, қизи Вихоревга эрга чиқса, ҳалок бўлиб кетишига Русаковнинг кўзи етади, шекилли. Бир неча

дақиқа бурун у ҳатто буни жуда жўяли қилиб исбот қилиб ҳам беради-ку; бир неча дақиқа илгари, қизига, агар гапимга кирмайдиган бўлсанг, икки қўлинг биртепак қилиб қолдираман, деб дўқ қилиб, қарори қаттиқлигини билдирган эди-ку. Энди бўлса бирдан олижаноблик қилиб, қизининг раъйига кўна қолади! Бунга сабаб нима? Қисман, юмшоқ кўнгиллиги ва ота меҳри; лекин бунинг сабаби ҳаммадан кўпроқ илгариги аҳдининг таги мустаҳкам эмаслигидир. Нима қилаётганини биладиган ва ўз ишини яхши кўрадиган киши бир дақиқалик ўжарликни деб у ишидан қайта қолмайди. Яна шу Русаковнинг ўзи, қизи унга шунча ялиниб, ёлбориб, соқолингни олдир, фрак кий, деб қистаса ҳам, бунга журъат қилолмайди. Ҳолбуки, қизининг тақдири тўғрисида унинг миясида соқол ва фрак тўғрисидаги сингари мустаҳкам бир тусга кирган ва тамомила аниқ бир фикр йўқ. Шунинг учун ҳам у қизи ҳақида шундай енгилтаклик билан қарор чиқара беради. Баъзи бировлар эса унинг бу қарорини, худди Вихоревнинг қарзини тўлагани сингари, жуда ийиб кетиб олижаноблик қилди, деб биладилар!..

Торцовнинг тантилиги ҳам Русаковникига ўхшаш ақл-фаросатдан келиб чиққан нарса эмас. У бўлажак куёви Африкан Савични жони-дилидан яхши кўради. «Сен энди менинг кимлигимни биласанми?» деб сўрайди ва куёвига ўзини яхши танитишдан бошқа дарди қолмайди. Куёвига яхши кўриниш учун у билан дўстлигини ҳам жуда мустаҳкамлаб олиш мақсадида Торцов қизини қурбон қилади, унинг ялиниб-ёлборишларига, онасининг кўз ёшларига ҳам илтифот қилмайди, ҳатто ўзини ҳам пастга уриб, куёвининг у билан бирмунча баланддан келиб муомала қилишларига ҳам йўл қўяди. Любим Торцов унаштириб қўйилган куёвни хафа қила бошлайди, куёв хафа бўлиб қолади-да, хафа бўлганини Гордей Карпичга анча қўпол қилиб билдиради ва сўзининг охирида: «Йўқ, энди сен менинг олдимга бориб, қизимни хотинликка ол, деб менга ялинасан» дейди. Гордей Карпичнинг жаҳлини чиқариш учун шу гап кифоя қиларди. У зарда билан: «Ҳали мен сенга бориб ялинарканман-ми?» деб сўрайди. Коршунов бўлса, ўлганнинг устига тепган қилиб, «боришинг турган гап, мен сени биламан, муддаонг тўй қилиш, бошингга ҳар қандай мушкул иш тушса ҳам, бутун шаҳарга номинг кетса бўлгани; лекин куёв топиш осон эмас... Сен, шўринг қурғур, энди нима ҳам қилардинг» дейди. Коршунов шу сўзлари билан ишни бутунлай пачава қилиб қўяди: у шундай бир йўлни ишлатдики, бебошликнинг бу йўлга асло чидаши мумкин эмас ва бу йўлнинг ўзи ҳам бебошликнинг бемаъни оқибатидан бошқа нарса эмас. Бир бебош: «Қани, шундай қилиб кўрчи» деса, иккинчи бебош: «Қиламан, дедим қиламан» дейди. Бунда гап энди, ким кимдан ўзаркин, устида боради. Агар

баҳслашаётганлардан бири иккинчисининг бирон нарсасини тортиб олишга ҳаракат қилаётган бўлса, албатта, бунда шу бирон нарсаси тортиб олинмоқчи бўлган киши ютиб чиқарди: бунда унинг ҳеч қийналиб ўтиришининг ҳам кераги йўқ: у қўлидагини бермаса, шу билан жанжал ҳам тугайди. Бунда ҳам худди шундай. Гордей Карпич Коршуновнинг «ундай қилолмайсан» деган гапини эшитганидан кейин: «Сенинг оғзингдан шундай гаплар чиқадиган бўлса, бор энди, *мен* сендан кечдим! Мен туғилиб, одам боласига ялинган одам эмасман. Нарёгини ҳам билиб қўяй десанг, *кимга хоҳласам* шунга эрга бераман. Қизимга берадиган қалин пулимга уни ҳар ким ҳам олади... Миткага эрга бераман!..» дейди Жуда дарғазаб бўлганидан бир неча марта такрорлаб: «Миткага эрга бераман! Шу қилганига қасдма-қасдликка Митяга эрга бераман!..» дейди. Коршунов қаттиқ ғазабланиб чиқиб кетади; уй ичи Гордей Карпичнинг сўзларини эшитиб, уни ростдан ҳам шундай қарорга келди шекилли, деб ҳаммалари ҳайрон бўлиб қолишади: улар Гордей Карпичнинг ҳеч ақл-фаросат билан иш қилмаслигини кўра бериб жуда кўзлари пишиб қолган. Митя бўлса, худди ҳолдан кетиб, боши гангиб қолган, теварак-атрофида бўлаётган ҳодисаларнинг чин маъносига ҳеч ақли етмайдиган содда йигит сингари, жуда ишониб ҳатто Торцовга мурожаат қилиб бундай дейди: «Гордей Карпич, нега қасдма-қасдликка дейсиз? Қасдма-қасдликка бундай иш қилиш яхши эмас. Қасдма-қасдликка бўладиган бўлса, менга кераги йўқ. Ундан кўра бутун умрим азоб ичида ўта қолсин. Агарки сиз шундай лутф қилмоқчи бўлган экансиз, сиз бизга яхшиликча,— отадай, меҳри-муҳаббат билан оқ фотиҳа беринг...» дейди. Лекин бу соддалик қилиб гапирилган гаплардан Торцовнинг жаҳли чиқиб ҳайрон бўлади, чунки у қизини Митяга эрга бериш тўғрисида бирон тузукроқ ўйлагани ҳам йўқ эди. «Нима, нима дединг!— деб бақириб юборади у.— Дарров суюниб кетдингми! *Бундай* деб ўйлашни *сенга ким қўйибди?* Сенинг тенгингмиди у? *Ким билан гаплашаётганингни* ўйлаб қўй!..» дейди. Митя келиб оёғи остига йиқилади, лекин у қулдай келиб сажда қилгани билан Гордей Карпич жаҳлидан тушмайди: у сўкавсради. Қизи билан хотинининг илтимоси ҳам кор қилмайди. Лекин шу пайтда Любим Торцов уларга асқатади: Любим Торцов Гордей Карпичнинг жуда жонига тегиб кетган, ҳеч чиқишмай қолган, шум одам. Коршунов Гордей Карпичга нима деган бўлса, Любим ҳам унга шу сўзларни айтди. «Ахир сен Любим Торцов хижолатга қўйгани учун унинг оёғига йиқилиб сажда қилсанг-чи» дейди. Пелагея Егоровна бўлса: «Тўғри айтасан, Любимушка, сенинг оёғингга йиқилиб сажда қилиши керак...» деб унга қўшимча қилиб қўяди. Гордей Карпич уй ичисига қасддан яна қайсарлик тўнини кийиб олиб, *аччиғидан* яна бирон нарса ўйлаб чиқарармикин, деб кутиш мумкин

эди. Лекин у ҳайрон бўлиб: «Нима деб ўйлаяпсизлар, мен оиламда бирон бир золимманми?» деб савол қилади. Шунинг ўзиданоқ сиз Гордей Карпичнинг тантилиги тута бошлаганини кўрасиз. Уки Коршуновни ҳайдаб юбориб, ўз сўзида қаттиқ турган экан, демак, ҳозирча унинг иззати-нафси жойида. Бундан ташқари, унинг ҳозир тортган хижолатининг ўзи ҳам уни ҳолдан кеткизиб қўйди, шундай бўлгандан кейин янги кураш бошлаш учун яна шунчалик куч-ғайрат тўплаб олиш қўлидан келмайди. Энди, бунинг устига, хотинининг ювош туриб ялиниб-ёлборишлари билан бирга, укаси Любимнинг мулоҳазалари ва ҳеч бўш келмай қилаётган илтимослари ҳам уни обдан пиширib тайёр қилиб қўйди, укаси Любим ҳеч нарсани яшириб ўтирмасдан, Гордей Карпич билан дадил ва қатъий тилда гаплашади, илтимос қилиш билан бирга, ўз бошидан кечирган саргузаштларидан мисол келтириб сўзини уқдириб гапиради. Гордей Карпич боши гангиб қолгандай бўлади; у теварак-атрофига қараб-қараб қўяди ва бўлаётган бу гап-сўзларнинг маъноси нима-ю, у энди ўзи нима қилиши кераклигини билмай тургандай бўлади; у ўйланиб қолиб, курашганда суянса бўладиган бирон нарса ахтаради, лекин бебошлигидан бошқа ҳеч нарса тополмайди. У сўнгги гапида яна шу бебошлигини кўрсатади: «Менга нима десанг деявер, лекин сенинг гапингга кирмайман...» дейди. Лекин Любим акасининг бу эътирозига унча эътибор бермайди ва ўзиникини маъқуллаб гапира беради. Гордей Карпич тамомила гангиб ҳолдан кетиб қолади; теварак-атрофида бўлаётган ҳодисалар унинг бошини батамом гангитиб қўяди; у шунча қидириб хаёл ипининг учини топиб олмоқчи бўлади, лекин тополмайди, унинг хаёл иплари ҳеч қачон бир-бири билан қаттиқ боғланган эмас эди, ҳозир бўлса ҳаммаси ҳар ёққа тарқалиб, чувалашиб кетди... Мана шу таҳт қолиб турган пайтида кўнгли эриб кетади-ю, кўзига ёш олади ва укаси Любимнинг панд-насиҳатлари туфайли ўз болаларининг бўлғуси бахт-саодатига фотиҳа беради... Унинг кўнгли эриб турганидан фойдаланиб, жияни Гуслин ҳам (Торцов— унинг уйланишига розилик бермай келарди) розилик беришини илтимос қилиб, у ҳам розилигини олади... Гордей Карпич: «Энди кимнинг нима илтимоси бўлса, сўрасин, мен энди бошқа одам бўлиб қолдим!..» дейди.

Қандай зўр олижаноблик деб ўйлайсан киши!.. Кўз олдингга қандайдир шарқ султони келади-ю, у: «Ҳамма нарсага қурбим келади!.. Қошимни бир чимириб қўйсам, калланги танангдан жудо қилишади; бир имо қилсам, ер тагидан сенга ажойиб ва гаройиб қасрлар бунёд қиламан. Нима тилагинг бўлса, гапир! Хоҳлаган одамимга дунёнинг ярмини ҳадя қилиш қўлимдан келади» дегандай бўлади... Бунда фарқ ҳадянинг катта-кичиклигида холос, масаланинг асли яна ўша Торцовнинг сўзида. Бирорта халифаликни унинг

қўлига топшириб қўйсангиз, ўзи оиласида қандай хўжайинлик қилаётган бўлса, бу халифаликда ҳам шундай хўжайинлик қила беради. Ҳамма инсонлик ҳуқуқларини оёқ ости қилиб, ўзининг бебошлигидан бошқа қонунларни тан олмасдан ўжарлигини қила берарди, баъзан эса яна ўша: «Мана: кўрдингизми; сизнинг қўлингизда ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ, ҳамма ёғда фақат бир ўзим ҳукмимни юргизиб турибман; ҳушимга келса жонидан жудо қиламан, ҳушимга келса марҳамат ҳам қиламан...» деган фикрга асосланган олижаноблиги билан ҳаммани ҳайратда қолдирарди... Китобхон, сен билан биз бахтиёр кишилармиз, чунки шундай олижаноблик ниятларини амалга ошириб бўлмайдиган ҳозирги замонда яшаб турибмиз!.. Бундай олижаноблик гайратларини Митя билан Любовь Гордеевналар сингари маълум дақиқаларда ишга солса бўлади: гарчи Гордей Карпичнинг олижаноблиги, албатта, унча узоққа бормасдан, қилган ишидан ўзи пушаймон бўлиб, шу қарорга келганини уларнинг юзига солиб таъна қилса ҳам, улар муродларига етишди... Лекин улар муродларига етган бўлса ҳам, фойдаси йўқ. Сиз ўз турмушингизни фалондақа қилиб қуриб оламан, деб мўлжал қилганингизда, эҳтимол, лотереядан катта пул ютиб оламан, деб шу ютуқни назарда тутиб мўлжал қилмайсиз, албатта. Худди шундай онгли-идрокли ҳаётда ҳам бебош одамнинг олижаноблигидан бирон нарса ютиб оламан деб мўлжал қилиб бўлмайди... Бундай олижанобликлар, катта кетиб тўралик қилишларнинг бўлганидан бўлмагани яхши, бундай олижанобликларга худди овсар одамдай тўрт букилиб таъзим қилиб турувчи кекса хизматкорлар учади; яхшиси, қонунан менинг мулким бўлган нарса муқаддас ва дахлсиз бўлсин, мен ўз фикр ва иродамни бирон Гордей Карпич Торцовнинг олий ҳиммат ижозати бўлгандагина эмас, балки, ҳамма вақт эркин ва идрок билан ишга солишим мумкин бўлсин...

Лекин бебошликнинг ожизлиги ва бемаънилиги бу комедияларда «Бегонанинг тўйидаги кайф» номли кичик бир комедиядагидай жуда яққол тасвирланмайди. Бунда ҳамма нарсадан бор: дағаллик ҳам бор, виждонсизлик ҳам бор, қўрқоқлик ҳам, олижаноблик ҳам бор,— бўлганда ҳам ҳаммаси шундай аҳмоқона бефаросатлик пардасига ўралганки, ҳатто славянпарастликка ҳаммадан кўпроқ мойил бўлганлар ҳам Тит Титич Брусковнинг қилмишларини маъқулламасдан, фақат, ҳар ҳолда унинг кўнгли оқ одам деган қарорга келишади, холос... Ўқитувчи Иванов ва унинг қизи турадиган квартиранинг эгаси Аграфена Платоновна Брусковни «ёввойи табиат, ўз сўзлик ва бағри тош одам, хуллас бир сўз билан айтганда, бебош одам» дейди. Иванов, бебош одам нима деганингиз, деб савол қилса, у: «Бебош дегани шундай одам бўладики, у одам ҳеч кимнинг гапига кирмайди: сен унинг бошида таёқ ўйнатсанг ҳам ўзиникини маъқул қила беради.

Ер тепиниб, мен кимман?— деяверади. Уй ичисидагилар унинг оёғига бош қўйиб, қимир этмай туриб берса-ку, майли-я, бўлмаса балога қолишади...» деб тушунтириб беради. У бебош одамнинг таърифини яна давом қилдириб, «айёрликка келганда — у, худди, мугомбир чолга ўхшайди; лекин айёр бўлса ҳам, ўзи нодон бўлади. У фақат ўз уйида ҳаммани қийратади, ҳолбуки уни хамирдай эшсанг ҳам бўлаверади,— аҳмоқнинг аҳмоғи бўлади; сал нарса билан ҳам қўрқитиб олсанг бўлади» дейди. Ҳақиқатан ҳам, Аграфена Платоновнанинг ҳамма гаплари тўғрилиги пьесадан кўриниб туради. Унинг ўзи, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Ивановларнинг квартирасига кириб қолган Брусковга ўғлининг, Ивановнинг қизига уйланаман, деб берган тилхатини кўрсатиб минг сўлкавойини қоқиб олади. Бу тилхатнинг аслида ҳеч қандай қиммати йўқ. Иванов билан қизининг бу тилхатдан хабари ҳам йўқ, ҳеч қандай даъволари ҳам йўқ; ҳаммаси Иванов билан қизига яхшилик қилмоқчи бўлган уй хўжайкасининг ўзидан чиққан гап... Лекин «зулмат дунёси»нинг урфи-одатларини яхши билиб олган нодон Брусков бу ҳақда ўйлаб-нетиб ҳам ўтирмайди. Биринчидан, у ҳамма вақт мени бирон кишининг алдаб, қўлга тушириши турган гап деб юради, чунки ўзи ҳам ҳамиша ким бўлса-да, бировни қўлга тушириш пайидан бўлиб юради. Шу сабабдан Аграфена Платоновнанинг кўрсатган қоғозини ўқиб кўриб, парвойи-фалагига келтирмай: «Бу нима, таланчилик-ку. Одамзод боласини қаранг-а!..» дейди. Шундан кейин, бу ишдан ҳеч жаҳли чиқмасдан, фақат ўғлини қўлга тушириб, жуда боплашганига ҳайрон бўлиб, савдолашишга ўтади. Иккинчидан,— у ҳар қандай суд-пуд деган нарсалардан жуда қўрқади, чунки, ўз пулларига ишонса ҳам, ҳар ҳолда судда ўзининг ҳақ ёки ноҳақ бўлиб чиқишига ақли етмайди, фақат суд бўлганда ҳам жуда кўп пул тўлашга тўғри келишини билади, холос. Шунга асосан, Аграфена Платоновнанинг «машмашанинг каттаси энди бўлади, қаттиқ суд бўлади» деган гапини эшитгандан кейин, елкасини қашиб туриб: «Қаттиқ бўлади дейсанми?.. Қўй-э... Яхшиси ўзимиз битишиб қўя қоламиз» дейди. Дарҳақиқат, унинг шундай қилиши ҳам осон, чунки унинг ўзи бундай битим тузишларга жуда ўрганиб қолган. У Ивановларникидан қайтиб келганидан кейин, бу ҳақда хотини билан мана бундай гаплашади:

Тит Титич. Настасья, дейман! Мени хафа қилиш бирон кишининг қўлидан келармикин?

Настасья Панкратьевна. Дадаси, Тит Титич, сизни хафа қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Сиз ўзингиз хоҳлаганингизни хафа қилишингиз мумкин.

Тит Титич. Мен бировнинг дилини оғритсам, унга марҳамат ҳам қиламан, ё бўлмаса пул билан рози қиламан. Мен умримда қанча-қанча пулларни сарф қилмадим.

Настасья Панкратьевна. Талай-талай пул, Тит Титич. Тит Титич. Бас қил!..

Брусков пул тўлаб тилхатни ўз қўлига олиб олганидан кейин Аграфена Платоновна ва Ивановлар билан муомаласининг ўзгариб қолгани ҳам унинг одоб-ахлоқ деган нарсани яхши билмаслигини кўрсатиб беради. Аграфена Платоновна уни тезроқ жўнатиб юбормоқчи бўлади, у бўлса ўтирган жойидан қимирламасдан, сўкина бошлайди ва «қўйсанг-чи, шошма,— *ахир ўз пулимга тўйиб сўкиб олай*» деб важ қилади. У шунчаки, аламини олмоқчи бўлади; оғзидан чиққан ножўя гапларини ҳақорат деб ҳам билмайди, аслида ўзига ҳам алам қилмайди. Бу воқеадан ҳеч хабари йўқ Иванов келиб, ҳайрон бўлиб Брусковга анграйиб қолганида, Тит Титич унга қараб мана бундай дейди: «Нега менга анграйиб қараб қолдинг? Башарамга ҳеч нима ёзилган эмас-ку, оғайни, пул ундириб олишга-ку уста экансанлар, *ахир ҳеч бўлмаса ўз пулимга мени бирон нарса билан меҳмон қилсаларинг-чи*». Иванов, туринг, йўлингиздан қолманг, дейди; у сўкишини бас қилмай ўтираверади. Иванов, тур йўқол, деб ҳайдайди,— Брусков қайсарлик қилиб ўтира беради: «Нега бақиряпсан? Мен бир нарса деяпманми, шунчаки сен билан ҳазиллашяпман» дейди. Иванов уни, йўқол деб яна ҳайдайди. Брусков бўлса унинг ёнига келиб, елкасига қоқиб: «Қани юр, бизникига! Бир ўтириб ичишайлик, оғайни бўламиз. Жанжалнинг нима кераги бор?» дейди. Ивановнинг бадтар жаҳли чиқади, Брусков бўлса хомуш бўлиб: «Мунча ҳам сержаҳл бўлмасанг»,— дейди-да, яна сўкиниб-сўкиниб чиқиб кетади... Уйга қайтиб келиб, маҳкама хизматчиси пияниста Захар Захаричга, «шундай ариза ёзингки, бу ариза билан учаласини ҳам, сибирь қилишсин» деб буюради. Мен — дейди,— шуни хоҳладим ва бу муддаомга етиш учун пулни аямайман». Лекин шу вақтда ҳамма можародан хабардор бўлиб қолган Иванов Аграфена Платоновна олган пулни кўтариб эшикдан кириб келади ва тилхатни қайтариб беришини илтимос қилади. Брусков дарров ақл югуртириб, Иванов кейин бундан ҳам кўпроқ пул юлиб олиш ниятида тилхатни сўраяпти, деб ўйлаб қолади. Лекин кекса ўқитувчига раҳми келиб, шундан кейин у: «Захарич дейман, ё қайтариб берайми, нима дейсан?» деб сўрайди. Захар Захарич: «Зинҳор, ундай қилма!» дейди.— Лекин Брусков тўсатдан бир қарорга келиб: «Мен, сенга қайтариб бераман, дяпман!.. Сен жим ўтир, гапга аралашма!..» дейди-да, тилхатни қайтариб беради. Иванов ҳам уни шу ондаёқ йиртиб ташлайди, орадан бир неча дақиқа ўтгандан кейин Брусков қараса, «пул-у ҳамма можаролар беҳуда гаплар экан» демак, Ивановнинг қизи камбағал бўлса ҳам, ўғлини унга уйлантирса бўларкан... «Айтган сўзим қошун» дейди у ва ўғлини ўқитувчининг қизига уналтириш учун юборади. «Эй, дадажон, сиз нима деб ўйлаяпсиз, қизини бермайди»— деб эътироз билдиради ўғли. «Сенга мендан буйруқ — шу, эшитдингми — дейди Тит Титич,— истагим шу бўлгандан кейин, қизини бермай кўрсин-чи!.. Гапимга гап қайтармаларинг» деб яна қўшиб ҳам қўяди.— «Агар қизини сенга бермаса, кўзимга кўринма, йўқол!..» дейди.

Бу ҳамма можаронинг энг қизиғи шундаки, бу можаронинг ўзи жуда ҳам аҳмоқона бир гап... Агар мундоқ ақл югуртириб кўрадиган бўлсанг, бу можарода иштирок қилувчиларнинг ҳаммаси мумкин бўлмаган нарсани бўлсин дейишади, ёки тўғрисини айтсак, муддаолари нималигини ўзлари ҳам билишмайди. Аграфена Платоновна Ивановлардан сўрамасдан, Андрей Брусковдан тилхат олади, унинг отасидан пул ундиради, Тит Титич ҳалиги тилхатни рўкач қилиб туриб Ивановларни сибирь қилдирмоқчи бўлади, ҳолбуки у ўз фойдасини кузласа, тилхатни йўқ қилиб ташлаши керак эди. Иванов бўлса, зўр бериб, тилхатни йўқ қилиб ташлашни эмас, балки уни *қайтариб беришни* талаб қилади, ҳолбуки бу тилхатнинг унга ҳеч қандай кераги йўқ, қайтанга Брусковнинг кўнглига шубҳа солади, холос... Брусковнинг ўзи ва унинг бутун ҳаёти қандай беҳуда ва бемаъни бўлса, бу можароларнинг ҳаммаси ҳам шундай беҳуда ва бемаъни. Лекин Брусковнинг ўғли Андрей Титичнинг ҳоли ҳаммадан ҳам қайғулироқдир, бу можароларнинг ҳаммаси шу Андрей устида боради. Унинг ўзи, унинг ўз ибораси билан айтганда, «худди оёғи куйган товуқдай, зир югуриб юради», уйимизда «ҳамма нарса бошқаларникига ўхшаган эмас», мени, «одам эмас, майриқ қилиб қўйишган» деб зорланиб юришни билади, холос. Ростдан ҳам, уни нима кўйларга солишаётганини кўриб, кулгинг келади. Йигитчанинг ёши йигирмадан ҳам ошиб қолган, табиат уни ақл-фаросатдан кам қилган эмас: отасининг фабрикасидаги ишларни у ҳаммадан яхши билади, нима кераклигини олдиндан билиб туради, бундан ташқари илм-фанга ҳам ҳаваси бор, санъатни ҳам хуш кўради,— «скрипкани жонидан яхши кўради», хулласи калом — балогатга етган, очиқ кўнгил, бамаъни йигитча, бўйи чўзилиб, уйлангиси ҳам келиб қолган... Лекин буёғи ҳам борки, «отасидан қочиб юради!..» Отасини «келди» деб эшитиб қолгудай бўлса, югуриб бориб онасига ялинади: «Онажон, мени тезроқ отамдан яширинг!..» Нима важдан шундай қилади, денг. Отаси уни мажбур қилиб уйлантирмоқчи... у бўлса шу тахлитда қочиб қутулмоқчи!.. Топган бу ақлини қаранг-а!.. Отасининг уни мажбур қилиб уйлантирмоқчи бўлганининг сабаби битта: кўнгли шуни хоҳлаб қолган... Айтмоқчи, онасининг кўрсатган бошқа сабаби ҳам бор; отасининг топган қизи жуда бой. Настасья Панкратьевнанинг сўзига қарағанда «бизга пули кўп келин керак,— *чунки биз ўзимиз боймиз*». Бу шундай мантиққи, уни рад қилиб бўлмайди!..

Андрей Титич бўлса бу мантиққа қарши тузукроқ бир эътироз билдиролмайди: отасининг унга қилган муомаласи натижасида у шундай бўлиб қолганки, ўзини «ўнгалмас одам» деб ҳисоблайди. Унинг Ивановнинг қизи Лизавета Ивановнага айтган гапларини эшитсангиз, отасининг муомаласи ҳақиқатан жуда жойида. Унинг гапларига қараганда, «унинг қанотлари синдирилган, йўқ, таг-туги билан қирқиб ташланган». У ўзи хоҳлаган кишисига уйланмасдан, отасининг буйруғи билан уйланиши керак. «Агар борди-ю, дадажон, бу қиз менга ёқмайди,— десанг: нима деяпсан, солдатликка бериб юбораман!— дейди. Шу билан, вассалом! Э, фақат бу масалада эмас,— деб қўшиб қўяди у,— бошқа ишларда ҳам ўз ихтиёрингга қўйишмайди. Ёшлигимда ўқий десам, ўқишимга ҳам ижозат беришмади!..» Лизавета Ивановна унга маслаҳат бериб, қулай вақтини топиб, хонаси келганда отангга юрагингдаги бор нарсани очиб гапир, қўлимдан иш келади, ўқигим бор, деб айт, дейди. Андрей Титич бунга жавобан: «Отам юрагимни чунонам очиб қўядики, қочишга жой тополмай қоламан. У илмли одамнинг илмсиздан яхшилигини билмайди, деб ўйлайсизми?— У фақат ўзим билганим билган деб туриб олади, холос... Қайсарликдан, нафсониятдан бошқа нарса эмас.— Мен ўқимаган илмсизман-у, энди сен мендан ақллироқ бўлгинг келиб қолдими,— дейди-да».

Қани айтинг-чи, шундай одамларга бирон бамъани гап гапириб бўладими! Отаси илмли одамнинг илмсиздан яхшироқлигини билади, отасининг буни яхши билишини ўғли ҳам билади, ўғлининг ўқигиси келади, лекин отаси ижозат бермайди, ўғлининг бўлса отасининг гапига қулоқ солмасликка юраги йўқ!.. Отаси ўзининг ўқимаган, нодон одамлигини тан олади, бунинг ёмонлигини билади, шу билан бирга ўғлининг шу нодонлик балосидан қутулиб қолишидан қўрқади!.. Ўғли отаси ўзининг нодон, жоҳиллигидан унинг ўқишига ижозат бермаслигини била туриб, шу жоҳилликка бўйсуниб ўтира беришни ўз бурчи деб билади!.. Бебошлик оила муносабатларига олиб кирган бу бемаъни чалкашликни ким ечиб беради? «Зулмат дунёси» даги кишининг ақли етмайдиган бу мантиқ зимистонига нур сочишга ким журъат қила олади? Иниси Капитоша сингари Андрей Титич ҳам ақлдан озган одамми деб ўйлаб қоласан киши; Капитоша эса Брусковлар хонадонидаги оила интизомининг ажойиб оқибатларидан бири... Лекин теварак-атрофдагиларнинг ҳаммаси Андрей Титични ақлли одам дейишади, унинг ўзи ҳам иниси тўғрисида жуда тўғри муҳокама юритади: «Мени,— дейди,— театрга юборишмайди; бир укамиз шу театр важидан жинни бўлиб қолганмиш: ҳолбуки уни жинни қилган театр эмас, *ёшлигида еган таёқларидан жинни бўлиб қолган*». Андрюша ҳали таёқ еганча йўқ, лекин шундай бўлса ҳам қандайдир заҳа егандай бўлиб қолган. Юзлаб ва минглаб бошқа

одамлар тақдирга тан бериб қўя қолгандек, у ҳам тақдирга кўниб қўя қолса, нима бўларди? Йўқ, унинг кўнгли бошқа нарсаларни тусайди, шу билан ота-онасининг ҳам боши гангиб, нима қиларини билмай қолишган. Унинг онаси иккинчи овсар ўғлидан кўра Андрей тўғрисида кўпроқ ташвиш тортиб туради. Онаси Капитошанинг аҳволига унчалик ачинмайди: у ҳамиша кўз олдида юради, унга ўрганиб қолган; онаси ҳатто баъзан ундан кулиб, уни мазақ қилиб юради, унинг нуқул аччиқ тамаки тортишидан кўпроқ хафа бўлади. «Купидошамизнинг театр важидан мияси жуда айниб қолган,— деб гапириб беради онаси, меҳмон бўлиб келган Ненила Сидоровнага.— айланай, Ненила Сидоровна, шундай аччиқ тамаки чекадики, нафасларимизни бўғиб юборади. Уйда ўтирганда, ҳеч бундақа тамаки чекиб бўлмайди, ҳар қанақа кишининг ҳам кўнглини оздириб юборади... Шунинг учун у кўпроқ ошхонага чиқиб ўтиради. *Баъзан зерикиб қолиб, чақириб келтираман, у бўлса худди театр қўйиб берадигандай бақириб-бақириб ўтиради. Буни кўриб кишининг кўнгли анча тасалли топади.* Ашулачилар келганда овози борича улар билан ашула айтишади,— овози шундай баландки, худди милтиқдан ўқ узгандай бўлади». Демак, ўғлининг жиннилиги онасига хуш ёқаркан!.. Лекин Андрюшанинг ақл-ҳушидан онаси жуда хавотир бўлиб юради: «Уйдан,— дейди у,— жуда безиб кетяпти: мана буларинг ёмон, ановиларинг менга ёқмайди, ўқигим бор, дейдиган бўлиб қолди... Ҳамма нарсани билишнинг нима кераги бор унга? *Шундай ҳам ҳеч кимга сўз бермайди, агар яна уни-муни ўқиб олса борми, у билан гаплашиб ҳам бўлмай қолади; онасини ҳам ҳурмат қилмайдиган бўлиб қолади, уйдан қочиб кетишдан бошқа иложинг қолмайди...*» Шундай қилиб, Брусковнинг бебошлигининг бир ҳиссаси фақат оғизда бўлса ҳамки, хотинига ҳам юқади, Андрюша бўлса, илмга ҳаваси ҳар қанча зўр бўлса ҳам, туғма қобилиятлари ҳар қанча катта бўлса ҳам, отаси билан онасини илгаригидай иззат-ҳурмат қилса, ўқимаган, нодон бўлиб ўсиб кетавериши лозим бўлади. У бечоралар, ўзларида ақлли ва ўқимишли кишилар иззат-ҳурмат қиладиган ҳеч нима йўқлигини сезиб турадилар!..

Андрей Титич ҳақиқатан эс-ҳушли одам бўлгандан кейин нима сабабдан ўқишга ҳавасини қондиришга амалда журъат қилмайди, ҳатто керак бўлса, бирмунча ўзбошимчалик ҳам қилиб кўрмайди? Ахир, Русда шундай ҳоллар бўлган-ку, илм-фанга ҳаваси зўр бўлган болалар ҳамма нарсаларидан кечиб, ота-оналарининг раъйига ҳам қарамасдан, ҳаётда бирон қўллаб-қўлтиқлайдиган кишилари бўлмаса ҳам ўқишга қараб кетишган-ку... Ҳа, тўғри гап, лекин болалар бебошликнинг мурда сингари тош қотириб қўядиган таъсиридан омон қолишган, ёшлик чоғларидан калтак остида қолиб кетишмаган; шунинг учун ҳам уларда ҳаёт билан курашга

бир қадар жасорат пайдо бўлган, бир қадар иродали бўлиб олишган. Андрюша билан Капитоша Брусковлардан ҳеч бундай нарсаларни талаб қилиб бўлмайди. У бечораларнинг гўдаклик вақтларида бошларида тақ синган, энди улғайиб қолганларида ҳам баъзан уларни мазақ қилиб турадилар... Шундай бўлгандан кейин ёруғ, мустақил фикр ва бақувват жасорат қаёқдан пайдо бўлади, дейсиз? Андрей Титичнинг кучи кейинчалик отасига ўхшаб ҳаммага ўшқириб тўс-тўполон қилишга, бошқалар унга қандай қайсарлик қилган бўлса, шунинг ўчини олиш учун бошқаларга ҳам қайсарлик қилишга етса етар... Шу бемаъни, аҳмоқона иерархия шу тахлитда наслдан-наслга ўтиб бораверади, бу иерархия шундайки, ким унинг тепасига чиқиб олса, пастда қолганларни янчиб, оёғ ости қилиб ташлайди. Бошқа нима ҳам иложи бор эди, дейсиз? Ул жаноб олийларини баланд мартабага кўтарган мана шу қип-яланғоч ландавурлар аламини уни ушлаб турибди, холос, у беихтиёр шу аламини ё кўпроқ, ё озроқ босиб, янчиб туриши керак, бўлмаса ўзи бировларнинг оёғи остига йиқилиб тушади ва, худо кўрсатмасин, уни янчиб ташлашлари ҳам мумкин... Оёғ ости қилиб, янчилиб кетишга кимнинг тоби бор, дейсиз?

Лекин бунда бутунлай бошқача бир масала ўртага қўйилиши мумкин: бу танбал ландавурлар уларга ёмонликдан бошқа ҳеч қандай яхшилик қилмаган ва яхшилик қилмайдиган бебошларни нега бунча еру-кўкка ишонмай, бошларига кўтариб юрмасалар? Нима сабабдан Митя Торцовга оғиз очиб ҳам гапиролмайди, Андрюша азоб чекиб ётади-ю, лекин Тит Титичга бир оғиз ҳам гап қайтаролмайди ва ҳоказо?! Нима сабабдан бутун бошлиқ бир жамият ўзининг ахлоқ, одоб ишларида бебошларга — ҳар қандай тартиб ва ҳақиқатга халақит бериб турган шунчадан-шунча бебошларга йўл бериб қўйибди? Торцовлар ва Брусковлар таъсири остида тарбияланган жамиятда курашга жасорат деган нарса бўлмайди. Агар бебош одамнинг ўзи, аслида, биз юқорида кўриб ўтганимиздай, бебурд бўлса, бошқалар унга ҳайбаракаллачилик қилган тақдирдагина у бебошлик қила олади. Демак, бунда унчалик қаҳрамонлик кўрсатишнинг ҳам кераги йўқ экан: агар жамият уни қўллаб-қўлтиқламасдан, шунчаки бирон Торцов ёки Брусковни бошига кўтариб юраман, деб ўзи заҳмат чекиб юрган аламон сал орқасига тисарилса борми — бебош одам, агар бу гал ҳам бирон бебошликни даъво қилиб чиқадиган бўлса, ағдарилиб тушиб, ҳақиқатан ер тишлаб қолади... Шарти кетиб парти қолган, жамиятнинг энг яхши, ҳақиқатан ўқимишли қисми онгидан аллақачонлар кўтарилиб кетган бу ожизлик, чириклик ҳодисасига жамият нима сабабдан шу тахлитда ўн ва юз йиллардан буён чидаб келади. Бунинг икки муҳим сабаби бор, бу сабаблар Островский комедияларидан очиқ ва равшан кўриниб туради, биз ҳам энди китобхоннинг эътиборини шу сабабларга жалб қилмоқчимиз.

V

Сабр қилиб жабрга чида,
Елборгин-у, оҳу-зор қилма.

Ломоносов.

Кишиларни бебошликка қаршилик кўрсатишдан сақлаб турадиган сабаблардан бири — айтишга ҳам кишининг тили бормайди — *қонун туйғуси*, иккинчиси — *моддий жиҳатдан таъмин бўлиш заруратидир*. Дастлаб қараганда бизнинг кўрсатган шу икки сабабимиз, албатта, беҳуда бўлиб кўриниши мумкин. Бунинг тамомила акси бўлса керак деб ўйлайсиз: бебошликнинг ҳамма даъволарига кишиларнинг бепарво қараб келаётганлигининг сабаби худди шу қонун туйғусининг йўқлиги ва моддий таъминот масаласидаги бепарволикдир. Мавҳум принципларга асосланиб туриб муҳокама қиладиган кишилар ҳозир мана бундай хулоса чиқаришлари мумкин: «Бебошлик ўзининг бебошлигидан бошқа ҳеч қандай қонунларни тан олмайди; шу сабабдан, унинг таъсири остида бўладиганлар секин-аста қонун деган нарсани сезмайдиган бўлиб қолади, шундан кейин улар бебош одамнинг хатти-ҳаракатлари, юришturишларини ноҳақ ва нафратга лойиқ ҳаракатлар деб ҳисобламайдиган бўлиб қоладилар, шунинг учун ҳам бебош одамнинг ҳамма кирдикорларига жуда бепарво қарайдилар. Буидан ташқари, бебош одам ҳар хил нозу-неъматларни тақсим қилишда ҳар доим, ўз одатига кўра, бошқаларни хафа қилади, бу нозу-неъматларнинг ҳаммасини ўзи олиб, уларга ҳеч нарса қолдирмайди. Модомики, улар шунга кўниб қолишган экан, демак, улар ўз моддий аҳволларини яхшилашни ҳам ёдларидан чиқариб юборишган, улар йўқчиликка ўрганиб қолишган ва шу аҳволдан қутулиб олиш тўғрисида камдан-кам ўйлайдилар... Мана шу Митя ва Андрюша сингариларнинг ҳаммаси моддий манфаат масалаларига шундай бепарво қарагандан кейин, бебош, Гордей Карпич айтмоқчи, «чирик фантазия»нинг гапига кириб, уларни хўрлаётган экан, бунинг тааж-жубланарли жойи йўқ.»

Бундай муҳокама юзаки қараганда жуда асослидай кўринса ҳам, аслида жуда енгилтаклик билан қилинган муҳокамадир. Одамлар ўз тақдирини билмайдиган бўлиб қолибди, ўз аҳволини яхшилаш тўғрисида ҳеч ўйламайдиган бўлиб қолибди, деб қандай қилиб айтиб бўлади? Бундай фараз қилишга сабаб нима? Кимдир бировнинг менинг мулкимни ўзиники қилиб олмоқчи бўлгани сабаб бўладими?.. Йўқ, агар бебошнинг зулми остида эзилиб келаётганларнинг ҳаммаси ўз аҳволидан рози бўлса, шу тақдирдагина ҳалигидай деб айтиш мумкин бўларди. Лекин биз кўриб турибмизки, Митя ҳам, Андрюша ҳам, Капитоша ҳам, Авдотья Максимовна ҳам, Любовь Гордеевна ҳам — ҳаммалари ўз тақдирларидан жуда норози. Демак, уларни шу ҳолида тутиб турган нарса уларнинг

бепарволиги эмас, балки бошқа чуқурроқ сабаб бор... Мана шу бошқа дегани қонун туйғусидир. Агар шу туйғу бўлмаганда эди, яъни эзилиб, жабр тортиб ётганлар, ҳақиқатан, ҳеч қандай тартиб йўқ, ҳеч қандай қонун йўқ ва кераги ҳам йўқ, деган маслакни қабул қилганида эди, у вақтда ҳамма нарса бошқача бўлиб кетарди. Бебошларнинг буйруқлари уни бажо келтирувчилар учун фойдали бўлган вақтгача бажариларди, холос; Торцов Митя ва бошқа приказчикларнинг моддий аҳволига қўл текизди дегунча, улар ҳеч нимани ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, уни хиппа бўғиб, «улоқтириб ташлашарди», қуйишарди... Чунки улар кўпчилик-ку, Гордей Карпичдан кучлари ҳам кўп-ку, ахир... Лекин уларнинг Гордей Карпич олдида жим қолишларининг сабаби шуки, у хўжайин бўлиб олган, уни ҳурмат қилишади. Унинг ҳаммани алдаб, ҳаммани хафа қилишини бўлса, мартабасидан чиқиб келадиган қонуний иш деб биладилар... Ахир Настасья Панкратьевна ҳеч бир учуриқ қилмасдан, аксинча, жуда иззат-икром билан эрига: «Дадаси, Кит Китич, сизни ким хафа қила оларди? Сиз ўзингиз ҳаммани хафа қилаверасиз!» дейди. Ишнинг бундай тус олиб кетиши жуда қизиққу-я; лекин «зулмат дунёси»нинг мантиқи ўзи шундай. Айтганча, бу масалани ойдинлаштириб берадиган нарса худди шу кишиларнинг жоҳиллигидир. Умуман олганда, бизнинг фикримизча, қонун туйғуси дегани нима? Бу — ҳаракатсиз ва формал жиҳатдан тайин бирон нарса эмас, ҳамишалик қилиб кўрсатиб берилган, маълум ва ўзгармас формалардаги абсолют ахлоқ принципи эмас. Унинг келиб чиқиши ҳам осон гап. Мен жамиятга кирганимда унинг ҳамма аъзоларининг мулки бўлган маълум нозу-неъматларнинг маълум ҳиссасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўламан. Мана шу ҳуқуқдан фойдаланишим эвазига мен ўзим ҳам шу жамият тасарруфида бўлган жамъи бойликни кўпайтиришга ҳаракат қиламан, деб зиммамга вазифа оламан. Зиммага бундай вазифа олиш кишининг табиатига хос бўлган умумий адолат тушунчасидан келиб чиқади. Лекин умумий мақсадга мумкин қадар тезроқ эришмоқ учун, яъни жамъи бойликни кўпайтирмоқ учун одамлар маълум бир иш услубини қабул қиладилар-да, бирон қарор чиқариб, ким бўлса-да, ҳар қандай кишининг умумий ишга халақит беришини тақиқлаб, бу умумий иш усулини таъмин қиладилар. Мен жамиятга кирарканман, шу қарорларни ҳам қабул қилишим ва уларни бузмасликка сўз беришим керак. Демак, жамият билан мен ўртамда, писанда қилиб айтиб қўйилмаса ҳам, таъриф қилиб берилмаса ҳам, лекин ўз-ўзидан маълум бўлган қандайдир бир аҳднома тузилади. Шу сабабдан, мен ижтимоий қонунларни бузсам-у, шу билан бирга шу ижтимоий қонунларнинг берадиган фойдаларидан баҳраманд бўлиб юрсам, аҳднома-нинг мен учун ноқулай бўлган бир қисмини бузган бўламан, демак, мен ёлғончи ва алдамчи бўламан. Ҳаққоний жазога

мувофиқ, жамият мени аҳдноманинг мен учун фойдали бўлган бошқа қисмида иштирок қилишдан маҳрум қилиши ва ҳақим бўлмагани ҳолда фойдаланиб келган нарсамни тўлатиб олиши мумкин. Шундай буйруқнинг адолатдан бўлишини ва менинг қилмишларим ноҳақлигини мен ўзим ҳам сезиб тураман,— шу нарса мен учун қонун туйғуси бўлади. Лекин агар мен аҳднонинг фойдаларидан ўз ихтиёрим билан воз кечиб, шу билан бирга ундаги мажбуриятларни ҳам устимга олмасдан, ундан батамом воз кечадиган бўлсам (шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, бу аҳднома бу ҳолда ўз моҳияти жиҳатидан муддатлик аҳднома бўлмайди), қонун туйғуси олдида ўзимни жиноятчи деб ҳисобламайман. Масалан, агар мен ҳарбий хизматга кирсам, эҳтимол, генерал даражасига етишим мумкин; лекин мен солдатлик вақтимда, ҳарбий интизом қоидаларига мувофиқ ҳар бир офицерга честь бериш вазифасини зиммамга олганман. Лекин мен ҳарбий хизматга кирмайман ёки ундан чиқаман, шундай қилиб ҳарбий формадан ва генерал бўлиш умидидан воз кечиб, ўзимни зиммамга олган вазифамдан—ҳар бир офицер билан учрашганда, қўлимни козирёкка кўтариб честь бериш вазифасидан озод ҳисоблайман. Масалан, шаҳарлардан узоқ-узоқ жойларда турадиган деҳқонлар немисча кийинган ҳар бир кишига дуч келганларида ергача эгилиб таъзим қиладилар. Энди, бу уларнинг ўз иши, бу ҳам бошқачароқ тушунилган ўша қонун туйғуси бўлса ҳам эҳтимол!.. Биз бундай туйғуни тан олмаймиз ва хизматда бўлмасак, департаментга бормасликка, мояна олмасак, инвалидлар фойдасига чегириб қолишларига йўл қўймасликка ҳақимиз бор, деб биламиз ва ҳоказо. Агар, масалан, биз мусулмонлар давлатига бориб, унинг қонунларига бўйсунсагу, лекин ислом динини қабул қилмасак, бу ҳолда ҳам биз ўзимизни шундай ҳақли деб ҳисоблардик. Биз бундай деярдик: «Давлат қонунлари бизни бунда қонунга хилоф деб топилган ва моддий аҳволимизнинг ёмонлашувига сабаб бўладиган зўравонлик ва адолатсизликлардан ҳимоя қилади; шу сабабдан биз у қонунларни ўринли қонунлар деб биламиз. Лекин бизнинг мачитга боришимиз-нинг ҳеч кераги йўқ, чунки бизнинг ҳеч пайғамбарга ибодат қилгимиз йўқ, қуръонда айтилган ҳақиқат гаплар ва панд-насиҳатларга эҳтиёжимиз йўқ, Муҳаммадга, унинг жаннатига ва ундаги ҳури-ғилмонларига ишонмаймиз, демак, ислом динининг ҳеч нарсасидан фойдаланаётганимиз йўқ ва фойдаланмаймиз» деймиз. Қонун туйғусининг тўғри маъносида олиб қараганда, биз бу ҳолда шу қонун туйғусига мувофиқ, ҳақли бўлардик.

Шундай қилиб, қонунлар бизга нисбатан шартли бир нарса ҳисобланади. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари ҳам абадий эмас, абсолют ҳам эмас. Биз уларни ўтмиш ҳаётда ҳосил бўлган шартлар деб билиб, шу сабабдан уларни жуда мукаммал шартлар деб ҳисоблашни ва бошқа ҳар қандай шартларни рад

қилишни бўйнимизга ололмаймиз. Аксинча, менинг жамият билан тузган табиий шартномамга, унинг мазмунига қараб, мумкин қадар яхшироқ қонунларни қидириб топишга ҳаракат қилиш вазифаси ҳам киради. Умумий, табиий инсонлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан қараганда, жамиятнинг ҳар бир аъзосига мавжуд қарорларни доимо мукаммаллаштириб бориш ва зарарли ёки кераксиз бўлиб қолган қарорларни йўқ қилиш тўғрисида жонкуярлик қилиш вазифаси топширилади. Лекин шундай бўлиши керакки, қарорларда умум фойдасини кўзлаб қилинадиган ўзгаришлар умум ҳукмига қўйилиб, унга ҳамманинг розилиги олиниши лозим. Агар умумнинг розилиги олинмаган бўлса, у вақтда айрим шахснинг бу масалада баҳслашишга, ўз мулоҳазаларини исбот қилиб кўрсатишга ва, ниҳоят, у бирон ишда ҳозирги қоидаларни нотўғри деб топса, шу ишда қатнашишдан бутунлай бош тортишга ҳуқуқ берилсин... Шундай қилиб, қонун туйғусининг ўзига мувофиқ, ижтимоий ташкилотда турғунлик ва ҳаракатсизликка барҳам берилади, фикр билан иродага кенг йўл очиб, уларнинг ишлашига имкон яратилади; расмий sta'us quo-нинг бузилишини кўпинча шу қонун туйғусининг ўзи талаб қилади... Уқиган кишилар биз сингари, маданиятнинг саховатли ишларида қатнашувчилар қонун туйғусини шундай тушунадилар ва шундай тушунтириб берадилар. Лекин Островскийнинг бизга тасвирлаб берган жоҳил кишилари бу туйғуни бошқача тушунишади. Унинг «зулмат дунёси»да масала бутунлай бошқача қўйилади. Унда абадий қилиб белгилаб ва мустаҳкамлаб қўйилган бир хил формаларга ишониш ҳукмронлик қилади. Бунда билим-маърифат жуда ҳам тор доира ичига солиб қўйилган, фикрнинг ишлаши учун ҳеч қандай замин йўқ деса бўлади; ҳамма нарса абадий қилиб белгилаб қўйилган тартибда, бир зайлда давом қила беради. Шунинг учун, бунда болалар ҳеч ўсиб вояга етмасдан, бир кун бориб ўзларидан ўзлари оталарининг ўрнини босадиган бўлгунларича гўдак боладай қолишлари ҳам равшан бир нарса. Бебош одамлар билан мазлумлар ўртасида воситачилик қилувчи ўртача одамларнинг мутлақо маълум бир қиёфаси бўлмай, характерлари тутган ўринларига қараб бўлишининг ҳам сабаби маълум: гоҳ ўзларидан катталарнинг оёғига бош уришади, гоҳ ўзларидан пастда турганларни назар-писанд қилишмайди. Худди мурувватли қўғирчоқдай: бир ёнига қўйса, таъзим қилиб салом беришади; бошқа ёнига қўйишса, қадларини ростлаб, бошларини баланд кўтариб кеккайиб туриб олишади... Эри келганда Настасья Панкратьевна ўзини йўқотиб қўяди, лами ҳам чиқмай қолади, ўзи бўлса ўғлини: «Қайси юзинг билан бундай қиляпсан?», «сен ким билан бундай гаплашяпсан?» деб жеркигани жеркиган. «Қўйнидан тўкилса қўнжига»да Аграфена Кондратьевнанинг ҳам худди шундайлигини кўриб ўтдик. Бошқа бир соҳада, «Сердаромад жой»да Юсов ҳам худди шундай қилади. Яна буларнинг ҳаммаси

кишининг ўзидаги мустақилликнинг етишмаслигидан, табиатда хўрлик борлигидан келиб чиқади. Кишига, сен ўзинг ҳеч нарсага арзимайдиган бир махлуқсан, сен бошқа бирон киши иродасига хизмат қиладиган қуролсан, холос, шунинг учун, сен муҳокама қилиб ўтирмасдан, итоат қилишинг ва бўйсунишинг керак, деб ёш чоғидан унинг қулоғига қуйиб боришади. Унинг ақл ишлатиши лозим бўлган бирдан-бир нарса бўлса, у ҳам шарт-шароитга мослана билишни ўрганишдир. Кимки ўзини шундай шарт-шароитга мослаб ололса, жуда яхши, у сузиб сув юзасига чиқиб олади... Кимки бундай қилолмаса, унинг шўри қурийди, уни оёқ ости қилиб ташлашади.

Фикрнинг шу тариқа қотиб қолиши натижасида «зулмат дунёси»да қонун туйғусининг бутун ишчан томони тамомила йўқолиб кетади, фақат пассив томони қолади, холос. Бирон Тишка, ўзингдан каттанинг гапига қулоқ сол, деган нарсани ёд қилиб олади-да, шу билан қола беради. Бутун умри шу кўйи қолиб кетади... Педагогикада, ҳали абстракт тушунчаларга қобилияти йўқ болалар учун мураббийси ахлоқ ва одоб қонунишнинг тимсоли бўлади, шунинг учун боланинг мураббийга ишониши зарур, деган қоида бор. Лекин мураббийнинг вазифаси,— деб давом қилади кейин педагогика,— мураббийнинг обрўси қандайлигидан қатъий назар, болани ахлоқ қонунини тушунишга ўргатиб, мумкин қадар тезроқ ўзини болага кераксиз қилишдир. «Зулмат дунёси»да яшовчиларнинг ҳаммаси мана шу сўнгги қоидадан худди ўт ва қирғиндан қўрққандек қўрқадилар, шу сабабдан, ҳаммалари бунинг тамомила аксини қилишга уринадилар. «Кекса кишининг гапига қулоқ сол,— кекса одам ёмон маслаҳат бермайди»— дейди уларнинг энг яхшиси Русаков ҳам, кишининг ўзини, бошқалар маслаҳат бермаса ҳам, яхши нима-ю, ёмон нималигини билиб олишга ўргатадиган илм олиш ҳуқуқини у ҳам тан олмайди. Шундай бўлиб чиқадики, қонун туйгуси бўйсуниш ва сабр қилиш туйгусидан иборат бўлиб қолади, қолган ҳамма нарсалар «зулмат дунёси» фуқароси учун, унинг ўзи бебош бўлиб олмагунча, мумкин бўлмайдиган нарса бўлиб қола беради. Тишка Большовнинг уйини супириб юради, Подхалюзинга ароқ олиб келиб туради, хўжайинининг пулидан ўғирлаб юради... Буларнинг ҳаммасини у ўзи учун қонуний бир нарса деб билади... Уни ўзидан катталар ароққа юборишади, ўзингдан каттанинг гапига бўлса қулоқ солишинг керак: бу равшан бир нарса. Унга ўғирлик қилгин, деб ҳеч ким буюрмайди, лекин барибир катталар ўғирликни ҳам муқаддас иш даражасига кўтариб қўйишган: приказчиклар олғирликлари тўғрисида унинг кўз олдида неча марталаб мақтанишган, қилган фирибгарликларимизни хўжайинга айтма, деб, неча мартаба унинг қулоғини бураб қўйишган, хўжайиннинг ўзи приказчикларга харидорларни боплаб қўлга туширишни неча мартаба ўргатган!.. Буларнинг ҳаммасини зийрак бола қулоғига қуйиб борган эди — унда чуқур қонун туйгуси

билан ёнма-ён бемалол бирга давом қилиб келаётган ҳамма разолатларнинг илдизи ана шунда... Ана шундай қилиб ўзининг мискинлик ҳолидан чиқиб, ўзи ҳам ҳеч парвойи-фалак қилмасдан, ўзининг илгариги мискинлик ҳолини қандай қонуний деб ҳисоблаган бўлса, бебошликни ҳам шундай қонуний деб ҳисоблаб, ўзи ҳам бебошлик йўлига кириб бормоқда.

Лекин, албатта, ҳамма ҳам юқорига чиқиб олавермайди, ҳатто жуда оз кишилар чиқиб олади: бунинг учун жуда ҳам кучли ирода эгаси бўлишинг, сўнгра шу иродангни жуда ғайри табиий бир йўсинда ишга сола билишинг керак. Ўзингдаги ҳамма яхши туйғуларингни гум қилиб юборишинг, фикрингни тўпос қилиб олишинг керак, бундан ташқари,— бир неча йил ўзингни қўл ва оёқларингни боғлаб бошқага қарам қилиб қўйишинг керак, яна керак бўлганда иззат-нафсингни ҳам, ўз фойдангни ҳам қурбон қила билишинг, фирибгарликка ҳам уста бўлишинг, жуда уддабурон бўлишинг керак... Бундақанги уддабуронлар-ку унча кўп эмас... Кўнгли тусаб юрганлар кўпку-я, лекин Павел Иванович Чичиков сингари сабр-тоқатли бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди,— ҳолбуки, бу ишда сабр-тоқатли бўлмасанг ҳеч иш қилолмайсан... Шу сабабдан ҳам, бебош одамнинг таъсири остига тушиб қолган кишиларнинг кўпчилиги, шарт-шароит ўзгариб қолар, деган кўр-кўрона умид билан сабр-тоқат қилиб, шу кунларни кутиб ўтиришни афзал биладилар... Уларнинг ўйларида ёмонликка қарши қўзғата оладиган маънавий куч йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки уларнинг ёмон нима-ю, яхши нималигини ҳатто тузуккина билиб олишга бирон имконлари ҳам бўлган эмас... Шунинг учун ҳам уларда адолат туйғуси ва олий маънавий эзгулик ҳисси деган нарсалардан асар ҳам йўқ, буларнинг ўрнига уларда илгаритдан белгилаб қўйилган тор маънодаги қонун туйғуси бор, холос. Уларнинг тушунчасида ҳаётдаги хатти-ҳаракатлар ва ҳаёт ҳодисалари яхши ва ёмонга ажралмасдан, фақат ман қилинган ва ман қилинмаган хатти-ҳаракат ва ҳодисаларга ажралади, холос. Нимаки қонун билан ёки шунчаки буйруқ билан расмийлаштириб қўйилган бўлса, улар шуни яхши деб биладилар, ёки, аксинча, нималар тўғрисида буйруқ бўлмаса, улар тўғрисида бошлари батамом гангиб қолади. Шу сабабдан ҳам мавжуд тартибни ўзгартиришни талаб қиладиган ҳар қандай янги масалага ёки ҳодисага дуч келиб қолганларида улар жуда қўрқиб, қадамларини секинлатиб қўядилар... Бундай ҳолларда бебошлик зулми остида ҳар қандай муҳокама қобилиятидан ҳам маҳрум бўлган бу шўрнинг қурғур мискинлар нима қилишларини билмай, азоб ичида қоладилар. Улар амал қилиб келган тартиб-низомлар бекор қилинганини ёки ўзи эскириб йўқолиб кетганини билиб қолсалар, энди қаерга мурожаат қилишларини ҳам, нима қилишларини ҳам билмай қоладилар ва бирон киши уларга йўл кўрсатмоқча бўлса, суюнганларидан юраклари ёрилишга сал қолади. Албатта, бу учраган одамлари кўпинча айёрроқ бебош одамлардан бири бўлади. У қанчаки айёр бўлса, ҳатто ўзбошимча бўлса ҳам, бошқаларнинг ақли билан, бошқаларнинг ихтиёрига қараб кун кўрмоқчи бўлган «бефаросатлар» ушинг орқасидан тўп-тўп бўлиб эргашиб юрадилар...

Бизнинг бу фикримиз илгаритдан ўйлаб қўйилган бирон назария натижаси эмас: бу фикрлар Островский комедияларида тасвирланган ва тўғридан-тўғри рус ҳаётидан келиб чиқадиган хулосалардир. Ҳеч шубҳа йўққи, санъаткор ҳозир биз унинг комедияларидан хулоса қилиб чиқараётган фикрларни исбот қилиб бермоқчи бўлган эмас; бу фикрлар унинг асарларидан ўзидан-ўзи келиб чиқди, келиб чиққанда ҳам жуда тўғри бўлиб чиқди. Унинг комедияларидаги образларни бебошликка асосланган ҳаёт қандай аҳволга туширса, улар ҳамиша шу аҳволда бўладилар. Улар бу турмуш даражасидан бирон сўзлари билан ҳам юқори кўтарила олмайдилар, уларнинг типи турмушнинг ўзида қандай бўлган бўлса, шу типнинг асосий хусусиятларини зигирча ҳам ўзгартирмайдилар. Биз ҳатто Островский комедияларидаги энг яхши образларнинг ҳам дадил яхшилик қилишларини кўрмаймиз, ҳолбуки бошқа ҳолларда биз улардан шундай қилишларини талаб этишга ҳақимиз бўларди, бебошлик таъсири остида эса уларнинг бундай дадил яхшилик қилишлари мумкин эмас. Уларда олий маънавий тараққиёт куртаклари энди уч чиқариб келяпти; лекин бу куртаклар ҳали шу қадар нимжонки, амалий фаолиятга ундаш ва уни тўғрига чиқариш учун хизмат қилиши мумкин эмас. Шу сабабдан Островский комедияларидаги ҳалол, виждонли шахсларнинг хатти-ҳаракатидаги ҳамма ахлоқ негизлари юзаки ва жуда ҳам чекланган бўлиб, ҳаммаларининг билгани, қилаётган ишларининг ҳақ иш эканлигини ўзлари англамаганлари ҳолда, нуқул бошқаларнинг иродасини бажо келтиришдан бошқа нарса эмас. Масалан, Авдотья Максимовна Вихорев билан бирга қочиб кетишга кўнмаганида, кўрсатган сабаби фақат шуки, отам оқ қилиб юборади, дейди; у билан қочиб кетганидан кейин эса «отам мендан юз ўгиради, бутун шаҳарга шарманда бўлдим» деб фигони фалак бўлади. Любовь Гордеевнада кўнгли бўлмагани ҳолда, бундай бурчни юзаки адо этиш нияти яна ҳам яққолроқ кўриниб туради. Любовь Гордеевна жасорат қилиб, Коршуновга эрга чиқишга рози бўлгани тўғрисида Митяга бундай дейди: «Энди мен отаонамнинг измидан чиқмаслигим керак. Эрга чиқиш-чиқмаслигим отамнинг ихтиёридаги иш. Отам нима деса, гапига қулоқ солишим керак,— *биз қизларнинг қисматимиз шу. Билсанг, ўзи шундай бўлиши керак, қадим замонлардан буён ўзи шундай. Одамлар мени гап қилмасин, мен ёмонотлик бўлмайин десам, отамнинг сўзини қайтармаслигим лозим.* Эҳтимол, бу ишдан дилимга шикаст етказгандирман, лекин ҳар ҳолда шунисини

биламанки, *қонун-одатга хилоф иш қилганим йўқ*, ҳеч ким кўзимга қараб туриб мендан кулолмайди». Бу сўзларда кишининг ўз қилмишининг маънавий аҳамияти ҳақида бирон имо-ишора ҳам йўқ, лекин «қонун-одат» деган сўз бор... Бу қонун-одатнинг ўзи нима ва ақл-идрок уни бу ҳолда қандай татбиқ қилади,— бу ҳақда ўй ўйлашни қиз болага ким қўйибди: бебошнинг тарбиясини олган кишида бундай ўй ўйлаш нима қилиб юрибди?

Айтмоқчи, бебош одамларнинг ўзлари ҳам итоаткорликни олий қонун даражасига етказишади, етказганда ҳам мазлумлардан ҳам кўпроқ қунт билан, қаттиқ туриб етказишга ҳаракат қилишади... Сабаби ҳам жуда равшан: биринчидан, бебошнинг ўзининг ҳам чинакам маънавий тушунчалари йўқ деса бўлади. Демак, яхши нима-ю ёмон нималигини тўғри ажратишни билмайди, бинобарин, зарурат орқасида ўзининг бебошлигига амал қилиши турган гап; иккинчидан,— ҳеч гап қайтармасдан, бошқалар нима деса, шунга кўниши унинг ўзи учун жуда қўл келади, чунки у кейин ҳеч нимадан уялиб ўтирмайди. Бунда ҳам бебошлик логикаси умум инсоният логикасидан жуда четга чиқиб кетиши турган гап. Умумий логикага мувофиқ шундай бўлиши лозим эдики, агар бирон киши, гарчи бебошлик қилиб бўлса-да, бирон қоида ва талабларни ўртага қўяркан, у киши шу қоида ва талабларни шу ҳол ва шу муносабатларда бошқалар билан бир қаторда ўзи ҳам ҳурмат қилиши лозим эди. Бебош одам бундай муҳокама қилмайди: агар унга бирон наф чиқадиган бўлса, ҳатто ўзи тан олган ва бошқаларни ёмонотлик қилиш учун асос — далил ўрнида ишлатиб турган қонун-қоидаларни ҳам идрокни шу қадар қора парда босиб кетганки, бебош одамнинг ўзигина эмас, балки ундан жафо кўрган ва унинг оёғи остида эзилиб, хўр бўлиб ётганларнинг ҳаммаси ҳам бундай тартиб-қоидаларни жуда табиий деб биладилар. «Зулмат дунёси» тузилишининг бу ажойиб томони «Ўзинг истаганча ҳаёт кечирма» деган комедияда жуда яхши ифода қилиб берилган. Адабий жиҳатдан бу пьесанинг қиммати бошқалардан кўра камроқ дейишяпти. Концепцияси бўшроқ чиққан деб авторни ёзғиришяпти, баъзи бир кўринишлари аранг чиққан ва ҳоказо дейишади. Биз бу комедия устида узоқ тўхталиб ўтирмаймиз, тўхталиб ўтиришимизга арзимаслиги учун эмас, балки шунинг учунки, биринчидан: мақолаларимиз шундай ҳам жуда чўзилиб кетди, иккинчидан пьесанинг ўзи — интрига жиҳатдан ҳам, характерларнинг тасвири жиҳатдан ҳам жуда оддий пьеса, бас, шундай бўлгандан кейин, уларни тушунтириб бериш учун, айниқса юқорида айтиб ўтилган гаплардан кейин, кўп гапириб ўтиришнинг кераги йўқ. Гап шундаки, Пётр Ильич пиянисталик қилиб юради, хотинига кун бермайди, уни ташлаб қўяди, ўйнаш хотин топиб

олади, хотини бундан хабардор бўлиб қолиб, уйидан чиқиб ота-онасиникига кетмоқчи бўлганида, раҳмдил қариялар ҳаммаси йиғилишиб келиб, уни ўртага олиб суд қилишади-да, яна ўзини гуноҳкорга чиқаришади... Уйига кетаётганида, йўлда, карвон саройда отаси билан онасини учратиб қолади, уларга ўз дардини бошидан охиригача айтиб, эримдан чиқдим, энди сиз билан тураман, чунки жуда жонимдан тўйиб кетдим, дейди. Отаси қизининг бундай шаккоклик қилганини эшитиб ҳайрон бўлиб қолади. «Бу нима деганинг?,— деб бақириб беради,— бизникида нима қиласан? Йўқ, ундай бўлмайди, қани юр, эринникига элтиб қўяй» дейди. Даша: «Йўқ, ота-жон, эримникига бормайман» дейди,— шу билан отаси, нима бало, қизим миясини еб қўйганми, деб ўйлаб, унга насиҳат қила бошлайди:

— Тентак қизим, тапангга бир ўйлаб кўрсанг-чи, қандай қилиб мен сени уйимга киритаман? Ахир, бошингда эринг бор-ку. *(Ўтирган жойидан туриб кетади.)* Қани, юрларинг, қўй, беҳуда гапларингни, бўлмаган гапни гапирма!.. Аҳмоқ қиз, эринникидан қаёққа қочиб кетардинг! Нимз деб ўйлаяпсан,— сенга юратим ачинмайди дейсанми? Ҳаммамиз дардингга қўшилишиб йиғлаймиз, берадиган ёрдамимиз шу бўлади! Менинг кўлимдан нима ҳам келарди? Сенга қўшилишиб йиғлаш бўлса, йиғлайман. Ахир, жон болам, мен сенинг отанг бўламан, *(йиғлаб, қизини ўпади.)* Жон қизим, шуни билиб қўйгинки, худо бирлаштирганни одам боласи ажратолмайди: ота-боболаримиз шундай умр кўриб келишган. Зорланишган эмас, фигони-фалак қилишган эмас. Нима, биз энди улардан ақлли бўлиб қолдикми? Қани юр, эринникига!

Чол кишининг шафқат деган нарсани билмай шу сўзларни айтишига сабаб фақат шуки, эрни ташлаб кетиш деган нарсага чолнинг асло ақли етмайди! Чол асло буни миясига сиғдиролмайди! Чол буни шундай беҳуда бир нарса деб биладики, унга қарши нима деб эътироз билдиришини ҳам билмайди: худди агар бизга, одам боласи қўли билан юриши, оёғи билан овқатланиши керак, десалар, биз бунга танг қолиб, нима дейишни билмай қолишимиз каби, у ҳам худди шундай бир аҳволда қолади... Бундай ҳолларда у шуқул: «Бу нима деганинг, бу нимаси бўлди?» деб, шу бир гапнинг ўзини такрор қила беради: «Нима деганингни ўзинг бир ўйлаб кўрсанг-чи... Эримни ташлаб кетаман деганинг нимаси! Бу нима деганинг бўлади!..»

Эри тўғрисида ҳам худди шундай дейиш керакдай бўлиб туради-ю, лекин, қаёқда дейсиз. Унга қонуннинг дахли йўқ!... Эр деган хотинининг султони бўлади ва хотинига хоҳлаганича бебошлик қилаверади, гарчи ўзи хотини олдида гуноҳкор бўлса ҳам, шуни ўзи билиб турса ҳам, хотинига ҳокимлик қилаверади. Билса, «соҳибжамоли»дан хотини хабардор бўлиб қолибди, соҳибжамоли бўлса унинг хотини борлигини билиб қолибди-да, ёнига йўлатмай қўйибди: хўш, у нима қилибди? Хотинининг кўзига кўринишдан уялиб юрган дейсизми? Тавба қилишга аҳд қилган деб ўйлайсизми? Қаёқда дейсиз,

у уйига қайтиб келиб, соҳибжамолидан ажраб қолганининг аламини хотинидан олмоққа уриниб кўради... Бу воқиани эшитганларидан кейин бечора хотиннинг ота-онаси дарғазаб бўлиши лозим эди: бошдан-оёқ ўзи гуноҳкор бўлган куёв уларнинг кўз олдида қутуриб тўполон қилади, азбаройи жазаваси тутиб кетиб, хотинини сўяман, деб қўлига пичоқ олиб югуриб кўчага чиқиб кетади... Дашанинг ўзи отасига: «Қандай ширин турмуш кечириб турганимни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз-ку» дейди. Отаси бўлса насиҳат қилиб: «Сабр қил, болам, шошма!» дейди. Даша бўлса ўзини ота обрўси панасига олиб туриб: «Отаси ҳамки унинг баҳридан ўтгандан кейин, мен ундан нима ҳам умид қилардим» деб жавоб қайтаради. Яна отаси «майли, болам сабр қил» дейди-да, ундан кейин: ҳамма бало ўзингда, кишининг гапига қулоқ солмадинг, ота-онангнинг ризолигини олмасдан эрга чиқдинг, деб қизини койийди, қизининг бахтсизлигини итоатсизлиги учун юборилган ҳақли жазо деб кўрсатмоқчи бўлади. Унинг айтган гаплари мана бу:

А г а ф о н. Яхши иш бўлмади, яхши иш эмас! Энди нима бўлди, оҳ шўримиз қурсин! Яхши иш бўлмади! Сен ўзинг-чи, ўзинг яхши иш қилдингми? Қари онанг билан отангни ташлаб кетиб, яхши иш қилдингми? Қани айт-чи: яхши иш қилдингми? Энди бу қилаётган ишинг нимаси? Жўялик ишми шу? Душманнинг домига тушиб қолибсиз? Одамгарчилик деган нарсани эсингиздан чиқариб қўйибсиз! Энди сабр қилишдан бошқа иложинг йўқ! Энди гинг демай жазонгни тортасан, яна шунга шукур ҳам қиласан!.. Бу нимаси? Нимаси бўлди? Кўнглинг қочиш тилаб қолдими? Бу нима деган гап? Эру хотиннинг бошқа-бошқа туришини қаёқда кўрдинг? Сен уни ташлаб ҳам кетгин, уйидан чиқиб ҳам кетгин, у тўполон қилиб келиб қолса, хўш, ким гуноҳкор бўлади, айт-ча, ким гуноҳкор бўлади? Бетоб бўлиб қолса-чи, унга ким қарайди? Ахир, уни парвариш қилиш сенинг бўйнингдаги қарз-ку. Куни битиб, сен билан хайрлашмоқчи бўлса-ю, сен аразлаб уни ташлаб кетган бўлсанг..

Д а ш а *(ўзини отасининг бағрига ташлаб)*. Отажон!

А г а ф о н. Яхши қизим, танангга бир ўйлаб кўр; яхшилаб ўйлаб кўр... *(йиғлаб туриб)*. Одам боласи аҳмоқ бўлади, биз ҳаммамиз ҳам аҳмоқмиз! Такаббурмиз!

Бу чолнинг меҳрибон ва юраги юмшоқлигига қаранг, шу билан бирга у жуда қаҳри қаттиқ одам, бунинг бирдан бир сабаби шуки, у кишининг руҳий ҳолати, маънавияти деган нарсадан ҳеч хабари йўқ. Ҳамма нарсани ўзбошимчалик билан белгиланган ташқи қонунларга бўйсундиришга ўрганиб қолган. У қаҳри тошлиги ёки жаҳли ёмонлигидан эмас, соддалигидан, қизининг юраги шундай ҳам қон бўлиб эзилиб турган бир пайтда, қизининг бир вақтлар қилиб қўйган ножўя ишини унинг юзига солиб таъна қилади. Яна у қандай сабаб кўрсатади, денг? У, эринг виждон азобига тушади, касал бўлиб қолади, ундай бўлади, бундай бўлади, наҳотки эрингга юрагинг ачимайди демайди ва ҳоказо шунга ўхшаган важларни келтирмайди. Йўқ, бунда отаси бутунлай бошқа сабабларни келтиради: «Бирор ҳол бўлиб қолса, ким гуноҳкор бўлади»?; «Бу сенинг бўйнингдаги қарз» дейди. Отаси мана шу соф ташқи ахлоқ бурчларини важ келтириб: «Сабр қил, қизим, сабр қил,— ҳаммаси бинойидай бўлиб кетади» деб қизига тасалли беради.

Баъзан бўладики, бирон тентак ит
Уч кеча тинмасдан увлаб чиққан пайт —
Бой хотин пақ этиб ўлиб қолади,
Қандай қилиб шунда одам боласин
Чирик хурофотдан қайтарасан, айт.

дегандай — бемаза-бематра бир тасодиф бу чолнинг сўзларини тўғрига чиқариб қўяди.

Ўлгудай ичиб олган Петр Ильич қўлига пичоқ олиб кўзига ҳеч нарса кўринмай, ҳеч нарсанинг фарқига бормай, масталаст ҳолда Москва-река дарёсига қараб югуриб кетаётган эди. Қулоғига бирданига қўнғироқ овози кириб қолади: қаердадир эрталабки ибодатга занг чалинган эди. У одати бўйича қўлини кўтариб чўқинмоқчи бўлганида, қўлидаги пичоққа кўзи тушиб қолди, қараса ўзи нақ муз тешик ёқасида турган экан... Азбаройи қўрқиб кетганидан, шу ондаёқ кайфи тарқаб, ҳуши жойига келиб қолади, отасининг насиҳатлари ёдига тушиб, жуда тавбасига таяниб уйига қайтиб келади. Дашанинг отаси Пётр Ильичнинг шу ҳақдаги ҳикоясини эшитганидан кейин, жуда мағрур бўлиб кетиб, қизини эркалатиб туриб ўпка билан, «жинни қизим, сенга айтмабмидим!..» дейди. Шу билан воқиа ҳам тамом бўлади.

Бу воқиани диққат билан яхшироқ ўйлаб қарасанг, бевосита, унда қандайдир жуда ҳам хаёлий бир мазмун борлигини кўрасан, киши. Баъзи бировлар, бу воқиада қўнғироқ овозчининг халққа шифобахшлиги, кишининг бошига қийин савдолар тушганда, гўдаклик чоғидан унинг миясига қуйилган худогўйлиги унга нажот бериши кўрсатилган, дейишади. Бундай маъни беришларнинг жуда ҳам ғалатилигини гапириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. Островскийнинг бошқа ҳамма асарларидаги умумий идеяга қиёс қилиб қарайдиган бўлсак, бу драмада бутунлай бошқа бир нарса тасвирлаб берилганини кўрамиз. Тавбасига таянган Пётр Ильич образи бизга бебошликка асосланган турмуш туфайлидан ўзи ва яқинларининг ҳаммаси ғам-ғусса ичида, нажотсиз бир ҳолатга тушиб қолганини кўрсатади. Пётр Ильичга отаси ялиниб насиҳат қилади, холаси ёлбориб сўрайди, эрининг юриш-туришларига кўриб куйиб кетган хотини ёлборади, ўртоғи эси-ҳушига келтиради, ўз хотинидан кечиб айланишиб юрган қизи ташлаб кетади — лекин унга ҳеч нарса кор қилмайди. Ўзида бирон жонли маънавиятдан асар ҳам йўқ, дардсиз, ўтакетган жоҳил нодон бир одам; муҳаббати ҳам бесўнақай, совуқдан-совуқ! Дашани яхши кўриб қолиб, отасиникидан олиб кетган эди, орадан бир неча ой ўтгандан кейин унга ҳам жабр қила бошлайди. Даша унинг кўнглига қараб, астойдил яхши кўрса

ҳам, у билан кўраётган кунларини ўзи учун бир азоб деб билади. У Груша кўйида мажнун бўлиб қолган; лекин Груша уни мазақ қилиб, кўкрагидан итариб ҳайдаганида, нима қилади, денг? У таниш бир жодугари бор Ерёмканинг ёнига бориб, ундан: «Бир амал қилиб, иситиб беролмасмикин, у менга кеккаймасдан, мен уни хоҳлаганимча ноғарамга ўйнатадиган бўлсам» деб илтимос қилади. Унинг муддаоси шу, унинг муҳаббати ана шундай: яхши кўрган қизини кўнглига ёққанича ногарасига ўйнатмоқчи!.. Ўйлаб туриб кишининг баданлари жимирлаб кетади, ахир, Островскийнинг асарларидан биз «зулмат дунёси» махлуқларининг ҳаммаси, агар улар ўзлари одамгарчилик деган парсани тамомила эсларидан чиқариб юбориш даражасига етиб, жаҳолат ботқоғига ботиб кетмаган бўлсалар, ҳаммаси ҳам шундай бебошлик балосига гирифтор бўлганлигини биламиз-ку... Бу нодон-жоҳил кишиларга ақл киритадиган ким бор, улар қўлида эзилиб, ғам-ғусса тортишга мажбур бўлган шўринг қурғурларни улардан қутқариб оладиган ким бор? Оддий воситалардан ҳеч бири, мутлақо ҳеч бири қутқазиб ололмайди! Ҳеч қандай табиий йўл билан уларнинг тушунчалари ва характерини ўзгартиш даражасига етиш мумкин эмас. Уларнинг кўзини очиб, ҳушчга келтириб қўйиш учун гарчи жуда бемаъни-беҳуда бўлса ҳам, бирон ғайри табиий, ўтакетган йўл тутиш, зўрлик йўлини тутиш лозим бўлади. Ҳушига келиш учун худди азон вақтида, ибодатга жом чалинган вақтда... Пётр Ильич Москва-река дарёсидаги муз тешикка бориши керак эди. Бундай бўлмасачи, унда нима бўларди? «Зулмат дунёси»да кўплар қандай ҳаёт кечираётган бўлса, Пётр Ильичнинг хотини билан кўраётган бу аянч ҳаёти ҳам кўп йиллар шундай давом қила берарди. Ҳозир ҳам Пётр Ильичнинг тавба-тазарруғи мустимустаҳкам деб ким кафил бўла оларди, дейсиз? Унинг феълиатворида ахлоқининг тузалиб қолганини кўрсатадиган бирон аломат бормикин? Албатта, пиянистанинг ухлагандан кейин хушига келиши, маст-аласт кишининг бир оз тиним олиб, ўзига келиши турган гап, бу ўз-ўзидан равшан бир нарса. Лекин унинг бу ҳолати узоққа боради дейсизми? Пётр Ильич мастлик вақтида кўзига кўринган арвоҳ ва жинлардан қўрққанидан тавба қилганини ёдингиздан чиқарманг... У, рост айтаман, мен сув париси билан кўришдим, ёки жин билан гаплашдим, деб айтиши мумкин ва ҳамма қўшнилари унинг сўзини тасдиқлаб чиқишлари ҳам турган гап; лекин бу гапларнинг ҳаммаси ногирон фантазия маҳсули, қизиб кетган миядан чиққан гаплар эканини биз жуда яхши биламиз. Бунда кишининг руҳи шифо топганига нима далилингиз бор? Қилган айш-ишратлари ҳали ҳам унинг мадорини қуритиб турган экан, эндигина бошидан кечирган даҳшатларидан ҳали у батамом қутулиб, ўзига келмаган экан, албатта, ўзини эҳтиётроқ қилиб юради... Кейин яна илгаригидай айш-ишрат

қила беради; ҳалол ва фойдали ҳаёт кечириш зарурлигига унинг ўз ақли асло етмаслигини билганимиздан кейин, унинг яна ўша кайфи-сафо йўлига қайтиши турган гап деяверишкерак... Шу билан, агар яна бирон муъжиза бўлиб қолмаса, унинг шўрлик хотини илгаригидай ғам-ғусса ичида қола беради. Қизнинг қари отаси билан онаси бўлса яна қизнинг доғида куйиб, сабр қил болам, деб, тасалли бераверадилар!.. Хар ҳолда уларга осон: улар кишилик қиёфасидан тамомила маҳрум бўлиб қолишган, улар ҳаммаси: сабр қилиб жабрга чида, ёлборгину оҳу зор қилма... деган панд-насиҳатни хўп қулоқларига қуйиб олишган.

Бироқ, ҳали ҳаёт учқунлари сақланиб қолган ва уни бекорга, беҳудадан-беҳуда эзиб, жабр қилиб турадиган зулмат кучларига қарши гарчи заиф бўлса-да, ҳамон вақти-вақти билан норозилик билдириб турувчи шўринг қурғур аёл чидаш бера олармикан?..

Чидаш бера олмаслиги турган гап! У муқаррар юзтубан кетади, бизнинг сўқма ахлоқимиз кашф қилган сохта тилда батамом муҳаббат шарбати дарёсига ғарқ бўлиш, деб талқин қилинган юзтубанлик эмас, балки чин разолатга, маънавий поклик ва маънавий кучдан маҳрум бўлиш маъносидаги разолатга юз тутади. Хотинлар сингари, эркаклар ҳам шундай разолатга дучор бўлиши мумкин, лекин ишқ ўти ичида қолган хотин кишининг табиати шундай разолатга мойил бўлади, бу мойил хотин кишини ҳар бир дақиқада ўз йўлига имлаб чақириб туради ва хотин киши шу йўлда гарчи бир қадам қўйса ҳам, жамият назарида у жиноятчи ва расвоий олам деб ҳисобланади. Бу йўл — эркаклар билан алоқа қилишдир. Эркак киши ҳам хотин билан яқин алоқада бўлиб шу алоқадан амалий ҳаётидаги жаҳолат ва нафосликлардан халос бўлиш йўлини қидириши мумкин. Бунда у ором олади, тиним олади, бутун дарду аламларини ёдидан чиқаришга ҳаракат қилади. Лекин бундай алоқанинг эркаклар учун ҳеч қандай қалтис ери йўқ; бундай алоқаларни ҳамма беозор вақтихушлик деб билади, эркак кишининг бундай алоқада бўлишини жамият шармандалик деб билмайди. Эркак киши бундай алоқаларда ўзининг маънавий қимматидан заррача ҳам маҳрум бўлмасдан, амалий ишларини давом қилдира беради ва яна ўз тенглари орасига кириб юра беради. Хотин кишининг йўли бошқа: хотин киши бир марта нотўғри қадам ташлаб қўйдими, расм бўлган одоб-ахлоқ талабларига мувофиқ, у эски йўлига яна бемалол қайтиб кириш имкониятидан маҳрум бўлади. У разолатга юз тутган, шармандаси чиққан, оқ қилинган бўлади, у ҳамма даргоҳлардан қувилади,— ҳар ҳолда у бирон бебошнинг жаранг-жаранг олтинлари билан безалган шармандалигини кибриҳаво билан жамият юзига солмагунча, шундай ёмонотлик бўлиб юра беради. Шармандалигини олтинлар билан безаб олгандан кейин эса унга таъзим

қиладиганлар ҳам кўпайиб қолади, ҳатто у билан разолат кўчасига киradиганлар чиқиб қолади. Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам бу хотиннинг табиатида чуқур маънавий бузғунлик рўй бериши турган гап. Шундай қилиб, қиз бола қандай йўл билан борса ҳам, ҳамма жойда унинг ҳоли оғир бўлади ва хавф-хатар остида юради, бинобарин, уни маънавий қадри-қимматидан маҳрум қилишга олиб бормайдиган йўл йўқ. Дастлаб у ҳали унча дағал тортмай, разолат ботқоғига ботмай юради,— лекин у муҳтожликда қолади, ҳамма унга таҳқир кўзи билан қарайди, ҳар бир дуч келган кишидан ҳимоясиз бўлиб қолади,— шундай бўладики, у беихтиёр, ўзи ҳам билмасдан алдамчиликни ҳам, бекорчиликни ҳам, бировнинг қўлига қарам бўлиб кун кўришни ҳам одат қилиши лозим бўлиб қолади. Кейин, ўзининг шу кунига ўрганиб қолиб, ҳеч виждон азобига учрамай, ҳис-туйғуларини пулга сотадиган бўлиб, кайф-сафони одат қилиб қолади. Ана унда, жуда бахтидан бўлиб қолса, атрофида гир-гир капалак бўлиб юрганларнинг очиқдан-очиқ хушомад қилишлари, тамаъгирлиги ва разолати уни яхши туйғуларининг қолган-қутганларидан ҳам маҳрум қилиб, жаҳолатнинг энг қайнаб турган жойига олиб бориб ташлайди... Агар у бирон бахтли ҳодисага ҳам йўлиқмаса, у вақтда... у вақтда одобли-ахлоқли кишилар бу хотинларни оғизга олишни ҳам ўзларига раво кўрмайдилар, жуда оғизга олганларида ҳам мастлик билан кайф ичида оладилар...

Лекин бу хотинлар ҳам бир вақтлар хўжа кўрсинга иффат тарафдори бўлмиш ўтакетган расмиятпараст пуристларнинг ҳам иззат-ҳурматига арзийдиган пок ва одобли махлуқлар эди-ку. Уларнинг разолати нимадан бошланди? Уларнинг бундай бузуқ йўлга қадам қўйганига сабаб нима? Уларнинг «биринчи қадами» нимадан бошланди? Бу ҳақда жуда кўп ақл сотиш мумкин; лекин биз ақл сотиб, кишиларнинг бошини қотирмоқчи эмасмиз, бизнинг бундай саволларни ўртага қўйишимизга сабаб фақат шуки, Островскийнинг комедияларида бу саволларга бевосита жавоб берилганини кўрдик. Жонли маънавий камолотнинг йўқлиги, ўзингда суянадиган маънавий кучнинг йўқлиги ва ташқаридан бебош одамларнинг қиладиган зулми — «зулмат дунёси»даги хотин-қизларнинг ахлоқсиз бўлишига, шунингдек эркакларнинг ҳам ахлоқсиз бўлишига сабабдир. Бардам ва жисмоний жиҳатдан серғайрат шаҳарларда маънавий мустақилликнинг бўлмаслиги ва улардаги бебошлик касридан вужудга келган ҳеч нарсани ёқтирмаслик одатининг нималарда ифода қилинишини биз юқорида кўриб ўтдик. Пузатовнинг хотини билан сиглисининг бутун ҳаётч шу бўлиб қолганки, уни уззукун алдаб, черковга борамиз,— деб, киши билмас ёш йигитлар билан айланишиб юришади. Липочка Большова ҳарбийлар деганда жонини беради, отасидан қўрқади, онасини бир пулга ҳам олмайди, кейин бўлса Подхалюзинга эрга чиқади ва отасининг ўз мулкидан олиб, унинг қарзини бир сўмга 25 тийин ҳисобидан ҳам тўламаслик учун, ҳеч виждони азобланмасдан отасини авоҳтага жўнатади... Бебошлик зулми дастидан маъсума ва нозик хотин-қизларнинг ҳам хароб ва ҳалок бўлиб кетганини ҳам кўрдик. Жуда етишиб, вояга етадиган пайтида худди гўдак боладай ўсмай қола берган, на ўзига, на ўз аҳволига, на теварак-атрофдаги кишиларга ақли етмайдиган Авдотья Максимовна Арина Федотовнанинг гап-сўзларига учиб, Вихоревга ошиқ бўлиб қолади... Митяни яхши кўришни ҳатто отасига айтишдан ҳам қўрқадиган Любовь Гордеевна Коршуновга эрга чиқишга рози бўлади, ҳолбуки ундан ўзи ўлгудай жирканиб юради ва ёмон кўради; эрим маст бўлиб мени ўлдириб қўя қолсин, деб, ароқ ичкизиб эрини маст қилган Дашанинг аҳволи ҳам ахлоқ-одоб жиҳатидан булардан яхши эмас... Лекин булар ҳаммаси тугал фактлар; биз буларда шахснинг батамом ўлим гирдобига қулаб тушганини кўрамиз ва бу ёш қалб эгасининг шу ҳолга тушгунча қандай қайғу ва алам кўчаларидан ўтиб келганини хаёлимизда фараз қилиб кўришимиз ҳам мумкин. Аммо Островскийнинг шундай бир пьесаси борки, унда мусаффо бир қалб бузуқ фикрнинг яқинлашиб келаётганини сезган дақиқасининг ўзида бу пок қалбдан эшитилар-эшитилмас бўлиб чиққан овозлар ёзиб кўрсатилган, бу шундай пьесаки, у бизга бебош куч васвасасидан хароб бўлган қизнинг ножўя ишқ йўлига кириб кетишидан олдин бошидан кечирган бутун маънавий кураш жараёнини тушунтириб беради... Бу пьеса, албатта, китобхонларимизнинг ёдида бор, чунки бу пьеса шу йил пайдо бўлиб, ҳамманинг диққатини ўзига тортган эди. Биз бу пьеса ҳақида «Современник»да[13] ҳам гапириб ўтган эдик, шу сабабдан, ҳозир биз бу пьеса ҳақида фақат фикримизни тушунтириб беришга бевосита тааллуқли нарсаларнигина гапириб ўтамиз. Уланбекованинг асранди қизи Надя — жуда камтар ва жуда нияти тўғри, кўнгли очиқ, ақлли, фаросатли қиз. Бу қиз яхши кўрган кишиси билан бахтли оила қуришни орзу қилиб юради, олган эрини ерга қаратмаслик учун, бутун фикри-зикри ўзини «ахлоқлик, олижаноб қилиш» бўлиб қолган; эрга чиққанидан кейин уй-рўзғоримни жуда батартиб қилиб қўяман, деб ўйлаб юради; ўзини жуда камтар тутишга ҳаракат қилади, ёш бариндан, Уланбекованинг ўғлидан ўзини четга тортади, ҳатто, москвалик бой қизлар ҳеч уялмай-нетмай кавалерлар ва гвардиячилар тўғрисида жуда очиқ гаплаша беришади, деб уларнинг ўктамлигига ҳайрон бўлиб юради. «Бу гапларнинг ҳаммасини қаёқдан билишаркин?»— деб ҳайрон бўлиб ўз-ўзига савол беради... Хуллас, шарт-шароитлар бошқачароқ бўлганда, кўп ва кўпларнинг идеалига тамомила мос келадиган қиз: бу қиз бутун

вужуди билан яхши хотин ва саришта уй бекаси бўлишни орзу қилиб юради ва, ўз табиатига кўра, шундай хотин ва бека бўла олади ҳам. Агар бунинг устига унга бир оз тарбия берсангиз, ўзи яхши она ҳам, болаларига яхши мураббия ҳам бўла олади. Лекин бу қиз, хотин кийимини кийган ўтакетган бебош Уланбековнинг уйида туради, шу туфайлидан бечора Надя ҳамма нарсадан маҳрум. Уланбековнинг образи савдогарлар хонадонидан бошқа бир соҳага кўчирилган бебошликнинг маъносини кўрсатиб берадиган жуда ажойиб образ. Бу ерда бебошликнинг кучи яна ҳам зўр, таъсири яна ҳам кенгроқ, шунинг учун ҳам у бешбадтар хунук ва бедаводир. Бебош савдогар зулмини уй ичисига ва ўз яқинларига ўтказади; лекин жамият ичида у бемазагарчилик қилолмайди, чунки у бебош бўлгани учун ҳар қандай мустақил фикр қилувчи одамдан қўрқади ва ожизлик қилади, кимсан, Тит Титич Брусков,— у ҳам Иванов устидан унча зулмини ўтказа олмайди ва уйига қайтиб келганида ростига кўчиб: «Мен уларнинг уйида ўтирганим-да, шундан фойдаланиб мендан баланд келишди; бу ёққа келишганида-ку, хўп адабларини бериб қўярдимку-я» дейди. Соҳибжамоли уйидан ҳайдаб чиқарган Пётр Ильич ҳам уйига қайтиб келганидан кейин ҳадлидан ошади: «Мени тоза мазақ қилишди, ҳайдаб чиқаришди!.. Ҳозир ўз уйимда ўтирибман,— ҳамма нарсанги тилка-тилка қилиб ташлайман, тирик жонингни ҳам қолдирмайман» деб жазаваси тутиб дағдаға қилади. Шундай қилиб, кўп бебош савдогарлар «сержаҳл бўлса ҳам, лекин кучи ҳаммага етавермайди», демак, жамиятга улардан унча кўп зарар етиши мумкин эмас. Лекин бебошликнинг туғма иллатлари қандай бўлса, ҳамма соҳаларда ҳам шундайлигича сақланиб қолади, шу билан бирга соҳалар қанча кўп бўлса, бебошликнинг зарари шунча кўп ва шунча ёмон бўлади. Уланбекова анча кенг кўламда иш кўрадиган хотин. Биринчидан, унинг уй ичиси анча-мунча,— асрандилари, сигиндилари, омборчилари, оқсочлари, хизматчилари бор... Деҳқонлари ҳам бор. Бундан ташқари, у бутун бошлиқ околоткада жуда нуфузли одам ҳисобланади; анча-мунча ишларга қўли стадиган хотин. Уланбекова қистаб бошқаларга тўй қилдиради, одамларни ишга жойлаштириб туради, суддан ҳам қутқариб олиб қолади... Унинг нуфузи қандайлигини баъзи бир ишларига қараб билса бўлади. Уланбекова ўзи чўқинтирган Неглигентовни маҳкамада идора бошлигига қилиб тайинласангиз, деб исправникдан илтимос қилади, исправник, бўш ўрин йўқ, деб жавоб берали. Уланбекова бунга хафа бўлиб: «Сиздан ким илтимос қилаётганига ақлингиз етмаяптими дейман» дейди. Исправник ваъда беришга мажбур бўлади, шу тўғрида Уланбековнинг сигиндиси Василиса Перегриновна бундай дейди: «Унинг сизга йўқ дейишга қандай тили бордикин, менинг ҳам ақлим етмаяпти,

ўқимаган омийлиги шунданоқ кўриниб турибди! Борингки, Неглигентов шундай одам бўлган бўлсинки, у тўғрида кўп гапириб ўтиришга ҳам арзимайдиган бўлсин, лекин у ҳар қандай аблаҳ одам бўлганда ҳам, исправникдан лозим эдики, сизнинг юзингизни қилиб, Неглигентов учун йўқ нарсани ҳам бор қилиш... У нима бўлса ҳам чўқинтирган фарзандингиз, шундай бўлгандан кейин у ҳеч қандай гап-сўзларга қулоқ солиши лозим эмас... Меҳрибоним, агар хушингизга келса, ҳар қанақа ифлосни ҳам одам қаторига қўйиш қўлингиздан келишини ҳамма билади; хушингизга келмаса борми, пешонаси етти қарич бўлганда ҳам, тупроқдан ташқари бўлиб юра беради. Гуноҳ ўзида: нега кўнглингизни олиш пайидан бўлмабди»... Бунда бебошлик ахлоқи ва мантиқининг бутуниси сурбетлик ва ҳаёсизликдан иборатлиги жуда яққол ифода қилинган. Бунда бебошнинг шахси бутун маънавият оламининг маркази қилиб қўйилади! Ҳамма нарса шу бебошнинг шахсидан бошланиб, яна шунга қайтиб келиши лозим. Бебошнинг шахсидан бошқа ҳечқандай ҳуқуқ йўқ, унинг кўнглига қараб иш қилишдан бошқа ҳеч қандай одоб-ахлоқ қоидалари йўқ... Шундай қилиб, бунда қонун масаласи беҳаёлик билан қипяланғоч қилиб қўйилади; қонун дегани бебошнинг иродасидан бошқа бир нарса эмас, демак, ҳамма нарса унинг иродасига бўйсуниши лозим, бебошнинг ўзи бўлса ҳеч нарсадан тортинмаслиги керак. Бундай ахлоққа бўйсуниб умр кўрадиган кишиларнинг куни нима бўларди!..

Мана бундай бўлади. Уланбекова асрандиларига жуда қаттиққўллик билан муомала қилади, уларнинг устидан қулф солиб қўяди, агар улар юрак ютиб, оғиз очадиган бўлишса, Уланбекова уларга мана бундай дейди: «Гапга бўлишса, Уланбекова уларга мана бундай дейди: «Гапга аралашган одамни ёмон кўраман, ёқтирмайман, бўлган-турганим шу. Хомтама бўлманг, ҳеч кимга маҳмадана бўлишга йўл қўймайман. Ёшлигимдан ҳамма сўзимга қулоқ солиб келган, шунга ўрганиб қолганман; сен ҳам энди шуни қилғинингга қуйиб олсанг бўларди! Азизгинам, сен ботинib, менга сўз қайтарганингни кўриб жуда ҳайрон бўлиб қолдим. Сени эркалатиб юрганга ўхшайман; жуда керилиб кетяпсизми, дейман»... Лекин шуниси ҳам борки, чол Потапичнинг сўзларига қараганда, Уланбекова асрандиларини жуда яхши кийинтиради ва уларни ишлатмайди ҳам: «Кўриб ҳамманинг ҳаваси келсин, дейман» дейди. Катта бўлиб балоғатга етишганда Уланбекова уларни ўзи хоҳлаган одамига эрга беради. Потапич бу ҳақда Уланбековнинг ўғли Леонидга бундай дейди:

«— Сенга эр топдим, дейишади, фалон вақт тўй бўлади, дейишади»; шу билан, вассалом, ҳома тамом, шундан кейин бироптасининг оғиз очиб гапиришга ҳам ҳаққи бетламайди! Кимга эрга беришмоқчи бўлган бўлса, шунга тегаберасан. Шу сабабдан, бегим, мен бундай деб ўйлайман: тар-

ёнялаб ўстирган кишинг гапингга қулоқ солмаса, хафа бўлмай, хурсанд бўлармидинг... Отахоним, шундай ҳам бўладики, куёв ҳам қизга ёқмайди, қиз ҳам куёвга ёқмайди, бунисн энди пуқул хунобгарчилик бўлади... Бундай бўлганда кишининг жинни бўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас... Асранди қизлардан бирини шаҳардаги бир боққолга бермоқчи бўлишган эди, у ҳали ранда кўрмаган одам экан, бу ишга рўйхуш бермагандай бўлди. Қизингиз кўнглимга ёқмайди, ҳали уйланиш вақтим ҳам келгани йўқ, дебди. Ушанда боққолнинг устидан шаҳар бошлиғига ва протопопга арз қилишди; ишқалиб, ахири у аҳмоқнинг шохини қайириб ташлашди.

Потапичнинг фикрича, бунинг маъноси шуки, «бойвуччa ҳамманинг ғамини еб юрадилар». Бундай ғамхўрликка сабаб нима? Буни Уланбекованинг ўзи тушунтириб беришга ҳаракат қилади, сабаби, Потапичнинг сўзларига қараганда, асранди қизларини эрга беришда Уланбекованинг кўзларига ёш олиб, уларга қилган ўгит-насиҳатида очилади: «Сен, дейди у, зеби-зийнат ичида бадавлат умр кўрдинг, сенга ҳеч иш қилдирганим йўқ; энди камбағалга эрга чиқяпсан, энди бутун умрингни камбағалликда ўтказгин: ишлагин-у, зимманг-даги вазифанни бажаргин, менинг қўлимда қандай умр кўрганингни эсингдан чиқариб юбор, чунки сени деб бундай қилганим йўқ; фақат ўзимни овутиб юрган эдим. Сен бўлсанг бундай ҳаётни ҳеч ҳам орзу қилма, фақирлигинг ва насл-насабинг ҳамиша ёдингда бўлсин»... Яна буни аз-баройи жаҳли чиққанидан, заҳархандалик билан айтилган гаплар деб ўйлаб юрманг; асло ундай эмас,— буни Уланбекова юраги тўлиб кетганидан, астойдил шундай деб ишонганидан айтади. Унинг кўнглида ҳам бирон ёмонлик йўқ; ҳамма бало шундаки, ўз фикр-хаёллари билан бўлганда, у ўзидан бошқа ҳеч нарсани тан олгиси келмайди. Худди далада ўсадиган дон-дунлар ўзидан ўзи мавжуд бўлмай, фақат одамга хизмат қилиш учун экилгандай, Уланбековага ҳам бошқа ҳамма нарса унга хизмат қилиш учун яратилгандай кўринади... Бундай тушунчаларга энди нима дейсиз?.. Уланбекованинг ҳатто яхшилик қилиш ҳам аслида қўлидан келишини асранди қизларининг эрларига қиладиган ғамхўрлиги исбот этади. Потапич, қизлар маҳкама хизматчиларига эрга берилган бўлса, эрларининг турмуши жудз жойида бўлади, дейди: «нимага десангиз агар уни суддан ҳайдашмоқчи бўлишса, ёки ҳайдаб юборишган бўлса, у дарров бойвуччамизнинг ёнига югуриб келиб, у кишига арз қилади. Бойвуччамиз бўлсалар уни ҳар қанақасига ҳимоя қиладилар, ҳатто губернаторни ҳам тинч қўймайдилар. Бундай вақтда бояги хизматчи бўлса пиянистанлик ҳам, бошқа ҳам қилиб юра беради, ҳеч кимдан қўрқадиган ери бўлмайди»... Сиз, албатта, бундай қилиш яхши эмас, дейсиз, лекин ҳар ҳолда шуниси борки, Уланбекова бирон золим, қаттол хотин эмас, ҳаммага яхшиликни раво кўрадиган, ҳиммatли, кўнгли бўш хотинлиги кўриниб турибди.

Уланбекова нияти яхши хотин бўлганлигидан (бошқа

бирон сабабдан эмас) Надяни пиянистa Неглигентовга эрга бермоқчи бўлади. Бу ҳақда у, Василиса Перегриновнага ҳеч тортинмасдан бундай дейди: «Сен уни бузуқ одам дейсанми, бўлмаса, тезроқ тўй қилиш керак экан. Надя жуда бамаъни қиз, уни ёмон йўлдан қайтариб туради, у боши очиқ юраверса, бешбадтар расвойи олам бўлади». Надя ҳам шу гап устида бор, у ҳам шу сўзларни эшитиб ўтирибди, лекин уларга қайси юраги билан сўз қайтаради... Ахири у йиғлаб юбориб, ялинишга тушади; Уланбекова уни жеркиб ташлаб: «Кўз ёшларингни сариқ чақага ҳам олмайман, мен бир иш қилмоқчи бўлдимми, айтганимни қилдираман, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайман!... Бундан кейин ҳам шуни яхши билиб қўй, ўжарлигингдан ҳеч қандай фойда чиқмайди, қайтанга жаҳлимни чиқариб қўясан» дейди. Бу гаплар ҳаммаси салмоқдор қилиб, эви билан гапирилади, лекин, албатта, Надяга бундан ҳеч қандай фойда йўқ. Бунда бебошлик муштларини ва қамчиларини кўрсатмайди, лекин бу билан бебошлик тузукроқ бўлиб қолган эмас, аксинча, яна ҳам ёмонроқ бўлиб олган. Островскийнинг бир пьесасида савдогар оиласида худди шундай бир можаро бўлади; унда орадан анча дағал ва қўпол гаплар ўтади, лекин ҳар ҳолда у можаро кишини бунчалик даргазаб қилмайди. Бу «Мижозлари тўғри келмади» пьесасидаги можаро бўлиб, унда Карп Карпич қизига жиянининг тўйи тўғрисида гапиради ва шу ҳақда хотини Улита Никитишна билан гаплашади. Мана шу жойини биз таққослаб кўриш учун келтирамиз; ўзи ҳам жуда қисқа:

Карп Карпич. Яқинда ўзимиз ҳам тўй қиламиз: Матрена боғда приказчик билан тутиб олдик; уйлантириб қўймоқчиман. *(Матрена енги билан юзини бекитиб олади.)* Минг сўм пул бераман, тўй ҳам менинг гарданимга.

Улита Никитишна. Сенга нчкилик нчадиган жой бўлса бас, тўй баҳона сенга.

Карп Карпич. Хўш, яна нима дейсан?

Улита Никитишна. Бошқа гапим йўқ.

Карп Карпич. *(Жиддий қиёфада.)* Йўқ, гапинг бўлса, гапир.

Улита Никитишна. Йўқ, ҳеч гапим йўқ.

Карп Карпич *(яна ҳам жиддий қиёфада)*. Бирон нарса дегин, мен эшитай.

Улита Никитишна. Гапга қулоқ солмаганингдан кейин, нима ҳам дердим.

Карп Карпич. Нима ҳам гапинг бор дейсан! Нимага ҳам қулоқ солардим! Э, Улита Никитишна-эй! *(бармоғини бигиз қилиб)*. Жим ўтир-савер, деганман-ку. Мен, қизга таъсир қилсин, деапман, сен бўлсанг, орага гап тиқиштирмоқчисан... *(Матрена яна енги билан кўзларини бекитади)*. Шу билан учинчи жиянимни шундай эрга бераман. Мен ҳамма қариндошларимга оталик қиламан. Яна битта кичик жияним ҳам бор, уни ҳам Матренанинг ўрнига олиб келиб, одам қиламан.

Бунда ҳақорат ҳам бор, дўқ ҳам бор, зўрлик ҳам бор, хуллас — бебошликнинг жуда авжига минган хили... Лекин бунда бебошлик Уланбекованинг бебошлиги сингари чўққи-

сизми! У мулкини кўздан кечириб туриб Потапичга: «Шулар ҳаммаси менга қолади-ку»— дейди. Потапич ҳам унга: «Ҳа, тўрам, ҳаммаси сизники бўлади, биз ҳам ҳаммамиз сизга қоламиз... Марҳум отангиз вақтида қандай бўлган бўлсак, сизнинг вақтингизда ҳам шундай бўлишимиз керак. Нега десангиз,— қонингиз бир... бўлмаса-чи»... деб жавоб қайтаради. Шундан кейин Леонид, мен хизматга кирмоқчи эмасман, чунки «унда мени ёзиш-чизишга мажбур қилишади»... дейди. Потапич бу масалада ҳам ўз фикрини айтади: «Бўлмаса-чи, тўрам, қўлингизни ишга уришингизнинг нима ҳожати бор! Шу иш сизга раво бўлибдими? Сизга шундай хизмат топиб беришадики — бойваччаларга муносиб, озода иш; маҳкамадаги хизматчилар ишлашади, сиз бўлсангиз, ҳаммасининг устидан бошлиқ бўлиб қараб турасиз. Мансабдан келсангиз, ўз-ўзидан келаверади»... Ундан кейин Леонид зорланиб, қизлар менга яқин келишмайди, дейди. Потапич, бунинг сабаби шуки, онангиз қизларни ҳам эҳтиёт қилмоқчи бўладилар деб тушунтириб беради. Шундан кейин яна қўшимча қилиб бундай дейди:

— Нима бўпти, тўрам: онангиз қаттиққўл бўлсалар, сабаби шуки, ўзлари хонимлар тоифасидан бўладилар. Лекин сиз у кишининг гапларига унча қулоқ солиб ўтирмасангиз ҳам бўлади. Сиз ҳам, ҳамма ёш бойваччалар сингари, билганингизни қилсангиз бўлаверади. Бу расм-русумингизни ким —ким, лекин сиз канда қилманг, тўрам. Нима, сизнинг бошқалардан кам ерингиз бор эканми? Қайтанга уятга қолиб кетишингиз мумкин.

Леонид. Гапингиз тўғрику-я, лекин мен қизлар билан гаплашишга нўноқман-да.

Потапич. Нима, сиз улар билан ади-бади айтишиб ўтирармидингиз? Улар билан қандай илми-фан устида суҳбат қилардингиз? Бунга уларнинг ақли етармиди дейсиз! Сизки бориш бўлганингиздан кейин, шунинг ўзи кифоя...

Леонид ҳам дарров унинг шу сўзларини қулоғига қуйиб олади. Бегда Надя билан кўришганида у ҳеч нимада йўқ, бемаъни ёш боладай муомала қилган эди; лекин кейинги кўринишда, опасининг жаҳли чиққанини ва Надянинг шўри қурий деб турганини билганидан кейин, у аблаҳнинг ўзи бўлди-қўйди... У типир-типир қилиб, нима қилсам сени бу балодан қутқариб қоларкинман деб сўрайди, худди Надяга юраги ачингандай бўлади, лекин аслида у билан ҳеч иши бўлмай қолган... Келган балонинг фақат бир давоси бор: Уланбековнинг дарғазаб бўлганига асосий сабаб шуки, Уланбековнинг севикли 19 яшар лакейи Гришка бугун уйда ётгани йўқ, уйдан чиқиб кетиб, бойвуччанинг жаҳли чиқишидан ҳам қўрқмасдан, пичанда юмалаб ётиб қолди; уни Уланбековнинг олдига юбориб, кечирим сўратдирса, Уланбековнинг кайфи жойига тушади, ана ундан кейин Надя тўғрисида илтимос қилса бўлади. Василиса Перегриновна заҳарханда қилиб Леонидга, Гришкадан илтимос қилинг, бойвуччанинг

ёнларига борсин, дейди. Лекин бола бир оз ўйланиб туриб: «Бе: мен-а, ундан илтимос қиларканманми» деб жавоб беради... Шу берган жавоби билан Надянинг устидан чиқарилган даҳшатли ҳукм ижросини ҳал қилган бўлади-ю, лекин яна: «энди нима бўлади» деб савол беради ва Надяга ачингандай уни ҳол-жонига қўймай бидир-бидир гапира беради... Надянинг охири жонига тегиб: «Шу арзимаган нарсага ҳам ташвиш қила берасизми? Сиз бугун-эрта Петербургга жўнаб кетасиз; у ерда хоҳлаганингизча вақтихушлик қиласиз. Менинг ташвишимни қилиб нима сизга» дейди. Бу сўзлар Леонидга қаттиқ теккандай бўлиб: «Нега менга бундай деяпсан?» деб савол беради. Надя: «Чунки, сиз ҳали гўдак боласиз,— деб жавоб қайтаради-да, сўзини тамом қилиб,— бирон жойга жўнаб кета қолсангиз яхши бўларди! Агар мен ҳеч чидай олмасам, кўлимиз шундай ёнимизда-ку!..» дейди. Шу билан Леонид, Надядан қутулиб олишига ичида жуда хурсанд бўлиб турган бўлса ҳам, виждони бирмунча қийналгандай: «ростдан ҳам, қўшниларимизникига бирон ҳафтага бориб келсам бўлар» дейди. Шу билан, кеча ҳис-туйғусининг гапига қулоқ солиб, ўзини Леониднинг бағрига қандай ташлаган бўлса, бугун яна ҳис-туйғунинг амри билан ўзини сувга ташламоқчи бўлиб турган Надяни қолдириб кетаверади...

Хуллас, бутун шу бебошлаар «зулмат дунёси»га мўл-кўл тўкиб қўйилган разолат манбаи шу, маънавий бузуқликнинг сабаби шу! «Мен ўзимни бошқа одамлар сингари одам деб ўйлаб юрганимда,— дейди Надя — фикрим-ўйим ҳам бошқача эди. Бойвучча мени қўғирчоқ қилиб ўйната бошлаганидан кейин, менда ҳеч қандай эрк деган нарса йўқлигига, ҳимоя қиладиган кишим йўқлигига кўзим етиб, умидсизлик чангалига тушиб қолдим... Кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди. Қўрқиш, шарм-ҳаёларим қаёққа кетди... Бир куи бўлса ҳам, умрим ўтгани қолади, деб ўйладим,— ундан кейин нима бўлса бўлар, нима ишим бор»... Қиз бечора шундай деб ўйлади-ю, ўзини ҳалокат қучоғига ташлади, дарҳақиқат бирон соат фурсатдан фойдаланиб қолди. Шу бир соат фурсатдан ҳам уни маҳрум қилишди, чунки Леонидниинг бу кунги ҳаракатлари кечаги ишқ-муҳаббат хотираларига заҳар сочди, булғаб ташлади. Шўри қуриган қиз энди: «Кимга ўзимни бахш этдим, пок қизлик навозишларимни кимга сарф қилдим!» деб ўйлайди-да, бу аччиқ хато алами — унинг қонга тўлган юрак яраларини номусидан ажралиш ташвишидан кўра кўпроқ ачитиб, ҳали кўп замонлар уни қон йиғлатиб юради. Аслини айтганда, унинг адабсизлиги ҳам шундан иборатки, у жаҳл устида енгилтаклик қилиб қўйди... Хўш, бўлмаса у нима қилсин эди?.. «Валиҳиммат»нинг проласига қарши очиқдан-очиқ бош кўтаришдан уни сақлаб турган нарса қонун туйғусигина эмас эди, у шунчаки ожизлигидан, ноилождикдан бош кўтаролмайди-ку! Қаёқдан ҳам паноҳ топа оларди, уни ким

ва қандай ҳам ҳимоя қила оларди, қолаверса, хўш, нима билан кун кўрарди?.. Унинг шу қилган ишидан бошқа яна биргина иложи бор эди: ўзини кўлга ташлай оларди... Ахир, бунинг ҳам унчалик қувонарли сри йўқ-ку!..

Ана шунда бизнинг кўз олдимизда, таги бўш ва аллақачонлар ириб-чириб кетган бебошликнинг бу қадар мустаҳкам сақланиб туришини изоҳлайдиган яна бошқа бир сабаб намоён бўлади. Нуқул пассив ва тош қотган, бировларнинг обрўси олдида кўр-кўрона сажда қилишга айланиб кетган туйғудай бўлиб қолган қонун туйғусини агар бамаънироқ ва муҳимроқ бирон нарса қувватлаб турганида эди, эзилган, хору-зор бўлган кишилар бебошликнинг ҳамма бемазагарчиликлари ва ифлосликларини ўз кўзлари билан кўриб турганларида, эзилиб, хору-зор бўлган кишиларда бу туйғу бу қадар ювош ва хотиржам ҳолида сақланиб туриши мумкин эмас эди. Дарҳақиқат, бу туйғуни доимо қувватлаб турадиган нарса шуки, кишиларда албатта бир интилиш, эҳтиёж бўлади — улар ўз моддий ҳаётларини таъминлашга интиладилар. Мана шу эҳтиёжнинг ёнига тўпос ва бемаъни қонун туйғуси қўшилиб, бебошликнинг ривож олишига жуда ҳам қулай шароит тугдириб туради. Агар «зулмат дунёси»даги кишиларнинг қонун туйғуси бу қадар ҳаракатсиз ва пассив бўлмаганда эди, албатта, моддий ҳаётни яхшилаш эҳтиёжи бутунлай бошқа натижаларга олиб борарди. Митя хўжайиннинг ихтиёрини қонун деб ҳисобламасди, унинг орқасидан шикоят қилиб, олдида эса дамини чиқармасдан ўтирмасди, балки моянасини ошириб беришни ундан талаб қилишни қонуний иш деб биларди-қўярди. Подхалюзиннинг ўзи хўжайиннинг гапини олий қонун деб билиб: газдан уриб қолиб, ҳисобдан уриб, арзимаган пулни деб қўлини булғаб юрмасди-ла. Большовнинг фойдаларига шерик бўлишни талаб қиларди, чунки у ҳозир Большовнинг ҳамма ишларини ўзи юргизиб турган эди. У вақтда Большовнинг банкрот бўлишининг ҳам кераги бўлмас эди. Унинг бебошлик қилишга ҳам унчалик юраги бўлмасди. Иккинчи томондан, агар кишининг моддий бойликка эҳтиёжи қолмаса, у вақтда Андрей Титич отасидан бунчалик титраб, қўрқиб турмасди, Надя ҳам Уланбекованинг қўлида турмаса бўлаверарди, хатто Тишка ва Подхалюзинни ҳурмат қилиб ўтирмасди... Лекин ҳозир аҳвол мана бундай: ҳар бир кишига моддий бойлик керак, лекин у бойликларни бебошлар ўз қўлларига киритиб олишган, демак, уларнинг таъсири остида турган заиф, эзилган кишилар бу масалада ҳам бирон Торцов ёки Уланбекованинг бебошларча қиладиган илтифотига қараб қолган; албатта, улар ҳақлари бўлмаган ҳолда, ўз қўлларида тутиб турган бойликларини бебошлардан талаб қилиб олиши мумкин бўларди; лекин қонун туйғуси бебошларнинг иззат-ҳурматига шак келтиришни ман қилади... Бундан қандай хулоса чиқади? Хулоса равшан бўлса керак:

бебошларки ўзлари ҳаёт кечираётган экан, уларнинг бошқаларга ҳам кун беришларини «йиғламасдан илтимос қилиш» керак... Лекин улар илтимосингизни бажо келтиришлари учун уларнинг марҳаматига лойиқ бўлишингиз керак, бунинг учун эса ҳамма нарсада уларнинг фикрига қўшилишингиз, уларга бўйсунишингиз ва агар керак бўлиб қолса.... «сабр қилиб жабрга чидаш» беришингиз лозим. Лекин агар Гордей Карпич ёки Уланбекованинг «феъли-хўйига қараб», умуман, уларнинг ҳеч ақлга тўғри келмайдиган аҳмоқликларига қараб ҳукм қилинадиган бўлса, тортиладиган жабр ҳам анча-мунча... Мана шуларнинг ҳаммасига ўзингни тайёрлашинг керак, ўзингни тарбиялашинг лозим, яъни: ўз характерингни синдиришинг, бошингдан бўлмағур фикр-хаёлларни, яъни ишончэътиқодларингни чиқариб ташлашинг, ўзингни тийишинг керак, яъни ўз кишилик қадри-қимматинг ва инсоний ҳуқуқинг тўғрисидаги ҳар қандай фикрларингни бошингдан чиқариб ташлашинг керак. Бебошларнинг ўзлари улар таъсирини ўтказиб турган доираларда дунёга келган ҳамма одамлар устидан шу ҳуқуқларнинг ҳаммасини жуда жойига қўйиб амалга ошириб турибдилар. Шу сабабдан ҳам ҳамма вақт уларнинг қўл остида турган ювош Митялар, Андрюшалар, қулдай лаганбардорлик қилувчи Потапичлар ва шунга ўхшаганларнинг сони-саноғи йўқ. Агар борди-ю, бирон кишида бебошлик таълимини егандан кейин ҳам бирон бир шахсий мустақиллик туйғуси сақланиб қолган бўлса-ю, унинг ақли ўз маслак ва эътиқодларини кўтариб чиқиш қобилиятини ҳали сақлаб қолган бўлса, бундай шахс ва бундай ақл учун йўл ҳамма вақт очиқ: бебошликнинг ўз моҳияти жиҳатдан тўпос ва нодон бир нарса эканлигига биз ишонч ҳосил қилган эдик, демак, ҳар қандай бебошни алдашдан осон иш йўқ. Қолган-қутган ақлини эҳтиёт қилиб сақлаб қолган киши, агар амалий иш соҳасида фаолият кўрсатмоқчи бўлса, «зулмат дунёси»даги бу бебошлар орасида, албатта, шундай алдамчилик йўлидан боради: «ақлли кишининг айёр бўлмаслиги мумкин эмас» деган мақол ҳам шундан келиб чиққан.

Шундай қилиб, бебошларнинг икки хил асрандилари ва мижозлари бор — бир хили — жонли, бир хили — жонсиз. Янчилиб, ҳаракатсиз бўлиб қолган жонсизлари ҳеч мундоқ бирон ҳаракат қилишга ҳам уринмасдан ётганлари-ётган: уларни биров кўтариб бир жойдан бошқа бир жойга олиб бориб ётқизиб қўйса-ку майлику-я, бўлмаса ўша ётган жойларида ириб-чириб кетишади... Жонли хиллари, аксинча, ҳамиша бебошнинг ёни-верига яқинроқ ва тузукроқ жойлашиб олишга ҳаракат қилишади, хонаси келиб қолса, унинг устига чиқиб олиб, ўзи бебошлик қилиш учун оёғидан чалиб юборишдан ҳам қайтишмайди. Янги бебош эса ёмонроқ, хавфлироқ ҳам бўлади, умри узоққа ҳам боради, чунки у илгаригисидан айёррок бўлади, илгаригисининг аччиқ таж-

рибасини кўриб, анча чиниққан бўлади. Ана шу тахлитда бораверади: бир бебош кетидан бошқаси келади. Уланбекова, масалан, Брусковга қараганда анча маданийлашган бебош хилидан бўлгани сингари, бошқа тусдагиси келаверади, лекин бунисининг ҳам талаблари ва характери илгаригисидан никидай бўлади. Эзилганлар томонида бўлган жонли шахслар ўзини таъмин қилишни кўзлаб фрибгарлик йўлига киради, жонсиз хиллэри бўлса ҳаракатсизликлари ва итоаткорликлари билан бебошнинг марҳаматига ва бир томчи оби ҳаётга арзийдиган бўлишга ҳаракат қиладилар (бебош бўлса жонсизлар жуда ҳам жонланиб кетмасин, деб онда-сонда уларга бир томчи оби ҳаёт томизиб қўяди).

Бу «зулмат дунёси»да бебошлик муносабатларининг бутун оғирлиги ҳаммадан кўпроқ хотин-қизлар зиммасига тушишига сабаб нималигини шу қисқа ва оддий мулоҳазалардан ҳам билиб олиш қийин гап эмас. Биз бундан илгариги мақолада эътиборни рус оиласидаги хотин-қизларнинг Островский комедияларида тасвирланган қуллик ҳолига қаратамиз, деб ваъда берган эдик. Биз бу мақоламизда шу масалани етарли қилиб кўрсатиб ўтган бўлсак керак; энди биз яна унинг сабаблари ҳақида бир неча оғиз сўз айтишимиз ва шу билан бирга яна бир комедияни, шу дамгача ҳали тилга олмаганимиз — «Камбагал келин» комедиясини кўрсатиб ўтишимиз лозим.

Жамиятимизнинг қурилишига кўра, деярли ҳамма ерда хотин-қизларнинг аҳамияти ҳудди қадим замондаги текинхўрларнинг аҳволига ўхшайди: хотин киши бутун умри бошқа кишининг ҳисобига яшаши керак. Шунинг натижасида жамиятда ўз-ўзидан хотин-қизлар тўғрисида турли-туман ёмон фикр тугилиши турган гап. Бу «зулмат дунёси»да Брусков, Большов ва шу сингари хонадон эгаларининг ўзлари ҳам бировларнинг ҳисобига яшашади, бу турган гап... Лекин булар ҳеч ким тилга олмаган, лекин ҳамма тан олган текинхўрлик *ҳуқуқини* ҳеч кимга бермасдан ўз қўлларида қаттиқ тутиб турадилар. Шу билан бирга улар ҳатто сиёсий иқтисод қонунқоидаларини рўкач қилиб, шу билан ўзларини яхшига ҳам чиқариб олишади: уларнинг капитали бор (бу капитални қаёқдан ва қандай қилиб топишган, бу билан кимнинг иши бор дейсиз!). Шунинг учун уларнинг процент еб туришга ҳақи бор... Агар бу процентлар савдо ишларида бирмунча кўпроқ бўлса, бунда ҳам ҳеч ким гуноҳкор эмас, демак, рақобатнинг мазаси йўқ экан. Ниҳоят, яна шуни ҳам мулоҳаза қилиб кўриш керак: ҳамманинг билишича ва бебошнинг ўз ишончига қараганда, бебош унинг теварак-атрофида бўлаётган ҳамма нарсанинг ўзаги, маркази ва боши; демак, гарчи унинг ўзи ҳеч нима қилмаса ҳам, бошқаларнинг қиладиган ишига у хўжайин. Иш қилиш ҳуқуқи ва усулларини, ахир, у чиқаради-ку! «Сердаромад жой»да Юсов: «Сени назар-писанд қилмаса, билгинки, сен одам экансан, нафас олар экансан; назар ташлашмаса, сен нима деган одамсан?» деганлай, бебош бўлмаса, бошқа ҳамма кишиларнинг қадри бир пул. Демак, бебошларнинг ўзларининг иш қилмаслиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. «Зулмат дунёси»нинг иккинчи ярми тўғрисида, биз мазлумлар деб атаган қисми тўғрисида гапириш керак. Бундагиларнинг ҳаммаси ҳар тугул бирон иш қилишади. Албатта, уларнинг меҳнати эркин эмас, мустақил эмас; меҳнаткашлар ҳамма жиҳатлардан бебошларнинг раъйига қараб қолган ва кўпинча керак ишдан ва хоҳлаган ишларидан бошқа ишларни бажаришга мажбур бўладилар... Андрей Брусковнинг ўқишга иштиёқи зўрлигини, Митя «ўзини билимдон қилишга» ҳаваси зўр бўлса ҳам, лекин иложини тополмай юрганини эсга олайлик. Демак, улар ҳам ўз билги билан ҳеч иш қилолмайди, бунинг сабаби шуки, ўзини таъмин қиларли ҳоли йўқ, моддий маблағ жиҳатидан бебошнинг ҳар бир раъйига қараб қолган... Лекин шундай бўлса ҳам, улар ҳали, бебош бизни бирданига ҳайдаб юбормайди ва кўчага чиқариб ташламайди, деб умидланиб юришлари мумкин: улар ҳар ҳолда қандайдир бирон иш қиладилар ва бебошга фойдалари тегиб туради. Фараз қилайликки, «Сердаромад жой»да Вишневский чиновникларни қадрламаслиги сингари, Торцов ҳам приказчикларнинг қадрига етмайди ва уларни ҳар куни алмаштириб туриши мумкин. Лекин бўшатиб юборилган кишининг ўрнига бирон кишини яна тайинлаш керак-ку; демак, Торцов умуман одамга муҳтож, демак, ўзида консерватизм кучли бўлганидан, унинг раъйига зид келмасдан, балки унинг кўнглини олиб юрганларни бекорга ишдан ҳайдамайди. Яна шуниси ҳам борки, эркакларнинг ўзлари ҳар қанча назардан четда қолиб, бировга қарам бўлганлари билан, уларнинг қиладиган ишлари ҳар ҳолда маълумотли бўлишни талаб қилади, шу сабабдан ўғил боланинг билими ҳатто Брусковларнинг тушунчаларида ҳам, ёш болалик чоғидан бошлаб қиз болаларнинг билимидан анча кенгроқ бўлади. Масалан, Андрюша Брусков фабрика ишида отасининг тўнғич ўғли, демак, болага яхшилаб, мунтазам илм бериб ўқитмаганда ҳам, ҳар ҳолда у баъзи бир нарсаларни кўриб, кўзини ўргатиши лозим эди. Шу Андрюшанинг онаси эса қизлари тўғрисида бундай дейди: «Қизлар нима бўларди! *Қизларни қулфлаб қўйиши ҳам мумкин, уларнинг ташвиши ҳам озроқ бўлади — ўқитиш ҳам керак эмас, бошқа нарса ҳам керак эмас*». Унинг фикрича, қизларни эрга бергунча йигитлардан эҳтиёт қилиш учун, уларга кўз-қўлоқ бўлиб туриш керак: ундан нарида хотинини бегона кўздан эри эҳтиёт қилади... Островскийнинг шу дамгача қараб чиққанимиз ҳамма комедияларида кўрдикки, унинг «зулмат дунёси»даги ҳамма аҳли фуқаролар хотин-қизларга жуда ҳам паст назар билан қарашади; бу паст

назар жуда соддадиллик ва хушфеъллик билан баён қилинади, шу сабабдан унинг тузалишидан сира ҳам умид қилиб бўлмайди. Бунда ҳатто, масалан, деҳқонлар масаласи ҳақида ёзган бир савдогарнинг адабини бериб қўйган жаноб сингари дарғазаб ҳам бўлишмайди. У жаноб ҳар қанча олижаноблиги тутиб, жаҳли чиққан бўлса ҳам, мухолиф томоннинг қўлида ҳар ҳолда қандайдир куч бор экан, деб шуни гира-шира англаб, унга қўрқа-писа эътибор берганлиги кўриниб туфади; бундаги таҳқирнинг ўзи сунъий, ясама, Островский комедияларида тасвирланган «зулмат дунёси»даги эрларнинг хотинларига, оталарнинг қизларига қиладиган муносабатида бундай парсалардан асар ҳам йўқ. Бу жанобларнинг жаҳли ҳам чиқмайди, хотин-қизларнинг аҳамияти масаласида бирон жиддий қаршилик ҳам кўрсатишмайди: ҳатто хотинлари улар билан ади-бади айтишиб ўтирганда ҳам индашмайди... Улар фақат хотинлар ҳам эркаклар билан тенг мавлуқ, уларнинг ҳам ўз ҳуқуқлари бор, деган фикрни миясига сиғдиришолмайди, холос. Ҳатто хотинларнинг ўзлари ҳам эркаклар билан тенгмиз деб ўйлашмайди. Улар «Яхши туш»даги Ничкинага қўшилишиб: «Хотинлар нима бўпти! Товуқ қуш эмас, хотин киши одам эмас» дейдилар. Хотин кишининг ўзи жамиятда ҳеч бир иш қилмайди, ҳеч бир нарса ортдирмайди, ҳеч қандай роль ўйнамайди, бирон иш устида бўлмайди. Хотин киши нима бўлса ҳам, фақат отаси туфайлидан, эри туфайлидан бўлади... Шунинг учун ҳам кўрган кунига рози бўлиб, ўзи шундай бўлиши лозим бўлса керак, қадим замонлардан буён шундай бўлиб келган, демак, тақдирнинг ёзмиши ўзи шундай экан, деб юра беради... У ўз қадрини билдирмоқчи бўлиб зўрға-зўрға дамини чиқармоқчи бўлганида шундай гапларни айтадики, бу гаплар «Мижозлари тўғри келмади» комедиясида Карп Карпич билан Улита Никитишна ўртасида бўлган мана бу суҳбатга ўхшаб кетади. Бу суҳбатни келтиришимизнинг сабаби шуки, бу суҳбат бизнинг фикримизни тасдиқлаб беришидан ташқари, Островскийнинг бу «зулмат дунёси»да ҳамма ерга уруғи сочилган ва бебошлик билан бир бўлиб, шу «зулмат дунёси»нинг ҳаёти учун асосий замин бўлиб хизмат қиладиган разиллик ва тўпосликнинг кўзга илинмайдиган нозик томонларини ҳам тасвирлаб кўрсатишда қанчалик моҳир эканидан далолат беради.

Улита Никитишна *(чой дамлаб туриб)*. Ҳозир шу кунларда муар антик жуда ҳам расм бўптика.

Карп Карпич. Муар антик деганинг нима ўзи?

Улита Никитишна. Шундақа мата бор.

Карп Карпич. Бўлса бордур, нима қилибди?

Улита Никитишна. Шунчаки айтяпман-да... Серафимочка эрга чиқса, шу матодан кийим тиктирса керак, дейман... Ҳамма хонимлар шундан кийишибди.

Карп Карпич. Нима бало, сен ҳам хонимисан, дейман?

Улита Никитишна. Бўлмаса-чи?

Карп Карпич. Билсанг,— сен ўзингни хоним деб атаганингда, бу сўзни эшитишга қулоғим ҳам йўқ...

Улита Никитишна. Хоним деган сўз ўзи нима бўпти? Нима *(сўз охтаради)* уят ерн бор экан?

Карп Карпич. Қулоғимга ёқмагандан кейин нима дейсан! Бўлтан гап шу!

Улита Никитишна. Серафимочка-чи, у хонимми?

Карп Карпич. Ўрган гап — у хоним бўлмай нима, ўзи ўқиган хотин, эри ҳам барин эди. Сен ким бўлдинг? Бутун умринг жайдари хотин эдинг, эринг бойиб кетувдики, хоним бўлиб қолдинг. Уз ақлинг билан етсанг, бошқа гап.

Улита Никитишна. Пўғ-э! Ишқилиб... и-йз, нима деганинг бу?

Карп Карпич. Айтдим-ку — жим бўл, бўлди қил! *(Ўртога сукунат чўкади.)*

Улита Никитишна. Ану жанги қачон бўлган эди?

Карп Карпич. Қанақа жанг?

Улита Никитишна. Яқинда бўлувди-ку. Нима, эсингда йўқми?

Карп Карпич. Хўш, нима бўпти?

Улита Никитишна. Анча-мунча одамларни офицерликка ўтказишибди.

Карп Карпич. Бўлса ҳам, хотинларни офицерликка ўтказишмаган-ку. Ҳар ким қилган хизматига яраша бўлади.

Улита Никитишна. Ану, бизникига келиб юрадиган мешчанка бор-ку, жияни курсни тамом қилганидан кейин у ҳам эодагон бўлармиш.

Карп Карпич. Кутиб турсанг, сен ҳам бўлиб қоласан.

Улита Никитишна. Қайси бир юртда ҳам хотинлардан тузилган полклар бормиш-ку?

Карп Карпич *(кулиб)*. Гвардия! *(Яна сукунат чўкади.)*

Улита Никитишна. Чой ичиш гуноҳ дейишади-а.

Карп Карпич. Яна бунисн қаёқдан чиқиб қолди?

Улита Никитишна. Ғайри динларнинг юртидан келармиш-у.

Карп Карпич. Ғайри динларнинг юртидан келса нима бўпти?

Улита Никитишна. Сенга айтайми: ноп христиёнлар юртидан келади, биз уни ўз вақтида еймиз: чойничи — қачон ичамиз? Одамлар ибодатга кетаётганда, биз чой ичамиз; ҳозир кечки ибодат вақти, биз бўлсак чойга ўтирдик, демак, бу ишимиз гуноҳ.

Карп Карпич. Сен ўз вақтида ичавер.

Улита Никитишна. Пўқ, ишқилиб...

Карп Карпич. Ишқилиб, жим бўл. Ўзинг ақлинг йўғу, гап сотишни яхши кўрасан. Жим бўл, девпман! *(Сукунат)*.

Улита Никитишна. Серафимочкамиз бахтли экан! Барнига эрга чиқиб — ўзи ҳам бойвучча бўлиб олди: тул қолсанмки, барибир бойвучча. Энди князга эрга чиқса ҳали княгини ҳам бўлиб олади.

Карп Карпич. Ҳаммаси эри туфайли...

Улита Никитишна. Серафимочка князга чиқса-ю, наҳотки мен шу кўйи қолаверсам? Ахир, у мендан бўлган қиз-ку.

Карп Карпич. Сен билан гаплашган киши ўйлаб турган гапини ҳам йўқотиб қўяди. Киши иш тўғрисида ўйлаб ўтирибди-ю, сен аҳмоқонз гапинг билан ўртага суқулиб турасан. Сиз хотинларнинг гапи бир умр ҳам тамом бўлмайди. Жим бўл!— сен тилингни тийсанг, ҳамма иш осон битади — кетади.

Ана шу гаплардан кейин Карп Карпич ўзи билан ўзи гаплашиб, «агар хотинларга дўқ қилмасанг, улар билан бирон иш қилиб ҳам бўлмайди» дейди... Нуқул қиладиган ишлари шуки, эркакларни йўлдан оздиришади, «ҳеч нарса кўрмаган бирон ёш йигит уларнинг ҳуснига учса учарку-я, лекин кишининг ақли кириб, ёши ҳам борадиган жойига бориб қолган бўлса, бу-

дай кишига хотинларнинг ҳусни-жамоли бир пул, ҳатто уни хуш кўрмайди ҳам»... «Зулмат дунёси»дагиларнинг ҳаммаси хотин-қизларга мана шундай назар билан қарашади, шундай қарашганида ҳам, илтифот қилдим деб билишади... Шарқ ақидаларининг салқитлари бунда ҳали анча кўплиги равшан кўриниб турибди. Хотин-қизларни-ку Шарқдагидай рўй-рост бозорга олиб чиқиб сотишмайдику-я, лекин хотин-қизларни ҳеч сотиш деган нарса йўқ, деб айтиб ҳам бўлмайди. Хотин-қизларни сотишда ҳали ҳам жуда риёкор ва беҳаё усулларни ишлатадилар, буни Островский ҳар хил комедияларида тасвирлаб кўрсатган бир қанча совчи хотин образларидан кўрса бўлади. Биз бу образларга тўхталиб ўтирмаймиз, чунки шундай ҳам аллақачон китобхоннинг жонига тегиб кетган бўлсак керак; лекин «Камбағал келин» комедиясидаги унашиш кўринишини кўрсатиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Бу кунлалик ҳаётдан олиб, жуда содда қилиб ёзилган пьеса бўлиб, унда, масалан, «Сердаромад жой»даги тул хотин Кукушкинанинг муҳокамалари сингари бўртдириб кўрсатилган жойлари ҳеч йўқ. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, бу пьесадаги ҳамма можаролар комедия тўғрисида ўйлаб қолган кишини даҳшатга келтиради... Марья Андреевнанинг онаси Анна Петровна — ожиза, ғўр бир хотин, унинг ўзи айтмоқчи, эси-ҳуши йўғроқ хотин. Унинг ҳар бир қадами, у ҳам умрининг катта қисмини қандайдир зулм остида ўтказиб, ҳар қандай мустақиллик ва дид-фаросатдан маҳрум қилинганлигини аниқ ва равшан исбот қилиб беради, унинг бирон нарсага ақли етмайди, ўзини нимага уришини ва нима иш қилишини билмайди, беҳудадан беҳуда алланималар билан овора бўлиб, қизим шу вақтгача ҳам эрга чиққани йўқ, деб зорланиб юради. Бу хотин ўзининг тамомила ожизлигини билганидан, доимо: «уйингда эркак одам бўлмаса нима қилардинг, ҳеч ақлим етмайди... Биз уйда ўтириб нимани ҳам билардик. Будкачи қандайдир бир қоғоз кўтариб келди. Унда нима борлигини ким биларди. Биз хотинларнинг кунимиз шу-да! Худди овсар одамдай бўлиб юраверамиз... Эрталабдан буён пулнинг ҳисобига етолмай гарангман... Эркак киши бўлмаса, нима бўларди, ҳеч ақлим етмайди; бўлмаса, йўқ жойдан ҳам бало чиқиб тура беради» деб жовраб юргани юрган. Кўрдингизми, буниси энди шундай бир ожизликки, бу хотин эрининг олдида, ёки ўзидан бақувватроқ бирон бошқа киши олдида ғинг деб овозини ҳам чиқаролмайди. Лекин, бебошлик шамоли унга ҳам таъсир қилганидан, йўл-йўриқ билмагани, ақл — фаросати бўлмагани ҳолда, қизининг тақдирини ҳал қилади, қизини сўкади, унга таъна-тазарру қилади, она деганнинг гапига қулоқ солиш керак деб қизининг қулоғига қайта-қайта қуйиб туради, лекин кишилик ҳис-туйғуси нима-ю, жонли инсон шахси нималигига асло ақли етмайди. Булар ҳаммаси бебошлик таъсири остида олинган тарбиянинг бевосита ва шубҳасиз аломатларидир-ки, бу аломатлар унинг ҳатто энг

уқувсиз кишиларга ҳам жуда осонлик билан юқишини исбот қилиб беради. Бебошлик ва жинс деган нарсани, на ёшни ва на мартаба деган нарсани тан олмаса керак. «Зулмат дунёси»да умуман шу қадар эзилиб, хўрланиб ётган хотин-қизлар ҳам бебошлик қилиши мумкин, қилганда ҳам қандай дейсиз. Уланбековани мисол қилиб олайлик... Ёш болалар, қари кишилар; савдогарлар, чиновниклар, помешчиклар — булар ҳаммаси, ким десангиз, шу, имкон бўлган зоҳоти бебошлик йўлига киришади... Кишига ҳамма лаънат кўзи билан қарайди, у минг марталаб расвойи олам бўлган, юрак олдириб ҳаммадан қўрқиб қолган, шундай мўмин-қобил бўлиб қолганки, ҳатто ариқдаги сувни ҳам лойқаламайдиган бўлиб қолган!.. Лекин агар у бирон ўғил кўрса, ёки унинг қўлига бирон асранди бола тушиб қолгудай бўлса, хизматкори ёки қарам бирон одами бўлса борми,— шу ондаёқ уларга зулмини ўтказиб, бебошлик қила бошлайди, лекин у билан учрашганида унга салом бериб ўтмаган ҳар бир кимсадан қўрқиб титраб туради... «Зулмат дунёси»нинг ўзи ана шундай дунё, ундаги иерархиянинг қонун-низомлари шундай: бу дунёда инсоннинг шахсий характерининг ҳам ҳатто унчалик аҳамияти йўқ... Бородкин айтмоқчи, «Ҳамма ишлар кўпроқ бебошликдан, қолаверса, аҳмоқликдан бўлади».

«Зулмат дунёси» ҳақидаги биринчи мақоламизда бу дунёда жуда оғир жиноят ишлар нима сабабдан содир бўлиши ва нима сабабдан одамлар ўртасида инсон шаънига асло тўғри келмайдиган муносабатлар пайдо бўлишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилиб, бунинг сабаби — кишиларнинг нияти ёмонлиги ёки ичи қоралигида эмас, балки шунчаки жуда чекланган ва ғира-шира тушунчалар масаласида ҳам тўпослик ва нодонлик ҳукм суришиландир, деган хулосага келган эдик. Шуни китобхонларнинг эсига солиб, бунда биз фақат шу нарсани айтиб ўтамизки, Анна Петровна *аҳмоқликдан қилинадиган бу беадабликни* кўрсатадиган энг ёрқин образлардан биридир. Унинг қизига муносабати ўта кетган ахлоқсизлик жумласига киради: У Машенькани уззукун изза қилиб, ҳадеб ундан зорланиб, таъна қилавериб, уни жуда ҳам жонидан тўйдириб юборади, ҳатто тутқаноқ тутадиган қилиб қўйган: «мен сени боқиб ўстирдим, сени парвариш қилиб келдим, энди сендан кўрган яхшилигим шу бўлдими!.. Сен ўжарлигингни бас қилмай, эрга чиқмай ўтирибсан, қариган чоғимда кўзимдан ёш аримай қолди... Ахир, биз дўзала бўлиб ўтирибмиз-ку; қариганимда ҳолим нима кечаркин,— нима энди, бир камим кухаркалик қилайми? Сенга шўхлик бўлса бўлгани, онангни эсингдан чиқариб юборинг, онанг учун қўлингни совуқ сувга ҳам ургинг келмай қолди... Нима ҳам дердим, менинг бахтимга яхши кишилар ҳам чиқиб қолар, мен кампирни кўчага ташлаб қўйишмас!» деб холи-жонига қўймайди. Марья Андреевнанинг қулоғи шундай гаплардан ҳеч қутулмайди, ҳар кун, ҳар соат шундай гина-таъналарни эшитиб туради. Ўз қизига шундай тамагирлик

ган Серафима Карповна буни яхши билади. Эрга чиқиш вақтида у, эримга пул бермайман, деб аввалдан ваъда бериб қўяди, у: «қўлимда капитал қолмаганидан кейин нима ҳам қила олардим? Ҳеч нарсага арзимай қоламан» дейди, бунга отаси жуда маънодор қилиб, «бўлмаса-чи» деб жавоб беради!.. Эрга чиққанидан кейин у сўзида туради, эри ундан пул сўраганда, отасиникига жўнаб кетади; у ердан эрига хат ёзиб юборади, хатда, жумладан мана бундай фалсафа баён қилинган: «Қўлимда капитал қолмаганидан кейин ҳолим нима кечарди?— Мени ҳеч ким писанд қилмай қўяди. Қўлимда пул бўлмаса,— мен бировни яхши кўрсам кўрарман-у, лекин бировлар мени яхши кўрмайдиган бўлиб қолади. Қўлимда пул бўлса-чи,— мен бировни яхши кўрсам, бировлар ҳам мени яхши кўради, икковимиз ҳам бахтлик бўламиз»... Серафима Карповнанинг гаплари тўғри-ку, ахир!..

Хотин кишининг қўлига пул тушиши ҳам жуда онда-сонда учрайдиган ҳодиса. Хотин киши бадавлат эридан ёш чоғида тул қолгандагина пуллик бўлади. Бўлмаса қўлига қаёқдан пул тушарди дейсиз? Пули бўлганда ҳам, уни нима қиларди? Ешига ёки майлига қараб, магазинма-магазин юриб пулини кийим-кечакка сарф қилади, ёки бўлмаса монастирларга улашиб беради. Бундан бошқа бирон иш қўлидан келмайди. Ундан кўра, пулини бирон тузукроқ ишга солиши маъқулроқ.... Қонунга мувофиқ текканда ҳам, унга мероснинг ўн тўртдан бир қисми тегади, агар қонунга риоя қилинмаса, бу ҳам йўқ... Барибир, унинг қўлида пул турмайди... Жуда деганда, ўзига бирон яхши эр сотиб олиши мумкин... Лекин, ҳеч вақт шу ҳам бўлмайди деса бўлади, бой хотинга куёвликка тополадиганлар нуқул Вихоревлар, Баранчевскийлар, Бальзаминовлар, Прежневлар бўлади... Бу жанобларнинг бариси «Яхши туш»да Неуеденов таъриф қилиб берган тонфага кирадиган кишилар бўлади: «Бири ҳар қанақа бўлса ҳам бирон хизматга суқилиб кириб олади-да, бир йили кам бир ҳафта ишламасданоқ думини ликиллатиб қолади, қараса — тўғри келмас экан, ақли калталик қилиб қолади, чунки ёшлигида ўқишнинг қадрини билмаган, тўртдан иккини олишга ҳам ақли етмайди, олдин дангасалиги туғилиб, кейин ўзи туғилган, лекин бойваччалик қилгиси келади: ана шундан кейин бирон пули кўп аҳмоқ хотин учраб қолмасмикин, деб кўчама-кўча, сайлма-сайл кезиб тўрт кўз бўлиб юради»... Дарҳақиқат, бу жанобларнинг афти-ангори шундай чиройли ва ўзлари шу қадар аҳмоқ кишиларки, эсингга тушганда кўнглинг айнайди; кўпчилиги ё ҳарбий хизматда бўлиб қайтган, ёки энди хизмат қилмоқчи бўлиб юришади, бебошликка майл қўйган бўлишади ва уларни ўқимишли кишилар қаторига қўйсалар, жуда ҳам суюниб кетишади. Лекин уларнинг жоҳиллиги ҳамма жиҳатдан бебошларнинг жоҳиллигига тенг келади ва паст табақаларнинг,

ўқишини ман қилган бебошлик системаси борлиги туфайлидангина улар шу муҳитда кулги бўлмасликлари мумкин. Биз «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиясини текширганимизда Авдотья Максимовнанинг нима сабабдан Вихоревга бунчалик кўнгил қўйиб, унга шайдо бўлганлиги ҳақида жуда кўп гапириб ўтдик. Бунда энди биз «Камбағал келин»да Марья Андреевнанинг Меричга худди шундай кўз билан қарашини кўрсатиб ўтамиз, холос. Биз Островский комедияларидаги воқиалар ва шахсларнинг айрим бадиий қимматларини текшириб чиқиш вазифасидан ўзимизни илгариданоқ озод қилиб қўйдик, шу сабабдан, Меричнинг характерини ҳам батафсил текшириб ўтирмаймиз. Лекин, Островскийнинг яратган бу образи жуда зўр маҳорат билан яратилганлигини, ёмон ва жирканч эмас, балки анча тузук, бинойидай одам бўлса ҳам, лекин турган-битгани пасткаш, разил одам образини яратиб берганини кўрсатиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Бу бизнинг энг яхши адабий асарларимизда тасвирлаб берилган бир неча типларнинг биридан кўчирилган нусха эмас: у Онегин ҳам эмас, Печорин ҳам эмас, Грушницкий ҳам эмас, умуман ҳатто *ортиқча киши* ҳам эмас. Уларнинг маънавиятида ҳар ҳолда қандайдир бир хислатлари бор, улар шу хислатларини фазилат деб ҳисоблайдилар, шу фазилатларининг қадрига етадилар, шу фазилатлари туфайли ўзларини туйғулик инсон деб жиддий ўйлаб юрадилар. Лекин, уларнинг балоси шундаки, улар табиатан пасткашроқ одамлар, бирон тузук маълумотлари ҳам йўқ, шундай бўлгандан кейин ҳеч нарса уларнинг онгига бориб етмайди, улар бирон ишга астойдил кўнгил қўйиб кириша олмайди. Меричда бўлса бирон жиддий маслак деган нарса ҳам йўқ: ҳар қандай ҳақиқат, ҳар қандай жиддий ҳис ва ният ҳам ундан чўчиб, ўзини ундан четга тортиб туради; у худди ҳеч қачон бирон онгли ҳаёт кечирмагани у ёқда турсин, ҳатто бу онгли ҳаёт дегани ўзи нималигига ҳам ҳеч ақли етмайдиганга ўхшайди... Ҳеч нарса аралашмаган, ҳеч бўёқ емаган асл разолатдан бошқа ҳеч нарса йўқ, табиатидаги разолат унинг ҳар бир сўзида, унинг ҳар бир ҳаракатида акс этиб кўриниб туради... Ана шундай бир кишини туппа-тузук, бамаъни, яхшигина ҳис-туйғулари бор бир қиз яхши кўриб қолади!... Еш ўсмирни мумкин қадар кўпроқ тутқун қилиб, уни қоп-қоронғи зимистонда мумкин қадар кўпроқ сақлаб туришни ўз бурчи деб ҳисобловчи бебошлик тарбия системасининг муқаррар оқибатлари ана шундай бўлади...

Марья Андреевна камбағал қиз, демак, Мерич унга уйланмайди, у ҳам бой қиз ахтариб юрганлардан. Лекин, «зулмат дунёси»да ақли паст камбағалларнинг камбағал қизларга уйланиб қолиш ҳодисаси ҳам учраб қолади... Шўру ғовғани ана ўшанда кўрасиз!.. Бу шўру ғовғани Островский «Сердаромад жой»да жуда яхши тасвирлаб берган. Катта бир одамнинг жияни ёш Жадовнинг воқиаси, либераллик қилгани учун ама-

кисининг жаҳлини чиқариб, унинг лутфи-карамидан маҳрум бўлиб қолгани, кейин, чиройли ва раҳмдил бўлса ҳам, лекин камбағал ва аҳмоқроқ Полинага уйланиб, бирмунча вақт муҳтожликда, хотинидан гап эшитиб тоза изза бўлгани, ундан кейин яна амакисининг ёнига бориб, бирон сердаромад жойга ўрнаштириб қўйишни илтимос қилгани, албатта, китобхонларнинг ёдида бўлса керак. Бизнинг фикримизча, бу комедиянинг энг яхши томони шуки, унда оиладаги муносабат яхши тасвирланган ва шу муносабатнинг ижтимоий ишларга қандай таъсир қилганлиги кўрсатиб берилган. Биз расмий суратда жуда таҳқир кўзи билан қараб, айёр ва порахўрлар деб ном қўйиб, ёмон отлик қилиб юрадиган бу кишилар ҳаётининг ички, маънавий томони ҳам жуда қизиқ. Бунда Островский талантининг асосий фазилатларидан бири — кишининг юрагидагини топиб, расмий мартабасига қарамай, инсонийлик хусусиятларини тасвирлаб кўрсатишга усталиги жуда ҳам равшан ифода қилинган. Биз «Қўйнидан тўкилса»ни текшириб чиққанимизда бу ҳақда жуда кўп гапириб ўтган эдик, шу сабабдан, энди махсус чиновникларга хос баъзи бир томонларини кўрсатиб ўтамиз, холос. Порахўрларнинг меҳрибонлиги ва жуда бир нучук ҳалоллиги «Камбағал келин»да Добротворский образидаёқ бир неча бўёқлар билан салпал тасвирлаб кўрсатилган эди. Лекин, «Сердаромад жой»да Юсов билан Белогубов образларида бу бўёқлар жуда ёркин қилиб берилган. Бу образлар бизни, тўғридан-тўғри, қонунга зид бўлаётган бу ишларнинг ҳаммаси, уларнинг жамиятдаги сохта мавқеининг ва шу сохта мавқеи туфайлидан уларнинг ҳосил қилган сохта тушунчаларининг оқибатидан бошқа нарса эмас, деган фикрга олиб боради. Уларнинг сохта мавқеи ҳам яна ўша «зулмат дунёси»даги ҳамма ифлосликларнинг умумий сабабларидан бири бўлган бебошликнинг оқибати, холос. Чиновниклар орасидаги бу бебошлик савдогарлар орасидагидан ҳам бешбадтар ифлосроқ ва ёмонроқ, нега десангиз, бунда гап ҳамма вақт умумий манфаатлар устида боради ва ҳуқуқ ҳамда қонун деган ном остига яширинган бўлади. Бундан ташқари, биз бунда жуда кўп бебошлик турлари ва даражаларини кўрамиз; қанча юқори чиқилса, бебошлик аслида шунча кўпроқ юзсиз ва умум манфаати учун шунча кўпроқ ҳалокатли бўла боради, лекин формалари, турлари шунчали салобатли ва дабдабали бўлади. Юсов болалик вақтида майда-чуйда чиновниклар унга худди кучукка муомала қилгандай муомала қилишарди; Юсов энди Белоусовни унчалик хўрламайди; Вишневский бўлса Юсов билан уни шундай иззат-ҳурмат қилиб гаплашадики, буни кўрганда, унга фақат таҳсин ўқишга мажбур бўласан, киши, бунинг хижолатпазлик жойи ҳам йўқ. Лекин, аслида Вишневскийнинг маҳкамасидаги ҳамма бало-қазоларнинг сабаби шуки, унинг ўзи бебошлик балосига йўлиққан, ундан бошқа-

ларга ҳам юққан. Ҳеч ким ҳеч қандай қонунни тан олмайди, ҳалоллик деган нарсанинг ўзига ҳеч кимнинг ақли етмайди, кимки дунё топишга уста бўлиб олган бўлса, ўшани ақлли одам деб билишади, кимки катталарнинг олдида бош эгиб турса, ўшани жуда яхши одам деб билишади. Юсов софдиллик билан, мен ҳеч кимга катталик қилиш деган нарсани билмайман, кеккайиб юрадиган ҳозирги замондаги олифта муллаларни, хуш кўрмайман, дейди: «Бундайлар билан, дейди, мен гапни чўзиб ўтирмайман, талабни қаттиқ қўяман: менинг одатим шуки — ишнинг фойдасини кўзлаб уларни кўлимдан келганча сиқувга оламан, чунки улардан зарар тегади». Унинг масалага шундай қараши бежиз эмас, чунки унинг ўзи «икки йилча югурдаклик қилиб юрган, ҳар хил комиссияларга хизмат қилган: ароқ ҳам олиб келиб турган, югуриб бориб пирог ҳам олиб келган, квас ҳам ташиб турган, ўзи ўтирганда ҳам стулда эмас, дераза ёнида ўтирган. ёки бир бойлам қоғозни тагига қўйиб ўтирган, ёзганида сиёҳдондан ёзмасдан, эски мой упа идишидан сиёҳдон қилиб ёзган,—энди бўлса одам қатори бўлиб қолди» — энди келиб, «бу кўргилигимизнинг ҳаммаси биздан — эмас, юқоридан!..» деб тан олиб қўяди. Шу сабабдан, у ўқимишли кишиларни ичи коралигидан, айёрлигидан сиқувга олмасдан, унда ростдан ҳам ўқиган кишиларнинг хизматга зарари тегади, деган фикр туғилиб қолган... Белогубовда ҳам шундай тушунча пайдо бўлган, Белогубов бундай дейди: «киши ҳеч нарсадан қўрқмаганидан кейин, бошлиқлардан ҳайиқиб турмаганидан кейин, илмдан нима фойда чиқарди». Уларнинг бошқача фикр қилиши ҳам мумкин эмас, чунки уларнинг атрофидаги ҳамма нарса, ҳар бир қадамда уларнинг фикрини тасдиқлаб туради. Улар билан баҳслашадиган *ўқимишли кишилар* ҳам, улар ҳам тез-тез ўз юриш-туришлари билан ўзларининг ноҳақ эканликларини очиб берадилар! — Жадов ҳам худди шундай қилади. Дастлаб Белогубов Жадовдан нима учундир тортиниб, унинг ақли ўткирроқлигига тан бериб юрди. У, киши — ўзини паст олиб, разиллик қилиши, кўнглига келган гапга қулоқ солиб ўз ихтиёридан воз кечиши ҳамма вақт ҳам хуш ёқавермаслигини ғира-шира сезиб юради. Жадовнинг ҳеч кимдан тап тортмасдан кўнглига келган ишини қилаверишини ва ҳеч кимнинг кўзига қараб турмаслигини кўриб Белогубов унга ҳасад қилиб юрарди, деса бўлади. Унинг унашиб қўйган қизи, Жадов тўйини кейинга сураётгани йўқ-ку, нега сиз кейинга сурясиз, деб савол берганида, у: «унинг йўли бошқа. Унинг амакиси бой, *ўзи ҳам ўқимишли одам, қаерда хохласа, унга иш топилаверади. Ўқитувчилик ҳам қилса бўлаверади — ҳамма ерда нонини топиб ея беради. Мен бўлсам ким бўлман? Маҳкаманинг бирон бўлимига бошлиқ қилишмагунча, қўлимдан ҳеч иш келмайди»* деб жавоб беради... Лекин, Жадов ишлаб турган ўрнидан ҳам маҳрум бўлиб қолганда, Белогубов маҳ-

камада бўлим бошлиғи вазифасига ўтириб олгандан кейин, энди ўзига мағрур бўлиб, Жадовнинг ҳолига ачинадиган бўлиб қолди, у билан трактирда учрашганида унинг ҳолига ачинганини айтади ҳам. Дарҳақиқат, Жадовнинг *ҳеч кимдан ҳайиқмайдиган бўлиб, ўқиб илмлик бўлиб олганидан* нима маъни чиқди? Бундан чиққан маъни шу бўлдики, ўзи ҳам қийналди, бутун бир йил хотинини ҳам қийнаб қўйди, ниҳоят, амакисининг ҳузурига бориб Белогубовнинг ишлаб турган ўрнини сўради-ку.... Амакиси ҳам унинг қилмишига яраша боплаб танбиҳини берди... «Мана,— дейди у,— кеккайиб юрган қаҳрамонларимизнинг ҳоли шу экан-ку! Ҳар бир муюлишда порахўрлар дастидан дод деб бақириб, қандайдир янги авлод тўғрисида гап сотиб юрган ёш йигитча энди бизнинг ёнимизга келиб, сердаромад жой сўраяпти, ўзининг ҳам пора егуси келиб қолибди!.. Ана сизга, янги авлоднинг ҳоли!..» дейди.

Вишневский умуман ўзининг sta u quo нуқтаи назарини маҳкам ушлаб олиб, Жадовнинг ҳамма олижаноб гапларини мантиқ билан кун-фаякун қилиб ташлайди ва ҳозирги шарт-шароитда ўзини ҳам, оиласини ҳам ҳалол йўл билан таъмин қилиши мумкин эмаслигини, икки карра икки тўрт бўлганидай, унга исбот қилиб беради. Ҳалол иш қилиб дунё ортдириш жуда ҳам қийин гап, бировларнинг кўнглига қараб иш қилишга бўйин ёр бермай, қаршилик кўрсатадиганларга у ҳам йўқ. Бу, камбағалликда учраб турадиган тасодиф эмас, балки «зулмат дунёси»да авжига чиқарилган бебошлик системасидан бевосита ва муқаррар келиб чиқадиган зарурат-ку, ахир. «Пешонаси етти қарич бўлганда ҳам, агар сиз хуш кўрмасангиз, қашшоқ ҳолича қола беради; ўзидан кўрсин: марҳаматингизга лойиқ бўлолмабди-ку ўзи». «Зулмат дунёси»даги бутун ҳақ-ҳуқуқ ҳам, унинг бутун фалсафаси ҳам ана шундай! Шундай бўлгандан кейин, агар Юсов, Вишневскийнинг бутун маҳкамаси судга тушганини билгач, булар ҳаммаси «қилган гуноҳларимизга яраша бўпти — *таккаббурлигимиз бошимизга етди...*» деб астойдил кўнглидаги гапини айтган экан, бунинг ҳеч қандай ажабланадиган ери йўқ. Вишневский ҳам худди шундай дейди. Лекин, бир оз маъқулроқ гап айтади: «Менинг юқори мартабага тез чиқиб олганим,— дейди у,— ва анча-мунча бойиб олганимни кўриб бадавлат одамлар мени ёмон кўриб қолишди...» Ҳар иккала администратор бир-бирининг фикрига қўшилиб, кейин ўз қилмишларининг қонунийлиги масаласида тамомила хотиржам бўлиб қолаверади... Уларнинг қилмишлари, ҳамма тушунча ва умидлари ҳам, «зулмат дунёси»даги умумий шарт-шароит ва ундаги ҳол-аҳволга жуда мос келгандан кейин, улар хотиржам ўтиравермай нима қилишарди дейсиз?..

«Лекин бу зимистондан ёруғликка олиб чиқадиган бирон йўл бордир, ахир?.. Бизга «зулмат дунёси»ни шундай тўғри ва

тўла тасвирлаб берган, унда яшовчиларнинг ҳамма хилларини кўрсатиб, уларнинг дилидагиларни кўриб, баъзи бир инсонлик хусусиятларини кўриб олишимизга имкон берган Островский бу зулмат гирдобидан ёруғ дунёга чиқиш мумкинлигини ҳам кўрсатиб бериши лозим эди... Бўлмаса — бўлмаса жуда расво иш бўлади,— биз ҳал қилиб бўлмайдиган дилемма олдида қоламиз: ё очликдан ўлишинг, ўзингни сувга ташлашинг, ақлдан озишинг керак, ёки ҳеч нимага парво қилмасдан умр кўриш учун фикр ва иродангнинг овозини ўчиришинг, ҳар қандай маънавий фазилатдан маҳрум бўлишинг ва бировларнинг иродасини қулдай бажо келтирадиган бўлишинг, порахур ва фирибгар бўлишинг лозим бўлади... Агар бу ажойиб ёзувчининг бутун санъаткорлик фаолияти бизни фақат шундай хулосага олиб борадиган бўлса, жуда қайғули иш бўлади!..»

Жуда қайғули ҳол,— турган гап; лекин, нима иложимиз бор? Биз шуни эътироф қилишимиз керакки, Островский асарларида «зулмат дунёси»дан қутулиш йўлини тополмадик. Бунинг учун санъаткорни гуноҳкор қилиш керакми? Яхшиси, ўзимиз теварак-атрофимизга назар ташлашимиз керак эмасми, атрофимизда бир зайилда, шалпайиб, чориғини зўрға-зўрға судраб ўтаётган ҳаётнинг ўзига талаб қўйишимиз лозим эмасми? Островский асарларининг биринчи саҳифасидан то сўнгги саҳифасигача ҳар хил оҳангда бурқираб турган бебошликнинг юракни қон қиладиган таъсири остида нафас олишимиз ҳам жуда қийин, бу тўғри гап: лекин ўқишни тамом қилиб, китобни бир чеккага қўйганимиздан кейин ҳам, Островскийнинг пьесаларидан бирини театрда кўриб чиққанимиздан кейин ҳам,— ахир, шундан кейин ҳам теварак-атрофимизда яна ўша беҳисоб Брусковлар, Торцовлар, Уланбековлар, Вишневскийларни кўриб турганимиз йўқ дейсизми, уларни ўлимтик нафаси бизга ҳам уриб турганини сезмаяпмиз дейсизми? Санъаткор ўзининг ёрқин тасвирлари билан бу зулмат дунёсида у ёқ-бу ёққа назар ташлаб олишимизга имкон бергани учун унга ташаккур билдирайлик. Шу ҳам катта гап... Нажот йўлини эса турмушнинг ўзидан қидирмоқ керак: адабиёт ҳаётни акс эттиради, холос, ва воқеликда йўқ нарсани ҳеч маҳал тасвир қилиб беролмайди...

Айтмоқчи, ҳаётнинг ўзида бу зулматдан қутулишга интилишлар бўлиб туради: Островскийнинг комедияларидаги шундай интилишларни ҳам бир чеккада қолдириб ўтиб бўлмайди. Лекин, бу уринишлар жуда даҳшатли уринишлар, шуниси ҳам борки, улар фақат уринишдан нарига ўтмайди. Биз Островский асарларида турмуш доғларидан тамомила мусаффо кишиларни тополмаймиз. «Сердаромад жой»даги Микин, эҳтимол, соф кишидир, чунки ҳеч қандай ижтимоий хизматда қатнашмайди, фақат «бир оз муаллимлик» қилади. Лекин, унинг Жадов билан қилган суҳбатларига қараб ҳукм қилсак, биз уни жуда оз биламиз, ҳали у ҳақда бирон қатъий фикр айта олмаймиз.

«Камбағал келин»дэ ҳам яна бир қиз бор, у шу қадар истараси иссиқ ва жуда одобли қизки, кимга дуч келиб қолса, у кишига қаттиқ кўнгил қўйиб, бутун умри ундан жудо бўлмагиси келади. Лекин, бу қизга ҳам бошқаларнинг доғи тегиб қолган. Бу — Беневоленский уйланишидан олдин у билан беш йил бирга турган Дуня деган қиз, энди бу қиз тўй қий-чувидан фойдаланиб, одамлар орасига кириб олиб яқинигинада ҳам дўстлик қилиб юрган Беневоленскийнинг қаллиғини кўргани келган. Дуня буфетдай қилиб қўйилган даҳлизда Беневоленскийнинг ўзи билан учрашиб қолади; ёнида Паша деган ўртоғи ҳам бор, шу ўртоғига бундан сал илгари, Беневоленский базан ичиб келиб, қилган тўполонларининг учини чиқариб гапириб берган эди. Беневоленский уни кўриб қолиб, бир оз хижолат тортади ва илтимос қилиб, эҳтиёт бўл, дейди. «Е ҳозир бир тўполон кўтарайми?»— дейди Дуня.—«Аҳмоқ қиз, аҳмоқ! Сенга нима бўлди?»— деб қўрқиб гапиради Беневоленский, лекин Дуня, «энди сенинг ёнингга қадам ҳам босмайман» деб ваъда бериб, уни тинчитиб қўяди. Шундан кейин Беневоленский Дуняни алдаб-сулдаб тўйдан кеткизмоқчи бўлади, шунда улар ўртасида мана бундай бир гап ўтади, бу гап бизга қизнинг туйғулари жуда мусаффо ва олижаноблигини кўрсатиб беради:

Беневоленский. Дуня, ҳозир сен бу ерда нима ҳам қилардинг! Келинни кўргин-у кета қолгин.

Дуня. Кўриб бўлдим. *Жуда ҳам чиройли экан-а, Паша,— жуда ҳам сўлув экан! (Беневоленскийга қараб.) Ўзинг бундай хотин билан тура олармикинсан? Бировнинг умрини бекорга хазон қилма яна.* Уволига қоласан. Энди ўзингни тий, яхши тургин, у мен эмас, қанча бирга умр кўрган бўлсак ҳам, кўрмагандек бўлиб қола бердик. *(Кўз ёшларини артади.)*

Паша. Сен, ҳеч ишга юрагим ачимайди, деган эдинг-ку...

Дуня. Ахир, мен бир вақтлар уни яхши кўрардим-да... Ахир, вақти келиб ажралиш ҳам керак-ку, бутун умр шундай туриб бўлади, дейсанми? *Хотин олгани яхши бўпти, ишқилиб, тузукқина туриб кетар...* Ҳар ҳолда, Паша, беш йилча бирга узр кўрдик-ку... Кишининг хўрлиги келаркан... Яхшилигини ҳам кўрмадим эмас, кўрдим... Лекин, гупроқ умрим йиғи билан ўтди... Қилган шармандагарчиликларини қўяверасан. Беш умрим хазон бўлиб кетди, эсга оладиган бирон хотирот қолгани йўқ.

Паша. Нима ҳам қилардинг, Дуня...

Дуня. Эшиклан кириб келса, келганига ҳам ўзимда йўқ сўюниб кетган пайтларим ҳам бўларди... *Энди инсоф қил, яхши тур.*

Беневоленский. Бўлмаси-чи! Яхши тураман, хўп!

Дуня. Бўлмаси-чи! *Бутун умрини шундай ўтказмайди, бу мен эмас...* Хўп, хайр энди, ёконлаб тилга олма, яхшилаб оладиган ҳеч нарса ҳам бўлгани йўқ, менга ўзи нима бало бўлди, ростданам, аҳмоқ хотинлардай кўз ёши қилиб ўтирибмана! Э, бўлганича бўлавермайдими, Паша,— дард-аламимиздан арқон эшармиз!

Беневоленский. Хайр, омон бўл, Дуня.

Дуня. Адье, мусье! Қани юр, Паша. *(Чиқиб кетишади.)*

Островский комедияларидаги образлардан биронтасида бундан мусаффороқ маънавий туйғу борлигини кўрганимиз йўқ. Бу Русаковнинг қизидаги сингари бефарқ раҳмдиллик эмас, Любовь Гордеевнадаги сингари ювошлик ва маъсумалик эмас, Надя амал қиладиган ва тажрибасизлигидан чиқкан тушунчалар эмас... бунда англаб-билиб туриб қилинган жасорат унинг ҳар бир сўзидан кўриниб турали: бу қизнинг бутун вужуди эзилиб йўқ бўлиб кетган эмас: аксинча, у Беневоленскийга ҳақи бўлгани ҳолда, шу ҳақидан воз кечиб, қилаётган яхшилигини ўзи англаши туфайлидан, бутун вужуди билан завқланади, кўнгли янада очилади. Бу қизнинг тўполон кўтариб, дили сиёҳликка сабаб бўлиши ҳеч гап эмас эди; лекин, унинг бунга раъйи йўқ, у келиннинг ҳақиқатан чиройли эканлигини астойдил тан олади, шу билан собиқ дўстининг бахтли бўлишини кўриб ўзи ҳам чин кўнглидан хурсанд бўлади. Нияти жуда тўғри бўлганлигидан, бу қиз унинг уйланаётганига суюнади, чунки унинг уйланишини кўриб, ахлоқ-одоб жиҳатдан тўғри йўлга тушиб олар, деб умид қилади... Бундан ташқари, у хотиндан, рақибасидан хурсанд бўлиб, соф кўнглидан у ҳақда ташвиш қилади... Ниҳоят, мана шу арқон қилиб эшилган дарди-аламлар ва бир қадар ноз-карашма қилиб хайрлашишнинг ўзи жуда ажойиб, ёқимли характер ифодаси эмасми,— яна шуниси ҳам борки, шу нозланиб хайрлашишда ҳали ҳам кўнглини узолмай, севги дардида юрган маъюс ва хафақон қалбини кўрмаслик мумкин эмас... Нима ҳам дея олардингиз, бу қиз дилига ва инсонга хос олижаноблигига гард ҳам тегизмасдан мусаффо сақлаб қолган. Лекин, унинг жамиятимизда қандай ўрни бор? Жамиятимиз уни оқ қилиб ташлаган эмасми? Бу қиз олижаноблиги ва дилининг поклиги билан кўз олдимизда порлаб бизни беҳад хурсанд қилиб турган экан, бунинг сабаби жамиятимизнинг уни оқ қилганлиги эмасмикин, ижтимоий муҳитимизда тўлиб-тошиб ётган шу бебошлик зулматидан ўзини четда тутиб турганлиги эмасмикин?..

Островскийнинг комедияларида маънавий кучи бундан ҳам зўрроқ яна бир образ бор. Бу — Любим Торцов. У ўзи чувринди, пияниста, дагал одам; ҳаёт майиб қилиб қўйган, у ўз жиловини ҳам жуда бўш қўйиб юборган. Лекин, ўша турмушнинг ўзи уни тап-тайёр турган ҳаёт воситаларидан маҳрум қилиб, хўрликка солиб, муҳтожликнинг нималигини татиб кўришга мажбур қилиб, унга қилган яхшилиги шу бўлдики, ундаги бебошлик негизларини парча-парча қилиб ташлади. У, Гордей Карпичнинг иниси бўлиб, унинг ўз ҳикояларига қараганда, ёшлигида қилган бебошлиги ушикидан кам бўлган эмас. Лекин қаҳратон қиш кунлари бир мири деб масхарабозлик қилганлари, садақа сўраб юрганлари, акасининг раҳми келиб, уникига сиғиб юрганлари, унга қандай таъсир қилган бўлса, ҳозир унда инсонлик туйғуси ҳам уйғонди, ҳақиқатни англайдиган бўлди, камбағал огайниларига раҳми ҳам келадиган бўлди, ҳатто меҳнатга ҳурмат билан қарайдиган бўлди. Любим Торцов акасидан қизини Митяга эрга беришни илтимос қиларкан, бунинг устига яна: «менга бошпана беради;

танамга хўп совуқ ўтди, очлик дардини ҳам хўп тортдим. Ешим ҳам бир жойга етиб қолди, энди бир бурда нон учун қаҳратон қишда масхарабозлик қилиш менга жуда оғир; ҳеч бўлмаса, қариган чоғимда *халол умр кўрсам бўларди, ахир,* мен халқни алдаб келдим-ку, садақа сўраб, ичкилик ичдим. *Менга бирон иш беришар, бир қошиқ овқатимни ўзим ишлаб топарман»* деб қўшиб қўяди... Бу тилак ва тавбалардан шу нарса кўриниб турадики, муҳтожлик Любим Торцов табиатини ҳақиқатан ўзгартириб юборган, мана шу ўзгариш уни яқинларидаги саёқлигидан қанчалик уялса, илгариги бебошлик наъмаларидан ҳам шундай уялишга мажбур қилган.

Торцовнинг тақдирига қараб туриб, қисман зулмат дунёсидан нажот йўли борлигини ҳам кўрса бўлади: унинг акасини, Гордей Карпични ҳам, худо йўлига сўраб олинган садақа нон билан тирикчилик ўтказишга мажбур қилинса, у ҳам «ҳалол умр кечириш» учун «бирон иш» топиб олиш тилаги борлигини сезиб қоларди... Лекин, албатта, Гордей Карпичнинг атрофидагилардан ҳеч ким унинг шундай қийин кунга қолишини хаёлига ҳам келтирмайди, демак, бебошлик унинг ҳамма қўл остида бўлганларнинг бошида зулмат тошини илгаригидай айлантириб тура беради!..

Илм-маърифат нури-чи? Маърифат нури, ниҳоят, бу зулмат булутларини тарқатиб юбориши керак-ку, ахир. Бунда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас!.. Лекин, биз бебошликка илм-маърифатнинг қандай сингишини гапириб ўтганимиз ёдингизда бўлса керак... Вихорев, Бальзаминов, Прежнев, Липочка, Капочка, Устенька, Арина Федотовналарга илм-маърифатнинг берган фойдалари қандай бўлганлигини ҳам ёдингизга олиб қўйинг... Атрофингизга назар ташласангиз, ундаги можароларни ва гап-сўзларни кўриб, ҳайрон қоласиз. Бир асарда Расположенский, бир мамлакатда муътабар бир чол бўларкан, унинг катта-кичик ўн икки қизи бор экан, бир кун бу чол раҳмдил кишиларнинг атаб қўйган садақалари йўқмикин деган умид билан йўлга равона бўлган экан, деб ҳикоя қилиб ўтирибди; бошқа асарда ясанган айиқ билан эчки меҳмонхонада ўйинга тушишяпти, яна бирида Еремка сеҳргарлик қиляпти, қўпғироқ овози бўлса маънавий малҳам бўляпти; тўртинчи пьесада ерда чой ичиш гуноҳ, ҳоказо ва ҳоказо. Гап-сўзларни айтмайсизми! Наталья Панкратьевна, кўп ўқишнинг фойдаси йўқ, дейди: Ненила Сидоровна бўлса унинг гапига қўшилиб: «Тўғри, гап, ўқишдан гапириб берсам: бизнинг ёнимизда турадиган хотин қўшнимиз ўғлини ўқишга берган эди, у бўлса кўзини ўйиб олибди» дейди. Ё бўлмаса Ненила Сидоровна бундай дейди: «Йигитча, катталарнинг гапига қулоқ солинг, одамларнинг қандай айёрлигини сиз ҳали билмайсиз»; Настасья Панкратьевна унинг сўзини қувватлаб: «Тўғри гап, тўғри айтасиз, бизнинг кучеримизнинг гуппи шимчасини кўз очиб юмгунча ўғирлаб кетишибди» — дейди... Ёки, масалан:

Н и ч к и н а. Менга қаранг, қани айтинг-чи: Фирьзви подшоҳ кечалари қўшини билан денгиздан чиқиб келадиган бўлибди дейишади-я.

Б а л ь з а м и н о в. Бўлса бордур...

Н и ч к и н а. Бу денгизи қаерда бўлди энди?

Б а л ь з а м и н о в. Фаластинга яқин жойда бўлса керак.

Н и ч к и н а. Фаластининг ўзи каттами?

Б а л ь з а м и н о в. Катта.

Н и ч к и н а. Царьградлан узоқми?

Б а л ь з а м и н о в. Унча узоқ эмас.

Н и ч к и н а. Олтмиш чақирим келиб қолар. Шундай жойларнинг ҳаммасидан олтмиш чақирим дейишади... Фақат Киев узоқроқ.

Карп Карпичнинг Улита Никитишна билан хонимлар тўғрисидаги гапини хотирингизга келтиринг!.. Кучерларнинг австрияк тўғрисидаги гаплари-чи! Ё бўлмаса Вихоревнинг Баранчевский билан саноат ва сиёсий иқтисод тўғрисидаги гапи ёки Прежневнинг онаси билан гаплашган гаплари, ё бўлмаса Недопекиннинг Лисовский билан («Еш йигитнинг сабоҳи») гўзаллик ва илм тўғрисидаги гаплари, ёки Капочканинг Устинька билан («Яхши туш»даги) одоб ва жамият ҳаёти тўғрисидаги гапларини эсингизга олинг. Ана сизга илм-маърифат керак бўлса! Бу илм-маърифат дегани Недопекин, Вихорев сингари жаноблар, Липочка ва Капочка сингари қизлардан анча-мунчасини етиштириб қўйган. Лекин, илм-маърифатнинг бундан кўпроқ бирон нарса беришига бебошлар асло йўл қўйишмайди!.. Улар ҳатто, хизмат манфаатини деб ўқимишли кишиларни сиқув остига олиб туриш керак, дейишади!.. Уларнинг ҳузурида бошқа яна қандай ўқимишли кишилар бор? Улар кимдан ҳайиқиб қолишди? Жадовданми? Жадов бўлса, менда ирода деган нарса йўқ, куч-ғайрат йўқ, деб ўзи ҳаққига кўчиб турибди...

Дарҳақиқат — агар бебошлик Жадовдан ҳам ҳайиқадиган бўлиб қолган бўлса, ўзи заиф экан-да!.. Лекин, бу яхши аломат-ку!..

Биз, энди, мана шу яхши аломатда тўхтаб қўя қоламиз. Островскийнинг таланти ҳақида ҳеч қандай умумий хулоса чиқармаймиз. Биз унинг рус ҳаётида *нималарни* ва қай *йўсинда* санъаткорлик туйғуси билан фаҳмлаб олганини, зеҳни етиб, чуқур ҳис қилган нарсаларини *қай тариқа* акс эттиргашини ва унинг асарларида тасвирланган воқиаларга биз ўз тушунчаларимизда қандай маъно беришимиз кераклигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Биз Островскийнинг рус ҳаётини, Подхалюзиннинг камзулчасини ҳам, Вихоревнинг қўлқопчасини ҳам, Наденьканинг кўз ёши билан ҳўл бўлган рўмолчасини ҳам, Жадовнинг чиройли ҳассасини ҳам, бебош Торцовнинг бошига илиб олган хунук бедаво шапкасини ҳам қолдирмасдан мукаммал тасвирлаб берганини кўрдик... Биз кўп нарсалар ҳақидаги фикримизни тўла баён қилмасдан қўя қолдик, баъзи бир нарсалар тўғрисида бўлса, аксинча, жуда гапни чўзиб юбордик; сабр қилиб бизнинг мақоламизни охиригача ўқиб чиққан китобхонлардан узр сўраймиз.

[Унда ҳам, бунда ҳам айб кўпроқ бизнинг баён қилиш усулимизда,— қисман метафора усулидаким, биз шу усулни қўллашга мажбур бўлдик. Биз Островскийнинг яратиб берган образлари тўғрисида гапирганимизда, албатта, уларнинг ҳақиқий турмушдаги аҳамиятини кўрсатиб бермоқчи бўлдик; лекин, ҳар ҳолда, биз бевосита ҳақиқий турмуш ҳодисаларига эмас, балки, асосан, автор фантазиясининг яратган нарсаларига мурожаат қилишимиз лозим эди. Шу сабабдан, очиб берилаётган идеянинг умумий маъноси баъзан бир ҳодисанинг ўзини жуда кенг қилиб баён қилишни ва турли-турли йўсинда такрорлашни талаб қилди,— тушунарли бўлиш учун ва шу билан бирга, баён қилинаётган масаланинг ўз талабига мувофиқ, мақоламиз учун мажбуран танлаб олган мажозий формадан четга чиқмаслигимиз учун шу йўлни тутишга тўғри келди... Баъзи бир масалаларни бу мажозий формада кўнгилдагидай қилиб тасвирлаб бериш ҳеч мумкин эмас эди, шу сабабдан биз ҳозирча унга асло тақилмай қўя қолишни лозим топдик]. Айтганча, биз бунда охирига етказиб айтмаган хулоса ва фикрлардан кўпларини сабр қилиб мақолани охиригача ўқиб чиққан китобхонларнинг ўзлари ҳам пайқаб олишади.

ҲАҚИҚИЙ КУН ҚАЧОН КЕЛАДИ?

ГАРАФА, И. С. ТУРГЕНЕВ АСАРИ „РУССКИЙ ВЕСТНИК". 1860 Й. № 1—2)

Schlage die Trommel und fürchte dich nicht. Heine*

Эстетик танқид ҳозирда нозик табиат ойимчаларга хос иш бўлиб қолди. Улар билан сўзлашганда, соф санъат ходимлари бир мунча нозик ва тўғри мулоҳазаларни пайқаб олишлари ва ундан кейин, худди қуйидаги тариқада танқид ёзишлари мумкин: «Тургенев жаноблари томонидан ёзилган янги повестнинг мазмуни мана шундан иборатдир: (асарнинг мазмуни ҳикоя қилинади). Бу асарда чинакам ҳаёт ва нозик, хушбўй поэзиянинг нақадар кўп эканлиги мана шу кучсизгина очеркнинг ўзиданоқ кўриниб турибди. Аммо лекин, повестнинг ўзини ўқиб чиққандагина, ҳаётнинг жуда ҳам нозик поэтик нуқталарига нисбатан бўлган сезгирлик, ўткир руҳий таҳлил, ижтимоий тафаккурнинг кўзга илашмайдиган жараён ва оқимларини таг-томири билан чуқур тушуниш, воқеликка ихлос билан ва айни чоқда дадил қараш каби жаноб Тургенев талантининг айрим хусусиятлари тўғрисида тўла тушунча олиш мумкин. Масалан, мана бу руҳий ҳолларнинг қанчалик нозик тасвирланганини кўринг (юқорида баён қилинган мазмуннинг бир бўлаги такрорланади ва кўчирилади); мана бу ажойиб, нафис ва жозибадор ишланган манзарани ўқинг (кўчирилади), мана бу шоирона гўзал саҳифаларни (кўчирилади) ёки мана бу юксак, кўтаринки, дадил тасвирни (кўчирилади) эсланг. Буларнинг ҳаммаси қалбингизнинг ич-ичига кириб бормайдими, юракни қаттиқроқ уришга мажбур этмайдими, ҳаётингизни жонлантириб безамайдими, сизнинг назарингизда инсонлик фазилатини ва ҳақиқат, эзгулик ҳамда гўзалликнинг муқаддас гояларининг улуғ ва мангу аҳамиятини кўкларга кўтармайдими?! Comme c'est joli, comme c'est delicieux!**.

---

* Дўмбирангни чал, асти қўрқма (немисча). Гейне.

** Бу қанчалик гўзал, бу қанчалик жозибадор. (*француз.— Ред*).

Биз нозик табиат ойимчалар билан жуда кам танишлигимиз туфайли бундай ёқимли ва беозор танқидлар ёзишни билмаймиз. Буни очиқ эътироф қиламиз ва «ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбияловчи»лик вазифасидан воз кечиб, бошқа бир вазифани ўз олдимизга қўямиз. Бу вазифа анча соддароқ ва кучларимизга мувофиқроқдир. Биз ёзувчининг асарида сочилиб ётган маълумотларга шунчаки якун ясаб қўя қолишни истаймиз. Бу маълумотларни биз содир бўлган факт деб, қаршимизда турган ҳаёт ҳодисаси деб биламиз. Бу иш унча мураккаб ва қийин эмас, лекин жуда керак иш, нега десангиз, турли-туман машғулотлар ва ўйин-кулгилар орқасида, адабий асарни бутун тафсилотлари билан синчиклаб қараб чиқишга, ижтимоий ҳаётимизнинг томонларидан бири ҳақида мураккаб ҳисобот бўлмиш асарни ташкил қилувчи турли маълумотларни текшириб, таҳлил қилиб, ўз ўрнига қўйиб чиқишга, сўнг эса уларнинг якунини ўйлашга, бу якунлар бизга нималарни ваъда қилаётгани ва қандай мажбуриятлар юклаётгани ҳақида мулоҳаза юритишга жуда кам одам ҳафсала қилади. Тургенев жанобларининг янги повестлари устида мана шу хил тафтиш ва фикр юргизиш асти бефойда эмас.

Биз биламизки, соф эстетиклар шу ондаёқ бизни ўз шахсий фикрларимизни авторга зўр билан юклаш ниятида ва унинг талантига буйруқ беришда айблашга киришишади. Шунинг учун, гарчи малол келса ҳам, огоҳлантириб ўтамиз. Йўқ, биз авторнинг зиммасига ҳеч нарса юкламаймиз, аввалдан айтиб қўямизки, биз, «Арафа» повестининг мазмунини ташкил этган воқианинг қандай мақсад билан ва қанақа ўю-фикрлар натижасида тасвир этилганини билмаймиз. Бизга, автор нима демоқчи *бўлганидан* кўра, гарчи атайин бўлмаса ҳамки, турмуш фактларини ҳаққоний тасвирлаш натижасида унинг *нималар дегани* аҳамиятлироқдир. Биз ҳар қандай талантли асарни шунинг учун қадрлаймизки, унда биз шу асарсиз оддий кузатувчининг кўзларига кам чалинадиган ҳаётимиз фактларини текшира оламиз. Бизнинг турмушимизда ҳозирга қадар расмий доиралардан бўлак, афкор умумия йўқдир: қаерда бўлмасин, биз тирик кишиларга эмас, балки, ё у, ё бу соҳада хизмат қиладиганларга, яъни маҳкамаларда — мирзалар, базмларда — ўйинчилар, клубларда — қиморбозлар, театрларда — сартарошларнинг мижозлари ва ҳоказолар каби расмий шахсларга дуч келамиз. Уларнинг ҳар бири ўз ички ҳаётини пинҳон сақлайди; ҳар бири гўё, «Ахир, мен бу ерга ўйин тушгани ё бўлмаса тарам-тарам сочларимни кўз-кўз қилгани келганман; ҳа... Мен ўз ишимни қилаётибман, сен ҳам шунга қаноат қил ва ҳисларим ҳам тушунчамни синамоқчи бўлиб, мендан гап суриштирмай қўя қол, саломат бўлгур» деяётгандай сизга қараб бақрайиб тураверади. Ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким — ҳеч кимни суриштирмайди, ҳеч ким—

ҳеч ким билан қизиқмайди ва ҳамма янги опера, дабдабали зиёфат ва ё бирон комитет мажлиси каби расмий ҳолларда учрашиш лозимлигидан афсусланиб, тарқаб кета беради. Агар одам умрини фақат ижтимоий урф-одатларни кузатишгагина бағишламаган бўлса, у қандай қилиб ҳаётни билиб олади ва текшириб чиқади, дейсиз? Бунинг устига бу ерда жамиятимизнинг қанақа хилма-хил доира ва табақалари бор, ҳатто улар ўртасидаги қандай қарама-қаршиликлар бор-а! Бир доирада аллақачон истеъмолдан чиққан ва қолоқ ҳисобланиб қолган фикрлар бошқа бирида ҳали қизғин баҳс қилинади; бирларида нимаики ғўр ва кучсиз деб эътироф этилса, бошқа бирларига у жуда ҳам ўткир ва баҳодирона кўринади. Жамиятнинг ахлоқий ҳаётида нима пастлашаётир, нима енгаётир, нима ўрнаша ва устун кела бошлаётир — мана буларни билмоқ учун бизда адабиёт ва хусусан унинг бадиий асарларидан бошқа кўрсаткич йўқдир. Санъаткор ёзувчи ижтимоий тафаккур ва ахлоқнинг аҳволига доир ҳеч қандай умумий хулосалар тўғрисида ғам еб ўтирмайди, лекин шундай бўлса ҳам, ҳамма вақт ижтимоий тафаккур ва ахлоқнинг энг муҳим томонларини топиб олиш уларни очиқ-ойдин ёритиш ва фикрловчи кишиларнинг олдига кўндаланг қилиб қўйиш унинг қўлидан келади. Мана шунинг учун биз, санъаткор ёзувчининг таланти, яъни ҳодисаларнинг ҳаётий ҳақиқатини ҳис қила олиш ва акс эттириш қобилияти эътироф қилинса, мана шу эътироф қилишнинг ўзи туфайли ёзувчининг асарлари уларни яратишда ёзувчига туртки берган ҳаётий шароит, давр тўғрисида фикр юритиш учун қонуний сабаб бўла олади деб ҳисоблаймиз. Бунда ёзувчи томонидан ҳаёт қай даражада кенг олингани ва яратган образларининг қанчалик пишиқ ва бойлиги унинг таланти учун ўлчов бўлади.

Биз буни, ўзимизнинг танлаган йўлимизни, яъни автор зиммасига аввалдан ўйлаб қўйилган ҳеч қандай ғоя ва вазифалар юкламасдан ҳаёт ҳодисалари тўғрисида адабий асар асосида фикр юритиш йўлимизни ёқлаш учун гапириб ўтишни лозим топдик. Ўқувчи кўриб турибдики, бизга, автор аввалдан ўйлаб қўйган программа бўйича ҳаётни тасвирлаган асарлар эмас, балки, саҳифаларида ҳаёт ўз-ўзидан барқ уриб турадиган асарларгина муҳимдир. «Минг жон» тўғрисида, масалан, биз асло гапирмадик, чунки, бизнинг фикримизча, бу романнинг бутун ижтимоий тарафлари, илгаридан ўйлаб қўйилган уйдирма ғояга зўр билан бўйсундирилган[3]. Шунга кўра, демак, «Минг жон» ҳақида автор ўзининг асарини қай даражада усталик билан тузганидан бошқа, ҳеч нарса тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Автор томонидан баён этилган фактларнинг ростлиги ва ҳаққонийлигига ишониш мумкин эмас, негаки, унинг бу фактларга бўлган ички муносабати на чин ва на ҳаққонийдир. Тургенев жанобларининг янги повестида, унинг повестларининг кўпчилигида кўрганимиз каби, автор-

нинг сюжетга тамоман бошқача муносабатини кўрамиз. «Арафа»га биз авторнинг фикри ва тасаввури ихтиёрсиз бўйсунган ижтимоий ҳаёт ва тафаккурнинг табиий оқими кучли таъсир қилганини кўрамиз.

Биз адабий танқиднинг асосий вазифасини маълум бадиий асар учун сабаб бўлган воқелик ҳодисаларини изоҳлаб беришдан иборат деб биламиз; шу билан бирга эслатиб ўтишимиз керакки, бу вазифа Тургенев жанобларининг повестларига нисбатан яна алоҳида аҳамиятга ҳам эгадир. Жаноб Тургеневни, тўғридан ҳам, бизнинг ўқимишли одамларимиз ўртасида сўнгги йигирма йил ичида ҳукмрон бўлган ахлоқ ва фалсафанинг санъаткори ва куйчиси деб аташ мумкин. У, ижтимоий онгга киритиладиган янги талаблар, янги ғояларни тез сеза олди ва ўзининг асарларида ҳар вақт навбатда турган, жамиятни ташвишга солиб тўлқинлата бошлаган масалаларга (шароит қанчалик имкон беришига қараб) эътибор берди. Биз бошқа бир вақтда Тургенев жанобларининг бутун адабий фаолиятини кўздан кечиришга умид қиламиз ва шунинг учун ҳозир бу тўғрида ортиқ сўзлаб ўтирмаймиз. Фақат шуни айтиб ўтамизки, биз, рус китобхонлари орасида Тургенев жаноблари қозонган доимий муваффақиятнинг хийлагина улушини авторнинг жамиятнинг жонли торларига бўлган мана шу сезгир туйғусидан, энг яхши кишиларнинг онгларига эндигина сингиб кира бошлаган ҳар қандай олижаноб фикр ва тўғри ҳисга ўша ондаёқ эътибор бера билиш маҳоратидан деб биламиз. Шубҳасиз, адабий талант ҳам ўз йўлида бу муваффақиятга кўп ёрдам берган. Аммо, ўқувчиларимиз биладиларки, жаноб Тургеневнинг таланти, поэтик фаразнинг ягона кучи билан ҳайрон қолдирадиган, маҳкам ушлаб олиб, истамасангиз ҳам, бирон ҳодиса ва ё ғояга кўнгил қўйишга сизни мажбур қиладиган унақангги жуда ҳам буюк талантлардан эмас. Унинг таланти учун тўлқинли ва ҳаяжонли куч эмас, балки, аксинча, юмшоқлик ва қандайдир поэтик муътадиллик характерли хусусиятлар бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ўйлаймизки, агар у ўз ўқувчиларига тамоман бегона бўлган ва ёки, ҳали жамиятда қўзғалмаган масалалар ва талаблар билангина иш кўрадиган бўлса эди, китобхонларнинг ёппа муҳаббатини қўзғатолмас эди. Баъзилар унинг повестларида поэтик тасвирнинг жозибадорлигини, турли шахс ва аҳволларни чизиб беришдаги нафислик ва чуқурликни кўрсатишлари мумкин, лекин, шубҳасиз, ёзувчига мустаҳкам муваффақият ва шуҳрат туғдириш учун бу етарлик бўлмайди. Ҳар қандай, ҳатто энг ёқимли ва энг талантли ҳикоячи ҳам замон билан жонли алоқада бўлмаса, жаноб Фетнинг аҳволига тушиши керак. Бу шоирни қачонлардир жуда мақташган, ҳозир эса фақат ўнтага етар-етмас ҳаваскорларгина унинг ўнтага етар-етмас дуруст шеърини эслай олади. Давр билан жонли алоқагина жаноб Тургеневни сақлаб қолди ва ўқувчилар ўртасида доимий муваффақият қозонишига сабаб бўлди. Қандайдир бир теран фикрли танқидчи, ҳатто бир вақт, жаноб Тургеневнинг фаолиятида «ижтимоий тафаккурнинг бутун тебранишлари кучли акс этгани» учун, ёзувчидан ўпка қилган эди[3]. Аммо, биз бунга қарамасдан жаноб Тургенев талантининг энг ҳаётий томонини худди шунда кўрамиз ва нима учун шу вақтгача унинг ҳар бир асари шунчалик муҳаббат ва энтузиазм билан кутиб олинганини ҳам мана шу сабаб билан изоҳлаймиз.

Шундай қилиб, биз дадил айта оламизки, агар Тургенев ўз повестида бирон масалага тақилса, агар у ижтимоий муносабатларнинг бирон янги томонини тасвир этса, бу ўша масала ҳақиқатан ҳам, ўқимишли одамларнинг онгида кўтарилаётганлигига ё тез фурсатда кўтарилишига, турмушнинг бу янги тарафи ўзини кўрсата бошлагани ва яқинда ҳаммасининг кўзида қатъий ва яққол кўриниб қолишга кафил бўлади. Шунинг учун, ҳар сафар жаноб Тургеневнинг повести пайдо бўлиши билан — бунда турмушнинг қанақа томонлари тасвир этилган экан, қанақа масалалар тилга олинган экан?— деган савол қизиқтириб қолади.

Бу савол ҳозир яна кўндаланг бўлиб қолди ва жаноб Тургеневнинг янги повести учун тағин ҳам аҳамиятлироқдир. Шу вақтгача жаноб Тургеневнинг йўли, жамиятимизнинг тараққиёт йўлига мос равишда, бир йўналишда анча равшан кўриниб қолган эди. У, юксак ғоялар ва назарий интилишлардан чиқиб келиб, бу ғоя ва интилишларни булардан анча узоқлашиб кетган дағал ва разил воқеликка киритишга интиларди. Ўз мақсадларининг ғалабаси учун ҳаракат қилувчи қаҳрамонининг курашга ва азоб-уқубат чекишга ҳозирланиши ва унинг киши разолати қаршисида таслим бўлиши—ҳамма вақт жаноб Тургенев повестларининг мағизи бўларди. Шубҳасиз, кураш асосларининг ўзи, яъни ғоя ва интилишлар ҳар битта асарда турларини ўзгартиради, ёки вақт ва шароитнинг ўтиши билан қатъийроқ ва ўткирроқ намоён бўладилар. Шундай қилиб, «ортиқча одам» образининг ўрнини — Пасинков, Пасинков ўрнини — Рудин, Рудиннинки — Лаврецкий олди[4]. Бу шахсларнинг ҳар бири аввалгиларидан кўра баҳодирроқ ва тўлароқ эдилар; аммо, уларнинг моҳияти, характерлари ва бутун турмушларининг асоси аввалгидай ўзгармай қолди. Улар маълум доирага янги ғояларни ташиб кирувчилар, маърифатчилар, тарғиботчилар, гарчи, якка бир хотин киши учун бўлса ҳамки, тарғиботчилар эдилар. Шунинг учун ҳам уларни мақтадилар. Ҳақиқатан ҳам ўз вақтида улар жуда керак бўлганлар, уларнинг ишлари қийин, икромлик ва хайрли бўлган. Ахир, уларни бекорга шунчалик муҳаббат билан кутиб олмаганлар, уларнинг руҳий азоб-уқубатларига шунчалик ҳамдард бўлганлари, уларнинг самарасиз тиришишларига ачинганлари бежиз эмас эди. Ўша вақтда бу жанобларнинг

мумтоз, ақлли, лекин тўғрисини айтганда, бекорчи, фаолиятсиз одамлар эканлигини ҳеч ким пайқамай қолгани ҳам бежиз эмас. Уларнинг образларини ҳар хил аҳволларда ва тўқинишларда тасвир этиб туриб, жаноб Тургеневнинг ўзи ҳам уларга ҳамма вақт таъсирли ғамхўрлик билан қараган, азобларига чин кўнгилдан ачинган ва ўқувчиларда ҳам уларга нисбатан худди шу ҳисни қўзғатган эди. Бу кураш ва азобларнинг бир мотиви етарли бўлиб кўринмай бошласа, соф кўнгиллик ва олижаноблигининг сиртини, қандайдир разолат қоплай бошлагандай кўринса, жаноб Тургенев бошқа мотив ва бошқа сифатларни топа билар ва яна ўқувчининг айни юрагига тегар ҳамда ўзига ва қаҳрамонларига ҳаяжонли муҳаббат қўзғатарди. Тасвир манбаи битмас-туганмасдай туюларди.

Лекин, кейинги вақтларда, жамиятимизда, Рудин ва унинг барча оға-иниларини ҳаётга чақиришга сабаб бўлган талаблардан тамоман бошқача бўлган талаблар хийла сезиларли даражада билиниб қолди. Бу шахсларга қараш ўқимишли кўпчиликнинг тушунчасида таг-томири билан ўзгариб кетди. Масала энди ё у, ё бу мотив, ё у, ё бу интилишларнинг асосини ўзгартишда эмас, балки Рудинлар фаолиятининг моҳияти тўғрисида боради. Бу ҳақиқат ва эзгуликнинг ўқимишли курашчилари, баланд маслакнинг сўзамол жафокашлари ўзларини бизга кўз-кўз қилиб турган вақт ичида янги одамлар ўсиб етишдиларки, улар учун ҳақиқатга муҳаббат ва интилишларнинг тўғрилиги энди камёб нарса эмас. Уларга ёшликдан, билинмас ва доимий равишда, ўша тушунча ва интилишлар сингишиб борган эдики, бу тушунча ва интилишлар учун бурунги замонда энг яхши кишилар ёшлари қайтиб қолган пайтда курашишлари, шубҳаланишлари ва азоб чекишлари зарур эди.* Шунинг учун, ҳозирги ёш кишида билимнинг ўзи бошқача тус олди. Бурун илғор одам унвонини берган тушунча ва интилишлар, энди, ҳозир энг оддий билимдонлик учун мансуб бўлган биринчи ва зарурий бир нарса ҳисобланиб қолди. Ҳозир гимназистдан, ўртача кадетдан, ҳатто баъзан дурустгина семинаристдан ҳам сиз шунақа

* Бир куни бизга ёш авлодга нохақ муносабатда бўлади деб таъна қилишган эдилар ва ёш авлоднинг кўпгина вакиллари вақтини бемаъни ва ярамас ишларга кетказишини кўрсатишган эдилар. Бироқ, биз ҳеч қачон ҳамма ёшларни ёпасига, суриштириб-нетиб ўтирмай, ҳимоя қила беришни хаёлимизга ҳам келтирган эмасмиз. Бундай қилиш бизнинг мақсадимизга ҳам мувофиқ келмас эди. Бемаъни ва ярамас ишлар билан шуғулланиш ҳар қандай даврга ҳам, ҳар қандай ёшдаги одамга ҳам хос бўлиши мумкин. Аммо, биз авом ҳақида эмас, балки алоҳида одамлар ҳақида, энг яхши кишилар тўғрисида гапирганмиз ва ҳозир ҳам шулар тўғрисида гапираётирмиз, чунки Рудин ҳам, унинг қабилидаги бошқа ҳамма одамлар ҳам авом ичидан чиққан эмас, балки ўз даврининг энг яхши одамларидир. Айтганча, биз сўнгги вақтларда жамиятнинг ҳамма аъзолари ўртасида маърифат даражаси ҳар ҳолда кўтарилди десак, ҳам, ноўғри гапирган бўлмаймиз.

маслак таъбирларини эшитасизки, бундай маслаклар учун илгариги замонларда, масалан, Белинскийнинг жанжаллашиши ва курашиши лозим эди. Яна ўша гимназист ёки кадет илгари жуда қийинлик билан талашиш-тортишиш орқасида етишилган бу тушунчаларни мутлақо хотиржам туриб, қизишмасдан ва жирилламасдан, ўзидан-ўзи ғурурланмай, худди бошқача бўлиши мумкин бўлмаган ва ҳатто бошқача ўйланиши ҳам мумкин бўлмаган нарса каби гапиради.

Тараққийпарвар деб аталадиган бирор кишини учратиб қолса, энди дуруст кишилардан бирортаси таажжубга ва ҳаяжонга тушмайди, ҳеч ким лол қилиб, қойил бўлиб унинг кўзларига қараб қолмайди, қўлларини сирли қилиб сиқмайди ва ҳовлисига, танланган кишиларнинг тўгарагига адолатсизлик ва қуллик давлат учун ҳалокатли, қўрқинчли эканлиги тўғрисида гаплашгани шивирлаб, киши билмас таклиф ҳам қилмайди. Аксинча, ҳозир очиқлик, тўғрилик, озодлик ва шунга ўхшаш нарсаларга етарли майл кўрсатмаган одамнинг олдида беихтиёр таққирли суратда ажабсиниб қоладилар. Ҳозир, ҳатто тараққийпарварлик ғояларини кўнгилдан севмайдиган кишилар ҳам, тузукроқ жамиятга аралашиш учун ўзларини ўша ғояларни севадиган қилиб кўрсатишга мажбурлар. Аҳвол шундай экан, бурунги эзгулик тарқатувчилар, *рудинчасига* тарбия топган кишилар, ўзларининг аввалги қадр-қимматларини анчагина йўқотишлари турган гап. Уларни эски насиҳатгўйлар сифатида ҳурмат қиладилар; аммо ёшликда ва дастлабки ўсиш маҳалларида ташналик билан қабул қилинган ўша насиҳатларни ақл-ҳушини топиб олгач, яна тинглашга майил билдирадиган одам жуда кам топилади. Энди қандайдир бўлак бир нарса керак, яна ҳам олдинга жилмоқ лозим.*

«Лекин, дейдилар бизга, жамият ўз тараққиётида сўнгги нуқтасига қадалиб қолган йўқ-ку, ахир, ақл ва ахлоқда яна ҳам мукаммаллашиш мумкин. Ундай бўлса, жамиятга ҳам раҳбарлар, ҳам ҳақиқат тарғиботчилари, хуллас Рудин жинсидаги одамлар керак. Барча бурунги нарсалар ҳамманинг он-

* Қирқинчи йиллардаги баъзи бир ёзувчиларимиз асарларининг ҳозир бениҳоя катта муваффақият қозонаётгани, афтидан, бу фикримиз тўғри эмаслигидан далолат берса керак. Айниқса, Белинский бунга жуда ёрқин мисол бўла олади. Унинг асарлари жуда қисқа муддат ичида 12 000 нусха тарқалди, дейишади. Бироқ, бизнинг ўйлашимизча, шу фактнинг ўзи фикримизнинг энг яхши далили бўла олади. Белинский илғорларнинг илғори эди, унинг тенгдошларидан бирортаси ҳам ундан ўтиб кета олмаган. Қаердаки бир неча ой ичида Белинский асари 12 000 нусхада тарқалса, у ерда Рудинларнинг қиладиган иши қолмайди. Белинскийнинг муваффақияти унинг ғоялари ҳамон бизнинг жамиятимиз учун янги эканини ва машаққат билан тарқалишини эмас, балки бу ғоялар ҳозир кўпчилик учун азиз, муқаддас эканини, уларни тарғиб қилиш учун энди янги маърифатчилардан на қаҳрамонлик ва на алоҳида талант талаб қилинмаслигини исбот этади.

ғига тамом ўрнашган ҳам дейлик. Аммо, бу, янги Рудинлар, янги ва юксак интилишларнинг тарғиботчилари чиқиб қолишларини уларнинг яна курашиши, азоб чекиши ва тағин ўзларига жамиятнинг муҳаббатини кўзгатиши мумкинлигини истисно қилмайди. Бу нарсанинг мазмуни ҳақиқатан ҳам, битмас-туганмасдир ва жаноб Тургенев каби ёқимли ёзувчига доимо янгидан-янги шуҳратлар келтириши мумкин».

Агар шунга ўхшаш мулоҳазалар ҳозирги пайтда тўғри чиқиб қолса, таассуфли иш бўлур эди. Бахтимизга, адабиётимизнинг сўнгги ҳаракати бундай мулоҳазаларни рад қилаётир, шекилли. Мавҳум тарзда муҳокама қилганда, жамиятда ғояларнинг абадий ҳаракати ва абадий ўзгариши, шунга биноан, бу ғояларнинг доимий зарурий тарғиботчилари тўғрисидаги фикрнинг мутлақо ҳақ эканига иқрор бўлмаслик мумкин эмас. Аммо, жамиятлар фақат ғояларни муҳокама қилиш ва алмаштириш учунгина яшамасликларини ҳам эътиборга олиш керак, ахир. Ғоялар ва уларнинг тадрижий тараққиёти фақат шунинг учун аҳамиятлидирки, улар мавжуд бўлган фактлардан туғилиб, доимо воқеликда бўладиган ўзгаришларнинг олдида борадилар. Ишларнинг муайян аҳволи жамиятда эҳтиёж яратади, бу эҳтиёж эътироф этилади, уни умум эътироф қилгандан кейин, умум томонидан эътироф этилган эҳтиёж фойдасига амалий ўзгариш бўлиши керак. Мана шундай қилиб, маълум ғоялар ва интилишларнинг *эътироф этилиши* давридан сўнг уларни *амалга ошириш* даври келиши керак; тафаккур ва гаплар ортидан иш бориши керак. Энди, жамиятимиз кейинги 20 — 30 йиллар ичида нималар қилди? деган савол чиқади. Ҳали-ҳозирча — ҳеч нарса. У, ўқиди, ўсди, Рудинларнинг гапига қулоқ солди, маслак учун бўлган олижаноб курашларида уларнинг муваффақиятсизликларига ачинди, амалий ишга ҳозирланди, аммо бирон амалий иш қилгани йўқ. Одамларнинг миясида ва юрагида кўркам нарсалар шунча кўп тўпланиб қолдики, ишларнинг мавжуд аҳволида шунчалик бемаъни ва бадном нарсалар билиндики, асти қўяверасиз; йилдан-йилга «қуршаб турган воқеликдан ўзларини юқори кўрадиган» тўда-тўда одамлар ўсаётирларки, яқин орада, эҳтимол, ҳамма одам воқеликдан юқори турадиган бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Бузилиш, шубҳа ва мавҳум ҳасрат ҳам тасаллиларнинг эътиқтирадиган бу йўлидан абадий бораверишни орзу қилишнинг ҳожати йўққа ўхшайди. «Бизни қуршаб турган воқеликдан юқори қўядиган» одамлар эмас, балки воқеликнинг ўзини биз эътироф этганимиз ақлий талаблар даражасига кўтарадиган ёки бўлмаса, бизни шунга ўргатадиган одамлар кераклиги аниқ бўлган бўлса керак. Хуллас, мавҳум, ҳамма вақт жиндаккина эпикурик муҳокамаси бор одамлар эмас, балки иш одамлари керак.

Бу фикр гарчи ғира-шира тарзда бўлса ҳамки, «Дворянлар уяси» пайдо бўлиши биланоқ бир кўп нарсаларда ифода

этилди. Жаноб Тургеневнинг таланти, воқеликни тўғри ҳис этиши билан бирга уни бу гал ҳам қийин аҳволдан тантана билан олиб чиқиб кетди. У Лаврецкийни шундай ўринга қўя билганки, гарчи у биз мазақ қилиб қарайдиган ўша бекорчилар тоифасига мансуб бўлса ҳам, ундан кулиш ёки уни майна қилиш яхши бўлмайди. Унинг ҳолатидаги драматизм энди ўз заифлигига қарши курашида эмас, балки, шунақа тушунчалар ва одатлар билан тўқинишидадирки, ҳақиқатан ҳам, булар билан кураш ҳатто ғайратли ва жасур одамни ҳам қўрқитиши лозим. У уйланган, кейин ўз хотинидан қўл ювиб, қўлтиғига урган, лекин у тоза ва пок қалбли бир зотни севиб қолган, бироқ бу қиз шундай тушунчалар асосида тарбия кўрганки, бу тушунчаларга кўра, уйланган кишига кўнгил қўйиш мудҳиш бир жиноятдир. Лекин, қиз ҳам уни яхши кўради ва йигитнинг муҳаббати тўхтовсиз ва қўрқинчли равишда қизнинг юрагини ва виждонини ёндириши мумкин. Бунақа аҳвол ҳақида ихтиёрсиз равишда қаттиқ ва оғир ўйланиб қоласан киши; Лаврецкий хайрлаша туриб Лизага: «Эй Лиза, Лиза! Биз қандай бахтли бўлишимиз мумкин эди-я!» деганида ва аллақачонлар руҳан ювош рақиба бўлиб қолган қиз: «Ўзингиз кўриб турибсизки, бахт бизнинг эмас, худонинг қўлидадир» деб жавоб қайтарганда, унга яна Лаврецкий — «Шунинг учунки, сиз...» деб нарёғини айтолмай қолган пайтида юрагимиз қандай сиқилгани ҳали-ҳали хотиримиздадир... «Дворянлар уяси»нинг ўқувчилари ва танқидчилари бу романда яна бошқа кўп нарсалардан завқланганлари ҳамон эсимизда... Аммо, бизнинг учун унинг энг муҳим томони Лаврецкийнинг мана шу фожиали тўқинишидирки, унинг сусткашлигини айниқса мана шу ҳодисада кечирмасдан иложимиз йўқ. Бу ерда Лаврецкий, гўёки ўзига ўхшашларнинг мучалма-мучал кўчиб юрган битта хислатига мунофиқлик қилиб, ҳатто тарғиботчи ҳам эмасдир. Кундузги ибодатга бораётган Лиза билан биринчи мартаба кўришишидан бошлаб, у бутун роман давомида қизнинг қатъий тушунчалари олдида қўйдан ҳам ювош бўлиб бўйин эгади ва бирон бор бўлса ҳам, унга эътиқодларидан қайтармоқчи бўлиб яқинлашолмайди. Бу ҳам бўлса, албатта, шунинг учунки, бу ўринда тарғибот айни ишнинг ўзи бўларди. Лаврецкий эса ҳамма аввалги биродарлари каби амалий ишдан қўрқади. Мана шуларга қарамай, жаноб Тургенев тамонидан танлаб олинган ва рус ҳаётига шунчалик таниш бўлган Лаврецкий аҳволининг ўзи, тўқинишларнинг ўзи (бизга кучли тарғибот бўлиб хизмат қилиши ва), ҳар бир ўқувчини бизнинг ҳаётимизни қўлга олиб, идора қилиб турган бутун тушунчаларнинг аҳамияти ҳақида қатор фикрларга солиши керакдай туюлади (ҳар ҳолда романни ўқиганда, туюлган эди). Ҳар турли босилган ва оғзаки мулоҳазалардан билдикки, биз тамоман ҳақли эмас эканмиз: Лаврецкийнинг мавқеини кўп ўқувчилар

бошқача тушунган ёки тамоман аниқлаб олмаган экан. Лекин, Лаврецкийда мавҳумий эмас, балки, нимадир қонуний — фожиали нарса бор экани маълум эди ва бу асардаги бошқа фазилатлар билан бирга «Дворянлар уяси»га бутун ўқувчилар оммасида чуқур муҳаббат уйғотди.

«Дворянлар уяси»дан кейин жаноб Тургеневнинг янги асарининг тақдиридан хавфсираш мумкин эди. Тақдирнинг зарбаларига бўйсунишга мажбур бўлган кўтаринки характерлар яратиш йўли жуда ҳам тайғоқ бўлиб қолди. «Дворянлар уяси»га ўқилган таҳсинлар ўртасида, Лаврецкийдан кўп нарса кутиб, кутганини тополмаганликлари учун, норозилик баён этган овозлар ҳам эшитилган эди. Лаврецкийни танбал деб сўксин учун автор ўз ҳикоясига Михалевични киргизишни лозим топган. Ана ўша вақтнинг ўзидаёқ пайдо бўлган Илья Ильич Обломов бўлса, бутун рус оммасига, кучсиз ва иродасиз кишининг одамларга кулги бўлиб, чопиб, ҳар нарсанинг орқасидан югуриб, ғалва кўтариб, бўлмаган муҳокамалар қилиб, йиллар ва ўн йиллар давомида қуруқ сафсата сотиб юргандан кўра, ўз диванида чўзилиб ётгани яхши — деб қатъий ва кўндаланг қилиб тушунтириб берди. Обломовни ўқиб чиқиб, ўқувчилар унинг ажойиб шахслар бўлмиш «ортиқча кишилар» билан қариндошлигини тушунди ва бу кишиларнинг эндиги вақтда, ҳақиқатан ҳам, ортиқча эканликлари, мана шу жуда меҳр-шафқатли Илья Ильичдан қанча иш чиқса улардан ҳам шунча иш чиқажагини англади. «Жаноб Тургенев энди нима яратар экан» деб ўйлаб, зўр мароқ билан «Арафа»ни ўқишга киришдик.

Ҳозирги дақиқа туйғуси авторни бу сафар ҳам алдамади. Илгариги қаҳрамонлар энди ўз вазифаларини ўтаб бўлганини ва улар энди жамиятимизнинг энг яхши қисмида бурунги муносабатни қўзғата олмасликларини англаб, ёзувчи уларни кўйиб туришга қарор берди, ҳаётда лип этиб кўриниб қолган бир қатор парча-парча ҳодисаларда ҳаётнинг янгича талабларини пайқаб олиб, замонимизнинг илғор ҳаракати содир бўлаётган йўлдан боришга уринib кўрди...

Жаноб Тургеневнинг янги повестида, унинг аввалги асарларида кўриб, ўрганиб қолганимиз ҳолатлар ва типларга қараганда, бошқа ҳолат ва бошқа типларни учратамиз. Ишга, жонли ишга бўлган ижтимоий эҳтиёж, ўлик принциплар ва пассив фазилатларга ҳақорат кўзи билан қарашнинг бошланиши янги повестнинг бутун тузилишида ифода этилган. Шубҳасиз, бизнинг мақоламизни ўқишга киришган одам аллақачон «Арафа»ни ўқиб чиққан бўлса керак. Шунинг учун биз, повестнинг мазмунини ҳикоя қилиб ўтириш ўрнига, фақатгина ундаги асосий характерларнинг қисқача тасвирини тақдим этамиз.

Романнинг қаҳрамони — жиддий, батартиб, ақлли, бақувват, иродали, қалби инсонпарварлик туйғулари билан тўла

бир қиздир. Оиладаги ўзига хос шароитлар туфайли қизнинг ўсиши ҳам жуда ўзига хос бўлди.

Унинг отаси ва онаси ўта нодон кишилар бўлса ҳам, лекин жоҳил эмас эдилар: онаси, ҳатто юмшоқ кўнгил, майинлиги билан ажралар эди. Болалигиданоқ Елена шунчалик кўп кўркам табиатли кишиларни бошидаёқ ҳалок этувчи оилавий истибдоддан халос эди. У ўзи танҳо, дугонасиз, тамом озод ўсган; бирон бир расмиятчилик унинг тарбиясини чекламаган эди. Қизнинг отаси Николай Артёмьич Стахов зеҳнсиз, лекин ўзини ҳеч нарсага ишонмайдиган философ билиб, ўзини оила ҳаётидан узоқроқ олиб юрадиган одам эди. У аваллари, кичиклигидаёқ фавқулодда қобилиятлари билинган Еленасидан жуда завқланар эди. Елена ҳам кичкиналигида отасини ҳадсиз суярди. Аммо, Стаховнинг хотинига бўлган муомалалари унча дуруст эмас эди: у Анна Васильевнага фақат моли-дунёси учунгина уйланган, уни деярли севмас, тамом илтифотсиз муомила қилар ва хотинидан қочиб, бор-йўғини қоқиб оладиган, ўзини аҳмоқ қиладиган Августина Христиановна билан бирга бўларди. Анна Васильевна худди «Дворянлар уяси»даги Марья Дмитровнага ўхшаш хаста ва нозик табиат аёл бўлиб, аянч аҳволни бардош билан кечирар, лекин ҳовлидаги ҳамма одамларга, ҳатто, қизига ҳам эридан шикоят қилиб, койимай иложи йўқ эди. Шундай қилиб, Елена ўз онасининг ҳасрат-ғамларини тингловчи ҳамдарди бўлиб қолди ва отаси билан онаси ўрталарида беихтиёр қози бўлиб қолди. Унинг табиатидаги тез таъсирланиш хусусияти қизнинг ички кучларининг ўсишига катта таъсир этди. Бундай ҳолларда у амалий иш қила билмаса, бунинг ўрнига фикр қилар ва ўй ўйларди. Ёш бошидан, яқин кишиларининг бир-бирларига бўлган муносабатларига астойдил назар солишга мажбур бўлган Елена бу муносабатларнинг мағзини чақиш ва уларга баҳо бериш учун ҳам, қалби, ҳам ақлини ишга солиб юриб, мустақил фикр қилишга, уни ўраб турган бутун нарсаларга онгли равишда қарашга эрта ўрганиб олди. Стаховларнинг оилавий муносабатлари жаноб Тургеневда шунчаки кўрсатилган; аммо, шундай бўлса ҳам бу очеркда Елена характерининг бошланғич тараққийсини жуда яхши тушунтириб берадиган чуқур, тўғри ишоралар бор. У болалигида таъсирчан ва ақлли қиз эди; отаси ва онасининг ўрталарига тушиб қолгани уни жуда эрта жиддий ўйлар ўйлашга мажбур қилди, уни жуда эрта мустақиллик ва ҳукмронлик йўлига бошлади. У, катталар билан тенг даражага кўтарилиб қолди ва уларни ўз олдида жавоб берадиган қилиб қўйди. Шунинг билан бирга, унинг ўйлари хира ва совуқ эмас, балки, уларда қизнинг бутун қалби намоён бўларди, чунки гап ортиқ даражада яқин, ортиқ даражада қимматли кишилар ҳақида, энг муқаддас сезгилари боғлиқ бўлган муносабатлар тўғрисида борар эди. Шунинг учун ҳам унинг ўй-фикрлари тўппа-тўғри қалбига таъсир

қиларди: отасига муҳаббати сусайиб, онасига кучли эҳтиром билан боғланиб қолди, чунки оилада эзилган, азоб чекаётган бир зотни кўра бошлаган эди. Лекин, онасига бўлган бу муҳаббати унда на ёвуз, на чипакам аҳмоқ ва на оилада золим бўлмаган отасига ҳеч қандай душманлик қўзғатмас эди. Отаси мақтаб бўлмайдиган ўртача бир киши эди, холос ва Елена аввалларн ўйламасдан, ундан кейин, эҳтимол онгли равишда, унинг севишга арзийдиган жойи йўқ деб қарор бериб, ундан совуй бошлади. Тез фурсатда у онасининг ҳам ўшандай ўртача одам эканини кўриб қолди ва унинг қалбида энди фидокорона муҳаббат ва эҳтиром ўрнига, қизғаниш ва раҳмдиллик сезгисигина қолди: жаноб Тургенев: «у онасига касал бувисига қиладиган муомаласини қиларди» деб, унинг онасига муносабатини жуда муваффақиятли кўрсатган. Онаси ўзининг қизидан паст эканини эътироф этди; отаси бўлса, қизи ақлан ундан ўзиб кетиши биланоқ (бу жуда ҳам қийин эмас эди), қизидан совуди ва қизим жуда ғалати чиқиб қолди деган қарорга келиб, ундан четлашди.

Қизда бўлса, шафқат ва одампарварлик ҳисси ҳамон ўсар ва кенгаяр эди. Бошқа киши чеккан азоб учун ачиниш-қайналиш одати унинг гўдак қалбида, албатта, гап нима эканини тушуниб етмасдан бурун, онасининг эзик қиёфатини кўриб қўзғалган эди. Мана шу азобни у доимий равишда ҳис қилиб турди, бу ҳис унинг тараққийсининг ҳар бир одимида унга ҳамроҳ бўлди, унинг фикрларига алоҳида, жиддий тартиб берди, секин-секин унда фаол интилишларни қўзғатди ва белгилади ҳам уларнинг ҳаммасини барча учун яхшилик қилиш, бахт излаш, фидокорона, енгилмайдиган изланиш томонга сурди. У, гадо қиз Катя билан танишиб, унда ўзининг ўйлари ва хаёллари учун янги озиқ, ўз истаги ва муҳаббати учун янги ошён топган пайтда, ҳали бу изланишлар аён эмас ва Елена кучсиз эди. У, бу қизча билан ўн ёшларида дўст тутинди, у билан учрашиш учун яширинча боққа чиқар, унга мазали емишлар келтирар, рўмолчалар, тангалар тақдим этар (гадо қиз қўғирчоқларни олмас эди), соатлаб у билан бирга ўтирар, шодлик билан унинг қотган нонидан ер, унинг чўпчакларини тинглар, унинг севимли қўшиғини ўрганиб олган, яширин эҳтиром ва ваҳима билан Катянинг *худо хоҳлаган ерда эркин* яшамоқ учун золим холасининг қўлидан қочмоқ аҳдини эшитар ва ўзи ҳам сумкасини қандай қилиб тақиб олиб, Катя билан бирга қочиб кетишини ўйлар эди. Катя сал ўтмай ўлиб қолди, лекин унинг билан танишлиги Еленанинг характерида ўткир, қаттиқ излар қолдирмасдан мумкин эмас эди. Бу унинг тоза инсоний шафқати таважжуҳларига янги бир хислат қўшди, бу ҳол унинг кўнглига бадавлатликнинг кераксиз исрофгарчиликларига шундай бир нафрат ҳиссини ёки, жуда кам деганда, ўта лоқайдликни сингдирдики, бундай нафрат ёки лоқайдлик фақат ҳали бузилмаган одам беиҳтиёр ожиз қашшоқликни кўргандагина қалбида пайдо бўлиши мумкин. Тездан Еленанинг бутун қалби, фаол эзгулик ташналиги билан ёнди ва бу ташналик дастлаб Елена қилиши мумкин бўлган одатдаги эзгу ишлар билан қаноатлана бошлади. «Уни гадолар, очлар, беморлар машғул этар, қўзғатар, қийнар эдилар; у, уларни тушида кўрар, улар тўғрисида бутун танишларидан гап сўрар эди». Ҳаттоки, «эзилган ҳайвонлар, ҳовлидаги озғин итлар, ўлимга маҳкум бўлган мушукбаччалар, уясидан тушиб кетган чумчуқ болалари, ҳатто қурт-қумурсқалар ҳам Еленада ўзлари учун паноҳ ва ҳимоя топар эдилар: уларни унинг ўзи боқар, улардан асти жирканмас эди». Унинг отаси бу ишларнинг ҳаммасини бемаъни мулойимлик деб атар эди; аммо, Елена ортиқ даражада юмшоқ кўнгил эмас эди, чунки сентименталлик шу билан характерланадики, унда фаол муҳаббат мутлақо кам бўлади-ю, ҳис ва сафсата ҳаддан ташқари ортиб кетган бўлади; Еленанинг ҳисси бўлса, ҳамма вақт ишда кўринишга интилар эди. Қуруқдан-қуруқ эркалаш ва юмшоқ кўнгилликни Елена ёқтирмас ва умуман беҳаракат, қуруқ сўзларга аҳамият бериб ўтирмас ва фақат, амалий — фойдали фаолиятни ҳурмат қилар эди. Ҳатто у шеърларни севмас, бадиийликка эътиқоди йўқ эди.

Аммо кўнгилнинг фаол интилишлари, фақат бемалол ва эркин фаолият билангина вояга етади ва чиниқади. Фаол кураш учун зарур бўлган жасорат ва ботирликка эга бўлиш, ўз кучларининг даражасини билиб олиш ва бу кучларга муносиб иш топиш учун ўз кучларингни бир неча бор синаб кўриш, муваффақиятсизликлар ва тўқинишлар синовидан ўтиш, турли интилишларнинг қимматини ва турли говаларнинг қандай енгилишини билиш керак. Елена, қанчалик эркин ўсган бўлмасин, ўз кучларини фаол равишда ишлатиб кўриш ва интилишларини қаноатлантириш учун етарли воситалар тополмайди. У нима қилмоқни истаса, ҳеч ким халал бермас эди-ю, лекин қилмоққа иш йўқ эди. Уни мунтазам ўқишнинг педантизми билан сиқиб қўймадилар ва шунинг учун у системалар, курслар ва умуман бурунги ўқитиш расмларидан ажралмайдиган кўп эски хурофатларни қабул қилмай, илм ола билди. У кўп ўқиди, аммо мутолаанинг ўзи уни қаноатлантиролмади; у фақат, шундай таъсир қилдики, Еленанинг фаросати бошқа томонларидан кучлироқ ўсди ва ақлий талабчанлик ҳатто қалбнинг жонли интилишларидан ҳам устун кела бошлади. Садақа бериш, кучук ва мушукларга қараш, пашшани ўргимчакдан ҳимоя қилишлар ҳам уни қаноатлантира олиши мумкин эмас эди: у каттароқ ва ақллироқ бўлган ҳамон бу фаолиятнинг тамом арзимаслигини кўрмасдан қолиши мумкин эмас эди: тағин, бу машғулотлар ундан жуда оз тиришишни талаб қилар ва унинг ҳаётини тўлдириб овунчоқ бўла олмас эдилар. Унга каттароқ ва юксакроқ нарса керак эди; аммо унинг нималигини билмас, агар билганда ҳам

ишга киришишни билмас эди. Худди мана шундан ҳам доимо қандайдир чалкаш фикрларнинг қўйнида ўралиб қолган бўлиб, ҳамон ниманидир кутар ва излар эди; худди мана шундан ҳам унинг ташқи қиёфаси жуда бошқача бўлиб қолган эди. «Унинг бутун жисмида, *жиддий ва нимадандир ҳуркқандай* юз қиёфаларида, *очиқ, аммо тез ўзгариб турадиган* нигоҳида, *эўракидай кўринадиган* кулгисида, *майин* ва *асабий* овозида, недир асабий, электрли, *недир дардлик* нарса бор эди»... Очиқ кўриниб турибдики, у ҳали ўзи тўғрисида ноаниқ шубҳа қўйнида, у ҳали ўз ролини белгилаб олганча йўқ. У ўзига нима керак эмаслигини тушуниган ва ўз ҳаёти атрофидаги нарсаларга мағрур ва ҳур боқади: аммо ўзига нима кераклигини ва энг муҳими керак нарсага эришиш учун нима қилиш лозимлигини у ҳали билмайди ва шунинг учун, унинг бутун вужуди жиддий, асабий, дардлидир. У ҳамон ниманидир кутади, ниманингдир арафасида яшайди... У энг жонли, ғайратли фаолиятга тайёр, лекин ўзидан-ўзи, якка ишга киришишга ботинолмайди.

Қаҳрамон қизнинг ички кучларининг бойлиги ва фаолиятга ташналиги билан баравар, бу журъатсизлиги, амалий ишдаги пассивлиги бизни ихтиёрсиз ҳайронликка тушишга ва Елена қиёфасида недир ҳали чала тасвирланган нарсани кўришга мажбур этади. Аммо, лекин, шахснинг мана шу чала тасвирланишида, амалий ишнинг етишмаслигида — биз жаноб Тургенев қаҳрамонининг билимдон одамларимиз билан жонли алоқасини кўрамиз. Еленанинг характери асос эътибори билан, қандай тасвирланмоқчи бўлганига кўра, фавқулодда бир ҳодисадир. Агар у амалда ҳамма жойда ўз маслаги ва интилишларини ифодалаб чиққанда эди — рус жамоатчилиги учун бегона бўлиб чиқар ва бизнинг учун ҳозиргидек яқин аҳамиятга эга бўлмас эди. У, уйдирма шахс, қаёқдандир бошқа ердан бизнинг тупроққа кўчириб ўтқазилган кўчат бўлиб қоларди. Аммо, воқеликни тўғри сезиш жаноб Тургеневга ўз қаҳрамонининг назарий тушунчалари ва қалбининг ички орзуларига мос равишда унинг амалий фаолиятини тасвирлашга имкон бермаган. Бунинг учун ҳали бизнинг ижтимоий ҳаётимиз ёзувчига материал беролмайди. Бизнинг бутун жамиятимизда ҳозир чинакам ишга киришиш учун энди аста уйғонаётган хоҳиш, (биз қанча вақтдан бери ўзимизни мана шулар билан овитиб ва лақиллатиб келганмиз) чиройли ўйинчоқлар, кўтаринки муҳокамалар ва беҳаракат формаларнинг разолат эканини англаб етиш яққол кўриниб қолди. Лекин, биз ҳали ҳар қалай қўйнида тинч, бефалва, беташвиш ухлаб ётганимиз ўша доирадан чиқолганимиз йўқ: бунинг устига ундан чиқиш йўли қаерда эканини ҳам билмаймиз, агар кимдир билиб қолса ҳам, ҳали уни очишга қўрқади. Бу жамиятнинг оғир вамушкул ўтиш даври унинг орасидан чиққан бадиий асарга ҳам албатта ўзининг тамғасини босади. Жамиятда айрим та-

бинати кучли одамлар бўлиши мумкин, айрим шахслар маънавий тараққиётнинг юқори даражасига эришишлари мумкинки, адабий асарларда ҳам шундай шахслар пайдо бўлиши мумкин. Аммо, булар ҳаммаси шундайича — фақат бояги шахс табиатининг тасвиридагина қолади, турмушга эса кўчирилмайди; кўчириш мумкин деб тахмин қилинади, аммо амалда қилинмайди. «Обломов»нинг Ольгасида биз ўз жамиятидан анча олдинга кетган, камолга етишган хотинни кўрдик, лекин, унинг амалий иши қани? У, янги турмуш яратишга қобилдай кўринади, лекин, унинг ўзи ҳам, ҳамма дугоналари каби, ўша разолатнинг қўйнида яшайди, чунки унинг бу разолатдан қочиб борадиган жойи йўқ. Штольц — ғайратли, ишчан одам сифатида унга ёқади; аммо лекин, у ҳам, «Обломов» авторининг характерлар тасвиридаги санъаткорлигига қарамай, бизнинг олдимизда фақат ўзининг истеъдодлари билангина кўринади ва бу истеъдодини амалда қандай қўллашини бирон нарсада ҳам кўрсатмайди; у оёқлари остидаги заминдан маҳрум ва бизга гўёки қандайдир туман ичида сузиб юргандай кўринади. Энди, жаноб Тургеневнинг Еленасида ғайратли ва фаол характер яратиш учун янги ҳаракатни кўрамиз ва характер тасвирида автор муваффақиятга эриша олмаган деб айта олмаймиз. Агар Елена каби хотинни учратиш камдан-кам одамга тўғри келган бўлса-да, унинг ўрнига, кўп одамларга энг оддий, росмана хотинларда Елена характерининг у, ё бу хусусиятларининг куртакларини, унинг кўпгина интилишларининг тараққий топиши учун имконият борлигини пайқаш тўғри келган, албатта. Елена, бизнинг жамиятда ўсаётган энг яхши унсурлардан тузилган, камолатга етган сиймолиги учун бизга тушунарли ва яқиндир. Унинг интилишларини ҳам биз аниқ пайқаб оламиз. Елена, гўёки Штольц билан яшаб, толиққан, ҳасрат чеккан бир нарсани қўмсаган ва ўз-ўзига нимани қўмсаши тўғрисида ҳисоб беролмаган Ольганинг саволлари ва шубҳалари учун жавоб бўлиб хизмат қилади. Елена образида ҳар қандай виждонли рус кишисини, унинг хусусий шароитлари қанчалик яхши бўлмасин, ҳайрон қолдирадиган бу ҳасратнинг, бир нарсани қўмсашнинг сабаби баён этилади. Елена фаолиятли эзгуликка ташна, ўз атрофидагиларни бахтли қилиш имкониятларини қидиради, чунки, агар уни кулфат, бахтсизлик, қашшоқлик ва яқин одамларининг хўрланиши куршаб ётган бўлса, бахтли бўлиш у ёқда турсин, ҳатто шахсий тинчлигини ҳам тасаввур қилолмайди.

Лекин, жаноб Тургенев ўз қаҳрамонига мана шундай ички талабларга мос келадиган қандай фаолиятни беролади? Бу саволга ҳатто умумий тарзда ҳам жавоб бериш қийин; бу фаолиятни бадиий суратда яратиш, ҳали ҳозирги замон рус ёзувчисига мумкин ҳам эмасдир, эҳтимол. Фаолиятни оладиган жой йўқ ўзи, автор ҳам ихтиёрсиз равишда қаҳрамонини ўзидаги юксак интилишларни садақа бериш ва беватан му-

шукбаччаларни ҳимоя қилиш йўли билан енгил-елпи кўрсатишга мажбур қилган. У, зўр тиришиш ва курашни талаб қиладиган фаолиятга киришишнинг уддасидан ҳам чиқолмайди ва қўрқади ҳам. У ўзини ўраб олган бутун муҳит ичра бири — бошқа бирини эзаётганини кўради ва шунинг учун ҳам, ўзи инсонпарварлик руҳида меҳр-шафқатли бўлиб етишгани туфайли, мен ҳам бошқаларни бир бало қилиб эза бошламай деб ўзини ҳаммасидан четда тутишга тиришади. Уйда, ҳеч нарсада унинг таъсири сезилмайди; ота-онаси унга гўё бегона; улар Еленанинг обрўсидан қўрқадилар, аммо, у ҳеч қачон маслаҳат бериб ёки бирон нарсани талаб қилиб, уларга мурожаат қилмайди. Унинг учун уйда ёш оқсоч, немис хотин Зоя яшайди. Елена ундан ўзини четга олади, у билан деярли гаплашмайди ҳам, уларнинг алоқалари жуда совуқ. Шу ернинг ўзида, унинг тўғрисида биз қуйироқда гапирадиганимиз, ёш рассом Шубин ҳам яшайди, Елена уни доим сўкиб уришади, аммо, унга қандай бўлмасин таъсир қилиш учун унинг кўришни ўйламайди ҳамки, бу рассомга жуда фойдали бўлиши мумкин эди. Бутун повесть давомида бир ҳолиса йўққи, унда фаол эзгулик ташналиги Еленани уни ўраб олган муҳит ишларига аралашишга ва бирон йўл билан ўз таъсирини кўрсатишга мажбур қилган бўлсин. Биз, буни авторнинг тасодифий хатоси туфайли бўлган деб ўйламаймиз, йўқ, бизнинг жамиятимизда, яқин-яқинларда ҳам хотинларнинг орасидагина эмас балки эркакларнинг ичида ҳам, ўзларини ўраб турган муҳитдан четга олишлари билан мақтанган алоҳида кишилар типи кўзга ташланиб турарди. «Бу ерда ўзингни тоза сақлаш мумкин эмас,— дер эдилар улар,— ва унинг устига, бутун бу муҳит шундай тубан ва разилдирки, яхшиси ундан узоқлашиш керак». Улар бу разил муҳитни тузатиш учун бирорта ғайратли ҳаракат қилмай, ундан чинакамдан ҳам узоқлашар ва бу узоқлашиш шу аҳволдан қутулиш учун ягона тўғри йўл ҳисобланар ҳам жасурлик сифатида шуҳрат қозонган эди. Табиийдирки, бунақа нарсалар ва тушунчаларни назарда тутган ҳолда, Еленани оиладаги ҳаётидан тамом четлаштиришдан кўра, унинг оила ҳаётини яхшироқ ойдинлаштириш йўлини автор топа олмас эди. Шундай бўлса ҳам, биз айтганимиздек, Еленанинг ожизлигига сабаб қилиб повестда унинг зайфона инсонпарварлик сезгисидан ўзидан-ўзи келиб чиқадиган махсус мотив берилган: у, мардлик етмаганлигидан эмас, балки кимнидир ҳақорат қилиб қўйиш, унга зарар етказиб қўйишдан хавфланиши сабабли ҳар қанақа тўқнашишлардан қўрқади. Ҳеч қачон тўла ва фаолиятли ҳаётни синаб кўрмай, у ўз гояларига [курашсиз] ҳеч кимга зиён етказмасдан эришиш мумкин деб тасаввур қилади. Бир ҳодисадан кейин (Инсаров маст немисни мардлик билан сувга улоқтириб юборган пайтда), у ўзининг жўндалигига шундай деб ёзади: «Шундай, у билан ҳазиллашиш мумкин эмас, у ҳимоянинг ҳам уддасидан чиқади. Лекин, аччиқ жаҳл, бу титраган лаблар, кўзларидаги бу заҳар нимага, ахир? Балки, ўзгача бўлиши мумкин эмасдир? Эр киши бўлиб, паҳлавон бўлиб, ҳалим, юмшоқ бўлиш мумкин эмасми?» Бу содда фикр унинг бошига энди келди, ўшанда ҳам ҳал қилолмай, шу кўйи ташлаб қўйган савол тариқасида келди.

Мана шу ноаниқлик қўйнида, мана шу... ниманидир муттасил зориқиб кутиб, ҳаракатсизлик ичида Елена йигирма ёшга киради. Гоҳ вақтлар унга жуда оғир: кучлари ҳабата кетаётганини, ҳаёти бўш эканини англайди, ўзи тўғрисида: «Оқсочликка кирсам ҳам бўларди, ростданам, менга енгил бўларди»,— дейди. Бу оғир майл унда шу билан зўраядики, у ҳеч кимдан ўз ҳисларига хайрихоҳлик тополмайди, ҳеч кимда ўзи учун таянч кўрмайди. «Гоҳи пайтларда унга шундай кўринадики, у ҳеч ким хоҳламаган, бутун Россияда ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, ниманидир қўмсайди»... У қўрқа бошлайди ва бирон ҳамдардга эҳтиёж кучлироқ ўсади, қиз уни тушуна оладиган, унинг муқаддас сезгиларига ҳамдард бўла оладиган, нима қилиш керак эканини ўргата оладиган бошқа бир кишини зориқиб, титроққа тушиб кутади. Унда кимга бўлмасин берилиш, ўз борлигини ким билан бўлмасин бирга қўшиш орзуси пайдо бўлади ва унга, ҳатто ўзига яқин кишилар орасида ўзини шу қадар ёлғиз ҳис этдирган мана шу мустақиллик ҳам ёқимсиз бўлиб қолади. «У, ўн олти ёшиданоқ ўз хусусий ҳаёти билан, лекин ёлғизликда яшай бошлади. Унинг қалби шу ёлғизликда оловланди ва шу ёлғизликда сўнди, қафасдаги қушчадек типирчилади, аммо қафаснинг ўзи йўқ эди, уни ҳеч ким сиқмас, ҳеч ким унинг қўлидан тутиб турмасди-ю, лекин, у талпинар ва зориқар эди. Гоҳи чоқларда ўзини-ўзи англамас, ҳатто, ўз-ўзидан қўрқар эди. Атрофни ўраган нарсалар унга ё маъюсиз, ё бўлмаса, тушуниб бўлмайдиган бўлиб кўринар эди. «Қандай қилиб севгисиз яшаб бўлади, севишга эса ҳеч ким йўқ»,— деб ўйларди ва бу ўйтўйғулар уни қўрқитар эдилар».

Унинг юраги худди мана шундай кайфиятда экан пайтда, ёз кунлари, Кунцово қишлоғида, у повесть воқиасига кириб келади. Қисқагина бир муддат ичида унинг олдида бир эмас, учта одам пайдо бўлиб, улардан биттаси уни ўзига тортади. Бу ерда, тўртинчи, эпизодик тарзда киритилган, аммо, ортиқча бўлмаган бир жаноб борки, биз уни ҳам ҳисобга оламиз. Бу жанобларнинг учтаси руслар, тўртинчиси булгордирки, Елена ўз идеалини худди мана шу кишида топади. Энди шу жанобларни бир кўздан кечирайлик.

Бу ёш йигитларнинг бири, ўзича Еленани эҳтирос билан севадиган, чиройликкина, нозик, 25 ёшлар чамасида, очиқ кўнгилли ва зийрак фикрли, хушчақчақ ва эҳтиросли, бетакрор ва талантли рассом Павел Яковлич Шубиндир. У, Еле-

йишини истайди, чунки жамики яшаётган нарсаларнинг вазифасини шунда кўради: ҳақиқатан ҳам унинг повестдаги роли қисман «Ортиқча одам»даги Бизьменковни, ундан ҳам кўпроқ «Икки опна»даги Крупицинни эслатади[6]. Еленани севган бу жаноб, Елена билан Елена севиб қолган Инсаров ўртасида воситачи бўлиб қолади, уларга ҳиммат билан ёрдам беради, Инсаров касал чоғларида унга қарайди, юраги унча-мунча қийналса ҳамки, ҳатто бир оз ғина қилиб, дўсти фойдасига ўз бахтидан воз кечади. Унинг юраги хайрли ва севадиган, аммо, ҳамма кўриб турибдики, у ҳамма вақт кўнглининг раъйига қараб эмас, яхшилик қилиш *лозимлиги* учун яхшилик қилади. У ватан, фан ва бошқалар учун ўз бахтини қурбон қилиш керак деб ўйлайди ва шу билан ўзини ғоянинг абадий қули ва фидокор шаҳиди бўлишга маҳкум этади. У, ўзининг бахтини, масалан ватандан айириб қўяди, у, бечора, ватаннинг роҳатини ўзининг хусусий бахтидан айирмаслик ва ўзи учун бахтни ватаннинг саодатидан бошқа тушунмаслик даражасига кўтарилолмайди. Аксинча, у гўёки, унинг шахсий бахти ватаннинг саодати, адолатнинг тантанаси, фаннинг ютуқлари ва ҳоказоларга халақит беради деб қўрқади. Ана шунинг учун у ўзига бахт исташга қўрқади ҳамда ўз принципларининг олижаноблиги туфайли, муайян ғоялар учун, бахтини қурбон қилишга журъат қилади ва бу ишини, албатта миннат деб билади. Маълумдирки, бундай одам пассив олижанобликдан бошқа нарсага ярамайди. Аммо, қандайдир, буюк ишга жони-дили билан қўшилиш, яхши кўрган фикри учун бутун оламни унутиш, ўша фикр билан ёниш ва унинг учун ўз шодлиги, ўз ҳаёти, ўз бахти учун курашган каби курашиш унга насиб эмас... У, фақат бурчи нимани буюрса, шуни қилади, принципи бўйича нима ҳақ эканини эътироф этса, шунга интилади; аммо унинг ҳаракатлари доимий суратда, ўз кучларидан шубҳаланганн учун бўшанг, совуқ, ишончсиздир. У, университет курсини аъло даражада битирган, илмни севади, доим шуғулланади, профессор бўлишни истайди; бундан ҳам осон нарса йўқдай кўринади. Лекин, Елена, ундан профессорлик тўғрисида сўраганда, у мақтовга сазовор камтарлик билан шундай дейишни лойиқ топади: «Албатта, мана шундай мартабага сазовор бўлиш учун менга нималар етишмаслигини яхши биламан... Демоқчиманки, мен жуда ҳам кам тайёрланганман; аммо, мен чет элларга бориб келишга ижозат олишимга ишонаман...» Бу гаплар худди илм билан ўралишиб қолган одам нутқининг кириш қисмига ўхшайди: «Хонимлар ва жаноблар, нутқимнинг қусурларини ва рангсизлигини марҳамат ва ҳиммат билан афв этмоқларингизга умид боғлайман» ва ҳ. к.

Ҳолбуки, Берсенев шунчалик мақтаган профессорлик унинг муқаддас орзусини ташкил этади! Еленанинг, агар кафедрага эга бўлсангиз, ўз вазиятингиздан рози бўлармидингиз деган саволига,— «Шак-шубҳасиз, Елена Николаевна, бутунлай рози бўлардим, бундан яхши қанақа орзу бўлиши мумкин, ахир? Ўйлаб кўринг, Тимофей Николаевичнинг изидан бориш'... Мана шундай фаолият ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ мени шодлик ва изтироб билан... ҳа... менинг кичик кучларимни эътироф этишдан пайдо бўлган изтироб билан тўлдиради...» дейди. Ана шу кичик кучларини эътироф этиш Еленанинг ўзини севиб қолганига ишонмасликка, кейинча қизнинг кўнгли қолгани учун энтикишга мажбур қилади. Ўз ошнаси Инсаровни, бу киши қарзга ҳеч нул олмайдилар, деб таъриф қилиб таништирганда ҳам, мана шу идрок мўралаб кўриниб туради. Ҳатто, унинг табиат тўғрисидаги муҳокамаларидан ҳам ўша идрок сезилиб туради. У, табиат менда тинчсизлик, ташвиш ва ғам қўзғатади, дейди ва Шубиндан сўрайди: «Бунинг маъноси нима? Биз унинг қаршисида — табиат қаршисида — ўзимизнинг бутун нуқсонларимизни, мубҳамлигимизни яхши тушунганимизданми, ё бўлмаса, табиатни мамнун қилган нарса бизлар учун кифоя эмасми ва ўзга нарсалар, яъни демоқчиманки, бизга керак бўлган нарсалар унда йўқми?» Берсенев муҳокамаларининг кўп қисми мана шундай қуруқ романтик тусга эга. Ҳолбуки, повестнинг бир жойида унинг Фейербах тўғрисида муҳокама қилгани эслатилади; Фейербах тўғрисида нима деганини эшитсак, кўп қизиқ бўлар эди-да!..

Шундай қилиб Берсенев — бурчни бажариш руҳида тарбияланган ва сўнг олимлик ва фалсафага берилган дурустгина рус дворянидир. У Шубиндан кўра, анча ишчан, умидлик, агар уни қандайдир бир йўлга бошланса, хоҳиш билан ва тўғри, тоймасдан ўша йўлдан боради. Аммо, у бошқаларнигина эмас, ҳатто ўзини ҳам йўлга сололмайди: унинг вужудида ташаббус деган нарса асло йўқ. Уни на тарбияда, на кейинги ҳаётида қўлга киргизишга улгуролмаган. Унинг юмшоқ кўнгиллилиги, ҳамма вақт иш тўғрисида гапиргани учун, Елена бошда унга бир оз майл сезган эди. У ҳатто унинг олдида ўзининг нодонлигидан, унинг ҳамма вақт қиз ўқий олмайдиган китобларни олиб келиб беришидан уялади. Аммо, Берсеневга тамом берилолмайди, бутун жонини, бахтини унга беролмайди: қиз ҳали Инсаровни кўрмасдан бурунроқ Берсенев кўнглидаги одам эмас эканини қалби билан англаган эди. Ҳақиқатан ҳам, ишонч билан айтиш мумкинки, агар Елена унинг бўйнига осилиб олишни чинакам ўйлаганда, Берсенев жасоратини йўқотиб қўяр ва, албатта, турли, ҳаддан ташқари ўрипли баҳоналарни қилиб қочиб ҳам кетар эди.

Шундай бўлса ҳам, Елена кўнглидаги одамни тополмай яшаётган вақтда, Берсеневга қизиққан дақиқалари ҳам бўлган эди ва шунча узоқ вақтдан бери бутун қалбим билан зориқиб кутаётган одамим шу эмасмикан, мени бутун эсан-

кирашлардан қутқариши ва фаолият йўлини кўрсатиши лозим бўлган киши, шу эмасми, деб ўз-ўзига савол ҳам берган эди. Лекин, Берсеневнинг ўзи унинг олдига Инсаровни бошлаб келди ва мафтунлик пучга чиқди...

Инсаровда, жиддий гапирганда, бирон фавқулодда нарса йўқ. Берсенев, Шубин, Еленанинг ўзи, ҳатто повестнинг автори ҳам уни кўпроқ салбий сифатлар билан характерлайдилар. У ҳеч қачон ёлғон гапирмайди, ўз сўзида туради, қарзга пул олмайди, ўзининг жасурликлари тўғрисида гапиришни севмайди, қиламан деган ишини чўзиб ўтирмайди, сўзи ишидан ажрамайди ва ҳоказо. Қисқаси, ўзини тузук киши ҳисоблашга даъвоси бор одамни аччиқ ўкинтирадиган хислатлар унда йўқ. У бунинг устига, кўнглида ўз ватанини озод қилиш учун эҳтиросли истак сақловчи ва бу фикрга тамом ошкора ва ишонч билан берилган, ҳаётининг ягона мақсади мана шундан иборат бўлган бир булғордир. У, ўз шахсий роҳатини мақсадига қарама-қарши қўйишни ўйламайди; ўқимишли рус дворяни Берсеневда шунчалик табиий бўлган бунақа фикр оддий булғорнинг эсига ҳам келмайди. Аксинча, у ватанини озод қилишга шунинг учун ҳам уринадики, ўзининг шахсий тинчлиги, бутун ҳаётининг бахтини мана шунда кўради; агар у ўзи учун бошқа бирон нарсадан қаноат тополса эди, поймол этилган ватанини ўзига қўйиб бераради. Аммо у ўзини ватандан ажратиб тушунолмайди. «Қандай қилиб ахир, ватандошларинг азоб чекиб турганда, ҳамма нарсадан рози ва бахтли бўлиш мумкин?— деб ўйлайди у;— одам қандай қилиб, унинг ватани асир қилинган ва эзилган пайтда тинчий олади? Агар у қилаётган иш ватандошларининг тақдирини енгиллаштиришга олиб бормайдиган бўлса, бундай ишга қандай кўнгил қўйиши мумкин? «Шундай қилиб, у ўзининг чинакам ишини мутлақо чўзмасдан; мақтанчоқлик қилмасдан, худди еган, ичгани каби оддий равишда қилади. Ҳали ҳозирча, ўз ғоясининг бажарилиши учун унга оз ишлашга тўғри келади: лекин нима қилиш керак, ахир? Унга энди кам ва ёмон ейишга тўғри келади ва ҳатто, баъзи сафар оч қолиши ҳам бор; лекин ҳар қалай, ўша овқат, гарчи камчил, оз бўлса ҳам, яшашининг зарур шартларини ташкил этади. Ватанни озод қилиш ҳам шунга ўхшайди: дурустгина маълумотли бўлиш ва руслар билан яқинлашиш учун Москва университетида ўқийди ва повесть давомида булғорча ашулаларни рус тилига таржима қилиш, руслар учун булғор ва булғорлар учун рус грамматикаларини тузиш, ўз юртлари билан хат ёзишиб туриш ва шарқий урушнинг бошланиши биланоқ, қўзғолонга тайёрланиш учун ватанига боришга йиғиниб-теринши билангина қаноатланади (воқиа 1853 йилларда боради). Албатта, улар ҳаммаси Инсаровнинг фаол ватанпарварлиги учун етарли озиқ бўла олмайди, аммо, у ўзининг Москвада туришини чинакам турмуш деб ҳисоб-

ламайди ҳам, ўзининг заиф фаолиятини ҳатто, ўз шахсий ҳислари учун ҳам, қаноатланарли ҳисобламайди. У ҳам, ўз ватанининг озодлиги келадиган буюк кун *арафасида* яшайди. Бу буюк кунда унинг борлиги бахт туйғусидан нурланади, ҳаёти тўлади ва чинакам ҳаётга айланади. У, бу кунни байрамдек кутади ва шунинг учун ҳам ўзидан шубҳаланиш, қанчалик иш қилолиши ва қанақа мардга тенглашишга улгура олиши тўғрисида ҳисоб қилиш ва уларни ўлчаб кўриш — унинг миясига келмайди. У, Тимофей Николаевич ва ё Иван Иванович бўла оладими,— бу билан қатъиян ҳеч иши йўқ; биринчи ва ё иккинчи ўринда бўлишга тўғри келадими,— у бу тўғрида ўйламайди ҳам. У табиати нимага ундаётган бўлса, шуни қилади: агар унинг табиати бошқаларда топилмайдиган, бошқаларникидан яхшироқ бўлиб чиқса, у биринчи ўринда бўлиб, бошда боради; агар ундан пишиқроқ ва жасурроқ одамлар топилиб қолса, у, уларнинг орқасида боради ва ҳар икки ҳолда ҳам ўзига содиқ бўлиб қолади ва ғояларига хиёнат қилмайди. Қаерда туриш ва нимагача бориб етиш масаласини шароит ҳал қилади, аммо у яна илгари босмоқни истайди, ўз бурчини бажармай қолишдан қўрққани учун эмас, балки агар ўрнидан жилиш мумкин бўлмаганда, жони чиқиб ҳалок бўлиши турган гап бўлгани учун интилади, бир жойда қузғалмасдан туролмайди. Унинг билан Берсенев ўртасидаги жуда катта фарқ ҳам мана шунда. Берсенев ҳам қурбон бўлиш ва мардлик кўрсатишга қобил, аммо у, бу иши билан отасини ранжитмаслик учун ўзи суймаган куёвга тегишга кўнган қизга ўхшайди. У яширин ғам ва тақдирга мутелик билан тўй кунини кутади ва агар бирон нарса унга халақит бериб қолса, шод бўлади. Инсаров тескарисича, мардлик кўрсатадиган ёруғ кунини, ўзини фидокорона фаолиятининг ҳужуми бошланадиган кунни, ёш йигит севган қизи билан қўшилиш кунини кутгандай, эҳтирос ва бесабрлик билан кутади, уни нимадир бузиб қўймаса гўрга эди, узоқ орзу этилган минутни яна чўзиб қўймаса эди деган битта хавфгина кўнглида ташвиш тугдириб туради. Ватан озодлигининг муҳаббати Инсаровнинг идрокидагина эмас, юрагидагина эмас, тасаввуридагина эмас; у, унинг бутун вужудида ва бу вужудга нимаики кирмасин, бутуниси бу сезгининг кучи билан ўзгаради, унга итоат қилади, у билан бирга қўшилади. Шунинг учун ҳам, ўз истеъдодларининг оддийлиги, усти ялтироқ, ичи қалтироқ эмаслиги билан у Шубин ва Берсеневдан ҳисобсиз баланд туради. Еленага порлоқ Шубин ва ақлли Берсеневдан кўра, гарчи булар иккаласи ҳам олижаноб ва севадиган кишилар бўлсалар ҳам, Инсаров қиёс қилиб бўлмайдиган даражада кучлироқ ва жозибалироқ таъсир қилади. Елена ўз кундалигига Берсенев тўғрисида жуда ҳам тўғри ёзади: «Андрей Петрович балки ундан (Инсаровдан) олимроқдир, балки, ҳатто ақллироқ

ҳам... Аммо мен билмайман,— у *(Берсенев) унинг олдида шундай кичикки...»* (автор бу кундаликни яратишда умумман ўз чуқур фикрини ва зийраклигини аямаган).

Еленанинг Инсаров билан яқинлашиш тарихини ва уларнинг муҳаббатини ҳикоя қилиб ўтириш лозимми? Хожати бўлмаса керак. Эҳтимолки, ўқувчиларимиз бу тарихни яхши биларлар; ахир буни ҳикоя қилолмайсан ҳам киши. Биз, совуқ ва дағал қўлимиз билан бу нозик шоирона ижодга тегишдан қўрқамиз; қуруқ ва руҳсиз, таъсирсиз ҳикоя билан жаноб Тургенев ҳикоясининг поэзияси орқали қўзғатиладиган ўқувчининг муқаддас ҳиссини таҳқирлаб қўямиз деб қўрқамиз. Соф ва мукаммал аёл муҳаббатининг куйчиси — жаноб Тургенев ёш қизнинг кўнглига шундай чуқур кўз ташлайдики, уни шундай тўла беради-ки, унинг энг яхши дамларини шу қадар серилҳом лаззат билан, шу қадар қайноқ муҳаббат билан чизадики, унинг ҳикоясини ўқисанг, ҳаммаси ҳам — қиз кўкрагининг тебранишлари ҳам, сокин хўрсиниш ҳам, намҳуш нигоҳ ҳам аниқ сезилади, тўлқинланган юракнинг ҳар бир теши-ши эшитилади ва бизнинг юрагимиз ҳам ғамзакор сезгидан уюшади ва «шув» этиб кетади-ю, кўзларимизга бир неча бор ёш келади, кўксимизда нимадир чангал солиб талпинади, гўёки, биз эски дўстимиз билан узоқ айриликдан сўнг кўришгандек, ёки, ёт ерлардан киндик қонимиз тўкилган жойларга қайтаётгандек бўламиз. Бу туйғу ҳам ғамли, ҳам севинчли: унда қайта келмайдиган бўлиб лип этиб ўтиб кетган болаликнинг ёруғ хотиралари, ёшликнинг мағрур ва шодиёна умиллари, ҳали турмуш синовлари хўрламаган, тобе қилмаган тоза ва қудратли тасаввурнинг ғоят гўзал, иттифоқ хаёллари кўринади. Буларнинг ҳаммаси ўтиб кетди ва энди қайтиб келмайди. Лекин, ҳали хотирасида бўлса ҳамки, у ёруғ, ширин хаёлларга, у тоза ҳаёт билан гўдакларча маст бўлишга, у улуғвор маҳобатли улуғ ниятларга қайта оладиган,— ва сўнг унинг ҳозирги ҳаёти ўтаётган бу ифлослик, разолат ва бачканаликка кўзи тушиб, қўрқувдан титраб кетиши мумкин бўлган одам йўқолгани йўқ. Бошқаларда шунақанги хотираларни уйғотадиган, шундай руҳий кайфият туғдира оладиган кишига, қайта-қайта раҳматлар бўлсин... Жаноб Тургеневнинг таланти ҳамма вақт мана шу тарафи билан кучли эди, унинг повестлари доимий суратда ўзларининг умумий тузилишлари билан ана шунақа тоза тасаввур қолдирар эдилар ва уларнинг жамият учун энг муҳим аҳамияти ҳам мана шундан иборатдир, албатта. Еленанинг муҳаббатини тасвир қилишда «Арафа» ҳам бу ҳислатдан ҳоли эмас. Биз ишонамизки, ўқувчилар Елена ва Инсаровлар муҳаббатини бошдан-оёқ тасвир этган у эҳтиросли нафис кўринишларнинг, у нозик ва чуқур руҳий тафсилотларнинг бизсиз ҳам баҳосини билиб бера оларлар. Ҳикоя қилиб ўтиришнинг ўрнига биз, Еленанинг кундалигини

эслатиб ўтамиз. Инсаров хайрлашиш учун келиши керак экан, қизнинг кутиши, ибодатхоначадаги манзара, бу манзарадан кейин Еленанинг уйга қайтиши, унинг Инсаров олдига уч марта бориши ва айниқса охиргиси,* кейин онаси, ватани билан видоълашиши, жўнаб кетиши, ниҳоят, canal grand бўйлаб унинг Инсаров билан қилган сўнгги сайри, Травиата томошасини кўриши ва қайтиши... Бу охирги тасвир, хусусан бизга ўзининг ҳақиқатлиги ва сўнгсиз қайғули кўркамлиги билан қаттиқ таъсир қилади, биз учун бу, бутун повестнинг энг кўнгилли, энг суюмли жойидир.

Повестнинг бутун ривожини хотирга келтириб, кайфини суришни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилиб, биз яна Инсаровнинг характерига, ёки энг яхшиси Инсаровнинг жаноб Тургенев повестида уни ўраб олган рус жамиятига муносабатига мурожаат қиламиз. Биз юқорида кўрдикки, у бу ерда ўзининг асосий мақсадига эришиш учун деярли ҳаракат қилмайди; фақат бир мартаба Троицкий шаҳарчасида яшаб турган ўз ватандошларининг жанжалларини бости-бости қилиб, уларни яраштириб қўйиш учун 60 чақирим узоқликдаги бир жойга борганини кўрамиз, холос. Тағин, унинг Москвада туришининг сўнгги пайтида шаҳарни кезиб юриб, яширинча турли шахслар билан кўришгани ҳам эслатиб ўтилган. Шубҳасиз, Москвада яшаб туриб, у ҳеч нарса қилолмас эди; чинакам фаолият учун унинг Булғорияга жўнаши лозим эди. У Булғорияга жўнаб ҳам кетади, аммо йўлда уни бемаҳал ўлим олади ва шу тариқа унинг фаолиятини повестда кўрмаймиз. Мана шундан маълумки, повестнинг моҳияти асло, баъзилар ишонтиришга уринган каби, гражданлик жасоратининг яъни ижтимоий жасоратнинг намунасини кўрсатишдан иборат эмасдир. Бу ерда, ёш рус аслодидан гинаҳонлик йўқ, граждан қаҳрамон қандай бўлиши кераклигига кўрсатмалар асти кўринмайди. Агар бу, авторнинг ниятида бўлса эди, у ўз қаҳрамонини ишнинг ўзи билан,— партиялар билан, халқ билан, ажнабий ҳукумат билан,

---

* Фикри-зикри шу қадар ифлосланган ва бузилган одамлар борки, улар икки севишувчи манжудотнинг тўла, эҳтиросли қўшилуви тасвирланган мана шу ғоят кўркам, мусаффо, чуқур маънавий манзарада фақат шаҳвоний ҳирслар қўзғовчи воситани кўрадилар, холос. Ҳамма нарса ҳақида ўзларига қараб фикр юритадиган бу одамлар ҳатто, мана шу манзара маънавийликка ёмон таъсир кўрсатади, чунки у носоғлом фикрлар уйғотади деб дод-вой соладилар. Майли, қўя бериш уларни, дод солсалар — солаверсинлар. Милосс Венерасини кўрганда ҳирси уйғониб, бошқа ҳеч нарсани ҳис қила олмайдиган ёки Мадоннага кўзи тушганда шаҳвоний тержайиш билан «не... буни... ҳалигидай... ярай беради» дейишдан нари ўтмайдиган одамлар ҳам бор-ку, ахир. Аммо, санъат ва поэзия — улар учун эмас, ҳақиқий маънавийлик ҳам улардан узоқ. Уларнинг қўлига тушган ҳар нарса кишини ижирғантирувчи ифлос нарсага айланади. Бироқ, мана шу манзаранинг ўзини бирор иффатли, қалби соф қизга ўқишга бериб кўринг — ишонаверингки, бу қиз шу манзарадан фақат порлоқ ва олижаноб ниягларгина ҳосил қилади.

ўзининг ҳамфикрлари билан, душман қуввати билан юзма-юз қўйиши керак эди... Аммо, авторимиз қаҳрамонлик эпопеяси ёзишни сира истамаган ва унинг барча аввалги асарларига таяниб айтганда, қаҳрамонлик эпопеясини ёза оладиган ҳоли ҳам йўқдир. Унинг иши тамом бошқача: у, «Илиада» ва «Одиссея»дан фақат Улисснинг Калипсо оролида тургани тўғрисидаги эртакни ўзлаштиради-ю, ундан нари бормайди. Бизни Инсаровнинг ким экашини ва қандай муҳитга тушиб қолганини англаб, сезиб кўришга мажбур қилган жаноб Тургенев Инсаровни қандай яхши кўришлари ва бундан нима содир бўлишини тасвирлашга берилади. Ниҳоят, муҳаббат ўз ўрнини энди жонли гражданлик фаолиятига бўшатиб бериши керак бўлган ўринда, у ўз қаҳрамонининг ҳаётига чек қўяди ва повестини тугатади.

Ундай бўлса, бу воқеада *булғор* иштирок этишининг маъноси нимада, ахир? Бу ерда булғор нима қилади, нима учун шу булғор ўрнида рус эмас? Ё, русларнинг ўртасида бунақа вужудлар йўқ ва ҳали руслар эҳтиросли ва қатъий равишда севолмайдиларми, муҳаббат билан уйланишга қобилиятсизми? Ёки, бу автор тасаввуришинг шундай бир ўйинимми ва ундан ҳеч қандай хусусий маъно қидириб ўтириш керак эмасми? «Мен булғорни танлаб олдим-да, тамом; ахир, бирон лўли ва хитойни ҳам олишим мумкин эди...»

Бу саволларга жавоб повестнинг бутун маъносига бўлган умумий қарашга боғлиқдир. Бизга бу булғор, ҳақиқатан ҳам бу ерда бошқа бир миллат билан: серб, чех, итальян, венгер билан алмаштирилиши мумкиндай туюлади. Лекин, унинг ўрнида сира-сира (поляк ёки) рус бўлиши мумкин эмас эди. [Нима учун поляк мумкин эмаслиги тўғрисида, шубҳасиз гап ҳам бўлиши мумкин эмас; нима учун рус мумкин эмаслиги бўлса,— бутун масала мана шундан иборатдир ва биз унга, билганимизча жавоб беришга тиришиб кўрамиз].

Ҳамма гап шундаки, «Арафа»да бош шахс — Еленадир ва биз ҳам бошқа барча шахсларни унга нисбатан текшириб кўришга мажбурмиз. Унда нимадир ноаниқ қўмсаш туйғуси, янги ҳаётга, янги одамларга эҳтиёж, эҳтиёж бўлганда ҳам онгсиз ва лекин қарши туриб бўлмайдиган эҳтиёжнинг таъсири борки, бу туйғу ва эҳтиёж ҳозир бутун рус жамиятини ва ҳатто фақат ўқимишли аталадиганларнигина эмас, ҳаммани банд қилган. Еленада бизнинг замонавий ҳаётимизнинг энг яхши интилишлари жуда равшан акс этган; унинг атрофидагиларда эса яна ўша ҳаётнинг одатий ҳолсизлиги, ярамаслиги шундай қабариб кўриниб турадики, беихтиёр (рамзли) солиштириб чиқиш хоҳиши қўзгалади. [Шунда ҳамма нарса жой-жойига тушган бўларди: унча ёвуз бўлмаган, аммо қўруқ ҳам ўринсиз катталик қиладиган Стахов ҳам, Шубин макиён деб атаган Анна Васильевна ҳам, Елена совуқ муомилада бўлган компаньон немис хотин ҳам, мудроқ, аммо

вақт-вақти билан чуқур фикр қиладиган, фақат хирожлар тўғрисидаги хабарлардан ҳаяжонланадиган Увар Иванович ҳам, ҳатто, ҳамма иш тамом бўлиб ўтиб бўлгандан кейин, унинг хабарини Еленанинг отасига ташийдиган хунук хизматкор ҳам]... Аммо, шубҳасиз, тасаввурнинг ўйинқароқлигини кўрсатадиган бу хил муқоясалар катта тафсилотларга борганда, чўзиқ ва кулгили бўлиб қолади. Шунинг учун, биз тафсилотдан ўзимизни тийиб, фақатгина, бир неча умумий мулоҳазалар баён қиламиз.

Еленанинг тараққиёти ҳаётнинг кенг тажрибасига, олимликка асосланган эмас, унинг энг яхши ва баркамол тарафлари онасининг сабрли гамини кўриб туриб, ҳамма ерда ва ҳатто тушида ҳам эзилган қашшоқ, заиф одамларни кўриб туриб очилди, ўсди ва етишди. Рус жамиятидаги жамики энг яхши кишилар ҳам бу хил тасаввурларда ўсган ва тарбияланган эмасми? Ҳар бир чинакам виждонли одам (бизда) ҳар қандай зўрликка, ўзбошимчаликка, зулмга нисбатан нафрат ва заиф ҳамда эзилганларга ёрдам бериш хоҳиши билан характерланмайдими? Биз бу ерда: «Зўрларнинг жабридан кучсизларни ҳимоя қилиш (учун курашиши) билан» демадик, шунинг учунки, бундай кураш йўқдир, лекин, худди Еленадаги каби кучсизлар ва эзилганларга ёрдам бериш *хоҳиши* билан характерланади дедик. Биз ҳам ижобий томонларга эга бўлган, яъни ҳеч қандай кураш талаб қилмаган, ҳеч қандай ташқи аксил ҳаракатни тақоза қилмаган эзги бир ишни жон-жон деб қилишга тайёрмиз. Биз ҳам хайри-эҳсон қиламиз, спектакль қўйиб, ундан тушган пулни хайрли ишларга иона қиламиз, эҳтиёж бўлса, ўз молу дунёмизнинг бир қисмини қурбон ҳам қиламиз. Аммо, фақат шу билан иш чекланса бўлгани, бизга қандайдир бирон камбағал ва кўнгли озор топган одам орқасида турли бемазагарчиликлар билан курашиш ва машаққатланиш тўғри келиб ўтирмасин. «Фаол эзгуликни тилаш» бизда бор, куч ҳам бор; аммо, қўрқиш, ўз кучларимизга ишонмаслик ва ниҳоят, нима қилиш кераклигини билмаслик доимо шаштимизни кесиб қўяди ва биз, қандай экашини ўзимиз билмасдан, худди Елена ўзини ўраб турган муҳитдан четда тургани каби, бехосдан ижтимоий ҳаётнинг манфаатларидан совиб, бегона бўлиб, ундан четда туриб қоламиз. Шундай бўлса ҳам *хоҳиш* бурунгидек дилда жўш уради (бу ерда хоҳишни сунъий равишда сўндиришга тиришмайдиганлар тўғрисида гапираётирмиз) ва биз ҳамон излаймиз, ишонамиз, кутамиз... (Бизга, ким бўлмасин, бирор одамнинг нима қилиши тушунтиришини кутамиз). Елена ўз кундалигида, эсанкираш оғриғини сезиб, деярли умидсизлик билан шундай деб ёзади, «О, агар кимдир менга: сен мана бундай қилишинг керак деб кўрсатса эди! Эҳсонлик бўлиш — бу оз; яхшилик қилиш... ҳаётда энг муҳим нарса шу. *Аммо, яхшиликни қандай қилиш керак?*» Ўзларида жон-

ли дил бор экани эътироф этган жамиятимиз кишиларидан қайси бири, ким оғир азоб билан ўзига шунақа саволни бериб кўрмаган? [Ким, хайри-саховатли бўлиш тилаги ва қадри имкон намоён бўлган фаолиятнинг бутун формаларини арзимас ва аҳамиятсиз деб эътироф этмаган? Ким, қандайдир, биз ҳатто бажара олишимиз мумкин бўлган, лекин унга қандай киришиш даркорлигини билмаганимиз бошқа юксакроқ нарса борлигини сезмаган?]... Қани у шубҳаларни ҳал этиш йўллари? [Биз бу йўлларни ҳаётимизнинг ёруғ дақиқаларида эътикиб, ташналик билан қидирамиз ва тополмаймиз. Бизга атрофимизни қуршаб турганларнинг ҳаммаси ҳам ё бизга ўхшаб обдираб, энтикиб, шу йўлларни кутаётгандай, ё ўзида инсонийликни ҳалок этган ва ўзини ўзи фақат майда, эгоистик, ҳайвоний манфаатларни кўзлашдан нари ўтмайдиган қилиб бўғиб қўйгандай кўринади. Шундай қилиб, ҳаёт кундан-кун ҳали одам қалбида сўнмаган экан, ўтиб турибди ва кундан-кун жонли одам: эртага яхшироқ бўлмасмикан, шубҳалар эртага ечилмасмикан, бизга яхшиликни қандай қилиш кераклигини айтиб берадиган киши эртага чиқмасмикан, деб кутади...

Бу интизорлик туйғуси рус жамиятини кўпдан бери энтиктиради ва биз ҳам Еленага ўхшаб, мана кутганимиз келиб қолди, деб неча бор адашмадик ва сўнг совумадигу! Елена эҳтирос билан Анна Васильевнага боғланиб қолгандай эди-ю, аммо, Анна Васильевна аҳамиятсиз, заиф бўлиб чиқди. Худди бизнинг жамият бир вақтларда бадиийликка қизиққандек Елена ўзида Шубинга майл сезган эди. Аммо, Шубинда усти ялтироқлик ва инжиқликдан бўлак маънили бир мазмун йўқ бўлиб чиқди; Еленанинг бўлса, ўз изланишлари орасида ўйинчоқлар билан мароқланишга фурсати йўқ эди. Берсенев қиёфасида бир дақиқа жиддий илм кишиси билан қизиқди, аммо, у жиддий илм кишиси, камтар, шубҳа билан тўлган, орқасидан эргашиш учун биринчи ўриндаги одамни кутиб турган бўлиб чиқди. Еленага бўлса, беномер, насиб этганни кутиб турмайдиган, балки ўз мақсади сари мустақил ва қатъият билан интиладиган ва унга бошқаларни жалб қиладиган киши даркор эди. Унга мана шунақангги бўлиб, ниҳоят, Инсаров дуч келди [ва ундагина ўз ғоясининг вужудга чиққанини кўрди, ундагина яхшиликни қандай қилиш керак деган саволга жавоб топиш мумкинлигини кўрди.

Хўш,] Инсаров ўрнида нега рус бўлиши мумкин эмас эди? Ахир, у повестда ҳаракат қилмайди, фақат ишга тайёрланади холос-ку; бу ишни рус ҳам қила олади-ку. Шундай экан, унинг характери, айниқса шу тариқа намоён бўлар экан, рус кишисида ҳам бўлиши мумкин. Бу характер, повестда фақат кучли ва қаттиқ севгида намоён бўлади, холос-ку, наҳотки рус кишиси ҳам шундай севиши мумкин эмас эди?!

[Бу ҳақиқатан ҳам шундай, лекин шундай бўлса-да, Еленанинг, биз тушунган Еленанинг майли, бу булғорга бўлгани сингари, ўша ҳуқуқ, ўша табиийлик билан рус кишисига қаратилиши мумкин эмас эди. Инсаровнинг мафтункор кучи, унинг вужудига сингиб кетган ғоянинг улуғлиги ва муқаддаслигидадир. Фаол эзгуликка ташна бўлган, аммо, уни қандай қилишни билмайдиган Елена ҳали Инсаровни кўрмасдан туриб, унинг нияти тўғрисида эшитибоқ, туйқусдан қаттиқ ажабланади. «Ўз ватанингни озод қилиш,— дейди Елена,— бу сўзларни оғиздан чиқариш ҳам қўрқинч — улар шундай буюк!» Шунда у, юрагининг калити топилганини, қаноатланганини, бу ғоядан ўзини юқори қўйиш мумкин эмаслигини, агар у одамнинг орқасидан борар бўлса, бутун нияти, бутун келажаги учун фаолиятли мазмунга эришишини сезади ва Елена унга астойдил назар солишга интилади, унинг руҳига киришни, унинг бор хаёлига шерик бўлишни, режаларининг бор тафсилотларини билишни хоҳлайди. Унда бўлса, доимий ўзи билан қўшилиб кетган ватан ва унинг озодлиги ғоясигина бор ва Елена бундан рози, қизга ундаги интилишларнинг аниқ ва тайинлиги, руҳнинг тинч ва маҳкамлиги, орзунинг қудратлилиги ёқади ва қиз орадан кўп ўтмай Инсаровни жонлантирган бу ғоянинг акс садоси бўлиб қолади. «У ўзининг ватани тўғрисида гапирганда,— деб ёзади кундалигига қиз,— ўсади, улкан бўлиб кетади ва чеҳраси очилади, овози ҳам гўё пўлат, бундай пайтда бутун ёруғ жаҳонда шундай бир киши йўқдай туюладики, унинг олдида бу ерга қарасин. У фақат гапирадигина эмас, у ҳаракат қилади ва қилажак, мен ундан ҳаммасини суриштираман...» Бир неча кундан кейин, у яна ёзади: «Шундай бўлса-да, ҳалигача, йигирма ёшимгача ҳеч кимни севмаганим қизиқ! Менга шундай туюладики, Д. нинг (мен уни Д. деб атайман, менга Дмитрий деган ном ёқади) кўнгли шунинг учун шунчалик аёндирки, у ўз орзуси, ўз ишига тамом берилган. Нимадан у тинчсизлансин? Кимки тамом... тамоман... берилган бўлса, унинг қайғуси кам бўлади, ҳеч нарса учун жавобгар эмас. *Мен* эмас, *у* хоҳлайди». Буни тушуниб, у билан шундай бирикиб кетишни хоҳлайдики, токи, кейин энди *ўзи эмас*, балки *у* ва уни жонлантирган *мақсад* хоҳласин. Биз унинг аҳволини жуда яхши тушунамиз; ишонамизки, бутун рус жамияти гарчи унга ўхшаб, Инсаров шахсига ҳали қизиқмаса ҳам, Елена сезгисининг мумкинлигини ва табиийлигини англар.

Биз жамият ўз-ўзича қизиқмайди, деймиз ва бундай дейишимизда шунга асосланамиз, *бу* Инсаров ҳамон биз учун бегонадир.] Жамиятимизнинг яхши қисмини шу қадар тўла-тўкис текширган жаноб Тургеневнинг ўзи уни *бизники* қилиб кўрсатиш учун имкон топмаган. Қола берса, Булғориядан олиб чиқиб, уни, бу қаҳрамонни бизга ҳатто шунчаки одам сифатида ҳам кам яқинлаштиради. Агар, ҳатто, асарнинг адабий

томонига қарашни хоҳласангиз, повестнинг муҳим бадиий камчилиги ҳам мана шундадир. [Биз бу камчиликни туғдирган муҳим сабаблардан бирини тушунамиз ва уни авторга тааллуқи йўқ деб ҳисоблаймиз, шунинг учун ҳам жаноб Тургеневдан гина қилмаймиз. Аммо, шундай бўлса ҳам] Инсаров қиёфасининг қонсизлиги повесть қолдирадиган таассуротнинг ўзида акс этади. Инсаров ғоясининг улуғлиги ва чиройи бизнинг олдимизда тўла кучи билан чиқариб қўйилмайдики, [токи шу ғоя бизнинг вужудимизга сингиб кетсин ва биз мағрур жонланиш билан: сенинг орқангдан борамиз!! — деб хитоб қилайлик]. Шундай бўлса-да, [бу] ғоя шундай муқаддас, шундай кўтаринки... Бадиий образларда ҳафсала билан ўтказилган, одамга кам дахли бўлган, ҳатто уйдирма бўлган ғоялар жамиятда жуда катта таъсир қолдирганлар: Карл Моорлар, Вертерлар, Печоринлар ўзларига бир тўда тақлидчиларни туғдирганлар. Инсаровга тақлидчилар бўлмайди. Тўғри, Инсаровга Москвада туриб, ҳеч нарса қилмаган ҳолда ўз ғояси билан тўла кўринишни қийин ҳам эди: кўриниш — сафсата, қуруқ гап сотиш билан бўлмайди-да! Аммо, биз унинг қандай одам эканини ҳам повестдан кам биламиз; унинг ички дунёси ҳам биз учун пинҳондир; унинг нима қилаётгани, нима ўйлаётгани, нимага умид қилиши, ўз муомалаларида қанақа ўзгаришлар ҳис қилаётир, воқиаларнинг боришига, унинг кўзлари олдида ўтаётган ҳаётга қандай қарайди — бизга номаълум. Ҳатто, унинг Еленага бўлган муҳаббати ҳам биз учун етарли очилмасдан қолади. Унинг Еленани эҳтирос билан севиб қолганини биламиз, аммо бу сезги қандай қилиб унга ўрнашди, қизнинг нимаси жазм этди, бу ҳисни пайқаб, кейин чекланишга қарор берар бўлганида, бу севги қай даражада эди — жаноб Тургенев шундай нафис, шундай шоирона тасвир эта оладиган бутун бу ички тафсилотлар ва яна анча бошқа нарсалар Инсаровнинг шахсида қоронғи бўлиб қоладилар. Жонли образ, ҳақиқий шахс сифатида Инсаров бизлан [ҳозирча] ҳаддан ташқари узоқдир ва шунинг учун жаноб Тургеневнинг илгариги, то майда-чуйдасигача текширилган ва илдам ҳис этилган характерлар билан тўлган повестларига қараганда, «Арафа» оммада шунчалик заиф, ҳатто, бир оз ёқимсиз тасаввур қолдиради. Биз, Инсаров яхши одам бўлиши керак эканини ва Елена уни қалбининг бутун кучи билан севиб қолиши мумкинлигини тушунамиз, чунки Елена уни повестда эмас, турмушда кўрди. Аммо, бизга у, ўзининг бир лаҳзали ёруғи ва [қоронғи ҳаётимизни нурлантириши билан бизни ҳам, Елена каби, ҳайратда қолдирган ғоянинг фақат вакили сифатидагина яқин ва қимматдир. Шунинг учун ҳам, биз Еленанинг Инсаровга бўлган сезгисининг тамом табиийлигини тушунамиз, шунинг учун ўзимиз ҳам, унинг ғояга мустаҳкам содиқлигидан қаноат ҳосил қилиб, биринчи марта, у бизнинг қаршимизда фақат рангсиз ва умумий қиёфада намоён бўлиб турганини сезмай қоламиз.

Тағин, унинг рус бўлишини хоҳлайдилар! «Йўқ, унинг рус бўлиши мумкин эмас эди» деб хитоб қилади Еленанинг ўзи, унинг рус эмас эканлиги учун пайдо бўладиган таассуфга жавобан. Ҳақиқатан ҳам, бунақа руслар бўлмайдилар, ҳозирги замонда айниқса бўлиши ҳам мумкин эмас. Янги авлодлар қандай тараққий қилаётир ва қилажак, билмаймиз; аммо биз, ҳозир ҳаракатда кўриб турганимиз авлод Инсаровга ўхшай оладиган бўлиб ўсмаган. Ҳар бир одамнинг тараққийсига фақат ўз хусусий муносабатларигина эмас, балки ушга яшаш тўғри келган бутун ижтимоий муҳит ҳам таъсир қилади. Баъзи муҳит — қаҳрамонлик тенденцияларини, иккинчи бири — осойишта майлларни ўстиради; гоҳиси — аччиғлантиради, бошқаси — аллалайди. Рус ҳаёти шундай яхши тартиб топганки, унда бутун нарса беғам ва тинч уйқу келтиради, ҳар бир уйғоқ одам нотинч ва жамият учун мутлақо ортиқча кўринади. Бунинг сабаби ҳам йўқ эмас]. Дарҳақиқат Инсаровнинг ҳаёти бошланган ва кечган шароитлар билан, ҳар бир рус кишисининг ҳаётини қуршаган шароитларни солиштириб кўринг.

Булғорня асир олинган, у турк зулми остида азоб чекади. Худога шукур, биз ҳеч кимга қул эмасмиз, биз эркин, биз ўз қуролимиз билан бутун-бутун подшоликлар ва халқларнинг тақдирини бир неча бор ҳал қилган буюк халқмиз; биз бошқаларнинг устида хўжамиз, бизга эса ҳеч ким хўжа эмас...

Булғорияда ижтимоий ҳуқуқ ва имкониятлар йўқ. Инсаров Еленага: «Агар сиз, бизнинг юртимиз қанақа баракали эканини билсангиз эди. Ҳолбуки, уни топтаётирлар, унинг тутунини кўкка чиқараётирлар, бизлан бутхоналаримизни, ерларимизни, бизнинг ҳуқуқларимизнинг ҳаммасини тортиб олиб қўйдилар; мурдор турклар бизни нода каби ҳайдаётирлар, бўғизимизга пичоқ тортаётирлар...»— дейди. Россия, аксинча, тартиб-интизомли давлат, унинг гражданлар ҳақини мудофаа қиладиган ва уларнинг вазифаларини белгилайдиган [доно] қонунлари бор, унда адолат ҳукмрон, мурувватли сахийлик [гуллаётир]. Бутхоналарни ҳеч кимдан тортиб олмайдилар, имонни [қатъиян ҳеч нарса билан] сиқмайдилар, балки, аксинча [тўғри йўлдан озганларни огоҳ қилиш учун], насиҳатгўйларни яхшда рағбатлантирадилар, ҳуқуқ ва ерларни тортиб олиш у ёқда турсин, балки шу нарсаларга ҳалигача эга бўлмаганларга уларни инъом ҳам қиладилар; [ҳеч кимни подага ўхшатиб қувламайдилар].[8]

«Булғорияда,— дейди Инсаров,— ҳар бир деҳқон, ҳар бир гадо ва мен — биз ҳаммамиз бир нарсани истаймиз: ҳаммамизда мақсад битта». Рус ҳаётида [бунақангги биргалик асло йўқ]. Рус ҳаётида — ҳар бир табақа, ҳатто ҳар бир тўгарак ҳам ўзининг алоҳида ҳаёти билан яшайди, ўзининг махсус мақсад ва интилишларига, ўзининг тайин этилган вазифала-

рига эгадирлар, унақанги жипслик асло йўқ. Биздаги мавжуд ижтимоий тартиб бўйича, ҳар киши фақат хусусий фаровонлигини таъмин қилсагина бўлди, бунга худди Булғориядагидек битта умумий ғоя орқали бутун миллат билан қўшилиб ўтириш сира ҳам керак эмас.

Инсаров, онасини бир турк ўғирлаб кетиб, кейин сўйиб ташлаганида, отаси бўлса, ўша туркдан ўч олишни истаб, унга ханжар ургани учун отиб ташланганда, гўдак бола эди. Рус кишиларидан ким ва қачон ҳаётда шунга ўхшаган таассуротларга дуч келолган? Рус тупроғида шунга ўхшаган бирон нарса эшитилганми, асти? Албатта, жиноий ишлар ҳамма ерда ҳам бўлиши мумкин, аммо, бизда қандайдир бир *турк* бировнинг хотинини ўғирлаб олиб қочолмайди ва пичоқ сололмайди, ёки ўлдиролмайди, яна эрини ҳам, ўч олай деса, хароб қилолмайди, чунки бизда ҳаммага баравар ва жиноятни юзхотирсиз жазолайдиган қонунлар бор.

Қисқаси, [босқинчиларга нафрат, нарсаларнинг мавжуд тартибидан норозилик Инсаровнинг қонига она сути билан бирга сингган. У ўз фаолиятининг йўналишини аниқлаш учун ўзини зўрлаши, қатор-қатор мантиқий силлогизмлар тузиб ўтириши керак эмас. У, на данғаса ва на қўрқоқ бўлмаганидан нима қилиш ва ўзини қандай тутишни билади; майда-чуйда куч сарф қилиб ўтирмайди]. Унинг вазифаси ҳам, Шубин: «туркларни қувиб чиқариш катта ишми», дегандек *ўнғай тушуниладиган* вазифа. Инсаров шунинг билан баравар, биладики, у фақат ўз виждони қаршисидагина эмас, балки кишилар назарида ҳам ўз фаолиятида ҳақли: унинг ниятлари ҳар қандай тузук одамда ҳам хайрихоҳлик топа билади. Энди, рус жамиятида бирорта шунга ўхшаган нарсани тасаввурингизга келтиринг-чи: фараз қилиш қийин. Рус муҳитига кўчирилса, Инсаров, «Русский вестник» журналида эълон қилинган жаноб Соловьёвнинг [олимона] текширишларидан рус жамоатчилиги жуда яхши билиб олган «жамиятга қарши унсур», ўгридан бошқа нарса бўлмай чиқади;[9] ким бунақа одамни яхши кўролади, ахир? Қанақа яхши тарбияланган ва ақлли қиз даҳшат билан ундан қочмайди?

Нима учун Инсаров ўрнида рус бўлолмаслиги тушунарлими, энди? Унга ўхшаган вужудлар Россияда ҳам албатта, [кам туғилмайдилар, аммо, улар Инсаров каби бундай монесиз ўсолмайдилар ва ўзларини бундай суръат билан кўрсатолмайдилар. Ҳозирги замон рус Инсарови ҳамма вақт қўрқоқ, икки ёқламалигича қолади, ҳамма вақт пусиб, ҳамма вақт турли яширин, ғилофли ва икки ёқлама маъноли сўзлар билан фикрини баён қилиб юради... Шунинг ўзи эса, унга ишончни камайтиради. Гоҳи маҳал шундай ҳам бўлиб қоладики, у ёлғон сўзлайди ва ўзига-ўзи қарши чиқади; лекин шунисн ҳам маълумки, одамлар одатда ё ўз фойдасини кўзлаб, ё қўрқоқликдан ёлғон гапиришади. Манфаатпараст ва қўрқоқ кишига,

айниқса кўнгил ишга ташна бўлиб, зориққан ва ўзини етаклай оладиган қудратли ақл ва ирода излаётган маҳалда, қанақа хайрихоҳлик туюш мумкин?

Тўғри, бизда ҳам жасорати ва эзилганларга хайрихоҳлиги билан Инсаровга бир оз ўхшаб кетадиган майда қаҳрамонлар бўлади. Аммо, улар бизнинг муҳитда кулгили Дон-Кихот бўлиб кўринадилар.] Дон-Кихотнинг бошқалардан айриладиган хислатини на нима учун курашаётганини ва на ўз тиришишларидан нима чиқишини тушунмаслик ташкил қилади ва бу хислат уларда ҳайрон қоларли даражада очиқ кўринади. [Масалан, бирдан помешчиклар зулмидан деҳқонларни ҳимоя қилиш кераклиги уларнинг хаёлига келиб қолади: бу ерда ҳеч қандай зулм йўқлигини, помешчикларнинг ҳуқуқи қонун билан қаттиқ чегараланганлигини ва ҳали бу қонунлар мавжуд экан, у қонунларга тил тегизмаслик кераклигини ва деҳқонларни зулмга қарши қўзғатиш, уларни помешчиклардан қутултириш ўрнига қонуний жазога мубтало қилиш демак эканини билгилари ҳам келмайди. Ёки масалан, бегуноҳ одамларни судьяларнинг адолатсизлигидан ҳимоя қиламан деб, ўзларига иш ортдирадилар, гўёки бизда судлар кўнглига келган номаъқулчиликни қила берадигандек. Маълумки, бизда бутун ишлар қонун бўйича ҳал этилади, энди қонунни ё бундай ё ундай баён этиш учун — қаҳрамонлик эмас, балки судьяларга хос бўлган эпчилликка одатлачган бўлиш лозим. Шундай қилиб, бизнинг Дон-Кихотлар қуруққа чопадилар... Қўйиб берсанг, бирдан порахўрликнинг томирини қуритиш ўйига тушиб қоладилар — унда ахир бирор справка ёзиб бериб, эвазига бир танга, ярим танга оладиган бечора амалдорларнинг ҳоли нима кечади, денг! Жафокашларни ёқлашни ўз зиммасига олган бизнинг қаҳрамонларимиз ўша амалдорларни ёруғ жаҳондан қувиб чиқарадилар. Бу, албатта, олижаноб ва юксак иш-да! Аммо, шундай бўлса ҳам, бу тентак кишиларга хайрихоҳ бўлиш мумкинми, ахир? Тағин биз, фақат хизматининг тақозаси билан шундай қиладиган, ўз вазифасига совуқ қарайдиган хизматчилар тўғрисида гапираётганимиз йўқ; биз, ҳақиқатан ҳам эзилганларга чиндан тажаввуҳ қиладиган ва ҳатто уларни мудофаа қилиш учун курашга тайёр бўлган рус кишиларини назарда тутамиз. Булар ҳам бефойда ва масхара бўлиб чиқадилар, чунки ўзлари ҳаракат қилиб турган муҳитнинг умумий аҳамиятини тушунмайдилар. Ўзлари ўша муҳитнинг ичида бўлсалар, уларнинг бошлари тепага интилгани билан, томирлари ўша заминнинг ичида бўлса, улар қандай ҳам тушунсинлар? Улар бирodарларнинг қайғусини қувмоқ истайдилар, лекин бу ғам шу кишиларнинг ўзлари ва ўша қайғураётганлар яшаб турган муҳитнинг тузилишига боғлиқдир. Бўлмаса нима қилиш керак? Бутун бу муҳитни антариб ташлай десанг, ўзингни ҳам антариш керак бўлади; қани, бўш

бир яшикнинг ичига тушингу, ўзингиз билан бирга уни тўнтариб кўрингчи. Сиздан қанақа куч, тиришишлар талаб қилади бу!— Аммо, лекин, ёнидан туриб, сиз бу яшикни бир туртки билан остин-устун қилиб юборишингиз мумкин. Инсаровнинг афзаллиги шундаки, у яшик ичида лалайиб ўтиргани йўқ. Унинг ватанини жабрга мубтало қилганлар — турклар. Инсаровнинг уларга сира ҳам яқинлик жойи йўқ. Фақат унга яқин бориш, кучи етгунча итариб юбориш керак. Энди, одатда ўқимишли жамиятдан чиқадиган рус қаҳрамони бўлса-чи, қарши қўзғалиши керак бўлган нарса билан чамбарчаст боғланган. У, шундай бир аҳволдаки, бундай аҳволга, масалан, Булгорияни турклардан қутқариш пайига тушган турк оғасининг ўғилларидан бири тушиши мумкин эди. Ҳатто, бунақа ҳолнинг ўзини фараз қилиш қийин; аммо, агар бу воқе бўлиб қолса, унда ўша ўғил бизга тентак ва кулгили бўлиб туюлмаслиги учун, у, ўзидаги турклар билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсадан: ҳам эътиқоддан, ҳам миллатдан, ҳам ота-она, қовми-қариндошлари ва дўстларидан, ҳам ўз аҳволининг барча қулайликларидан — ҳаммасидан тамом воз кечиши керак. Бу жуда мушкул, бундай жасорат турк оғасининг ўғли одатда оладиган тарбия-тараққиётига қараганда, бирмунча бошқа тараққиёт талаб қилишига роэи бўлмасдан ҳеч илож йўқ. Рус кишисига ҳам қаҳрамонлик кўп ҳам осонлик билан келмайди. Мана шунинг учун, бизда истараси иссиқ, ғайратли одамлар чинакам жиддий қаҳрамонликка, яъни ўзлари ижтимоий муҳит билан алоқадор бўлган бир тўда тушунчалар ва амалий муносабатлардан воз кечишга эришолмай, майда-чуйда ва нодаркор машмашалар билан қаноатланадилар, холос. Уларнинг қарши кучларнинг катталиги олдидаги қўрқоқликлари ҳатто уларнинг назарий тараққиётларида ҳам акс этади: улар бир нарсанинг таги-томиригача етишга қўрқадилар, ёки уддасидан чиқолмайдилар ва ёвузликни жазолашни ўйлаб, масалан, унинг қандайдир бир арзимайдиган майда кўринишига ташланадилар, холос, ушинг манбаи тўғрисида ҳатто ўйлаб улгурмай, қаттиқ чарчаб қоладилар. Улар, ўзлари ҳам ўсиб-унган дарахтга қўл кўтаришни истамайдилар, ана шундай қилиб, улар бу дарахтнинг чириши фақат юзаки, уни тозалаш лозим, холос, кейин ҳамма нарса жойида бўлади, деб ўзларини ва бошқаларни ишонтиришга уринадилар.] Кўплар бир неча порахўрларни ишдан ҳайдаш, [бир неча помешчикларнинг тасарруфида бўлган ерларга] василик қилиш, бир майхонада ёмон ароқ сотган майфурушни фош қилиш билан адолат қарор топади, деҳқонлар Бутун Россияда бахтиёр бўладилар ва солиқлар халқ учун маъқул нарса бўлиб қолади деб ўйлайдилар ва ҳақиқатан ҳам бутун кучларини шунга ўхшаган мардлик кўрсатишга сарф қиладилар ва шунинг учун ўзларини қаҳрамон ҳисоблайдилар.

Бизга, бир шунга ўхшаган қаҳрамон тўғрисида гапириб бердилар. Айтишларига қараганда, ҳаддан ташқари ғайратли ва талантли бир одам экан. У, гимназияда ўқиб турган пайтидаёқ бир мураббий билан шогирдларга берилиши керак бўлган қоғозларни яширгани учун жанжаллаша бошлайди. Иш қандайдир ўнгайсиз тус олади; бизнинг қаҳрамонимиз инспекторга ҳам, директорга ҳам тил тегизиб қўяди ва гимназиядан ҳайдалади. У энди университетга тайёрлана бошлайди, шу билан бирга дарс беришга тутинади. Биринчи дарсларидан биридаёқ, у ўқитадиган болаларнинг онаси ўз оқсочини шапалоқ билан урганини сезиб қолади-ю, асти бунга чидолмайди, уйда гавғо кўтаради, полиция чақиради ва хўжайин хотинини хизматкорларга қаттиқ муомала қилишда расмий айблайди. Тафтиш чўзилади. Аммо, у ҳеч нарсани исбот қилолмайди, уни ёлғон гувоҳлик ва туҳмат учун қаттиқ жазога ҳукм қилишларига сал қолади. Бундан кейин, у ўзига дарс ҳам тополмайди. Кимнингдир марҳамати билан катта қийинчиликлар орқасида хизматга тайинланади, унга қандайдир бир маъносиз қарорни кўчиришга берадилар; у чидолмайди ва тортишиб қолади; унга жим бўлишни буюрадилар,— у тингламайди; унга бу ерни бўшатиб қўйишни таклиф қиладилар. Бекорчиликдан ўзининг эски ўртоқларидан бирининг қишлоққа бирга бориб келиш ҳақидаги таклифини қабул қилади, қишлоққа келишади, у ерда нималар қилинаётганини кўради; шундан кейин ўртоғининг отаси ва ҳатто бурмистр ва деҳқонларга [деҳқонларни уч кундан ошиқча мажбурий ишга ҳайдашнинг қандай қонунсиз эканлиги, уларни ҳеч қандай судсиз калтаклашнинг ярамаслиги, деҳқон хотинларини туни билан бойнинг уйига зўрлаб келтиришнинг қандай виждонсизлиги ва шунга ўхшаганлар тўғрисида] тушунтиришга киришади. Бу иш келиб-келиб шундай тамом бўлади: [унинг гапларига қулоқ солган деҳқонларнинг аъзойи баданини тилим-тилим қилиб ташлайдилар] унга бўлса бой, отларини эгарлаб жўнаб қолишни буюради ва агар бутун қолайин деса, бу тарафларга қадам қўймаслигини сўраб қолади. Бир иш қилиб ёзни ўтказиб, қаҳрамонимиз қайтади ва кузнинг бошида, имтиҳонда тушган саволларнинг ҳаммаси ҳам ортиқ чигал бўлмагани ва унга ортиқча куч исроф қилиш ва тортишиш керак бўлмагани сабабли университетга жойлашади. У табииёт факультетига киради ва ҳақиқатан ҳам яхши ўқийди; аммо, амалий курсда, профессор бир касалнинг кровати ёнида ўзининг ҳикматини тушунтириб турган пайтда, қолоқ бўлиб қолган ва шарлатан профессорнинг сўзини *кесишдан* ўзини тутолмайди; олим пиманидир ёлғон айтиши билан, бунинг сафсата эканини унга исбот қилишга киришади. Мана шунақа қилиқлар орқасида бизнинг қаҳрамонимиз университетда қолдирилмайди, чет элларга юборилмайди, балки, қандайдир узоқ бир аскарий

касалхонага тайинланади. Бу ерда у биринчи кезлардаёқ, далиллар келтириб назоратчининг айбини кўрсатади ва унинг устидан шикоят қиламан деб, қўрқитади; кейин, бир гал уни тутиб олади ва шикоят қилади ва бу иши учун бош доктордан ҳайфсан ҳам олади, ҳайфсан олиб, у, албатта, жуда катта жанжал кўтаради ва тездан аскарий касалхонадан иккинчи бир жойга кўчирилади... Унга бундан кейин қандайдир бир тўда аскарларни кузатиш тўғри келиб қолади; у тўданинг бошлиги ва озиқ-овқатлар тепасидан турган одамлар билан жанжаллашиб, солдатларни ҳимоя қилиб, тўполон кўтаради; амалдор марҳамати билан солдатлар тўйиб-еб, ичмайдилар ва тўданинг бошлиғи бунга йўл қўяди, деб маълумот ёзади. Тегишли кишилар келиб текширадилар, солдатлардан ҳолаҳвол сўрайдилар, улар аҳволимиз яхши, розимиз — дейдилар; қаҳрамонимизнинг аччиғи чиқади, генерал штаб-докторга орсиз сўзлар айтади ва бир ой ўтгандан кейин ўрнидан бекор қилиниб, фельдшер ёрдамчиси вазифасига туширилади. Бу вазифада икки ҳафта ишлаб туради ва ўзига нисбатан бўлган жўрттаки ваҳший муносабатга бардош беролмасдан, ўз-ўзини отиб ўлдиради.

Тўғри эмасмики, бу одатдан ташқари кучли ва ғайратли одамдир. Лекин, қаранг, у нимани деб ҳалок бўлади. Унинг бутун қилмиши, хатти-ҳаракати шундайки, унинг ўрнида бўлган ҳар қандай виждонли тўғри одам шундай қилишни ўзининг бурчи деб билади; аммо, унинг учун эса бу хил ҳаракат қилиш учун кўп қаҳрамонлик, [эзгулик йўлида ҳалок бўлиш учун фидокорона қатъият керак бўлади. Энди, агар унда бу қатъият бўлса, уни бирон чинакам фойда келтирадиган катта ишга сарф этса бўлмасмиди деган савол тугилади. Ҳамма бало ҳам мана шунинг ўзидаки, у бунақа ишнинг кераклиги ва мумкинлигини англамайди ва ўзини ўраб тургач нарсаларни тушунмайди. У, ўз кўзи олдида қилинаётган ҳамма нарсаларда ошна-оғайничиликни кўришни истамайди ва ўзи сезган ҳар бир ёвузликни гўзал тартиботларни суи истеъмол қилишдан иборат, кам учрайдиган фавқулодда нарса деб тасаввур қилади. Рус қаҳрамонлари ана шундай тушунчалар билан, албатта, умумий иш тўғрисида ўйламасдан жуда кичкина жузъий нарсалар билангина чеклана оладилар. Инсаров эса аксинча, «бунинг ҳам вақти келиб қолар» деган ишонч билан хусусий ишни ҳамма вақт умумий ишга бўйсундиради. Еленанинг, отангизнинг ўлими учун қотилдан ўч олдингизми, деган саволига жавобан Инсаров: «Мен уни ахтармадим. Уни ўлдира олмаслигим учун эмас,— мен уни жуда осон ўлдиролардим,— балки, гап халқ озодлиги ҳақида бориб турганда, хусусий ўч кўзга кўринмаганидан, ахтариб ўтирмадим. Бири бошқасига халақит бериши мумкин эди. Бунинг ҳам вақти келиб қолар»— дейди. Умумий ишининг ўзи ҳали бўлмаган бутун рус қаҳрамонларининг олдида бўлгор Инсаровнинг жуда катта афзаллиги мана шу умумий ишга бўлган муҳаббат, унинг айрим кулфатларга довдирамай чидаш учун куч берадиган бу сезгисидан иборатдир.

Шуниси ҳам борки, бизда ҳалигидай қаҳрамонлар ҳам жуда оз, бунинг устига уларнинг кўп қисми охиригача бардош бера олмайди. Бизнинг ўқимишли жамиятимизда бошқача табақа кишилар — муҳокама-ю мулоҳаза билан шуғулланувчилар кўпроқ. Буларнинг ўртасида ҳам, фикр юритсалар ҳамки, ҳеч нарсани тушунолмайдиганлари анча кўп, лекин биз улар тўғрисида гапираётганимиз йўқ. Биз фақат узоқ шубҳаланишлар ва интилишлар орқасида яхлит ва аниқ ғояга эришган ҳақиқатан ҳам равшан фикрли одамларгагина ишора қилмоқчимиз. Бу яхлит ва аниқ ғояга Инсаров ҳеч қандай махсус куч сарф қилиб ўтирмай эришган. Бу одамлар ёвузликнинг томири қаердалигини тушунадилар ва бу ёвузликни тўхтатиш учун нима қилишни биладилар; улар энг ахир эришганлари фикрга чуқур ва чин кўнгил билан тўлганлар. Аммо, уларда энди амалий фаолият учун куч қолган эмас; улар ўзларини шундай уринтирганларки, вужудлари қандайдир лат еб, заифлашиб қолган. Улар янги ҳаётнинг яқинлашишига хайрихоҳлик билан қарайдилар, лекин ўзлари унга рўбарў чиқолмайдиган ва фаол эзгуликка ташналик сезаётган ва ўзига раҳбар қидираётган одамнинг сарин сезгиси улардан қаноатланолмайди.

Бизнинг ҳеч биримиз улар учун умр бўйи кураш олиб бориш лозим бўлган инсоний тушунчаларни тайёрлигича қабул этиб олмаймиз. Шунинг учун ҳам, ҳеч қайсимизда, деяйлик, Инсаровда шундай табиий бўлган аниқ маслак ва ҳаракатларнинг бутунлиги йўқ. Унинг юрагига таъсир қиладиган ва ғайратини қўзғатадиган ҳаёт таассуротлари доимий равишда идрок талаблари билан, у олаётган бутун назарий маълумоти билан зимдан маҳкамланиб боради. Бизда тамоман тескари.] Илғор фикрли ва ўша фаол эзгуликка ташналикдан ўт бўлиб ёнган, аммо, дунёда сабрлиларнинг сабрлиси, беозорларнинг беозори бўлган танишларимиздан бири ўзининг ҳозирги фаолиятсизлигини изоҳлаш учун, ўзининг ўсиш йўли тўғрисида мана нима деб ҳикоя қилади:

«Мен жуда хушфеъл ва таъсирчан табиатли бола эдим,— дейди у.— Мен, бирон бахтсизлик тўғрисида ҳикоя эшитсам, йиглар ва тинчиёлмас эдим. Бошқа бир кишининг азоб чекканини кўрсам, мен ҳам азобланардим. Ёдимда, ҳовлида бирон киши касал бўлса, тунлари мизғиёлмас, иштаҳам йўқолиб, нима қилишни билмас эдим. Эсимда, бир қариндошим менинг ошнам бўлган ўз ўғлига кўп азоб берарди. Мен бунақа ҳолларни кўрганда, бир даража жинниланар эдим. Нимаики кўрсам, нимаки эшитсам менда оғир норозилик ҳиссини ўстирар эди. Менинг кўнглимда «Нима учун ахир ҳамма шунчалик азоб чекади, наҳот ҳаммани енгиб ташлагандай кўрин-

ган бу кулфатга ёрдам бериш учун даво йўқ?»— деган савол жуда эрта қимирлай бошлади. Мен бу саволларга ташналик билан жавоб қидирардим ва тезда менга ақлли ва тартибли жавоб бердилар. Мен ўқий бошладим. Биринчи марта мен ёзган хат машқим мана шундай эди: «Чин бахт — виждоннинг тинчлигидан иборатдир». Виждон тўғрисидаги менинг сўроқларимга, у бизни ярамас қилғиликлар учун жазолайди ва яхшиси учун мукофотлайди, деб тушунтирдилар. Менинг бутун эътиборим, қанақа қилиқлар яхши, қанақаси ярамас эканини билмоққа жалб бўлди. Бу қийин эмас эди: ахлоқнинг низом ва қоидалар мажмуаси тайёр эди — ёзувчиларнинг асарларида ҳам, уйда қилинадиган насиҳатларда ҳам, айрим курсда ҳам «катталарни ҳурмат қил», «ўз кучларингга ишонма, чунки, сен ҳеч нарса эмассан», «нимагаки эга бўлсанг, ўша билан қаноатлан, бошқани истама», «умумий муҳаббат бардош қилиш ва итоат этиш билан ҳосил қилинади» ва бошқалар дейилар эди. Ёзувларда мана шуни битдим. Уйда атрофимдагилардан ҳам шунинг ўзини эшитдим; турли курслардан эса мен бу жаҳонда мукаммал бахт бўлиши мумкин эмаслигини, аммо, шу бахт қанчаки бор бўлса, у дуруст давлатларда шунча барқарор эканини ва уларнинг ичида яхшироғи менинг ватаним эканлигини билдим. Мен билдимки, Россия энди фақат буюк ва тўкин-сочингина эмас, балки, унда тартиб ҳам роса камолга етган; катталарнинг қонун ва амрларини бажариш ва муътадил бўлишгина кифоя, шунда одам қандай мартаба, қандай давлатга эга бўлмасин, осойишта ва роҳат турмуш кечиради. Бу кашфиётлар мени севинтирар эдилар ва мен шубҳаларимнинг калити топилди деб ташналик билан ўшаларга тармашдим. Мен уларни ўзимнинг тажрибасиз миям билан текширмоқни ўйлаган эдим, лекин, кўпларига кучим етмади, ақлим етганлари эса, тўғри бўлиб чиқарди. Шундай қилиб мен ишонч ва завқ билан янги кашф этилган системага берилдим, ўзимнинг бутун интилишларимни ўшандан иборат деб билдим ва ўн икки ёшим чамасида кичкина файласуф ва қонуниятнинг зўр партизани бўлиб олдим. Мен ҳар қандай бахтсизликка, ёки эҳтиёт бўлмагани ва сақлана билмагани учун, ёки ўзидан қаноатлана олмагани учун, ёки қонунга ва катталарнинг иродасига етарли иззат-икром кўрсатмагани учун — одамнинг ўзи айбдор деган эътиқодгача бордим. Тўғриси, мен ҳали қонунни дуруст тасаввур қилмас эдим, аммо у менинг учун ҳар қандай бошлиқ ва катталикда тажассум қиларди. Шунинг учун ҳаётимнинг шу даврида мен доимо домлаларим, бошлиқларимнинг ва ҳоказоларнинг тарафдори эдим. Бошлиқлар ва юқори курсдагиларга жуда севимли эдим. Ўртоқларим бир мартаба жаҳл устида деразадан мени ташлаб юборишларига сал қолган: бир муаллим бутун бир синфни «тўнгизлар» деб уришди, дарс тугагач ҳаммалари жириллашга тушдилар, мен бўлсам, муаллимни ҳимоя қилиш-

та ва у ўша гапни айтишга ҳақи бор эди деб, исботлашга киришдим. Бошқа бир гал, ўртоқларимиздан бири бошлиқларга қўполлик қилгани учун мактабдан чиқарилган эди; ҳаммалари, унга ачиндилар, чунки ичимизда энг яхшиси эди, аммо, мен у қилмишига яраша жазоланди, дедим ва у шундай ақлли бола бўла туриб, катталарга итоат этиш бизнинг биринчи вазифамиз эканини ва бахтнинг биринчи шарти эканини тушунмаганига ҳайрон қолдим. Шундай қилиб, кундан-кун қонуният тўғрисидаги тушунчаларим мустаҳкамлана борди ва секин-секин одамларнинг кўпчилигига фақат юқоридан бўладиган буйруқларни бажариш қуроли каби қарашга ўргандим. Шу билан бирга мен одамгарчилик деган нарсадан маҳрум бўла бошладим, ўз оғайниларимнинг кулфатларидан ташвишланишдан, уларни енгиллаштириш имкониятини излашдан тўхтадим. «Ўзлари гуноҳкор» дедим ўзимча ва ҳатто ижтимоий тузумнинг кучига қараб таклиф этиладиган эҳсонлардан тинч ва мутелик билан фойдалана билмаган одамлар сифатида уларга таҳқир кўзи билан қарай бошладим. Менинг вужудимда бўлган эзгуликнинг ҳаммаси бўлак томонга — устимизда турган катталарнинг ҳуқуқини қувватлашга йўналди. Мен фидокорлик, хусусий истиқболдан воз кечишни шундан иборат деб сездим, буларни умумий манфаат юзасидан қилаётирман, деб, имоним комил эди ва ўзимни қаҳрамон ҳисоблаёзган эдим. Мен биламанки, кўплар мана шу даражада шундай қола берадилар, лекин бошқалар унинг сал тусини ўзгартириб, тамом ўзгардим деб ишонтирадилар. Аммо, бахтимдан ўргилай, менга тутган йўлимни ҳақиқатан ҳам анча эрта ўзгартиришга тўғри келди. Ўн тўрт ёшларимда мен ўзим — ҳам синфда, ҳам уйда гоҳи нарсалар устидан катталикка эга бўлдим ва дарҳол менинг ҳеч нарсага ярамаслигим маълум бўлиб қолди. Мендан ниманики талаб қилсалар, ҳаммасини қилолар эдим, аммо, мен ўзим нимани ва қандай талаб қилиш кераклигини билмас эдим. Буларнинг ҳаммасига мен қаттиқ киришолмайдиган эдим. Аммо, тездан мен виждон азобига тушдим ва бошлиқлар тўғрисидаги бурунги тушунчаларимни текшириб кўришга киришдим. Менинг сониб қолган юрагимда яна жонли туйғуни уйғотишга бир ҳодиса сабаб бўлди. Мен ақалигим ва ақлли бўлганим учун синғилларимдан бирини ўқитар эдим. Дангасалик қилса ва қулоқ солмаса синглимга жазо беришим мумкин эди. Бир марта у қандайдир паришонхотир кўринди ва менинг гапларимни тушунишни хоҳламади, мен унга тиз чўкиб ўтиришни буюрдим. У шу соатдаёқ ҳушини бошига йиғиб, диққат қилиб, айтган сўзларимни яна бир бор такрор қилишимни ўтина бошлади. Аммо, мен аввал менинг буйруғимнинг бажо келтирилишини — тиз чўкишни талаб қилдим: у кўнмади, буни кўриб мен қўлларидан тутдим, жойидан кўтардим, тирсагимни елкасига қўйдим ва кучим борича пастга босдим. Бечора қиз-

ча тиз чўкди ва чийиллаб юборди. Бу ҳаракатда оёғининг эти узилибди. Мен жуда қўрқиб кетдим, лекин, онам синглим билан шундай муомилада бўлганим учун мени уриша бошлаган пайтда, мен совуққонлик билан унинг ўзи айбдорлигини, агар у ўша замониёқ менинг амримни бажо келтирса эди, унда ҳеч нарса бўлмас эканини исбот қилишга тиришдим. Аммо, лекин ўзим ичимда жуда қийналдим, хусусан синглимни жуда ҳам яхши кўрар эдим. Мана шу вақтда катталар ҳам ҳақсиз бўлишлари ва бўлмаган нарсаларни қилишлари мумкин экани, қонуннинг у, ё бу шахснинг талқинида кўринишича эмас, тўғри, ўзини қандай бўлса, шундайича ҳурмат қилиш лозим экани аён бўлди. Шунда менда шахсларнинг ҳаракатини танқид қилиш бошланди ва мен консерватив жавобгарсизликдан шиддатли суратда Opositlion legal* га ўтдим. Аммо мен узоқ вақтгача ҳамма ёмонликни фақат хусусий сув истеъмоллардан деб кўриб, уларга жамиятнинг кундалик зарур талаблари йўлида эмас, бахтсиз оғайниларимнинг азоб чекишларидан эмас, балки, шундай ижобий қонун йўлида ҳужум қилдим. [У вақтда мен, албатта, иегрларга қаттиқ муомала қилишга қарши қизғин гапирган бўлар эдим, аммо аллақандай москвалик публицист каби иегрларни тамоман қонунга қарши озод қилишни ўйлаган Брауини бутун жоним билан айблар эдим][10] Лекин мен у чоқларда ҳали ёш (эҳтимол ҳурматли публицистдан ёшроқ) эдим, менинг фикрим ҳаракат қилар ва адашиб юрарди, мен бунда тўхтаб қололмадим ва бирмунча ўй-фикрдан кейин, энг ахир, қонунлар ҳам мукаммал бўлмаслиги мумкин, улар вақтли ва хусусий аҳамиятга эгадирлар ва вақтнинг ўтиши, шароитнинг талаблари билан ўзгариб туришлари керак эканини англаб етдим. Аммо, нимани деб мен шундай муҳокама қилдим? Асло биродарларга нисбатан жонли сезги сезгисининг таъсири билан эмас, асло бизнинг олдимизда бораётган ҳаёт томонидан кўрсатиладиган тўғри, зарурий эҳтиёжларни англаб етишдан эмас, юксак, мавҳум адолат қонуни йўлида муҳокама қилдим. Хўш, нима бўлди? Мана мен охирги қадамни ҳам ташладим: мавҳум адолат қонуниятидан мен одам роҳатининг бирмунча ҳаққонийроқ талаби томонига ўтдим; мен ўзимнинг барча шубҳаларим ва сафсаталаримни энг охир, бир формулага олиб келдим: одам ва унинг бахти. Бу формула менинг кўнглимда болалик пайтларимда, турли фанларни ўқимасдан ва панд-насиҳат ёзувларни билмасдан аввал бор эди-ку. Энди мен уни яхшироқ биламан ва асослироқ исбот қилоламан деб айтиш керакми? Аммо, мен уни у пайтда кучлироқ сезган эдим, у ўша пайтда менинг вужудимга кўпроқ боғлиқ эди ва ҳатто, мен ўша пайтда унинг учун, ҳозиргига қараганда, кўпроқ хизмат қилишга тайёр эдим. Мана энди, мен англагаи

* Легаль оппозиция (французча) — *Ред.*

қонунга қаршилик қиладиган ҳеч нарсани қилмасликка, одамларнинг бахтини тортиб олмасликка тиришаман; лекин, мана шу пассив роль билан чегараланаман. Бахтни қидиришга, ташвишланишга, уни одамларга яқин келтиришга, [бунга нима халал берадиган бўлса, уни тор-мор этишга] иложим йўқ. Агар, менинг болалигимдаги сезгиларим ва хаёлларим монесиз ўсган ва пишган бўлсалар эди, мен буни бажаришим мумкин эди. Аммо, лекин, улар бўғилиб қолдилар ва ўн беш йил ҳаракатсиз ётдилар. Фақат энди, мен уларга янгидан қайтаман ва уларни рангсиз, ориқ, кучсиз кўраман. Менга уларни ишлатишдан илгари, қайта оёққа бостириш керак; тағин ким билсин, уларни қайта тиклаш насиб бўладими?»

Бизга, бу ҳикояда хусусий эмас, балки аксинча, рус кишиси ўзининг мустақил тараққиёти йўлида дуч келадиган тўсқинликларга умумий ишора каби хизмат қилоладиган сифатлар бор кўринади. Китобий ахлоққа ҳамма бирдай куч билан боғлаиавермайди, аммо ҳеч ким унинг таъсиридан қутулиб қолмайди ва у ҳаммага ҳаракатни тўхтатадиган равишда таъсир қилади. Ундан қутулиш учун одам кўп куч йўқотиши керак ва шубҳаларнинг қабиҳ чалкашлиги, қарама-қаршиликлар, ёш беришлар, тойилишлар ва шунга ўхшаганлар билан тўхтовсиз шуғулланиб юриб, ўзига эътиқодини анча йўқотиши керак.

[Шундай қилиб, бизда кимки ўз кучини қаҳрамонлик учун асраган бўлса, унга қаҳрамон бўлиб ўтиришнинг кераги йўқ, у ҳақиқий мақсадларни кўрмайди, ишга киришишнинг уддасидан чиқолмайди ва шунинг учун фақат дон-хихотлик қилади. Лекин, кимки нима керак ва қандай қилиш керак эканини тушуиса, у энди ўзини тамом шу тушунчагаёқ бериб қўяди ва амалий фаолиятда бир қадам ҳам қўйишни билмайди, уй муҳитидаги Елена каби, ҳар қандай ишга қотишишдан четга тортинади. Тағин Елена ҳар қалай ботирроқ ва эркинроқ, чунки, унга фақат рус ҳаётининг умумий муҳити таъсир қилган, холос. Аммо, биз юқорида айтганимиздек, унга мактаб тарбияси ва интизомининг қадимги расми ўз муҳрини босган эмас.]

Шуларнинг ҳаммасидан шу чиқадики, ҳозирги замон жамиятимизда шу вақтгача кўрганимиз бизнинг энг яхши кишиларимиз фақат Еленани ёндираётган фаол эзгуликка ташналикни тушунишгагина қодирлар [ва унга хайрихоҳлик кўрсатишлари ҳам мумкин. Аммо, бу ташналикни ҳеч қандай қилиб босолмайдилар]. Тағин булар, илғорлар, тағин булар, бизда «Жамоат арбоблари» деб аталадилар. Ақлли ва сезувчан кишиларнинг кўп қисми гражданлик жасоратидан қочади ва ўзини турли санъатга бағишлайди. Ҳеч бўлмаса, «Арфа»даги ўша Шубин ва Берсеневларни олайлик: уларнинг иккаласи ҳам жуда яхши одам, [иккаласи ҳам Инсаровни қадрлай биладилар, ҳатто унинг орқасидан жон-жон деб интиладилар; агар улар жиндаккина бошқачароқ тарбия топган бўлса ва

ча тиз чўкди ва чийиллаб юборди. Бу ҳаракатда оёғининг эти узилибди. Мен жуда қўрқиб кетдим, лекин, онам синглим билан шундай муомилада бўлганим учун мени уриша бошлаган пайтда, мен совуққонлик билан унинг ўзи айбдорлигини, агар у ўша замонларда менинг амримни бажо келтирса эди, унда ҳеч нарса бўлмас эканини исбот қилишга тиришдим. Аммо, лекин ўзим ичимда жуда қийналдим, хусусан синглимни жуда ҳам яхши кўрар эдим. Мана шу вақтда катталар ҳам ҳақсиз бўлишлари ва бўлмаган нарсаларни қилишлари мумкин экани, қонуннинг у, ё бу шахснинг талқинида кўринишича эмас, тўғри, ўзини қандай бўлса, шундайича ҳурмат қилиш лозим экани аён бўлди. Шунда менда шахсларнинг ҳаракатини танқид қилиш бошланди ва мен консерватив жавобгарсизликдан шиддатли суратда Oposition legal* га ўтдим. Аммо мен узоқ вақтгача ҳамма ёмонликни фақат хусусий суи истеъмоллардан деб кўриб, уларга жамиятнинг кундалик зарур талаблари йўлида эмас, бахтсиз оғайниларимнинг азоб чекишларидан эмас, балки, шундай ижобий қонун йўлида қўзғолон қилдим. [У вақтда мен, албатта, негрларга қаттиқ муомала қилишга қарши қизғин гапирган бўлар эдим, аммо аллақандай москвалик публицист каби негрларни тамоман қонунга қарши озод қилишни ўйлаган Брауни бутун жоним билан айблар эдим][39] Лекин мен у чоқларда ҳали ёш (эҳтимол ҳурматли публицистдан ёшроқ) эдим, менинг фикрим ҳаракат қилар ва адашиб юрарди, мен бунда тўхтаб қололмадим ва бирмунча ўй-фикрдан кейин, энг ахир, қонунлар ҳам мукаммал бўлмаслиги мумкин, улар вақтли ва хусусий аҳамиятга эгадирлар ва вақтнинг ўтиши, шароитнинг талаблари билан ўзгариб туришлари керак эканини англаб етдим. Аммо, нимани деб мен шундай муҳокама қилдим? Асло биродарларга нисбатан жонли севги сезгисининг таъсири билан эмас, асло бизнинг олдимизда бораётган ҳаёт томонидан кўрсатиладиган тўғри, зарурий эҳтиёжларни англаб етишдан эмас, юксак, мавҳум адолат қонуни йўлида муҳокама қилдим. Хўш, нима бўлди? Мана мен охирги қадамни ҳам ташладим: мавҳум адолат қонуниятидан мен одам роҳатининг бирмунча ҳаққонийроқ талаби томонига ўтдим; мен ўзимнинг барча шубҳаларим ва сафсаталаримни энг охир, бир формулага олиб келдим: одам ва унинг бахти. Бу формула менинг кўнглимда болалик пайтларимда, турли фанларни ўқимасдан ва панд-насиҳат ёзувларни билмасдан аввал бор эди-ку. Энди мен уни яхшироқ биламан ва асослироқ исбот қилоламан деб айтиш керакми? Аммо, мен уни у пайтда кучлироқ сезган эдим, у ўша пайтда менинг вужудимга кўпроқ боғлиқ эди ва ҳатто, мен ўша пайтда унинг учун, ҳозиргига қараганда, кўпроқ хизмат қилишга тайёр эдим. Мана энди, мен англаган

* Легаль оппозиция (французча) — *Ред.*

қонунга қаршилик қиладиган ҳеч нарсани қилмасликка, одамларнинг бахтини тортиб олмасликка тиришаман; лекин, мана шу пассив роль билан чегараланаман. Бахтни қидиришга, ташвишланишга, уни одамларга яқин келтиришга, [бунга шима халал берадиган бўлса, уни тор-мор этишга] иложим йўқ. Агар, менинг болалигимдаги сезгиларим ва хаёлларим монесиз ўсган ва пишган бўлсалар эди, мен буни бажаришим мумкин эди. Аммо, лекин, улар бўғилиб қолдилар ва ўн беш йил ҳаракатсиз ётдилар. Фақат энди, мен уларга янгидан қайтаман ва уларни рангсиз, ориқ, кучсиз кўраман. Менга уларни ишлатишдан илгари, қайта оёққа бостириш керак; тағин ким билсин, уларни қайта тиклаш насиб бўладими?»

Бизга, бу ҳикояда хусусий эмас, балки аксинча, рус кишиси ўзининг мустақил тараққиёти йўлида дуч келадиган тўсқинликларга умумий ишора каби хизмат қиладиган сифатлар бор кўринади. Китобий ахлоққа ҳамма бирдай куч билан боғланавермайди, аммо ҳеч ким унинг таъсиридан қутулиб қолмайди ва у ҳаммага ҳаракатни тўхтатадиган равишда таъсир қилади. Ундан қутулиш учун одам кўп куч йўқотиши керак ва шубҳаларнинг қабиҳ чалкашлиги, қарама-қаршиликлар, ёп беришлар, тойилишлар ва шунга ўхшаганлар билан тўхтовсиз шуғулланиб юриб, ўзига эътиқодини анча йўқотиши керак.

[Шундай қилиб, бизда кимки ўз кучини қаҳрамонлик учун асраган бўлса, унга қаҳрамон бўлиб ўтиришнинг кераги йўқ, у ҳақиқий мақсадларни кўрмайди, ишга киришишнинг уддасидан чиқолмайди ва шунинг учун фақат дон-хихотлик қилади. Лекин, кимки нима керак ва қандай қилиш керак эканини тушунса, у энди ўзини тамом шу тушунчагаёқ бериб қўяди ва амалий фаолиятда бир қадам ҳам қўйишни билмайди, уй муҳитидаги Елена каби, ҳар қандай ишга қотишишдан четга тортинади. Тағин Елена ҳар қалай ботирроқ ва эркинроқ, чунки, унга фақат рус ҳаётининг умумий муҳити таъсир қилган, холос. Аммо, биз юқорида айтганимиздек, унга мактаб тарбияси ва нигилизмининг қадимги расми ўз муҳрини босган эмас.]

Шуларнинг ҳаммасидан шу чиқадики, ҳозирги замон жамиятимизда шу вақтгача кўрганимиз бизнинг энг яхши кишиларимиз фақат Еленани ёндираётган фаол эзгуликка ташналикни тушунишгагина қодирлар [ва унга хайрихоҳлик кўрсатишлари ҳам мумкин. Аммо, бу ташналикни ҳеч қандай қилиб босолмайдилар]. Тағин булар, илғорлар, тағин булар, бизда «Жамоат арбоблари» деб аталадилар. Ақлли ва сезувчан кишиларнинг кўп қисми гражданлик жасоратидан қочади ва ўзини турли санъатга бағишлайди. Ҳеч бўлмаса, «Арфа»даги ўша Шубин ва Берсеневларни олайлик: уларнинг иккаласи ҳам жуда яхши одам, [иккаласи ҳам Инсаровни қадрлай биладилар, ҳатто унинг орқасидан жон-жон деб интиладилар; агар улар жиндаккина бошқачароқ тарбия топган бўлса ва

бошқа муҳит бўлса, улар ҳам ухлайвермас эдилар.] Аммо, улар [бу жамиятда] шима ҳам қилсинлар? [Уни ўзларига ўнғайлаб қайта қурсинларми?] Ахир, уларнинг қайта қурадиган ўнғайсизликлари ҳам йўқ, кучлари ҳам йўқ. Ундай бўлса, қай бир нарсани тузатиш, [ижтимоий тузилишнинг] турли орли жойларини кесиб олиб, ирғитиб ташлаш керакмя? Ахир, мурданинг тишларини сугуриб олиш кўнгилсиз эмасми ва бу шимага ҳам олиб борарди? Бунга фақат жаноб Паншин ва Курнатовский каби қаҳрамонлар қобилиятли, холос.

Айтганча — шу ерда рус ўқимишли жамиятининг энг яхши вакилларидан бири бўлган Курнатовский тўғрисида ҳам бирмунча сўз айтоламиз. Бу, Паншиннинг янги қиёфатидир, фақат у оқсуягона ва бадиий талантларга эга эмас ва ишчанроқдир. У жуда ҳам инсофли ва ҳатто мурувватлидир; унинг ҳимматлилигини тасдиқлаш учун, уни Еленага куёв қилишни ният қилиб қўйган Стахов шундай факт келтиради: у ўз маоши билан тинч, тўққина яшаш имкониятига эришган замон, ўз отасидан йилда оладиган пулдан ака-укаларининг фойдасига кечади. Умуман, унда яхши хислатлар кўп; Инсаровга ёзган хатида Елена ҳам буни эътироф этади. Курнатовский повесть воқеасида иштирок этмайди. Бироқ, повестда Еленанинг фикрлари берилганки, биз фақат шунга қараб, Курнатовский ҳақида тушунча ҳосил қила оламиз. Айтганча, Еленанинг ҳикояси шундай тўла ва ўткирки, бизга бошқа ҳеч нарса ҳам керак эмас ва шунинг учун қайта баён қилиб ўтиришнинг ўрнига, биз тўғри унинг Инсаровга ёзган хатини келтириб қўя қоламиз:

«Азизим Дмитрий, мени куёв билан қутла. У кеча бизникида меҳмон бўлди; отам у билан афтидан инглиз клубида таништириб, уйга таклиф қилибди. Кўриниб турибдики, кеча у бизникига куёв сифатида келгани йўқ. Лекин, отам ўз орзусини меҳрибон ойимга айтибди, ойим унинг қанақа меҳмон эканини секингина қулоғимга шипшитиб қўйди. Унинг номи Егор Андреевич Курнатовский; у сенатда бош секретарь бўлиб ишлайди. Аввал сенга унинг сиртқи кўринишини тасвирлаб берай. У бўйчан эмас, сендан пакапароқ, қадди-қомати келишган; чиройи бинойидек, сочлари калта, икки чаккасида чакка соқоли (бакенбарди) бор. Кўзлари кичик (худди сенинг кўзларингга ўхшайди) қўй кўз, қарашлари ўткир, лаблари қалин, ясси; кўз ва лабларида доимий ўйнаб турадиган табассум ясамароқ. У ўзини жуда содда тутади, пухта гапиради, унинг бутун юриш-туриши шунақа пухта; у юрганда ҳам, кулганда ҳам, овқат еганда ҳам худди бирор иш қилаётганга ўхшайди. Эҳтимол, шу дақиқада: «Елена уни хўп яхши кузатибди-да!» деб ўйлаётгандирсан... Ҳа; уни сенга батафсил тасвир этиб бериш учун кузатдим. Дарҳақиқат, ўз куёвимни негаям кузатмайин! Унда қандайдир темирдек маҳкамлик... ҳам аниқовлик, ҳам калтабиклик, шу билан бирга — софдиллик аломатлари бор; у жуда ҳалол, софдил одам, дейишади. Сен ҳам, азизим, темирдек маҳкам одамсан, лекин сен унга ўхшамайсан. Овқат маҳалида у менинг ёнимда ўтирди; Шубин бизнинг рўпарамизда ўтирди. Дастлаб суҳбат аллақандай савдо-тижорат ишлари устида борди; у бу ишларнинг кўзини билади, ҳатто катта бир фабрикани қўлга олмоқ учун ўз хизматини ҳам таклиф кетаётган эди, дейишади. Ода қолмабди-да! Кейин Шубин театр тўғрисида гап очди; жаноб Курнатовский ёлғон гавоси қилиб ўтирмай, буни

мен ҳам эътироф қилишим керак, санъатдан ҳеч нарса тушунмаслигини тўппа-тўғри айтиб қўя қолди. Бу гапдан сен эсимга тушдинг... Лекин, мен: йўқ, Дмитрий билан иккимизнинг санъатни тушунмаслигимиз бошқача, деган фикрга келдим. У гўё, мен санъатни тушунмайман, унинг ясраги ҳам йўқ, аммо обод бир давлатда бунга йўл қўйилади, демоқчи бўлди. У Петербургга ва Comme il faut* апча бепарво қарайди: у ҳатто ўзини бир марта пролетар деб ҳам қўйди. Биз қора ишчиларниз, деди у! Агар бу сўзларни Дмитрий айтган бўлса, менга ёқмаган бўлур эди, майли, бу киши гапираверсин! Мақтанаверсин' — деб ўйладим. У мен билан жуда мулойим муомилада бўлди, аммо унинг муомиласи, назаримда ўзидан кичикларга жуда ҳам хушмуомалалик қилувчи такаббур бошлиқнинг муомаласига ўхшайди. Агар у бирон кишини мақтамоқчи бўлса, фалон кишининг мана бундай *қоидаси бор* дейди, унинг энг севган сўзи шу. У ўзига ишонган, меҳнатни севадиган, саховатпеша (кўриб турибсанки, мен жуда холисман), яъни ўз манфаатидан ҳеча оладиган одам, лекин катта золим бўлса керак. Унинг қўлига тушиш балога гирифтор бўлиш деган гап! Дастурхон тепасида порахўрлик хусусида ҳам гап очилди...

— Мен биламанки,— деди у,— кўп ҳолларда порахўр айбдор эмас; унинг бошқа иложи йўқ. Ҳар қалай, қўлга тушар экан, уни жазоламоқ керак.

Мен «Бегуноҳ одамни-а!»— деб юбордим.

— Ҳа, принцип йўлида жазоламоқ керак.

— Қанақа принцип?— деб сўради Шубин.

Курнатовский эсанкираб қолдими ёки ажабландими, ҳар қалай, буни уқдириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деди.

Уни жуда иззат-ҳурмат қилувчи отам, унинг сўзини қувватлаб: албатта, ҳожати йўқ, деди. Мен бу суҳбатнинг тугагашига кўп афсусландим. Кечқурун Берсенев келиб, Курнатовский билан жуда қаттиқ мунозара бошлади. Меҳрибон Андрей Петровичимизнинг бу қадар қаттиқ ҳаяжонланганини ҳеч қачон кўрмаган эдим. Жаноб Курнатовский фан, университет ва шу кабиларнинг фойдасини асло инкор қилгани йўқ... аммо, шундай бўлса ҳам, Андрей Петровичнинг ғазабга келганлигини пайқадим. Курнатовский буларнинг ҳаммасини бадантарбияга ўхшаган бир нарса деб билади. Овқатдан кейин Шубин менинг ёнимга келиб бундай деди: «Мана бу ва у (Шубин сенинг номингни ҳеч айтолмайди) — ҳар иккаласи ҳам амалиётчи одам, бироқ иккисининг ўртасидаги фарққа қаранг: у ҳақиқий, ғайратли, чин идеал; бунисида эса ҳатто эммасидаги бурчни сезиш туйғуси ҳам йўқ, фақат хизматга хос ҳалоллик билан маънисиз ишчанлик бор, холос». Шубин ақлли йигит, сенга айтиш учун унинг сўзларини эслаб қолдим. Менинг фикримча, Курнатовский билан сенинг орангда қандай ўхшашлик бўлиши мумкин? Сен *ишонасан*, у ишонмайди, чунки одам фақат ўзигагина *ишониши* мумкин эмас».

Елена Курнатовскийнинг кимлигини дарров билиб олди ва у тўғрисида унча маъқул кўрмай мулоҳаза қилди. Ҳолбуки, характернинг ичига чуқурроқ кириш ва умумий манфаат учун тиришиб ишлаётган ўзингизга таниш ишчан одамларни эсингизга олинг; эҳтимол улардан кўпи Курнатовскийдан ёмонроқ чиқар, дурустроқ кишилар топилишига кафолат бериш қийин. Булар ҳаммаси нимадан? Шунданки, ҳаётимиз, муҳитимиз бизни на ақлли, на инсофли, на фаолиятли қилмайди. Ҳам ақл, ҳам инсоф, ҳам фаолият учун кучни биз чет эл китобчаларидан ҳосил қилишимиз керак, ўтағин уни Қонунлар Мажмуаси билан мувофиқлаштириш ва

* Олий киборларга (французча). *Ред.*

келиштириш лозим.] Бежиз эмасдирки, бу қийин ишнинг орқасида юрак совиб, одамдаги бор жонли нарса ўлаёзади ва у, ўзига нима лозим бўлса, шуни муътадил ва ҳамиша бажариб юрадиган автоматга айланиб қолади. Ноилож яна такрорлайсан, киши: Курнатовскийлар — энг яхшиси. У ёқда, уларнинг ортидан тамом бошқа бир табақа бошланади; бир тарафдан ўзларининг бурун замонларда ойимчаларни мафтун қилиб юрган ширин-ширин фасоҳатли сўзларининг жозибасини тамоман йўқотиб қўйган уйқучан Обломовлар, иккинчи тарафдан уйғоқ, чарчамас, ўзларининг торгина, силлиққина манфаатларига эришишда қаҳрамонона фаолият кўрсатувчи Чичиковлар, бундан нарироқда Брусковлар, Большовлар, Кабановлар, Уланбековалар[11] бўй кўтарадилар ва бу ёвуз қабиланинг ҳаммаси ҳаёт ҳамда рус халқининг эрк-иродасига ҳақлари борлигини арз қилади... [Бу ерда қаҳрамонлик қаёқдан чиқсин, лекин, агар қаҳрамон туғилса ҳам, кучи хабата кетмаслиги, балки эзгулик ва ҳақиқатга хизмат қилиб қолишлиги учун унга ёруғлик ва идрокка етишиш қаерда? Агар, ниҳоят етишса ҳам, сиқиб битган ва жулдур бўлган кишига қаҳрамонлик қилиш қайда, тишсиз олмахонга ёнғоқларни чақиш қайда? Энг яхшиси беҳуда қизиқиб алданмаслик], ақл ва ҳаётдан узоқроқ бир ҳунарни танлаб олиш ва ўшанинг ичига кириб кетиш [ва шу билан яшаётган ва нима учун яшаётганларини биладиган одамларга беихтиёр ҳасад туйғусини бўғиб ташлаш] лозим.

«Арафа»да Шубин ва Берсеневлар худди шундай қилдилар. Шубин, Еленанинг Инсаров билан тўйини эшитиб қолиб, аччиғланган ҳам эди ва «Инсаров... Инсаров... бунчалик қалбаки камтаринликдан мақсад нима?.. У азамат, ўзини ҳимоя қила олади деб фараз қилайлик. Аммо, биз жуда бўлмағур одамларизми, ахир? Айтайлик, мен бўлмағур одаммани? Худо мени ҳар нарсадан камситганми?»— дейди. Шу соатдаёқ [бечора] гапни санъатга буради: «Ким билади дейсиз, эҳтимол вақти келиб мен ҳам асарларим билан машҳур бўлиб кетарман...» Тўғридан ҳам, у ўз таланти устида ишлай бошлайди ва ундан ажойиб ҳайкалтарош чиқади. Берсенев ҳам, Инсаровнинг касалига жуда самимий ва очиқ кўнгил билан қараган, Елена ва ўзининг рақиби орасида ҳиммат билан восита бўлиб хизмат қилган Берсенев, Инсаров айтгандек шу олтин юрак Берсенев ҳам Елена ва Инсаровнинг бир-бирларига муҳаббатининг ростлигига бутунлай қаноат ҳосил этган, заҳарли ўй-фикрлардан ўзини тутолмайди. «Ихтиёр ўзларида!— деди у.— Отам менга: «Сен билан биз, оғайни, кайфи-сафо кишилари эмасмиз, оқсуяклар эмасмиз, тақдир ва табиат бизни эрка қилиб яратган эмас, биз ҳатто маслак йўлида азоб чекувчилар ҳам эмасмиз — биз заҳматкашлар, заҳматкашлар ва заҳматкашларимиз. Кўн фартуғингни кий, заҳматкаш, қоронғи ишхонанг-

даги дастгоҳнинг ёнига бор! Қуёш ўз нурини бошқаларга соча берсин! Бизнинг қоронғи ҳаётимизнинг ҳам ўз ифтихори, ўз бахтиёрлиги бор!»— деб бежиз айтмаган».

Қанақа ҳасад ва ожизлик заҳари бор бу ноҳақ таъналарда! Кимга ва нима учунлиги номаълум! Нима ҳодиса рўй берган бўлса, ҳаммасига ким айбдор? Берсеневнинг ўзи эмасми? Йўқ, рус ҳаёти айбдор: «Шубин айтгандек, агарда бизда бамаъни киши бўлса эди, бу қиз, бу ўткир руҳ эгаси биздан кетиб қолмас эди, сувдаги балиқ каби пиртиллаб, қўлдан чиқиб кетмас эди». Бамаъни ва бемаъни кишиларни бўлса, ҳаёт, ҳаётнинг умумий тузилиши маълум бир вақт ва маълум бир ўринда яратади. Бизнинг ҳаётимизнинг тузилиши шундай бўлиб чиқдики, Берсеневга фақат битта [сақланиб қолиш] йўли қолди: «фан — билан мияни қуритиш йўлигина» қолди. У, шундай қилди ҳам ва унинг «Бурунги герман ҳуқуқининг суд жазолари борасидаги баъзи бир хусусиятлари тўғрисида» ва «Тараққиёт масаласида шаҳарнинг аҳамияти» деган асарларини, авторнинг сўзича, олимлар мақтадилар. Хайриятки, гарчи шу билан бўлса ҳам, ўзини сақлаб қололди...

Еленага, у Инсаров билан учрашгандан кейин [ва бошқача ҳаётни тушунгандан кейин], [Россияда] ҳеч қандай нафли нарса қолмади. Шунинг учун ҳам, на Россияда қола олар эди, на эри ўлгандан кейин якка ўзи қайтиб кела олар эди. Автор буни яхши англаган ва уни яна ота-онасининг паноҳига қайтаришдан ва қолган кунларини туғишган Москвада, яккалик ва ҳаракатсизлик қайғусида кечиришга мажбур қилишдан кўра, унинг тақдирини номаълум қолдиришни маъқулроқ кўрган. Худди у эридан ажралиб турган минутларининг ўзидаёқ онасининг унга етиб борган даъвати ҳам, унинг бу рангсиз, ҳаракатсиз ҳаётга нафратини юмшатмади. «Россияга қайтмоқми? Нима учун? Россияда нима бор?»— деб ёзди онасига ва [қўзғолон тўлқинларига сингиб йўқолиб кетгани], Заряга қараб жўнади.

Қандай яхшики, у бу қарорни қабул қилди! Уни Россияда ростини айтганда, нима ҳам кутар эди? Бу ерда унинг учун ҳаёт ва ҳаётнинг мақсади қайда? Яна ўша бахтсиз мушукбаччалар ва пашшаларга қайтиш, ўзи ишлаб топмаган ва худо билади, қандай қилиб ва нима учун унга тегиб қолган пулларни гадойларга улашиш, Шубиннинг санъатдаги ютуқларига шодланиш, Берсенев билан Шеллинг тўғрисида баҳслашиш, онасига «Москва ведомости»ни ўқиб бериш, яна таъғин, ижтимоий майдонда ҳар хил Курнатовскийлар қиёфатидаги *қоидаларнинг* ҳаракатини кўриш, [ва ҳеч қаерда ҳақиқий ишни кўрмаслик, ҳатто янги ҳаёт шабадасини туймаслик] ва секин-секин сустланиб, энтикиб сўлиш, заифлашиш, ўлаёзиш... Йўқ, [у энди бошқа ҳаётни бир бор татиб кўрган], бошқа ҳаво билан нафас олган экан, ўзини бу оғир

азобга, бундай кунда-кунда ўлишга маҳкум этгандан кўра, тўғри келган таҳлика қучоғига ўзини ташлаш енгилроқ... Ва биз унинг ҳаётимиздан қочгани ва шоирнинг:

Қуёш ва табиатдан нари
Еруғлик ва санъатдан нари,
Ҳаёт ва муҳаббатдан нари,
Сенинг ёш йилларинг ўталар,
Жонли сезгиларинг ўладир,
Хаёлларинг учиб йўқолур
Ва ҳаётинг худди кузги тун
Қорасида туманли кўк-ла,
Бежиз ўсган қора булут каби
Беэл, беном тарафларда
Кўринмаган, йўқ ерларда
Кўринмасдан ўтадир...[12]

деган гоят умидсиз, қайғули, қалбни тилка-пора қиладиган гапларини ўзида оқламаганидан хурсандмиз. Ҳолбуки, шоирнинг бу гапи Россиядаги энг яхши, энг комил одамларнинг қилмишида [лоқмо ва шафқатсиз равишда] оқланиб келган эди.

Энди бизга тўла ва унча силлиқ бўлмагани учун ўқувчилардан узр сўрайдиганимиз бу мақолада сочилиб ётган баъзи бир хусусиятларни йиғиш ва умумий хулоса чиқаришгина қолди.

Инсаров онгли равишда ва бутун вужуди билан буюк бир ғояни ўзига сингдирган [ватанни озод қилиш ва унда фаол роль ўйнашга ҳозир бўлган] киши сифатида ҳозирги рус жамиятида тараққий қилолмасди ва ўзини кўрсата билмасди. Ҳатто, уни шундай тўла севолган ва унинг ғояси билан шундай қўшилолган Елена ҳам рус жамияти орасида, гарчи ҳамма — унинг туғишганлари ва яқин кишилари бўлса ҳамки — қололмайди. Шундай қилиб буюк ғоялар, буюк хайрихоҳликлар учун бизнинг орамизда ўрин йўқми? [Бутун қаҳрамон, фаол нарсалар агар ҳаракатсизликдан ўлишни ёки бекорга ҳалок бўлишни истамаса, биздан қочиши керакми? Шундай эмасми?] Биз томонимиздан текширилиб чиқилган повестнинг маъноси шундай эмасми?

Биз ўйлаймизки, йўқ, бундай эмас. Тўғри, бизда кенг фаолият учун очиқ майдон йўқ; тўғри, бизнинг ҳаётимиз майдачуйда нарсалар — ҳийлакорлик, шумлик, ғийбат, қабиҳ ишлар билан ўтаётир; тўғри, бизнинг граждан ходимларимиз юрак деган нарсадан маҳрум ва кўпинча, тепса тебранмаслар; бизнинг доноларимиз ўз маслакларининг галабаси учун, қимир этиб ҳаракат қилмаслар; бизнинг либераллар ва ислоҳчиларимиз ўзларининг лойиҳаларида ўз оғайниларининг фиғони-ноласидан эмас, ҳуқуқшуносликнинг нозик жойларидан чиқадилар. Бу ҳаммаси шундай ва буларнинг ҳаммаси сўнгги вақтнинг ўнлаб повестларида бўлгани каби қисман «Арафа»да ҳам кўринади. [аммо биз, ҳар қалай, ўйлай-

мизки, *ҳозир* бизнинг жамиятимизда буюк ғоялар ва хайрихоҳликлар учун ўрин бор ва бу ғояларнинг ишда ўзларини кўрсатишлари мумкин бўладиган вақт узоқ эмас.]

Ҳамма гап шундаки, бизнинг ҳаётимиз ҳар қанча ёмон бўлмасин, унда энди Елена каби ҳодисаларнинг мумкинлиги кўриниб қолди. Бундай характерларнинг ҳаётда бўлиши мумкинигина эмас, қолаверса, улар энди бадиий онг орқали сезилган, адабиётга киргизилган, тип даражасига кўтарилган. Елена идеал шахс, аммо унинг сифатлари бизга ошна, биз уни тушунамиз, унга хайрихоҳмиз. Бу нима демак. Бу шу демакдирки, унинг характерининг асоси — азоб чекувчи ва хўрланганларга муҳаббат, фаол эзгуликни хоҳлаш, [шу эзгуликни қандай қилиш йўлини кўрсатиб берадиган одамни орзиқиб кутиш] — буларнинг ҳаммаси шиҳоят, жамиятимизнинг энг яхши вакилларида сезиляпти. Бу туйғу шу қадар кучли ва рўёбга чиқишга шу қадар яқинки, энди уни аввалгидай на порлоқ, аммо самарасиз ақл ва истеъдод, на виждоний, аммо мавҳум донолик, на расмий фазилатлар ва на ҳатто эзгу, олижаноб, бироқ пассив тартиб топган қалб йўлдан уролади. Бизнинг ҳисларимизни, бизнинг ташналигимизни қондириш учун (булардан ортиқроқ нарса керак — Инсаровга ўхшаган одам керак, бироқ у — рус Инсарови бўлсин.

Бундай одам нега керак бизга? Юқорида биз ўзимиз бизга ҳалоскор қаҳрамонлар керак [эмас], биз бошқаларга тобе халқ эмасмиз, аксинча, ўзимиз бошқаларга эгалик қиламиз деб айтдик...

Ҳа, ташқи хавфдан биз аминмиз, агар ташқи кураш бўлиб қолса ҳам, биз хотиржам бўлишимиз мумкин. Бизда ҳарбий мардликлар учун қаҳрамонлар ҳамма вақт етиб ортади. Ҳозиргача ҳам офицерлар формасини ва хушбичим, мўйловларини кўрганда, ойимқизларимизнинг ҳуши кетиб, завқланиши жамиятимиз бундай қаҳрамонларнинг қадрига ета олишини аниқ-равшан исбот қила олади. Аммо, бизда ички душманларимиз камми? Буларга қарши курашиш керак эмасми ва бу курашда қаҳрамонлик кўрсатиш талаб қилинмайдими? Бизда ишга, жасоратга қобил кишилар қани? Болалигидан бошлаб бир ғоядан илҳомланган, шу идеясининг тантанаси учун курашадиган, эриша олмаса, ҳаётдан лаззат тополмайдиган яхлит табиатли кишилар қани? Бизнинг ижтимоий муҳитимиз ҳалигача уларнинг тараққиётига ёрдам бергани йўқ. Мана, мана шундан ҳам, шу муҳитдан, унинг разолатидан ва пасткашлигидан бизни янги кишилар озод этишлари керакки, уларнинг пайдо бўлишини бизнинг жамиятимиздаги бор яхшилар, бор сариқ нарсалар чидамсизлик ва эҳтирос билан кутмоқда.

Бунақа қаҳрамоннинг чиқиши ҳали қийин: унинг тараққиёти ва айниқса фаолиятини биринчи бошлаб кўрсатиш учун шароит жуда ҳам номувофиқдир, вазифа Инсаровникин-

дан анча мушкулроқ ва қийинроқдир. Ҳар жойда турли қиёфаларда сочилиб ётган, қўлга кирмайдиган, аммо сизни ҳар жойда ташвишга солиб турадиган, бутун фаолиятингизни оғулайдиган ва сизни на дам олиш ва на курашда тевараксатрофга қарашга қўймайдиган ички душмандан кўра кўп ҳуқуқлардан фойдаланувчи золим анча осон қўлга тушиши ва енгилиши мумкин. Оддий қурол билан бу ички душманни ҳеч нарса қилиб бўлмайди, ундан фақат у ўзи тугилган, ўсган, қувват олган шу ҳаётимизнинг зах ва туманли муҳитини ўзгартириш билангина ва у нафас ололмайдиган ҳаво билан ҳаётимизни шамоллатиш орқалигина қутулиш мумкин.

Бу мумкин ишми? Қачон мумкин? Бу саволлардан фақат биринчисига қатъиян жавоб бериш мумкин. Ҳа, бу мумкин ва мана нима учун: биз юқорида, бизнинг ижтимоий муҳитимиз Инсаровга ўхшаган шахсларни қандай эзиши тўғрисида гапирдик. Аммо, биз энди бу сўзларга қўшимча қилоламиз: бу муҳит энди шундай даражага етдики, у ўзи бунақа кишининг пайдо бўлишига ёрдам беради.] Абадий разиллик, бемазалик ва руҳсизлик одамнинг қонуний иши бўлолмайдилар, ахир ва бизнинг ижтимоий муҳитимизни ташкил этган ва унинг шароитлари билан кишанланган кишилар кўпдан энди, бу шароитларнинг бутун оғирлигини ва бемаънилигини тушунганлар. [Гоҳлари маҳзун, бошқалари бутун кучлари билан бир иш қилиб интилаётирлар, фақат бу зулмдан қутулсалар бас.] Ҳаётимизнинг ўликлиги ва чириклигини нима билан бўлмасин жонлантириш учун турли йўллар ўйлаб чиқарилди, турли воситалар қўлланди; аммо, булар ҳаммаси заиф ва яроқсиз эдилар. Ниҳоят, энди Еленада кўрганимиз каби тушунчалар ва талаблар юзага чиқаётир; бу талаблар жамият томонидан хайрихоҳлик билан қабул қилинаётир; қолаверса, уларни вужудга чиқариш учун фаоллик билан тиришаётирлар. Бу шуни билдирадики, эски ижтимоий расм ўз даврини яшаб бўлаётир, [яна бирмунча тебраниш, яна бирмунча кучли сўзлар, ўнғай фактлар керак — шунда у кишилар чиқиб қоладилар.]

Юқорида биз ишора қилиб ўтдикки, кучли вужуднинг жасорат ва ғайратини бизда бошдан бошлаб ё дунёдаги бутун нарсалардан такаллуфсиз хурсанланиш, ё ҳар қайси биримизга ҳам гўдакликданоқ дуч келган ва мумкин бўлган турли маслаҳат ва насиҳатлар билан ўргатадиганлари ўз-ўзига шукур қилиш ва уйқу тинчлигига майл сезиш ўлдиради. Аммо, сўнгги вақтларда бу шароит ҳам қаттиқ ўзгарди. Ҳамма ерда ва ҳамма нарсада ўз-ўзининг ким эканини англаш сезилади, ҳамма жойда нарсаларнинг [эски тартибининг] ярамас эканлиги тушунилган, ҳамма жойда [ислоҳот ва] тузалишларни кутадилар, ҳеч бир кимса ўзининг болаларини Россиянинг ҳар бир бурчагида ишларнинг ҳозирги тартиби бениҳоя камолатга етган бўлиб кўринаши тўғрисидаги ашула билан аллала-

майди. Аксинча, энди ҳар бир кимса кутади ва ҳар бир кимса ишонади, ва болалар энди, ёшини яшаб бўлган ўтмишнинг мурдасига зўр билан боғланмасдан, ажойиб келажакнинг умиди ва хаёллари билан тўйиб ўсаётирлар. Қачон уларга ишга киришиш навбати келса, улар энди, унга биз зўрға назарий тушунчаларигагина эга бўлганимиз ғайрат, ишчанлик, юрак ва фикр гармониясини киритадилар.

[Ўша пайтда адабиётда тўла, ўткир ва жонли тасвирланган рус Инсаровининг образи яратилади. Бизга уни узоқ кутиш керак эмас; бунинг учун, биз уни ҳаётда пайдо бўлишини кутаётганимиз азобли чидамсизлик кафил бўла олади. У, биз учун зарурдир, усиз ҳаётимиз қандайдир ҳисобга кирмай боради. Ҳар бир куи ўз-ўзича ҳеч нарса эмас, балки бошқа бир куннинг арафаси бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят, келади ахир, у кун! Ва ҳар ҳолда, унинг орқасидан келадиган кунинг арафаси узоқ эмас: уларни, ҳаммаси бўлиб, қандайдир бир тун ажратиб турибди!]

ЗУЛМАТ ДУНЁСИДА НУР*

(МОМАҚАЛДИРОҚ. А. Н. ОСТРОВСКИЙНИНГ БЕШ ПАРДАЛИ ДРАМАСИ СПБ. 1860)

«Момақалдироқ» саҳнада пайдо бўлишидан салгина бурун биз Островскийнинг ҳамма асарларини жуда мукаммал таҳлил қилиб чиққан эдик. Ўшанда биз авторнинг талантини таърифлаб бериш тилагида, унинг пьесаларида тасвирланган рус ҳаёти ҳодисаларига назар ташлаб, бу ҳодисаларнинг умумий моҳиятини англашга ва буларнинг маъноси ҳақиқатан драматургимизнинг асарларида бизга кўрсатилганчами ёки йўқми эканлигини билиб олишга тиришган эдик, агар китобхонлар эсларидан чиқармаган бўлсалар, ўша вақтда биз, Островский рус ҳаётини чуқур тушунади ва унинг энг муҳим томонларини кескин ва жонли қилиб ифодалашга жуда моҳир, деган хулосага келган эдик. Орадан кўп ўтмай «Момақалдироқ» бу хулосамизнинг тўғрилигига янги бир далил бўлди. Биз ўша вақтдаёқ бу асар тўғрисида гапирмоқчи бўлган эдик, аммо бундай қилганимизда аввалдаги мулоҳазаларимизнинг кўпини албатта такрорлашга тўғри келишини сезиб, «Момақалдироқ» тўғрисида ҳеч нарса демасликка қарор берган эдик ва бу пьеса майдонга чиқмасдан бир неча ой бурун Островский ҳақида айтилган умумий мулоҳазаларимизнинг тўғрилигига «Момақалдироқ»ка қараб ишонч ҳосил қилишни бизнинг фикримизга қизиққан китобхонларнинг ўзларига ҳавола қилган эдик. Барча журнал ва газеталарда «Момақалдироқ» тўғрисида турли-туман нуқтаи назарларни ифодаловчи бир қатор катта ва кичик рецензиялар пайдо бўлганини кўрганимиздан кейин, бизнинг бу қароримиз тағин ҳам қатъийлашган эди. Биз бу бирталай мақолачаларда ниҳоят, Островский ҳақида ва Островский пьесаларининг аҳамияти тўғрисида

* «Современник» журналининг 1859 йил VII ва IX сонларидаги «Зулмат дунёси» («Темное царство») сарлавҳали мақолага қаралсин.

«зулмат дунёси»* ҳақидаги биринчи мақоламизнинг бошида эслатиб ўтилган танқидлардагидан кўра кўпроқ нарса айтилар деб ўйлаган эдик. Шу умидда ва Островский асарларининг маъноси ҳамда характери тўғрисида бизнинг фикримиз етарли равишда аниқ айтилганини эътиборга олиб туриб, «Момақалдироқ»ни таҳлил этмасликни мувофиқ кўрган эдик.

Аммо, ҳозир, Островский пьесасининг айрим нашрини янгидан кўриб туриб ва унинг тўғрисида ёзилган ҳамма нарсаларни эслаб, бу пьеса ҳақида бизнинг томонимиздан бир неча сўз айтилиши сира ортиқча бўлмас деб ўйлаймиз. Бу пьеса бизнинг «зулмат дунёси» ҳақидаги фикримизга баъзи нарсалар қўшувимизга, ўша вақтда айтилган фикрларимизнинг баъзиларини яна қувватлашга ва бизни ошкора ёки қочириқ қилиб туриб сўккан танқидчиларнинг баъзилари билан қисқача гаплашиб олишимизга йўл очади.

Танқидчиларнинг баъзиларига тан бериш керак, чунки улар биз билан ўзлари ўртасидаги фарқни тушуна олганлар. Улар бизни ярамас метод қўлламоқдасиз, яъни авторнинг асарларини таҳлил қилишга киришиб, шу таҳлил натижасида асарда нималар борлиги ҳамда уларнинг қандай эканлиги тўғрисида гапирасиз, деб таъна қиладилар. Уларнинг методи бутунлай бошқача: улар даставвал (албатта, уларнинг тушунчаларига кўра) асарда нималар *бўлиши лозим* ва (яна уларнинг тушунчаларига кўра) *бу лозим* нарсалар ҳақиқатан асарда қай даражада бор, деган саволни қўядилар. Тушунарлики, қарашларда шундай тафовут бўлгани учун, улар бизнинг таҳлилларимизга нафрат билан қарайдилар, ҳатто улардан бири бизнинг бу таҳлилларимизни «масалдан ахлоқий хулоса ахтариш»га ўхшатди. Аммо, биз, орамиздаги фарқ ойдинлашганидан жуда хурсандмиз ва ҳар қандай ўхшатишларга ҳам тоқат қиламиз. Ҳа, агар истасангиз, бизнинг танқид усулимиз масалдан ахлоқий, хулосалар ахтаришга ҳам тўғри кела беради: аммо, масалан, бу Островский комедиялари ҳақидаги танқиддан фарқ қилади, чунки комедия билан масал ўртасида катта фарқ бор ва эшак, тулки, қамиш ҳамда бошқа персонажларнинг масалларда тасвирланган ҳаётига қараганда, комедияларда тасвирланган инсон ҳаёти биз учун муҳимроқ ва яқинроқдир. Ҳар ҳолда масалда шундай мораль бўлиши (масалан, ота-оналарга ҳурмат) ва у мана шундай (масалан, онасига бўйсунмай, уясидан йиқилиб тушган қуш боласидай) ифодаланиши лозим, деб энг бошланоқ ҳал қилиб қўйишга қараганда, бизнинг фикримизча, масални таҳлил қилиб чиқиб, «унда фалон мораль бор ва бу мораль бизча фалон сабабларга биноан яхши ёки ёмон» деб гапириш мақбулроқдир; аммо, уларча, бу шартларга риоя қилинмаган тақдирда, у мораль тўғри берилмаган бўлади (масалан, ота-оналарнинг болаларга эътиборсиз қараши) ёки бошқача бўлиб чиқади (ўз тухумини

* «Современник» журналининг 1859 йилги VII сонига қаралсин.

ўзганинг уясига қўйиб кетадиган какку қушдай) ва масал яроқсиз топилади. Бу танқид усулини Островскийга нисбатан бир неча бор татбиқ қилганларини кўрдик, аммо буни ҳеч ким бўйнига олишни истамайди, бунинг устига, ўз айбларини бизнинг устимизга тўнкамоқчи бўладилар, гўё биз адабий асарларни илгаритдан белгилаб олинган идея ва талаблар асосида таҳлил қилишга киришар эмишмиз. Аммо, славянпарастлар, рус кишисини олижаноб қилиб кўрсатиш керак ва ҳар қандай яхшиликнинг илдизи — эскичасига яшашда эканини исботлаш керак; Островский ўзининг биринчи пьесаларида бунга риоя қилмагани учун ҳам «Оилавий манзара» ва «Қўйнидан тўкилса қўнжига» асарлари унинг номига муносиб эмас ва бунинг сабаби ўша вақтда унинг Гоголга тақлид қилганлигида, деган эдилар-ку. Ғарбчилар эса: комедияда хурофотнинг зарарини кўрсатиш керак, аммо Островский ўз асари қаҳрамонларидан бирини дабдаба билан ҳалокатдан қутқазади; чинакам саодат маърифатда эканини ҳамманинг миясига қуйиш керак, аммо Островский ўз комедиясида ўқимишли Вихоревни нодон Бородкин олдида уятга қўяди; демак «Бегонанинг чанасига ўтирма» ва «Истаганингдек яшама» пьесалари ёмон пьесалардир, деб жар солмаган эдиларми. [Ахир, бадиийлик тарафдорлари ҳам: санъат эстетиканинг абадий ва умумий талабларига бўйсуниши керак, Островский эса «Сердаромад жой» номли асарида санаътни пастга уриб, арзимаган қисқа давр манфаатларига хизмат қилдирди; шунга кўра «Сердаромад жой» санъатга муносиб асар эмас ва у танқидий адабиётга қўшилиши лозим деб даъво қилмаганмидилар!..] Москвалик Некрасов жаноблари эса Большовга нисбатан бизда хайрихоҳлик ҳисси уйғонмаслиги лозим, ваҳоланки «Қўйнидан тўкилса қўнжига» пьесасининг 4-пардаси Большовга нисбатан бизда хайрихоҳлик ҳиссини уйғотиш учун ёзилган; демак тўртинчи парда ортиқча, демаганмиди!.. Павлов (Н. Ф.) жаноблари ҳам: рус халқ ҳаёти масхарабозлик учунгина материал бера олади; унда санъатнинг «абадий» талабларига мос келадиган бирор нарса яратиш учун керакли элементлар йўқ; бинобарин, сюжетни оддий халқ турмушидан олувчи Островский масхарабоз ёзувчигина бўлса керак, деган фикрни уқтирмоқчи бўлиб вайсаган эмасмиди... Москвалик яна бир танқидчи: драма бизга юқори ғояли қаҳрамонни кўрсатиб бериши лозим; «Момақалдироқ»даги қаҳрамон хотин эса, аксинча, нуқул мистицизм руҳи билан суғорилган, демак, у драма учун ярамайди, чунки, у бизда хайрихоҳлик ҳиссини уйғотолмайди; демак, «Момақалдироқ» фақат сатира аҳамиятига, шунда ҳам бемаза сатира аҳамиятига эга деб ва ҳоказо хулосалар чиқармаган эдими...

Кимки бизда «Момақалдироқ» тўғрисида ёзилган нарсаларни кузатиб борган бўлса, у шунга ўхшаш танқидларнинг

яна бир нечасини дарров эслай олади. Буларнинг ҳаммаси [бутунлай] эси паст кишилар томонидан ёзилган деб бўлмайди: холис китобхонни ҳайрон қолдираётган ҳолнинг, яъни масалага тўғри қараш йўқлигининг сабаби нимада? Ҳеч шубҳасиз, бу — Кошанский [Иван Давидов], Чистяков ва Зеленецкийларнинг дарслик китобларидаги бадиий схоластикани ўрганиш натижасида кўп каллаларда ўрнашиб қолган эски танқидий фикрлардан келиб чиққан ҳол деб айтиш керак. Маълумки, мазкур муҳтарам назариячиларнинг фикрича, танқид — шу назариячиларнинг дарслик китобларида баён қилинган муайян умумий қонунларга иловадир: у шу қонунларга тўғри келса хўп; тўғри келмаса ярамайди. Қарабсизки, умрлари тугаб бораётган қариялар учун ёмон нарса ўйлаб чиқарилмабди: танқид соҳасида ҳозирча шундай фикр ҳукм сурар экан, адабиёт оламида ҳар қандай янгилик рўй берганида ҳам, улар (қариялар) ўзларининг жуда ҳам қолоқ кишилар деб ҳисобланмасликларига амин бўла оладилар. Чунки улар ўзлари гўзал деб ҳисоблаган асарлар асосида ўз дарсликларида жуда мослаб қонунлар белгилаб олишган; ҳозирча барча янги асарлар тўғрисида улар ўзлари белгилаб олган қонунлар асосида ҳукм чиқарар эканлар, бу асарлар шу қонунларга мувофиқ келгандагина нафис деб эътироф қилина беради, бошқа янгиликлар юзага чиқа олмайди; Расинга тақлид қилувчилардан завқланган ва Вольтерга эргашиб, Шекспирни ғирт ёввойи деб сўккан, ёки «Мессиада»га бино қўйиб, шу асосда «Фауст»ни рад қилган муҳтарам кишилар ўз даъволарини тўғри деб ўйлаганликларидек, Карамзинга ихлосманд бўлиб, Гоголдан юз ўгирган қариялар ҳам ҳақли бўлиб чиқадилар. Эскилик тарафдорлари, ҳатто уларнинг энг қобилиятсизлари ҳам, фаросатсиз, бачкана қоидабозларнинг ўлик қоидаларини пассив тасдиқловчилик хизматини ўтовчи танқиддан ҳеч қўрқмасалар ҳам бўлади,— ва шу билан бирга, энг қобилиятли ёзувчилар санъатга бирор янгилик ва оригинал нарсалар қўшган тақдирда, ундай танқидга ҳеч қандай умид боғламасалар ҳам бўлади. Улар «тўғри» танқид деб аталган танқиднинг барча таъналарига тикка қарши боришлари, бўш келмай ном чиқаришлари, ундай танқидга қарши мактаб барпо этишлари ва санъатнинг янги қонун-қоидаларини тузишда янги назариячиларнинг ўзлари билан ҳисоблашиб иш кўришига эришувлари лозим. Шундагина танқид ҳам уларнинг афзалликларини сўзсиз эътироф қилади; [аммо шунга қадар бундай танқид бечора неаполликларнинг шу сентябрдаги ҳолига тушиб туради, чунки неаполликлар бугун бўлмаса эрта Гарибальдининг келишини билсалар-да, лекин ҳар ҳолда қирол ҳазратлари Франциск ўз пойтахтини ташлаб кетгунича, уни ноилож ўзларининг қироли деб эътироф қилиб туришга мажбурдирлар.]

Биз, у муҳтарамларнинг танқидга ана шундай арзимас, ана шундай паст роль беришга журъат этганликларига ҳай-

рон бўламиз. Ахир, улар санъатнинг «абадий ва умумий» қонунларини жузъий ва вақтинча ҳодисаларга татбиқ қилиш билан танқидни чеклаб қўйиб, шу орқали санъатни турғунликка, ўсмасликка маҳкум қилмоқдалар, танқидга эса, бутунлай маъмурий ҳамда полиция тусини бермоқдалар. Кўплар чин кўнгилдан шундай қилмоқдалар! Биз авторлардан бирига бирмунча раъйи-андишасизлик билан гапирган эдик, шу автор бизга, судьянинг айбдорга нисбатан ҳурматсизлик билан муомалада бўлиши жиноятдир, деб эслатади. Шу қадар ҳам соддалик бўладими! У, Кошанский [ва Давидов]ларнинг назарияларига жуда ҳам берилган экан! Танқид аваторларни айбдорлар сифатида сўроқ қиладиган трибуналдир, деган ярамас ўхшатишни у ростдан ҳам маъқуллар экан! Эҳтимол, у ёмон шеърлар Аполлон олдида гуноҳкор қилади ва ёмон ёзувчиларни жазолаш учун уларни Лёта дарёсига ташлаб юбордилар, деган гапга ҳам ишонар!.. Бўлмаса — танқидчи билан судья ўртасидаги фарқни билмайдими? Кишиларни бирор ёмон иш ёки жиноят қилишда шубҳаланиб судга тортадилар ва судьянинг вазифаси — айбланувчининг оқ ёки қора эканини аниқлашдир; аммо танқид қилинган ёзувчи бирор нарсада айбланадими? Китоб иши билан шуғулланиш динга хилоф жиноят деб ҳисобланган замонлар аллақачон ўтиб кетган-ку. Танқидчи асарнинг ўзига ёққан-ёқмаганлиги тўғрисида фикр баён қилади; танқидчи қуруқ сафсатабоз эмас, балки мулоҳазали одам деб таҳмин қилинади, шунинг учун ҳам у, нега баъзи нарсаларни яхши ва баъзи нарсаларни ёмон деб ҳисоблаганининг сабабларини кўрсатишга тиришади. У, ўз фикрини ҳамма учун мажбурий бўлган қатъий ҳукм деб ҳисобламайди; агар адлия доирасидан ўхшатиш олинадиган бўлса, бу ҳолда у судьяга эмас, балки адвокатга кўпроқ ўхшайди. У кўпроқ ўзи ҳақ деб билган маълум бир нуқтаи назарда туриб, китобхонларга масаланинг тафсилотини ўзи тушунганича айтиб беради ва асари таҳлил қилинаётган авторнинг фойдасига ёки қаршисига қаратилган ўз фикрини уларга маъқуллатишга ҳаракат қилади. Ўз-ўзидан маълумки, бу ишда у ўзига мақбул бўлган барча воситалардан фойдалана олади, фақат бу воситалар масаланинг моҳиятига зарар етказмаса бас, яъни у сизни даҳшатга солиши ёки эритиб юбориши, кулдириши ёки йиғлатиши, авторнинг ўзига ноқулай ҳолда эътироф қилишга мажбур этиши ёки уни жавоб бера олмайдиган даражага олиб бориб қўйиши мумкин. [Мана шундай танқиддан қуйидагича натижа чиқиши мумкин: назариячилар буни ўз дарсликларига солиштириб кўриб, таҳлил қилинган асар ўзларининг қотиб қолган қонунларига мувофиқми, йўқми эканини белгилаб олишлари ва суд вазифасини бажариб, авторни оқлаб ёки қоралаб ҳукм чиқаришлари мумкин. Аммо, шу нарса маълумки, очиқ суд

вақтида судьянинг қонунлар тўпламининг тегишли моддаларига асосан чиқарган ҳукмига судда ҳозир бўлган кишиларнинг унча қўшилмаслик ҳоллари кўп учрайди: бундай ҳолларда жамоат виждони қонун моддаларига бутунлай қарама-қарши бўлиб чиқади. Худди шунга ўхшаш ҳодисалар адабий асарларни муҳокама қилишда яна ҳам кўпроқ рўй бериши мумкин:] бинобарин, танқидчи-адвокат масалани тегишли тарзда қўйса, фактларни тўплаб турларга бўлса ва уларни асослаб, маълум бир фикрни ўртага ташласа,— афкор омма пиитиканинг* қонунлар тўпламига қарамасданоқ қайси томонда туриши кераклигини билиб олади.

Танқидни автор устидан «суд» деб таърифлашга диққат билан қаралса, бу — провинциялардаги хонимлар ва ойимқизларнинг *«танқид»* деган сўзга берган маъноларига ўхшаганини кўрамиз; бир вақтлар романистларимиз бундай тушунишни боплаб мазақ қилган эдилар. «Бизнинг ҳақимизда танқид ёзади» деб ёзувчидан ҳадиксировчи оилалар ҳали ҳам кам эмас. Бошларига шундай фикр ўрнашиб қолган бечора провинциаллар, ҳақиқатан ўз тақдирлари адабиётчи қаламининг тебранишига боғлиқ деб ҳисоблаган айбдорлар каби аянч ҳолатда қоладилар. Улар ўзларини гўё қатл этилишлари ёки афв этилишларини кутувчи айбдор кишилар деб билиб, адабиётчига ёлвориб термуладилар, номус қилган бўладилар, афв сўрайдилар, у-бу деган бўладилар. Лекин, бундай соддадил кишилар ҳозир энг узоқ бурчакларда ҳам камая бошлаганини айтиб қўйиш керак. Шу билан бирга «мустақил фикрга эга бўлиш» ҳуқуқи [фақат маълум бир мансаб ва тоифадаги кишиларга хос бўлибгина қолмай], ҳамма ва ҳар кимга мансуб бўлиб бормоқда, шу билан бирга хусусий турмушда ҳам сиполик ва мустақиллик юзага келмоқда, бошқаларнинг ҳар қандай фикр-мулоҳазаси олдида довдирашлар озаймоқда. Эндиликда улар ўз фикрларини яширишдан кўра айтишни аъло билмоқдалар ва айтмоқдалар, фикр олишувни фойдали деб, ўз фикр ва талабларини билдиришга ҳар кимнинг ҳаққи бор деб ҳисоблаганликлари, ниҳоят ўз мушоҳада ва мулоҳазаларини қўлидан келганча маълум қилиб, умумий ҳаракатда иштирок қилиш ҳар бир кишининг вазифаси деб ҳисоблаганликлари учун ҳам айтмоқдалар. Демак, бу — судьялик вазифасини бажариш эмас. Агар мен сизга йўлда рўмолингизни тушириб қўйдингиз десам, ёки борадиган йўлингиз қолиб бошқа томонга кетаётирсиз десам, ва шунга ўхшаш гапларни айтсам,— бу билан сиз менинг олдимда айбдор ҳисобланмайсиз. Худди шунга ўхшаш, сиз менинг кимлигим ҳақида ўз таассуротларингизга гапира бошлаганингизда ҳам мен сизнинг қаршингизда гуноҳкор ҳисобланмайман. Нотаниш кишилар орасига бирин-

* Поэтиканинг. *(Ред).*

чи марта кириб қолган вақтимда менга назар ташлайдилар ва менинг тўғримда ўз фикрларини айтадилар, буни мен жуда яхши биламан; наҳотки шунинг учун мен ўзимни қандайдир бир олий суд қаршисида тургандек сезишим ва ҳукм чиқарилишини кутиб қўрқишим керак? Шак-шубҳасиз менинг тўғримда гап бўлади: бирови — бурни катта экан деса, иккинчиси — малла соқол экан дейди, учинчиси — галстукни ёмон боғлабди деса, тўртинчиси — баджаҳл экан дейди ва ҳоказо. Нима десалар дейвермайдиларми, менга нима? Малла соқол бўлишим — жиноят эмас-ку ва нега бурнинг катта, деб таъна қилишлари мумкин эмас-ку. Демак, менинг бирор нарсадан андиша қилиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ: қиёфам ёқадими-ёқмайдими, бу ҳар кимнинг дидига боғлиқ, бу тўғрида ўз фикрини айтишдан ҳеч кимни тиёлмайман; иккинчи томондан, агар мен ҳақиқатан оғир одам эканман, мени камгап экан деб ҳар қанча айтсалар ҳам, барибир менга кор қилмайди. Шундай қилиб, далилларни таъкидлаш ва кўрсатиш устидаги биринчи танқидий иш (бизнинг англашимизча) — тамомила эркин ва беозор ўтади. Шундан кейин — далиллар асосида муҳокама юритиш вақтида эса, муҳокама қилувчи муҳокама қилинувчи билан тамом тенг даражада туради. Бунинг сабаби шуки, тўпланган маълумотлардан хулоса чиқариб ўртага ташлаган кишининг ўзи ҳам фикрининг тўғрилиги ва асосли эканлиги масаласида ҳар вақт ўзини бошқаларнинг муҳокамасига ва текширишига қўяди. Агар масалан, биров менинг галстугим у қадар чиройли тақилмаганини асос қилиб, тарбияси ёмон бўлган деб айтса; бошқалар унинг гапида мантиқ кам экан деб ўйлаши мумкин. Худди шунингдек, агар бирор танқидчи «Момақалдироқ»даги Катеринанинг қиёфасини жирканч деб ва ахлоқсизларникига ўхшатиб, Островскийга таъна қилса, бу ҳолда у ўз ахлоқий ҳисларининг мусаффолигига кишини ортиқча ишонтира олмайди.[1] Демак, танқидчи далилларни келтириб, уларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқарган пайтда автор ҳам, ишнинг ўзи ҳам хавфдан ҳоли бўлади. Фақат танқидчи далилларни бузиб кўрсатса, ёлғон гапирсагина эътироз билдириш мумкин. Аммо, танқидчи масалани тўғри баён қилиб берса, унинг қандай авзода гапирганидан, қандай хулоса чиқарганидан қатъий назар, эркин ва далиллар билан тасдиқланган ҳар қандай муҳокама фойдали бўлгани каби, агар автор яхши бўлса, унинг ўзи учун, автор ёмон бўлганида ҳам, ҳар ҳолда адабиёт учун унинг танқидидан ҳар вақт зарардан кўра кўпроқ фойда бўлади. Биз танқидни судьялик эмас, балки оддий иш деб тушунамиз; бундай танқид шунинг учун ҳам яхшики, у адабиёт масалаларидан узоқроқ турган кишиларга ёзувчининг фикрларини қисқа ва лўнда қилиб беради ва шу билан унинг асарларининг характер ва аҳамиятини тушунишни енгиллаштиради. Ёзувчи ҳақида

зарур тасаввур ҳосил бўлиши биланоқ, унинг тўғрисида муайян фикр туғилади ва қонун тўпламлари тузувчи жаноблардан рухсат олмасданоқ, унга тўғри баҳо берилади.

Тўғри, танқидчи [баъзан] маълум бир автор ёки асарнинг характерини баён қилганида асарда йўқ нарсани ўйлаб чиқариши мумкин. Аммо, бундай қилганда барибир танқидчи ўзининг сирини очиб қўяди. Агар у, таҳлил қилинаётган ижодга автор томонидан ўз асарига асос қилиб олинганидан кўра ҳам жонлироқ ва кенгроқ маъно беришни ўйласа,— турган гапки, у ўз фикрини асарнинг ўзидан олинган мисоллар билан етарли даражада исботлаш имкониятига эга бўлмайди ва шундай қилиб, таҳлил қилинаётган асар билан таништирувчи танқид бу асардаги ғоянинг ўзи катта бўлмаганлигини ва асар хомроқ ёзилганлигини очиқроқ кўрсатиб қўяди. Бундай танқидга мисол учун, масалан, Белинскийнинг «Тарантас» устида жуда аччиқ ва ўткир киноя билан ёзган мақоласини кўрсатиш мумкин: бу мақолани кўплар жуда тўғри деб топдилар, лекин ўшалар ҳам, Белинский томонидан «Тарантас»га берилган маъно унинг танқидида жуда яхши ифодаланганини, аммо граф Соллогуб асарининг ўзидаги маънога яхши ёпишмаслигини пайқадилар[2]. Бироқ, бу хилдаги танқидий муболаға камдан-кам учрайди. Энг кўп учрайдиган ҳол шуки, танқидчи, таҳлил қилинаётган асар авторининг мақсадини ҳақиқатан яхши англамай унинг асаридан бутунлай бўлмағур маънолар чиқаради. Бу ҳам унчалик хавфли эмас, чунки танқидчининг муҳокама усули унинг кимлигини китобхонга кўрсатиб туради: танқидда далиллар бўлса бас, бу ҳолда сохта сафсаталар китобхонларни алдай олмайди. Масалан, П-ий деган бир жаноб «Момақалдироқ»ни таҳлил қилишда бизнинг «Зулмат дунёси» тўғрисидаги мақоламизда қўллаган усулимизга эргашишга қарор берган ва аввал пьеса мундарижасининг моҳиятини тушунтириб, сўнгра хулосалар чиқаришга киришган. Унингча, Островский рус мистицизмининг расвосини чиқариш ниятида «Момақалдироқ»да Катеринани шарманда қилган эмиш. Равшанки, бундай хулосани ўқиб чиқишнинг ҳамоно, П-ий жаноблари оқилларнинг қайси тоифасига киришини ва унинг мулоҳазаларига ишониб бўлмаслигини пайқайсан[3]. Бундай танқид ҳеч кимни чалғита олмайди, ҳеч ким учун у қўрқинчли эмас...

Одатда аскарликка олинадиган мужикларни доктор кўригидан ўтказганда, уларга: гоҳ «пешонангни тут!», гоҳ «гарданингни тут!» деб ҳамма ёғини андозага олиб кўрадилар. Танқид ҳам авторга худди шундай муомалада бўладиган бўлса, авторнинг ҳолига вой дея беринг; агар сиз санъатнинг дарсликда ёзилган абадий қонунларига ишонадиган бўлсангиз, балога қоласиз. Бундай танқид сизни завқлантирган нарсани бир пул деб, аммо мудратадиган, эснатади-

ган ёки бош оғриғи пайдо қиладиган нарсаларни эса энг нодир нарсалар деб бирма-бир санаб, исбот қилиб беради. Мисол учун «Момақалдироқ»ни олинг, бу нима ўзи? Улар: бу — санъатни қаттиқ ҳақорат қилишдан бошқа нарса эмас,— буни исбот қилиш жуда осон, дейдилар. Хизмат кўрсатган профессор ва академик Иван Давидовнинг «Адабиёт тўғрисидаги баҳслар» деган китобини [Блэр лекцияларининг таржимаси ёрдами билан тузилган,] очиб кўринг, ёки бўлмаса Плаксин жанобларининг [кадет] адабиёт курсига кўз ташланг,— буларда энг яхши драманинг шартлари аниқ белгилаб берилган. Уларча, драма ўз ичига албатта шундай воқеани олиши керакки, унда эҳтирос ва бурчнинг курашини, эҳтирос ғалабасининг бахтсиз оқибатларини ёки бурч енган вақтдаги бахтли оқибатларини кўра олайлик. Драма ривожида бирлик ва изчиллик қаттиқ сақланиши лозим экан; драманинг ечими табиий суратда ва албатта драманинг бошланишига боғланиши лозим экан: ҳар бир кўриниш воқеани сўзсиз илгарига силжитиши ва уни ечимга яқинлаштириб бориши лозим экан: шунинг учун пьесада драма ривожида тўғридан-тўғри ва зарурий равишда иштирок қилмайдиган бирорта ҳам шахс, пьесанинг моҳиятига тааллуқли бўлмаган бирон оғиз гап аралашмаслиги лозим экан. Драмада қатнашувчи шахсларнинг характерлари очиқ белгиланган бўлиши ва саҳнадаги воқеанинг ривожига қараб зарур даражада аста-секин кўрсатиб борилиши лозим экан. Пьесанинг тили ҳар бир шахснинг мавқеига мос бўлиши, лекин соф адабий тилдан узоқлашмаслиги ва вульгарлаштириб юборилмаслиги лозим экан.

Драманинг ҳамма асосий қоидалари мана шулар бўлса керак. Энди бу қоидаларни «Момақалдироқ»қа татбиқ қилиб кўрайлик.

«Драма ҳақиқатан Катерина кўнглида содиқ хотин бўлиш бурчини сезиш билан ёш Борис Григорьевичга бўлган муҳаббати ўртасидаги курашни кўрсатиб беради. Демак, биринчи шарт мавжуд. Аммо, яна нарироқ борилса, «Момақалдироқ»да намунали драманинг бошқа шартлари қўпол равишда бузилганини кўрамиз.

Ва, биринчидан,— «Момақалдироқ» драманинг энг муҳим ички мақсадини, яъни ахлоқий бурчга меҳр уйғотиш ва ҳавас, эҳтиросга берилишнинг ҳалокатли оқибатларини кўрсатиб беришнинг уддасидан чиқмайди. Эри жўнаб кетиши биланоқ кечаси ўз севгани олдига югурган ахлоқсиз ва шарм-ҳаёсиз хотин (Н. Ф. Павловнинг таъбирича), жиноятчи хотин — Катерина драмада [унчалик жирканч тусдагина эмас, ҳатто қандайдир эзилган, жафокаш қилиб ҳам кўрсатилади]. У жуда келиштириб гапиради, зорланиб алам чекади, атрофидаги нарсаларнинг ҳаммаси унга маъносиз кўринади, шунинг учун ҳам сиз ундан сира нафратланмай-

сиз, унга раҳмингиз келади, уни эзувчиларга қарши газабланасиз [ва, шундай қилиб, сиз уни ёқлаб, бу билан ёмонликни яхши деб биласиз]. Бинобарин, драма ўзининг юқори мақсадини бажармайди, у зарарли ўрнак бўлмаган тақдирда ҳам, ўйинчоқ бир нарсадир.

Сўнгра, соф бадиий нуқтаи назардан қараганда ҳам унда жуда катта камчиликлар борлигини кўрамиз. Эҳтиросининг ривожи ҳам етарлича берилмаган: Катеринанинг Борисга муҳаббати қандай бошланиб, қандай кучайганини ва бунга нима сабаб бўлганини кўрмаймиз; шу сабабдан эҳтирос билан бурч ўртасидаги кураш ҳам равшан ва кучли бўлиб чиқмаган.

Таассурот бирлигига ҳам риоя қилинмаган: воқеага алоқаси бўлмаган элементнинг аралашганлиги, яъни Катеринанинг қайнанасига бўлган муносабатлари бундай бирликка халақит беради. Қайнананинг аралашуви, Катерина қалбида юз бериши лозим бўлган ички курашга диққатимизни тортиб туришимизга доим тўсқинлик қилади.

Бундан ташқари, Островский пьесасида, ҳар қандай поэтик асарнинг биринчи ва асосий қоидаларига хилоф бўлган, ҳатто янги ёза бошлаган автор учун ҳам кечириб бўлмайдиган хатолар борлигини кўрамиз. Бу хато драмада атайдан «интриганинг икки ёқламалиги» деб аталади: бунда биз бир севгини эмас, балки икки севгини — Катеринанинг Борисга ва Варваранинг Кудряшга бўлган севгиларини кўрамиз. Бу — французча енгил водевиллар учунгина яхшидир, аммо томошабинларнинг диққатини паришон қилмаслиги лозим бўлган жиддий драма учун мувофиқ эмас.

Пьесада воқеанинг бошланиши ва ечими ҳам санъат талабларига зиддир! Воқеа оддий нарсадан, яъни эрининг жўнаб кетишидан бошланади; унинг ечими ҳам бутунлай тасодифий, сунъий чиққан: Катеринани қўрқитган ва ҳамма нарсани ўз эрига гапириб беришга мажбур қилган бу момақалдироқ Deus ex machina * дан бошқа нарса эмасдир, жуда борса водевилдаги америкалик амаки воқеасига, яъни Америкага кўчиб кетган қариндошдан қолган мерос тўсатдан топилиб, драманинг яхши натижа билан тугашига ўхшаган гапдир.

Бутун воқеа суст ва секин ўтади, чунки у сира кераксиз кўринишлар ва шахслар билан тўлғазиб юборилган. Кудряш билан Шапкин, Кулигин, Феклуша, икки малайли барина, Дикойнинг ўзи — пьесанинг асосига зарур даражада боғланмаган шахслардир. Саҳнага узлуксиз суратда керак-

* Deus ex machina *(лат.)* — «Машинадан чиққан худо». Тамом ноилож аҳволда қолинган вақтда тўсатдан пайдо бўлиб, масалани ҳал этадиган куч, ҳолат, шахс. Қадимги трагедияларда машина — асбоблар воситаси билан бирон худонинг саҳнада пайдо бўлиб, пьесадаги воқеани тўсатдан ҳал этишини билдиради.— *Ред.*

сиз шахслар чиқиб турадилар, ишга алоқаси бўлмаган нарсаларни гапириб яна чиқиб кета берадилар, буларнинг нимага ва қаёққа кетганлиги ҳам маълум эмас. Тентакроқ барина ва шаҳар аҳолисининг момақалдироқ вақтидаги гап-сўзлари у ёқда турсин, Кулигиннинг бутун декломациялари, Кудряш билан Дикойнинг хатти-ҳаракатлари чиқариб ташланса пьесанинг моҳиятига ҳеч зарар келмаган бўлур эди.

Бу кераксиз кишилар ичида муайян ва мукаммал характерларни деярли тополмайсиз, характерларни аста-секин кўрсатиб бериш эса мутлақо йўқ. Улар худди ex abrupto* пайдо бўлиб қолади, ҳаммасининг ҳам хислати маълум бўлиб туради. Парда очилади: Кудряш билан Кулигин Дикойнинг оғзи шалақ киши эканлиги тўғрисида гаплашадилар, шундан кейин Дикой ўзи ҳам кириб қолади, у, саҳна орқасидаёқ сўкинади... Кабанова ҳам шундай. Худди шунингдек, Кудряш ҳам гап бошлаши биланоқ «қизларни қўлга олишга усталиги»ни билдира қолади; Кулигин ҳам саҳнада пайдо бўлиши биланоқ, табиатдан завқланувчи ва ўз-ўзидан ўрганган механик эканини кўрсатиб қўяди. Улар охиригача мана шундай бўлиб қоладилар: Дикой сўкинишини қўймайди, Кабанова вайсагани-вайсаган, Кудряш кечалари Варвара билан ўйнайди... Аммо, бутун пьеса давомида улар характерининг тўла ва ҳар тарафлама ривожланишини кўрмаймиз. Қаҳрамон хотиннинг ўзи жуда муваффақиятсиз тасвирланади: авторнинг ўзи ҳам бу характерни унча аниқ тушунмаганлиги кўриниб турибди, чунки Катеринани иккиюзлама қилиб кўрсатмасдан, балки унга ҳиссиётли монологлар гапиртиради, аммо амалда эса уни бизга шарм-хаёсиз, фақат ҳиссиётлар оламига берилиб кетган қилиб кўрсатади. Пьеса қаҳрамони устида гапирилмаса ҳам бўлади,— у хира чиққан. Островский жанобларининг genre** характерлари бўртиб турган Дикой билан Кабановалар эса (Ахшарумов жаноблари ёки унинг хилидаги бошқа бировнинг яхши хулосасига кўра) атайин лоф қилинган, тухматга яқин нарсадан иборатдир ва бизга жонли одамларни эмас, балки рус ҳаётидаги «бузуқлик моҳиятлари»ни акс эттиради.

Ниҳоят, пьеса қатнашувчиларининг тили ҳам яхши тарбия кўрган кишини ниҳоятда ғазаблантиради. Албатта, савдогар ва мешчанлар чиройли адабий тилда гапира олмайдилар; аммо, драма автори бор нарсани бераман деб, рус халқи жуда тўкис бўлган даҳшатли кўча сўзларини адабиётга киритса бўлади деган фикрга қўшилиб бўлмайди, ахир. Драма қатнашувчилари ким бўлмасин, уларнинг тили оддий бўлуви мумкин, аммо ҳар доим олийликни сақлаши ва илмаърифатли кишилар дидига хилоф бўлмаслиги лозим.

* ex abrupto *(лат.)* — Тўсатдан. — *Ред.*
** Жанрида, стилида. *(Французча)* — *Ред.*

Мана, «Момақалдироқ» даги ҳамма шахсларнинг гапини эшитинг: «Ҳой, баттарин! Нега сен тумшуғингни тиқасан! Бутун ичим тутақиб кетади! Хотинлар эт қўёлмаяптилар...» Бу қандай ибора, қандай сўзлар? Беихтиёр Лермонтовга қўшилиб, шундай дейсан:

Кимни тасвир қилишар улар?
Кимдан тинглар бу хил гапларни?
Лекин шундай бўлса ҳам, асти —
Эшитмоқчи эмасмиз рости![4]

Эҳтимол, «Волга бўйидаги Калинов шаҳрида» шундай гапирадиган кишилар ҳам бордир, лекин бунинг бизга даҳли йўқ!»

Биз бу танқидни маъқуллашга кўпда интилмаганлигимизни китобхон тушунади: шунинг учун ҳам бу танқиднинг баъзи жойларида нима дейилмоқчи бўлгани яққол сезилиб туради. [Мактаб] дарсликлари нуқтаи назаридан туриб, бутун танқидни фавқулодда ишонарли, ғолибона қилиш мумкинлигига ва шу билан авторни маҳв этиб юбориш мумкинлигига ишонамиз. Агар китобхон пьесада нималар бўлиши ва улар қандай бўлиши *лозимлиги* тўғрисида олдиндан тайёрланган талаблар билан пьесани таҳлил қилишга киришувимиз учун ҳуқуқ берса бас: биз қабул қилинган қоидаларга тўғри келмаган нарсаларнинг ҳаммасини йўқ қилиб юборишга қодир бўламиз. Комедиядан парчалар кўчириш мулоҳазаларимизнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун жуда ҳалол иш; Аристотелдан тортиб то Фишергача, олимларнинг турли китобларидан келтирилган ва эстетика назариясининг сўнгги қатъий моментини ташкил этувчи парчалар бизнинг қанчалик билимдонлигимизни сизларга кўрсатиб туради; ўткир сўзлар ишлатиб, жумлаларни қойил қилиб тизиб юборсак борми, диққатингизни жалб этиб оламиз ва сиз бизнинг фикримизга тўла қўшилганлигингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Автор олдига мажбуриятлар қўйиш ва сўнгра унинг шу мажбуриятларини бажарганлиги ёки бажаролмай уятли бўлиб қолганлиги тўғрисида ҳукм чиқаришга бизнинг тамом ҳақли экаплигимизга сира шубҳаланмасангиз бас...

Лекин, ҳамма гап шундаки, ҳозир бирона ҳам китобхон бундай шубҳадан ҳоли эмас. Илгарилари назарписанд қилинмаган ва бизнинг гапларимизга аҳамиятсиз, ҳурмат билан қулоқ солган халойиқ, ҳозир энди, бизнинг обрўмизни бир пул қилиб таҳлика остида қолдираётган ва Тургенев жанобларининг ажойиб ифодасича «икки томонлама ўткир анализ қиличи» билан қуролланган оммага айланди. Бизнинг бу

дабдабали танқидимизни ўқиган ҳар бир киши шундай дейди: «Момақалдироқ»да ниманки бўлса,— у ортиқча, аммо керак нарсалар йўқ, деб ишонтириш билан, бизга ўз «бўронингизни» тақдим қилмоқдасиз. Бироқ, «Момақалдироқ» автори учун тамом бошқача туюлса керак; фикрингизни яхшироқ тушунтиринг. Сиз бизга пьеса тўғрисида гапириб, уни анализ қилиб беринг, унда нима бўлса, шуни кўрсатиб беринг ва унинг тўғрисидаги фикрингизни аллақандай эскирган, бутунлай кераксиз ва алоқасиз мулоҳазаларга таянмасдан, балки унинг ўзидан олинган мисоллар билан баён қилинг. Сизнингча фалон-фалон ери бўлмаслиги лозим; аммо у, пьесада ўринли бўлар, шундай экан, нима учун бўлмаслиги лозим?» Ҳозир ҳар бир китобхон ҳам ана шундай аксидо беришга журъат қилмоқда ва кишини хафа қиладиган шундай ҳаракатлар билан, масалан, Н. Ф. Павловнинг «Момақалдироқ» тўғрисида кўп уриниб ёзган ажойиб танқидий машқини чиппакка чиқариб қўйди. Чиндан ҳам, ҳамма — адабиётчилар ҳам, жамоат ҳам «Наше время»нинг «Момақалдироқ» танқидчисига қарши чиқдилар, улар танқидчи Островскийни старли даражада ҳурмат қилмагани учун эмас, балки у ўз танқидида соғлом фикрга ва рус оммасининг пок иродасига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатгани учун қарши чиқдилар. Эски саҳна ботқоғидан Островскийнинг кўп даража узоқлашганини, унинг ҳар бир пьесаси ғоясида юқорида биз кўрсатиб ўтган маълум назариядан уни, албатта, четлаштирадиган замин борлигини аллақачон ҳамма кўриб турибди. Бу четлашишларни ёқтирмаган танқидчи, дастлаб гапни шундан бошлаб, уларни кўрсатиши, характерлаб чиқиши, умумийлаштириши ва шундан кейин булар билан эски назария ўртасидаги тафовут масаласини тўғридан-тўғри ва очиқ қилиб қўйиши лозим эди. Бу — танқидчининг фақат асари текширилаётган автор олдидаги бурчи бўлиб қолмай, балки кўпроқ Островскийнинг бутун эркин ҳаракатлари ва қоидадан четлашишларини ҳар доим маъқуллаб келаётган ва ҳар бир янги пьесаси чиқиши билан унга муҳаббати тобора ортиб бораётган омма олдидаги бурчи эди. Танқидчининг назариясига амал қилмаган авторни халқ ҳурматласа ва бунинг учун танқидчи халқни адашган деб топса, бу ҳолда у, даставвал ўз назариясини мудофаа қилиши ва ундан четга чиқиш яхши эмаслигини жиддий исботлаши лозим эди. Шундагина у, баъзиларни ва ҳатто кўпларни ишонтириши мумкин бўлар эди, чунки Н. Ф. Павлов сўзга анча чечан одам. У нима қилди? У, санъатнинг [дарсликларда ҳамон ёзилаётган ҳамда гимназия ва университет кафедраларида ўқитилиб келаётган] эски қонунлари адабиётда ва омма назарида аллақачонок муқаддаслигини йўқотганлигига заррача ҳам эътибор бермади. У ўз назариясининг моддаларига асосланиб, сира тап тортмай, Островскийни савалашга киришди, ўз назариясини дахлсиз деб ҳисоблашга китобхонни мажбур қилмоқчи бўлди. У, биринчи қатор курсларда бирга ўтиришадиган ва Павлов жанобларидек «охори тўкилмаган» қўлқоп киядиган «яқинлари ва биродари» бўлган бир жанобнинг Н. Ф. Павловга сира ёқмаган пьесасини мақташга журъат этганлиги устида пичинг отиб ўтишнигина ўринли деб билди. Танқидчининг оммани ва ўзи ҳал қилишга киришган масалани шу тариқа менсимаслиги — кўпчилик китобхонларни унга тарафдор қилишдан кўра, кўпроқ қарши қилиб қўйиши табиий эди. Китобхонлар танқидчининг ўз назарияси доирасида гирдикапалак бўлиб қолганини эслатиб қўйдилар ва ундан шу гирдобдан чиқиб тўғри йўлга тушиб олишни талаб қилдилар. Силлиқ жумлалар ва усталик билан чиқарилган хулосалар уларни қаноатлантирмади; улар, Павлов жанобларининг хулосалар чиқариш ва бу хулосаларни аксиома сифатида тақдим қилиш учун фойдаланган мулоҳазаларининг ўзини ҳам пухта исботлаб беришни талаб қилдилар. У: воқианинг бевосита ривожланиб боришига таъсир кўрсатмайдиган шахсларнинг кўп бўлиши яхши эмас, деб ёзди. Аммо, унга қаттиқ эътироз билдиришиб: драманинг ривожида бевосита қатнашмайдиган шахслар нега бўлиши мумкин эмас? — дедилар. [Танқидчи, драма шунинг учун аҳамиятга молик эмаски, ундаги қаҳрамон хотин ахлоқсиздир, деб уқтиради; китобхонлар уни тўхтатиб қўйиб: нега уни ахлоқсиз дейсиз ва сизнинг ахлоқ тўғрисидаги тушунчангиз нимага асосланган? деб савол берадилар]. Танқидчи, тунги учрашувни ҳам, Кудряшнинг шўх ҳуштак чалишини ҳам, Катеринанинг ўз эри олдидаги эътирофини ҳам санъатга номуносиб уятсизлик ва пасткашлик деб ҳисоблади; китобхонлар унга яна савол бердилар: нима учун сиз буни уятсизлик деб ҳисоблайсиз ва нима учун киборлар ўртасидаги фитналар ҳамда [аристократик] эҳтиросларни мешчанларнинг ҳавасларига қарағанда санъатга кўпроқ муносиб деб ўйлайсиз? Еш йигитнинг ҳуштаги киборлар оиласидан чиққан [бирор] йигитнинг итальянча арияларни чиқириб айтишидан ҳам ёмонми? Н. Ф. Павлов, ўз даъволаридан жуда муҳим хулоса чиқарган бўлиб, мағрурлик билан: «Момақалдироқ» сингари пьеса драма эмас, балки балагандир, деди. Бунга жавобан: нима учун сиз балаганга бунчалик нафрат билан қарайсиз? Уч талабнинг ҳаммасига риоя қилинган тақдирда ҳам, силлиқ ёзилган ҳар қандай драмани, ҳар қандай балаган театрдан аъло деб айтиш гумон. Театр тарихида ва халқ тараққиётида балаганнинг роли тўғрисида ҳали сиз билан баҳслашамиз, дедилар. Бу эътироз матбуотда етарлик даражада тўла баён қилинди. У қаерда ёзилиб чиқди? У ўз қошида «Свисток» («Ҳуштак») чиқадиган «Современник»да ёзилиб чиқса соз бўлар эди, чунки у, Кудряшнинг ҳуштагига қарши чиқма-

ган бўлар ва умуман ҳар қандай балаганга мойил бўлиши лозим эди. Аксинча, балаган тўғрисидаги фикрлар «санъат» ҳуқуқларини тугал мудофаа қилувчи «Библиотека для чтения»да «вульгарлик»ка ортиқча тарафдорлик кўрсатувчи киши деб ҳеч ким айбламайдиган Анненков жаноблари томонидан баён қилинди.* Агар биз Анненков жанобларининг фикрини тўғри тушунган бўлсак [(буни ҳеч ким қатъий айтолмайди, албатта)], у ҳозирги драма ўз назарияси билан энг биринчи балаганларга нисбатан турмуш ҳақиқатидан ва гўзалликдан узоққа тойиб кетди ва театрни янгидан яратиш учун энг аввал балаганга қайтиб, сўнгра драманинг ривожланиш йўлини янгидан бошлаш керак, деб топади. Павлов жаноблари ҳатто рус танқидчилигининг муҳтарам намояндалари томонидан баён қилинган ана шундай фикрларга ҳам дуч келди: [нодир фикр эгалари томонидан] фанга нафрат билан қарашда ва барча олий нарсаларни рад этишда айбланаётганлар ҳақида гапириб ҳам турмаймиз! Равшанки, бу масалада унча-мунча ўткир гаплар айтиш билан чекланиб бўлмас, балки танқидчи ўз ҳукмини чиқариш учун таянган асосларини пухта исботлаб бериши керак эди. Бироқ, масала шу тарзда қўйилиши биланоқ «Наше время» танқидчиси довдираб қолди ва ўзининг танқидий сафсаталарини йиғиштириб қўйишга мажбур бўлди.

Бачкана қоидабозларга хизмат қиладиган ва адабий асарларни дарсликларнинг параграфларига қараб туриб тафтиш қилишни вазифа қилиб олган танқидчининг кўпинча ана шундай аянч ҳолга тушиб қолиши турган гап: ҳукмрон назарияга ўзини қул қилиб берган танқид адабиётдаги ҳар қандай прогрессга, ҳар қандай янгиликка ва оригиналликка доимий самарасиз душман бўлиб қолади. Янги адабий ҳаракат кучайган сайин, бунга қарши у янада қаттиқроқ ҳужум қилади ҳамда ўзининг ўтмас ва ожизлигини янада ошкора қилиб қўяди. Бу хилдаги танқид тарафдорлари аллақандай ўлик мукаммалликни излаш билан ўз замонини ўтказган, биз учун қизиғи бўлмаган идеалларни бизга рўпара қилиш билан, бус-бутун гўзалликдан узиб олинган парчаларни бизга ирғитиш билан, жонли ҳаракатдан доим четда қоладилар, янги барҳаёт гўзалликдан кўз юмадилар, янги ҳақиқатни, ҳаётнинг янгича боришидан ҳосил бўлаётган натижани англашни истамайдилар. Улар ҳамма нарсага такаббурлик билан қарайдилар, қаттиқ ҳукмлар чиқарадилар, бизнинг chefs-d'oeuvre'* ларимиз даражасида эмас, деб ҳар қандай авторни айблашга тайёрлар ва улар авторнинг ўз оммасига ҳамда ўз замонига жонли муносабатда бўлишини сурбетларча эътиборсиз қолдирадилар. Буларнинг ҳаммаси уларча, гўё «минут манфаатлари» эмиш ва улар

* Дурдоналаримиз. — *(Ред.)*

жиддий танқидчиларнинг бундай манфаатларга берилиб кетиб, санъатни обрўсизлантиришларига йўл қўйиб бўладими, дейдилар! Бечора, тирик мурдалар! Ҳаёт ишини, унинг меҳнат ва саодатини қадрлай биладиган кишининг назарида уларнинг ҳоли нақадар аянч! Оддий соғлом фикрли киши ҳаёт берадиган нарсаларни ўзига олади ва унга ҳам қўлидан келганча қайтаради; аммо педантлар ҳар вақт юқоридан келиб, ўлик идеаллар ва мавҳумиятлар билан ҳаётни оқсатадилар. Айтингчи, келишгангина бир хотинни кўриши билан унинг қадди-қомати Милос Венерасиникига ўхшамас экан, оғзининг дўқти Медиция Венерасиникидек яхши эмас экан, қарашлари ҳам Рафаэль чизган мадонналарнинг қарашларидек маъноли эмас экан деб ва у экан, бу экан деб манг урувчи кишини нима деса бўлади. Бу каби жанобларнинг бутун муҳокама ва қиёслари жуда тўғри ва ўткир бўлиши мумкин, аммо бундан нима чиқади? Бу муҳокама ва қиёслар ҳалиги хотиннинг сулув эмаслигини сизга исбот этиб бера оладими? Яхшиликда бу хотин бояги ёки бошқа бир Венера дек эмас, деб сизни ишонтира оладими? Албатта, йўқ, чунки гўзаллик қиёфанинг айрим белгилари ва чизиқларидан иборат эмас, балки юзнинг умумий кўринишида ундан намоён бўлиб турган ҳаётий маънодадир. Бу кўриниш менга ёқса, бу маънони тушунсам ва у менда қониқиш ҳосил қилса, у вақтда мен ҳеч қандай ўлик ўхшатишлар қилмасданоқ, санъат ривоятлари билан муқаддаслаштирилган талабларни қўймасданоқ бутун қалбим ва вужудим билан бу гўзалликка бериламан. Агар сиз менга чинакам таъсир ўтказишни истасангиз, гўзалликни севишга мени мажбур этмоқчи бўлсангиз,— у вақтда сиз ўзингиз гўзалликдаги бу умумий маънони, ҳаётнинг бу руҳини пайқаб олинг, уни менга кўрсата ва тушунтира билинг: ўшандагина сиз ўз мақсадингизга эришасиз. Ҳақиқат масаласида ҳам шундай: у чуқур диалектик маъноларда, айрим хулосаларнинг тўғрилигида эмас, балки нима тўғрисида ўйласангиз; шунинг чинакам ҳақиқатлигидадир. Менга ҳодисанинг характерини, унинг бошқа ҳодисалар қаторидаги тутган ўрнини, ҳаётнинг умумий боришидаги маъноси ва аҳамиятини тушунтиринг, шу йўл билан сиз ўз фикрингизни исботлаш учун турли-туман силлогизмлардан фойдалангандагидан кўра, менинг масала устида тўғрироқ ўйлашимга йўл очиб берган бўласиз. Агар одамларда нодонлик ва соддадиллик ҳали шу дамгача кучли экан, бу ҳол биз қарши чиқаётган танқидий фикр юритиш усули билан қувватланмоқда. Ҳар ерда ва ҳар ишда, синтез устун келмоқда; олдинданоқ: мана бу нарса фойдали деб айтиб қўядилар ва нима учун фойдали бўлганлигини исботлаш учун далиллар қидириб ўзларини ҳар тарафга урадилар; сентенция (ўгит-насиҳатлар) билан қулоқ-миянгизни ейдилар: [ахлоқ мана бундай бўли-

ган бўлар ва умуман ҳар қандай балаганга мойил бўлиши лозим эди. Аксинча, балаган тўғрисидаги фикрлар «санъат» ҳуқуқларини тугал мудофаа қилувчи «Библиотека для чтения»да «вульгарлик»ка ортиқча тарафдорлик кўрсатувчи киши деб ҳеч ким айбламайдиган Анненков жаноблари томонидан баён қилинди.* Агар биз Анненков жанобларининг фикрини тўғри тушунган бўлсак [(буни ҳеч ким қатъий айтолмайди, албатта)], у ҳозирги драма ўз назарияси билан энг биринчи балаганларга нисбатан турмуш ҳақиқатидан ва гўзалликдан узоққа тойиб кетди ва театрни янгидан яратиш учун энг аввал балаганга қайтиб, сўнгра драманинг ривожланиш йўлини янгидан бошлаш керак, деб топади. Павлов жаноблари ҳатто рус танқидчилигининг муҳтарам намояндалари томонидан баён қилинган ана шундай фикрларга ҳам дуч келди: [нодир фикр эгалари томонидан] фашга нафрат билан қарашда ва барча олий нарсаларни рад этишда айбланаётганлар ҳақида гапириб ҳам турмаймиз! Равшанки, бу масалада унча-мунча ўткир гаплар айтиш билан чекланиб бўлмас, балки танқидчи ўз ҳукмини чиқариш учун таянган асосларини пухта исботлаб бериши керак эди. Бироқ, масала шу тарзда қўйилиши биланоқ «Наше время» танқидчиси довдираб қолди ва ўзининг танқидий сафсаталарини йиғиштириб қўйишга мажбур бўлди.

Бачкана қоидабозларга хизмат қиладиган ва адабий асарларни дарсликларнинг параграфларига қараб туриб тафтиш қилишни вазифа қилиб олган танқидчининг кўпинча ана шундай аянч ҳолга тушиб қолиши турган гап: ҳукмрон назарияга ўзини қул қилиб берган танқид адабиётдаги ҳар қандай прогрессга, ҳар қандай янгиликка ва оригиналликка доимий самарасиз душман бўлиб қолади. Янги адабий ҳаракат кучайган сайин, бунга қарши у янада қаттиқроқ ҳужум қилади ҳамда ўзининг ўтмас ва ожизлигини янада ошкора қилиб қўяди. Бу хилдаги танқид тарафдорлари аллақандай ўлик мукаммалликни излаш билан ўз замонини ўтказган, биз учун қизиғи бўлмаган идеалларни бизга рўпара қилиш билан, бус-бутун гўзалликдан узиб олинган парчаларни бизга ирғитиш билан, жонли ҳаракатдан доим четда қоладилар, янги барҳаёт гўзалликдан кўз юмадилар, янги ҳақиқатни, ҳаётнинг янгича боришидан ҳосил бўлаётган натижани англашни истамайдилар. Улар ҳамма нарсага такаббурлик билан қарайдилар, қаттиқ ҳукмлар чиқарадилар, бизнинг chefs-d'oeuvre'* ларимиз даражасида эмас, деб ҳар қандай авторни айблашга тайёрлар ва улар авторнинг ўз оммасига ҳамда ўз замонига жонли муносабатда бўлишини сурбетларча эътиборсиз қолдирадилар. Буларнинг ҳаммаси уларча, гўё «минут манфаатлари» эмиш ва улар

* Дурдоналаримиз. — *(Ред.)*

жиддий танқидчиларнинг бундай манфаатларга берилиб кетиб, санъатни обрўсизлантиришларига йўл қўйиб бўладими, дейдилар! Бечора, тирик мурдалар! Ҳаёт ишини, унинг меҳнат ва саодатини қадрлай биладиган кишининг назарида уларнинг ҳоли нақадар аянч! Оддий соғлом фикрли киши ҳаёт берадиган нарсаларни ўзига олади ва унга ҳам қўлидан келганча қайтаради; аммо педантлар ҳар вақт юқоридан келиб, ўлик идеаллар ва мавҳумиятлар билан ҳаётни оқсатадилар. Айтингчи, келишгангина бир хотинни кўриши билан унинг қадди-қомати Милос Венерасиникига ўхшамас экан, оғзининг дўқти Медиция Венерасиникидек яхши эмас экан, қарашлари ҳам Рафаэль чизган мадонналарнинг қарашларидек маъноли эмас экан деб ва у экан, бу экан деб ишни урувчи кишини нима деса бўлади. Бу каби жанобларнинг бутун муҳокама ва қиёслари жуда тўғри ва ўткир бўлуви мумкин, аммо бундан нима чиқади? Бу муҳокама ва қиёслар ҳалиги хотиннинг сулув эмаслигини сизга исбот этиб бера оладими? Яхшиликда бу хотин бояги ёки бошқа бир Венерадек эмас, деб сизни ишонтира оладими? Албатта, йўқ, чунки гўзаллик қиёфанинг айрим белгилари ва чизиқларидан иборат эмас, балки юзнинг умумий кўринишида ундан намоён бўлиб турган ҳаётий маънодадир. Бу кўриниш менга ёқса, бу маънони тушунсам ва у менда қониқиш ҳосил қилса, у вақтда мен ҳеч қандай ўлик ўхшатишлар қилмасданоқ, санъат ривоятлари билан муқаддаслаштирилган талабларни қўймасданоқ бутун қалбим ва вужудим билан бу гўзалликка бериламан. Агар сиз менга чинакам таъсир ўтказишни истасангиз, гўзалликни севишга мени мажбур қилмоқчи бўлсангиз,— у вақтда сиз ўзингиз гўзалликдаги бу умумий маънони, ҳаётнинг бу руҳини пайқаб олинг, уни менга кўрсата ва тушунтира билинг: ўшандагина сиз ўз мақсадингизга эришасиз. Ҳақиқат масаласида ҳам шундай: у чуқур диалектик маъноларда, айрим хулосаларнинг тўғрилигида эмас, балки нима тўғрисида ўйласангиз; шунинг чинакам ҳақиқатлигидадир. Менга ҳодисанинг характерини, унинг бошқа ҳодисалар қаторидаги тутган ўрнини, ҳаётнинг умумий боришидаги маъноси ва аҳамиятини тушунтиринг, шу йўл билан сиз ўз фикрингизни исботлаш учун турли-туман силлогизмлардан фойдаланганингиздан кўра, менинг масала устида тўғрироқ ўйлашимга йўл очиб берган бўласиз. Агар одамларда нодонлик ва соддадиллик ҳали шу дамгача кучли экан, бу ҳол биз қарши чиқаётган танқидий фикр юритиш усули билан қувватланмоқда. Ҳар ерда ва ҳар ишда, синтез устун келмоқда; олдинданоқ: мана бу нарса фойдали деб айтиб қўядилар ва нима учун фойдали бўлганлигини исботлаш учун далиллар қидириб ўзларини ҳар тарафга урадилар; сентенция (ўгит-насиҳатлар) билан қулоқ-миянгизни ейдилар: [ахлоқ мана бундай бўли-

ши лозим, дейдилар],— ва сентенцияга тўғри келмаган ҳамма нарсани [ахлоқсизлик деб] ёмонга чиқарадилар. Инсонлик маъноси ҳам шу равишча доим бузилмоқда, ҳар кимнинг ўзича мулоҳаза юритиши учун истак ва имконият қолмаётир. Агар кишилар аналитик усулда мулоҳаза қилишга ўргансалар эди, яъни масаланинг нимада эканини, ундан келиб чиққан оқибатларни, унинг фойда ва зиёнларини билганларида эди, натижа бутунлай бошқача бўлиб чиққан бўлар эди: бунинг қанчалик фойдали эканлигини ўлчаб ва ўйлаб кўринг. Ана ўшанда одамлар доимий суратда зарур маълумотларга эга бўлган бўлар ва улар синтетика тумани ичида адашмаган бўлар, [бир вақтлар аллакимлар томонидан белгиланган] ҳақиқатдан узоқ назариялар ва идеаллар билан ўралашиб қолмай, фактларга асосланиб фикр юритган бўлар эдилар. Бунга эришмоқ учун барча одамлар [бошқаларнинг васелигида эмас, балки] ўз ақллари билан яшаш истагига эга бўлишлари керак. Инсоният оламида бундай бўлиши ҳали узоқ, албатта. Аммо, «китобхонлар» деб аталган бир гуруҳ одамларга қараб, буларда мустақил ақл билан яшашга истак уйғонган деб ўйлашга ҳақлимиз. Шунинг учун ҳам биз, баланддан келиб бу оммага паст назар билан қарашни ва тутуриқсиз назариялар асосида уларга такаббурлик билан ўгит-насиҳатлар қилишни ва ҳукмлар чиқаришни жуда ўнгайсиз деб ҳисоблаймиз. Масаланинг ўзини шундай баён қилиб бериш керакки, токи келтирилган далиллардан китобхоннинг ўзи хулоса чиқариб олсин,— мана шуни биз танқиднинг энг яхши усули деб биламиз. Биз мисол ва далилларни тўплаймиз, асарнинг умумий маъноси тўғрисида фикр юритамиз, унинг биз яшаб турган ҳаётга бўлган муносабатини кўрсатамиз, ўз хулосамизни чиқарамиз ва уни мумкин қадар яхши баён қилиб беришга ҳаракат қиламиз, шу билан бирга, китобхоннинг биз билан автор тўғрисида ўз ҳукмини бемалол чиқара олишига имкон беришга тиришамиз. Бизнинг баъзи бир кинояли тақризларимиз учун бир неча бор таъналар эшитганмиз: «Сиз келтирган мисоллардан ва мундарижа ҳақидаги тушунтиришларингиздан авторнинг ёмон ёки зарарли экани кўриниб турибди, аммо сиз уни мақтайсиз, бу уят эмасми сизга» дедилар. Иқрор бўламизки, бундай таъналар бизни ҳеч қанча хафа қилгани йўқ, фақат китобхон бизнинг танқидчилик қобилиятимиз тўғрисида унча яхши фикр ҳосил қилмабди, холос — бу тўғри; аммо ҳар ҳолда биз ўзимизнинг [асосий] мақсадимизга эришибмиз, чунки китобхоннинг кўз олдига келтириб тизиб қўйилган далиллар воситаси билан ярамас китоб унинг назарида ҳақиқатда ярамас бўлиб чиқди [(бу тўғрида биз ўз ҳукмимизни баъзан тўғридан-тўғри айтолмас эдик)]. Биз ҳар вақт фақат далиллар билан исботланган реал танқидгина китобхон учун бирор аҳамиятга эга бўлиши мум-

кин деган фикрда бўлиб келдик. Асардаги бор нарсани бизга кўрсатиб беринг; бу усул асарда нималар йўқлиги ва нималар бўлиши лозимлиги ҳақида ўй суришдан кўра кўп даражада яхшидир.

Бирор нарса тўғрисида фикр юритганда ҳар бир киши, албатта, эътиборга оладиган умумий тушунча ва қонунлар борлиги турган гап. Аммо, масаланинг асл моҳиятидан келиб чиқадиган табиий қонунларни бирор система воситаси билан белгилаб берилган низом ва қоидалардан ажратиш керак. Маълум аксиомалар борки, буларсиз тафаккур бўлмайди ва ҳар бир гаплашиб турган киши ўз суҳбатдошини бу аксиомалардан хабардор деб билгани каби, ҳар қандай автор ҳам китобхонни бундан хабардор деб билади. Бирон кишининг букри ёки ғилайлиги айтилса, унинг организмидаги афзаллик эмас, балки нуқсон англашилади. Худди шунингдек, фалон адабий асар саводсизларча ёзилган ёки сохта гаплар билан тўлган деб айтилса, ҳар бир кишининг уни яхши асар деб ҳисобламаслиги учун кифоядир. Маълум доира ўртасида тузук киши фуражка киймаслиги лозим деб ҳисобланса-да, бировнинг шляпа ўрнида фуражка кийиб юришини айтсангиз, бу нарса унинг тўғрисида ёмон фикр ҳосил қилиш учун етарли далил бўлолмайди. Адабий асар масаласида ҳам шундай — агар сиз асарда аллақандай бирликка риоя қилинмаган деб топсангиз ёки интриганинг кучайиб бориши учун зарур бўлмаган кишилар борлигини кўрсангиз, бу сизнинг назариянгизга тарафдор бўлмаган китобхон учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Аксинча, ҳар бир китобхонга табиий ҳолат бузилган ва оддий соғлом маъно ҳақоратланган бўлиб кўринган тақдирда, менинг изоҳ беришимнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблай оламан, чунки далиллар келтиришим биланоқ, китобхон масалани дарров фаҳмлаб олади деб ўйлайман. Аммо, ҳеч қачон бундай тахминга маҳкам ёпишиб олиш керак эмас. Н. Ф. Павлов, москвалик Некрасов жаноблари, Пальховский жаноблари ва шулар сингари бошқа танқидчиларнинг катта хатолари шундаки, улар ўз фикрларини умумий фикрга шубҳасиз жуда мос келади деб ўйлайдилар. Бошқача айтганда, улар фақат ўзларига мутлоқ ҳақиқат бўлиб кўринган, лекин кўпчилик кишилар назарида баъзи бир умумий тушунчаларга ҳам зид бўлган жуда кўп фикрларни ҳамма учун шубҳасиз тўғри, равшан аксиома деб ҳисоблайдилар. Масалан, ҳар кимга маълумки, бирор тузук нарса яратишни истовчи автор, ҳақиқатни бузиб кўрсатмаслиги лозим: бу талабга назариячилар ҳам, ҳамма ҳам рози. Аммо, назариячилар автордан интриганинг ривожланиши ва асарнинг ечими учунгина керак бўлган нарсаларни танлаб олишни, бошқа кераксиз нарсаларнинг ҳаммасини чиқариб ташлаб, воқеликни мукаммаллаштиришни талаб қиладилар ва буни ҳам аксиома деб

биладилар. Мана шу иккинчи талабга мувофиқ, Островский-га кўп марталаб жон-жаҳдлари билан ҳужум қилдилар; аммо шуни айтиш керакки, бу талаб аксиомагина эмас, балки ҳақиқий турмушни тўғри кўрсатиб бериш масаласида ҳамма зарур деб топган талабга ҳам очиқдан-очиқ зиддир. Ярим соатча вақт ичида бир уйга, ёки майдоннинг бир ерига фақат керакли кишилардан бирин-кетин ўнтасининг келишига, уларнинг фақат керак бўлган вақтдагина келишларига, керак бўлан одамларнигина учратишларига, керак нарсалар устида ex abrupto* гап бошлашларига, керак бўлганда кетишларига ва керак бўлган ишларни қилишларига ва керак бўлганда яна пайдо бўлишларига сиз мени ҳақиқатда қандай қилиб ишонтира оласиз. Турмушда шундай бўладими, бу ҳақиқатга тўғри келадими? Қулай вазиятларни бир-бирига тўғри келтириш, ишларни мантиқий заруратга мослаб олиб бориш ҳаётда энг қийин иш эканини ким билмайди. Одатда киши нима қилиши кераклигини билади, аммо ўз иши учун барча воситалардан истаганича фойдаланишда ёзувчи билан тенглаша олмайди. Керакли кишилар кела бермайди, хатлар олинмайди, гаплар ишни илгари силжитадиган тусда бормайди. Турмушда ҳар кимнинг ўзига яраша иши кўп бўлади, аммо уларнинг камдан-ками драмаларимиздаги кишиларга ўхшаб ишлайдилар, чунки автор ўз пьесасидаги воқиага қараб уларни истаганча ҳаракат қилдиради, улар мисоли машина. Пьесадаги воқианинг бошланиши билан унинг ечими тўғрисида ҳам шуни айтиш керак. Бошланган воқианинг пировардида соф, мантиқий ривожланиш билан тугалланганини кўп учратамизми? Тарихда бу ҳол асрлар давомида юз берганлигини кўра оламиз, аммо хусусий турмушда бошқача бўлади. Тўғри, тарихий қонунлар турмушда ҳам ўзгармайди, лекин фарқ масофа ва ҳажмдадир. Абсолют тарзда олсак ва чексиз кичик миқдорларни фараз қилсак, у вақтда шарнинг ҳам кўп бурчакли эканини кўрамиз, албатта, аммо бильярдда кўп бурчакли шакллар билан ўйнасангиз,— ҳеч нарса чиқмайди. Худди шунингдек мантиқий ривожланиш ва [зарурий қасос] тўғрисидаги тарихий қонунлар ҳам хусусий турмуш воқиаларида халқлар тарихидагидек равшан ва тўла акс этмайди. Уларни атайлаб равшанлаштириш эса зўрма-зўракилик ва мавжуд воқеликни бузиш бўлади. Ҳақиқатда ҳар қандай жиноятнинг жазоси жиноятнинг ўзи билан бирга бўладими? Жиноят учун ташқи жазо берилмаган тақдирда ҳар вақт ҳам виждон азоби бўладими? Тежашлик ҳар вақт мўлчилликка олиб борадими, софдиллик ҳамма томонидан эҳтиром билан тақдирланадими, шубҳа ҳал бўладими, яхшилик кўнгилда мамнуният туғдирадими? [Биз кўпинча бунинг аксини кўрмаймизми? Аммо, иккинчи томон-

* Тўсатдан.— *(Ред.)*

дан, бу ҳам умумий қоида бўлолмайди... Одамлар ўз табиатлари билан ёзувчидирлар деб айтиб бўлмайди ва шу сабабдан ҳам адабий асарлар учун, масалан, ёмонлик ҳар вақт тантана қилади, яхшилик жазога маҳкум, деган принципларни қабул қилиб бўлмайди. Аммо, драмани яхшиликнинг тантана қилиши асосига қуриш ҳам мумкин эмас, ҳатто бу кулгили бўлиб чиқади!] Масала шундаки, одамлар ўртасида ақл-идрокка асосланган муносабатлар кам бўлади, балки муносабатлар кўпинча тасодифий бўлади, сўнгра, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг талай қисми гўё онгсиз равишда, эски одатга кўра, оний бир ҳолатга қараб ва кўпгина ташқи сабабларнинг таъсири остида юз беради. Сюжет ривожининг мантиқий талабларига мувофиқлаштираман деб, бу тасодифий ҳолларнинг ҳаммасини чиқариб ташламоқчи бўлган автор, одатда, ўртача меёрни йўқотади ва барча нарсани maximum оладиган кишига ўхшаб қолади. Масалан, у, киши кунига ўн беш соат ишлаганида ҳам унга зарар келмайди, деб ўйлаб, ўз ихтиёрида ишлаб турган кишилар олдига мана шу асосда талаблар қўяди, деяйлик. Ўз-ўзидан маълумки, фақат шошилинч ҳолларда, иккиуч кун учунгина қабул қилиниши мумкин бўлган бу талаб, доимий иш нормаси қилиб олинганида, бутунлай маъносиз бўлиб чиқади. Назариянинг драмадан талаб қилингандек, кундалик турмушдаги муносабатларни мантиқий негизда ривожлантириш ҳам кўпинча шундай маъносиз бўлиб чиқади.

Бизга, сиз ҳар қандай ижодни ҳам рад қила бошладингиз ва санъатни фақат дагерротип (нусха кўчириш) дан иборат қилиб қўйдингиз деб айтарлар. Қола берса, ўз фикримизни яна давом эттиришимизни ва бундан келиб чиқадиган энг охирги натижаларга бориб етишимизни талаб қиларлар, яъни драма автори асар ёзганда ҳеч нарсани олиб ташлашга ва ҳеч нарсани атайлаб киритишга ҳаққи йўқ, у тўқнаш келган барча кишиларнинг ҳамма кераксиз сўзларини қандай бўлса, шундай ёзишга мажбур ва бу гаплар бир ҳафта давом этган бўлса, театрда қўйилган драмада ҳам худди шундай бир ҳафта вақт керак бўлади, бошқа ҳодиса тўғрисида ёзилган тақдирда эса Нева проспектида ёки Англиянинг соҳил бўйида сайр қилиб юрувчи мингларча кишиларнинг ҳаммаси қатнашуви керак бўлади дейишимизни талаб қиларлар. Биз нотўғри деб айтган назария адабиётда юқори критериум (ўлчов) қилиб қолдириладиган бўлса, у вақтда ана шундай бўлади ҳам. Аммо, бизнинг мақсадимиз бутунлай бошқа; биз назариянинг фақат икки-уч моддасини тузатмоқчи эмасмиз; йўқ, бундай тузатишлар қилингандан у бадтар чувалашади ва ундаги зиддиятлар кўпаяди; биз бу назарияга бутунлай қаршимиз. Автор ва асарнинг қиммати тўғрисида фикр юритиш учун бизда бошқача асослар

борки, биз шу асосларга таянганимизда ҳеч қандай тутуруқсизлик юз бермаслигига ва халқ оммасининг соғлом фикридан узоқлашмаслигимизга ишонамиз. Бу асослар тўғрисида Островский ҳақидаги аввалги мақолаларда [ва сўнгра «Арафа» ҳақидаги мақолада] гапириб ўтган эдик; аммо, уларни яна бир марта қисқача айтиб ўтиш керак бўлар.

Ёзувчига ёки айрим асарнинг қимматига баҳо берганда, биз уларнинг маълум бир замон ёки халқдаги [табиий] интилишларни қанчалик ифодалаганлигини назарда тутамиз. [Инсониятнинг табиий интилишлари, содда қилиб айтганда: «Ҳамма учун яхши бўлсин» деган икки оғиз сўз билан ифодаланиши мумкин. Маълумки, бу мақсадга интилган инсонлар, ҳақиқатда, даставвал, шу мақсаддан узоқлашдилар; ҳар ким ўз роҳатини кўзлаб кетди ва ўзи фаровонликка етишиб олгач, бошқаларга халал берди; улар бир-бировига халал бермасдан яшашни ҳали билмас эдилар. Чунончи, тажрибасиз, эпақасиз танцачилар, ҳатто зал кенг бўлганда ҳам, барибир бошқа ўйновчиларга урилиб кета берадилар. Кейинчалик, яхшироқ ўрганиб олгач, зал кичик ва танцачилар кўп бўлганида ҳам улар эпчил ўйнайдиган бўлиб қоладилар. Аммо, улар эпчил бўлиб олганларигача залда кўп жуфтларнинг вальсга тушиши учун имкон бўлмайди; уларнинг бир-бирлари билан туртинмша бермасликлари учун кўпларининг навбат кутиб туришлари, сира эпга келмаганлари эса, танцадан умуман воз кечишлари, ва қола берса, карта ўйнашга киришиб, ҳатто кўплаб бой беришлари керак бўлади... Турмуш ҳам шундай қурилган эди: эпчилроқ кишилар бахт ахтаришда давом этдилар, бошқалар эса ишлари юриша бермагач, ўзларини керак бўлмаган ишларга урдилар, зиён кўрдилар; ҳаётнинг умумий шодиёнаси энг бошданоқ бузилиб келди; кўплар хурсандчиликдан маҳрум бўлдилар; кўплар эса, ким чаққон танца тушса фақат шуларгина хурсандчилик қила олади, деган фикрга келдилар. Ишлари ўнгидан келган чаққон танцачилар эса, табиий майил орқасидан бора бердилар ва ўз хурсандчилиги учун тобора кўп имконият ва воситаларни қўлларига киритиб ола бердилар. Ниҳоят, улар ҳаддан ошдилар; улар бошқаларни жуда қисиб қўйдилар ва бу бошқалар энди танца тушишни истаганлари учун эмас, балки ўтириш ҳам ўнгайсиз бўлиб қолганидан, ўринларидан сапчиб туриб, сакрай бошладилар. Бу сакрашда улар ичида ҳам бир қадар чаққонроқ кишилар йўқ эмаслиги маълум бўлди,— ва булар ҳам хурсандчилик қилаётганлар доирасига киришни мўлжаллаб қарадилар. Аммо, имтиёзга эга бўлган аввалги танцачилар уларни чақирилмаган қўноқлар деб ҳисоблаб, сира ёқтирмадилар ва ўз орасларига киритмадилар. Янгилар учун кўпинча кўнгилсиз натижалар берган хилма-хил, узоқ кураш бошланди: янгилардан кулдилар, уларни туртиб ташладилар, айш-ишрат харажатини улардан тўлаттирдилар, уларнинг ёнларидаги хонимларини тортиб олдилар, хонимларни эса, йигитларидан маҳрум қилдилар, уларни базмдан бутунлай ҳайдаб юбордилар. Аммо, кишиларнинг аҳволи қанчалик ёмонлашган сайин, уларда яхши кунларга етиш эҳтиёжи шунчалик кучая боради. Маҳрум қилиш билан талабларни тийиб бўлмайди, балки ғазаб ортади, холос; очлик азобидан қутулиш учун фақат овқат ейиш керак. Шу сабабдан кураш шу дамгача тўхтамади; табиий интилишлар, гоҳо тингандай бўлиб, гоҳо кучлироқ қўзғалиб, ҳамон ўзини қониқтириш йўлини қидирмоқда. Тарих моҳияти мана шундан иборат.]

Барча замонларда ва инсон фаолиятининг барча соҳаларида ғоят соғлом фикрли ва истеъдодли кишилар дунёга келиб турдилар, улардаги табиий интилишлар фавқулодда кучли ва сўнмас эди. Амалий фаолиятда улар [кўпинча ўз интилишлари учун азоб-уқубат тортдилар, лекин ҳеч қачон] ном-нишонсиз ўтиб кетмадилар, ҳеч қачон якка-ёлғиз қолмадилар, жамоат фаолиятида улар партияга эга бўлдилар, соф фан соҳасида кашфиётлар қилдилар, санъат соҳаларида ва адабиётда мактаблар (таълимотлар) яратдилар. Жамоат арбоблари тўғрисида гапириб ҳам турмаймиз, [чунки уларнинг тарихдаги роллари, бундан олдинги саҳифада гапириб ўтганларимизга кўра, ҳаммага тушунарли бўлса керак]. Аммо, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, фан ва адабиёт соҳасида ҳам кучли, табиий жонли интилишлар улуғ шахслар учун ҳар вақт характерли бир ҳол бўлиб келди. Бу интилишлар бузиб кўрсатилиши билан омма онгида олам ва инсон тўғрисида кўп бўлмағур тушунчалар пайдо бўлди; бу тушунчалар эса, умумий фаровонликка тўсқин бўлди. [Узоққа кетмасданоқ, фетишизм бемаъниликлари ва космогония тўғрисидаги ҳар хил сафсаталарнинг ва яна турли туман астрологик ҳамда сиҳрли мистерияларнинг инсониятга қанчадан-қанча касофати текканлигини эсга олайлик!] Астрономия ва физика соҳаларида кашфиётлар қилган ёки янги философик асарлар яратган соф фан арбоблари онгнинг табиий, соғлом талабларини англай олдилар ва умумий бахт-саодатга зарар етказган ҳар қандай [сунъий комбинациялардан] қутулишда инсониятга ёрдам бердилар. Шундай кишиларнинг ҳар бири дунёга келиши билан инсоният тўғри, табиий тушунчаларни ривожлантириш сари янги қадам ташлади, биз эса ҳар бир арбобнинг қадр-қимматини шу олға ташланган қадамларнинг муҳимлигига қараб белгилаймиз. Амалий билимлар соҳасида ишловчи кишиларга, техник, механик, агроном, врач ва бошқаларга нисбатан ҳам шундай қилинади. Санъат соҳасида ҳам, адабиётда ҳам худди шуни кўрамиз.

Инсониятнинг табиий асослар сари интилишида адабиётчи бу дамгача кам роль ўйнаб келди, [инсониятнинг ўзи

ҳам бу табиий асослардан четлашган эди]. Адабиёт, ўз моҳиятига кўра, фаол ўрин тутмайди, у фақат ё қилиниши керак бўлган нарсаларни тахминлайди, ёки қилинаётган ва қилиниб бўлган нарсаларни акс эттиради. Биринчи ҳолда, яъни келажакдаги фаолиятни тахмин қилишда, у соф фанга асосланади ва материалларни шу соф фандан олади; иккинчи ҳолда эса турмушдаги фактларнинг ўзига асосланади. Шундай қилиб, умуман айтганда, адабиёт ўртада хизмат қилиш аҳамиятига эгадир. [бу хизматнинг аҳамияти пропаганда қилишда бўлиб, унинг қиммати эса қандай нарсаларни қай тариқа пропаганда қилаётганига қараб белгиланади]. Айтгандай адабиёт соҳасида ҳозирга қадар ўтган бир неча арбоблар [ўз пропагандаси билан] шундай юқори турадиларки, [инсониятнинг бахт-соадати учун] амалий иш олиб борган арбоблар ҳам, соф фан кишилари ҳам улардан устун турмайдилар. Бу ёзувчилар шундай ўткир табиий истеъдод эгалари эдиларки, улар сезги қуввати билан табиий тушунча ва интилишларни англай олдилар, ваҳоланки уларнинг замондошлари бўлган философлар бу тушунча ва интилишларни соф фан ёрдами билан эндигина ахтармоқда эдилар. Бундан ташқари, философлар фақат назария ёрдами билан тахмин қилган ҳақиқатларни гениал ёзувчилар турмушда пайқай олдилар ва уларни амалий ҳаракатда кўрсатиб бера олдилар. Шундай қилиб, улар маълум даврда юксак инсон онгининг буюк ифодачилари бўлиб хизмат қилиш билан ҳамда кишиларнинг ва табиатнинг ҳаётини шу юксакликдан кўриб, уни бизга тасвирлаб бериш билан, адабиётнинг хизмат қилувчилик ролидан юқори даражага кўтарилдилар ҳамда инсониятга унинг ўз жонли кучларини ва табиий майилларини жуда ҳам равшан англашда ёрдам берган тарихий арбоблар қаторига ўтдилар. Шекспир шундай киши эди. Унинг пьесаларидан кўпларини инсон қалби соҳасидаги кашфиётлар деб атаса бўлади; унинг адабий фаолияти кишиларнинг умумий онгини бир неча поғона юқори кўтардики, унга қадар бу поғоналарга ҳеч ким кўтарилмаган эди ва бу поғоналарни баъзи бир философлар фақат олисдангина кўрсатар эдилар. Шекспирнинг жаҳон миқёсида катта ўрин тутганлигининг сабаби ҳам мана шунда: инсоният тараққиётининг бир неча янги поғоналари унинг номи билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Шекспир бошқа оддий ёзувчилардан ажралиб туради. Данте, Гёте, Байроннинг номлари кўпинча унинг номи билан қўшиб айтилади, лекин буларнинг ҳар бирида умум инсоният тараққиётининг бутун бир янги даври Шекспирдагидай мукаммал ифодаланган деб айтиш қийин. Оддий талантларга келсак, биз айтгандек, хизмат қилувчилик ролини ана шулар бажаради. Улар инсоният оламига ҳеч қандай янги ва номаълум нарсани кўрсатиб бермайдилар, бутун инсониятнинг ривожида янги йўллар кўрсатиб бермайдилар, ҳатто белгилаб олинган йўлда ҳам уни илгарига сурмайдилар, балки кўпроқ жузъий, махсус хизмат қилиш билан чекланадилар: улар инсониятнинг илғор арбоблари томонидан кашф этилган нарсаларни омманинг онгига етказадилар, кишилар учун қоронғи бўлган нарсаларни уларга ойдинлаштириб кўрсатиб берадилар ва тушунтирадилар. Аммо, адабиётчи философнинг ғояларини олиб, сўнгра шу ғояларни ўз асарларида баён қилиб беради деб бўлмайди. Йўқ, уларнинг ҳар иккаласи ҳам мустақил иш кўради, уларнинг иккаласи бир манбага — ҳақиқий турмушга асосланади, [лекин уларнинг ишлари бир-биридан фарқ қилади. Мутафаккир, масалан, кишиларда ўз аҳволларидан норозилик борлигини сезиб, барча фактлар устида фикр юритади ва келиб чиқадиган талабларни қондира оладиган янги йўллар ахтаришга тиришади. Адабиётчи-шоир ҳам худди шу норозиликни сезиб, аҳволни шундай жонли қилиб гавдалантириб берадики, унга жалб этилган умумий диққат кишиларга нима керак бўлганлигини ўз-ўзидан англатиб қўяди. Демак, натижа бир бўлиб, бу икки арбобнинг тутган ўрни ҳам бир хилда бўлар эди;] бироқ адабиёт тарихидан кўрамизки, бир озгиналарини мустасно қилганда, одатда адабиётчилар бу ишда кечикиб қоладилар. Мутафаккирлар энг майда аломатларга ҳам эътибор бериб ва ўз фикрини таг-тугигача текшириб бориб, кўпинча ҳодисани энг бошланғич даврида кўрадилар,— кўпчилик адабиётчилар эса унча сезгир бўлмайдилар: улар [юзага келаётган ҳаракатни] етарли даражада равшанлашган ва кучайгандагина сезиб, сўнгра тасвирлаб берадилар. Лекин, улар омма тушунчасига яқин турадилар ва унга кўпроқ мақбул бўладилар, [улар худди барометрга ўхшайдилар, барометрни ҳар ким англайди, ваҳоланки метеорологик-астрономик ҳисоботларни ва табиат ҳодисалари тўғрисида барвақт хабар берувчи маълумотларни ҳеч кимнинг билгиси келмайди]. Шундай қилиб, турмуш ҳодисаларини англатиб беришда адабиётнинг зўр аҳамиятга эга эканлигини эътироф қилиш билан бирга, биз ундан бир нарсани, яъни — *ҳақиқатни* кўрсатиб беришни талаб қиламиз, бунингсиз унинг ҳеч қандай қиммати қолмайди. Авторга асос бўлган ва бизга тақдим қилинган фактлар тўғри кўрсатиб берилиши керак. Шундай бўлмаган тақдирда, адабий асар ҳар қандай аҳамиятини йўқотади, ҳатто у зарарли бўлиб чиқади, чунки бундай адабий асар киши онгининг очилувига эмас, балки аксинча, яна ҳам кўпроқ қоронғилашувига сабаб бўлади. Бундай асар авторидан ёлғончилик талантидан бошқа бирор талант ахтариб ўтиришимиз фойдасиз бўлар эди. Тарихий характердаги асарларда ҳақиқат далиллар билан кўрсатилиши лозим; воқиалар ичдан тўқиладиган беллетристикада эса ҳақиқат мантиқий бўлади, яъни ҳақиқат

ўрнини ақлга мувофиқ эҳтимоллик ва амалдаги ишларга мос ҳолат эгаллайди.

Аммо, ҳақиқатни кўрсатиб бериш асарнинг ҳали фазилати эмас, балки зарур шартидир. Асарнинг фазилатига биз, автор назарларининг кенглигига, ўзи қаламга олган ҳодисаларни тўғри тушунганига ва ифодасининг жонли бўлишига қараб баҳо берамиз. [Ҳаммадан бурун, биз ўзимиз қабул қилган ўлчовга қараб, халқдаги табиий, тўғри интилишларнинг ифодачилари бўлиб хизмат қилувчи авторларни турли ясама тенденция ва талабларнинг воситачилари бўлиб хизмат қилувчи авторлардан фарқ қиламиз. Кишиларнинг дастлабки вақтларда ўзлари учун яхши ҳаёт қура билмаганликлари орқасида келиб чиққан ясама ижтимоий комбинациялар кўпларда табиий талаблар ҳақидаги тушунчани бўғиб қўйганлигини юқорида кўрган эдик.] Ҳамма халқларнинг адабиётларида тамомила ясама манфаатларга берилган ва инсон табиатининг нормал [талаблари] тўғрисида ҳеч ўйламайдиган ёзувчиларни кўп кўрамиз. Бу ёзувчилар сохтакор бўлмасликлари ҳам мумкин; лекин уларнинг асарлари сохта асарлардир ва бундай асарларнинг формасигина бўлмаса, бошқа ҳеч қандай фазилати йўқ. Масалан, бирон шуҳратпарастнинг амри билан иллюминацияларни [ҳарбий тантаналар, ос-кес ва талончиликларни] мақтаб куйловчилар, лаганбардорлик билан [мадҳия] тўқувчилар бизнинг назаримизда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлолмайдилар, чунки улар [халқнинг] табиий интилишларидан [ва талабларидан] жуда узоқ турадилар. Фан оламидаги ҳақиқий табиатшуносларга нисбатан астрологлар ва алхимиклар, физиология китобига нисбатан туш таъбирчилари, эҳтимоллик назариясига нисбатан фол китоблари аҳамиятсиз бўлгани сингари, ҳақиқий ёзувчиларга нисбатан улар ҳам адабиётда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслар. Табиий тушунчаларга яқин турган авторлар ўртасида биз давр тақозо қилган [талабларни] кўпроқ ёки камроқ англаган, [инсоният оламида бўлаётган ҳаракатни кўпроқ ёки камроқ даражада кенг ифодаловчи] ва унга кўпроқ ёки камроқ даражада хайрихоҳлик кўрсатувчи кишиларни бир-бирларидан фарқ қиламиз. Бундайларнинг хиллари беҳисоб кўп бўлиши мумкин. Бир автор битта масалани, бошқа бир автор ўнта масалани тўлиқ олган бўлиши, яна бири уларнинг ҳаммасини битта масала қилиб олиши [ва уни ҳал қилиш учун ўртага қўйиши], тўртинчи автор бу катта масалани ҳал қилиш учун, юзага келаётган бошқа масалаларни кўрсатиб бериши мумкин ва ҳоказо. Бири фактларни совуққонлик билан эпик тарзда ифодалаши, иккинчиси эса сохтакорликка қарши лирик куч билан ҳужум қилиши ва эзгуликни ҳамда ҳақиқатни куйлаши мумкин. Бири масалани юзаки олиши [ва ташқи жиҳатдангина айрим тузатишлар қилиш лозимлигини кўрсатиб бериши;] иккинчиси эса, ҳамма масалани таг-томири билан олиши [ва предметнинг ички томони расволигини ҳамда яроқсизлигини, ёки инсониятнинг янги ҳаракати билан вужудга келтирилаётган янги тузумнинг ички кучини ва гўзаллигини кўрсатиб бериши мумкин. Авторларнинг фикр доираси кенглигига ва сезги кучига қараб уларнинг ҳар бирида масалани акс эттириш усули ҳам, ифодасининг ўзи ҳам бошқа-бошқа бўлади. Ташқи форманинг ички кучга бўлган муносабатини аниқлаш энди қийин эмас; танқиднинг энг муҳим вазифаси — авторнинг халқда уйғонган ёки ҳозирги замон талабига кўра тезда уйғотиши лозим бўлган табиий интилишлар даражасида туриш-турмаслигини аниқлаш: сўнгра — авторнинг буларни қандай тушуниб ва қандай ифодалаб бера олганини ҳамда масаланинг моҳиятини, негизини англаганми ёки фақат юзакигина олганми эканлигини, масалани тўлиқ кўрсатганми ёки унинг фақат баъзи бир жиҳатларинигина олганми эканлигини аниқлашдир].

Биз бу ерда назарий мулоҳазани эмас, балки турмуш фактларининг бадиий тасаввур этишни назарда тутганлигимизни гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблаймиз. Островский тўғрисида илгари ёзган мақолаларимизда биз мавҳум тафаккур билан бадиий тасаввур ўртасидаги фарқни етарлик кўрсатган эдик. Бу ўринда биз, соф санъат ҳомийларининг бизни яна, санъаткор олдига «утилитар* темалар» қўймоқдасиз деб айбламасликлари учун зарур бўлган фақат биргина изоҳни такрорлаб ўтамиз. Биз ҳеч вақт, ҳар қандай автор ўз асарларини маълум бир назария таъсири остида яратиши лозим деб ўйламаймиз; у ҳар қандай фикрда бўлиши мумкин, лекин унинг таланти турмуш ҳақиқатини сезувчан бўлса бас. Бадиий асар маълум бир идеянинг ифодаси бўлиши мумкин, лекин бу нарса, асарни яратган вақтда автор шу идеяга тарафдор бўлгани учун эмас, балки турмушдаги фактлар асар авторида таъсир қолдиргани учун шундай бўлади, идея эса ўз-ўзидан мана шу фактлар асосида туғилади. Масалан, Сократнинг философияси ва Аристофаннинг комедияси греклардаги диний таълимотга нисбатан бир хил умумий идеянинг, яъни қадимги динларнинг яроқсизлиги тўғрисидаги идеянинг ифодаси бўлиб хизмат қилади; аммо, Аристофан ўз комедияларини ёзганда худди мана шуни мақсад қилиб олган деб ўйлаш мутлақо ўринсиздир, чунки унинг ўша замондаги грек урф-одатларини гавдалантириб беришининг ўзи шу мақсадга олиб боради. Унинг комедияларидан биз қатъият шундай фикрга келамизки, у ёзган вақтда грек мифологиясининг [ҳукмронлик] даври ўтиб кетган бўлиб, Сократ ва Платоннинг философик йўл билан исбот қилган нарсаларини у бизга амалда кўрсатиб бера-

* Тор амалий.— Ред.

ди. Адабий ва соф назарий асарларнинг таъсир қилиш усулларидаги фарқ умуман шундай бўлади. Бу фарқ санъаткор билан мутафаккирнинг фикрлаш усулларидаги фарқни акс этдиради: уларнинг бири айрим ҳодиса ва образларни доимо назарда тутгани ҳолда конкрет фикр қилади, иккинчиси эса ҳамма нарсани умумлаштиришга, айрим аломатларни умумий формулага солишга интилади. Лекин, ҳақиқий билим билан ҳақиқий поэзия ўртасида кескин фарқ бўлиши мумкин эмас: талант кишининг натурасига хос нарсадир ва шунинг учун ҳам талантли деб эътироф қилган кишимизда, шубҳасиз, табиий интилишлар маълум даражада кучли ва кенг бўлади. Демак, унинг асарлари ҳам натуранинг шу табиий, тўғри талаблари таъсири остида яратилиши лозим; у [нормал ҳолатни] равшан ва жонли англаши, унинг идеяси тушунарли ҳамда оқилона бўлиши лозим, шу туфайли у ноҳақ ва маъносиз йўлга кирмайди, бунга сабаб унинг хоҳламагани эмас, балки шундай қилолмаганлигидир,— у ўз талантини суи истеъмол қилмоқчи бўлган тақдирда ҳам, барибир бундан ҳеч қандай яхши натижа чиқмайди. [Валаам сингари, у Исроилга лаънатлар ўқимоқчи бўлганида ҳам, илҳом жўш урган минутда унинг оғзидан лаънат ўрнига фотиҳа сўзлари чиқади. У лаънат ўқиганида ҳам, барибир таъсирсиз, бўш ва дудмол бўлиб чиқади. Узоқдан мисоллар қидиришимизнинг ҳожати йўқ; бундай мисоллар бошқа ҳар қандай адабиётдагига қараганда бизнинг адабиётимизда тўлиб-тошиб ётибди дейиш мумкин. Лоақал, Пушкин билан Гоголни олинг: Пушкиннинг буюртма билан ёзган шеърлари қандай суюқ ва қуруқ чиққан; Гоголнинг адабиётдаги аскетик уринишлари нақадар аянч! Уларнинг яхши ниятлари кўп бўлса ҳам, лекин буюртма, ясама темаларда ҳақиқий шоирона асар яратиш учун тасаввур ва туйғу етарли материал бермади]. Бунинг сабаби маълум: шоирга материал ва илҳом берадиган ҳаёт табиий моҳиятга эгадир, бу табиий моҳият бузилган тақдирда воқеа жонсизланади ва маъносини йўқотади. Ҳодисаларга табиий маъно бермай, уларнинг моҳиятига тескари, бошқача маъно беришни истаган ёзувчиларнинг асарлари ҳар доим мана шундай бемаъни бўлиб чиқа берди.

Аммо, юқорида айтганимиздек, кишининг табиий интилишлари ва ҳодисалар тўғрисидаги соғлом, оддий тушунчалар баъзан кўп бузиб кўрсатилади. Табиий ҳолат [энг маъносиз равишда] бузиб кўрсатилганида ҳам, кишиларга кўпинча тамомила нормал ва табиий бир ҳол бўлиб кўринадики, бу — нотўғри ривожланиш оқибатидир. Замон ўтиши билан инсоният борган сайин ясама бузилишлардан қутулиб, табиий талаб ва назарларга яқинлашмоқда: энди биз ўрмон ва кўлларда, момақалдироқ ва чақмоқда, қуёш ва юлдузларда сирли куч бор деб ҳисобламаймиз; [эндиликда маърифатли мамлакатларда каста ва париялар йўқ;] биз Шарқ халқларига ўхшаб икки жинснинг муносабатларини аралаштирмаймиз: [биз, қуллар синфини давлатнинг асосий хусусияти деб эътироф қилмаймиз, греклар ва римликлар шундай ҳисоблашар эди]; ўрта асрда Европада ҳукм сурган инквизиция тадбирларидан воз кечамиз. Юқоридагидек ҳоллар ҳозир ҳам баъзи жойларда фақат мустасно равишдагина учрайди; умумий аҳвол эса [яхшиликка томон] ўзгарди. Аммо, ҳали ҳам бўлса, одамлар барча табиий талабларни равшан тушуниб олганлари йўқ ва ҳатто инсоннинг табиий хусусиятлари нималардан иборат эканлигини ва қандай нарсалар уларнинг табиий хусусиятларига зид эканлигини равшан англаб олганлари йўқ. Инсон табиий суратда яхшиликка томон интилади деган умумий формула ҳаммага мақбул; аммо инсоният учун бахт-саодат деб нимани ҳисоблаш лозим деган масалада ихтилоф чиқмоқда. Масалан, биз бахт-саодат меҳнатда деб биламиз ва шу сабабдан меҳнатни инсон учун табиий нарса деб ҳисоблаймиз; аммо «Экономический указатель» бўлса, ялқовланиш одамлар учун табиий ҳол; чунки бахт-саодат капиталдан фойдаланишдадир, деб даъво қилмоқда[7]. Биз ўйлаймизки, ўғрилик — мол топишнинг [сунъий] йўлидир, чунки киши баъзан жуда ноилложликдан шундай қилишга мажбур бўлади; Крилов эса, бу — баъзи одамларнинг табиий хислатидир, дейди ва мана бундай деб ёзади:

Ўғрига миллион берсанг-да
Ўғрилик қилишдан тўхтамас.[8]

Крилов машҳур масалчи, «Экономический указатель»ни эса Вернадский жаноблари [доктор ва статский советник] чиқармоқда: уларнинг фикрларини илтифотсиз қолдириб бўлмайди. Бу масалани қандай ҳал қилиш керак? Бизнингча, бу масалани ҳеч ким узил-кесил ҳал қилиб бера олмайди; ҳар ким ўз фикрини энг тўғри фикр деб ҳисоблаши мумкин, аммо бу масалани ҳал қилишни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ халқнинг ўзига қўйиш керак. Бу унга тааллуқли масаладир, биз эса ўз даъволаримизни унинг манфаатлари нуқтаи назаридангина ўртага қўя оламиз. Биз жамоатчиликка қараб: «бизнингча, сиз [фалон нарсаларга қобилиятлисиз], фалон нарсаларни сезасиз, [фалон нарсалардан норозисиз, фалон нарсаларни истайсиз»] деб айтамиз. Бизнинг фикримиз хато ёки тўғри эканлигини айтиш жамиятнинг ишидир. Айниқса Островскийнинг комедияларини таҳлил қилиш каби ишда биз тўғридан-тўғри умумнинг фикрига таяна оламиз. Биз айтамиз: «автор шу-шу нарсаларни тасвир қилган: унинг томонидан яратилган образлар, бизнинг фикримизча, мана бундай: уларнинг келиб чиқиши, маъноси мана бун-

дай; бизнингча, буларнинг ҳаммаси сизнинг турмушингизга ҳамда урф-одатларингизга жуда алоқадордир [ва сизнинг бахт-саодатингиз учун қандай талабларни қондириш зарурлигини кўрсатиб туради»]. Айтишгчи, сўзларимизнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тўғрисида жамиятнинг ўзи фикр юритмай, ким фикр юритиши мумкин? Ахир гап шу жамият тўғрисида боряпти ва унга мурожаат қилинмоқда. Жамиятнинг фикри биз учун ҳам, асари таҳлил қилинаётган автор учун ҳам бир хилда муҳим ва қатъий деб ҳисобланиши лозим.

Авторимиз халққа жуда мақбул бўлмоқда: демак, масаланинг ярми унинг фойдасига ҳал қилинади: автор халқни тўғри тушунганини ва тўғри тасвирлаганини халқ эътироф қилмоқда. Энди бошқа бир савол бор: Островскийнинг асарларига маълум бир маъно бериш билан, биз уни тўғри тушунаётирмизми? Бу саволга бериладиган жавоб бизнинг фойдамизга бўлишига шу нарса бирмунча умидвор қиладики, биринчидан, бизнинг фикримизга қарши бўлган танқидчиларни халқ унча мақбул кўрмади ва иккинчидан, авторнинг ўзи бизнинг фикримизга қўшилишади, чунки Островскийнинг таланти ва асарларининг аҳамияти тўғрисидаги фикрларимизнинг кўпи «Момақалдироқ»да янгидан исботланди, деб ҳисоблаймиз. Яна бир карра айтамиз: бизнинг мақолаларимизни ва бизнинг фикрларимизга асос бўлган нарсаларни ҳамма кўриб турибди. Кимки бизнинг фикримизга қўшилишни истамаса, у мақолаларимизни ўқиб ва ўз кузатишларига таққослаб кўриб, ўзича хулоса чиқариши мумкин. Биз шунга ҳам хурсанд бўламиз.

Танқидимизнинг асослари тўғрисида тушунишиб олдик, [аммо бу тушунтиришлар узайиб кетганлиги учун ўқувчиларимиздан афв сўраймиз. Бу тушунтиришларни, албатта, бир-икки саҳифада баён қилиш ҳам мумкин эди, лекин бундай қилганимизда бу саҳифалар узоқ вақтларгача дунё юзини кўрмаган бўлур эди. Узайиб кетиш шундан бўладики, кўпинча оддий сўз билан англатиш мумкин бўлган нарсани такрор жумлалар билан тушунтиришга тўғри келади; Европанинг бошқа тилларида тамом оддий ҳисобланган бу сўзлар одатда рус мақоласига шундай тус касб этадики, у шу ҳолда халқ олдига чиқолмайди; ҳамма касал мана шунда. Баён қилинаётган фикрнинг моҳиятини бир илож қилиб китобхонга тушунтириш учун жумлаларни беихтиёр ҳар хил кўйга солишга тўғри келади.

Аммо] энди ўзимизнинг асл масаламизга — «Момақалдироқ» авторига келайлик.

Островский рус ҳаётининг муҳим томонларини ва талабларини жуда тўла ҳамда ранг-баранг қилиб тасвирлаб бера олади, деб биз уни, балки, жуда юқори кўтариб юборган

эдик, бу «Современник» ўқувчиларининг эсларидадир. Айрим ҳодисаларни, жамиятнинг муваққат, юзаки талабларини [масалан одил суд, диний эътиқод, соғлом маъмурият тўғрисидаги талаблар, откупларни йўқотиш, крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиш ва бошқаларни] олиб, буларни озми-кўпми муваффақият билан тасвирлаб берган авторлар тўғрисида гапирмаймиз. Аммо, турмушнинг кўпроқ ички томонини қаламга олган ёзувчилар жуда тор доирада чекланиб қолдилар ва умумхалқ учун сира аҳамияти бўлмаган ҳодисаларни баён қилдилар. Беҳисоб кўп повестларда ўз атрофидаги муҳитдан юқори даражага кўтарилган, лекин иш кўрсатмасданоқ маҳв бўлиб кетадиган шижоатсиз, иродасиз кишиларнинг тасвирланиши буниинг мисолидир. [Бу повестлар шунинг учун аҳамиятга эга бўлдики, улар яхши фаолиятга ҳалал берувчи муҳитнинг яроқсизлигини ва биз назарияда ҳақиқат деб эътироф қилган асосларни амалда ғайрат билан қўлланиш тўғрисида гарчи тўла англанмаган талабни равшан ифодалади.] Талантлар турлича бўлганига кўра, бу хилдаги повестлар ҳам каттароқ ёки камроқ аҳамиятга эга бўлди; лекин уларнинг ҳаммасида ҳам бир камчилик бор эди, яъни улар жамиятнинг (нисбатан) кам қисми орасида ёйилди ва кўпчиликка деярли ҳеч қандай муносабати бўлмади. Халқ оммаси у ёқда турсин, ҳатто жамиятимизнинг ўрта табақаларида ҳам ўз идеяларидан қандай фойдаланишни билмовчи кишиларга қарағанда, ҳали тўғри тушунчаларга эга бўлиши ва уларни англаб олиши керак бўлган кишиларни кўп кўрамиз. Шунинг учун ҳам мазкур повесть ва романларнинг аҳамияти жуда тор доирада қолмоқда ва кўпчиликка эмас, балки маълум тоифа кишилар учунгина кўпроқ аҳамияти борлиги сезилиб турибди. Островскийнинг бажарган ишлари анча самарали эканлигини эътироф қилмай бўлмайди: у шундай умумий интилиш ва талабларни кўрсатиб бердики, булар бутун рус жамиятининг қонига сингган, булар ҳаётимиздаги ҳамма ҳодисаларда акс этмоқда ҳамда бу интилиш ва талабларни қондириш бизнинг бундан кейинги юксалишимизнинг зарур шарти бўлиб қолмоқда. Биз аввалги мақолаларимизда батафсил гапириб ўтилган парсаларни такрорлаб ўтирмаймиз; аммо, бизнинг мақолаларимиз тўғрисида «Момақалдироқ» танқидчиларидан бири — Аполон Григорьев жанобларида ҳосил бўлган ажаб бир ҳайратни кўрсатиб ўтишни ўринли деб биламиз. Айтиш керакки, А. Григорьев жаноблари Островский талантини жуда завқланиб эҳтиром қилувчилардан биридир; аммо,— завқнинг ҳаддан ошиб кетганлигидан бўлса керак,— у Островскийни нима учун қадрлашини ҳеч қачон равшанроқ айта олган эмас. Биз унинг мақолаларини ўқиб, ҳеч нарса тушуна олмадик. «Момақалдироқ» тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён қилар экан. Григорьев жаноблари

бизга бир неча саҳифа бағишлайди[9] ва бизга айб тўнкаб, сиз Островский комедиясидаги шахсларга ном тақиб қўйдингиз, уларнинг ҳаммасини икки тоифага: яъни *зўравонларга* ва *эзилган шахсларга* ажратдингиз ва, комедиячимизнинг бутун ишини савдогарлар турмушида оддий бир ҳол ҳисобланган ўзаро муносабатларнинг ривожланишини кўрсатишдан иборат қилиб қўйдингиз, дейди. Григорьев жаноблари шундай айбни тўнкаш билан, Островскийнинг тутган алоҳида ўрни ва хизмати бунда эмас, балки халққа *яқинлигидадир*, деб хитоб қилади. Аммо, халққа яқинлик нимадан иборат эканлигини Григорьев жаноблари тушунтириб бермайди ва шунинг учун ҳам унинг бу эътирози бизга жуда ғалати туюлди. Гўё биз Островскийдаги халқчилликни эътироф қилмагандай бўлиб қолибди. Ҳолбуки, биз гапни худди аша шундан бошлаб, шу асосда давом эттирдик ва яна шунинг ўзи билан тугатдик-ку. Биз, Островскийнинг асарлари халқ турмушини, халқ интилишларини қандай ва қанчалик ифода қилганлигини изладик: бу унинг халқчиллигини кўрсатиш эмасми? Аммо, биз бу тўғрида ҳар икки сатр сайин хитоб аломати қўйиб жар солмадик, балки унинг мазмунини аниқлашга тиришдик, Григорьев жаноблари эса бундай қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Агар у шундай қилиб қараганда эди, эҳтимол, бизнинг хулосаларимизга қарши чиқишдан тўхтаб, ўзи шундай хулосаларга келган бўлар ва Островскийнинг хизматини эскича яшовчи савдогарларнинг оилавий муносабатларини тўғри тасвирлаб беришдан иборат қилиб қўйдингиз деб бизни бекордан-бекорга айбламаган бўлар эди. [Бизнинг мақолаларимизни ўқиган ҳар кимга маълумки, ҳаётимизда ҳукмрон бўлган ва Островскийнинг комедияларида жуда яхши акс эттирилган муносабатларнинг асосий хусусиятларини кўрсатган вақтимизда ҳеч қачон фақат савдогарларнигина назарда тутмадик. Рус ҳаётининг ғоят кенг миқёсдаги ҳозирги майилларини Островский комик сифатида салбий томондан ифодалайди. Сохта муносабатларни ва булардан келиб чиқадиган барча оқибатларни равшан кўрсатиб бериш билан, у яхши тузум сари интилишларнинг садоси бўлиб хизмат қилмоқда. Островский комедияларининг кўпида бўртлириб кўрсатилган ўзаро муносабатларнинг бутун расвогарчиликлари, бир томондан, зўравонликка, иккинчи томондан, ўз шахсининг ҳуқуқларини тўла англамаслик сингари асосларга эгадир; шу расвогарчиликлар ичидан ҳуқуқ, қонунчилик, кишига ҳурмат тўғрисидаги талаблар ҳар бир зийрак ўқувчига эшитилиб туради. Бу талабларнинг рус ҳаётидаги катта аҳамиятини сиз инкор қиласизми? Комедияларнинг бунга ўхшаш фони Европадаги бошқа бирон жамиятникидан кўра, рус жамиятининг ҳолатига мос келувини инкор этасизми? Тарихни олиб қаранг, ўз турмушингизни кўз олдингизга келтиринг, ўз атрофингизга

назар солинг,— сиз ҳамма жойда биз айтган сўзларнинг тўғрилигини кўрасиз. Бу ерда тарихни титкилаб ўтиришимизнинг ҳожати йўқ; тарихимизда энг сўнгги замонларгача қонунчилик туйғуларининг юксалувига йўл берилмагани (бунга Пирогов жаноблари ҳам қўшилади; Киев округида жазолар тўғрисидаги низомга қаралсин)[10] шахс учун мустаҳкам гарантиялар юзага келмаганини ва ўзбошимчаликка, зулмга кенг йўл қўйиб келинганини эслатиб ўтиш кифоядир. Бу хилдаги тарихий ривож оқибатида жамоат ахлоқининг пасайиб кетганлиги маълум: ўз қадр-қийматига ҳурмат йўқолди, ҳуқуққа ишонч камайди, бинобарин, бурчни англаш сусайди, ўзбошимчалик ҳуқуқларни поймол қилди, ўзбошимчалик туфайли айёрлик кучайди.] [Нормал талабларни сезиш қувватидан маҳрум бўлган ва] сунъий комбинациялар туфайли йўлдан озган баъзи ёзувчилар турмушимиздаги мавжуд фактларни эътироф қилдилару, аммо буларни нотўғри тарихий ривожланиш натижасида табиий майилларнинг бузилиши деб кўрсатмай, балки турмушдаги одатдаги бир ҳол деб қонунлаштирмоқчи ва мақтамоқчи бўлдилар. Масалан, ўзбошимчаликни «кучли натура» номи остида рус кишисининг руҳига хос, табиий бир ҳол, деб унга тақмоқчи бўлдилар; муттаҳамчилик ва айёрликни ҳам иш кўзини билишлик ва ҳийлакорлик номи остида рус халқи ўртасида қонунлаштирмоқчи бўлдилар. Баъзи танқидчилар ҳатто Островскийни кучли рус натурасининг куйчиси демоқчи бўлдилар; шу сабабдан ҳам бир вақтлар Любим Торцов тўғрисида телбаларча шов-шув кўтардилар ва уни авторимизнинг энг катта хизмати деб ҳисобладилар[11]. Аммо, ўткир талантли ва шу туфайли ҳақиқатни сезувчи, табиий, соғлом талабларга инстинктив мойил бўлган Островский хато йўлга ормади ва ўзбошимчалик, ҳатто ўтакетган ўзбошимчалик ҳам, унинг асарларида ҳар вақт ҳақиқатга мувофиқ тарзда оғир, хунук, ғайри қонуний ўзбошимчалик бўлиб чиқа берди,— ва пьесанинг моҳиятида ҳам ҳар вақт ўзбошимчаликка қарши норозилик сезилиб турди. У, бундай кучли натура нима эканлигини сеза билди ва бир неча хил типлар воситаси билан ҳамда зўравонлик деб ном бериш билан унга нафрат билдирди, [уни бадном қилди].

Аммо, у «зўравон» сўзини ичидан тўқиб чиқармаганидек, бу типларни ҳам ўзи ўйлаб чиқаргани йўқ. У, буларнинг ҳаммасини турмушнинг ўзидан олди. Равшанки, Островский тасвирлаган зўравонларни кўпинча ана шундай кулгили ҳолларга қўйиш учун материаллар берган, уларга келишган ном ҳам берган ҳаёт бутунлай уларнинг таъсири остида қолган эмас, балки унда энг мувофиқ, [қонуний], тўғри тартиб-қоидалар ўрнатилиши учун замин бор. Ҳақиқатан ҳам, Островскийнинг ҳар бир янги пьесаси чиқиши билан ҳар

ким ўз ичида буни сезади ва ўз теварагига назар ташлар экан, буни бошқаларда ҳам кўради. Бу фикрни диққат билан кузатиб борсанг, унга тобора кўпроқ ва чуқурроқ эътибор берсанг, [янгиликка], муносабатларни кўпроқ табиий равишда йўлга қўйишга қаратилган бу интилиш — бизнинг прогресс деб атаган нарсаларимизнинг моҳиятини ўз ичига олганини, бевосита тараққиётимиз олдида турган вазифа эканини, [бу йўлда янги авлодларнинг зўр бериб иш олиб боришлари керак бўлишини] кўрасан. Қаёққа қарамаш, сиз ҳамма жойда шахснинг уйғонаётганини, [ўз қонуний ҳуқуқларини тушунаётганини,] зулмга ва ўзбошимчаликка қарши қаттиқ норозилик билдираётганини кўрасиз; [бу норозилик ҳали айтарлик даражада дадил, қатъий бўлмаса-да ва дарров ғойиб бўлиб кетадиган даражада бўлса-да, аммо ҳар ҳолда] сезилиб туради. [Мисол учун қонун чиқариш ва маъмурий ишлар соҳасини олиб қаранг, гарчи бу соҳада айрим масалаларда тасодифий нарсалар кўп бўлса-да, лекин умуман олганда ҳар ҳолда халқнинг аҳволини акс эттиради. Қонун чиқариш тадбирлари имтиёзлар, енгилликлар бериш, ҳуқуқларни кенгайтириш характерида бўлганида ҳаққоний, тўғри бўлади. Халққа оғирлик келтирувчи, халқ ҳуқуқларини камайтирувчи тадбирлар эса, халқ турмушининг талаби билан эмас, балки фақат ўзбошимчалик, бошқаларни қисувчи имтиёзли озчиликнинг фойдасини кўзлаш орқасида келиб чиқади; аммо, озчиликнинг имтиёзларини камайтирадиган ва умумий ҳуқуқларни оширадиган тадбирлар фақат халқ турмушининг бевосита ва қатъий талаблари орқасида келиб чиқади, чунки бу талаблар имтиёзли озчиликнинг шахсий, бевосита манфаатларига қарамай, унга кескин таъсир қилади. Бу соҳада бизда нималар қилинаётганига назар солинг: деҳқонлар озод қилинмоқдалар, илгарилари, мужикка озодлик бериш учун вақт эрта, деган помешчикларнинг ўзлари ҳам ҳозир бу масалани ечиш вақти келганига, бу масала ҳақиқатан ҳам халқнинг онгида ўсиб етилганига иноннмоқдалар ва иқрор бўлмоқдалар... Бу масаланинг заминида ўзбошимчаликни чеклаш ва инсон шахсининг ҳуқуқларини оширишдан бошқа нима ётади? Бошқа барча реформа ва енгилликларда ҳам худди шунинг ўзини кўрамиз. Молия реформаларидан ҳамда банк, солиқлар ва бошқа масалаларни муҳокама қилган барча комиссия ва комитетларнинг ишларидан жамоатчилик молиявий ишларнинг энг тўғри, аниқ системаси белгиланади ва бинобарин, ҳар қандай ўзбошимчалик ўрнига қонуний тартиблар жорий этилади деб ҳисоблаган ва умид қилган эмасмиди? Илгарилари ошкора фикр баён қилиш ҳуқуқи беришдан жуда қўрқар эдилар, эндиликда бу соҳада бирмунча ҳуқуқ беришга нима мажбур қилди? Ҳуқуқсизликка ва ўзбошимчаликка қарши кўп йиллар давомида жамоат фикрида тўпланиб

келган ва ниҳоят юзага отилиб чиққан умумий норозиликнинг кучини англаш мажбур қилмадими? Полиция ва маъмурий ишлардаги ислоҳотларга, одил суд ўрнатиш тўғрисидаги тадбирларга, суд ишларини очиқ юргизишни таклиф қилишга, ихтилофчиларга нисбатан кўрилаётган чораларни юмшатишга, откупларнинг битирилишига нима сабаб бўлди?.. Биз бу тадбирларнинг амалий аҳамиятини эмас, балки бу тадбирларни кўришга киришувнинг ўзи биз кўрсатиб ўтган умумий идеянинг ғоят ўсганлигини исботлашинигина айтмоқчимиз, бу тадбирлар барбод бўлган ва натижасиз қолган тақдирда ҳам, бу ҳол мазкур тадбирларни амалга ошириш учун қўлланилган воситаларнинг камлигини ёки сохталигини кўрсатади, холос, лекин уларни майдонга келтирган сабабларни рад этолмайди]. Бу [талабларнинг] борлиги шундай равшанки, [уларнинг юзага чиқиши учун ҳақиқий имконият туғилиши биланоқ улар] ҳатто адабиётимизда ҳам ифодаланди. Бу талаблар Островскийнинг комедияларида ҳам тўла ва кучли ифодаландики, бундай ҳолни камдан-кам авторларда учратар эдик. Аммо, унинг комедияларининг қиммати фақат ифоданинг кучли бўлганидагина эмас: биз учун шу нарса ҳам муҳимки, турмушнинг умумий [талаблари] юзага отилиб чиқмаган ва бу талаблар камдан-кам кишилар томонидангина жуда бўшгина қилиб ўртага қўйилган бир вақтда. Островский уларнинг моҳиятини англади. Унинг биринчи пьесаси 1847 йилда майдонга келди; [маълумки, ўша вақтлардан то кейинги йилларгача ҳатто энг яхши авторларимиз ҳам халқдаги табиий интилишларнинг изларини деярли йўқотиб қўйдилар ва ҳатто уларнинг борлигига ҳам шубҳа қила бошладилар, баъзан бу интилишларнинг шабадасини сезсалар-да, аммо бу сезув жуда бўш, дудмол бўлди, уни фақат баъзи бир жузъий ҳодисалардагина кўрдилар; камдан-кам авторларни мустасно қилганда, бу табиий интилишлар учун деярли ҳеч қачон ҳақиқий ва тузук бир ифода тополмадилар. Адабиётнинг бу умумий ҳолати], шубҳасиз, Островскийга ҳам қисман таъсир қилди: унинг баъзи бир кейинги пьесаларидаги жузъий дудмолликка, эҳтимол, шу ҳолат кўпроқ сабаб бўлгандир; бу дудмоллик эса, эллигинчи йилларнинг бошида унга қарши ҳужумларга сабаб бўлган эди.[12] Аммо, хозир унинг ҳамма асарларини бир қилиб туриб фикр юритганда, рус турмушининг ҳақиқий [талаб ва] интилишларини у ҳар доим сезганлигини кўрамиз; ундаги бу сезги баъзан дафъатан кўзга чалинмаса-да, аммо ҳар вақт унинг асарлари негизида бор эди. Кимки Островский асарларининг туб маъносини холисона излашни истаса, буларда масаланинг юзаки қўйилмаганлигини, балки жуда чуқур олинганлигини доим пайқай олади. Мана шу хусусияти туфайли унинг асарлари ҳозир ҳам, яъни Островскийнинг пьесаларида биз кўрсатган [интилишларни] ҳамма ифодалашга тиришаётган бир вақтда ҳам, ўша юксак

даражасида турибди. Бу тўғрида кўп тўхтамаслик учун, фақат бир нарсани айтиб ўтамиз: [ҳуқуқ ҳақидаги талабни], шахсни ҳурматлаш талабини, зулм ва ўзбошимчаликка қарши норозиликни сиз кейинги йилларда бизда чиққан кўп адабий асарлардан топа оласиз; аммо, уларда кўпинча масала ҳаётий қилиб, амалий тарзда қўйилмаган, [масаланинг мавҳум, философик томонигина сезиларли бўлади ва ҳамма хулоса шундан чиқарилади, *ҳуқуқ* тўғрисида кўрсатиладию, бироқ, уни амалга оширишнинг ҳақиқий имкониятига эътибор берилмайди]. Островскийда эса бошқача: унинг асарларидан сиз масаланинг маънавий томонинигина эмас, балки турмушга боғлиқ, иқтисодий томонини ҳам топа оласиз. Масаланинг моҳияти ҳам шунда-да. Зўравонликнинг катта ҳамёнга [«худонинг марҳамати» деб айтиладиган] таянишини ва одамларнинг [уларга] тўла-тўкис итоатгўйликлари [уларга] моддий жиҳатдан қарам бўлганликларига боғлиқ эканлигини унинг асарларидан очиқ кўрасиз. Бундан ташқари, сиз турмуш муносабатларида бу моддий томоннинг мавҳумлик устидан ҳукмронлик қилаётганлигини ва моддий таъминотдан маҳрум одамларнинг мавҳум ҳуқуқларни кам қадрлаётганликларини ва ҳатто бу тўғрида уларда аниқ тушунча ҳам қолмаётганлигини кўрасиз. Ростдан ҳам — тўқ киши бирор таомни ейиш-емаслик тўғрисида шошмай тўғри ўйлай олади; аммо оч киши ўзини овқатга уради, у, овқатнинг яхши-ёмонлигини суриштириб турмайди. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида такрорланаётган бу ҳолатни Островский яхши сезган ва англаган, шу туфайли унинг пьесалари зўравонлар жорий қилган ҳуқуқсизлик ва дағал, бачкана эгоизм системасининг зўравонлардан зарар тортаётганларнинг ўзларига ҳам сингиб бораётганини; булар эса, мустақил яшаш имкониятига эришмоқ учун ўзларининг қолган-қутган куч-қувватларини ҳам ишга солаётганликларини, бунинг учун ҳамма восита ва ҳуқуқлардан бефарқ фойдаланаётганликларини зийрак китобхонга ҳар қандай мулоҳазалардан кўра равшанроқ кўрсатиб беради. Биз бу тема устида олдинги мақолаларимизда жуда мукаммал ёзганимиз учун такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди; аммо Островскийнинг таланти унинг аввалги пьесаларидаги каби «Момақалдироқ» да ҳам кўрилганлигини назарда тутиб, ҳар ҳолда пьесанинг ўзини қисқачагина обзор қилишимиз ва уни қандай англаганлигимизни кўрсатишимиз лозим.

Бу ҳақда муфассал тўхталиб ўтишнинг кераги ҳам йўқ эди; аммо, «Момақалдироқ» тўғрисида шу дамгача ёзилган танқидларга қараганда, бизнинг мулоҳазаларимиз *ортиқча* бўлмаслиги кўриниб турибди.

Островскийнинг илгариги пьесалариданоқ, булар махсус интрига ва характерларни ифодаловчи комедиялар эмаслигини, балки янги бир нарса эканини кўрамиз, бизга қолса, бу-

ларни «турмуш пьесалари» деб атар эдик, лекин бу гап жуда кенг маънода англанмаслиги ва шу туфайли муайян тус олмаслиги шарт. Биз демоқчимизки, у, пьесадаги шахсларнинг ҳеч бирига боғлиқ бўлмаган турмушнинг умумий вазиятини ҳар вақт биринчи ўринда кўрсатади. Унинг асарида ёвуз ҳам, воқианинг қурбони ҳам жазоланмайди; сиз уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам ачинасиз, кўпинча улардан куласиз, аммо пьеса воситаси билан сизда уйғонган туйғу бевосита уларга тааллуқли бўлмайди. Сиз уларнинг муҳитга бўйсуниб яшашларини кўрасиз ва уларни бу аҳволдан қутулиш учун етарли ғайрат қилмасликдагина айблайсиз. Сизда зўравонларга қарши табиий равишда ғазаб ҳислари уйғониши лозим, аммо диққат билан қаралса, ғазабланишдан кўра кўпроқ ачинасиз: улар ўзларича, яъни ўзларининг мутаасибликлари ҳамда ўз муҳитлари йўл қўйган даражада ҳимматли ва ҳатто ақлли ҳамдирлар; [аммо, бу шундай муҳитки, унда инсон тўла, соғлом тараққий этолмайди]. Биз буни айниқса Русаковнинг характерини анализ қилганда кўрган эдик.

Шундай қилиб, назарияга кўра драмада акс эттирилиши лозим бўлган кураш Островский пьесалари қатнашчиларининг монологларида эмас, балки улар устидан ҳукмронлик қилувчи фактларда ифодаланади. Комедияга қатнашувчи шахсларнинг ўзлари ҳам ўз аҳволлари ва курашларининг маъносини кўпинча аниқ тушунмайдилар ёки умуман тушунмайдилар, аммо кураш томошабинининг кўнглида жуда равшан ва онгли суратда ўтади, шундай фактларни келтириб чиқарувчи [аҳволга] қарши томошабин [беихтиёр] ғазабланади. Мана шунинг учун ҳам биз, Островскийнинг пьесаларида интригага бевосита қатнашмайдиган шахсларни кераксиз ва ортиқча деб айтишга сира ботинолмаймиз. Бизнинг нуқтаи назаримизча, бош роллардаги шахслар пьеса учун қанчалик керак бўлса, булар ҳам шунчалик керак, чунки булар бизга воқиа юз бераётган вазиятни кўрсатиб турадилар пьесадаги асосий шахслар фаолиятининг моҳиятини белгилаб берадиган муҳитни жонлантириб кўрсатадилар. Усимлик ҳаётининг хусусиятларини яхши билмоқ учун, уни ўсиб турган ерининг ўзида ўрганиш керак; агар уни ердан юлиб олсангиз, у вақтда сиз ўсимликнинг формасинигина кўрасиз, аммо унинг ҳаётини тўла билолмайсиз. Худди шунингдек, агар сиз жамиятнинг турмушини билмоқ учун, бирор сабаб билан бир-бирига дуч келишган фақат бир неча шахснинг бевосита муносабатларини олиб қарайдиган бўлсангиз, уни билолмайсиз: чунки бунда турмушнинг иш жараёни, унинг расмий томонигина акс этади, ваҳоланки, бизга унинг ҳақиқий кундалик ҳолати керак. Турмуш драмасининг фақат ўз иши билангина банд бўлиб кўринган чет, фаолиятсиз қатнашчилари кўпинча ўзларининг иштироки билан воқианинг боришига шундай таъсир қиладиларки, бу таъсирни сира рад этиб бўлмайди. Енимиз-

дан нафрат ва илтифотсизлик билан ўтиб борувчи бефарқ, ўз иши билан банд бўлган оддий кишиларга бир карра назар ташлашнинг ўзидаёқ қанчадан-қанча қизғин идеялар, қанчадан-қанча катта планлар, қанчадан-қанча юксак орзу-ҳаваслар емирилади! Бу кишиларга кулги бўлмайлик ва уларнинг нафратига учрамайлик деган қўрқув билан қанчадан-қанча соф ва яхши туйғулар сўниб қолади! Иккинчи томондан эса, ҳамиша бефарқ ва ювош бўлиб кўринган, лекин аслда ўзига маъқул бўлган йўлда жуда маҳкам туриб оладиган бу оммани аҳди-қарори олдида қанчадан-қанча жиноятлар, қанчадан-қанча ўзбошимчалик ва зулм шиддатлари тиниб қолади. Шунинг учун ҳам бу оммани яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тушунчалари қандай эканлигини, унинг нимани ҳақиқат ва нимани сохтакорлик деб ҳисоблашини билишимиз фавқулодда муҳимдир. Пьесадаги бош шахсларнинг аҳволига қандай қарашимиз ва, бинобарин, бизнинг уларга қандай муносабатда бўлишимиз шу билан белгиланади.

«Кераксиз» деб аталган шахсларнинг зарурлиги «Момақалдироқ»да айниқса равшан кўриниб туради: уларсиз биз пьесадаги қаҳрамон аёлнинг қандай одам эканлигини тушунолмаймиз ва кўп танқидчиларга ўхшаб бутун пьесанинг маъносини бузиб юборишимиз ҳеч гап эмас. Агар авторнинг ниятини тушуниш шундай оғир экан, бунга авторнинг ўзи айбли деб айтишлари ҳам мумкин; аммо, биз шуни айтамизки, автор халқ учун ёзади, халқ унинг пьесаларининг моҳиятини бирданига тўла тушуна олмаган тақдирда ҳам, уларнинг маъносига путур етказмайди. Баъзи бир тафсилотларни яхшироқ қилиб бериш мумкин эди, деган масалага келганда,— биз бунга қўшилмаймиз. Шубҳасизки, «Гамлет»даги гўрковлар, масалан, «Момақалдироқ»даги тентак барина хотинга қараганда кўпроқ ўз ўрнида берилган бўлиб, воқиага яқинроқ турадилар; аммо, биз Шекспир тўғрисида гапираётганимиз йўқ, балки фақат унинг пьесасидаги чет шахсларнинг саҳнада пайдо бўлишларига зарурият борлигини ва бу ҳол кўздан кечирилаётган пьесанинг мутлоқ мукаммаллиги учун эмас, балки унинг тўла чиқишлиги учун ҳам керак бўлганлигини айтаётирмиз.

Сиз биласизки, «Момақалдироқ» «зулмат дунёси» идиллиясини ифодалайди, Островский эса шу «зулмат дунёси»ни ўз таланти билан бизга оз-моз ёритиб кўрсатмоқда. Пьесада сизга кўринган кишилар ҳосиятли азиз жойларда яшайдилар: шаҳар — Волга бўйида, у бўстон шаҳар; тик қирғоқлардан узоқ қишлоқлар ва кенг экинзор далалар кўриниб туради; ёқимли ёз кунида кишининг дарё бўйларига, очиқ ҳавога чиққиси, Волгадан эсувчи роҳатбахш шабадада яйрагиси келади... Аҳоли Волганинг гўзал манзараларини кўра бериб тўйган бўлса-да, баъзан дарё ёқасидаги бульварда худди пьесадагидек сайр қилади; кечқурунлари эшик олдидаги супача-

ларда ўтиришиб ширин гаплардан гаплашадилар; аммо уларнинг умри кўпинча ўз уйларида ўтади, рўзғор билан овора бўладилар, таом ейдилар, ухлайдилар, улар жуда эрта ётиб, узоқ ухлашга одатланиб қолганлар, бунга ўрганмаган киши тонг отдира олмай гаранг бўлади. Қоринлари тўқ бўлгач, ухламасдан нима қилсинлар? Улар осойишта тинч турмуш кечирадилар, уларда дунёнинг ғами йўқ, чунки дунёда бўлаётган ишлардан бехабар яшайдилар; айрим подшоҳликлар йўқолиб кетса ҳам, янги мамлакатлар топилса ҳам, ер сатҳи ўзидан-ўзи ўзгариб кетса ҳам, жаҳонда янги асосда янгича ҳаёт бошланиб кетса ҳам, барибир, Калинов шаҳрининг аҳолиси дунёдаги ишлардан мутлақо бехабар, эскича яшай беради. Наполеон йигирма хил миллатдан аскар тўплаб, яна отланмоқда эмиш, [ёки антихрист пайдо бўпти], деган овозалар онда-сонда уларнинг қулоғига чалиниб қолади; аммо улар, ит калла одамлар яшайдиган мамлакатлар борлиги тўғрисидаги миш-мишларга ўхшаш, буни ҳам жуда борса, ажаб бир ҳол, дебгина қўя қоладилар: таажжубланиб, бошларини чайқайдилар, табиат муъжизаларига ҳайрон қолган бўладилар ва шундан кейин овқат егани яна уйларига кириб кета берадилар... Ёшликда ҳар нарсани билишга бир оз қизиқиб ҳам қўядилар, лекин манба йўқ: улар худди Даниил Паломник замонидаги қадимий Русияда бўлганидек, маълумотларни фақат дарвиш хотинлардан эшитиб қоладилар, ҳозирги вақтда буларнинг ҳам тузукроғи кам; «Момақалдироқ»даги Феклуша каби «қурби келмаганликдан узоқ ерларга боролмаган, лекин эшитишга кўп нарса эшитган»ларнинг гаплари билан қаноатланишга тўғри келади. Калинов аҳолиси дунёда нималар бўлаётганлигини фақат шулардангина эшитиб билади; акс ҳолда улар бутун олам худди ўзларининг Калиновига ўхшайди деб [ва бошқача турмуш кечириш ҳеч бир мумкин эмас деб] ўйлаган бўлар эдилар. Аммо, Феклушалар айтадиган гаплар ҳам эшитувчиларда [бошқача турмуш қуришга] тузук бир истак уйғота олмайди. Феклуша [ватанпарвар ва ўтакетган консерватив тоифадандир; унинг учун] Калиновнинг [оққўнгил ва содда] аҳолиси орасида бўлиш роҳат, чунки уни ҳурматлайдилар, меҳмон қиладилар ва ушга бутун керакли нарсаларни берадилар; у, сира пинагини бузмай, [менинг гуноҳим худонинг бошқа бандаларидан юқори турганлигимда деб ишонтира олади:] «Оддий фуқаронинг ҳар бирини биттадан шайтон йўлдан оздиради, бизга ўхшаган тақводор авлиё одамларга эса олтитадан то ўн иккитагача шайтон тикилган, ана шуларнинг ҳаммасини даф қилиш керак» дейди. Ҳамма унинг гапига ишонади ҳам. [Равшанки, ўзини муҳофаза қилиш инстинкти туфайли у, бошқа мамлакатларда бўлаётган яхши ишлар тўғрисида гапирмасликка мажбур бўлади. Ҳақиқатда ҳам сиз узоқ уездлардаги савдогарлар, мешчанлар, майда чиновникларнинг

сўзларига қулоқ солсангиз, ғайри дин, палид подшоҳликлар тўғрисида қанчадан-қанча ҳайрон қоларли гапларни, одамлар ўтга ташлаб куйдирилган ва азоблаб ўлдирилган, ўғрилар шаҳарларни талаган ва шунга ўхшаш воқиалар бўлган замонлар тўғрисида қанчадан-қанча гапларни эшитасиз,— аммо европача турмуш тўғрисида, яхши турмуш тўғрисида тузукроқ гап эшитмайсиз! Ҳатто маърифатли деб аталган одамлар, европалашган кишилар ўртасида, Парижнинг янги кўчаларидан ва мабилдан завқланувчи кўп ташаббускорлар билан бир қаторда, шундай жаноблар ҳам кўпки, улар Европада Австриядан бошқа ҳеч ерда тартиб-қоида ва идорадан асар йўқ, деган сўзлар билан одамларни чўчитадилар][13]. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб борадики, Феклуша бемалол туриб: «ана давлату, мана ҳашамат! Нимасини ҳам айтасан, жонгинам,— жаннатдай жойда яшайсиз», деб гапира беради... Шундай гаплардан кейин [бошқа элларда нималар бўлаётганини билиб бўладими]. Мана Феклушадан эшитинг:

Шундай мамлакатлар бормишки, чирогим, подшоҳлари православ мазҳабидан эмас экан, балки султонлар ҳукм сурар экан. Бир тахтда туркдан чиққан султон Маҳмут* ўтирса, бошқа бир ерда — эронлик султон Маҳмут ўтирармиш; мана шулар жоним қизим, барча одамлар устидан ҳукм чиқарармиш, яна қанақа ҳукм деган, бутунлай нотўғри ҳукм-а. Уларда, жоним қизим, ҳеч ҳаққоният йўқ эмиш,— уларнинг ишлари ўзи шунақа экан. Биздаги қонунлар ҳаққоний, уларники эса, жоним, ноҳақ; уларники бизнинг қонунимизнинг тамом аксини тутади. У мамлакатлардаги ҳамма ҳокимлар адолатсиз эмиш; уларга ариза берганларида ҳам, жоним қизим: «эй адолатсиз ҳоким, менинг ишимни бир ёқли қил!» деб ёзар эканлар. Яна, шунақа ерлар ҳам бормишки, ҳамма одамларнинг калласи итнинг калласига ўхшармиш.

«Нега шунақа итнинг калласига ўхшармиш?» деб сўрайди Глаша. «Ғайри дин бўлганлари учун» деб калтагина жавоб беради Феклуша ва бошқа тушунтириб ўтиришни ортиқча ҳисоблайди. Глаша эса, шунга ҳам хурсанд: диққинафас бўлиб кетган Глаша бирон янгилик ва қизиқ гап эшитгудек бўлса, ҳузур қилади. Унинг кўнглида: «биздан бошқача яшайдиган одамлар ҳам бор экан-ку; биздагича яшаган яхши-я, уларники ҳам яхшидир, ким билади дейсиз! Ахир биз ҳам яхши турмаймиз-ку; у жойларни биз ҳали яхши билмаймиз; хайриятки, яхши одамлар бор, шулардан бирор янгилик эшитиб қоласан киши»... деган фикрлар ғира-шира уйғонади. Кўпроқ ва мукаммалроқ билиш истаги кўнгилга тугилади. Бу нарса дарвиш хотин кетган маҳалда Глашанинг айтган қуйидаги сўзларидан равшан кўриниб туради: «Мана, қаранг, қандай ерлар бор экан-а! Оламда не-не ғаройиботлар йўқ. Биз бўлсак, бу ерда ҳеч нарсадан хабарсиз ўтира берамиз. Хайриятки, яхши одамлар бор; ёруғ дунёда нималар бўлаётганини бирда бўлмаса, бирда ўшалардан эшитиб қоласан ки-

* Султон Муҳаммад дегани.— (Ред.)

ши; бўлмаса, ҳеч нарсадан хабарсиз ғафлатда дунёдан ўтиб кетар эдик». Кўрасизки, бошқа юртлардаги адолатсизлик ва ғайри динлик Глашада ҳаяжон ва нафрат уйғотмайди; уни фақат янги хабарлар қизиқтиради, булар унга сирли бўлиб, яъни унинг ўз тили билан айтсак «ғароибот» бўлиб туюлади. Кўрасизки, Феклушанинг гаплари уни қаноатлантирмайди, унинг гапларини эшитгач, Глаша ўзининг нодонлиги учун афсусланади. Ундаги скептицизм, афтидан, аро йўлда қолган. Феклушанинг гапига ўхшаган гаплар унинг гумонларига доимо зарба бера бергач, у ўз гумонларини қайда сақласин? Унинг ҳар нарсани билиш ҳаваслари Калинов шаҳрида ўз атрофидаги ғовга дуч келгач, қандай қилиб у тўғри тушунчаларга эга бўла олсин? Бу ҳолда у, ҳеч бўлмаганда, ўз олдига тўғри саволлар қўя оладими? Бунинг устига, кексалар ва яхшилар ўз маслакларини ва ўзлари яшаб турган турмушни дунёда энг яхши деб, ҳар қандай янгиликни эса нопоклик деб билиб, хотиржам бўлгач, қандай қилиб у гумонсирашга ва саволлар беришга журъат эта олсин? Ҳар бир янги етишган кишининг бу ўта кетган содда ва ўжар нодонларнинг талаб ва этиқодларига қарши бориши қўрқинчли ва оғир ишдир. Бу нодонлар қасддан эмас, балки бизни антихристларнинг шериги деб қаттиқ ишонганидан, бизга лаънат ўқийдилар, бизни офат деб билиб, яқин йўламайдилар; бизни тентак дебгина ҳисоблаб кулиб қўя қолсалар-ку кошки эди... Бу омма билимга интилади, фикр юритишни яхши кўради, аммо у, мияни чувалтирувчи асосий тушунчалардан сира четга чиқмайди. Сиз Калинов аҳолисига географиядан баъзи бир маълумотларни айтишингиз мумкин; аммо, ернинг уч балиқ устида туриши [ва ернинг киндиги Қуддусда эканлиги] ҳақидаги гапларга тил тегиза кўрманг, бу тўғрида улар сизга гап бермайдилар, ҳолбуки улар «Момақалдироқ» даги сингари Литва ҳақида қанча кам билсалар [ернинг киндиги] ҳақида ҳам шунча кам биладилар. Оддий гражданлардан бири суратга қараб туриб, бошқа бировдан: «Бу нима экан-а, оғайни?» деб сўрайди. «Бу Литванинг тор-мор қилиниши,— деб жавоб беради у.— Уруш! Кўрмаяпсанми! Бизникилар Литва билан шунақа уруш қилишган!» «Литванг нимаси?» — «Литва — Литва-да» — деб жавоб беради тушунтирувчи. Биринчи киши яна сўз бошлаб: «Бу Литва, оғайни бизга осмондан тушган бало дейишади, ростми», дейди; аммо унинг суҳбатдоши бу гапга аҳамият ҳам бермасдан: «Осмондан тушган бўлса, тушгандир» деб қўя қолади.... Шу пайтда бир хотин сўзга аралашади: «Гап сотишингни қара! Осмондан тушганини ҳамма билади; уларга қарши қаерда жанг бўлган бўлса, ўша ерга ёдгорлик учун қўргонтепалар қилинган». Савол берган киши тўла қаноатланган бўлиб: «Шунақа, оғайни! Бу жуда тўғри гап» деб хитоб қилади. Шундан кейин сиз ундан, Литва тўғрисида нима тушунганини сўраса-

нгиз, ҳеч нарса айтолмайди! Табиий қизиқсиниш орқасида бериладиган ҳамма саволларга ана шундай жавоблар олинади. Бу ҳол мазкур кишиларнинг академияларда ва илмий жамиятларда учрайдиган бошқа кўпгина кишиларга қараганда тентак ва онгсиз бўлганликларидан эмас. Йўқ, ҳамма гап шундаки, улар [ўз аҳволи ва истибдод зулми остида ҳаёт кечиришлари туфайли, ҳамма нарсага бефарқ қарашга ўрганиб қолганлар ва шунинг учун ҳам] ҳар ишнинг асл маъносига етишни ўнғайсиз [ва ҳатто адабсизлик] деб биладилар. Савол беришга-ку журъат қилишади-я, аммо жавоб: «замбарак-замбарагу, мортира* — мортира?» қабилидан бўлса, улар бўлак суриштирмайдилар ва шу жавоб билан қаноатланиб қўя қоладилар. Логикага бундай бефарқ қарашнинг даставвал сири — турмуш муносабатларида [ҳеч қандай] логиканинг йўқлигидадир. Масалан, Дикойнинг «Момақалдироқ» даги мана бу сўзлари бу сирнинг нимада эканини кўрсатиб беради. Кулигин унинг дағаллигига жавобан: «Тақсир, Савёл Прокофьевич, ҳалол бир кишини хафа қилишингиз яхшими?» дейди. Дикой бунга шундай жавоб беради:

Нима, мен сендан сўраб ўтирармидим! Сендан каттароғидан ҳам сўраб турмайман. Сенинг тўғрингда нима десам, ўзим биламан! Сен бошқаларга тўғри одам бўлсанг, менинг назаримда муттаҳамсан,— вассалом. Сен мендан шуни эшитмоқчимидинг? Эшитиб ол, бўлмаса! Сен ўтирсан, гап тамом! Ё мен билан қозилашармидинг? Шуни бир билиб қўйгинки, сенинг чунолчашчалик жонинг бор. Хоҳлайман — раҳм қиламан, хоҳлайман — эзиб ташлайман.

[Бундай ҳаётда ҳар қандай назарий мулоҳаза бир пул! Ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай логиканинг бўлмаслиги айни шу турмушнинг қонун ва логикасидир. Бу анархиягина эмас, балки ундан ҳам бадтарроғидир (гарчи ўқимишли европалик анархияни энг ёмон нарса деб билса ҳам). Анархия ҳукм сурганида ҳеч қандай тартиб-қоида бўлмайди: ҳар бир шоввоз ўз майлича парвоз қилади, биров бировга бир нарса дея олмайди, биров бир нарса буюрса, сен кимсан ўзинг, аравангни торт, деб жавоб қайтара олади ва шундай бебошлик қилиш орқасида гаплари сира бир ердан чиқмайди. Бундай анархияга йўлиққан (агар бу нарса мавжуд бўла қолса) жамиятнинг аҳволи ҳақиқатан жуда оғир. Аммо, анархияга йўлиққан бу жамиятнинг ўзи икки қисмга бўлинган деб фараз қилинг, яъни: унинг бир қисми бебошлик қилиб, ҳеч қандай қонунни танимайди, иккинчи қисми эса, биринчи қисмининг ҳамма даъволарини қонун деб билади ҳамда унинг барча хоҳишларига кўнишга, барча ярамас ишларини кўтаришга мажбур этилган деб фараз қилинг... Шундан ҳам хунук иш борми? Бу ҳолда жамиятда онгли муносабатлар бўлмас, бебошликлар аввалгича давом эта берар ва бунинг оқибатида

* Мортира — қиска стволли тўп.—*(Ред.)*

анархия эскича қола берган бўлар эди; одамларнинг ярми эса улардан жабр-ситам кўришга ҳамда ўзларининг итоаткорликлари ва хушомадгўйликлари билан уларни ҳамиша кучайтиришга мажбур бўлган бўлар эди. Равшанки, бундай шароитда бебошлик ва қонунсизлик ялпи анархия шароитида ҳеч қачон бўлмайдиган даражадан ҳам ошиб кетган бўлур эди. Ростдан ҳам, ўз ҳолига қўйиб берилган бир киши жамиятда бир оз чатоқ иш қилиб қўяди-да, сўнгра умум фойдаси учун бошқаларга қўшилиш ва улар билан келишиш зарурлигини жуда тез пайқаб олади. Аммо, киши ўз хоҳишларининг юзага чиқишига ўзи сингари бошқа кўп кишилардан фойдаланиш учун катта имконият борлигини кўрса ва уларнинг қарамлиги, тубан аҳволи ўз зўравонлигининг кучайишига доимий таянч бўлаётганини кўрса, у бунлай зарурияти ҳеч қачон сезмайди. Демак, ҳамма учун мажбурий қонун ва ҳуқуқлар анархияда бўлмагани каби, зўравонлар ҳукм сурган жамиятда ҳам йўқдир, лекин зўравонлик аслида анархияга қараганда ҳам беҳад даражада ёмондир, чунки у бебошликка катта мадад ва имкон беради ҳамда янада кўпроқ кишиларни кулфат тортишга мажбур қилади,— шу билан бирга, зўравонлик анархияга қараганда яна шу жиҳатдан ҳам хавфлики, у узоқроқ давом эта олади. Анархия (такрор айтамиз, агар у умуман мавжуд бўла олса) фақат кўчув даври бўлиб хизмат қилади, бу даврда қадамба-қадам онг ўсиб, маълум даражада соғлом ҳолат вужудга келиши лозим; зўравонлик эса, аксинча, ўз ҳолатини қонунлаштиришга ва қатъий система қилиб ўрнатишга интилади. Мана шу сабабдан у ўзини худди эркин фаҳмлаш билан бир қаторда, бу эркни абадий равишда фақат ўз қўлида сақлаб қолиш учун, ҳар қандай шиддатли хуружлардан муҳофаза қилиб қолиш учун мумкин бўлган барча чораларни кўришга тиришади. Бу мақсадга эришмоқ учун зўравонлар баъзи бир маънавий ва мантиқий асосларни гўё эътироф қилгандай бўладилар ва гарчи ўзлари бу асосларга қарши ҳаракатларда бўлса-да, лекин бошқалар олдида бу асосларга қаттиқ тарафдорлик кўрсатадилар]. Дикой ўз сўзини ўтказиш учун инсон тўғрисидаги мулоҳазанинг барча маънавий ва мантиқий асосларини қатъиян рад қилади ва шундан кейин бир неча минут ўтгач, Кулигин момақалдироқнинг сабабини тушунтириш учун электр сўзини тилга олганида, Дикой уни яна ҳақорат қилади. «Эндиям муттаҳаммасман дегин-чи,— деб ўшқиради у: — момақалдироқни худо гуноҳларимиз кўпайгани учун юборсин-да, сен бўлсанг, темир хода ва қозиқлар билан момақалдироқни қайтармоқчи бўлгин, худо ўзи кечирсин. Нима, сен ўзинг татармисан? Гапир, татармисан?» Мана шундай гапдан кейин Кулигин унга унинг ўзига ўхшаб: «нима десам дея бераман, ҳеч ким менга ҳеч нарса дея олмайди» дейишга ботина олмайди. Ҳатто у ўз фикрини ҳам айта ол-

майди: гапирса, ҳақорат эшитади, бунинг устига гапиргани ҳам қўймайдилар. [Ҳар бир ҳақ гапга қарши мушт ўхталиб турганларидан кейин ва ўша муштумзўрлар ҳақ бўлиб чиқавергач, беихтиёр гапдан ҳам тўхтаб қолади, киши...]

Аммо, ажаб бир ҳолни кўрамиз! Рус ҳаётидаги зўравонлар мутлоқ ва масъулиятсиз равишда даҳшат билан ҳукмронлик суриб, истаганларини қилсалар-да, қонунларни ва логикани сира назар-писанд қилмасалар-да, бироқ, қандайдир бир норозилик ва ваҳима сеза бошлайдилар, аммо нимадан ва нима учун эканлигини ўзлари ҳам билмайдилар. Лекин, ишлар жойида, аҳвол сира ўзгармагандай: Дикой хоҳлаганини сўка беради; агар унга: «уйингдаги шунча одамдан биттаси ҳам кўнглингни ололмайди-я!» десалар — у мағрурланиб: «ҳа, ана шунақа!» деб жавоб беради. Кабановани нинг болалари ҳамон унинг олдида титраб туради, у, келинни эски расм-русумларга риоя қилишга мажбур этади, уни зулукдай сўради, ўзини бутунлай гуноҳсиз ҳисоблайди [ва Феклуша сингариларнинг гаплари билан овунади]. Шунга қарамай, нимагадир, уларнинг кўнгиллари нотинч ва ғаш. Уларнинг ихтиёридан ташқари, улардан ижозат сўраб турмасданоқ, бошқача асослардаги янги ҳаёт бунёдга келди, гарчи бу ҳаёт ҳали узоқ, ҳали кўзга унча равшан чалинмаса-да, аммо, ўзини сездириб турмоқда [ва мустабид зўравонларнинг истиқболи хавф остида турганлигидан дарак бермоқда. Улар жонжаҳди билан душманларини ахтарадилар. Кулигин сингари сира гуноҳсиз кишиларга ҳужум қилишга тайёрлар; улар душманни, гуноҳкорни топиб, маҳв этиб юбормоқчи бўладилар, аммо тополмайдилар: замон қонуни, табиат ва тарих қонуни устун келмоқда ва эски Кабановалар ўзларидан устун турган куч борлигини ва уни енга олмасликларини сезиб, оғир нафас олмоқдалар ва унга қарши нима қилишларини билмай гаранглар. Улар ён беришни хоҳламайдилар (ҳозирча ҳеч ким уларнинг ён беришларини талаб қилаётгани ҳам йўқ), лекин ўзларидан ўзлари ҳадиксираб қисилмоқдалар; аввалларидек улар ўзларининг турмуш системасини абадий бузилмас қилиб ўрнатмоқни истадилар ва ҳозир ҳам шуни тарғиб қилишга тиришмоқдалар; аммо, умидлари узилиб, эндиликда ҳақиқатда фақат ўзлари учунгина куюна бошламоқдалар...] Кабанов «охир замон яқинлашиб келяпти» дейди, Феклуша замона бузилди, деб темир йўллар ва ҳоказолар тўғрисида гапирганида, Кабанова ўзича [пайғамбарлик] қилиб: «бундан ҳам бадтар бўлади, айланай, бадтар бўлади» дейди.— «Ўша кунларни кўрсатмагин илоҳим»,— деб хўрсиниб жавоб беради Феклуша.— «Кўрсак ҳам ажаб эмас» дейди яна Кабанова тақдирга ишониб; бу билан у ўзининг шубҳа ва гумонини сездириб қўяди. У нимага ташвишланади? Одамлар темир йўлларда юрса, унга зарари тегадими? «Унинг бошидан олтин тўқсалар ҳам» у шайтон васвасаси

билан ясалган оташ аравада юрмас эмиш; одамлар эса, унинг қарғишига қарамай, темир йўлларда тобора кўпроқ юрмоқдалар: бу ҳол уни қойитмайдими, бу унинг ожизлигини кўрсатмайдими? Одамлар электрни топибдилар, бунга [Дикой билан Кабановалар] нега хафа бўлишади? Дикой: «момақалдироқни худо гуноҳларимиз кўпайгани учун юборади» дейди, лекин Кулигин буни пайқамайди, ёки бошқача тушуниб, электр тўғрисида гап бошлайди. Ахир, бу нарса бебошлик, Дикойнинг [куч ва] эътиборини писанд қилмаслик эмасми? У ишонган нарсага бошқалар ишонмаганларидан кейин, демак, унинг ўзига ҳам ишонмайдилар-да, ўзларини ундан ақллироқ ҳисоблаган бўлиб чиқади-да; ўзингиз ўйлаб қаранг, бундан келиб чиқадиган оқибат нима бўлади? Кабановани нинг Кулигин тўғрисида гапириб: «хўп ғалати замонлар бўляпти-да, насиҳатини қаранг-а! Кексалар шундай деб турганидан кейин, ёшлардан нима кутардик!» деб айтган сўзлари бежиз эмас. Кабанова умр бўйи давом этиб келган эски одатларнинг келажакда нима бўлиши тўғрисида қаттиқ қайғуради. У, эски одатлар тугаб кетишини ҳозирданоқ сезиб, уларнинг кучини сақлаб қолишга уринади, лекин уларга аввалгича ҳурмат қилмаганини, [эски одатларга кўнгил қўйиб эмас, балки ноилож амал қилаётганликларини ва пайт келиши биланоқ уларни улоқтириб юборишларини билади]. Унинг ўзи ҳам аввалги [забтини] бир мунча йўқотгандай; эски одатларни сақлаб қолишга у аввалгидай берилиб ҳаракат қилмайди, кўп ҳолларда у қўл силтаб қўйган, [оқимни тўхтатиш мумкин эмаслигини кўриб маъюсликка толган] ва ўзининг серҳашам хурофот чаманзорини [бу оқим] бир четдан босиб келаётганига аламзадалик билан қарайди. Маъжусийларнинг қолган-қутганлари христианлар кучи олдида заифланиб битиб кетганидек, зўравонлар бунёдга келтирган тартиб-қоидатлар ҳам янги ҳаёт зарбидан заифланиб битиб кетмоқда. Ҳатто улар шартта, ошкора кураш бошлашга журъат этолмайдилар; улар бир илож қилиб ўз даврларини узайтиришга тиришмоқдалар ва шу билан бирга, янги ҳаракатдан нолиб, бекорга хуноб бўлиб кўз ёши қилмоқдалар. Бу хилдаги шикоятлар ҳамиша қариялардан эшитилиб келган, чунки ёш авлод эски тартибларга зид бўлган бирор янгиликни ҳар доим ҳаётга киритиб келган; аммо энди эса, зўравонлар мисоли [мотам тутгандай] нолимоқдалар. Кабанова, ўзим ўлганимга қадар эски одатларни бир илож қилиб сақлаб турарман; мен ўлгач нима бўлса бўла берсин, деб ўзига тасалли беради. У ўғлини йўлга узатар экан, бўлаётган ишлар унинг кўнглига ёқмаслигини айтади. Ўғли унинг оёғига йиқилиб таъзим ҳам қилмайди,— ўзи буни пайқамагандан кейин, уни шундай таъзим қилишга мажбур этиш керак; у ўзи йўқлигида қандай туриш кераклигини хотинига «буюрмайди» ҳам, тўғриси, буюриш қўлидан келмайди ва хайрлашган вақт-

да ҳам ер ўпиб таъзим қилишни талаб қилмайди; келин ҳам эрини узатгач, ўз муҳаббатини билдириш учун зинапояга ётиб дод-вой қилмайди. Кабанова мумкин қадар ўзича тартиб ўрнатишга тиришади, лекин бутунлай эскичасига яшаш мумкин эмаслигини сезади; масалан, зинапояга ётиб йиғлашни келинидан қаттиқ талаб қилишга журъат этолмайди, балки ўгит-насиҳат тарзидагина айтиб ўтади... Лекин, ўғлини узатганидан сўнг мана бундай қайғули ўйларга ботади:

Нима ҳам дейсан, ёшлик-да! Уларни кўриб кулгинг қистайди! Узимникилар бўлмаганида, роса кулардим-да. Ҳеч қандай тартибни билмайдилар. Хайрлашишни ҳам жойига қўя олмайдилар. *Катталар бор хонадонларда ҳар қалай аҳвол дуруст,— ҳозирча уйни* шулар тебратиб туришади. *Тенгаклар ўз майлича яшамоқчи бўладилар:* ўз майлича яшаб кўришсин-чи, томоша қилайлик: масхараси чиқиб, шармандa бўлишсин. Баъзилар-ку юзга чопмайдилар-а, аммо масхара қилиб куладиганлар ҳам кўп. Кулмайман десанг ҳам куласан; меҳмон чақирсалар, ўтқизишни билишмайди, етмаса, уруғларидан баъзиларини эсдан ҳам чиқариб қўйишади. Масхара бўлишдан бошқа гап йўқ! *Эски одатларнинг садқаси кетсанг.* Бошқанинг уйига киргинг ҳам келмайди. Кириб қолгудай бўлсанг, хунобинг ошиб, зум ўтмай қочиб чиқасан. *Кариялар ўлиб кетгандан кейин олам нима бўларкин, билолмай қолдим. У кунларни кўрмаганимга ҳам шукур.*

Қариялар ўлиб кетгунча, ёшлар ҳам қариб қолишади,— бу тўғрида кампир ташвишланмаса ҳам бўларди. Унга қолса, тартиб устидан қараб турадиган ва билмаганларга ўргатадиган кишиларнинг ҳар вақт бўлиши шарт эмас экан; фақат, унинг ўзига мақбул бўлган тартиб-қоидалар бузилмаса, у яхши деб билган тушунчалар дахлсиз бўлса бас. [Унинг эгоизми тор ва дағалдир, шу туфайли у, принципнинг галаба қилиши учун ҳеч бўлмаганда мавжуд формалардан воз кечишга рози бўлиш даражасига ҳам кўтарила олмайди; у бундай қилолмайди ҳам, чунки унда принцип деган нарсанинг ўзи йўқ, у умуман маслаксиз яшайди. Бу жиҳатдан у, ўқимишли консерваторлар деб ном олган одамлар тоифасидан ҳам анча паст туради. Улар ўз эгоизмларини бир мунча юмшатиб, умумий тартибни ҳам қабул қиладилар, улар тартибни сақлаш мақсадида ҳатто ўзларининг баъзи бир шахсий дид ва манфаатларидан воз кеча оладилар. Масалан, улар Кабанованинг ўрнида бўлсалар, ергача букилиб таъзим қилиш ҳамда эрининг ўз хотинига «буйруқлар» бериши тўғрисидаги ярамас ва ҳақоратли талабларни қўймай, балки фақат умумий идеяни — яъни хотин ўз эридан қўрқиши ва қайнанасига бўйсуниши лозим деган идеяни сақлаб қолишгагина ҳаракат қилган бўлар эдилар. Бундай қилганда, келин барибир бутунлай кампирнинг измида бўлса-да, лекин бу хил оғир ҳолатларни бошдан кечирмаган бўлар эди. Демак, натижа барибир кампирнинг кўнглидагича бўлиб чиқар эди, чунки ёш хотиннинг аҳволи қанча оғир бўлмасин, унга жеркиб қаттиқ муомала қилиш ўрнига, секин-аста эзилса, унинг

сабр-тоқати узоққа борган бўлар эди. Демак, асл мақсадга зарар етмаслиги учун баъзи бир тутуриқсиз одатлардан воз кечиш ва баъзи тўғриларда йўл қўйиб бериш — Кабанованинг ўзи учун ҳам ва у ҳимоя қилаётган эскилик учун ҳам кўп даражa фойдали бўлиши турган гап эди. Аммо, Кабановалар зоти буни тушунмайди: ҳатто ўзларига тааллуқли бўлмаган принцип улар учун бир пул ва улар бундай принципни ҳимоя қилиш даражасига ҳам етмаганлар,— улар ўз манфаатларинигина принцип деб ҳисоблайдилар ва шу сабабдан, фақат ўзларига тааллуқли бўлган нарсаларнигина ҳамма нарсадан муҳим деб биладилар. Уларни ҳурматлашнинг ўзи билангина рози қилолмайсиз, балки бу ҳурмат муайян шаклларда ифода қилиниши ҳам керак: бу эса уларнинг ҳали ҳам мана шундай паст даражада турганликларини кўрсатади! Зўравонликнинг таъсири остидаги ҳамма соҳаларда эскилик кўпроқ ташқи жиҳатдангина сақланиб қолганлиги ва кўпроқ қотиб қолган бўлиб туюлиши мана шундандир; ҳолбуки, зўравонликдан қайтиб, фақат ўз манфаатларини ва ўз мавқеларини умуман сақлаб қолишгагина ҳаракат қилаётган одамлар ўртасида эса, аҳвол бошқача; ҳақиқатда ҳам, юзаки ён бериб, ўзларини ва ўз принципини сақлаб қолган кишиларнинг таъсири узоқ давом этгани ҳолда зўравонларнинг замини тезроқ йўқ бўлиб кетишга маҳкумдир.] Кабанованинг хафалиги ва Дикойнинг қутуриши мана шундандир: Улар сўнгги вақтларгача ҳам ўзларининг баланд орд

кам сезсалар ва эркин, соғлом фикрнинг таъсири кучли зарба бериб, уларнинг ҳаётида ҳеч қандай маъно йўқлигини исбот қилган сайин, улар ўзларини ва ўз зулмларини ёқлаб, онгли талабларнинг барисини тобора кўпроқ сурбетлик ва жаҳолат билан рад қилмоқдалар]. Дикой соддалик билан Кулигинга бундай дейди: «Сени муттаҳам десам, дея бераман, таъбим ўзимда; сен тўғри одам бўлсанг, ўзингга, мен ҳеч кимдан қўрқмайман». Кулигин ёлворган тахлитда: «тўғри кишини хафа қилишингиз яхшими?..» деб савол бериб, унинг ғашига тегмаганида, бу содда гаплар [зўравонларга хос] бундай тентаклик билан айтилмаган бўлар эди. [Билсангиз, Дикой ўзига савол берилишига ҳам йўл қўйишни истамайди, у, берилган саволни шартта кесиб қўймоқчи бўлади, саволга жавоб қайтариш у ёқда турсин, ҳатто оддий инсоний логикани ҳам писанд қилмаслигини кўрсатмоқчи, бўлади. У, ҳамма одамлар амал қилиши керак бўлган соғлом қонун-қоидаларга итоат этса, мартабам жуда пасайиб кетади деб ўйлайди. Ҳақиқатда кўпинча шундай ҳам бўлиб чиқади,— чунки унинг даъволари соғлом фикрга зиддир]. Шу туфайли у доим норозилик билдиради ва асабийланади. У бировга пул беришни ёқтирмаслиги ҳақида гапирганида ўзининг қандай одам эканлигини айтиб беради. «Феълим шунақа бўлса нима қилай! Бериш кераклигини билиб турибман, аммо-лекин яхшиликча беролмайман. Дўстимсан, беришим керак, аммо пул сўраб келсанг, сўкиб юбораман. Беришга-ку — бераман, аммо жанжалсиз бермайман. Пул тўғрисида гап бўлдими, юрак-бағримга ўт кетади, тутақиб кетаман. Шундай пайтларда бировни ноҳақ сўкиб юбораман». Пул беришдек яққол моддий факт ҳатто Дикойнинг ўзини ҳам ўйлантириб қўяди: у ўзининг тентаклигини бўйнига олади ва гуноҳни «феълига» ағдаради! Баъзи вақтларда у ўзининг тентаклигини дурустгина бўйнига ҳам олмайди; аммо унинг феъли шундайки, пул бериш зарур бўлганида жаҳли чиққанидек, ҳар қандай соғлом фикр ҳам уни албатта ғазаблантиради. У, пул тўлашга оғринади, бунинг сабаби шуки, у ўзининг табиий эгоизмига кўра, фақат ўзим бўлайин, дейди; бунинг учун пул бўлиши кераклигини унинг теварак-атрофини ўраб турган шароит тақозо қилади; унинг пулга ёпишиб олишининг сабаби шудир. У шундан нарига ўтмайди, унинг эгоизми ўзигагина хос бўлиб қолади ва унинг олдида жамият ҳам, ўз яқинлари ҳам бир пул. Унга кўпроқ пул бўлса бас,— унинг қўлига пул кира берсаю, ўзи бировга бермаса. Бир кун келиб пул бериш шарт бўлиб қолганида, аччиғи келиб сўкинади: пул беришни у, бошқаларнинг қилган хизматлари учун бериладиган қонуний зарур тўлов деб эмас, балки ўт кетиш, сув тошқини, жарима сингари бир бахтсизлик, ёки жазо деб билади. Ҳар ишда унинг бўлган-турғани шу: у ўз манфаати учун катта имкониятга эга бўлишни, эркин иш олиб боришни хоҳлайди; аммо мол-мулкка эга бўлиш ва жамиятда турли ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳақидаги қонунни назар-писанд қилмайди. [У фақат ўзигина мумкин қадар кўпроқ ҳуқуқларга эга бўлса бас; бошқалар ҳуқуққа эга бўлса мартабам пасайиб кетади, деб хафа бўлади ҳамда аччиғланиб, қўлидан келганча тихирлик ва тўсқинлик қилишга тиришади. Ҳатто у, сўзсиз ёп бериши кераклигини билса-да ва кейинчалик ёп берса-да, аввал бир ёмонлик қилиб кўради. «Беришга-ку — бераман-а, аммо жанжалсиз бермайман, сўкиб юбораман!» дейди. Кўпроқ пул берган сайин ва пул бериш қистов келган сайин, Дикой зўр бериб сўкинади... Бундан чиқадиган хулоса шуки, биринчидан, унинг сўкиши ва бақириши бошқага оғир келса-да, лекин ундан унча ҳайиқмаса ҳам бўлади, ва кимки, унинг сўкишидан ва бақиришидан чўчиб, пул олиш ниятидан қайтса ва ундан пулни олиб бўлмайди деб ўйласа, жуда нотўғри қилган бўлади; иккинчидан, ўгит-насиҳатлар билан Дикойни инсофга келтираман дейиш ҳам бекор: унинг бунақа жиннилик қилиш одати суягига сингиб кетган, бундай қилиш яхши эмаслигини ўзи билса ҳам, барибир бу одатини қўймайди. Бошқа бир ташқи куч қаттиқ таъсир қилмагунча, уни ҳеч қанақа гап билан юмшатиб бўлмайди: у Кулигинни ноҳақ сўка беради; аммо бир куни Волгадан ўтиш вақтида унинг ўзини бир гусар сўккани да унга гинг дея олмади, лекин бунинг аламини ўз уйида олди: уйдагиларнинг ҳаммалари икки ҳафта давомида унга кўринмай чортоқ ва омборхоналарда қочиб юрдилар...

Бунга ўхшаш муносабатлар] Дикойлар, Кабановалар ва улар сингари барча [зўравонларнинг] аҳволи патриархал урф-одатлар ҳукм сурган ғанимат замонлардагидек осойишта ва мустаҳкам эмаслигининг ишоратидир. Кексаларнинг гапига ишонсак, у замонларда [Дикой дағдаға билан эмас, балки умумнинг розилиги билан ўзининг такаббурона орзуларига ета берган бўлар эди. У, ҳеч кимдан ҳайиқмай жиннилик қила берар ва ҳақиқатда ҳам ҳеч кимдан қаршилик кўрмаган бўлар эди: унинг атрофидагиларнинг ҳаммаси фақат унинг кўнглини олишгагина ҳаракат қилган бўлар эди; ҳеч ким ўз ҳаётида унинг хоҳишларини бажаришдан бошқа мақсадни кузатмаган бўлар эди.] Бирор текинхўр қанча ҳаддидан ошса, [у, инсон ҳуқуқини сурбетлик билан қанча оёқ ости қилса, уни ўз меҳнати билан боққанлар ва] унинг орзу-ҳаваслари учун қурбон бўлганлар унинг бу қилмишларига шунчалик ризо бўлиб келдилар. Кекса лаганбардорларнинг ўз хўжайинларини мақтаб, [вельмож] бойларнинг майда помешчикларни қай тарзда эзганликлари, [бошқаларнинг хотинларини ва гуноҳсиз қизларни ҳақорат қилганликлари, ўз ҳузурларига юборилган чиновникларнинг бошларини отхонада танасидан жудо қилганликлари] ва шунга ўхшаш ишлар тўғрисидаги ҳикоялар — [ўз генийсининг эрмаги учун юз

мингларча кишиларни тап тортмай қурбон қилган Наполеон сингариларнинг улуғворлиги тўғрисида ҳарбий тарихчиларнинг ҳикоялари]. ҳар қандай оилани уриштириб қўйишга [ва ҳар қандай қизни номусга қолдиришга[уста зўравон Дон Жуан сингари замондошлари тўғрисида сертакаллуф кексаларнинг эсдаликлари,— бу каби ҳикояларнинг ҳаммаси, бундай патриархал замон ҳали ҳам биздан жуда узоқ эмаслигини исботлайди. [Аммо, текинхўр зўравонлар учун таассуфлар бўлсинки, патриархал замон биздан тез узоқлашмоқда ва эндиликда Дикой билан Кабановаларнинг анча бурди кетиб қолди: улар ўзларини маҳкамлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисида ғам ейишга мажбур бўлмоқдалар, чунки ҳар томонда уларнинг зулм ва ўзбошимчаликларига қарши бўлган ҳамда кишилик дунёсининг энг кўпчилик қисмида уйғонаётган соғлом фикрнинг кураш очуви билан уларга хавф солиб турган талаблар майдонга келмоқда. Зўравонларнинг доимий суратда шубҳада бўлиши, безовталиги ва ўчакиши мана шундандир: улар ўзларининг ҳурматга лойиқ эмасликларини ичларида сезганлари ҳолда, бунга иқрор бўлмай, ўз талабларининг бачканалиги туфайли ҳамда ўзларини ҳурмат қилув лозимлиги тўғрисида доимий суратдаги ўринли-ўринсиз эслатишлари ва насиҳатлари билан ўз кучларига кам ишонганликларини кўрсатиб қўймоқдалар. Бу ҳолат «Момақалдироқ»да, Кабанова билан болалари ўртасида бўлган сўзларда фавқулодда ифодали бўлиб чиққан, ўғлининг ялингансимон: «онажон, сизнинг изимингиздан чиқармидим» деган сўзига қарши Кабанова: «эндиги ёшлар кексаларни унчалик ҳурмат қилишмайди!» дейди ва ўғли билан келинини сўз билан шундай савалаб кетадики, четдан қараб турган кишининг жони ҳиқилдоғига келгудай бўлади.]

Кабанов. Ҳали ҳам, онажон, изимингиздан бир қадам ҳам чиқмайман-ку.

Кабанова. Бу замонда болаларнинг ота-онага ҳурмати қандай эканини ўз кўзим билан кўрмаганимда, ўз қулоқларим билан эшитмаганимда эди, сўзларингга ишонардим, болам. Ҳеч бўлмаса, шўрлик оналари бола туфайли не-не дардларни бошидан кечиришлигини эсласаларинг эди.

Кабанов. Мен, онажон...

Кабанова. Ўз онанг бирор қаттиқ гап айтганда ҳам, менингча, буни кўтаришинг керак! Шундай эмасми?

Кабанов. Айтинг-чи, онажон, қачон сўзингизни қайтардим?

Кабанова. Онанг кекса, ақли кам; сиз ёшларнинг ақлингиз расо, бизлардан ўпкаланмасаларингиз ҳам бўлади.

Кабанов *(хўрсиниб ва четга қараб)*. Эй, худоё тавба! *(Онасига.)* Наҳотки, биз буни ўйласак, онажон!

Кабанова. Ахир, ота-она сизларни яхши кўрганидан қаттиқ гапиради, яхши кўрганидан уришади, яхши бўлсин дейди. Аммо, бу, ҳозирги замонда болаларга ёқмайди. Улар бошқаларга бориб онам кўп вайсайди, жаврагани-жавраган, жонимдан тўйдирди деб гапириб юрадилар. Келинга ёқмайдиган бирор гапни гапириб қўйишдан худо ўзи сақласин, нима дейсан, қайнана келинини чиқиштирмас эмиш, деган дув-дув гап кўтарилади.

Кабанов. Ҳеч-да, онажон, сизнинг тўғрингизда ким гапиряпти?

Кабанова. *Ҳали эшитганим йўқ, болам, эшитганим йўқ ёлғон гапиришни ёмон кўраман. Агар шунақа гапларни эшитарканман, ундан сен билан, болагинам, бошқача гаплашган бўлар эдим.*

Мана шундан кейин ҳам кампирнинг ўғлини койиши яна икки саҳифага чўзилади. Унинг койиши учун ҳеч асос йўқ. Лекин, унинг кўнгли хавотирда: ишлар пачавалашиб, Кабанова билан оиланинг кичик аъзолари ўртасидаги ички, жонли боғланиш [аллақачон] узилганини, ва ҳозир улар Кабанова билан шунчаки бирга туришганини, ундан қутулсалар жон дейишларини кўнгли сезиб туради.

Биз «Момақалдироқ»даги ҳукмрон шахслар устида жуда узоқ тўхталдик, чунки бизнинг фикримизча, Катеринанинг бошидан ўтган тарих, шу шахслар таъсири остида ўрнашган ҳаётда унинг ана шу кишилар ўртасида муқаррар юз берган ҳолатига жуда қаттиқ боғлиқдир. «Момақалдироқ», шубҳасиз, Островскийнинг энг кескин руҳдаги асаридир; зўравонлик билан индай олмаслик ўртасидаги муносабатлар пьесада энг фожиали оқибатларга олиб борганлиги кўрсатилади. Шундай бўлишига қарамасдан, бу пьесани ўқиб чиққан ва кўрганларнинг кўпчилик қисми, бу пьеса Островскийнинг бўлак пьесаларига қараганда жуда ҳам ғамгин ва оғир таассурот қолдирмайди, деган фикрга қўшилади (бу ерда унинг соф комедия характеридаги этюдлари тўғрисида гапираётганимиз йўқ, албатта). «Момақалдироқ»да ҳатто кишини қувонтирувчи ва унга далда берувчи қандайдир янгилик ҳам бор. Бизнинг фикримизча, бу «янгилик» деганимиз пьесада зўравонликнинг омонатлигини [ва охири яқин қолганлигини] кўрсатувчи фондирки, буни биз айтиб ўтган эдик. Сўнгра, Катеринанинг шу фонда тасвирланган характеридан ҳам янги ҳаёт сезилиб туради, бу ҳаёт эса Катеринанинг ҳалокати воситаси билан намоён бўлади.

Гап шундаки, Катеринанинг «Момақалдироқ»да тасвирланган характери фақат Островскийнинг драматурглик фаолиятидагина эмас, балки бутун адабиётимизда илгарига ташланган бир қадамдир. Бу қадам [халқимиз] ҳаётининг янги босқичига мос келади, у ўзининг адабиётда акс этдирилишини аллақачондан буён талаб қилиб келар эди, бизнинг энг яхши ёзувчиларимиз унинг атрофида айланишдилар; ёзувчилар унинг зарурлигини тушуна олган бўлсалар-да, лекин унинг моҳиятини англаш ва сезишга қодир бўлмадилар; Островский буни қила билди. «Момақалдироқ» тўғрисида ёзилган танқидларнинг биронтаси ҳам бу характерга тегишли баҳо беришни истамади ёки беролмади; шу сабабдан биз, Катерина характерини қандай тушунганлигимиз [ва унинг яратилишини адабиётимиз учун нега жуда муҳим деб ҳисоблаганимиз] тўғрисида бирмунча муфассал баён қилиш ниятида мақоламизни янада давом этдирмоқчимиз.

[Рус ҳаёти, ниҳоят шу даражага бориб етдики, саховатли ва муҳтарам, лекин заиф ва фазилатсиз зотлар жамоат онгини қаноатлантиролмай қолдилар ва улар тамомила яроқсиз топилмоқдалар. Унча совлатли бўлмасалар-да, лекин чиқчароқ ва серҳаракат кишилар жуда ҳам керак бўлиб қолди. Шундай бўлиши турган гап эди:] одамлар ҳақиқатни [ва ҳуқуқни] англай бошлашлари, уларда соғлом фикр уйғониши биланоқ, сўзсиз, улар ўз талабларига хавойигина рози бўлишни эмас [(ўтмиш замонларининг саховатли қаҳрамонлари шундан нарига ўтолмаган эди)], балки уларни турмушга оширишни, ишга солишни талаб қилмоқдалар. Аммо, бу талабларни турмушга ошириш учун, [Дикойлар, Кабановалар ва шуларга ўхшашлар томонидан вужудга келтирилаётган] кўп тўсқинликларни енгиб ўтиш керак бўлади; тўсқинликларни енгиб ўтиш учун [ғайратли,] қобилиятли, саботли характерлар керак. [Зўравон Дикойларнинг] тўсқинлик қилишларига қарамай, ҳақиқат [ва ҳуқуқ] тўғрисида, [ниҳоят, инсонлар ўртасида] юзага келаётган [умумий] талаб шу характерларда ифодаланиши, улар билан бирлашиб кетиши керак. [Биздаги] ижтимоий турмушнинг янги даври талаб қилаётган характер қайси тарзда ташкил топиши ва қандай намоён бўлиши лозим, деган катта масала туради. Езувчиларимиз бу масалани ҳал қилишга уриниб кўрдилар. Лекин, ҳар вақт маълум даражада муваффақиятсизликка учрадилар. Бизнингча, уларнинг муваффақиятсизликка учрашларига сабаб шуки, улар рус ҳаёти ана шундай характерни ахтараётир, деб фақат мантиқ кучи ёрдами билангина ишонч ҳосил қилдилар ва шундан кейин ўзларининг умумий ва айниқса рус шавкати тўғрисидаги тушунчаларига мослаб характерлар яратишга киришдилар. Масалан, жамият фойдаси учун ўзининг сўм иона қилсин, деб савдогарнинг соқолидан тутамлаб, судрашга сал қолган ва кекса князни турмада азоблаган, мартабага эришув учун унинг маъшуқасига уйланган Калинович мана шу тарзда майдонга келди. Ер мулкларни жуда яхши идора қилувчи [ва ҳимматли бошлиқларнинг ёрдами билан қалбаки векселларни йўқотиб юборишга жуда чечан] Штольц ҳам шу равишда бунёдга келди. [Немисни сувга ташловчи,] ошпазининг чорбоғида бечиқим меҳмон бўлиб туришга кўнмовчи ва ҳатто яхши кўрган қизига уйланишга журъат қилувчи Инсаров майдонга келди [!!!] Печорин билан Ноздревларга нисбатан ўртачароқ фазилатларга эга бўлган аёл — князь хотини Зинаида ҳам майдонга келди... Буларнинг ҳаммаси кучли, мукаммал характер деб даъво қилинади. Аммо, ўтган йили Ананий Яковлев[14] ҳаммасидан ҳам устун деб ҳисобланди. Унинг тўғрисида москвалик Аполон Майков жанобларига «Санкт-Петербургские ведомости»да кишини ҳайратда қолдиралиган шундай бир мақола ёздики, шу вақтгача Кузьма Прутковнинг бундан бирталай янги афоризмлар тўқиб

юбормаганига ҳайронман. Сизларга маълум бўлса керакки, Ананий Яковлев, ўзи йўқ вақтда хотини помешчик билан ўйнашиб қўйиб туққан бола тўғрисида хабар топиб, ғазабидан тутоқиб кетади ва помешчиклар билан жуда мулойим сўзлашгани ҳолда, бурмистрга қўполлик қилади, хотинини тутиб олиб урали ва, ниҳоят ғазаби ҳаддан ошиб, болани бошга билан бурчакка улоқтириб ташлайди, шундан кейин ўрмонга қочиб кетади, лекин оч қолгач бўйнини эгиб келади. У, маънавий жиҳатдан ва адабий маънода кучли бўлмаса-да, кўпроқ жисмоний жиҳатдан кучли бир шахс эканлиги кўриниб туради. Аммо, рус ҳаёти бағридан юзага отилиб чиқаётган куч бу эмас [ва унинг ифодаси ҳам бундай бўлмаслиги лозим]. Мана шунинг учун ҳам биз, крепостнойлик ҳуқуқини, [чиновникларнинг фаросатсизлигини] ва рус мужигининг даҳаллигини фош қилувчи беҳисоб кўп повесть, комедия ва драмалардан қандай қилиб «Шўрлик тақдир» («Горькая судьбина») ни юқори қўйиш мумкин бўлувини ҳеч тушунолмаймиз. Агар сиз уни бизга, катта нарсани даъво қилмайдиган пьеса, Сю ёзган оғир асарларга ўхшаган бир мелодраматик воқиа деб тақдим этсангиз,— у вақтда биз ҳеч нарса демаймиз, балки фикрингизга қўшиламиз: чунки бу пьеса Н. Львов жаноблари ва граф Соллогубнинг [бурч ва виждон тушунчаларини бутунлай бузиб кўрсатувчи] мунофиқона тасвирларига қараганда ҳар ҳолда яхшироқдир. Агар сиз бу пьесанинг аҳамияти жуда юқори ва умумий аҳамиятни зўр деб даъво қилсангиз, у вақтда биз сизнинг фикрингизга сира қўшилолмаймиз. [Мустасно равишда олинган кўрқоқ шахс сифатида эмас, балки] бир тип шаклида олинган Ананий Яковлевни биз рус табиатига ва рус ҳаётига туҳмат деб биламиз. (чунки рус ҳаёти Чегловга ўхшаган помешчикларнинг характерларини ривожлантиришга унча қобил бўлмаганидек, Анапийга ўхшаган характерларни ҳам ривожлантиришга унча қобил эмасдир). Иккидан бири: авторча, Ананий ростдан ҳам кучли шахс бўлса,— у [ғазаб тиғини ўз бахтсизлигининг сабабига қаратишлиги], ёки бўлмаса, ҳеч ким гуноҳкор эмас деб ҳисоблаб, ўзини юпатиши лозим; рус ҳаётида кучли характерлар ўз душманларига тўқнаш келган вақтда доимо шундай ҳоллар юз бераётганини кўрамиз. Асарда тасвирланганича, у фақат юраксиз ва бебош бир киши бўлса, у вақтда шуни айтиш керакки, унинг пьесада тутган ўрни бу типга ҳеч тўғри келмайди ва бунинг устига, унинг энг муҳим хусусиятлари етарли даражада очиқ кўрсатиб берилмаган. Қисқаси,— бу пьесани ҳам худога топширдик, чунки характерли халқ типларини кўрсатиб бериш даъвосини қилган ва яхши ният билан ёзилган, лекин қалбаки бўлиб чиққан князь Луповицкий[15] ва бошқа асарлар унутиб юборилганидек, бу пьеса ҳам унутилиб кетди. Кўплар Анапийни соф рус типи, деб ҳисоблаганликлари учун ҳам биз бу пьесага пича

гўхталиб ўтдик. Аксинча, биз, бошқа нарсани кўрдик: унда фақат, баъзи ёзувчилар томонидан «кучли рус натураси» деб аталган нарсанинг муболағаси берилади. Бизнинг фикримизча, Пётр Великийнинг фармойиши билан ихтилофчиларга қарши ёзилган комедиялар қандай натижаларга эришган бўлса, «Шўрлик тақдир» автори ҳам беихтиёр ана шундай натижага эга бўлган. Маълумки, бу комедияларнинг ҳаммасида ихтилофчи худди бир ёввойи ва маъносиз мудҳиш тип ҳолида тасвирланди ва шу асосда комедия: «қаранг, улар мана шундай одамлар; уларнинг таълимотига ишониш ва уларнинг талабларига қўшилиш мумкинми?» дер эди. Худди шунингдек «Шўрлик тақдир» ҳам бизга Ананий Яковлевни тасвирлаб берар экан: «[Ўз қадр-қимматини бир оз тушунган ва бунинг оқибатида] ҳаддан ошадиган рус кишиси мана шунақа!»,— дейди. «Шўрлик тақдир»нинг умумий аҳамияти бор деб билувчи ва Ананий — тип деб ҳисобловчи танқидчилар автор томонидан, шубҳасиз, атайин қилинмаган туҳматнинг шериклари бўлиб қоладилар.

Рус кучли характери «Момақалдироқ»да бошқача тушунилган ва бошқача ифодаланган. У, даставвал, ҳар қандай зўравонлик асосларига қарама-қарши бўлганлиги билан бизни қойил қолдиради. Унда ғавғо кўтариш [ва вайрон қилиш] инстинктини, [юқори мақсадлар учун] ўз шахсий ишларини амалда чаққонлик билан эплаштириш қобилиятини, маъносиз, қуруқ пафосни, дипломатик, педантлик хатти-ҳаракатларини кўрмаймиз. Аксинча, у ўз фикрига берилган жасур, [табиий] ҳақиқат туйғусига тамомила содиқ, [янги идеалларга] комил ишонган ва [ўзига ярамас бўлиб кўринган шароитда яшашдан кўра ўлимни аъло кўриш маъносида] фидокордир. У турмушдан узоқ принциплар, амалий мулоҳазалар, бир лаҳзали пафос билан эмас, балки ўз табиий ҳолатида, бутун борлиғи билан намоён бўлади. Унинг кучи [ва эски, мудҳиш муносабатлар ички кучини бутунлай йўқотиб, ташқи механик боғланиш билан ўзини сақлаб келаётган бир вақтда унинг жуда зарурлиги] характернинг ана шундай яхлит ва уйғун бўлганлигидадир. Дикойлар ва Кабановалар зўравонлигининг беҳуда, бемаънилигини фақат мантиқ кучи билан тушунган киши, улар олдида ҳар қандай мантиқ бир пул бўлгани учун ҳам, уларга қарши ҳеч нарса қилмайди; [ҳеч қандай силлогизм воситаси билан сиз занжирни маҳбуснинг қўл-оёғидан ўзи узилиб тушадиган қилолмайсиз, мушт урилганда, уни қаттиқ тегмайдиган қилолмайсиз; шунинг сингари Дикойни ҳам ақлга мувофиқроқ иш қилишга ва уйдагиларни ҳам ҳоҳишларига қулоқ солмасликка кўндира олмайсиз: у, ҳаммани ура беради, бунинг давоси борми?] Демак, мантиқ жиҳатдангина кучли бўлган характерлар бутун ҳаётда мантиқ эмас, балки ўзбошимчаликнинг [ўзгинаси] ҳукмрон бўлган бир шароитда жуда заиф юксалиши ва турмушга жуда

кам таъсир қилиши турган гап. [Дикойларнинг] ҳукмронлиги ишбилармон деб аталган кишиларнинг юксалиши учун ҳам кўпда яхши эмас. Ишбилармонлик эса, аслда вазиятдан фойдаланиш ва ундан ўзи учун фойдалана билишдан бошқа нарса эмас. Демак вазият соғлом мантиққа, бинобарин, кишилик ахлоқининг табиий талабларига мос келганидагина ишбилармон киши мустақил ва ҳалол иш олиб бора олади. Аммо, [дағал] куч тўла ҳукмрон бўлган бир шароитда, бир қанча Дикойларнинг ноқобил ҳаракатлари ёки Кабанова сингарларнинг хурофий қайсарлиги энг тўғри мантиқий режаларни ҳам парчалаб ташлаётган ва ўзаро ҳуқуқларнинг энг биринчи асослари қабиҳ суратда таҳқир қилинаётган бир шароитда, афтидан, вазиятдан фойдалана билиш маҳорати зўравонлар сингари қулай ҳолатга эга бўлиш тилагида уларнинг талабларига мосланиб олиш ва уларнинг барча ярамасликларини қувватлаш маҳоратига айланиб кетади. Подхалюзинлар ва Чичиков [«Зулмат дунёси»даги] амалиётчи кучли характерлардир: амалий ишларгагина моҳир кишилар ўртасида бошқа характерлар Дикойлар ҳукмронлигининг таъсири остида ўсмай қолади. Бу амалиётчилар жуда нари борганда Штольцга ўхшашлари, яъни ҳалол ишлаб, яхши ҳолатга эришиб олишлари мумкин; аммо улардан кучли [жамоат] арбоби чиқмайди. Бир зум кучайиб, сўнгра, сусайиб қоладиган патетик [қизғин] характерларга [ҳам бундан ортиқ умид боғлаб бўлмайди]. Уларнинг жўшқинлиги тасодифийдир ва узоқ давом этмайди; [уларнинг амалий ишлари қўл баланд келишига боғлиқ]. Ишлар улар ўйлаганча борса, улардан бардам, улардан эпчил киши йўқ; уларга қарши ҳаракат кучайиши биланоқ, руҳлари тушиб кетади, ҳафсалалари пир бўлади ва ишларни йиғиштириб қўйиб шовқин-суронли, лекин фойдасиз хитоблар билан чекланадилар. [Дикой ва унинг сингарилар ўз мавқелари ва ўз кучларидан қаршиликсиз воз кечишга сира кўнмайдилар, уларнинг таъсири ҳаётда чуқур илдиз отган ва шу туфайли уни бир зарб билан йўқ қилиб бўлмайди; шу сабабдан ҳам патетик (қизғин) характерларни бирор даражада жиддий куч деб ҳисоблаш ўринсиздир. Ҳатто, шароит жуда қулай келиб, муваффақият қозонишга аниқ ишонганликлари орқасида қизғин табиат кишиларнинг руҳлари кўтарилганида ҳам, яъни зўравонлар ўз заминлари бўшашиб қолганлигини англаб, уларга йўл қўя бошлаганларида ҳам, — бу қизғин кишилар тузук бир иш қилолмаган бўлар эдилар! Уларнинг хусусияти шундайки], улар [ишнинг] ташқи томонига [ва унинг тез орадаги оқибатларига] берилиб кетиб, унинг моҳиятини деярли ҳеч қачон чуқур англай олмайдилар. [Шунинг учун ҳам улар ўз маслакларининг арзимас, жузъий муваффақият қозониш аломатларига алданиб, жуда тез қаноат ҳосил қиладилар.] Уз хатоларини англаганларида [эса], улар умидсизланиб ва кўнгил-

лари ранжиб қўлларини қўлтиққа уриб ўтирадилар. [Дикой билан Кабановалар боягидай давр-даврон сура берадилар.]

Шундай қилиб, турмушимизда пайдо бўлган ва адабиётда акс этдирилган турли типларни кўздан кечирар эканмиз, биз доимо, бу типлар [ҳозирги даврда сезилиб турган ва юқорида биз,— мумкин қадар муфассал,— гапириб ўтган ижтимоий ҳаракатнинг] намояндалари бўлолмайди, деган фикрга келган эдик. Шунга кўра биз ўзимизга мана бундай савол бердик: хўш, [янги интилишлар айрим шахсда қандай акс этарди? Ҳаётдаги эски, ярамас ва зўрлик асосига қурилган муносабатлар билан алоқани қатъий равишда узадиган характер қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?] [Уйғониб келаётган] жамиятнинг ҳақиқий турмушида шу саволларимизга жавоб бўла оладиган аломатларнигина кўрдик; бу аломатлар адабиётда суст акс этдирилди; аммо «Момақалдироқ»да шу аломатлардан кўзга равшан чалиниб турадиган яхлит нарса яратилган; бу пьесада турмушнинг ўзидан олинган, лекин санъаткорнинг онгида равшанлаштирилган ва ҳақиқий турмушда кўп учрайдиган шахсларга қараганда мукаммалроқ ва кескинроқ хусусиятларга эга қилувчи бир вазиятга қўйилган шахс кўз олдимизда гавдаланади. Демак, бу пьесада қуруқ нусха кўчирилмаган, ҳолбуки баъзи танқидчилар Островскийни худди ана шундай нусха кўчиришда айблаган эдилар; аммо, рус ҳаётининг турли ҳолатларида кўринаётган, лекин бир идеянинг ифодаси бўлиб хизмат қиладиган ўхшаш хусусиятлар пьесада санъаткорларча бир-бирига боғлаб кўрсатиб берилди.

[Дикойлар ва Кабановалар муҳитида яшайдиган) кескин, мукаммал рус характери Островский асарида аёл типида намоён бўладики, бу жиддий аҳамиятга эгадир. Маълумки, ҳаддан ташқари ҳолатлар ана шундай ҳаддан ташқари ҳодисалар орқали ифода қилинади, энг кучсиз ҳамда бениҳоя оғирликларга бардош берган кишилар қалбидан ниҳоят отилиб чиқаётган норозилик эса — энг кучли норозиликдир. Островский рус ҳаётини оила турмушидан ўрганади ва уни [ижтимоий ҳамда давлат соҳасидаги муносабатлар орқали эмас, балки] оила ичидаги муносабатлар орқали кўрсатиб беради: оилада зўравонларнинг, зулмига энг кўп бардош берувчилар аёллар эмасми? Дикойнинг қайси бир приказчиги, ходими, хизматкори унинг хотинидай эзилган, юраги олинган, инсонлик қадри-қимматидан маҳрум этилган? Зўравонларнинг бемаъни қилиқларига қарши алам ва газаб ўти аёлдан бошқа кимда кўпроқ алангаланиши мумкин? Шу билан бирга, хотин бошқалар қатори қарши сўз айта оладими, ўзи жирканадиган ишларни бажаришдан бош тортa оладими? Хизматкорлар ва приказчиклар Дикой билан фақат моддий жиҳатдан [одам қаторида] боғланишган; булар бошқа жой топишлари биланоқ хўжайиндан қутулиб кета оладилар. Хотин эса, [ҳукмрон тушунчаларга кўра,] у билан қаттиқ боғланган, шаърий боғланган, хотин эрининг никоҳидадир; эри нимаики қилса, хотин хўп деб итоат қилиб туриши ва унинг [бемаъни] ҳаётига ҳамдам бўлиши лозим. [Бордию, хотини ундан чиқиб кетган тақдирда ҳам қаёққа боради, нима иш қилади? Кудряш айтади: «мен Дикойга керак одамман, шунинг учун мен ундан қўрқмайман. Менга нисбатан ўзбошимчалик қилишига ҳам йўл қўймайман». Ўзининг бошқаларга ҳақиқатан кераклигини билган кишининг иши осон; бироқ, аёл-чи, хотин-чи? У нимага керак? Хотин ҳар тўғрида эрининг қўлига қарам эмасми? Эри унга уй-жой беради, едиради, ичиради, кийинтиради, унга ҳомийлик қилади, обрў топиб беради... Одатда, хотин эр учун оғир юк деб айтишмайдими? [Аҳли дониш кишилар уйланувчи ёшларни огоҳлантириб: «хотин кавуш эмаски, оёғингдан ечиб кета берсанг!» дейдилар-ку. Қимдан сўрасангиз ҳам хотин эрнинг бошига битган бало, ундан қутулиш амримаҳол, дейди, кавуш бўлса — керак нарса, уни кийиш ноқулай бўлиб қолса, чораси ташлаб юбориш, дейди...] Шундай аҳволдаги аёл, турган гап, мен ҳам эркаклар сингари одамман, деган ўйидан қайтишга мажбур бўлади. Унинг фақат маънавий айниши, зўравонликдан кўп азоб тортган хотин, агар уддабурро бўлса, ўзи ҳам зўравонлик йўлига ўтиб олиши мумкин. Биз буни Уланбековада бўлганидек Кабанихада ҳам айнан кўрамиз. Фақат унинг зўравонлиги торроқ доирада ва бачканароқ бўлганлиги сабабли, эҳтимол эркакларникига қараганда ҳам бадтарроқ бўлиб кўринади: зўравонлик доираси тор, лекин ҳеч ким унинг қўлига туша кўрмасин, тор бўлгани билан чидаб бўлмас даражадир. Дикой нуқул сўкинади, Кабаниха эса, қақшагани қақшаган; Дикой нуқул бир марта ураду-ю тўхтайди, Кабаниха бўлса, қўлига тушган бечорага мудом кун бермайди; Дикой ўзининг пуч хаёллари туфайли шовқин солади, агар ғашига тегмасангиз, сиз билан унча иши йўқ; Кабаниха бўлса, ўзича кўп тартиб-қоидалар ҳамда [хурофий] одатлар чиқариб олган ва буларни у бефаҳм жоҳиллик билан ёқлайди. Умуман олганда — ҳатто мустақил вазиятга эришган ва зўравонликни соп эпоге* машқ қилаётган аёлнинг ҳам кўп даража ожизлиги, асрлар бўйи эзилганлигининг таъсири ҳар доим кўриниб туради: у бадфеълроқ, ҳар нарсага кўпроқ шубҳа билан қарайди, шафқатсизроқ талаблар қўяди; уни ақлли, соғлом бир фикрга кўндириб бўлмайди, соғлом фикрдан нафратланганлиги учун эмас, балки уддасидан чиқа олмайман деб қўрққани учун ҳам ундан ўзини олиб қочади: «Мулоҳазага берилиб, бир балога дучор бўлмайин» дейди ва шунинг оқибатида у, эски одат-

* Зеб бериб,— *(Ред.)*

лардан ҳамда Феклуша сингариларнинг насиҳатомуз сўзларидан сира чиқмайди...

Шундан равшан кўриниб турибдики, агар аёл киши бундай аҳволдан қутулмоқчи бўлса, бу ишга жиддий ва қатъий киришуви керак. Кудряшга ўхшаганларнинг Дикой билан сен-менга боришлари ҳеч гап эмас: улар иккаласи ҳам бир бирига керак кишилар, бас, шунинг учун ҳам Кудряш ўз талабларини тап тортмай қўя беради. Унинг бу хуружи уни ўкинтирмайди ҳам: фақат айтишиб олади, Дикой [уни солдатликка бериб юбораман, деб шунчаки] дағдаға қилган бўлади; Кудряш ғажишиб олганига хурсанд, аммо ишлар яна эскича қола беради. Аёл киши бундай қилолмайди; у, ўз норозилигини, ўз талабларини айтиш учун кўп даража ўткир ва юракли бўлиши керак. Аммо, бу тўғрида оғиз очиши биланоқ ўзининг тамом ожизлигини, [мажақлаб ташлашлари мумкинлигини] унга билдириб қўядилар. У, ҳақиқатан ҳам шундай бўлишини ва бўйин эгиши лозимлигини билади; акс ҳолда уни урадилар, тўрт девор ичига қамаб қўядилар, [тавбасига таянгунича қуруқ нон ва сувдан бошқа нарса бермай қўядилар,] ёруғ дунёни кўришга зор қилиб қўядилар, адабини бериш учун, садқаси кетсанг бўладиган эски замонлардаги урф-одатларнинг барча хонаки чораларини ишга соладилар ва ниҳоят қилмишларига пушаймон едирадилар. Рус оиласида кексаларнинг зулм ва истибдодига қарши чиқиб то охиригача шу йўлдан қайтмайман, деган аёл қаҳрамонларча фидокорлик кўрсатиши, таваккал қилиши ва ҳар қандай кулфатларга тайёр туриши лозим. У қандай қилса бунга бардош бера олади? Бунчалик сабот ва матонат қайдан келади? [Бунинг жавоби шуки, инсоннинг табиий интилишларини бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Уларни фақат маълум даражадагина бошқа томонга буриб юбориш, бўғиб қўйиш ва заифлантириш мумкин. Сохта асослар муваффақият қозонар экан, бу — инсоннинг сабри-тоқати қайгача бориши мумкинлигини кўрсатади, холос; аммо бундай асослар қанчалик ғайри табиий бўлса, ундан қутулиш ҳам шунчалик тез ва зарур бўлади. Шу асосларни юзага келтирган кучнинг таъсирига энг кўп бўйсуниб келган энг саботли шахслар ҳам унга чидаёлмасалар, бу ҳолда мазкур асоснинг ортиқ даражада ғайри табиий эканлиги маълум бўлади. Ёш болаларнинг ҳўл новдадай яхши эгиладиган гавдаси ҳам бирор гимнастика фокуси учун ярамас экан, аъзолари анча қотиб қолган катталарнинг бу фокусни қилолмасликлари равшандир. Катталар, турган гап, бунақа фокусга кўнмайдилар ҳам; болаларни эса кўндириш осон.] Лекин, унамасанг қаттиқ калтак ейсан, деб айтиб қўйилган бўлишига қарамай, нима учун бола ҳам сира кўнмасдан туриб олади? Бунинг биттаю-битта сабаби шуки, бола мажбур қилинаётган нарсага бардош беролмайди... ўз ҳуқуқи учун кура-

шишга бел боғлаган заиф аёл ҳам худди ана шундайдир: аҳвол шу даражага бориб етадики, у хўрликларга ортиқ чидай олмасдан, шу аҳволдан қутулишга ҳаракат қилади, аммо, у яхши ва ёмонни ажратгани учун эмас, балки унда дуруст ҳолат сари инстинктив интилиш бўлганлиги туфайлигина шу оғир аҳволдан қутулишга ҳаракат қилади. Бунда *натура* ақл-идрок мулоҳазаларининг ҳам, туйғу талабларининг ҳам, тасаввурнинг ҳам ўрнини босади: ҳаво [озиқ ва эркинлик] талаб қилувчи организмнинг умумий ҳиссиётида буларнинг ҳаммаси қоришиб кетади. «Момақалдироқ»даги сингари, Катеринанинг атрофини ўраб олган муҳитда юзага келаётган характерларнинг яхлитлиги мана шундан келиб чиқади.

Шундай қилиб, жасур аёл характерининг майдонга келиши Островский драмасида кўрсатиб берилган зўравонлик вазиятига тўла монанддир. «Момақалдироқ»да тасвирланган вазиятда зўравонлик ҳаддан ошади, у ҳар қандай соғлом фикрни ҳам инкор қила бошлайди; у, инсониятнинг табиий талабларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ душмандир ва бу талабларнинг кучайишини тўхтатиш учун у илгаридан кўра ҳам қаттиқроқ тиришмоқда, чунки зўравонлик бу талабларнинг устун келишида — тантанасида ўзининг муқаррар ҳалокати яқинлашиб келганини кўради. Зўравонлар ўзларининг яна шундай қилмишлари билан ҳатто энг заиф шахслар ўртасида ҳам шикоят ва норозиликнинг янада кучайишига сабабчи бўлаётирлар. [Шу билан бирга, бизга маълумки, зўравонлик ўз кучига ишонмай қолди, уларнинг хатти-ҳаракатида ҳам қатъият йўқолди, ҳаммага даҳшат қилишдан иборат бўлган кучидан ҳам кўп даража маҳрум бўлди. Шу сабабдан, зўравонликка қарши норозилик бир бошландими, сира ўчмайди, балки унинг қаттиқ курашга айланиб кетиши ҳам мумкин. Аммо, ҳозирча бир нав турмуш кечираётганлар, зўравонликнинг ўзи ҳам узоқ яшамас, деган умидда кураш бошлашга жасорат қилмаётирлар!. Катеринанинг эри, ёш Кабанов кампир онаси Кабанихадан кўп кулфат тортаётганига қарамай, у ҳар ҳолда мустақилроқдир, чунки ичкиси келиб қолса, югуриб Савел Прокофьич олдига чиқиб ичиб келади, Москвага боради, у ерда хоҳлаганча айш-ишрат қилиб юради ва онасининг гиди-бидисидан қулоғи тинчиб қолади, бордию кампирдан жуда дили сиёҳ бўлиб кетса, аламини хотинидан олади... [ўз майлимча яшайдиган вақтлар ҳам келар, деган яширин умидда] у, шу зайлда яшаб жуда ҳам бўлмағур характер ҳосил қила боради. Унинг хотини ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган, турмушида роҳат йўқ, эркин нафас ололмайди; зўравонларга қолса, у нафас ҳам олмаса [дунёда эркинлик бор деб ўйламаса ҳам,] ўз табиатидан кечиб, [инжиқ кампир] Кабаниханинг [зулмига] кўникиб кетса. Бироқ, [ҳалокатга юз тутган зўравонликнинг зўр бериб эҳтиёт

чоралари кўраётганига қарамай,] [эрк] нафаси ва нури Катерина кулбасига ёриб киради, Катерина ўз қалбининг [табиий] чанқоқлигини қондириш мумкинлигини сезиб, ҳаракатга келади: у ўлимга ҳам рози бўлиб, янги ҳаёт сари талпинади. [Ўлим нима бўлибди унга? чунки Кабановлар оиласида эга бўлган шўрлик қисматини барибир турмуш деб ҳисобламайди.]

«Момақалдироқ»да акс эттирилган характернинг бутун ҳаракатига асос бўлган нарса ана шудир. Бу асос ҳар қандай назария ва пафослардан ҳам пухтароқдир, чунки бу асос шу ҳолатнинг моҳиятида бор, у кишини қатъий ҳаракатга келтиради, бу асос маълум бир қобилиятга ёки қисман таассуротга боғлиқ бўлмайди, балки организмнинг ҳамма мураккаб талабларига, инсон натурасининг маҳсулига таянади. Энди бу хилдаги характернинг жузъий ҳодисаларда қандай ривожланишини ва юзага чиқишини кўздан кечирайлик. Унинг ривожланишини биз Катерина шахсиятида кўришимиз мумкин.

Даставвал, бу характернинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги эътиборингизни жалб қилади. Бу характерда ҳеч қандай ташқи, ёт хусусият йўқ, ҳамма хусусиятлари унинг ичидан пайдо бўлгандай: ҳар қандай таассурот унинг ичида чақилиб сўнгра унга узвий равишда қўшилиб кетади. Жумладан, буни биз Катеринанинг ўз болалик чоғлари ва ўз уйида, онаси билан яшаган вақтлари тўғрисида очиқдиллик билан айтган гапларидан кўрамиз. Унинг гапидан маълум бўлишича, тарбия ва ёш умри эзо кетган, Кабановларникидаги аҳвол ўз онасининг уйида ҳам бўлган, у ерда ҳам черковга бориб туришган, бахмалга зар тикишган, дарвиш хотинларнинг сўзларини эшитишган, сўнгра овқат ейишган, боғда сайр қилишган, яна тақводор хотинлар билан суҳбат қуришган ва тоат-ибодат қилишган... Катеринанинг қайин синглиси Варвара унинг гапларини эшитиб бўлгандан кейин ажабланиб: «Бизда ҳам шунақа-да» дейди. Лекин, Катерина бунинг фарқини икки сўз билан жуда тез таърифлаб беради: «Бу ерда мисоли қадам ташлагани қўрқиб турасан!» Шундан кейинги сўзлардан кўриниб турадики, ҳамма ерда учрайдиган шу ҳолатдан Катерина айрим хулоса чиқарган ва Кабаниханинг чангалига тамом тушмасидан олдин бу хулосалардан ўз талаб ва ниятлари учун фойдалана билган. Катерина характери бебош, сира қониқмас, [фақат бузишга] интиладиган тўполончи характерлар жумласидан эмас. Аксинча, у кўпроқ [яратувчи], меҳрибон, мусаффо характердир. Мана шунинг учун ҳам Катерина ҳамма нарсани идрок этишга ва уни яхшиликка йўйишга ҳаракат қилади; ундаги кайфият шундайки, шоир ифодаси билан айтганда,

Бутун жаҳон олижаноб хаёл-ла
Тиниқдир, тозадир, унинг олдида.[16]

Бу кайфият Катеринада энг сўнгги нафасларгача қолади. Ҳар қандай ташқи диссонанс [зиддият]ни у, кўнгил гармониясига ҳамоҳанг қилишга тиришади, ҳар бир етишмасликни ўзининг тўлишган ички кучлари ҳисобига тўлдиради. Дарвиш хотинларнинг дағал хурофий гаплари [ва маъносиз алжишлари] унинг хаёлида ажойиб, равшан, ёқимли, шоирона тушга айланиб кетади. Унинг тасвирлари оддийдир, чунки унинг ҳаётдан олаётган таассуротларининг ўзи ҳам рангба-ранг эмас; лекин, таассуротлари ана шундай кам бўлганига қарамай, унинг хаёли толиқмай ишлайди ва уни осойишта ва саодатли янги ҳаёт сари етаклайди. [Черковга борганида тоат-ибодатлар уни қизиқтирмайди; у ерда нима айтиб, нима ўқиганлари ҳам қулоғига қирмайди; унинг кўнглида бошқача садолар жаранглайди, у бошқа нарсаларни кўради, тоат-ибодат ҳам унга гўё бир лаҳзада ўтиб кетгандай туюлади.] Катерина черков [образларидаги] ажаб ғалати қилиб солинган дарахт суратларига тикилар экан, нуқул шунақа дарахтлар ўсадиган, гуллаб хушбўй ҳид сочадиган жаннатдай боғу-бўстон юртни кўз олдига келтиради. Гоҳо у, офтоб чарақлаб турган куни «ибодатхона пештоқидан пастга шалоладек шуъла тушаётганини, унинг гўё булутга ўхшаб турганини» кўради ва унинг назарида «ана шу булут қўйнида фаришталар учиб юриб, ашулалар айтаётгандек» бўлади. У баъзан мен ҳам шундай учиб юрсам-чи?— деб ўйлайди ва тепаликка чиққанида, қаноти бўлса-ю, югуриб ва қўлларини ёйиб уча қолса. Атрофдагилар Катеринадан ҳайрон бўлишади, улар назарида Катерина телбага ўхшайди; аммо, бунинг сабаби шуки, у ҳеч қанақасига уларнинг маслак ва майлларига қўшилолмайди. Катерина улардан таассурот олади, чунки бошқа оладиган жой йўқ; лекин, уларнинг хулосаларини олмайди, балки ўзи хулоса чиқаришга ҳаракат қилади ва кўпинча уларникидан тамом бошқача хулосаларга келади. Ташқи таассуротларга бу хилдаги муносабатни биз бошқа доирада ҳам, яъни абстракт муҳокама қилишга ўрганган ва ўз ҳисларини анализ қила оладиган кишилар ўртасида ҳам кўрамиз. Фарқ шундаки, соддадил, оқ кўнгил Катеринанинг бутун хатти-ҳаракати унинг табиатига боғлиқ бўлиб, нима қилаётганини ўзи равшан англамайди, аммо назарий билими кучли ва доно кишиларга эса, мантиқ ва анализ асосий роль ўйнайди. Доно кишилардаги ана шу ички куч уларнинг тайёр қарашлар ва системалар таъсирига берилиб кетмасдан, балки ўз қарашлари ва хулосаларини жонли таассуротлар асосида майдонга ташлашларига имкон беради. Улар ҳеч нарсани рад этмайдилар, фалон нарса мақбул деб ҳам айтмайдилар, балки ҳаммасини маълумот учунгина қабул қилиб, сўнгра ўзларича хулоса чиқарадилар. Катерина эса ўз туйғуларини асослаб бермайди ва ҳатто уларни ўзи ҳам тушунмайди, фақат кўнгли билангина сезади; лекин у ҳам юқоридагича натижа-

ларга келади. Завқсиз ўтган ёшлик чоғларида, атрофни ўраб олган муҳитдаги дағал ва хурофий тушунчалардан у мудом ўзининг гўзаллик, гармония, роҳат ва бахт сари таъсирий интилишларига мос келган нарсаларни ажратиб ола билган. Дарвиш хотинларнинг ваъзгўйликларини, ер ўпиб таъзим қилишларини ва увлаб йиғлашларини у [шунчаки бир одат деб билмаган, балки] улардан ўз қалбини доим жазб этган [бошқа бир] маъно топган. У эҳтиросларсиз, кайғу-аламсиз фаровон гўзал оламни, эзгу ва роҳатбахш оламни ўз тасаввурида гавдалантирган. Аммо, инсон учун чинакам эзгулик ва ҳақиқий роҳат нимадан иборат эканини у билолмаган; гоҳда бемулоҳаза, ноаниқ интилишларнинг тўсатдан мавж уриши ана шундан келади. Катерина ана шуларни эслаб, мана бундай дейди: «Гоҳо, тонг маҳалида боққа чиқиб кетардим, кун эндигина чиқиб келаётган бўларди,— чўккa тушиб, худога илтижо қилиб бирам йиглардим, лекин нима деб илтижо қилардиму, нимага йиғлардим, ўзим ҳам билмас эдим; мени шу аҳволда кўришарди. Ўшанда нима мақсад билан тоат-ибодат қилардим, ўзим ҳам билмайман — менга ҳеч нарса керак эмас эди, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ эди». Ҳеч қандай назарий билим олмаган, дунёдаги ҳодисалардан бехабар, ҳатто ўз эҳтиёжларини ҳам тузук англамайдиган бечора қизнинг ўзига нималар кераклигини билолмаслиги турган гап. У, онаси қўлида, ҳаловатда ҳеч нарсадан ғам тортмай яшаркан, то унда балоғатга етган кишининг эҳтиёж ва эҳтиослари пайдо бўлмагунча, ҳатто у ўз хаёлларини, ўз ички ҳиссиётларини ҳам ташқи таассуротлардан ажрата олмайди. У [тақводор хотинлар ўртасида] ширин хаёлларга чўмиб ва ўз хаёлидаги бахтиёр дунёсида сайр этиб юраркан, у [ана шу тақводор хотинлар, уйларнинг бурчакларида ёқиб қўйилган шамчироқлар, атроф-теваракдан эшитилиб турган йиғи-сиғилар ўз кўнглига малҳам бўлаётир деб ўйлайди]; [у] теварагидаги ўлик муҳитни ўз ҳислари билан жонлантиради ва ўз руҳининг ички оламини шу муҳит билан бирлаштириб юборади. Бу — кўпларда узоқ ва жуда узоқ давом этадиган, лекин бир кун бориб тамом бўладиган болалик давридир. Агар болалик даври жуда узоқ давом этса, агар киши умрининг кўп қисми ўтиб кетганидан кейингина ақлини топа бошласа, бу қадар узоқ хом хаёл бўлиб юргани учун ўкинишдан бошқа чораси қолмайди деса бўлади. Хаёлида ўз маъшуқасини кўп олий фазилатлар эгаси деб фараз қилиб, ҳаётини у билан боғлаганидан кейин маъшуқасида у фазилатлардан асар ҳам йўқлигини пайқаб олган киши қандай афсусланса, хом хаёл бўлиб юрган киши ҳам ана шундай ҳолга тушиб қолади. Аммо, кучли характерларда бунақа қаттиқ янглишув сийрак учрайди: уларда равшанликка ва реалликка интилиш жуда кучли бўлади, шу сабабдан ҳам уларнинг хатти-ҳаракатида дудмаллик бўлмайди, бўлса ҳам

ундан албатта қутулишга ҳаракат қиладилар. Ўзларида бирор норозилик туғилса, дастлаб уни кўнгилларидан кўтаришга тиришадилар; агар норозилик тугамай давом эта берса, у вақтда ўз кўнгилларида пайдо бўлаётган [янги] талабларни тўла ва очиқ майдонга ташлайдилар ва уларни қондирмагунча тинчимайдилар. Бу масалада ҳаётнинг ўзи ҳам ёрдамга келади: баъзилар, таассурот доиралари кенгайиб, муваффақият топадилар, баъзилар ёшликнинг мусаффо гўзал фантазияларини барбод этувчи кулфат ва аламларга — таъқиб ва ташвишларга дучор бўладилар. Бу кулфат ва аламлар — таъқиб ва ташвишлар [Дикой ва Кабановаларнинг «зулмат дунёси» ҳукмрон бўлган шароитда кўп кишиларнинг қисмати бўлганидек], Катеринанинг ҳам қисмати бўлди.

Катерина ташқи ҳаёт кенг ва эркин бўлиб, ҳузур-ҳаловатда яшашни орзу қиларди, аммо у янги оиланинг оғир шароитида сиқила бошлади, эркин нафас ололмади. Шафқатсиз Кабаниханинг зулми унинг ширин хаёлларини ҳам, ҳистуйғуларини ҳам бўғиб қўйди. Катерина эрига эркаланиб, уни қучоқламоқчи бўлганида, кампир: «Нега бўйнига осиласан, уятсиз! Оёғига йиқил!» деб ўшқиради. Бу сафар ҳам у ҳеч кимга кўринмай, ўз кўнгли билан ҳасратлашмоқчи бўлади, аммо бу ҳолни кўрган қайнанаси: «Нега увлаб йигламайсан?» дейди. Унинг ёруққа, ҳавога чиққиси, ширин хаёллар сургуси, ўйнаб-кулиб яйрагиси, гулларга сув қуйгиси, офтобда юргиси, Волгани кўргиси, жамики жонли нарсаларни олқишлагиси келади,— аммо, у эрксиз, ундан, ҳар доим бузуқлик йўлини ўйлайди, деб гумонсирайдилар. У кўнглини бўшатиш учун, аввалгидек, [тоат-ибодат қилади, черковга қатнайди.] ўгит-насиҳатлар тинглайди; аммо булардан энди аввалгидек таассурот ололмайди. Кундузги ишлар билан ва муттасил эрксизлик туфайли эзилиб кетган Катерина [офтоб нурига чўмган тўзон гирдобида қўшиқлар айтиб учиб юргувчи фаришталарни], сокин ва хушнуд жаннат боғларини энди аввалгидек равшан кўз олдига келтиролмайди. Атроф-теварагидаги нарсалар унга аллақандай қўрқинчли, хунук ва жуда ваҳима солаётгандай туюлади: [авлиёларнинг қиёфалари ҳам уни чўчитади, черковдаги тоат-ибодатлар ҳам, дарвиш хотинларнинг ҳикоялари ҳам унинг юрагига ваҳима солади... Ҳолбуки, булар аввалги ҳолларидан сира ўзгарган эмас, балки Катеринанинг ўзи ўзгарган:] унинг ҳавойи хаёлатларга энди тоби йўқ, аввалгидаги серзавқ ширин хаёллар энди уни овунтирмай қўйган. У етилган, унда бошқа, реалроқ истаклар уйғонган; оиладан бошқа нарсани билмаган, ўзлари яшаб турган шаҳарчадаги одамлардан ва ҳаётдан бошқа оламни кўрмаган Катерина, табиий, инсонларга хос барча майллар орасида ўзи учун энг муқаррар ҳамда ўз кўнглига энг яқин бўлган муҳаббат ва садоқат майлларини тушуна

бошлайди. Бурунги вақтларда унинг қалбини ширин хаёллар банд қилганидан, у ўзига кўз ташлаган йигит-яланглар-га қия боқмай, кулгаши-кулган эди. Тихон Кабановга ҳам яхши кўриб теккан эмас, чунки муҳаббат нима эканини у ҳали англамас эди; унга, ҳар бир қиз эрга тегиши керак, дейишган, ана ўшанга тегасан, деб Тихонни кўрсатишган, шундан кейин у ўйлаб-нетиб турмай, унга чиқа берган. Характернинг хусусияти мана шунда ҳам кўринади: агар унинг характери кескин бўлса, одатдаги тушунчаларимизга кўра, у қаршилик кўрсатиши лозим эди; лекин у қаршилик кўрсатишни ўйига ҳам келтирмайди, чунки бунга етарли асослар ҳам йўқ эди. Унинг эрга чиқишга унчалик истаги йўқ эди, лекин эрли бўлишни ҳам ёмон кўрмас эди; Тихонга муҳаббати бўлмаганидек, бошқа бирон кишига ҳам муҳаббати йўқ эди. [Ҳозирча] унга ҳамма нарса барибир бўлганидан нима десалар ҳам рози эди. Бу ҳол унинг заифлигини ҳам, лоқайдлигини ҳам кўрсатмайди, балки тажрибаси камлигидан деб айтиш мумкин; бунинг устига, у ўзи тўғрисида кам қайғурар, бошқаларга яхшилик қила берсам, дерди. Ўзи кўп билмайди ва жуда кўнгилчан, мана шунинг учун ҳам у [фурсат келгунча] атроф-теваракдагиларга қарши бормайди, уларни ўчакиштиришдан кўра, сабр қилишни аъло кўради.

Аммо, [Катерина ўз эҳтиёжини англаса ва бирор мақсадга эришмоқчи бўлса, у ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бунга эришади: ундаги характернинг чаканалаб сарфланмаган кучи мана шу вақтда тўла намоён бўлади. Ўз табиатидаги тугма мулойимлик ва олижаноблик туфайли, дастлаб, у бошқаларнинг тинчлигини бузмасликка ва ҳуқуқларига путур етказмасликка, бирор жиҳатдан ўзига яқин турган кишиларнинг ҳамма талабларига мумкин қадар кўпроқ риоя қилгани ҳолда, ўз ниятига эришмоққа бор кучи билан ҳаракат қилади; агар улар Катеринанинг биринчи вақтлардаги шу кайфиятига мослаб иш тутсалар, унинг ўз талабларини қондиришга йўл қўйиб берсалар, унга ҳам, уларга ҳам яхши бўлади. Бундай қилинмаган тақдирда, у ҳеч нарсанинг риоясига бормайди, яъни қонун, қариндош-уруғчилик, урф-одат, одамларнинг таъпаси, истеҳола — булар ҳаммаси унинг майллари олдида ҳеч бўлиб қолади; у ўзини ҳам аямайди ва ўзгаларни ҳам писанд қилмай қўяди. Катерина худди ана шундай қилишга мажбур бўлди, чунки у яшаб турган муҳитда бошқача оқибатни кутиш мумкин эмас эди].

Кишига муҳаббат ҳисси, ўзга бир қалбни ўзига жазм этиш истаги, майин эркаланиш завқи ёш хотинда табиий равишда пайдо бўлади ва натижада унинг илгариги, қатъийлашмаган ва самарасиз хаёллари ўзгариб кетади. «Кечалари, Варя,— дейди у,— уйқим келмайди, кантар гув-гувлаганлек, биров эркалатиб қулоғимга шипшигандай бўлади. Энди, Варя, илгаригидай жаннат дарахтлари ва тоғлар ту-

шимга кирмай қўйди; гўё мени кимдир иссиқ кучоғига босиб аллақаёқларга олиб кетаётгандай бўлади, мен ҳам у билан кета бераман, кета бераман...» У ўзининг бу туйғуларини анча кеч пайқади; лекин, бундай туйғулар, турган гап, Катеринада илгари ҳам бўлган ва уни безовта қилиб келган, лекин бу туйғуни у англаб ета олмаган. Ана шундай туйғулар пайдо бўлиши биланоқ у, ўзига ҳаммадан яқин бўлган эрига кўнгил қўяди. У, эрига ана шу равишда кўнгил қўйишга, у бўлса менга бас деб, ҳаяжон билан қидирган роҳат ва завқни у билан бўлганимда топаман деб ўзини ишонтиришга кўп ҳаракат қилади. Эридан бошқа биров билан яхши кўришиб қолиш уни ваҳимага туширар ва бундай эҳтимолга у ажабланиб қарар эди. Пьеса бизга Катеринани Борис Григорьевичга кўнгил қўя бошлаган пайтлардан кўрсатади, аммо шу вақтларда ҳам у ўз эрига муҳаббатли бўлиш учун сўнгги марта жон-жаҳди билан ҳаракат қилганлиги кўриниб туради. Эрини кузатиб хайрлашиш кўриниши Тихоннинг ҳали ҳам бўлса бу хотиннинг муҳаббатидан маҳрум бўлмаслик имкониятига эга эканлигини бизга сездириб туради, аммо Катерина ўз бошидан кечиришга мажбур бўлган ва эридан кўнгли қолишига, биринчи муҳаббатидан воз кечишига олиб келган беҳисоб кўп азоб-уқубатлар ҳам шу кузатиш кўринишида қисқа, лекин кескин ифодаларда акс этдирилади. Бу кўринишда Тихоннинг гўл, пасткашроқ, жуда ювош, шу билан бирга, онасининг сўзидан сира чиқа олмайдиган, ўта кетган ландавур шахс эканлигини кўрамиз. Онаси эса — бераҳм, муштумзўр махлуқдир, у муҳаббатни ҳам, [динни ҳам]; *ахлоқни ҳам* хитойча маросимлардан, яъни серҳашам, тантаналардан иборат қилиб қўяди. [Тихон ўз онаси билан хотини ўртасида қолган кўп аянч типларнинг биттасидир, унинг типидаги кишиларни ювош деб ҳисобласалар-да, аммо умуман олганда, ёмонликда зўравонлардан сира қолишмайдилар, чунки бундай кишилар зўравонларнинг энг яқин ёрдамчиларидир.] Тихон-ку, ўзига қолса, хотинини севар ва унинг учун ҳамма нарсани қилишга тайёр эди; бироқ, у эзилиб, сиқиқ остида пачоқ бўлиб ўсганидан, унинг туйғуси сўнган, юрагида ўти қолмаган, шунинг учун унда бирор кучли туйғу, қатъий майл ва ирода пайдо бўлиши мумкин эмас. Унда инсоф бор, у яхшилик қилмоқчи бўлади, лекин қилган иши мудом ўз тилагига тескари бўлади ва ҳатто ўз хотини билан муносабатларида ҳам онасининг қўлида итоаткор қурол бўлиб хизмат қилади. Кабановлар оиласи бульварда юрган биринчи кўринишдаёқ, Катеринанинг эри билан қайнанаси олдида қандай аҳволда экаплиги бизга маълум бўлади. Кабаниха ўғлини, хотининг сендан қўрқмайди, деб койийди; ўғли бунга эътироз билдиришга журъат этиб: «Нега мендан қўрқсин? Мени яхши кўрса бас-да» дейиши ҳамоно, кампир унга ёпишади: «Нега қўрқмасин? Нега қўрқмасин? Эсинг-

ни сдингми? *Сендан қўрқмаса, мени назар-писанд қилиб бўлти;* шундан кейин уйда тартиб бўладими! Сенинг хаппан-ҳалол хотининг-ку, ахир. Ё сизларга никоҳ бир пулми?» Мана шу шароитда, табиий, Катеринадаги муҳаббат ҳисси бўғилиб, юзага чиқолмай, ичида писиб қолади ва онда-сонда айрим таассуротлар остидагина намоён бўлади. Аммо, эри шуларнинг ҳам фаҳмига бормайди, чунки у ортиқ даражада ғариб бўлиб қолганидан, Катерина кўнглидаги эҳтиросли чанқоқни тушунолмайди. «Тушунолмай қолдим сенга, Катя, эркалаш у ёқда турсин, гоҳо чурқ ҳам этмас эдинг, энди ўзинг осил-япсан»,— дейди у Катеринага. Одатда, тўмтоқ ва айниган кишилар кучли ва янги руҳдаги кишилар ҳақида ана шундай ўйлайдилар: улар ўзларига қараб хулоса чиқарадилар-да, чуқур ҳиссиётларни англамайдилар ва ўйга толишларни ланж-ликка, руҳсизликка йўядилар; пировардида, ички ҳиссиёт ба-рала отилиб юзага чиққанида, улар ёқаларини ушлаб, бу фокус, муъжиза, деб ўйлайдилар, бунақа ҳол пафос ва айш-ишрат фантазияси кўнгилга келганида ўзимизда ҳам рўй бе-ради, дейдилар. Ҳолбуки, ички ҳиссиётнинг бу хилда юзага отилиб чиқиши кучли табиатли кишиларга хос зарурият-дир, у қанча узоқ юзага чиқолмай турса, шунчалик кучли бўлади. Ички ҳиссиёт атайин ва онгли равишда бу хилда юзага чиқа-рилмайди, у табиий зарурият бўлиб юзага чиқади. Натура кучи фаол ривожлана олмаган тақдирда пассив равишда, яъни сабр-тоқат, босиқлик тусида ҳам ўз ифодасини топади. Бироқ, кучли натуранинг *бундай* сабр-тоқати инсонлик шах-сияти кам ривожланганларнинг сабр-тоқатидан фарқ қилиши керак, чунки бундай шахсларнинг сабр-тоқати, пировардида, ҳар қандай таҳқирларга ва зулмларга кўникишга олиб бора-ди. Йўқ, Катерина бундай ҳақорат ва зулмларга ҳеч қачон кўника олмайди, у нима қилиши кераклигини ва қандай қилишини ҳали билмайди, у қайнанасидан сира хизматини аяган эмас, эри билан яхши туришиб кетиш учун қўлидан келганча ҳаракат қилади, аммо, шу билан бирга, ўз аҳволи-ни сезиб турганлиги ва бу аҳволдан қутулишга интилганлиги унинг бутун хатти-ҳаракатларидан кўриниб турибди. У ҳеч қачон зорланмайди, қайнанасини қарғамайди; кампирнинг ўзи ҳам унга айб тўнкай олмайди; шунга қарамай, негадир қайнана ўз кўнглида, Катерина менга тўғри келмайди, у бир балога йўлиқтиради, деб юради. Онаси олдида дир-дир тит-раб турадиган, қўрс гапларни айтишдан тоймайдиган Тихон онасининг гапига кириб, хотинига: «Кўчага кўз ташлама», «Еш йигитларга қарама» деб айтадию, лекин андишага ҳам боради. Гарчи, у хотинининг ҳоли нима кечаётганлигини яхши тушуна олмаса-да, ҳалиги гаплари билан уни қаттиқ ҳақорат қилганлигини пайқайди. Онаси уйдан чиқиб кетиши билан у, хотинини мана бундай гаплар билан овутади. «Ҳамма нар-сани кўнглингга ола берсанг, ҳадемай сил бўласан. Қулоқ

солма! Вайсаб турмаса кўнгли ўрнига тушмайди-да, ахир. Гапирса гапира берсин, сен қулоқ солма!» [Мана шундай индиферентизм (бефарқ қараш) айниқса ёмондир ва бундан яхши натижа чиқмайди; лекин] Катерина ҳеч қачон бунақа бефарқ бўлолмайди, гарчи у, сиртдан Тихонга қараганда камроқ қайғуриб, камроқ зорланаётган бўлиб кўринса-да, аслда у хийла кўп қийналади. Тихоннинг ҳам кўнгли тўқ эмас, у ҳам бир нима етишмаслигини сезади; у ҳам норози [аммо, унинг норозилиги, масалан, бузуқлик кўчасига кириб кетган ўн яшар боланинг хотинларга қизиқиши сингари пуч-ишдир]. У мустақиллик [ва ўз ҳуқуқларига] эга бўлиш учун қаттиқ туриб ҳаракат қилолмайди, чунки у мустақиллик ва ҳуқуқлардан қандай фойдаланишни ҳам билмайди; унинг хоҳиши кўпроқ (фикрдаги) ташқи хоҳишдир, [унинг нату-раси эса, тарбиянинг таъсири остида табиий майллардан маҳрум бўлган дейиш мумкин). Шунинг учун унинг [эркин-ликка] интилиши бузуқ тус олади [ва катта ёшдаги киши-лардан эшитиб олиб, маъносиз ва ноўрин ифлос ҳаракатлар-да бўлувчи ўн яшар боланинг ҳамоқат ишлари сингари жир-канчдир]. Тихон аллакимдан «сен ҳам эркаксан-ку, ахир» деган сўзни эшитиб қолган, шунинг учун ҳам у онлада маъ-лум даражада хўжайинлик қилиши ва эътиборга эга бўлиши лозим эмиш, шу сабабдан у ўзини хотинидан анча баланд қўяди ва худо хотинларни ҳамма оғирчиликларга чидайдиган ва итоатгўй қилиб яратган, деб ўйлагани ҳолда,— ўзи она-сининг қўл остида қолганини жуда ҳам ўкинч ва номус деб ҳисоблайди. Ўзи ичкиликка ўч, айш-ишратга берилган киши бўлиб, эркинликни кўпроқ ана шундан иборат, деб билади: [юқорида айтилган ўн яшар бола хотинлар муҳаббати нега бу қадар ёқимли бўлганлигини англамагани ва фақат эшит-тибгина билгани ҳамда ифлос ҳаракатларда бўлгани каби, Тихон ҳам] жўнар олдидан хотини мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кетсанг, деб ёлборганида, бунга жавобан шармандаларча пасткашлик билан бундай дейди: «бундай азобда ҳар қандай позанин хотинингдан ҳам кечиб юбора-сан! Ўзинг ўйлаб кўр: *ахир, мен эркак кишиман,* бутун умр ўзинг кўриб турибсан, шу зайлда ўтадиган бўлса, хотинингни ҳам ташлаб қочасан. Биламанки, икки ҳафта ўз майлимча бемалол юраман, ҳеч ким менга хўжайин бўлмайди, қўл-оёғим кишандан бўшайди, бунақа пайтда хотин эсга келади-ми?» Унинг бу сўзларига жавобан Катерина: «Сен шундай деб турганингдан кейин қандай қилиб сенга кўнгил қўяй?» дейди. Бироқ, Тихон бу оғир ва кескин заҳарханданинг маъносини тушунмайди; ақл-фаросатга қўл силтаган Тихон ўйлаб-нетиб турмай: «Сўзим шу! Яна нима дейин?» деган жавоб билан хотинидан қутулмоқчи бўлади. Нега? Ўз майлича юриб, нима билан кўнгил очмоқчи у? Унинг ўзи бу тўғрида кейинчалик Кулигинга мана бундай дейди: «жўнашимдан олдин онаги-

нам роса насиҳат қилди, қани қулоғимга кирган бўлса, йўлга чиқишим биланоқ роса айш қилдим. *Эркинликка чиққанимга хурсанд бўлиб, роса билганимни қилдим.* Йўл бўйи ичиб кетдим, Москвада ичганимни асти қўя берасан; *бир йиллигини бир йўла ўйнаб келдим-да!..»* Ана, холос! Ҳақиқатда ҳам аввалги вақтларда, яъни кўпчилик кишилар шахс [ва унинг ҳуқуқларини] англамаган даврларда, [зўравонлар истибдодига қарши норозиликлар фақат мана шундай хуружлардангина иборат бўлган деса бўлади. Тихонга ўхшаганларни ҳозир ҳам жуда кўп учратиш мумкин, улар вино билан бўлмаган тақдирда ҳам, турли хаёллар, катта гаплар билан маст-аласт бўлмоқдалар ва сафсата сотиш билан кўнгилларига тасалли бермоқдалар. Бундай кишилар, биз қисилиб кетдик, деб зорланган-зорланган, аммо ўз имтиёзлари ва бошқалардан устун туришлари ҳақида мағрурланишдан ҳам тоймайдилар: «ахир, мен эркак кишиман, нега энди мен чидашим керак экан» дейдилар. Яъни сен эзила бер, чунки сен хотин кишисан, икки чақалик қадринг йўқ, мен ўз майлимча юра бераман,— бу инсонларга хос, табиий талаб эмас, балки, мен ўзим шунақа имтиёзлар эгасиман, дейдилар... Равшанки, бундай кишилардан ва бундай қилиқлардан ҳеч қачон, ҳеч қандай яхши натижа чиққан эмас ва чиқмайди ҳам. Аммо, биз юқорида айтиб ўтган ва Катерина характерида ўз ифодасини топган турмушдаги янги ҳаракат эса, уларникига ўхшамайди. Бу шахс] ҳуқуқ ва эркин ҳаёт тўғрисида бутун вужуди билан чуқур, [онгли] талабни ифодалаганини кўрамиз. [Бунда хаёл, бировнинг гапига эргашиш, сунъий интилиш эмас, балки натуранинг ҳаётий эҳтиёж ва талаблари гавдаланади.] Катеринанинг кўнглида норозилик ва алами бўлса-да, у гаплик ва қайсарлик қилмайди,— бу нарса унинг табиатида йўқ; бошқаларга гап маъқуллатишга ҳаракат қилмайди, ўзига бино қўймайди, мақтанишни ёмон кўради. Аксинча у сира ғавғо кўтармайди ва ўз табиатига зид келмайдиган ҳамма нарсага бўйсунишга тайёр,— унинг бўлган-тургани шу. Катерина ўзи равшан таърифлаб бера олмасада,— унинг принципи — мумкин қадар камтарлик қилиш [ва умумий шароитга мумкин қадар путур етказмасликдир.] Аммо, бошқаларнинг [майлларини] тан олиб ва уларни ҳурматлаш билан бирга, у ўзига ҳам ана шундай ҳурмат кўрсатилишини талаб қилади ва ҳар қандай зулм-ситамларга, озор беришларга қарши бутун вужуди билан чуқур ғазабланади. Қўлидан келса, у бошқаларнинг ҳам қийналишига сабаб бўлаётган ноҳақ ишларга йўл қўймаган бўлур эди; лекин бунга қурби етмагач, аксинча йўл тутиб, золимлардан ва озор берувчилардан ўзини қутқазиш пайига тушади. Энди унинг ягона тилаги — ўз табиатига хилоф равишда бўлса ҳам золимларга бўйсунмаслик, уларнинг [ғайри табиий] талабларига кўнмаслик бўлиб қолди. Бунинг оқибати яхши бўладими

ёки фожиа юз берадими,— унга барибир: [ҳар иккала ҳолда ҳам қутуламан, деб ҳисоблайди у...] Катерина ўз характери қандай эканлигини кўрсатиш учун болалик чогида бўлган бир ҳодисани Варяга гапириб беради: «Ўзим ўт юрак бўлиб туғилган эканман! Олти ёшимда шундай қилган эканман: уйдагилар мени бир нимадан хафа қилиб қўйишган экан. Кеч кирган, қоп-қоронғи пайт экан. Мен тўғри Волга бўйига чопиб бориб, қайиққа ўтириб ҳайдаб кета берибман. Эртаси куни эрталаб мени ўн чақирим наридан топиб келишган экан...» Катеринанинг болалик чоғларидаги шу хусусияти йўқолмаган; фақат, ёши улғайиши билан унинг оғирчиликларга чидами ортган ва бу оғирчиликлар тўғрисида дадил хулосалар чиқара оладиган бўлиб қолган. Улғайган Катерина ҳақоратларга узоқ бардош беради, у [беҳуда] зорлана бермайди, [ярим-ёрти] қаршилик кўрсатиш билан овора бўлмайди, жанжал кўтармайди, чунки шароит уни шу ҳақоратларга чидашга мажбур этар эди. Катеринанинг кўнглида чиларга чидашга мажбур этар эди. Катеринанинг кўнглида чинакам [ва унингча табиий] бир хоҳиш туғилмагунча ва ўз табиатига айниқса хос бўлган ана шу истак ва талаби поймол этилмагунча, у чидайди, сабр қилади, лекин у ўзининг шу хоҳишига эришганидагина кўнгли таскин топади. Ана шундай хоҳиш туғилгач, унинг истак ва талаблари поймол этилган тақдирда, у риояни йигиштириб қўяди. У ҳийлагарлик, маккорлик, алдамчилик қилишни билмайди. Алдашдан бошқа илож қолмаган пайтларда ҳам, Катерина ёлғон гапирмасликка [тиришади]. Варя унга, Борисга кўнглинг тушиб қолганини биров билмасин, деб маслаҳат берганида, Катерина: «Ёлғон гапиролмайман, ҳеч нарсани сир тутолмайман, ахир» дейди-ю, яна ўз кўнглига қарши бориб Варяга мана бундай сўзларни айтади: «Унинг тўғрисида менга гапирма, худо ҳақи гапирма! Унинг билан асло ишим йўқ! *Мен ўз эримга кўнгил қўяман. Тихонимдан бошқа ҳеч ким керакмас, менга!»* У шундай дегани билан кўнгил бошқа ёққа тортади: ўша дақиқанинг ўзидаёқ у сезадики, қалбида туғилган муҳаббатдан воз кечолмайди: «уни ўйламайин дейману, аммо лекин хаёлимдан сира нари кетмайди!»— дейди у. Катерина кўнглидаги [табиий майлларининг] унинг ҳаётини чулғаб олган [ташқи] қоида ва талаблардан, [хурофот ва сунъий комбинациялардан] голиб келиши содда қилиб айтилган ана шу сўзларда жуда равшан ифодаланади. Кучли [табиий майлларнинг] голиб келишини Катеринанинг ўзи ҳам сезмай қолади. Шуни айтиб ўтайликки, Катерина назарий жиҳатдан бу талабларнинг биттасини ҳам рад этолмас эди, [қолоқ фикрларнинг ҳеч биридан халос бўлолмас эди;] у фақат ўз туйғуси кучи билангина, ўзининг яшаши, бахт ва муҳаббат эгаси бўлиши учун керак бўлган бевосита, туб ҳуқуқини инстинктив равишда [англагани ҳолда] юқоридаги талабларнинг ҳаммасига қарши борди... У ўзининг мушкул аҳволда қол-

ғанлигини сира гапирмайди, балки бу мушкул аҳволдан қутулиш учун нима қилиши кераклигини ажаб тез белгилаб олади. У Варвара билан мана бундай гаплашади:

Варвара. *Унинг ҳам ғалатисан, худо ўзи сақласин! Уз билганингни қила бергин-у, лекин «туя кўрдингми, йўқ» қабилидан бўлиши керак.*

Катерина. *Мен бувақати хоҳламайман, бунинг оқибати яхши бўлармидн. Яхшиси, сабрим борича чидайман.*

Варвара. Борди-ю, чидаёлмасанг-чи, унда нима қиласан?

Катерина. Нима қиласан дейсанми?

Варвара. Ҳа, нима қиласан деяпман?

Катерина. *Кўнглим нимани истаса, шуни қиламан.*

Варвара. Қилиб кўр-чи, сени тириклай еб қўйишар.

Катерина. Кўрқмайман! Қочиб кетаман, соямни ҳам кўрсатмайман.

Варвара. Қаёққа қочасан! Эринг бор-ку.

Катерина. Сен менинг феълимни билмайсан. Варя! *Худо кўрсатмасин, бордию, кўнглим совуғидек бўлса, мени бу ерда ҳеч қандай куч ушлаб туролмайди. Ўзимни деразадан ташлаб Волгага отаман. Бу ерда тургим келмай қолсами, калламни кессалар ҳам турмайман!*

[Мустаҳкам характернинг ҳар ҳолда ишонса бўладиган ҳақиқий] кучи мана шундайдир! [Бизнинг] халқ ҳаётимиз ўз ривожида [мана шу даражада] баланд кўтарилмоқда, аммо, адабиётимизда бу даражага камдан-кам кишиларгина кўтарила олди ва бу юксакликда ҳеч ким Островский сингари мустаҳкам тура олмади. Островский инсоннинг [майллари мавҳум эътиқодларга эмас, балки] ҳаётдаги фактларга боғли эканлигини, мустаҳкам характернинг таркиб топиши ва намоён бўлиши фикрга, [принципларга эмас], балки натурага боғли эканлигини сезди ва у, [улуғ халқчил ғоянинг намояндаси бўлиб хизмат қиладиган], лекин бу [улуғ] ғояларни тил билан айтиб бермайдиган, фикрда тасаввур қилмайдиган, лекин тенгсиз курашда охиригача фидокорлик кўрсатадиган ва [юксак] фидокорлик кўрсатдим деб даъво қилмасданоқ ҳалок бўладиган шахсни ярата билди. Катеринанинг хатти-ҳаракатлари унинг натурасига ҳамоҳангдир, булар унинг учун табиий, зарур хатти-ҳаракатлардир; гарчи бу хатти-ҳаракатлар энг ҳалокатли оқибатларга олиб борганда ҳам, у бундан воз кеча олмайди. Адабиётимизнинг бошқа асарларида [акс эттирилган] кучли характерлар механизмлар воситаси билан баланд отилиб турадиган жуда чиройли фонтанчаларга ўхшайди; Катеринани эса, (азим) дарёга ўхшатиш мумкин: бу дарё ўзининг табиий хусусиятлари талаб қилганча оқади; унинг оқини жойига қараб ўзгаради, лекин тўхтамайди; дарё тубн текис (яхши) бўлса,— жимиб оқади, харсанг тошлар учраса — ошиб ўтади, жарлик келса — шалола бўлиб қуйилади, йўлига ғов қурсалар — қайнаб-тошиб, бошқа бир жойдан ўпириб кетади. (Бу азим дарё бекордан-бекор ёки йўлидаги ғовга ғазаб солиб ҳайқирмайди, балки) табиий равишда тўхтамай оқиб туриши зарур

бўлгани учун қайнаб тошади. [Островский акс эттириб берган характер ҳам ана шундайдир: биламизки, бу характер ҳар қандай тўсқинликларга қарамай, ўз йўлида сабот-матонат билан бора беради; кучи камлик қилганида ҳалок бўлса бўладики, лекин қайтмайди. Ҳақиқат тўғрисида баландпарвоз гап сотувчи ва «улуғ ғоя йўлида фидоий бўлиш керак» деб даъво қилувчи нотиқлар, ёвузликка қарши кураш ҳали жуда беҳуда иш экан, бекорга нобуд бўлишдан бошқа натижа чиқмас экан, деб ва шу сингари гапларни айтиб, ўз маслакларидан қайтиб кетадилар. Улар ҳақ ва уларни юраксиз кишилар экан, деб таъна қилиб бўлмайди; аммо шуни айтиш керакки, бу «ғоя» улар учун табиий зарурият эмас, улар бунингсиз ҳам яшай оладилар, улар ўзларининг бевосита, шахсий эҳтиёж ва талабларини ундан аъло кўрадилар. Демак, уларнинг ғояга садоқат кўрсатиш ниятидаги жонбозликлари юксак «ғояларни» хаёлга ҳам келтирмайдиган Катерина сингари шахсларнинг оддий, инстинктив, кескин майларига қараганда кўп даража заиф ва паст туради.]

Катеринанинг аҳволида биз бошқа бир нарсани кўрамиз: болалик чоғларидан унинг миясига қуйилиб келган «барча идеялар», атрофни ўраб турган муҳитдаги ҳамма принциплар унинг [табиий майлларига ва] хатти-ҳаракатларига қарши чиқади. Ёш хотиннинг қисмати бўлмиш бу оғир кураш драмадаги ҳар бир сўздан, ҳар бир ҳаракатдан сезилиб туради ва ташқари шахсларнинг жуда кераклиги ҳам ана шулардан маълум, ҳолбуки ташқари шахсларни аралаштиргани учун Островскийдан жуда ўпкалаган эдилар. Эътибор билан қарасангиз, Катерина ўзи яшаётган муҳитнинг тушунчаларига ўхшаш тушунчалар асосида тарбия олганлигини, ҳеч қандай назарий маълумоти бўлмагани туфайли бу тушунчалардан воз кеча олмаслигини кўрасиз. Гарчи у, дарвиш хотинларнинг ҳикояларидан ва уйдагиларнинг ўгит-насиҳатларидан ўзича хулосалар чиқарган бўлса-да, аммо, ўша ҳикоя ва ўгитлар Катеринанинг кўнглида [қора] доғ қолдирмаслиги мумкин эмас эди: ҳақиқатда ҳам, пьесадан шуни кўрамизки, Катеринанинг аввалги ширин хаёллари, подир, юксак орзу-ҳаваслари барҳам топиб кетади-ю, лекин олган тарбиясидан кучли [бир] из қолади, яъни у [аллақандай номаълум, аллақандай қора кучлардан қўрқади], уларнинг нима экашини ўзи яхши билмайди ва уларни даф қилолмайди. [Ҳар бир ўйлаган ўйи учун қўрқиб туради, арзимаган бир нарсани кўнглидан ўтказса ҳам, гуноҳ иш қилдим, деб ваҳимага тушади; у ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, момақалдироқ вақтида чақмоқ тегиб ўлдиради, деб ўйлайди, черков деворида осиғлиқ турган жаҳаннам суратлари унга умрбод азоб-уқубатдан дарак бериб тургандай бўлади...] Унинг атрофидаги кишилар эса, ундаги [ана шу қўрқувни] оширади ва кучайтиради: Феклуша сингарилар охир замон тўғрисида вайсаш учун Кабаниханинг

олдига келиб туради; Дикой эса момақалдироқни худо гуноҳларимиз кўпайгани учун юборади, дегани-деган; [Шаҳардаги ҳамма кишиларнинг қутини учирадиган келгинди бой хотин: «Ҳаммангиз дўзах ўтида ёнасиз» деб Катеринага машъум овози билан ўшқириш учун саҳнада бир неча бор кўринади.] Атрофдагиларнинг ҳаммаси [хурофий] ваҳимага берилган, Катеринанинг ўзи ҳам атрофимдаги ҳамма кишилар менинг Борисга кўнгил қўйганлигимни кечирилмас жиноят деб ҳисоблашлари керак, дейди. Ҳатто [шу муҳитда esprit fort* ҳисобланган) абжир Кудряш ҳам қизлар йигитлар билан ҳар қанча юрса бўла беради, аммо, хотинлар уйда ўтириши керак, деб ҳисоблайди ва бу фикрини жуда тўғри деб билади. Унинг ўзи олғир ва беорроқ бўлганига қарамай, Бориснинг Катеринага кўнгил қўйиб қолганини эшитган вақтда: «бу йўлдан қайтиш керак» дейди. Катерина ёлғиз, ҳатто унинг эзгулик ва ёмонлик тўғрисидаги тушунчалари ҳам унинг ўзига зид; демак, мана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб уни — ўзининг жўшқин ҳавасларидан кечиб юборишга, оилада ун чиқармай чўри бўлиб яшашни талаб қилувчи қабиҳ, даҳшатли формализмга бўйин эгиб, [ҳеч қандай тетик интилишсиз,]тамомила тўтқунликда, эрксиз, муҳаббатсиз сўлиб адо бўлишга,— ёки бўлмаса одамларни ва ўзини-ўзи алдаш йўлига кириб кетишга мажбур этиши лозим бўлиб қолади. [Аммо, Катеринадан хотирингиз жам бўлсин, ҳатто у ўзига қарши келадиган гапларни айтганида ҳам ташвишланманг, чунки у вақтинча бўйсунгандай бўлиб кўринишни ва ҳатто алдаш йўлига ҳам кириб кетиши мумкин, чунки ҳар қандай жилға ҳам ернинг кавагига кириб кетганида ёки ўз изини йўқотганида кўринмай қолади-ю, аммо, бундай оқин сув ҳеч қачон тўхтаб қолмайди ва орқага қараб оқмайди, балки оқа-оқа бошқа дарёларга бориб қўшилади ва океан сари йўл олади.] Катерина яшаб турган вазият уни ёлғон гапиришга ва алдашга мажбур этади: «бусиз яшаб бўладими,— дейди Варвара,— қаерда яшаётганингни унутма; бу уйдаги бутун ҳаёт ёлғонга қурилган. Мен ёлғончи эмас эдим, даркор бўлувдики, ёлғонга ҳам ўргандим». Катерина ўз эҳтиросига бас келолмай, кечаси Борис билан учрашади, ўз ҳиссиётини у ўн кунгача қайнанасидан яширади... Бу хотин энди [йўлдан озди], уйдагиларни алдайдиган бўлиб қолди, у ёлғондан эрини эркалатган бўлиб ва [айёрлик билан] ўзини ювошликка солиб, зимдан бузуқчилик қила беради, деб ўйлашлари мумкин! [Лекин, шундай қилган тақдирда ҳам унинг устига катта айб қўйиб бўлмайди, чунки у оғир кунларга қолган!] Агар Катерина улар ўйлаганча бўлганида эди, у [«муҳит яхши кишиларни харob қилади» деган фикрни талқин этган] повестларда чайнала бериб абжаги чиқиб кетган

* Эркин фикрли (*Франц.*)— (*Ред.*)

типларнинг бири бўлиб қолар эди. Катерина унақа эмас: уй ичида ҳукм сурган шу шароитда Катеринадаги муҳаббатнинг оқибати қандай бўлиши — унинг ҳаракат бошлаган пайтларидаёқ маълум бўлиб туради. Катерина психологик анализ билан шуғулланаолмагани туфайли, ўз ҳолати тўғрисида чуқур фикрлар баён қилолмайди: у фақат дангал сезилиб турган туйғулари тўғрисидагина гапиради. Варвара унга, сен Борис билан гаплашгин, деганида Катерина ҳаяжон билан мана бундай дейди: «Йўқ, йўқ, керак эмас! Сенга нима бўлди? Худо сақласин: *у билан бир бор кўришдимми, уйдан қочиб кетаман, кейин уйга асло қайтиб келмайман!*» [Бу — англаб туриб қилинган эҳтиёткорлик эмас,— бу — эҳтиросдир;] кўриниб турибдики, Катерина ўзини тийиб қолишга қанча ҳаракат қилса ҳам, барибир ундаги эҳтирос устун келади, [унинг хурофий тушунчалари ва ваҳималари ҳам,] болалик чоғларидан миясига ўрнашиб қолган ўгит-насиҳатлар ҳам эҳтирос олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. У фақат ана шу эҳтирос билан тирик, унинг натурасининг бутун кучи, унинг бутун тетик интилишлари шу эҳтиросда акс этади. Катеринанинг Борисга майлининг сабаби унинг (Бориснинг) ёқиб қолганлигида, унинг кўриниши ва гап-сўзлари Катерина теварагидаги бошқа кишиларникидан ажралиб турганлигидагина эмас; Катерина ўз муҳаббат туйғусига эридан жавоб топмаганлиги, ундан садо чиқмаганлиги учун ҳам, хотин ва аёл киши сифатида ҳақоратланганлиги учун ҳам, диққинафас ҳаётда юраги эзилиб кетгани учун ҳам, эркин нафас олиш, [жўшқин ва қувноқ] озодликка эришишни истаганлиги учун ҳам у, Борисга кўнгил қўяди. Унинг бутун ўйлагани: «Қаноти бўлса-ю, истаган томонига учиб кетса», гоҳо у мана бундай ҳам дейди: «ихтиёр ўзимда бўлгандами, Волгада ашулалар айтиб қайиқда юрардим, ё бўлмаса уч отли извошга тушиб, қучоқлашиб сайр қилардим...» «Фақат эринг билан эмас», дейди Варя; буни эшитган Катерина ўз ҳиссиётини яширолмайди ва: «сен қаёқдан биласан»? деган савол билан ошкора қилиб қўяди. Варваранинг сўзлари унга кўп нарсаларни англашга ёрдам беради, чунки у ўз орзуларини соддадиллик билан гапиради-ю, лекин уларнинг маъносини унча англамайди. Катерина ўз фикрларига аниқлик киритишга чўчиб юрар эди, аммо бошқа кишининг бир луқма сўзи унга далда берди. У ўзи зўр бериб ахтарган роҳат-фароғат ана шу янги ҳиссиётдан иборат эканлигига бу дамгача гумон қиларди. Бироқ, кўнгил сири ошкора қилиб қўйгач, у энди бу тўғрида ўйлашдан ҳам ҳайиқмайдиган бўлиб қолади. Унда қўрқиш, шубҳа бор, у, гуноҳ тўғрисида, одамларнинг гап-сўз қилишлари ҳақида ҳам ўйлайди, аммо унинг назарида буларнинг аввалгидек таъсири қолмаган; [фақат анчайин ўзини овунтириш учунгина шундай андишаларга боради]. Катеринанинг қўлида калит тут-

ган ҳолда ўз-ўзи билан сўзлашуви (иккинчи пардадаги сўнгги монолог) ўз кўнглида қатъий қарорга келиб қўйган, лекин бир илож қилиб ўзини бу йўлдан «аврамоқчи» бўлган хотинни кўз олдимизга келтиради. У, бошқа биров шундай йўлга кирса, қандай бўларди, деб холис ўйлаб кўрмоқчи ҳам бўлади; аммо, барибир унинг тутаётган йўли ўзига тўғри бўлиб кўрина беради. «Фалокатга йўлиқиш қийинмас...— дейди у,— тутқунлик кимга ёқади... Мана мен ўзим — бутун умрим азоб-уқубатда, ёруғ дунёни кўрмай ўтиб кетяпман... Қайнанам сиқиб, сувимни ичди...» ва ҳоказо,— унинг ҳамма гаплари ўринли. Сўнгра у, мана бундай сўзлар билан кўнглини бўшатмоқчи бўлади: «тақдир шекилли... уни бир кўрсам шу ҳам гуноҳ бўладими... Гаплашганимда ҳам нима бўпти. Балки кўришиб гаплашиш умр бўйи ҳам насиб бўлмас...» Бу монолог баъзи танқидчиларнинг Катеринани номуссиз, мунофиқ хотин, деб мазақ қилишларига сабаб бўлди; аммо [бизни, ёки мусаффо дўстларимиздан] бирортасини бу нуқсондан ҳоли эмас деб айтишдан ҳам бадтар номуссизлик бўладими... [Бунинг учун шахслар гуноҳкор эмас, балки бунга болалик чоғларидан уларнинг мияларига қуйилиб келган ва кўпинча кўнгилнинг табиий майлларига жуда зид бўлган тушунчалар айблидир. Бундай тушунчалар жамият онгидан чиқариб юборилмагунча, инсон зотида идея ва табиий талабларнинг бир-бирига монандлиги тўла тикланмагунча, бундай нуқсон рўй бериши муқаррардир. Бу ҳолда ҳам натура ва соғлом фикр эгаси бўлиб қолиш ҳамда ясама ахлоқ шарт-шароитларининг ғарибига айланиб кетмасликнинг ўзи ҳам катта гап. Катерина фақат шундай қила олади, ундаги ана шу натура устун келган сайин у, болалик чоғларида ўз атрофидаги кишиларнинг гапи билан қўрқиб келган нарсаларга нисбатан вазминлик билан қарайдиган бўлиб қолади.] Шу жиҳатдан қараганда Петербург саҳнасида Катерина ролида чиқувчи артистканинг мана шу монологни ортиқ даражада қизишиб айтишлиги ва бу монологга ортиқ даражада фожиавий тус берганлиги бизга [ҳатто] андак янглишдек туюлади. У, Катерина қалбида юз бераётган курашни ифодалаб бермоқчи бўлади ва шу нуқтаи назардан қараганда, бу қийин монологни у маҳорат билан ижро этади. Аммо, шу ўринда Катеринанинг гаплари вазминлик билан эркин айтилганида эди — унинг характерига ва ҳолатига кўпроқ мос келган бўлар эди, деб ўйлаймиз. Чунки масала ҳал бўлган, фақат Катерина ҳали ҳам бўлса сал ўйланиб турар [ва ўзини чулғаб турган эскилик сарқитларидан секин-аста қутулиб бормоқда эди...] Унинг кўнгли монологнинг охирида ошкора бўлиб қолди. У ўз сўзини: «нима бўлса бўлар, Борисни кўришим керак» деб тамомлайди ва ширин ҳислар таъсири остида: «оҳ, тезроқ қоронғи туша қолса эди!» деб юборади.

Бундай муҳаббат, бундай ҳислар Кабановлар уйидаги шароитда яширин ва алдамчилик билан давом этолмайди. Катерина Борис билан ҳеч кимга сездирмай учрашишга қарор берган бўлса ҳам, лекин учрашган вақтларида Борис бизнинг гаплашиб турганлигимизни ҳеч ким билмайди, деганида, Катерина биринчи сафардаёқ муҳаббат алангасида унга мана бундай сўзларни айтади: «Менинг учун ташвиш тортма — бошқанинг гуноҳи керакмас, мен бу йўлга ўз ихтиёрим билан кирдим. Менга раҳминг келмасин! Майли, бу қилмишимдан ҳамма огоҳ бўлсин, ҳамма буни кўрсин... Сени деб гуноҳдан қўрқмаганимдан кейин, одамларнинг таънадашномларидан қўрқармидим?»

Чиндан ҳам у фақат, севиклимни кўролмай, у билан гаплашолмай қолармиканман, бу ёз кечаларида янги туғилган муҳаббат туйғуларини у билан ҳамдамлашолмай қолармиканман, деб қўрқади, холос. Эри қайтиб келди-ю, турмушида ҳаловат қолмади. Бунга қарши яширинча иш тутиш, ҳийла ишлатиш керак эди; аммо, у бундай қилишни хоҳламас ва қилолмас ҳам эди; яна аввалги кулфатли, ғамгин турмушга қайтиши керак бўлди,— бу эса энди унга аввалгидан ҳам кўра оғирроқ, кулфатлироқ кўринди. Бунинг устига минут сайин ўзидан ҳадиксирар, айтадиган ҳар бир сўзи учун қалтираб-титраб турар, [айниқса қайнанасидан, қола берса — қаттиқ виждон азобидан қўрқар] эди... Катерина бу аҳволга чидай олмади: туну кун хаёл суриб, ўйлаб юрди, қийналди, юраги қон бўлиб кетди, пировардида сабри тугаб, эски черковнинг галлереясида тўпланиб турган кишиларга эшитдириб, эри олдида гуноҳига иқрор бўлди. Шу аснода эрининг энг биринчи қўрқинчи — онасининг гапи эди. «Бас, бас, гапирма, онам шу ерда-я»,— деб пичирлади у довдираб. Аммо, онаси ҳамма гапни эшитиб турган эди, у поп олдида тавба-тазарру қилсин, дейди, шундан сўнг ўзича [ахлоқий хулоса] чиқариб: «бўш қўйиб беришнинг натижасини билдингми энди, ўглим?» дейди.

[Кабаниханинг бу сўзлари, албатта, соғлом фикрни бениҳоя қаттиқ ҳақоратлашдир. Аммо, «зулмат дунёси» шароитида соғлом фикрнинг сира қадр-қиммати йўқ: «гуноҳкор»га нисбатан соғлом фикрга тамомила зид бўлган, лекин] ўша ҳаётда оддий бир иш ҳисобланган чораларни кўрдилар: Тихон, онасининг сўзи билан, хотинини сал-пал урган бўлди, қайнана Катеринани уйга қамаб қўйиб, роса гажишга киришди... [Бечора аёлнинг] эрки ва тинчлиги тугади: илгари ҳар қалай унинг бетига чопмас, дакки-дашном бермас эдилар, ҳар қалай у ўзини бу одамлар олдида [тамомила] ҳақли ҳисоблай олар эди. Эндиликда ҳар қалай Катерина уларнинг олдида гуноҳкор бўлиб қолди, улар олдидаги бурчини поймол этди, онлаш ташвиш ва уятга қолдирди; энди улар, ҳар қанча қаттиқ гапирсак ҳам ҳақи-

миз бор, деб ҳисоблайдиган бўлиб қолдилар. Катеринанинг нима чораси бор энди? Бунинг бир чораси — эркинликка чиқаман деб шу аҳволга тушиб қолганига пушаймон бўлиш, жаннатдай бор-бўстонлар тўғрисидаги ширин хаёлларини унутиб юборгани сингари, муҳаббат ва бахт тўғрисидаги орзуларидан ҳам воз кечиш, бўйин эгиш, эркин яшаш ниятидан қайтиб, қайнананинг измидан сира чиқмаслик, эрининг ожиз чўриси бўлиб қолиш ва ўз [талабларимга] эришаман деб яна ҳаракат қилмаслик эди... Бироқ, Катеринанинг характери бундай қилишга йўл бермайди: [рус ҳаёти вужудга келтираётган ва Катеринада ўз ифодасини топган янги тип,— оқибатсиз уриниб кўриш учун ва биринчи мағлубиятга учраши биланоқ ҳалок бўлиб кетиш учун яратилган эмас]. Йўқ, у энди аввалги турмушига қайтмайди: агар у ўз туйғуси, ўз эркининг [тамомила қонуний ва муқаддас равишда,] куппа-кундузи, бутун халойиқ олдида очиқдан-очиқ ҳузурроҳатини кўрмас экан, уни ўзи топган ва жуда қадрлаган янги орзусидан маҳрум қилар эканлар, у вақтда унга бунақа ҳаётда ҳеч нарса керак эмас ва бунақа ҳаётда яшашни ҳам истамайди. «Момақалдироқ»нинг бешинчи пардаси оддий, ўткир [ҳамда жамиятимиздаги ҳар бир инсофли кишининг ҳолатига ва қалбига жуда яқин бўлган] бу характернинг сўнгги энг кучли ифодасидир. Санъаткор ўз асаридаги қаҳрамон аёлнинг хислатларини ўз ичидан тўқиб чиқармабди, ҳатто уни қаҳрамонлик қилди деб ҳам кўрсатмабди, балки у, «гуноҳ» қилганига қадар бизнинг назаримизда қандай бўлган бўлса, «гуноҳи»дан кейин ҳам худди ана шундай оддий, соддадил аёл бўлиб қола беribди. Бешинчи пардада Катеринанинг фақат иккита монологи ва Борис билан сўзлашуви бор; аммо, булар жуда қисқа бўлса ҳам шу қадар кучли ва чуқур маъноли гапларки, буларга тўхталамиз десак, мақоламиз яна шунча узайиб кетишидан қўрқамиз. Бинобарин, бир неча оғиз гап билан қаноатлашишга ҳаракат қиламиз.

Катеринанинг монологларидан кўриниб турибдики, унинг хатти-ҳаракати ҳалигача ҳам мукаммал шаклга кирган эмас; у муайян мақсадларни белгилаб олмайди ва ўзининг табиий хислатларини сира йўқотмайди, чунки бирор қарорга келмоқ учун пухта мантиқий асосларга эга бўлиши керак эди, ҳолбуки назарий муҳокама қилиш учун зарур асослар унинг табиий майлларига тамомила зиддир. Шу сабабдан ҳам, у ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатиш ва характерининг мустаҳкамлигини исботлайдиган ҳикматли сўзларни айтиш у ёқда турсин, ҳатто, аксинча, ўз майлларига қарши боролмайдиган заиф бир аёл ҳолида кўринади ва ўз хатти-ҳаракатларида акс этган қаҳрамонликни маъқулламоқчи бўлади. Катерина ўлишга қарор беради, буни у гуноҳ иш деб қўрқсада, аммо гуноҳимни кечиришлари мумкин, чунки кулфатим зўр деб, бизни ҳам, ўзини ҳам ишонтирмоқчи бўлади. У

яшашни ва муҳаббат эгаси бўлишни истарди; аммо, у биладики, бу иш жиноят ҳисобланади, шу сабабдан ўзини оқламоқчи бўлиб: «нима ҳам қилдим энди, барибир, юрагим пора бўлган!» дейди. У ҳеч кимдан хафа эмас, ҳеч кимни айбламайди, ҳатто бунақа фикрни хаёлига ҳам келтирмайди; аксинча ўзини ҳамма олдида гуноҳкор ҳисоблайди, ҳатто Борисдан, сен мендан хафа эмасмисан, менга лаънат ўқимайсанми, деб сўрайди... Унда ғазаб ва нафратдан асар ҳам йўқ, бундай кайфият ноумид бўлганларидан кейин ёруғ дунё билан ўз ҳолларича хайрлашган қаҳрамонлардагина бўлади. Катерина ёруғ дунёда ортиқ тура олмайди, энди у яшай олмайди, вассалом; юраги тўлиб-тошиб кетган Катерина мана бундай дейди: «етар, шунча азоб чеккanларим... Е ҳали бу чеккан азобларим озми? Энди мен дунёда яшаб ҳам нима қилдим,— нима қилдим? Энди менга ҳеч нарса керакмас, ҳеч нарса, ҳеч нарсага кўнглим йўқ, бу ёруғ дунёдан ҳам бездим, оҳ, ажал тезроқ кела қолса эди. [Ўлимни чақирганинг сайин, у сендан нари қочади-я.] Нимани кўрмайин, нимани эшитмайин, фақат мана шу срим [юрагини кўрсатиб] ачишади». Катерина қабр тўғрисида ўйлаганида, енгил тортиб кетади,— кўнгли ором олгандай бўлади. «Қандай тинч, қандай яхши... Дунёдан безdим... Яна шу дунёда тураманми?.. Йўқ, йўқ, бас энди... турмайман. Одамлар ҳам, уй ҳам, ҳатто деворлар ҳам кўзимга балодай кўринаяпти! Уйга бормайман! Йўқ, йўқ, бормайман... Қайтиб борганинг билан яна ўша юриш, ўша туриш бўлади,— зормanda қолсин!..» Катерина дунёда яна азоб-уқубатлар тортишини ўйлаб, ниҳоят даражада изтироб чекади ва алаҳсираётгандек бўлади. Уйда кечирган қора кунлари сўнгги дақиқаларда айниқса жонли бир тарзда бир-бир кўз олдидан ўтади. «Ҳозир тутиб олишиб, зўрлаб уйга судраб кетишса нима қиламан!.. Тезроқ бўл, тезроқ...» деб қичқириб юборади. Шу билан иш тамом бўлади: у энди [бағри тош] қайнана зулмидан қутулади, ланж ва қўланса эрининг дийдорини кўрмайди, тутқунликда ҳасрат тортмайди. [У озод бўлади!..]

Унинг бу тахлитда озод бўлиши оғир ва фожиалидир; лекин бошқача иложи ҳам йўқ эди-да. [Яхши ҳамки, бу бечора аёл шундай оғир ишга журъат қила олди. Катерина характерининг ўткирлиги ана шундадир, шу сабабдан ҳам, юқорида айтганимиздек, «Момақалдироқ» кишиларнинг руҳини янгилайди.] Катерина [ўз золимларидан] бошқача йўл билан қутулганида эди, ёки бўлмаса унинг атроф-теварагидаги [золимлар] инсофга келиб, ўз-ўзидан ўзгариб, Катеринани ўзлари билан ва ҳаёт билан дўстлаштириб юборсалар эди, шубҳасиз, яхши бўлган [бўлар] эди. Лекин, унисн ҳам, бунисн ҳам — амалга ошмайдиган гап. Кабанова ўз суягига сингиб кетган ва бутун умри бўйи амал қилиб келган қоидалардан кечиб юборолмайди; унинг иродасиз ўғли томдан

тараша тушгандек тўсатдан иродали ва мустақил кишига айланиб, кампирнинг тутуриқсиз ўгит-насиҳатларидан бош товлаб кетолмайди; Катерина атрофини ўраб турган шароит тўсатдан ўзгариб, ёш бир аёлнинг ҳаётини лаззатли қилиб юборолмайди. Нари борса, улар фақат Катеринанинг гуноҳидан кечишлари, [унинг остонадан ташқари чиқмай ҳасрат чекишини бир мунча енгиллаштиришлари, унга бир неча оғиз яхши сўз айтишлари, хўжалик ишларида баъзан унга мурожаат қилганларида ўз фикрини айтишига рухсат этишларигина мумкин.] Унинг ўрнида бошқа бир ғариб заиф аёл бўлганида эди, [ва Кабановлар зўравонлиги тўла ҳукмронлик қилган давр бошқа бўлиб, соғлом фикрга ва ҳар қандай ҳуқуққа разилона нафрат билдириши учун бунчалик сабаблар бўлмаганида эди], мана шу енгилликларнинг ўзи ҳам кифоя қилган бўлиши эҳтимол эди. Аммо, биз кўрамизки, Катерина ўзидаги инсоний табиатини маҳв этмаган ва у, ўз ҳолатига кўра, ташқи жиҳатдангина зўравонликка асосланган истибдод остида тургандай кўринади; аслида эса, у зўравонликка асосланган ҳаётнинг тамомила яроқсизлигини қалбан [ва фикран] сезиб турибди. [Зўравонликка асосланган ҳаётнинг маъносизлиги яна шу билан ҳам кучаймоқдаки, қаршиликка дуч келаётган ва уни енгишга қурби етмаётган Дикойлар ва Кабановалар ўз сўзларини ўтказмоқ учун тўғридан-тўғри логикага қарши бормоқдалар, яъни кўпчилик кишилар олдида ўзларини аҳмоқ қилиб қўймоқдалар]. Ўз-ўзидан маълумки, мана шу шароитда Катерина [зўравонларнинг] ўзларича олижаноблик кўрсатиб, авф этишлари билан [ва оилада унинг аввалги ҳуқуқларини қайтариб беришлари билан] қаноатлана олмайди: Кабанованинг раҳм-шафқати нимадан иборат эканлигини ва бунақа қайнана билан турган келиннинг аҳволи нима кечишини у билади... [Йўқ, Катеринага уларнинг бирмунча йўл қўйишлари ва енгиллик беришлари эмас, балки шу нарса керак эдики, қайнана, эри, атроф-теваракдаги ҳамма кишилар Катеринанинг қалбидаги жонли майлларни қондира оладиган бўлишлари, унинг табиий талабларини қонуний деб ҳисоблашлари, унга нисбатан зўравонлик қилиш ҳуқуқларидан тамомила воз кечишлари ҳамда унинг муҳаббат ва ишончига муносиб даражада ўзгаришлари лозим эди. Уларнинг бу даражада ўзгаришлари имкониятдан ташқари эканлиги тўғрисида гапириб туришнинг ҳам ҳожати йўқ...]

Бошқача чора кўриш, яъни уйдагиларнинг зулм ва ситамларидан қутулиш учун Борис билан бирга қочиб кетиш имконияти ҳам унча йўқ эмас. [Расмий қонуннинг қаттиқлигига қарамай, дағал зўравонликнинг шиддатига қарамай,] бундай йўл тутиш айниқса Катерина сингари характерлар учун аслида мумкин бўлмайдиган иш эмас. У бундай қилишдан қайтмайди ҳам, чунки у, ўлишни мақсад қилиб олган хаёлий

қаҳрамон эмас. Борис билан учрашиш учун уйдан қочиб кетган Катерина ўлим тўғрисида ўйлаётган бўлса-да, аммо, қочиб кетишга рози эди: у, Бориснинг узоқ Сибирга жўнаб кетаётганлигини эшитиб қолгач, сира ҳовлиқмасдан, унга қараб: «Мени ҳам бирга олиб кет» дейди. Аммо, кишиларни [биз айтган «зулмат» гирдобида] сақлаб турган нарса шу минутда дангал кўриниб қолади. Бу нарса — моддий жиҳатдан бировга қарам бўлишдир. Бориснинг ҳеч нарсаси йўқ, у ҳар жиҳатдан ўз амакиси — Дикойнинг қўлига қараб қолган; Дикой билан Кабановалар уни Кяхтага жўнатиш маслаҳатини қилдилар ва, турган гап, унинг Катеринани ўзи билан бирга олиб кетишига йўл бермайдилар. Ана шуни билган Борис Катеринага мана бундай жавоб қайтаради: «иложи йўқ, Катя; мен ўз ихтиёрим билан кетаётганим йўқ, амаким жўнатяпти, отлар ҳам тайёр бўлди, жўнаш керак» ва ҳоказо. Борис — қаҳрамон эмас, у, Катеринадан кўп даражада паст туради. Катеринанинг уни яхши кўриб қолганлигининг сабаби ҳам бу ерда тузукроқ кишиларнинг йўқлиги эди. Борис «билим» олган-у, лекин на эскиликдан қутулган, на қалби буюрганни қилади ва на тўғри йўл тополган. Унинг ўз амакисиникида туришига сабаб шуки, амакиси унга ва унинг сингласига бувиларидан қолган мероснинг бир қисмини бериши лозим экан, «лекин, меросни олиш учун булар амакисининг иззат-ҳурматини жойига қўйишлари керак экан». Борис яхши биладики, Дикой ҳеч қачон ундан мамнун бўлмайди ва бинобарин, унга ҳеч нарса бермайди; Борис яна мана бундай деб ўйлайди: «аввало у қўлидан келганча бизни хўп ҳақорат қилади, шундай қиладики, охири ҳеч нарса бермайди, борди-ю, берса ҳам иримигагина беради. Шуни ҳам бермаслик керак эди-ю, раҳмим келгандан бердим, деб мақтанади кейин». Ана шунга қарамай, у, амакисиникида юра беради ва унинг ҳақоратларига чидай беради; нега?— маълум эмас. Биринчи учрашиш вақтида Катерина, бу қилаётган ишимнинг жабрини тортаман, деганида Борис унинг сўзини бўлиб: «шундай ширин бир дақиқада бунақа гапнинг нима ҳожати бор» дейди. Энг сўнгги учрашганларида эса, афсусланиб, мана бундай дейди: «ким билибди, дейсан, муҳаббатимиз учун бу қадар азоб-уқубатлар тортишимизни! Аслида ўша вақтда қочсам бўлар экан!». Хуллас, бу одам кўнглидагини амалга оширолмайдиган ва нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмайдиган кўп одамларнинг биттасидир. Буларнинг типи беллитристкамизда кўп марта акс эттирилди: бу асарларнинг бир қисмида уларга жуда ҳам раҳм-шафқат кўрсатилган бўлса, бир қисмида ортиқ даражада нафрат билдирилди. Островский эса ўзига хос маҳорат билан, уларни бизга табиий ҳолатида тасвирлайди ва икки-уч хусусиятини олиб туриб, уларнинг, гарчи оз-моз одамгарчиликлари бўлса ҳам, сира аҳамиятсиз кишилар эканлигини кўрсатиб беради. Бо-

рис тўғрисида гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ; у ҳам пьеса қаҳрамони Катерина дуч келган *вазиятнинг* намояндаларидан бири деб ҳисобланиши лозим. У, Катеринанинг ҳолатини муқаррар қилиб қўйган сабабларнинг биридир. Унинг ўрнида бошқа одам бўлиб, у одамнинг турмуши ҳам бошқача бўлганида эди — у вақтда Катеринанинг ўзини сувга улоқтириб ҳалок бўлишига эҳтиёж қолмас эди. [Аммо, гап шундаки, Дикойлар ва Кабановалар ҳукмрон бўлган муҳит Тихон ва Борисга ўхшаганларни, яъни очилолмайдиган ва ҳатто Катерина сингари характерлар билан яқин муносабатда бўлган тақдирда ҳам ўзининг инсоний фазилатларига эга бўлолмайдиган одамларни етиштиради.] Биз юқорида Тихон ҳақида бир неча оғиз сўз айтган эдик; Борис ҳам аслда худди ана шундай дарди-бедаво одам, фақат у «илм-маърифатли». Тўғри, илм Борисни бировга ёмонлик қилиш қобилиятидан маҳрум қилиб қўйган; лекин бошқаларнинг ёвузлигига қаршилик кўрсатадиган куч ато қилмаган; илм, ҳаттоки ҳар қадамда учраб турган қабиҳ ишлардан четда тура билиш қобилиятини ҳам туғдира олмаган. У бошқаларнинг ёвузликларига қарши чиқиш у ёқда турсин, балки бу ёвузликларга бўйсуниб, уларнинг ёвузликларига ноилож шерик бўлиб кетади ва бундан чиқадиган оқибатларга чидашга мажбур бўлади. Аммо, у ўзининг қандай аҳволда эканлигини тушунади, бу тўғрида фикр ҳам юритади ва кишининг фикрида, кўнглида нима бўлса, шуни амалга ошириши керак деб ўзларига қиёс қилиб ўйлайдиган ҳақиқий ва мустаҳкам натураларни кўпинча, биринчи сафарда, алдашдан ҳам тоймайди. [Бундай ҳақиқий натуралар ҳаётдаги ғам-ғуссалардан ўзини олиб қочадиган «ўқимишли» жафокашларга ўз нуқтаи назарларидан қараб: «мени ҳам бирга олиб кет, айтган томонингга бора бераман» дейдилар. Аммо, жафокашларнинг ожизлиги мана шу жойда маълум бўлиб қолади; улар оқибати нима бўлишини билмаган эдик, дейдилар, ўзларига лаънат ўқийдилар, жон деяр эдик-ку, лекин иложи йўқ, ихтиёримиз ўзимизда эмас, дейдилар ва энг муҳими — улар қип-қизил камбағал, улар ҳам Дикойдан эл қатори қутулмоқчи бўладилару, лекин кун кўриш учун яна ўша Дикойга хизмат қилишга мажбурлар...]

Уларни мақташ ҳам, сўкиш ҳам фойдасиз, [лекин, масаланинг амалий жиҳатига эътибор бериш керак;] шуни айтиш керакки, амакисидан мерос тегишини кутаётган кишининг шу амакисига қарамликдан чиқиб, ундан юз ўгириб кетиши қийин гап, [ва «билимдонлиги» ошиб-тошиб кетган, аммо, мерос олиш ниятида юрган бунақа жиянлардан унча умидвор бўлмаса ҳам бўлади. Бунга ким айбли эканини билмоқчи бўлсак, жиянлардан кўра кўпроқ амакилари, ёки тўғрисини айтганда, мерос айбли бўлиб чиқади].

[«Зулмат дунёси» ҳукмрон шароитда зўравонлар кучининг асосий таянчи бўлган] моддий қарамликнинг қандай ўрин

тутганлиги тўғрисида аввалги мақолаларимизда муфассал гапириб ўтган эдик. [Шу туфайли,] «Момақалдироқ»да Катеринанинг ҳалокати қатъиян зарур бўлганлигини, демак, шу аҳволда қолган тақдирда, бу равишда ҳалок бўлишга тайёр турадиган характер қатъиян зарурлигини кўрсатиш учунгина уни эслатиб ўтаётирмиз.

[Бу тариқа ҳалок бўлиш қувонтирарли ҳол бўлганлигини юқорида айтган эдик; бунинг сабабини аңглаш қийин эмас: бу равишда ҳалок бўлиш зўравонларнинг ҳукмронлигини таҳлика остида қолдирди, унинг давом этиши мумкин эмаслигини, зулм ва маҳв этишга асосланган зўравонлар ҳукмронлигига чидаб туриш мумкин эмаслигини кўрсатди]. Катеринада Кабановларнинг ахлоқ тўғрисидаги тушунчаларига қарши норозиликнинг акс этганлигини кўрамиз. Уйдаги азоб-уқубатлар вақтида ва шунингдек бу бечора аёл ўзини чуқур дарёга ташлаши олдидан билдирилган бу норозилик охирига етказилади. Катерина ўз табиий майлларининг поймол этилишини, хўрликда яшашни хоҳламайди. [Унинг ҳалокати — вавилонликлар асирининг ашуласини эслатади: бизга сионча ашулалар чалиб ва айтиб беринг из,— деганлар яҳудийларнинг голиблари; аммо, алам пайғамбари ҳозир бўлиб, ватаннинг муқаддас ашулаларини қулликда айтмангиз, золимларнинг айши учун созни қўлга олиб, сионча ашула айтмоқчи бўлганларнинг тили бўғзига ёпишсин, қўллари тош бўлиб қотиб қолсин, деб дуо-йибад қилган. Бу ашуладан ниҳоят даражада умидсизлик аңқиб турганига қарамай, у юксак, мардонаворлик руҳини туғдирган; уни эшитар экансан, яҳудий халқи бутунлай ва ҳар доим ана шундай руҳ билан сугорилганида эди, у маҳв бўлиб кетмаган бўлар эди, деб ўйлайсан...].

Ҳар қандай баландпарвоз мулоҳазалар юритмай, инсонларча ўйлаганда ҳам, Катеринанинг бошқа илож тополмаганидан кейин [ўлиб қутулишининг ўзи ҳам] қувонарлидир. Чунки «зулмат дунёси»да яшаш ўлимдан ҳам бадтар эканлигини драмадаги фожиалардан кўриб турамиз. Тихон сувдан олиб чиқилган хотинининг жасади устига ўзини ташлаб, беҳушланиб: «энди сен роҳатдасан, Катя! Мен нега тирик қолдим, бу дунёда азоб чекиб ўтиш учунми!» деб ҳўнграйди. Пьеса мана шундай хитоб билан тамом бўлади ва унинг шу тариқа тамомланиши ниҳоят даражада таъсирли ва ҳаққоний чиққан, пьесанинг тамом бўлиши учун бундан ҳам кўра кучли ва таъсирли сўзларни топиш мумкин эмас. Тихоннинг сўзлари пьесанинг моҳиятини англамасдан турган кишиларнинг ҳам уни тушуниб олишларига ёрдам беради; унинг сўзлари томошабинни муҳаббат оқибати тўғрисида эмас, балки [тирик кишиларнинг ўлганларга ва ҳатто ўз-ўзини ўлдирганларга ҳаваси келаётган] мана шу ҳаёт тўғрисида ўйлашга мажбур қилади! Аслида Тихоннинг бундай хитоб қилиши тентакликдир: агар у жонидан тўйган бўлса, Волга

яқин, бориб ташлай бермайдими? Аммо, бутун бало шундаки, у [ўзи учун бахт ва нажот деб билган ишни ҳам заррача бўлсин амалга оширолмайди. Бу қадар маънавий чириганлик, кишининг бу қадар маҳв бўлганлиги бизга ҳар қандай ва энг оғир фожиадан кўра ҳам қаттиқ таъсир этади: фожиа юз берганида киши ҳалок бўлади, азоблардан қутулади, кўпинча жирканч ишларнинг аянч қуроли бўлиб хизмат қилишдан халос бўлади; Тихоннинг кунига қолган киши эса, мудом эзилади, ғариб ва тирик мурда бўлиб қолади, йиллар давомида тириклайин чирийди... ўйлаб қарасангиз, Дикой ва Кабановалар ҳукмрон шароитда чиритган бунақа тирик мурдаларнинг сон-саноғи йўқ! Уларнинг бу разилликдан қутулишларини орзу қилмаслик асло мумкин эмас! Аммо, чирик ҳаётни узил-кесил бартараф қилишга журъат этган соғлом шахс эса, бизга қувончли, янги ҳаётдан дарак беради!..].

Шу билан мақоламизни тамомлаймиз. Биз кўп нарсалар устида, чунончи — тунги учрашув тўғрисида, пьесада каттагина ўрин тутган Кулигиннинг кимлиги ҳақида, Варвара билан Кудряш устида, Дикой билан Кабанова суҳбати ва бошқа ва бошқалар тўғрисида тўхталмадик. Бунга сабаб шуки, биз пьесанинг умумий маъносини кўрсатиб беришнигина мақсад қилиб олган эдик. Шунинг орқасида ҳамма тафсилотларгача таҳлил қилиб ўтирмадик. Адабий судьяларимиз яна норози бўлиб, пьесанинг бадиий қиммати етарли даражада белгилаб ва аниқлаб берилмаган, энг яхши ўринлари кўрсатилмаган, иккинчи даражадаги ва асосий характерлар бир-биридан ажратилмаган, [қола берса — санъат яна ёт ғоянинг қуроли қилинган] деб айтарлар!.. Бу гапларнинг ҳаммаси бизга маълум ва буларга берадиган жавобимиз битта: [китобхонларнинг ўзлари (улар «Момақалдироқ»ни ўқиган ёки кўрган бўлишлари керак) ўйлаб кўрсинлар: *биз баён қилган ғоянинг «Момақалдироқ»қа тўғри келмаслиги*, унга зўрма-зўраки ёпиштирилганлиги ҳақидаги *фикр тўғрими, ёки бу ғоя ҳақиқатда пьесанинг ўзига асосланган*, унинг моҳиятини ифодалаб, унинг бевосита маъносини таърифлаб беради, деб ҳисоблайсизми?.. Агар биз янглишган бўлсак, буни бизга исботлаб берсинлар, пьесага кўпроқ мос келадиган бошқача маънони баён қилсинлар. Агар бизнинг фикрларимиз пьесага тўғри келса, у вақтда яна бир саволга жавоб беришни сўраймиз: *рус жонли натураси Катеринада аниқ ифодаланганми, рус шароити ҳар жиҳатдан тўғри акс этдирилганми, рус ҳаётида вужудга келаётган ҳаракатнинг зарурлиги пьеса мазмунида тўғри берилганми, биз пьесанинг мазмунини тўғри тушунганмизми?* Агар «йўқ», десалар, агар китобхонлар бундан ўзларига таниш, қалбларига ва кундалик эҳтиёжларига яқин ҳеч нарса тополмасалар, у ҳолда, турган гап, бизнинг меҳнатимиз зое кетган бўлади, агар бизнинг фикрларимизни «тўғри» деб топсалар,] агар китобхонлар бизнинг айтганларимизга зеҳн югуртириб, санъаткор ростдан ҳам «Момақалдироқ»да рус ҳаётини ва рус кучини [қатъий курашга даъват этган деб ҳисобласалар ва улар бу курашнинг қонунийлигини ҳамда муҳимлигини сезсалар], у вақтда олимларимиз ва адабий ҳакамларимиз нима десалар ҳам розимиз.

ЭЗИЛГАН КИШИЛАР

Ф. М. Достоевский асарлари. Икки том. Москва, 1860. *«Хўрланганлар ва таҳқирланганлар».* Ф. М. Достоевскийнинг 4 қисмдан иборат романи, «Время», 1861, № I—VII.

I

«Яна эзилган шахслар тўғрисида! «Зулмат дунёси»да улар тўғрисида айтилган гаплар етмасмиди, «Современник»нинг ўз танқидий бўлимида улар тўғрисида ёза бериб умуман жонга текканлиги етмасмиди! Вой ажабо, кишининг миясига бир расво фикр келса-ю, бадиий танқид иши рус жамияти тўғрисидаги касалнамога айлантириб юборилса[1]... Мана лоақал энди навбатда санъат учун ғоят муҳим бир масала турибди, бу масала адабиётимизнинг энг ажойиб арбобларидан бирининг ижодий талантининг моҳияти ва даражаси тўғрисидаги масаладир; бу масала айниқса шунинг учун мароқлики, бу адабиёт арбоби тўғрисида ўн беш йил давомида жуда хилма-хил фикрлар айтиб келинди. «Бечора кишилар»нинг пайдо бўлишини Гоголнинг муҳиби бўлган бутун адабий партия жуда шод-хуррамлик билан кутиб олди; Белинский очиқдан очиқ айтган эдики, Лермонтов кўп жиҳатдан Пушкиндан миннатдор бўлгани сингари, гарчи жаноб Достоевский ҳам кўп жиҳатдан Гоголдан миннатдор бўлсада, лекин Достоевский аслини олганда асло Гоголнинг тақлидчиси эмас, балки ўзига мустақил талантдир ва ғоят зўр талантдир. Белинский қўшимча қилиб яна шундай деган эдики, рус ёзувчиларидан ҳеч бири ҳали ишни Достоевский бошлагани сингари бошлаган эмас. Бугина эмас,— Белинский бу тариқа башорат қилган эди: «Жаноб Достоевскийнинг таланти шундай талантлар даражасига киradики, бундай талантларни бирдан пайқаб бўлмайди ва улар бирдан манзур бўлмайди. У фаолият кўрсатаётган майдонда кўп талантлар пайдо бўлади ва бу талантларни унга қарама-қарши қилиб қўядилар, лекин бу иш пироварди шу билан тамом бўладики, Достоевский ўз шуҳратининг худди энг авжига чиққан вақтида бу талантларни унутиб юборадилар» («Отечественные записки», 1846, № III, 20 бет). Бу сўзлар шундай бир вақтда

ёзилган эдики, бу вақтда Соллогуб, Луганский, Гребенка ва шу сингари жанобларнинг повестлари ҳали қўлдан-қўлга ўтиб юрган эди; жаноб Гончаров у вақтда ўзининг «Оддий воқиаси» билан ҳали майдонга чиқмаган эди; Тургенев билан Григорович жанобларн эндигина бир неча кичик ҳикоя бостириб чиқарган эдилар; кейинчалик шуҳрат қозонган Островский, Писемский, Толстой ва бошқа ёзувчилардан ҳали ном-нишон йўқ эди. Шундан буён яна уч йил ўтди: янги ёзувчилар пайдо бўлиб, улар ҳурмат ва шуҳрат қозона борди; жаноб Достоевский ҳамон ёзмоқда эди, аммо унинг янги асарларидан ҳеч бири унинг биринчи повести билан тенглаша олмас эди; 1849 йилнинг ўрталарида унинг адабий фаолияти тўхтаб қолди, лекин адабиёт бунга унчалик афсусланмади[2]. Агар жаноб Достоевский ўн йил сукут қилиб турган чоғида уни баъзан эсласалар-да, фақат ўз содда дилликларидан кулмоқ учун, яъни биринчи повести учун уни гений даражасига кўтариб юборганликларини масхара қилиб кулмоқ учун эслар эдилар ва ҳамманинг унга қойил қолганлиги уни ҳаддан ташқари манманлик даражасига етказганлиги тўғрисида сўзлар эдилар. Лекин, бундан икки йил илгари жаноб Достоевский адабиётда янгидан кўринди, аммо энди унинг номи сўнгги ўн йил ичида рус адабиёти уфқида чарақлаб турган янги юлдузлар олдида жуда нурсиз бўлиб кўринар эди. Шу икки йил ичида у тўртта катта асар бостириб чиқарди, бироқ бу асарлар тўғрисида ҳали танқиднинг холисона ҳукми айтилгани йўқ. Худди мана энди танқидчининг олдида жаноб Достоевскийнинг таланти қанчалик ривожланганлигини ва ўсиб улғайганлигини, Белинскийнинг танқиди у вақтда ҳали назарда тутиши мумкин бўлмаган янги ёзувчиларга нисбатан унинг эстетик хусусиятлари нималардан иборат эканлигини, унинг янги асарлари қандай камчиликлар ва гўзалликлари билан ажралиб туришини ва бу асарлари уни Гончаров, Тургенев, Григорович, Толстой жанобларн ва бошқа ёзувчилар қаторида ҳақиқатан қандай ўринга қўйишини аниқлаш вазифаси турибди. Танқидчи олдида адабиётимиз тарихи учун ғоятда муҳим бўлган бадиий масала турибди,— у эса эзилган кишилар тўғрисида, ҳатто мутлақо эстетик бўлмаган мавзу тўғрисида баҳс қилмоқчи бўлади».

Ҳар сафар мен танқидий мақола ёза бошлаганимда теварак-атрофимдан ана шу хилдаги талаблар ва нидолар ёғила беради. Бир танқидчининг фикрига кўра, менинг улардан қутулишим учун бундай муҳим масалаларни ҳал қилишга кучим етмайди, деб очиқдан-очиқ эътироф қилишдан бошқа илложим йўқ эмиш. Хўп, майли, мен шундай деб эътироф қилишга ҳатто тайёрман; лекин бу ахир, биринчидан, нафсониятга қаттиқ тегади-ку, иккинчидан эса, хўш, нега мен ўзимга ўзим туҳмат қилишим керак? Маълумки, танқид санъат-

ининг абадий қонунларини хусусий асарга татбиқ этишга хизмат қилмоғи, авторнинг фазилатларини ва камчиликларини худди ойнадай равшан қилиб кўрсатиб бермоғи, унга тўғри йўлни кўрсатмоғи, китобхонларга эса улар қойил қолиб завқланиши керак бўлган ёки керак бўлмаган ўринларни кўрсатиб бермоғи лозим. Ҳақиқий танқид шундай бўлмоғи керак-ку, ахир? Тўғри, аммо шуни билингки, қандай қилиб бой ва бахтли бўлмоқ керак ёки қандай қилиб хотинларнинг муҳаббатини қозонмоқ керак, деган назарияни аниқ татбиқ қилиш мумкин бўлмаганидек, соф танқид назариясини ҳам аниқ татбиқ қилиб бўлмайди. Агарда бундай назария хотинларга ёқиш учун ҳамма имкониятларга эга бўлган кишига тўғри келиб қолса, агарда бойлик ва бахтиёрлик назарияси муроса-мадора билан, пухта иш кўрадиган батартиб ва эпчил кишига тўғри келиб қолса,— аҳвол шунга ўхшаб кўриниши мумкин: ундай кишида уни китобий назария принципларига яқинлаштирадиган бахт ва бойлик учун шарт-шароит мавжуд бўлади. Хўш, «бахт ва бойлик қўлланмаси» деган шаклда тақдим қилинаётган ва «тежаб-тергаб иш кўр», «ҳеч қачон ўз эҳтиросларингга эрк берма», «озига қаноат қил», «кимга қарам бўлсанг, ўшанинг дашном ва ҳақоратларига чида» ва ҳоказо ва шу кабилардан иборат бўлган ахлоқ қоидаси борди-ю қизиққон, исрофгар, беором кишига татбиқ қилинганда-чи? У вақтда бахт назариясини ўрганишнинг ҳожати ҳам қолмайди-ку; худди шунингдек у вақтда тортинчоқ ва башараси хунук чол кишининг «хотинларга ёқиш санъатини» ўрганиш билан шуғулланишига ҳожати қолмайди-ку, чунки унда сурбетлик, ёшлик ва кўркамлик биринчи ўринда туради; унда гўзалликнинг энг биринчи ўринда туриши тўғрисида сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Танқид ҳам худди шундай: агар борди-ю сизнинг қўлингизга идеал талабларга бир қадар яқинлашадиган, «умрбод ва бахтли асар» бўлиб қолишга унча-мунча умид бағишлайдиган, яъни қандайдир бошқа манфаатларга нисбатан эмас, балки ўзининг ички фазилати жиҳатидан бирор даражада ўзига хос, ажойиб асар тушиб қолса яхшику-я. У вақтда бундай асар билан эстетик нуқтаи назардан ҳам шуғулланиш мумкин, унинг бадиий жиҳатдан нозик томонларига ҳам кириб кетиш мумкин ва ундаги ҳамма майда-чуйда доғларни ҳам кўздан кечириб бориш мумкин. У вақтда бу иш ўз-ўзидан қолипга тушиб кета беради; бу ишни сиз беихтиёр туйғу билан қиласиз, шу туйғу билан сиз гўзал суратни яхшироқ ёритишга тиришасиз ва унга қўнган пашшани беихтиёр ҳайдашга ҳаракат қиласиз... Лекин, мақомдан адашмайдиган пианино чалувчини руҳлантирмоқ учун музикада энг паст овоз назариясини ривожлантириш ёки биринчи даражали тенгламани нотўғри ҳал қилган мактаб ўқувчисининг хатосини тузатиш учун математикада эҳтимоллик назариясини баён қилишга киришиб

кетиш нақадар кулгили бўлса, ҳозирги замон рус қиссачиларининг асарлари тўғрисида (жаноб Анненков ва унинг барча мухлислари мени кечирсинлар!) санъатнинг абадий қонунларидан сўз очиш, бадиий гўзаллик тўғрисида сўзлаш ҳам шу қадар кулгилидир.

«Ўз адабиёти»га муккаси билан кетган, ижтимоий ҳаётнинг бутун воқиаларини фақат журналнинг янги сони чиқишидан иборат деб биладиган кишиларга уларнинг чумоли ини ҳақиқатан гоят даражада муҳим бўлиб кўриниши турган гап. Санъатнинг фақат мавҳум назарияларинигина (зотан, бир вақтлар ўзининг ҳаётий аҳамиятига эга бўлган назарияларинигина) билган ҳолда ва жаноб Тургенев повестларини, масалан, жаноб Шишкиннинг повестлари билан ёки жаноб Гончаров романларини жаноб Карнович романлари билан солиштириб кўриш билан шуғулланган ҳолда, руҳан тўлқинланиб, бундай деб хитоб қилиш ҳеч гап эмас:

Фалон чумоли бешиҳоят кучли эди...[3]

Аммо ишонингки, фақат бекорчи кишиларгина бу чумоли атрофида ўралашиб, у ўзининг кучини қандай кўрсатишини соатлаб томоша қилиб туришлари мумкин. Кўпчилик кишиларнинг ўз касбкорлари бор, бинобарин агар улар, баъзан кучнинг намоён бўлишига қизиқиб қарамоқчи бўлганларида ҳам, бундай кучга асло қарамайдилар.

Мен бу ўринда ҳозирги замон рус беллетристикасида намоён бўлаётган кучнинг ҳажми тўғрисида сўзлашни истар эдим. Лекин, бу жуда узоққа олиб кетган бўлар эди... Яхшиси буни янаги сафарга қолдирамиз. Бу мавзу ҳеч вақт қочиб кетмайди. Хўш, энди жаноб Достоевскийнинг ўзига ва, асосан, унинг сўнгги романига мурожаат қиламан ва китобхонлардан: шундай асарни эстетик жиҳатдан текшириб чиқиш қизиқми ёки қизиқ эмасми?— деб сўрайман.

Жаноб Достоевскийнинг романи жуда яхши, у шу қадар яхшики, фақат шу романни завқ билан ўқидилар ва фақат уни жуда мақтаб сўзладилар деса бўлади... Жаноб Ахшарумовнинг «Бегона ном» деган романи унга рақобатчи бўлгандай эди, лекин, айтишларига қараганда, бу романнинг иккинчи қисми, Полевойнинг романлари сингари, жуда бемаза экан, шунинг учун китобхонлар бу романни ўқиб тамом қилмасдан ташлабдилар. Айтишларига қараганда, жаноб Потехиннинг «Камбағал дворянлари» ҳам «Хўрланганлар ва таҳқирланганлар»дан орқада қолиб кетибди[4]. Хуллас қилиб айтганда, жаноб Достоевскийнинг романи ҳозирга қадар бу йилги адабиётда энг яхши ҳодиса бўлиб қолмоқда. Хўш, бу романга жиддий бадиий танқид қоидасини татбиқ қилиб кўринг-чи!

Китобхонларимизнинг кўпчилик қисми «Хўрланганлар ва

таҳқирланганлар»нинг мазмунини билади, албатта. Шунинг учун мен романнинг асосий томонларини қисқача баён қилиб беришга ҳаракат қиламан.

Ҳикоя «омади келмаган адиб» Иван Петрович номидан қилинган. Романнинг қаҳрамони — князь Валковский. Иван Петрович помешчик Ихменев уйида тарбияланган; Ихменев ўз ер-мулкига ёндош бўлган князь Валковский ер-мулкини ҳам бошқаради. Валковский Ихменевга жуда ишонади ва ҳатто Петербургда айши-ишрат билан кун кечирган 19 ёшли ўғли Алёшани қишлоққа юборади ва уни назорат қилиб туришни Ихменевга топширади. Бироқ, бир йил ўтгандан кейин князь Валковский қишлоққа келади ва Ихменев билан уришиб қолади; уларнинг уришиб қолишига, Ихменев Алёшани йўлдан оздириб, уни ўзининг 17 ёшли қизи Наташага уйлантирмоқчи эмиш, деган миш-миш гаплар сабаб бўлади; Валковский князь Ихменевдан ер-мулкини бошқаришни қайтариб олади ва уни қарздор қилиб, ишини судга беради. Ихменев «иши орқасидан югуриш» учун Петербургга келади. Романнинг тугуши ана шундан бошланади.

Петербургда Ихменевлар Иван Иванович билан учрашадилар; Иван Петрович, албатта, Наташани жуда яхши кўриб қолади. Наташа ҳам Иван Петровичга кўнгил қўяди; улар ўзаро гапни очиқ қилиб келишадилар, қизнинг ота-онасининг розилигини ҳам оладилар; Наташанинг ота-онаси розилик берадилар-у, лекин то Иван Петрович бир мунча кўпроқ пул топгунча бир йил сабр қилишни маслаҳат кўрадилар. Лекин, шу орада Алёша ҳам отасидан яширинча Ихменевларникига келиб-кетиб юради; чол-кампир уни очиқ чеҳра билан қабул қилишади, чунки уларнинг назарида Алёша 21 ёшида ҳам мулойим ва мўмингина бўлиб кўринади. Алёша Наташани, Наташа Алёшани яхши кўриб қолади,— натижада бир куни кечқурун Наташа ота-онасининг уйидан қочиб Алёшаникига боради. Иван Петрович бу воқиаларнинг ҳаммасидан хабардор бўлади. Ҳар жиҳатдан уларга кўмаклашади, қиздан ота-онага, ота-онадан қизга хат-хабар келтириб туради ва ҳоказо. Лекин, тез орада унинг фаолияти иккига бўлинади: у ўз қўлида жон берган бир чолнинг хонасига кўчиб боради; чолнинг Нелли деган 13 ёшли қиз набираси унинг олдига келиб-кетиб юрган бўлади; Нелли бир кун бобосини кўрмоқ учун унинг уйига келиб, Иван Петровичга дуч келади ва бобосини топмасдан дарҳол қочиб кетади. Иван Петрович уни турадиган жойигача пойлаб боради ва бир бузуқ хотин Неллини бир фоҳишабозга сотмоқчи бўлиб турганда, уни қутқазиб олади ва ўз уйига олиб келади. Шу пайтдан бошлаб Иван Петрович Нелли билан Наташа, Наташа билан Нелли орасида тинмай югуриб, улардан хабар олиб туради. Шу орада князь Валковский ўғлининг Наташадан ажралмаслигини кўргач, ғалати бир чора ўйлаб топади: у Наташанинг олдига келиб, ўғлининг иштирокида, ундан Алёшага турмушга чиқишга розилигини сўрайди; ишнинг бундай ўнгланиб кетганидан ҳамма жуда хурсанд бўлади. Бироқ, дайди Алёша энди йўлини тўсиб турган бу муҳаббат тўсиғидан ҳам қутулиб, Наташадан кўнгли тамом тинчийди, бир неча кунлаб бедарак йўқолиб кетади, балма-бал юради ва отаси унаштириб қўйган янги қаллиги билан ҳеч тап тортмасдан танишиб топишади. Бир вақтлар Наташага қандай ошиқ-шайдо бўлган бўлса, бир неча кундан кейин, албатта, бу қизга ҳам шундай ошиқ-шайдо бўлади ва яна бир неча кун ўтгандан кейин бу қизни Наташадан ҳам ортиқроқ севиб қолганига ишонади. Князь отанинг мўлжали тўғри бўлиб чиқади; тезда Наташа ҳам бу ҳийлага тушунади ва ҳамма гапни князнинг юзига шартта-шартта айтиб солади. Князь хафа бўлади, аммо орадан бир неча кун ўтгач, Иван Петровичга жуда сурбетлик ва турли ҳақоратомуз сўзлар билан, бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб ўз режасини очиб ташлайди. Дарвоқе, князь Валковский Иван Петровичнинг уйига келгач, Неллини кўриб қолади; Нелли ундан жуда қўрқиб кетади ва касал бўлиб қолади. Иван Петрович яна ташвишга ботади: бунда Нелли касал ётибди, унда можаро бир ёқлик бўлай деб турибди; Алёшанинг отаси уни уйлантирмоқчи бўлади, келин бўладиган қиз Катя эса Наташа билан танишиб, ундан кечирим ва розилик сўрамоқчи бўлади; Наташанинг отаси қизининг бундай аҳволга тушганига қаттиқ тажанг бўлади ва дам қизини қарғайди, дам князни дуэлга чақирмоқчи бўлади; онаси учиб қизининг олдига бормоқчи бўлади, Наташанинг ўзи зўрга оёқда туради; ниҳоят, ҳаммаси жо-бажо бўлади; Алёша Катя ва унинг оиласи билан қишлоққа жўнаб кетади, Наташа ота-онасиникига боришга аҳд қилади. Наташанинг отасини жаҳлидан тушириш ва қизнинг гуноҳини кечиришга тайёрлаш учун кичкина Неллини ишга соладилар, уни ўз бошидан ўтган воқиаларни ёки, тўғриси, опасининг бошидан ўтган воқиаларни Наташанинг отасига ҳикоя қилиб беришга мажбур қиладилар. Воқиа шундан иборат бўладики, Неллининг онасини бир жаноб йўлдан оздиради, у, отасининг уйидан қочиб кетади, отаси қизини оқ қилади, сўнгра қизнинг хуштори унинг бутун нарсаларини ўғирлаб ташлаб кетади; қиз отасидан ёлбориб кечирим сўрайди, отаси унамайди; натижада у зах ертўлада сил касал бўлиб очликдан ўлади. Бу ҳикоя жуда қаттиқ таассурот қолдиради. Натижада Ихменев Наташанинг олдига боришга аҳд қилади. Лекин, боришнинг ҳеч кераги бўлмади: Наташанинг ўзи келиб қолади ва албатта, ота-онаси уни қучоқ ёзиб қарши олади. Шундан кейин Иван Петровичнинг ошнаси Маслобоев ёрдами билан сир очилади: Нелли князь Волковскийнинг қизи бўлиб чиқади: унинг она-

сини йўлдан оздирган худди шу князь экан ва ҳаттоки у Неллининг онасига қонуний равишда уйланган экан. Лекин, князни айбдор қиладиган қонуний далиллар топилмайди ва унга қарши ҳеч қандай чора кўриш мумкин бўлмайди. Алёша, албатта, Катяга уйланади. Шундай қилиб, хўрланганлар ва таҳқирланганлар қасос ололмасдан қоладилар. Сўнгра, орадан кўп ўтмай, Нелли ўлади; Наташа эса ота-онаси билан қайси бир вилоятга кетади; чол Ихменев бир амаллаб шу вилоятдан ўзига иш топган бўлади; у князь билан судлашиб юриб, охирида ўзининг сўнгги илинжи бўлган Ихменевка қишлоғидан ҳам ажралади.

Романда жонлантириб яхши тасвирланган томонлар жуда кўп; романнинг қаҳрамони гарчи мелодрама қаҳрамонига ўхшаб кетса ҳам баъзи ўринларда ёмон чиқмаган, кичкина Неллининг характери яхши тасвирланган, чол Ихменевнинг характери ҳам жуда жонлантириб, табиий равишда кўрсатилган. Ана шуларнинг ҳаммаси, яхши повестлар умуман кам бўлган ҳозирги вақтда, бу романга халойиққа манзур бўлиш ҳуқуқини беради. Лекин, шундай бўлса ҳам, булар ҳали унинг барча хусусий жиҳатларига умумий бадиий талабларни татбиқ этиш даражасига кўтармайди ва бу асарни эстетик жиҳатдан муфассал таҳлил қилиб чиқиш учун мавзу қилиб олиб бўлмайди.

Масалан, ҳеч бўлмаганда, автор қўллаган усулнинг ўзини олиб қаранг: Наташа билан Алёша ўртасидаги севги можаросини ва Наташанинг бу севги йўлида тортган кулфатларини бизга ўзи Наташага ошиқ-шайдо бўлиб қолган бир киши ҳикоя қилиб беради, лекин бу киши Наташанинг бахтиёр бўлиши учун ўз севгисини қурбон қилади. Мен шуни очиқ айтишим керакки, бутун бу жанобларнинг олий ҳиммат кўрсатиб, ўз қаллигининг хуштори билан ўпишиш ва унга югурдак бўлиш даражасигача бориб етишлари менга асло ёқмайди. Улар ё бир-бирларини асло севмаганлар ёки севганда ҳам дил билан эмас, тил билан севганлар; уларни фақат дил билан эмас, балки тил билан севишни севги деб билган кишиларгина адабиётда ўйлаб чиқара олган. Агарда ўз ишқ-муҳаббатларини қурбон қилган бу кишилар ҳақиқатан ҳам бир-бирларини севган бўлсалар, демак, уларнинг қалблари қовоқсимон, ҳис-туйғулари товуқсимон экан-да! Тағин бу кишиларни бизга ниманингдир юксак намунаси қилиб кўрсатиб ўтирибдилар! Хотиримиздаки, ўз ишқ-муҳаббатини қурбон қилишни биринчи марта шу хилда тўқиб чиқарган киши жаноб Тургенев эди[5]; жаноб Тургенев яқинда «Арафа» деган асарида бу тўқима севги воқиасини қайтадан такрорлади; аммо бу сафар у эҳтиёткорлик билан китобхонларга ишора қилиб, Берсеневнинг Инсаровга ёрдами керак бўлиб қолганда, Еленага бўлган туйғуларини ўзи ҳали равшан пайқамаган эди, демоқчи бўлади. Жаноб Достоевский ҳам бундай қаҳрамонни биринчи марта қаламга олаётгани йўқ; бундай қаҳрамонни биз «Оқ тунлар»даги хаёлпарастда ҳам кўрган эди. Лекин, унинг ҳозирги романига нисбатан у ҳазилакам бир нарса эди. Энди биз ақлли, олижаноб ва фикри тараққий қилган бир кишини кўриб турибмизки, бу киши ҳам худди шундай ўз севгисини қурбон қилиб, бу тўғрида бизга ҳикоя қилиб бериш хаёлига тушибди. Биз унинг кўрсатган маънавий жасоратига қандай қарамайлик, лекин уни ўз ҳикоясида кузатиб бориш биз учун мароқлидир. Романдаги хўрланганлар ва таҳқирланганлар ичида ҳаммадан кўпроқ хўрланган ва таҳқирлангани унинг ўзи бўлса керак; бу ҳақоратлар унинг кўнглида қандай дог қолдиради, у ўзининг ҳалок бўлаётган севгисини кўриб нечоғлик қийналади, васваса қилиб ўз қаллигини йўлдан оздириб олган ёш болага ёрдам кўрсатмоқчи бўлганида уни қандай фикр ва туйғулар чулғаб олади, унинг қалбида турли-туман шаклларга кирган муҳаббат, рашк, ғурур, азоб-уқубат, жирканиш, нафрат ҳислари бениҳоят туғён қилади, унинг қаллиги билан хуштори ўртасидаги алоқа узилишга яқин келганда унда қандай туйғу пайдо бўлади,— ана шуларнинг ҳаммасини таҳқирланган кишининг ўз тили билан яққол жонлантириб ҳикоя қилдириш — жасурона вазифадир ва бу вазифани қониқарли бажариш учун гоят катта талант бўлмоғи лозим. Эрнест Федо шундай вазифанинг ёлғиз бир қисмини тушунтиришга муваффақиятсиз уриниши билангина Европада донг чиқарди ва жуда кўп муҳиблар ортдирди[6]. Агар биз *бутун* вазифани яхши, поэтик тарзда ҳал қилишганини кўргашимизда нималар бўлар эди! Бундан ташқари, бадиий жиҳатдан бир бутун нарса ҳосил бўлган бўлар эди,— бизга характерларнинг бутун бир разряди, бир қанча маънавий ҳодисалар равшан кўринган бўлар эди; биз бу ювош — ўртача қаҳрамонлар ҳақида қандай фикр юргизишимизни ва уларнинг инсонпарварлик қилиб ўз шахси-нафсини қурбон қилишига қандай баҳо беришимизни билган бўлар эдик. Чунки биз ҳозир, масалан, Островскийнинг комедияларидан кейин рус хулқ-атворининг патриархал жиҳатдан кенг қулоч отганлигига қандай қарашимизни биламиз.

Жаноб Достоевский психологияга оид нозик томонларни тасвирлашга ишқибозлиги билан ном чиқарган. Унинг, чамаси, «Двойник» деган асари тўғрисида: «аслда бу повесть эмас, балки психология тасвироти» деган фикр ҳатто жуда машҳур бир анекдотнинг чиқишига сабаб бўлди. Бинобарин, жаноб Достоевский худди мен айтган идеяга ҳужум қилади, деб умид қилиш мумкин эди. У вақтда, албатта, бунинг бадиий ижроси тўғрисида сўзлаш ҳам мумкин бўлар эди. Ҳақиқатда эса романда сиз Иван Петровичнинг ички ҳолати озмоз тасвирлаб берилганинигина эмас, балки ҳатто авторнинг бу тўғрида ҳеч қандай ҳафсала қилмаганини кўрасиз. Аксин-

ча, севги, рашк дардига мубтало бўлиб азоб чекаётган кишининг ички дунёси очилиши мумкин бўлган ўринларнинг ҳаммасида автор ўзини айниқса четга тортади. Алёша Наташага ошиқлик изҳор қилиб уни ўзига оғдириб олган беш ойлик вақт тўғрисида беш сатр ҳам ёзилмаган. Алёшанинг Наташа билан ўтказган аввалги ярим йиллик ҳаёти деярли бутунлай изоҳсиз қолдирилган. Романдаги воқиалар бир ойча вақт давом қилади ва бунда Иван Петрович тинмай югурдаклик қилади ва шу орада, ниҳоят, у бир-икки марта ҳушдан кетади ва иситмалаб касал бўлиб ётишига сал қолади. Тамом — вассалом; унинг кўнглида қандай дардлари борлигини биз билмаймиз, ҳолбуки унинг аҳволи яхши эмаслигини биз кўриб турибмиз. Хуллас, биз ўз қаршимизда кўриб турган бу киши ошиқи-шайдо бўлган, ишқ-муҳаббат йўлида жонини фидо қилган, ўз маъшуқасининг янглиш йўлга кириб тортган азоб-уқубатларини, ўзининг юрак бағри эзилиб кечирган хўрликларини ва кўнглидаги муқаддас тилаклари ҳақорат қилинганлигини ҳикоя қилиб берувчи киши эмасдир; бизнинг қаршимизда турган киши маълум ҳикоя формасини олиб асар ёзишга беҳуда уринган ва бу форма унга қандай вазифалар юклашини яхшилаб ўйлаб кўрмаган автордир, холос. Шунинг учун ҳам ҳикоянинг оҳанги бутунлай сохта, ясама бўлиб чиққан; романда аслда иштирокчи шахс бўлиши лозим бўлган ҳикоячининг ўзи бизга қадимги замон трагедияларидаги бош қаҳрамоннинг қадрдон дўстидек бўлиб кўринади. Ўз ниятларини айтмоқ учун унинг олдига Наташанинг отаси келади. Наташанинг онаси қизининг ҳол-аҳволини сўраб билмоқ учун уни чақириб келишга одам юборади, унинг олдида юрагидаги ҳаяжонларини тўкмоқ учун Наташа уни чақиртириб келтиради; Алёша ўз муҳаббатини, дайдилигини ва пушаймонини изҳор этмоқ учун унга мурожаат қилади; Алёшанинг қаллиғи Катя Алёшанинг Наташага бўлган муҳаббати тўғрисида сўзлашмоқ учун у билан танишади; ўз характерини кўрсатмоқ учун унга Нелли дуч келади; Неллининг князга бўлган муносабатини суриштириб билмоқ ва айтиб бермоқ учун унга Маслобоев дуч келади; ниҳоят князнинг ўзи уни Борель ресторанига олиб боради ва Иван Петровичга ўз характерининг бутун қабиҳ ва жирканчлигини кўрсатмоқ учун ҳатто ресторанда ўтириб хўп ичади. Иван Петрович эса ҳамма гапни тинглаб, эшитганларини бирма-бир ёзиб боради. Унинг романдаги бутун иштироки ана шундан иборат.

Модомики ўзига тегишли энг муҳим иш тўғрисида бизга ҳикоя қилиб беришга киришган кишининг ўзи масалага шу тариқа муносабатда бўлар экан, бундай кишининг бошқа иштирокчиларнинг юрак сирларини бизга жуда чуқур билдира олишини кутиш мумкин эмас. Дарҳақиқат романдаги воқиалар калейдоскопдаги сингари ранг-баранг тусга кириб

кўз олдимиздан тез-тез ўта беради, бундай воқиаларни биз тасодифий равишда кўчада, меҳмонхонада ёки бошқа бир чортоқда кўришимиз мумкин эди ва бундай томоша вақтида бирон киши туриб, бизга фалон-фалон нарсаларнинг жилваланиб кўринишининг маъноси ва сабабини тушунтириб бериши мумкин эди. Романнинг тугуни, масалан, Наташанинг Алёшани севишига асосланади. Наташа ақлли, жиддий, хушахлоқ ва ҳатто ножўя ҳиссиётларга сира берилмайдиган қиз қилиб кўрсатилган. Алёша эса ёш бола, 21 ёшидаёқ сафлик йўлига кирган, шарм-ҳаёси йўқ, хулқ-атвори бузуқ; у қилиб юрган қабиҳ ишларидан сира уялмайди, аксинча, бу қабиҳ ишларини дарҳол ўзи айтиб беради; биламан, бундай қилиш ярамайди, дейди-ю, яна ўша қабиҳ ишни қилаверади. Ҳикоячи унинг гуноҳсизлигини мақтамоқчи бўлиб, жумладан, бундай дейди: «Алёша ёлғон гапира олмас эди, ёлғон гапирганда ҳам ёлғон гапнинг ёмонлигини асло ўйламас эди». Кўриб турибсизки, Алёша яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билмайдиган содда, дилбар ёш бола қилиб кўрсатилади. Ҳолбуки у 21 ёшга кирган, Петербург киборлар жамиятида тарбия олган ва бу жамиятда баъзи нарсаларни кўриб кўзи қотган ва бунинг устига князь Валковский каби отанинг ўғли бўлган бир кишидир. Ҳикоячи Алёшанинг характерини идеаллаштириб кўрсатар экан (олий ҳиммат рицарлар ўз рақиблари тўғрисида сўзлаганда, одатда шундай қиладилар), айтадики, у «бошқа бировнинг кучли таъсири остида ёмон ҳаракат қилиб қўйиши ҳам мумкин эди, лекин бундай ҳаракатнинг оқибати нима бўлишини билгач, тавба-пушаймондан ўзини еб адо қилган бўлар эди». Икки саҳифадан кейин эса уйидан қочиб келган Наташа билан Алёшанинг учрашув воқиаси баён қилинади. Иван Петрович Алёшани огоҳлантирмоқчи бўлади: сиз нима қилаётганингизни биласизми, дейди унга, қизнинг ота-онасини даҳшатли кулфатга солиб қўясизку ва ҳоказо... Алёша бундай деб жавоб беради: «Ҳақиқатан, бу даҳшат... Буни мен илгари ҳам айтган эдим... Хўш, энди нима қилмоқ керак? Ўзгартириб бўлмайди». Бунда ҳали ўзгартирадиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ эди. Бир қизни ота-онаси бағридан тортиб олган Алёша тавба-пушаймонда ўзини еб адо бўлмади, сўнгра Наташани ташлаб, Катяга уйланганида ҳам адо бўлмади... Хуллас қилиб айтганда, тасвиротга кўра, Алёша дилбар, дилкаш ёш бола бўлиб, фақат бир оз енгиллиги бор, холос; ҳақиқатда эса, у эрта бузилган, ўзига бино қўйган, ақлсиз боладир, унинг ҳеч қандай субути ва маслаги йўқ, ҳар қандай ёт таъсирга бир минутгина берилади-ю, лекин ҳамиша ўз ҳавойи-ҳаваси ва ҳиссиёти буюрганини қилади, аммо у ярамас қилиқларидан сира уялмайди. Унинг дилбарлиги нимадан иборатлигини, Наташа каби ақлли ва жиддий қизга унинг қандай қилиб таъсир кўрсата олганини айтиш қийин. Наташани ўз уйига олиб кетмоқ-

ча, севги, рашк дардига мубтало бўлиб азоб чекаётган кишининг ички дунёси очилиши мумкин бўлган ўринларнинг ҳаммасида автор ўзини айниқса четга тортади. Алёша Наташага ошиқлик изҳор қилиб уни ўзига оғдириб олган беш ойлик вақт тўғрисида беш сатр ҳам ёзилмаган. Алёшанинг Наташа билан ўтказган аввалги ярим йиллик ҳаёти деярли бутунлай изоҳсиз қолдирилган. Романдаги воқиалар бир ойча вақт давом қилади ва бунда Иван Петрович тинмай югурдаклик қилади ва шу орада, ниҳоят, у бир-икки марта ҳушдан кетади ва иситмалаб касал бўлиб ётишига сал қолади. Тамом — вассалом; унинг кўнглида қандай дардлари борлигини биз билмаймиз, ҳолбуки унинг аҳволи яхши эмаслигини биз кўриб турибмиз. Хуллас, биз ўз қаршимизда кўриб турган бу киши ошиқи-шайдо бўлган, ишқ-муҳаббат йўлида жонини фидо қилган, ўз маъшуқасининг янглиш йўлга кириб тортган азоб-уқубатларини, ўзининг юрак багрини эзилиб кечирган хўрликларини ва кўнглидаги муқаддас тилаклари ҳақорат қилинганлигини ҳикоя қилиб берувчи киши эмасдир; бизнинг қаршимизда турган киши маълум ҳикоя формасини олиб асар ёзишга беҳуда уринган ва бу форма унга қандай вазифалар юклашини яхшилаб ўйлаб кўрмаган автордир, холос. Шунинг учун ҳам ҳикоянинг оҳанги бутунлай сохта, ясама бўлиб чиққан; романда аслда иштирокчи шахс бўлиши лозим бўлган ҳикоячининг ўзи бизга қадимги замон трагедияларидаги бош қаҳрамоннинг қадрдон дўстидек бўлиб кўринади. Ўз ниятларини айтмоқ учун унинг олдига Наташанинг отаси келади. Наташанинг онаси қизининг ҳол-аҳволини сўраб билмоқ учун уни чақириб келишга одам юборади, унинг олдида юрагидаги ҳасратларини тўкмоқ учун Наташа уни чақиртириб келтиради; Алёша ўз муҳаббатини, дайдилигини ва пушаймонини изҳор этмоқ учун унга мурожаат қилади; Алёшанинг қаллиғи Катя Алёшанинг Наташага бўлган муҳаббати тўғрисида сўзлашмоқ учун у билан танишади; ўз характерини кўрсатмоқ учун унга Нелли дуч келади; Неллининг князга бўлган муносабатини суриштириб билмоқ ва айтиб бермоқ учун унга Маслобоев дуч келади; ниҳоят князнинг ўзи уни Борель ресторанига олиб боради ва Иван Петровичга ўз характерининг бутун қабиҳ ва жирканчлигини кўрсатмоқ учун ҳатто ресторанда ўтириб хўп ичади. Иван Петрович эса ҳамма гапни тинглаб, эшитганларини бирма-бир ёзиб боради. Унинг романдаги бутун иштироки ана шундан иборат.

Модомики ўзига тегишли энг муҳим иш тўғрисида бизга ҳикоя қилиб беришга киришган кишининг ўзи масалага шу тариқа муносабатда бўлар экан, бундай кишининг бошқа иштирокчиларнинг юрак сирларини бизга жуда чуқур билдира олишини кутиш мумкин эмас. Дарҳақиқат романдаги воқиалар калейдоскопдаги сингари ранг-баранг тусга кириб

кўз олдимиздан тез-тез ўта берадики, бундай воқиаларни биз тасодифий равишда кўчада, меҳмонхонада ёки бошқа бир чортоқда кўришимиз мумкин эди ва бундай томоша вақтида бирон киши туриб, бизга фалон-фалон нарсаларнинг жилваланиб кўринишининг маъноси ва сабабини тушунтириб бериши мумкин эди. Романнинг тугуни, масалан, Наташанинг Алёшани севишига асосланади. Наташа ақлли, жиддий, ҳушахлоқ ва ҳатто ножўя ҳиссиётларга сира берилмайдиган қиз қилиб кўрсатилган. Алёша эса ёш бола, 21 ёшидаёқ саёқлик йўлига кирган, шарм-ҳаёси йўқ, хулқ-атвори бузуқ; у қилиб юрган қабиҳ ишларидан сира уялмайди, аксинча, бу қабиҳ ишларини дарҳол ўзи айтиб беради; биламан, бундай қилиш ярамайди, дейди-ю, яна ўша қабиҳ ишни қилаверади. Ҳикоячи унинг гуноҳсизлигини мақтамоқчи бўлиб, жумладан, бундай дейди: «Алёша ёлғон гапира олмас эди, ёлғон гапирган да ҳам ёлғон гапнинг ёмонлигини асло ўйламас эди». Кўриб турибсизки, Алёша яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билмайдиган содда, дилбар ёш бола қилиб кўрсатилади. Ҳолбуки у 21 ёшга кирган, Петербург киборлар жамиятида тарбия олган ва бу жамиятда баъзи нарсаларни кўриб кўзи қотган ва бунинг устига князь Валковский каби отанинг ўғли бўлган бир кишидир. Ҳикоячи Алёшанинг характерини идеаллаштириб кўрсатар экан (олий ҳиммат рицарлар ўз рақиблари тўғрисида сўзлаганда, одатда шундай қиладилар), айтадики, у «бошқа бировнинг кучли таъсири остида ёмон ҳаракат қилиб қўйиши ҳам мумкин эди, лекин бундай ҳаракатнинг оқибати нима бўлишини билгач, тавба-пушаймондан ўзини еб адо қилган бўлар эди». Икки саҳифадан кейин эса уйидан қочиб келган Наташа билан Алёшанинг учрашув воқиаси баён қилинади. Иван Петрович Алёшани огоҳлантирмоқчи бўлади: сиз нима қилаётганингизни биласизми, дейди унга, қизнинг ота-онасини даҳшатли кулфатга солиб қўясизку ва ҳоказо... Алёша бундай деб жавоб беради: «Ҳақиқатан, бу даҳшат... Буни мен илгари ҳам айтган эдим... Хўш, энди нима қилмоқ керак? Ўзгартириб бўлмайди». Бунда ҳали ўзгартирадиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ эди. Бир қизни ота-онаси бағридан тортиб олган Алёша тавба-пушаймонда ўзини еб адо бўлмади, сўнгра Наташани ташлаб, Катяга уйланганида ҳам адо бўлмади... Хуллас қилиб айтганда, тасвиротга кўра, Алёша дилбар, дилкаш ёш бола бўлиб, фақат бир оз енгиллиги бор, холос; ҳақиқатда эса, у эрта бузилган, ўзига бино қўйган, ақлсиз боладир, унинг ҳеч қандай субути ва маслаги йўқ, ҳар қандай ёт таъсирга бир минутгина берилади-ю, лекин ҳамиша ўз ҳавойи-ҳаваси ва ҳиссиёти буюрганини қилади, аммо у ярамас қилиқларидан сира уялмайди. Унинг дилбарлиги нимадан иборатлигини, Наташа каби ақлли ва жиддий қизга унинг қандай қилиб таъсир кўрсата олганини айтиш қийин. Наташани ўз уйига олиб кетмоқ-

чи бўлган биринчи учрашувидаёқ Иван Петровичга ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларни айта бошлаганида, Наташа унинг гапларидан қизаради; Наташа Иван Петровичга кўзларини жовдиратиб, уни айбга қўшмайсиз, деб ёлборгандай бўлади... Хўш, айтинг-чи, бундай муносабатда қандай муҳаббат, қандай севги бўлиши мумкин?

Аммо, ҳаётда нормал бўлмаган ҳодисалар жуда кўп бўлиши мумкин, жаноб Достоевский эса бундай ҳодисаларни тасвирлаш имтиёзига эга кўринади. Жаноб Голядкиндан тортиб то «Степанчиков қишлоғи» («Село Степанчикова») даги Фома Фомичга қадар у ўз даврида кўпгина нормал бўлмаган ярамас ҳодисаларни тасвирлаб берди. Шунингдек у Наташанинг энг разил олифтага бўлган ғайри оддий, ғайри табиий муҳаббатини ҳам тасвирлаб бериши мумкин эди; ҳолбуки бутун ақл-идрокнинг ҳукмига кўра Наташага бу олифта жирканч бир киши бўлиб кўриниши лозим эди. Боринги, ҳатто бу хил муносабатларнинг ғайри оддий ва ғалатилиги санъаткорни ҳайратда қолдирган ва уни бу ҳолларни тасвирлаб беришга мажбур қилган бўлсин. Аммо, биз биламизки, санъаткор фақат ҳозирги моментнигина акс эттирадиган фотография пластинкаси эмас: бундай бўлганда бадиий асарларда ҳаёт ҳам, маъно ҳам бўлмас эди. Санъаткор узиқ-юлиқ қилиб олинган моментни ўзининг ижодий ҳиссиёти билан тўлдиради, жузъий ҳодисаларни ўз кўнглида умумлаштиради, тарқоқ хусусиятлардан мунтазам бир бутун нарсани вужудга келтиради, афтидан алоқалар бўлмаган ҳодисаларда жонли алоқа ва изчиллик борлигини кўради, жонли воқеликнинг хилма-хил ва зидма-зид томонларини ўзининг умумий дунё қарашида бирга қўшиб қайтадан ишлаб чиқади. Шунга кўра, ҳақиқий санъаткор ўз ижодини мукаммаллаштириб борар экан, ўз кўнглида бу ижодни бир бутун ва тўлиқ шаклда, ўз ибтидоси ва интиҳоси билан, мантиқий тафаккур учун кўп вақт тушунарли бўлмаган, лекин санъаткорнинг илҳом назарида яққол намоён бўлиб турган яширин ички пружиналари ва пинҳон оқибатлари билан тугиб олган бўлади. Ҳақиқий санъаткор ўз асарларини бошқаларга ҳам худди ана шу тариқа тақдим қилади; бу асарлар ҳамма учун содда, тушунарли, қонуний асарлар бўлиб қолади. Одатдаги ҳаётимизда бизга энг ёт бўлиб туюладиган нарсалар санъаткор асарида бизга жуда яқин бўлиб кўринади: Фаустнинг азоб-уқубат билан қидиришлари ҳам, Лирнинг ақлдан озиши ҳам, Чальд-Гарольднинг тошюрак бўлиши ҳам бизга таниш, гўё яқин бўлиб кўринади; бу асарларни ўқиганда, заковат эгасининг ижодий кучига шу қадар бўйсунамизки, ҳатто бизнинг устимизга ағдарилган бутун ифлослик ва разолат остидан бошимизни ёрғлиққа ва тоза ҳавога чиқариш учун ва ҳақиқатан ҳам шоирнинг яратган асари инсоний табиатга тўғри келади, шундай бўлмоғи керак ва бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, деб эътироф қилиш учун ўзимизда куч топа оламиз... Маълумки, ҳамма ҳам заковатли бўла бермайди ва бундай эффектни ҳар кимдан ҳам кутиб бўлмайди, лекин шундай бўлса-да, бундай эффект маълум даражада ҳар бир бадиий асарда бордир, шу билан бирга таланти камроқ бўлган шоирларнинг халойиқ олдига олиб чиққан асарларидаги идеялар ҳам унчалик аҳамиятли ва кенг кўламли бўлмайди: лекин, ҳар ҳолда нима бўлса-да, энг кичик ҳажмда бўлса-да, бирон нарса тўла ва ўзига хос равишда акс эттирилган бўлади: йўқса асардан бадиий талант белгиларини излашнинг ҳожати ҳам қолмайди.

Жаноб Достоевский романида ҳаётнинг лоақал ана шундай энг кичик, энг майда вазифаси тўла равишда акс эттирилса, майли эди*; Алёша каби бир сассиқ пашша қандай қилиб туппа-тузук бир қизнинг муҳаббатини қозониши мумкин. Автор бизга лоақал ана шуни тушунтирганда эди, биз унинг ҳикоясини қадам-бақадам кузатиб боришга ва у билан ҳар қандай бадиий ва психологик муҳокамалар қилишга тайёр турган бўлар эдик. Унинг асарида лоақал шу ҳам йўқ-ку; Наташа севги талвасасига тушиб, бу даҳшатли дардга мубтало бўлганга қадар ўтган беш ой тўғрисида бир саҳифагина ёзиш ҳам муносиб кўрилмаган. Асарнинг қаҳрамони бўлган Наташанинг юрак сирлари биздан яширилган, афтидан, авторнинг ўзи ҳам унинг юрак сирларини биздан ортиқ билмайди. Биз ишонч билан авторга мурожаат қилиб, ундан: нега бундай бўлди?— деб сўраганимизда, у: мана шундай бўлди-ю қолди, деб жавоб беради. Яна бунга қўшимча қилиб айтадики, ҳақиқатан жуда ғалати ҳодиса... аммо, шунақаси ҳам бўлади.— Бундай асардан бадиий маъно излаш керакмикин?

Сўнгра, Наташа бу ғалати йўлга қадам босиб, бу ишининг бемаънилигини илғарироқ тушунгандан кейин, қандай қилиб у яна Алёша билан бирга турди? Наташа бу янги ҳаётга кирган дастлабки кунларидан тортиб то бу тўғрида яна Иван Петрович билан сўзлашиб, Алёша билан ажралиш фикрига келганини изҳор қилган кунга қадар, унинг кўнглида қандай процесс содир бўлди? Булар тўғрисида биз бир неча оғиз майда-чуйда сўзлар айтилганини, бу сўзлар ҳам Наташанинг уйидаги нарсалар тасвирланганда шунчаки, йўлакай айтиб ўтилганини кўрамизки, булар ҳеч бир нарсани англатмайди... Кўриниб турибдики, авторни бу нарса қизиқтирмаган, автор учун асосий масала бунда бўлмаган. Хўш, нимада бўлган? Нимада эканини билиш қийин, чунки роман-

* Санъаткор ўз олдига вазифа қўйсин демаймиз, балки унинг асарида вазифа ўз-ўзидан акс этсин, ўз-ўзидан ҳал бўлсин, гарчи бундан унинг ўзи хабарсиз қолса ҳам майли; шундай демасам, яна у санъаткорга турмуш уринишларига оид мавзуларни мажбуран тақмоқчи, дейишлари мумкин.

даги воқиалар ғалати ва лузумсиз бир тарзда иккига ажралиб, Наташа билан Неллининг бошидан ўтган воқиаларга бўлиниб кетади ва шу билан таассуротнинг муштазамлиги бутунлай бузилади. Лекин, романдаги бу икки саргузашт князь Валковский теварагида айланганлигидан, романнинг асосини, унинг ўзагини мазкур князнинг характерини тасвирлаш ташкил этади, деб таҳмин қилиш мумкин. Лекин, агар сиз бу характернинг тасвирига синчиклаб қарасангиз, унда меҳр қўйиб тасвирланган нуқул расвогарчиликни, ёвузлик ва ҳаёсизлик хислатларининг йиғиндисини кўрасиз-у, аммо унда одам қиёфасини кўрмайсиз... Санъатда сизнинг олдингизда инсонни тўлиқ гавдалантириб, ҳамма сиртқи қабоҳат ва разолатлар орасидан унинг инсоний табиатини кўришга сизни мажбур қилиб, қудратли куч билан ҳаракат қиладиган келиштирувчи ва ҳал қилувчи асосдан князнинг шахсини тасвирлашда ҳеч қандай асар ҳам йўқ. Шунинг учун бу шахсга сизнинг раҳмингиз ҳам келмайди, сиз унга энг юқори даражадаги нафрат билан ҳам қарамайсиз, чунки бундай юқори нафрат аслда шахсга қарши қаратилмасдан, балки типга қарши, ҳодисаларнинг маълум туркумига қарши қаратилади. Аммо, автор ўз бош қаҳрамонининг кўнглига гарчи муваффақиятсиз бўлса-да, лоақал бирор тарзда назар солишга уриниб кўрганда эди... Йўқ, у сира бундай қилмайди. Бундай қилишга на уринади, бу тўғрида на бирон ишора қилади... Хўш, нима бўлиб ва қандай қилиб князь шу аҳволга тушиб қолди? Хўш, уни жиддий суратда ўзига банд қилган ва шу кўйга солиб қўйган нарса нима? Унинг қўрқадиган нарсаси нима-ю, ниҳоят, ишонадиган нарсаси нима? Агарда у ҳеч нимага ишонмаса, агарда унинг қалби бутунлай юлиб олинган бўлса, у ҳолда бу ғалати процессининг содир бўлишига сабабчи ва воситачи бўлган нарса нима? Биз автор олдига жуда катта талаблар қўймасак ҳам, лекин ундан ана шундай нарсаларга изоҳ беришни талаб қилишга ҳақлимиз. Поэзиянинг гигант асарлари тўғрисида сўзламаганда ҳам, ҳатто бизнинг ўзимизда ана шу кичкина талабларни қондирадиган асарлар бор: масалан, биз Чичиков билан Плюшкиннинг бориб-бориб ўзларининг ҳақиқий характерига эга бўлганларини биламиз, ҳатто биз қисман бўлса-да, Илья Ильич Обломовнинг қандай қилиб ташбал бўлиб қолганлигини биламиз... Лекин жаноб Достоевский бу талабларни мутлақо эътиборсиз қолдирган. Бас, шундай бўлгач, қандай қилиб князнинг характерини эстетик нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин?

Дарҳақиқат, ҳаттоки, ўз баснотида ҳам бадиий асар аҳамиятига эга бўлишни даъво қилолмайдиган бир романнинг эстетик аҳамиятини далил-исботлар, кўчирмалар ва мисоллар билан жиддий суратда кенг таҳлил қилмоқ учун умуман

жуда содда ва нодон бўлмоқ керак. Бутун романда иштирокчи шахсларнинг сўзлари авторнинг ўз сўзига ўхшайди; улар авторнинг севиб ишлатадиган сўзларини, унинг жумлаларини ишлатади; уларнинг жумла тузиш услуби ҳам худди авторнинг ўзиникидай... Истисно жуда камдан-кам учрайди. Иштирокчи шахсларнинг ҳаммаси бир-бирини албатта *азизим* деб атайди (бундан князь истисно бўлиши мумкин) ва уларнинг ҳаммаси айни бир сўзни чайнайди ва авторнинг ўзи сингари гапни чўзади,— ана шуларнинг ҳаммасида бошдан-оёқ ёзувчининг ўзи кўринади, аммо бунда ўз тилидан сўзловчи иштирокчи шахс кўринмайди. Буларнинг ҳаммаси тўғрисида узоқ гапириш мумкин эди, лекин буларнинг менга мутлақо қизиги йўқлигига китобхонни ишонтираман десам жуда зерикиб кетаман; бир неча кўчирмани олиб бир жойга тўплаганда, улар ғоятда кулгили бир нарса бўлиб кўринар эди. Лекин, мен буларнинг ҳаммасидан ўзимни халос қилмоқчиман. Зотан, романдан бир парчани кўчириб кўрсатаман; бу парча жуда узун: бу парчада Наташа князнинг мақсадини билгач, унинг совчи бўлиб келишининг сабабини тушунтиради. Энг аввал Наташа ўтган воқианинг тарихини баён қилади, шу воқиадан кейин бир кечаси Алёша ўз қаллиғи Катяга Наташани севишини айтади. Кейин Наташа сўзида давом қилиб бундай дейди:

Ўша кеча сиз ўз-ўзингизга савол бериб: энди нима қилмоқ керак?— дедингиз. Алёша ҳаммасига *бўйсунади-ю, лекин* бу ишга қолганда асло *бўйсунмайди;* бу батамом саналган. Буниси у ёқда турсин, унинг орқасидан қанча қувиштириб юрсангиз, уни қанча қийнасангиз, унинг *қаршилик кўрсатиши* шунча кучаяди; чунки унинг хулқи шунақа, заиф ва лекин софдил кишиларнинг ҳаммаси шунақа *бўлади;* уларнинг орқасидан қувиштириб, *таъқиб қилиб* юрмасангиз, улар *қаршилик кўрсатишни* ўйламайдилар; агар уларни *таъқиб қилсангиз,* ўзингиз уларда *қаршилик кўрсатишни* алангалатасиз; агар сиз уларни *таъқиб қилмаганингизда,* қаршилик кўрсатиш эҳтимол уларнинг хаёлига ҳам келмас эди. Аллаб-суллаш билан ҳам уни қўлга олиб бўлмас экан, чунки илгариги таъсирнинг кучи ҳали ҳам зўр, сиз фақат ўша кечаси бу таъсирнинг нечоғлик *эҳтиросини* тўла-тўкис пайқадингиз. Хўш, нима қилмоқ керак?

Шундан кейин сиз мана бундай бир йўлни ўйладингиз:

Хўш, агар уни ҳар қандай таъқиб қилишни тўхтатса нима бўлади? Агар ҳозир унинг қалбини оғушта қилиб юрган нарсани *ундан олиб ташласа,* у ўзининг бурчи, *вазифаси* ҳисоблаб юрган нарсани ундан *олиб ташласа* нима бўлади? Шундан кейин балки унинг тапти босилиб, бундай бурч ва вазифаларга ишқибозлиги тамом бўлар.

Мана, масалан, у ҳозир бу Наташани севади; жуда соз: унга очиқ айтмоқ керакки, энди унинг Наташани севишигина кифоя қилмайди, ҳатто унга нисбатан ўзининг барча *бурчларини* бажаришга ҳам *рухсат этилади,* бу Наташанинг ишқидан ортган ҳамма азоб-уқубатлари учун энди роҳат кўришга рухсат этилади; *рухсат этиш* у ёқда турсин, бу рухсатга, ҳатто бир амаллаб буйруқ тусини бериб, унга Наташага уйлашиш *мажбуриятини* айтмоқ керак, шундай қилиш сенинг *бурчинг,* деб унга тез-тез уқдириб турмоқ керак,— хулласки, Алёша ҳар куни ўз-ўзига юракдан бемалол айтиб юрган парсаларнинг ҳаммасини энди ҳатто мажбуриятга айлантирмоқ керак. Хўш, у вақтда нима *бўлади?*

— Наталья Николаевна!— деб қичқирди князь:— бу гапларнинг

ҳаммаси сизнинг фақат бузуқ хаёлингиздан келиб чиққан, буларнинг бариси сизнинг ҳадиксирашингиздан келиб чиққан; сиз ўзингизни йўқотиб қўйибсиз, муболаға қилаётибсиз!— князь ачинганлай *бўлиб* елкаларини қисиб қўйди.

— У вақтда мана бундай бўлади,— деди Наташа сўзини давом этиб ва князнинг сўзларига заррача аҳамият бермагандай бўлиб.— Биринчидан, сиз ўйлагансизки, Наташа уни бутунлай ўзига оғушта қилиб олади, шундан кейин у менинг ғанимга ишонмагапидан ўзи уялиб қолади; бу ҳозир менга жуда иш беради! Дастлабки таассурот пўқулай бўлиши мумкин, бундан *у хурсанд* бўлади. У *янги муҳаббатга* берилиб кетади, аммо ҳозир унинг ўзи бу *янги муҳаббатни* билмайди; бундан ярим йил илгаридек ҳали ҳам ўз Наташасини жазманлик ва эҳтирос билан севишига ишонади ва севаман деб ўйлайди. У гарчи Катерина Федоровнага кўнгил берган бўлса-да, бу шунчаки бир гап-да, деб ўйлайди; унинг ёнида бўлганда вақти чоғ бўлади — бунинг сабаби маълум; бунинг сабабини суриштириб ҳам ўтирмайди! Унинг кўнгли ҳар куни *янги муҳаббатга* кўпроқ оғушта бўла борса-да, лекин *илгариги муҳаббатида*, Наташада ҳамма нарса эскича ва бунда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, деб қатъий ишонади. Бунинг устига у яна *хурсанд ҳам бўлади:* ҳалигача бу Наташани ҳақиқатан севаман деб ўйлайди; ахир Наташа унинг дўсти, Алёша унга жуда ўрганиб қолган; у ҳатто ўз *Катяси* тўғрисида (ҳозир у Катя билан сенсираширк сўзлашади) ҳикоя қилиб бермоқ учун унинг олдига, яъни биринчи ёри олдига боради; Алёша унинг *азоб-уқубатини* бир неча бор кўрган ва унинг азоб-уқубатини кўриб ўзи ҳам кўп *азоб чеккан!*.. Шунинг учун ҳам хурсанд бўлади, шундай деб фараз қилайлик, майли билганини қилсин; ҳатто шундай бўлгани ҳам яхши: *хурсандлик* кишининг баҳрини очади, *хурсандлик* орқали эскилик унутилади; биргина ғам-қайғу эсда қолади; буларнинг ҳаммаси фақат бирпаслик нарса; аммо истиқболга йўл очилади...

Зотан, Алёша шу ўтган ярим йил ичида биринчи марта енгил тортиб тинчгина ётиб ухлайди; энди Наташа учун юраги ачимайди. Уйқусидан безовта бўлиб уйғонмайди ва: «Наташанинг аҳволи қандай экан? Унга нима бўлди экан? Бунинг оқибати нима билан тамом бўлади? Нима билан тузалади» деб қайғурмайди. Энди ҳамма нарса яхши бўлиб кетади. Эртаси эса у бутунлай *бешхтиёр равишда, ҳеч қандай ташвишланмасдан*, худога шукур, қарздан қутулдим, деб ўйлайди; энди ҳаммаси изига тушиб кетди, Наташа олдиганини олиб бўлди, мен унга ҳатто ўйлаганидан ҳам кўпроқ бердим; Алёша унга бутун келажагини бағишлайди. Бипобарин Наташа унинг бу ҳимматига баҳо бермоғи лозим, ҳолбуки у, Наташа унга қурбон қилган нарсаларининг ҳаммасининг ҳозирга қадар қадрига етмоги лозим эди. Мана энди юракдан ғам-ғусса кетиб енгиллашди ва эркин нафас олинадиган бўлди; ана шу тариқа *буларнинг ҳаммаси энди бешхтиёр ўйланади, ҳеч бир ташвишсиз,* ана шундай яхши, илиқ туйғу билан ўйланади! Сиз бўлсангиз қараб туриб, ўз ичингизда бундай деб ўйлайсиз: «Булар ҳаммаси яхши: орадан бир неча кун ўтади-ю, Алёша ҳам тўйдан кейин тезда ҳамма ошиқлар билан юз берадиган аҳволга тушади: энди ҳеч қандай тўсиқ йўқ, ҳамма мақсадга эришилди. Муҳаббат ҳам ўз-ўзидан совий бошлади; шундан кейин зерикиш бошланади; кўнгил янгини тусайди; ҳаёт осойишталикни ёмон кўради; кўнгил яшашни истайди...

Шу топда худди жўрттага бўлгандай *янги муҳаббат* бемаҳал бошланади; бу муҳаббат ўзи бор эди ва уни ихтиро қилишнинг ҳожати бўлмайди».

— Романлар, ошиқ-маъшуқлик можароси,— деди князь секингина худди ўз ичида гапиргандай:— хилватда ўтириб хаёл суриш ва романлар ўқиш.

— Сиз бўлсангиз ҳамма нарсани худди шу *янги муҳаббат* устида қурдингиз,— деди Наташа сўзпда давом этиб; князнинг сўзларини эшитмасдан ва уларга эътибор бермасдан, ҳамон қизишиб сўзламоқда эди:— Хўш, бу *янги муҳаббат* учун қандай умид-ишонч бор! Ахир, бу янги

муҳаббат бошланган вақтда Алёша *бу қизнинг* ҳамма тугал-тўкис томонларини ҳали билмас эди-ку! Ўша кечқурун Алёша *бу қизга* кўнглини очиб, мен сени яхши кўра олмайман, чунки менинг бурчим ва бошқа бир қизга бўлган муҳаббатим бунга йўл қўймайди, деб очиқ айтган чоғда, *бу қиз* бирдан унга шу қадар олижаноблик кўрсатадики, унга ва ўзининг кундошига шу қадар хайрихоҳлик биллирадики, шу қадар самимият билан кечирим сўрайдики, гарчи *бу* вақтга қадар у бу қизнинг *гўзаллигига* ишонган бўлса-да, лекин ҳозирги лаҳзагача унинг бу қадар *яхшилигини* ўйлаб кўрмаган эди! Ўша вақтда менинг олдимга келганда ҳам у фақат шу қиз тўғрисида сўзлади; бу қиз унинг жуда ақлини олиб қўйибди. Эртага у албатта бу *гўзал вужудни* яна бир марта кўргиси келади, лоақал бу қизнинг олижаноблиги уни кўришга ундайди. Хўш, унинг олдига нега бормаслик керак? Ахир, уники, *аввалгиси* энди куйинмай қўйди-ку, унинг тақдири ҳал бўлган, уники абадий қолади, буниси эса шунчаки бир лаҳзали кўнгил хуши... Агар Наташа ҳатто ана шу бир лаҳзали ғаниматдамдан ҳам рашк қилса, жуда феъли торлигини кўрсатган бўлади-ку? Натижада Наташадан бир лаҳзагина эмас, бир кун, икки кун, уч кун сездирмасдан секингина тортиб олинади... Шу орада, шу чоғда бу қиз сира кутилмаганда, янги ва алоҳида бир шаклда унинг кўз олдида намоён бўлади; бу қиз очиқ кўнгил билан шу қадар жон куйдирадики ва шу билан бирга у шу қадар содда ёш болага ўхшайдики, бу жиҳатдан уларнинг характери бир-бирига тўғри келади. Улар дўст бўлиб, ака-укадай бўлиб, бир умр ажралишмаймиз деб бир-бирига қасамёд қилишади. Дуруст, улар ўз аро Наташа тўғрисида ҳам меҳр-муҳаббат билан сўзлайдилар, лекин умрбод учовлашиб яшамоқчи бўладилар. *«Атиги беш-олти соатлик гап»* орасида Алёшанинг бутун кўнгли янги ҳис-туйғуларга мойил бўлади ва бутун қалби ўша томонга оғади... Бунда тағин янги идеялар ҳам пайдо бўлади, бунинг ҳам сабабчиси Катя бўлади. Сиз, Алёша ҳали дарров таққослашга киришмас деб ўйларсиз, лекин таққослай бошлаши турган гап. Вақти-соати келиб қолади. У ўзининг *аввалги* севгисини ўзининг янги ҳис-туйғулари билан таққослаб кўради: унда ҳамма нарса танши, ҳамишагидек; унда жиддият, талаб зўр; унда рашк қилишади, уни сўкишади; унда мудом кўз ёши... Борди-ю у билан ҳазил-мазақ қилишиб ўйнашганда ҳам, унга ўз тенгим деб эмас, балки ёш бола деб қарашади... Асосий томони эса: ҳаммаси ўша эски тос-у, *эски* ҳаммом...

Наташанинг силлогизмлари шиҳоят даражада тўғри, бу мантиқ қоидаларини у худди семинарияда ўқиб ўргангандай. Унинг психологияни бу қадар зийраклик билан билиши кишини ҳайратда қолдиради, нутқининг тузилишига ҳар қандай нотиқ, ҳаттоки қадимги замон нотиқлари ҳам қойил қолади. Лекин, Наташа жаноб Достоевскийнинг услуби билан сўзлайди ва бу ҳол жуда яққол сезилиб туради,— хўш, айтингчи, шундай эмасми? Романдаги иштирокчиларнинг кўпи худди шу услубда сўзлайди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, жаноб Достоевский (зотан, биздаги адабиётчиларнинг жуда кўпи сингари) маълум шахслар тўғрисида бир неча марта, қайта-қайта сўзлашни ҳамда маълум характерлар ва фикрларни ҳар томондан текширишни яхши кўради. Унинг бир неча севган типи бор, масалан, эрта балоғатга етган, маънавий касалига йўлиққан бола типи; жаноб Достоевский Неточкада ҳам, Кичкина қаҳрамонда ҳам, мана энди Неллида ҳам шу типга қайтади...* Неллининг характери худди «Неточка»даги Катянинг харак-

ҳаммаси сизнинг фақат бузуқ хаёлингиздан келиб чиққан, буларнинг бариси сизнинг ҳадиксирашингиздан келиб чиққан; сиз ўзингизни йўқотиб қўйибсиз, муболаға қилаётибсиз!— князь ачиғландай бўлиб елкаларини қисиб қўйди.

— У вақтда мана бундай бўлади,— деди Наташа сўзини давом этиб ва князнинг сўзларига заррача аҳамият бермагандай бўлиб.— Биринчидан, сиз ўйлагансизки, Наташа уни бутунлай ўзига оғушта қилиб олади, шундан кейин у менинг ғанимга ишонмагапидан ўзи уялиб қолади; бу ҳозир менга жуда иш беради! Дастлабки таассурот пок қулай бўлиши мумкин, бундан *у хурсанд* бўлади. У *янги муҳаббатга* берилиб кетади, аммо ҳозир унинг ўзи бу *янги муҳаббатни* билмайди; бундан ярим йил илгаридек ҳали ҳам ўз Наташасини жазманлик ва эҳтирос билан севишига ишонади ва севаман деб ўйлайди. У гарчи Катерина Федоровнага кўнгил берган бўлса-да, бу шунчаки бир гап-да, деб ўйлайди; унинг ёнида бўлганда вақти чоғ бўлади — бунинг сабаби маълум; бунинг сабабини суриштириб ҳам ўтирмайди! Унинг кўнгли ҳар куни *янги муҳаббатга* кўпроқ оғушта бўла борса-да, лекин *илгариги муҳаббатида*. Наташада ҳамма нарса эскича ва бунда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, деб қатъий ишонади. Бунинг устига у яна *хурсанд ҳам бўлади*: ҳалигача бу Наташани ҳақиқатан севаман деб ўйлайди; ахир Наташа унинг дўсти, Алёша унга жуда ўрганиб қолган; у ҳатто ўз *Катяси* тўғрисида (ҳозир у Катя билан сенсираиіб сўзлашади) ҳикоя қилиб бермоқ учун унинг олдига, яъни биринчи ёри олдига боради; Алёша унинг *азоб-уқубатини* бир неча бор кўрган ва унинг азоб-уқубатини кўриб ўзи ҳам кўп *азоб чеккан!*.. Шунинг учун ҳам хурсанд бўлади, шундай деб фараз қилайлик, майли билганини қилсин; ҳатто шундай бўлгани ҳам яхши: *хурсандлик* кишининг баҳрини очади, *хурсандлик* орқали эскилик унутилади; биргина ғам-қайғу эсда қолади; буларнинг ҳаммаси фақат бирпаслик нарса; аммо истиқболга йўл очилади...

Зотан, Алёша шу ўтган ярим йил ичида биринчи марта енгил тортиб тинчгина ётиб ухлайди; энди Наташа учун юраги ачимайди. Уйқусидан безовта бўлиб уйғонмайди ва: «Наташанинг аҳволи қандай экан? Унга нима бўлди экан? Бунинг оқибати нима билан тамом бўлади? Нима билан тузалади» деб қайғурмайди. Энди ҳамма нарса яхши бўлиб кетади. Эртаси эса у бутунлай *бешхтиёр равишда, ҳеч қандай ташвишланмасдан*, худога шукур, қарадан қутулдим, деб ўйлайди; энди ҳаммаси изига тушиб кетди, Наташа олдиганини олиб бўлди, мен унга ҳатто ўйлагапидан ҳам кўпроқ бердим; Алёша унга бутун келажагини бағишлайди. Бипобарин Наташа унинг бу ҳимматига баҳо бермоғи лозим, ҳолбуки у, Наташа унга қурбон қилган нарсаларининг ҳаммасининг ҳозирга қадар қадрига етмоги лозим эди. Мана энди юракдан ғам-ғусса кетиб епгиллашди ва эркин нафас олинадиган бўлди; ана шу тариқа *буларнинг ҳаммаси энди беихтиёр ўйланади, ҳеч бир ташвишсиз*, яна шундай яхши, илиқ туйғу билан ўйланади! Сиз бўлсангиз қараб туриб, ўз ичингизда бундай деб ўйлайсиз: «Булар ҳаммаси яхши: орадан бир неча кун ўтади-ю, Алёша ҳам тўйдан кейин тезда ҳамма ошиқлар билан юз берадиган аҳволга тушади: энди ҳеч қандай тўсиқ йўқ, ҳамма мақсадга эришилди. Муҳаббат ҳам ўз-ўзидан совий бошлади; шундан кейин зерикиш бошланади; кўнгил янгини тусайди; ҳаёт осойишталикни ёмон кўради; кўнгил яшашни истайди...

Шу топда худди жўрттага бўлгандай *янги муҳаббат* бемаҳал бошланади; бу муҳаббат ўзи бор эди ва уни ихтиро қилишнинг ҳожати бўлмайди».

— Романлар, ошиқ-маъшуқлик можароси,— деди князь секингина худди ўз ичида гапиргандай:— хилватда ўтириб хаёл суриш ва романлар ўқиш.

— Сиз бўлсангиз ҳамма нарсани худди шу *янги муҳаббат* устида қурдингиз,— деди Наташа сўзида давом этиб; князнинг сўзларини эшитмасдан ва уларга эътибор бермасдан, ҳамон қизишиб сўзламоқда эди:— Хўш, бу *янги муҳаббат* учун қандай умид-ишонч бор! Ахир, бу янги

муҳаббат бошланган вақтда Алёша *бу қизнинг* ҳамма тугал-тўкис томонларини ҳали билмас эди-ку! Уша кечқурун Алёша *бу қизга* кўнглини очиб, мен сени яхши кўра олмайман, чунки менинг бурчим ва бошқа бир қизга бўлган муҳаббатим бунга йўл қўймайди, деб очиқ айтган чоғда, *бу қиз* бирдан унга шу қадар олижаноблик кўрсатадики; унга ва ўзининг кундошига шу қадар хайрихоҳлик биллирадики, шу қадар самимият билан кечирим сўрайдики, гарчи *бу* вақтга қадар у бу қизнинг *гўзаллигига* ишонган бўлса-да, лекин ҳозирги лаҳзагача унинг бу қадар *яхшилигини* ўйлаб кўрмаган эди! Уша вақтда менинг олдимга келганда ҳам у фақат шу қиз тўғрисида сўзлади; бу қиз унинг жуда ақлини олиб қўйибди. Эртага у албатта бу *гўзал вужудни* яна бир марта кўргиси келади, лоақал бу қизнинг олижаноблиги уни кўришга ундайди. Хўш, унинг олдига нега бормаслик керак? Ахир, униси, *аввалгиси* энди куйинмай қўйди-ку, унинг тақдири ҳал бўлган, униси абадий қолади, буниси эса шунчаки бир лаҳзали кўнгил хуши... Агар Наташа ҳатто ана шу бир лаҳзали ғанимат дамдан ҳам рашк қилса, жуда феъли торлигини кўрсатган бўлади-ку? Натижада Наташадан бир лаҳзагина эмас, бир кун, икки кун, уч кун сездирмасдан секингина тортиб олинади... Шу орада, шу чоғда бу қиз сира кутилмаганда, янги ва алоҳида бир шаклда унинг кўз олдида намоён бўлади; бу қиз очиқ кўнгил билан шу қадар жон куйдирадики ва шу билан бирга у шу қадар содда ёш болага ўхшайдики, бу жиҳатдан уларнинг характери бир-бирига тўғри келади. Улар дўст бўлиб, ака-укадай бўлиб, бир умр ажралишмаймиз деб бир-бирига қасамёд қилишади. Дуруст, улар ўз аро Наташа тўғрисида ҳам меҳр-муҳаббат билан сўзлайдилар, лекин умрбод учовлашиб яшамоқчи бўладилар. *«Атиги беш-олти соатлик гап»* орасида Алёшанинг бутун кўнгли янги ҳис-туйғуларга мойил бўлади ва бутун қалби ўша томонга оғади... Бунда тағин янги идеялар ҳам пайдо бўлади, бунинг ҳам сабабчиси Катя бўлади. Сиз, Алёша ҳали дарров таққослашга киришмас деб ўйларсиз, лекин таққослаш бошлаши турган гап. Вақти-соати келиб қолади. У ўзининг *аввалги* севгисини ўзининг янги ҳис-туйғулари билан таққослаб кўради: унда ҳамма нарса таниш, ҳамишагидек; унда жиддият, талаб зўр; унда рашк қилишади, уни сўкишади; унда мудом кўз ёши... Борди-ю у билан ҳазил-мазақ қилишиб ўйнашганда ҳам, унга ўз тенгим деб эмас, балки ёш бола деб қарашади... Асосий томони эса: ҳаммаси ўша эски тос-у, *эски* ҳаммом...

Наташанинг силлогизмлари шиҳоят даражада тўғри, бу мантиқ қоидаларини у худди семинарияда ўқиб ўргангандай. Унинг психологияни бу қадар зийраклик билан билиши кишини ҳайратда қолдиради, нутқининг тузилишига ҳар қандай нотиқ, ҳаттоки қадимги замон нотиқлари ҳам қойил қолади. Лекин, Наташа жаноб Достоевскийнинг услуби билан сўзлайди ва бу ҳол жуда яққол сезилиб туради,— хўш, айтингчи, шундай эмасми? Романдаги иштирокчиларнинг кўпи худди шу услубда сўзлайди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, жаноб Достоевский (зотан, биздаги адабиётчиларнинг жуда кўпи сингари) маълум шахслар тўғрисида бир неча марта, қайта-қайта сўзлашни ҳамда маълум характерлар ва фикрларни ҳар томондан текширишни яхши кўради. Унинг бир неча сезган типи бор, масалан, эрта балоғатга етган, маҳманлик касалига йўлиққан бола типи; жаноб Достоевский Неточкада ҳам, Кичкина қаҳрамонда ҳам, мана энди Неллида ҳам шу типга қайтади...* Неллининг характери худди «Неточка»даги Катянинг харак-

терига ўхшайди; фақат уларнинг вазияти бошқа-бошқа. Манманлик касалига мубтало бўлиб, бадгумонлик даражасига, ғоят расвойи-раддилик ва ҳатто ақлдан озиш даражасига бориб етган киши типини жаноб Достоевский бизга жаноб Голядкин, музикант Ефимов («Неточка»да), Фома Фомич («Степанчикова қишлоғи») қиёфасида кўрсатади. Сурбет, ноинсоф ва ўта кетган худбин, жиззаки кишининг типини жаноб Достоевский Биковда («Бечора кишилар»да) қайд қилади; «Бека» («Хозяйка»)да бу типни кўрсатишга уриниб муваффақият тополмайди, Петр Александровичда («Неточка»да) уни тугалламайди ва ниҳоят, энди князь Валковскийда бу типни батамом очиб беради (дарвоқе, ҳатто князь Валковский ҳам Петр Александрович деб аталади). Бунинг устига яна жаноб Достоевский қандайдир бир қизни идеал қилиб олади ва лекин бу идеални кўрсатишга сира муваффақ бўлолмайди: «Бечора кишилар» («Бедные люди»)даги Варенька Добросолова, «Степанчикова қишлоғи»даги Настенька, «Хўрланганлар ва таҳқирланганлар» даги Наташа — буларнинг ҳаммаси жуда ақлли ва яхши қизлар бўлиб, ўз тушунчалари ва сўзлашув услублари билан авторнинг ўзига жуда ўхшайди, аммо лекин аслда улар асарда жуда хира кўринадилар. Автор бу қизларни жуда қизиқ вазиятга қўя олади-ю, лекин улар учун қиладиган иши шу билан тамом бўлади. Шуни эътироф қилмоқ керакки, ҳатто Варенька Добросолованинг бошига тушган бахтсиз ҳодисалар ва унинг тилидан жаноб Достоевский томонидан тўқилган ҳикоялар унинг ўзига қараганда, унинг шоирона суратда гавдалантирилган вужудига қараганда бизни кўпроқ қизиқтиради.

Образларнинг бу хилда кўримсиз ва мужмал бўлиши, ўзўзини бу хилда қайта-қайта такрорлаш зарурати, ҳатто ҳар бир характерни пухта ишлаб, унга тегишинча ташқи ифода беришда бу хилда нўноқлик қилиш — буларнинг ҳаммаси, бир томондан, авторнинг мушоҳадалари запасида хилма-хиллик етарли эмаслигини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг ижодиётида бадиий тўлиқлик ва тугал бутунлик йўқлигидан очиқдан-очиқ далолат беради... Хўш, эстетика муҳиблари, сиз жаноб Достоевский каби романистнинг бадиий номукаммалликлари ва фазилатларини жуда батафсил detaille et raisonne* таҳлил қилиб чиқилса, шу билан унга ёрдам бериш ёки санъатга хизмат кўрсатиш мумкин бўлар эди деб ўйлайсизми? Наҳотки сиз, ҳозирча адабиёт жамоат манфаатларига лоақал йироқдан қулоқ солиш ва бу манфаатларга ўз иштирокини лоақал равшан бўлмаган тарзда дудуқланиб ифода этиш учун заррача имкониятга эга экан,— наҳотки сиз... хусусида, боягиги, a propos de bottes** жаноб Потехиннинг

* Таржимаси: муфассал ва асосли *(франц.)* — *(Ред.)*
** Таржимаси: У йўқ, бу йўқ *(франц.)* — *(Ред.)*

янги драмаси, жаноб Гончаров асарининг янги парчаси, жаноб Достоевскийнинг янги романи чиққанлиги туфайли ҳатто энг порлоқ эстетик этюдлар билан бирон кишида мароқ қўзғатаман деб ўйласангиз?... Адабиёт жамият билан ҳар қандай алоқани (тўғри, ҳозир ҳам жуда суст бўлган алоқани) тағин қатъий равишда узиб, ёлғиз ўзининг хонаки манфаатлари билангина чекланиб қоладиган, адиблар эса фақат адиблар тўғрисида ва фақат адиблар учун ёзишга мажбур бўладиган вақтни кўришга муяссар бўлармикинмиз,— бу вақтда, эҳтимол, «Россиада»нинг Мерзляков томонидан таҳлил қилингани сингари ёки жаноб Роткиннинг Фет тўғрисида ёзган ажойиб мақоласи сингари ҳодисалар муваффақият билан қайтадан такрорланиши мумкин. Лекин ҳозирча адабиёт (яъни нафис адабиёт) ҳақиқий бадиий аҳамият касб этмасдан, лоақал, амалий маънога эга бўлиб турган экан, бас танқиднинг ўзига ҳам бир қадар амалий характер беришга рухсат этингиз.

Жаноб Достоевскийнинг романи, чунончи, «эстетик танқиддан тубан туради» деганим учун у мендан хафа бўлмаса керак. Мен умуман ҳозирги замон адабиётимизни назарда тутган эдим; агарда мен жаноб Достоевскийнинг романи ҳақида бир неча умумий мулоҳазани айтиб, ўз фикримни синаб кўрган эканман, бунинг сабаби шуки, унинг романи қўлимга тушиб қолган эди. Агарда сўнгги йилларда бизда донг чиқарган ижодиётлардан бошқаларини олиб қаралганда улардан кўплари ҳам, балки, янада кўпроқ асоссиз бўлиб чиққан бўлар эди. Жаноб Достоевский, бизнинг фикримизча, лоақал унинг асарларидан баъзи ўринларини олиб қараганда, бундай даъволарни қилмайдиганга ўхшайди, бошқалар сингари ўзига бино қўйган кишига ўхшамайди. У ўзининг баъзи адабий муносабатларини Иван Петрович хотираларида акс эттирган: мен бундай дейишлик камтарликка хилоф бўлади деб ҳисобламайман, чунки авторнинг ўзи ўзини пардалашни мутлақо истамаган. У ўз романида Иван Петровичнинг биринчи повести сингари «Бечора кишилар»нинг мазмунини шу қадар батафсил сўзлайдики, бунда хато қилишга имкон қолмайди. Худди шунда у, жумладан, кўп нарсани зарурат юзасидан ёзганлигини, муддатида ёзиб битирганлигини, икки кеча-кундузда уч ярим босма листдан ёзиб ташлаганини бўйнига олади; ўзини адабиётда киракаш қирчонғи от деб атайди; унинг асарларидан тер ҳиди келади ва ўз асарларига у жуда ҳам кўп ишлов беради,* деган танқидчини масхара қилиб кулади. Хуллас, жаноб Достоевский, афтидан, ўз асарларига, биз оддий кишиларнинг ҳаммамиз қилганимиз сингари, келгуси авлод учун бузилмас ёдгорлик деб

* Жаноб Достоевский ҳақида бир вақт, ҳатто, агар янглишмасам, «Современник»да худди шундай баҳо берилган эди.[10]

эмас, балки фақат шунчаки журнал иши деб қарайди. Журнал ишининг нималиги эса маълум: бу иш асарни пухта, батафсил ишлашни, фикрини тараққий қилдиришда ўзига жиддий талабчанликни тақозо этмайди... Шу фикрни лоақал бир амаллаб қоғозга туширишга улгуришнинг ўзиёқ кифоя қилади. Бу ҳолни мана бундай бир нарса билан таққослаш мумкин: сиз шоирсиз, сизда ҳозиршинг ўзида бир ҳиссиёт туғилди, бир таассурот сизни ўзига мафтун қилди ва бу таассуротни сиз ажойиб шеърлар билан акс эттира оласиз. Сизнинг миянгизда образлар сал-пал жилваланиб турибди, бир неча сатр шеър, бир неча ўткир ифода ҳам тайёр... Лекин, сизга халақит беришади, сиздан ўз ҳиссиётингиз тўғрисида дарҳол ҳисобот беришни талаб қилишади, ниҳоят, ўз ҳиссиётингизга берилиш ва унинг учун жонли сатрлар қидириб топиш имкониятидан сизни бутунлай маҳрум қилишади. Бошқа иложингиз қолмайди, сиз қўлга қалам ва дафтарчани оласиз-да, миянгизда бся тизилган ажойиб шеърнинг андазасини ғадирбудир проза тили билан ёза бошлайсиз. Журнал ходими ўзининг бутун лавозими давомида ҳамиша шундай қилади. Киши ҳар ҳолда кўзга кўринарли бўлса, албатта, унинг шеър андазасида ҳам шоир бу шеърни қандай юксакликда ёза олишлигини бир қадар билиш мумкин; тўсатдан туғилган шеърнинг хомаки нусхасида ҳам бир неча муваффақиятли саҳифанинг бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин, умуман олганда буларнинг ҳаммаси жуда аянч аҳволда. Хоҳ шошилиб қилинган ишда бўлсин, хоҳ ҳар бир саҳифаси кўп ўйлаб текширишда бўлсин, фақат бир нарса ўзгармасдан қолади, яъни киши эътиқодининг умумий характери, унинг ҳаётга бўлган қарашлари, унинг нимага муҳаббат билан ва нимага нафрат билан қараши ўзгармасдан қолади. Шошилиб иш қилганда айрим жузъий хатоларга йўл қўйиш, фикрни норавшан ёки бир томонлама ифодалаш, майда-чуйда зиддиятларга тушиб қолиш ва ундан бунга сакраб ўта бериб, жиддий мантиқий хулосаларнинг ипини йўқотиб қўйиш мумкин. Лекин, агарда бирон киши ўз асарларидаги умумий эътиқодлар ва майлларнинг зидлигига шошилиб ишлаганлигини сабаб қилиб кўрсата бошлаганда эди, ундай киши ўзининг ҳеч қандай ишонч-эътиқодга қобил эмаслигини кўрсатган бўлар эди, холос.

Мана шунинг учун ҳам, агар биз мавҳум эстетик муҳокамалардан маълум бир авторда ривожлантириладиган идеялар ва қоидаларга мурожаат қиладиган бўлсак, у вақтда унинг талантининг моҳиятини тушуниш учун энг яхши восита топамиз. Бунда энди бизнинг қиладиган талабларимизнинг мезони ўзгаради: автор санъатга ҳеч нима бермаслиги, моҳият эътибори билан адабиёт тарихида бир қадам ҳам олға босмаслиги мумкин-у, аммо ҳар ҳолда ўз асарларининг асосий йўналиши ва маъноси жиҳатидан биз учун ажойиб

истеъдод эгаси бўлиб қолиши мумкин. Борингки, у бадиий талабларга жавоб ҳам бера олмасин, борингки, у баъзан яғлишсин ва ўз фикрини яхши ифодалай олмасин; биз энди бунга эътибор ҳам бермаймиз, унинг тўғрисида биз кўп ва узоқ муҳокама юргизишдан қайтмаймиз, фақат унинг асарларининг мазмуни бирон жиҳатдан жамият учун муҳим бўлса бас. Албатта, шундай ёзувчилар ҳам борки, улар *ўз кўзи билан* ҳеч нимани кўрмайди, улар ҳеч нима тўғрисида *ўз сўзини* айта олмайди; бундай жанобларнинг асарлари худди оддий газета фельетонлари, жаноб Толбин ёки князь Кугушев повестлари сингари, ёинки жаноб Проков, Апухтин ва шу кабиларнинг шеърлари сингари бошдан-оёқ силлиқ, равон ўқиладиган бемаза нарсалардан иборат бўлади. Бундай асарлар тўғрисида мутлақо ҳеч нима деб бўлмайди... Яна шундай ёзувчилар борки, уларнинг миясида қандайдир жуда кичик, кўпдан бери чайналиб юрган, бир ёқлама ёки ясама идеяча акс этади ва улар бу идея устида ишлайдилар; бундай ёзувчилар тўғрисида уларнинг бажарган ишларининг муваффақиятига қараб баъзан сўзласа ҳам бўлади. Мана, масалан, жаноб Колбасин «Ҳамма эркаклар бевафо ва улар чин муҳаббатни тушунмайдилар» деган идеяни ушлаб олган: шу темада у Европадаги ҳамма миллатлар турмушидан олиб бешолтита повесть ҳам ёзиб ташлаган. Агар бирон кишига жаноб Колбасин жуда яхши ҳикоя қилаётгандай туюлса, у киши жаноб Колбасин тўғрисида ҳам сўзлаб, у ўз идеясини яхши ўтказябди-ку!— дейиши мумкин. Бошқа ёзувчиларда учрайдиган идеялар у қадар сийқа ва бачкана бўлмаса ҳам, лекин кўпроқ ясама идеялардир. Мана, масалан, жаноб Писемскийнинг дунё қарашига кўра шундай бўлиб чиқадики, рус кишиси ҳеч қандай меёрни билмайди,— агар у очликдан ўлмаса, нуқул ароқхўрлик — пиянисталик қилади; агар хотини уни жиловлаб олган бўлмаса, нуқул хотинини калтаклайди; агарда бировдан тепки, қамчи зарбини ейиш хавфини сезмаса, худди ваҳший йиртқичдек ҳаммага ташлана беради, агар ўзи пора олмаса, ўн тийин пора олган ҳар бир кишини қўлоёғига кишан солиб қўйишга ҳаракат қилади. Агар бирон кишига жаноб Писемский асарларида бу идеялар жуда ишонарли бўлиб чиқаётгандай бўлиб туюлса, демак бу тўғрида ҳам сўзламоқ керак.

Лекин, бошқа хилдаги ёзувчилар борки, улар бутунлай бошқа жиҳатдан мароқлидир. Бундай ёзувчиларда бадиий туйғу гарчи ҳатто кучсиз бўлса-да, лекин соғлом йўл билан боради; бундай ёзувчиларда ҳаёт ҳодисалари тўғри акс эттирилибгина қолмай, шу билан бирга уларга ҳаётнинг умумий сирли маъноси озми-кўпми тушунарли бўлади. Агар бундай ёзувчиларнинг идроки ҳамма нарсани қамраб оладиган бўлса, агар улар ҳаётнинг фақат айрим ҳодисаларинигина эмас, балки унинг бутун муттазам оқими билан оғиб берсалар,

агар улар ҳодисаларнинг фақат ташқи томонигагина эмас, балки бу ҳодисаларнинг ички алоқадорлиги ва изчиллигига ҳам сезгирлик билан қарасалар, у вақтда бундай ёзувчилар ажойиб санъаткор бўлиб қоладилар. У вақтда бундай ёзувчилар адабиётда мустаҳкам ўрнашиб қоладиган бирон нарса яратадилар ва ижтимоий онгнинг ҳаракатлантирувчиси бўлиб хизмат қиладилар. Лекин, идроки торроқ бўлган, туйғуси гарчи кучсизроқ бўлса-да, аммо тўғри бўлган кишилар ҳам, агар шу ҳаётнинг лоақал биргина хусусиятини, яъни ҳаммамизнинг кўз олдимизда жилваланиб турган, ҳаммага дахли бўлган ва лекин камдан-кам кишиларнигина жиддий ўйга соладиган, жуда камдан-кам кишилар тушуна оладиган хусусиятини бизга тушунтириб берсалар ёки уни фақат бизга кўрсатиб ўтсалар, бундай кишилар ҳам из қолдирмай ўтиб кетмайдилар ва улар ҳам диққатга сазовор бўладилар.

II

Жаноб Достоевский асарларида биз умумий бир хусусиятни кўрамиз; у ёзган нарсаларнинг ҳаммасида бу хусусият озми-кўпми сезилиб туради: у ҳам бўлса одам тўғрисида ачиниб қайғуришдирки, бу одам ўзини ожиз деб билади ёки, ниҳоят ҳатто, ҳақиқий, бус-бутун, ўзига мустақил одам бўлишга ўзини ҳақли эмас деб билади. «Ҳар бир одам — одам бўлмоғи лозим ва бошқаларга одам одамга муомала қилгандек муомала қилмоғи лозим»,— авторнинг кўнглига тугулган идеал ана шундан иборат бўлиб, бу идеал унинг кўнглида ҳар қандай шартли ва жузъий назарий қарашлардан ташқари, ҳаттоки унинг ўз иродаси ва онгидан ташқари, қандайдир a priori тарзда, унинг ўз хулқ-табиатининг қандайдир бир қисмини ташкил этган нарса сифатида пайдо бўлган. Шуниси ҳам борки, бу одам ҳаётга қадам қўйиб, ўз теваракатрофига назар ташлар экан, одамнинг ўз шахсиятини сақлаб қолиш, ўз борлиғича қолиш йўлидаги жаҳду-жадаллари ҳеч қачон рўёбга чиқмайди; бу йўлда тиришиб ҳаракат қилганларнинг бирортаси сил касалдан ёки ҳолдан тойдирувчи бирон бошқа касалдан бемаҳал ўлиб кетмаса, ахир пировардида у фақат тошюрак бўлиб қолади, одамларга қўшилмайдиган, хилватпараст бўлиб қолади, девоналик даражасига бориб стади, ёки у шунчаки маъюс, карахт бўлиб қолади, ўзидаги одамлик табиатини бўғиб ташлайди, ўзининг одамдан хийли тубан турганлигини самимий равишда эътироф қилиш даражасига бориб стади. Кўпгина шундай одамлар борки, улар гўё ҳатто онадан туғилган замон ўзларини одамдан хийли тубан деб биладилар, ўзларининг одамгарчилик шаъни тўғрисидаги фикр гўё уларнинг асло хаёлига ҳам келмагандек бўлиб туюлади. Бу — худди бошқа бир дунёга хос махлуқ-

лар бўлиб, уларнинг қолган инсоният билан худди мутлақо ҳеч қандай алоқаси йўқдек кўринади... Хўш, инсонлар муносабатида бундай ярамас, ғайри оддий ҳолларнинг бўлишига сабаб нима? Бундай ҳоллар қандай қилиб юз беради? Бу хил ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлари ва фарқи нимада? Бу ҳодисалар қандай натижаларга олиб келади? Жаноб Достоевскийнинг асарлари китобхонни табиий ва зарурий равишда ана шу саволларга дуч қилиб қўяди. Дуруст, юқорида айтилган масалаларни у ҳал қилмаган; лекин агар у бу масалаларни ҳал қилганда эди, албатта, улар тўғрисида повестлар ёзмаган бўлар эди. Адабий асар заказ билан қилинадиган иш эмас, балки самимият билан юракдан қилинадиган ишдир. Ана шундай бўлган тақдирдагина бу ишни бажариш мумкин; бундай қилганда олинган фактнинг дастлабки негизи ва ниҳояси билан ҳал этилиши яна шундай бир масалани ташкил этадики, бу муаммони ечиш авторнинг ўзини қизиқтириб қўяди. Лекин, кучли талантларда ижодий ишнинг ўзи ҳаётий ҳақиқатга шу қадар чуқур кириб кетадики, баъзан санъаткор томонидан фактларнинг ва муносабатларнинг оддий равишда қўйилиши натижасида улар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Жаноб Достоевскийда бундай қилишга истеъдод кучи етишмаган; унинг ҳикояларига қўшимчалар қилиш ва изоҳлар бериш лозим бўлади. Лекин, шундай бўлса ҳам, унда бу масала қўйилган, бинобарин, китобхонлардан ҳеч бири унинг повестларини ўқигандан кейин бу масаладан ўзича қутулолмайди. Ҳар бир повесть оҳангининг ўзи мотам, ҳасрат -надомат, ғам-ғуссага тўлганки, бу оҳанг кишини асабийлаштирувчи масалани юракдан сўриб чиқаради ва сизда қандайдир асабий дард қўзғатади. Бундай таассурот кўп кишиларга мутлақо ёқмади; бир танқидчи жаноб Достоевскийнинг повестлари ғамгин руҳда бўлганлиги учун уни койиган эди: бу танқидчига, негадир, рус адабиётига хушчақчақ, назокатли, ялтироқ нарсаларнигина акс эттирувчи ҳикоялар керакдек бўлиб туюлибди. Бу танқидчи тезда орзусига эришди: у, жаноб Достоевский тўғрисида тақриз ёзгандан кейин (1849 йилнинг бошларида)[11] ҳақиқатан ҳам рус адабиёти киборлар ҳаётидан, Кострома губерниясига кўчирилган қадимги Аркадия хулқ-одатларидан, ҳамма замонларга ва ҳамма халқларга хос бўлган эр-хотинлар можаросидан, олий мақом нарсалар тўғрисида жуда кўп ва бетайин муҳокамалар юргизган ўқимишли ёшлар доирасидан олиб ёзилган ҳикояларга берилиб кетди. Шу қисқа вақт орасида кўпгина муътабар номлар (энди — ҳайҳот!— ўз жозибасини йўқотаётган номлар!) вужудга келди; ниҳоят бора-бора бу номлар барҳам еб, тағин аввалгидай адабиётнинг янги тури — фош қилувчи тури ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди. Адабиётнинг бу тури ҳам ўтиб кетди — бу тур — Щчигровча гамлетлар, пошехонлик молбоқар қизлар ва Москва атрофидаги

графиялар туридан ҳам тезроқ ўтиб кетди; бу туршинг тез ўтиб кетишига сабаб унинг намояндаларининг таланти кам бўлганлигидан эмас эди, бунинг сабаби шу эдики, унинг намояндалари аввалдан бошлабоқ сохта йўл билан кетган эди. Баъзиларида зарурат юзасидан ташқи талаблар натижасида, баъзиларида эса соддадиллик ва соддафаҳмлик натижасида дунёқараш гоятда тор ва бир ёқлама бўлиб чиқди; чиновникда фақат чиновникни кўрар эдилар: шаҳар бошлиғининг порахўрлигидан келиб чиққан фалокатда фақат унинг порахўрлиги натижасини кўрар эдилар; ҳар бир даҳа полиция бошлиғини мавжуд тартибларнинг туб мақсади ва энг асосий нуқтаси қилиб тасвирлар эдилар. «Россияда эҳсонкорлик бўладими ёки бўлмайдими»— бу масала ҳалол ишлайдиган чиновник Фроловнинг даҳа полиция бошлиги бўлиб хизмат қилиш-қилмаслигига боғлиқ эди: бизда бутун бир комедия ана шу фикр асосида қурилиб, Александринский театрида муваффақият билан ўйналган эди. Жаноб Шчедринни истисно қилганда, ҳеч ким бу чиновникларнинг — ёвузлар ва порахўрларнинг — кўнглига қўл солиб кўришни ва уларнинг турмуш-турмуши кечадиган муносабатларга назар ташлашни ўйлаб кўрмаган бўлса керак. Ҳеч ким уларнинг қаҳрамонлиги тўғрисида мана бундай оддий фикр билан ҳикоя қилишга киришмаган: «Эй бечора одам! Нега сен ўғирлик ва таловчилик қиласан? Сен онадан ўғри ва таловчи бўлиб туғилган эмассан-ку, ахир сен алоҳида бир қабиладан тарқалган эмассан-ку, ҳақиқатан ҳам бу порахўр амалдорлар тоифаси деб аталадиган тоифами?» Фақат жаноб Шчедринда биз баъзи ўринларда шундай сўроқларни кўрамиз; шуниси ҳам борки, фош қилувчи адабиётда жаноб Шчедрин ҳозирга қадар ўзининг ҳамма тенгдошларидангина юқори бўлиб қолмасдан, умуман, турмушни кенг тушунишни даъво қилувчи ҳикоялари билан халойиқни қизиқтириб келган адибларимизнинг кўпидан ҳам юқори туради. Лекин, жаноб Шчедринда ҳам «фош қилиш» томони босиб кетишини кўрмаслик мумкин эмас. «Губерния очерклари»нинг ҳеч бирида биз [унинг бундан 12 йил бурун босилиб чиққан «Чалкаш иш» («Запутанное дело») деган асаридаги сингари][12] бечора кишига бу қадар самимий меҳрибонларча муносабатни кўрган эмасмиз. Кўриниб турибдики, у вақтда бошқача замон, бошқача куч, бошқача идеаллар бўлган. У вақтда тутилган йўл жонли ва таъсирли бўлган, бу йўл чинакам инсонпарварлик йўли бўлган; бу йўл турли ҳуқуқий ва иқтисодий қочириқ гаплар билан бузилмаган ва бўшаштирилмаган йўлдир. У вақтда, нима учун одам баджаҳллик қилади ёки ўғрилик қилади, деган масалага худди нима учун одам кулфат тортади ва ҳамма нарсадан қўрқади, деган масалага қарагандек қарар эдилар; у вақтда бу хил масалаларни патология жиҳатдан текширишга меҳр ва ачиниш билан киришар эдилар, [бу йўл агар

давом этганда эди, у шубҳасиз, ўзидан кейин келган ҳамма йўллардан самаралироқ бўлиб чиқар эди. Ҳозир эса! бизда бу масалалар жўнгина ҳал қилинади; агар одамлар ўғрилик қилса, демак — полиция ўз ишини яхши бажармайди, агар пора олинса, демак — бошлиқ лапашанг... ва ҳоказо. У вақтда эса баъзан шундай бўлар эди: одамнинг ўғрилик қилишига сабаб шу эдики, у иш тополмас эди ва очликдан ўлар эди; унинг пора олишига сабаб шу эдики, қарамоғидаги ўн беш жонни боқиши керак эди... Натижалар ахлоқий жиҳатдан бир-бирига сира ўхшамайди: бири сизда одамгарчилик туйғусини ва мардонавор фикрни уйғотади, иккинчиси эса сизни полицияга олиб боради ва ҳуқуқий формада қотиб қолишга мажбур қилади.

Жаноб Достоевский ўзининг биринчи асаридаёқ мен юқорида асос эътибори билан одампарварлик йўли деб атаган йўлнинг ажойиб намояндаси бўлди. Гоголнинг энг яхши томошаларининг ва Белинскийнинг энг ҳаётий идеяларининг яшигина таъсири остида ёзилган «Бечора кишилар»да ёш талантга хос бутун куч-ғайрат билан жаноб Достоевский бечораҳол турмушимиздаги уни ҳайратда қолдирган ғайри нормал ҳолларни анализ қилишга киришган ва бу анализда ўзининг юксак одампарварлик идеалини ифодалай олган. Бу идеал ёлғиз унинг ўзига тегишли эмас ва уни рус адабиётига киритган киши ҳам у эмасдир. «Энг манфур ва ҳатто жиноятчи киши ҳам, шундай бўлишига қарамай, бизнинг биродаримиздир» деган оқилона гаплар шаклидаги одампарварлик идеали бизнинг адабиётимизда ўтган асрнинг охирларидаёқ, Руссонинг ўша вақтда бизда тарқалган идеялари ва асарлари туфайли пайдо бўлган эди. Лекин, четдан олиб келинган бу оқилона гаплар ўша вақтда рус ҳаёти билан яхши келишмас эди ва у вақтда бу оқилона гапларнинг маъносига жиддий ва чуқур тушунадиган кишилар кам эди. Державин умуман одамларнинг разиллигини ва хусусан баъзи амалдорларнинг улуғворлигини ҳамон мадҳ қилмоқда эди; кишилик ҳуқуқлари тўғрисида эса у шу қадар кам ўйлар эдики, менга —

Билишга ҳам, фикрлашга ҳам йўл қўядилар!..[13]

деб, кўнгли бузилиб, жуда мутаассир бўлар эди.

Карамзин тўғрисида сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади: умумий кишилик ҳуқуқлари ва манфаатларини англаш унга қай даражада ёт эканлигини билмоқ учун «Рус сайёҳининг мактублари» деган асарини ва айниқса унинг Францияга доир қисмини[14] варақлаб чиқиш кифоя. Пушкинда баъзи ўринларда кишилик табиатига, одам сифатидаги одамга ҳурмат кўринади-ю, лекин бу ҳам кўпинча Эпикурча маънода кўринади. Умуман айтганда у жуда унчалик жиддий киши эмас эди, ёки, эстетиклар сўзи билан айтганда, ўз хулқи-табиати жиҳатидан у ҳаётга жуда ҳам оҳангдош эди ва бинобарин,

ҳаётнинг қандай бўлмасин ғайри нормал томонлари билан шуғуллана олмас эди. У ҳамма нарсада фақат гўзалликни кўрар эди ва фақат шоирона томонларини, яъни серҳашам тўй-базмнинг гўзаллигини, жангга бораётган аскарий сафларнинг мунтазамлигини, тушаётган қор бўронининг ҳашамдорлигини, қандайдир «маънавий юксакликдан» ўз устига нур сочаётган «бадиий зайтун мойнинг мушк-анбар ҳидларини» ва ҳоказо ва шу кабиларни тасвирлаб берар эди. Фақат Гоголь (у ҳам бирданига эмас, албатта) адабиётимизга одампарварлик элементини киритди: «Эски дунё помешчиклари» деган асаридаёқ у жуда равшан намоён бўлди, лекин бунинг муҳимлигини у вақтда Гоголнинг ўзи ҳам батамом қадрламаган эди. Ҳеч бўлмаганда, «Ревизор» бу жиҳатдан хийли бўш ишланган, бу эса баъзи кишиларга бутун комедияни масхарабозлик ва иштирокчи шахсларнинг ҳаммасини карикатура деб аташга баҳона бўлди. Лекин, борган сари Гоголда унинг талантининг одампарварлик томони яққолроқ намоён бўла борди ва ҳаттоки ўз хоҳишига хилоф равишда, ёрқин ва соф идеалларга эришмоқ ниятида, у ҳамма нарсани ўзининг қудратли сўзи билан: яъни «бечоралик, бечоралик ва турмушимизнинг номукаммаллиги»[15] деган сўзлари билан тасвирлар эди. Жаноб Достоевский ҳам худди шу йўлдан борди.

Жаноб Достоевский одамнинг ўз-ўзига ва унга бошқа одамларнинг ҳурмати йўқлигини бизга турли шаклларда ва турли ҳолларда кўрсатиб берди. Бу повестларни ўқиганингда масала жўндек бўлиб туюлади:— одам туғилган экан, демак, яшамоғи лозим, демак, унинг яшашга ҳақи бор; бу табиий ҳуқуқнинг мавжуд бўлмоғи учун табиий шароит ҳам, яъни тирикчилик воситалари ҳам бўлмоғи лозим. Воситаларга бўлган бу эҳтиёж умумий эҳтиёж бўлганликдан, уни қондириш ҳам ҳамма учун баб-баравар умумий бўлмоғи лозим; кишилар тоифаларга ажратилмаслиги, чунончи, фалонларнинг ҳақи бор, фалонларнинг ҳақи йўқ, деган гаплар бўлмаслиги керак. Бу ҳолда бировнинг ҳуқуқини инкор қилиш — унинг яшаш ҳуқуқини инкор қилиш демакдир. Модомики, шундай экан, табиий шарт-шароитлар доирасида, худди ҳар бир одам тўлиқ, мустақил одам бўлмоғи ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаб комбинацияларига кирар экан, унга шахсини тўла-тўкис олиб кирмоғи ва тегишли ишга киришганда, лоақал энг майда ишга киришганда ҳам, шунга қарамай, ўзининг бевосита инсонлик ҳуқуқларини ва талабларини асло камситмаслиги, йўқотмаслиги ва бўғиб қўймаслиги лозим. Равшан бўлса керак. Бас, шундай экан, хўш нима сабабдан Макар Алексеевич Девушкин «ўзини четга тортади, халойиқдан бекинади, дағ-дағ титрайди», ўз туриш-турмушидан ҳамиша уялади, «теварак-атрофига уялиб тортиниб назар солади, ҳар бир сўзга диққат билан қулоқ солади» ва

унинг бирдан бир юпанчи шу бўладики, у ўзини майда, ожиз киши деб ҳисоблайди? Хўш, нима сабабдан Горшков «бундай аянчли, ожиз: унинг тиззалари қалтирайди, қўллари қалтирайди, боши қалтирайди. Ўзи қўрқоқ, ҳаммадан қўрқади, ўзини четга олиб юради?». Хўш, Покровский отасининг афтангори нега бунақа, нега, «у бир нимадан худди уялгандай бўлиб юради», ҳатто ўғли билан сўзлашганда ҳам «столдан бир оз туриб ўтиради, ўғлининг саволларига секин, хушомадомиз, жуда мулойим сўзлар билан жавоб қайтаради?» Хўш, нима сабабдан жаноб Голядкин «ўз ҳуқуқини сақлаб қолиш», «ўзига мустақил йўл билан бориш» учун азоб-уқубат чекиб, беҳуда уринади-ю, кучаниб-тиришиб ўзининг ҳақ-ҳуқуқини ҳам қўлдан беради ва ниҳоят, ўзининг ожиз миясида ўз идеясини сақлай олмасдан, ҳамма менинг ҳуқуқимга чанг солаётир, деган хаёл билан савдойи бир аҳволга тушиб қолади? Хўш, нима сабабдан жаноб Прохарчин ҳам йигирма йил зиқналик қилади ва қашшоқ аҳволда кун кечириб, ниҳоят, бечорачиликдан зорланиб-зорланиб касал бўлади ва ўлади? Хўш, нима сабабдан ёш чиновник Шумков ўзини инсоният оламидан ронда қилинган киши деб ҳисоблайди ва энди мени солдатликка юборадилар, чунки қаллиқбозлик билан овора бўлиб, жаноб олийлари томонидан топширилган қоғозни ўз вақтида кўчириб қўя олмадим, деган хаёл билан жинни аҳволга тушиб қолади?— Ҳолбуки у қоғоз жуда ҳам шошилинч бўлмайди! Хўш, нима сабабдан кичкина Неточка ўзини Катя олдида бунчалик хўрлайди? Хўш, нима сабабдан Ростанев Фома Фомич олдида ўз иродасидан қайтади ва ўзи жон-дили билан севадиган мураббияси Настеньканинг муҳаббатига ўзини мутлақо номуносиб деб ҳисоблайди? Хўш, нима сабабдан Наташа иродасини ва ақл-ҳушини қўлдан бериб қўяди, Иван Петрович эса дайди-саиқи Алёшага қўл қовиштириб йўл беради? Хўш, нима сабабдан чол Ихменев ўз қизига бўлган оталик меҳр-муҳаббатидан ҳар хил азоб чекади-ю, лекин князга ва унинг ўғлига ёш берди, деган маломатдан ўзини сақлаш учун қизининг гуноҳини кечирмайди? Хўш, нима сабабдан кичкина Нелли Иван Петрович берган совғаларни жирканиб қабул қилади ва синдириб қўйган чашкаси ўрнига пул йиғиб унга бошқа чашка олиб бериш учун кўчаларда тиланчилик қилади? Одамлар ўртасидаги бу қадар ёввойиларча, жуда ғалати муносабатларнинг сабаби нимада? Табиий ақлга мувофиқ тартибда бориши лозим бўлган нарса билан амалда содир бўладиган нарса ўртасидаги бундай тушиниб бўлмайдиган нифоқликнинг илдизи нимада?

Биз юқорида айтиб ўтдикки, жаноб Достоевский асарларидаги ҳеч бир иштирокчи шахс, унинг ҳеч бир повести айрим ҳолда бу сўроқларга жавоб бермайди. Бу сўроқларга жавоб топиш учун биз мазкур шахсларни гуруҳларга бўлишимиз ва уларни бир-бири билан изоҳлашимиз лозим.

Одамгарчилик шаъни ҳақорат қилинган кишиларни биз жаноб Достоевскийда икки асосий типда: ювош ва баджаҳл типларда учратамиз. Ювош типлар ҳеч қандай норозилик билдирмайдилар, ўз аҳволининг оғирлиги остида букилиб, шунга кўникиб қоладилар ва ўзларини жиддий равишда ишонтириб, бизлар нолга тенгмиз, майли, зиёни йўқ, дейдилар ва агар жаноб олийлари улар билан сўзлашиб қолгудай бўлса, улар ўзларини бахтиёр ва илтифотга сазовор кишилар деб ҳисоблашлари лозим. Баджаҳл типлар эса аксинча: уларнинг ҳуқуқий, уларнинг қонуний талаблари, ўзлари муқаддас тутган, ўзлари билан бирга дунёга келган нарсалар оёқ ости қилинаётганлигини ва эътироф қилинмаётганлигини кўргач, улар теварак-атрофларидаги ҳамма нарса билан алоқани узишни, ҳамма нарсадан бегоналашувни, фақат ўзлари билан ўзлари сервар бўлишни, дунёда на бирон кишидан ёрдам сўрашни, бировдан на хизмат, на бирордарларча хайрихоҳлик, на яхши кўз билан қарашни истайдилар. Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг феъллари турланиб туради, шунинг учун ҳам улар ўзларидан доим норози бўлиб юрадилар, ўзларига ва бошқаларга лаънатлар ўқийдилар, ўзларини ўлдирмоқчи бўладилар ва ҳоказо.

Феъли-атвори тамоман бошқа-бошқа бўлган бу икки хил кишилар ўртасида яна бир тоифа шундай кишилар борки, уларни биринчи типга қўшиш, эҳтимол, тўғрироқ бўлса керак: булар ўз инсоний ҳуқуқини кенг тушунишдан маҳрум бўлган, лекин унинг ўрнига бирон-бир тор шартли ҳуқуқ русумини қабул қилган ва шу русумни маҳкам ушлаб, уни авайлаб сақлайдиган кишилардир. Бу хил жаноблар ўзларининг шахсий фазилати хавф остида деб хаёл қилган ҳар бир чоғда, масалан, улар «мен титулярний советник», «менга Василий Петровичнинг ўзи қўл бериб кўришади», «мени штаб-офицернинг хотини Похлестова танийди» ва ҳоказо гапларни қайта-қайта такрорлашдан қайтмайдилар. Бу кишилар ҳам кўрқоқ, гумансирайдиган, жиззаки, ўтакетган аразчи бўлиб, шу аразчилик уларни ҳаммадан кўпроқ бахтсиз қилиб қўяди.

Жамиятимизда «майда киши» деб аталган кишиларни кузатиб борган ҳар бир одам ювош ва итоатгўй кишилар ҳам жиззаки ва аразчи бўлишини билади. Бу ҳол муносабатларга боғлиқ бўлади. Бўлим бошлиғи ёрдамчиси бўлим бошлиғи олдида мўм тишлагандай, бутунлай ювош бўлиб қолади; лекин бошқа ёрдамчилар билан муомала қилганда «ўз ҳуқуқида» маҳкам туради ва шу ҳуқуқни қўлдан бермасликка тиришиб, қовоғини солиб олади. Ана шу томонни жаноб Достоевский «Двойник»да жуда ривожлантирган; унинг бу асарида кўп яхши ўринлар, афсуски, ҳикоянинг умуман чўзилиб кетганлиги ва ножўя фантастика кўп ишлатилганлиги орқасида хароб бўлган. Лекин, биз ҳозирча биринчи хусусиятни — тамоман ювош ва маъюс хомушлик аҳволига тушиб қолганликни ва бунинг қандай бўлиб чиққанлигини анализ қиламиз.

Афтидан, бунда сўзлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ: одам ўзининг аҳмоқлигига, ёки ўзининг расволигига, ёинки юриб-туришни билмаслигига ишонибди,— хўп, яхши бўлибди, вассалом... Буни чўзиб ўтиришнинг нима кераги бор! Шундай бўлса тағин ўзига тинчроқ: кўзи кўрлигини билган киши кўз тикиб қарашининг ҳожати ҳам йўқ... Ундан кўра, бошқаларнинг сўзига қулоқ солиб тинчгина ўтирган тузук. Хўш, кўрнинг кўзи кўрмаслигини тасвирлаб ўтиришнинг нима қизиғи бор?..

Лекин санъаткорнинг хизмати ҳам мана шунда: у кўрнинг кўзи тамоман кўр эмаслигини кашф этади; у, аҳмоқ одамда соғлом фикр чироғи равшан йилтираб турганини кўради; эзилган, разолатга кетган, қиёфасини йўқотган одамдан у жонли, ҳеч қачон сўндириб бўлмайдиган интилишларни ва инсон табиатининг эҳтиёжларини излаб топиб бизга кўрсатади, унинг кўнглининг энг чуқур еридан ташқи, зўравонлик сиқиғига қарши шахснинг пинҳоний норозилигини тортиб чиқаради-да, уни бизнинг ҳукмимизга ва хайрихоҳлигимизга тақдим этади. Гоголь ўзининг баъзи повестларида бизга ана шундай кашфиёт қилиб берган; биз жаноб Достоевскийнинг «Бечора кишилар» деган асарида ва қисман бошқа асарларида ҳам худди шу ҳолни фақат бир қадар жимжималик бир тарзда учратамиз.

Масалан, чиновник Девушкин ўз ҳолича яшайди, соч-соқоли оқаргунча умр кечиради, ҳеч нима тўғрисида ўйламасдан, ҳеч нимани тама қилмасдан, тинч ва камтарлик билан салкам ўттиз йил хизмат қилади. У, Варенька билан дилкашлик қилар экан, бундай дейди: «Сиз менга роҳат-фароғат, осойишталик ва яна алланималар тўғрисида нега ёзасиз? Онажонгинам, мен турмушдан олийдиган ва йўқ нарсаларни талаб қиладиган киши эмасман, мен ҳеч қачон ҳозиргидай яхши ҳаёт кечирган эмасман, шундай бўлгандан кейин, қарилик чоқда инжиқлик қилиб ўтиришнинг нима кераги бор? *Қорним тўқ, усти-бошим бут, бундан ортиқ орзу-ҳавосни ким қўйибди бизга! Насл-насабимиз граф эмаску!*.. Отам дворян тоифасидан эмас эди ва бутун оиласи билан оладиган даромади жиҳатдан мендан камбағалроқ эди.— Мен ноз-фироқни билмайман!». Ҳақиқатан ҳам у ноз-фироқни билмайди: ошхонадан ажратилган даҳлизни ижарага олиб яшайди, унга ойига икки сўмдан ҳақ тўлайди ва «бошқалардан айрим, ёлғиз ўзим хилватда яшайман!» деб ўзини юпатиб ҳам қўяди:.. «Қорним тўқ» дейди у,— аммо орқат учун ойига беш сўм тўлайди; бундан қориннинг қанчалик тўқлигини тасаввур қилиш мумкин, усти-боши бутунлиги ҳам ўзига яраша. Шундай бўлса ҳам фақат бир гапни так-

рорлаб: «Мен нолимайман, турмушимдан розиман, моянам бир неча йилдан бери етарли» дейди. У ўзининг ақл-идроки қандайлигини ҳам тушунади, мен ўқимишли киши эмасман, камбағаллик важидан тузуккина ўқий олмадим, хат-саводим ҳам унчалик эмас, катта масалаларни тушуполмайман. Шунинг учун ҳам кўп нарсаларга суқилавермайман, дейди. У жамиятда тутган мавқеига жуда яхши кўникиб қолган. У, ўзини юпатадиган мана бундай чуқур маъноли хулосалар чиқариш даражасига бориб етган: «Ҳар кимнинг аҳволи қандай бўлишини худойи таолонинг ўзи одам боласига азалдан насиб қилган: бировга генерал бўлиб зар-зевар тақиб юриш насиб қилган, бировга титулярний советник бўлиб хизмат қилиш насиб бўлган, фалонга буйруқ қилиш, фалонга эса итоат қилиш насиб бўлган. Бу ишлар одамнинг қобилиятига қараб қилинган, биров бир ишга қобилиятли бўлса, иккинчи биров бошқа бир ишга қобилиятли қилиб яратилган. Қобилиятни эса худонинг ўзи яратган». Макар Алексеич ана шу юпатувчи фикрларни дилига жо қилгач, шу билан бирга, ўз дилида, ўз ақл-фаросатида ҳар қандай таянчдан маҳрум бўлади ва энди ўз онгини эмас, балки бошлиқларнинг фикрини ва расмий муносабатларни ўз фазилатининг бирдан-бир олий мезони деб ҳисоблайди. У, ўз фазилатларини мана бундай деб тасвирлайди: «Хизмат қилаётганимга қарийб 30 йил бўлди, ҳалол хизмат қиламан, зийраклик билан иш кўраман, ҳеч қачон тартибсиз иш қилдинг, деб койиш эшитган эмасман. Бир граждан бўлишим сифатда *ўз онгимнинг амри билан ҳаракат қиламан,* менинг ўз камчиликларим ва шу билан бирга ўз фазилатларим борлигини биламан. *Бошлиқлар мени ҳурмат қилишади, жаноб олийларнинг ўзлари мендан рози* (ўз онгимнинг амри билан ҳаракат қиламан деган гап қаёққа кетди!); гарчи у киши ҳозирга қадар менга бирон илтифот кўрсатган бўлмасалар-да, ҳар ҳолда мен биламанки, у киши мендан рози». Сўнгра Макар Алексеич тағин ўз онги нақадар кучли эканини кўрсатади, мен, дейди у, «ярамас иш қилдинг ва гўстохлик қилдинг деб ҳеч қачон койиш эшитган эмасман; кейин тартиб-қоидаларни буздинг ёки жамоат тартибини буздинг деб ҳеч қачон танбиҳ олган эмасман, бундай нарса ҳеч вақт бўлган эмас: *ҳатто кичик крест мукофот олдим»*.. Кўриб турибсизки, *крест мукофоти* Макар Алексеич фалсафасининг бир қадар базисини ташкил этади ва бу унинг энг юқори, сўнгги далили ҳисобланади. Унинг ўзига яраша иззат-нафси ҳам бор, лекин унинг бу иззат-нафсини қондириш ҳам осон; масалан, у бир марта эҳтиётсизлик қилиб ароқ ичиб қўйган ва ўзининг айтишича, тўполон қилган; шундан кейин у Варенькага хат ёзиб уни юпатмоқчи бўлади ва бундай дейди: «Сиз менинг тўғримда ташвишланманг; сизга ҳозироқ шуни

айтиб қўяйки, мен ўз иззат-нафсимни ҳамма нарсадан кўра қадрлайман ва сизнинг ахборингиз учун *бошлиқлардан ҳеч ким ҳали бу сирни билмайди ва бундан кейин ҳам билмайди. Демак, улар мени илгаригидек ҳурмат қилиша беради».* Умуман айтганда, Макар Алексеич шу даражага бориб етганки, у ҳатто этик ва шинелини ўзи учун эмас, бошқалар учун, айниқса жаноб олийлари учун кияди, чойни ҳам бошқалар учун ичади, ҳаммасини нафсоният деб бошқалар учун қилади. «Менга қолса барибир; изғирин совуқда шинелсиз ва этиксиз юрсам ҳам майли — мен ҳаммасига чидайман, менга ҳеч бало бўлмайди, *мен оддий, кичкина одамман» Лекин «этик кийиш ор-номус ва муътабар номни сақламоқ учун керак; йиртиқ-ямоқ кийиб юрсам, ор-номус ҳам, муътабар ном ҳам қўлдан кетади».* Хўш, қандай қилиб қўлдан кетади? Шундай бўлиши мумкинки, бирон кун бехосдан жаноб олийларининг кўзлари тушиб қолади ва шунда бирдан мени ғазабга олиб қолсалар — худо урди!..» Макар Алексеичнинг миясида ўрнашиб қолган бу ахлоқ қонун-қоидаларига ва турмуш ҳикматига унда бўлиб ўтган бир воқиадан қолган, кишини мутаассир қиладиган разилона бир таассуротни ҳам қўшиб қўйинг: бу воқиа шундайки, бир кун генералнинг олдида Макар Алексеичнинг бир тугмаси узилиб тушади ва шунда генерал унга юз сўм бериб, қўлини сиқиб қўяди. Бу воқиа ҳақиқатан ҳам ажойиб, у бир неча марта нақл қилинган эди ва шунинг учун ҳам, албатта, китобхонларнинг хотирасида қолган бўлса керак. Бу воқиа тўғрисида Макар Алексеичнинг ўзи мана бундай фикрда: «Сизга қасамёд қилиб айтаманки,— деб ёзади у Варенькага,— ғам-ғуссага тўлган юрагим ёрилиб, ўлишимга сал қолди, бундай бахтсизлик кунларимизда, сизнинг аҳволингизга, бечоралигингизга, ўзимнинг аҳволимга, хорлик-зорлик тортишимга ва уқувсизлигимга назар солар эканман, шундай аҳволда бўлишимизга қарамай, сизга қасамёд қилиб айтаманки, менга юз сўм унчалик қадрли эмас, менга энг қимматлиси шуки, жаноб олийларининг ўзлари менинг, лапашанг, пиянистанинг номуносиб қўлини ушлаб сиқишни ўзларига раво кўрдилар! Бу билан у киши мени дунёга қайтадан келгандек қилдилар. Бу ишлари билан *у киши менга қайтадан жон ато қилгандек бўладилар, турмушимни умрбод шаҳд-шарбатга сероб қилдилар;* бинобарин имоним комилки, худой таолонинг олдида қанчалик осий гуноҳкор бўлсам-да, жаноб олийларига бахт ва сиҳат-саломатлик тилаб қилган дуоларим худонинг даргоҳига бориб етади!» Макар Алексеичнинг бу юрак ҳасратларида сиз унинг сахийлигини, юраги бўшлигини, миннатдорлигини, ҳатто боринги, лутфназокатини кўрасиз; лекин сиз Макар Алексеич ўзини солиб қўйган хўрликни кўриб ачинасиз ва фақат ҳам-

дарлик туйғуси сизда инсон табиатининг бузилишидан беихтиёр туғилиши мумкин бўлган жирканиш ҳиссини бошқача йўл билан пайдо қилади... (Улисснинг вовиллаб ва думини ликиллатиб ўз эгасини қарши оладиган эзда ва озғин кўппаги бу чиновникнинг валламат олижаноб генералига қараганда ўз эгасига беқиёс даражада яқинроқ ва тенгроқдир). Ўзининг одамгарчилик фазилатини мутлақо англамаслик, ўзининг қадр-қимматсизлигини тамоман бўйнига олиш, Макар Алексеич ва унинг валинеъмат генерали ҳам мансуб бўлган вужудлар зоти ичидан ўзини бутунлай чиқариб ташлаш — унинг кўз ёши тўкиб қилган миннатдорчиликларининг бутуниси ана шундан иборат. Лекин шунисн ҳам борки, у бахтиёр кишидир, у ўз хўрлигидан бахтлидир, шунинг учун ҳам у худога ёлвориб, «илгари хафалик чоғларимда...» шаккоклик билан қилган шиква-шикоятларимни ва *либералларча қилган фикрларимни»* кечир, деб кўз ёши тўкади.

[Ишларнинг муваффақият билан равон бориши учун умумий механизмда керак бўлган нарсанинг намунаси ана шундан иборат]. Чамаси, ҳеч нима бундан яхшироқ бўлолмаса керак. Ўзида шундай типлар етишиб чиқишига эришган жамият, чамаси, (давлат) назарияси маъносида намунали, мукаммал, беками-кўст жамият деб аталиши мумкин. [Бунда маълум хилдаги иерархия фақат ўрнатилиб қўйилгани йўқ ва у фақат қўллаб-қувватланаётганлиги йўқ... бундай бўлганда чакки бўлмас эдику-я; куч билан ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш мумкин, албатта,— Римда кардинал идораси ҳозирга қадар сақланиб келмоқда... Лекин, бунда ундай эмас: бунда ўрнатилган иерархиянинг ҳатто қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи ҳам йўқ: унинг фойдаси ва зарурлиги ҳаммага жуда равшан, бу иерархия ҳар бир кишининг, ҳатто ундан камроқ манфаат кўрган кишининг ҳам ичдан жуда маъқуллашига сазовор бўлди. Унинг даврида ҳамма ўзини бахтли ва мамнун деб билади... Ҳамманинг бой, ҳамманинг талантли, ҳамманинг чиройли бўлиши мумкин эмас; ҳамманинг бошлиқ бўлиши, ҳамманинг биринчи ўринда бўлиши мумкин эмас. Лекин, давлатнинг ҳақиқий идеали шундан иборатки, ҳар бир киши ўз ўрнидан мамнун бўлсин, ҳар бир киши ўз мавқеининг қонунийлигини ва батамом адолатли эканлигини англасин, бошқалар қандай иштиёқ билан буйруқ қилсалар, у ҳам шундай иштиёқ билан итоат қилсин, бошқалар йигирма минг сўм даромад олганда, у ўзининг ўн сўмлик моянаси билан тинч ва бахтлиман деб ўйламай ўтирсин,— ана шундай бўлганда олтин аср идеали амалга ошиши мумкин, у вақтда, ҳатто борди-ю бирон киши бошқалардан жабр кўрганда ҳам, бу нарса ишнинг умумий боришини ҳам, унинг ўз бахтини ҳам буза олмайди, чунки ана шу кўнгилсиз ҳодисаларни ҳам у қонуний ва фойдали иш деб билади ва йил фаслларига кўникиб қолгандек, у кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам кўникиб қолади. Идеал иерархиянинг ҳар бир аъзоси, масалан, Макар Алексеич бошлиқларнинг сўкиши-койиши тўғрисида қандай муҳокама юргизса, шундай муҳокама юргизади; масалан, Макар Алексеич бошлиқларни киноя билан масхара қилишга журъат этган масхарабоз тўғрисида бундай деб муҳокама юргизади: «биздақаларни койиш-сўкиш керак бўлганда, нега койимаслик керак?.. Айтайлик, масалан, йўл-йўриқ кўрсатиш учун койимоқ керак, шундай йўл-йўриқ учун ҳам койиш мумкин: адаб бериш керак, савалаб туриш керак... Турли хил амал-мансаблар бор ва ҳар бир мансаб ўз амалига қараб койиш-сўкишни талаб қилади, шу нарса табиийки, шундан кейин койиш-сўкишнинг меёри ҳам ҳар хил бўлиб чиқади,— шундай бўлиши турган гап! *Бу дунё шундай бир тарзда қурилганки, биз ҳаммамиз бир-биримизни, одобга чақирамиз, бизнинг ҳар биримиз бир-биримизни койиймиз. Шундай эҳтиёт чораси кўрилмаса, дунё бузилиб кетар эди ва тартиб бўлмас эди».*

Шундай бир идеал давлатни кўз олдингизга келтиринг-ки, бу давлат шундай фалсафани ўз ташкилотига асос қилиб олган бўлсин ва бу давлатдаги *ҳамма* аъзолар мазкур фалсафани чуқур ва самимий равишда, бутун қалби билан, бутун вужуди билан ўзига сингдириб олган бўлсин: шундай бўлса, қандай бахтиёр давлат бўлар эди! Бу давлатда қандай абадий бузилмас осойишталик, қандай донмий сокинлик, қандай тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган бўлар эди! Ҳеч ким ғаламислик қилиб ўзига йўқ нарсани олишга уринмас эди. Ҳеч ким ўзи қўйилган ўрнидан бошқа ўринга отилмас эди, ҳеч ким ўз ном-насабидан юқори бўлган нарса тўғрисида муҳокама юргизмас эди. Игна кўзидан ўтиш орзусидан киши нақадар йироқ бўлса, камбағал киши ҳам бой бўлиш фикридан шу қадар йироқ бўлар эди; маҳкама бошлиғи кундуздан кейин кеча келишини ва кечадан кейин кундуз келишини таъкид қилмаганидек, ўз секретарининг амр-фармонларини таъкид қилишни ўйламас эди; ҳаттоки қоғозларни кўчириб ёзишга қўйилган кўримсиз бирон ўспирин, чунончи, унинг ҳозир Мисрда яшовчи тимсоҳга айланиш ёки шимол музларидан топилган энг қадимги мастодонтга айланиш фикри хаёлига келмаганидек, қаҳрамонлик кўрсатиш, шуҳрат таратиш ва ҳоказоларни орзу ҳам қилмас эди. Ҳамма жойда ҳеч қандай ғовға ва машмашасиз роҳат-фароғат нури сочилиб ётган бўлар эди. [Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлар эди. Бировлар коляскага тушиб юрар, ҳашаматли қасрларда яшар, бошқаларни сўкиб-койиб юришар эди; бошқалар эса йиртиқ-ямоқ этик кийиб, тиззагача лой кечиб пиёда юрар, зах кулбаларда яшар

ва койиш-сўкиш эшитиб юрган бўлар эди,— лекин униси ҳам, буниси ҳам бир хилда осойишта яшаб, ўз қисматидан рози бўлар эди. Униси ҳам буниси ҳам ёнма-ён, қамтима-қамти тинчгина яшаган бўлар эди; бамисоли эман дарахти билан қичитқи ўти ёнма-ён яшагандай; гарчи Линней ўз системасига кўра, эман билан қичитқини бир туркумга қўшса-да, лекин улар бир-бири билан апоқ-чапоқ даражада тенг бўлишни асло ўйламайдилар. У вақтда разилона ҳасад, ножоиз интилишлар, ҳар хил хавфсирашлар ва бир-бирига чуқур қазишлар бўлмас эди; одамлар авлиёлардек жаннатда яшаган бўлар эдилар; жаннатда яшовчилар кўп бўлади, роҳат-фароғатнинг кўп поғонаси бўлади, лекин пастдаги поғоналарда турувчилар юқоридаги поғоналарда турувчиларга бирodарларча хайрихоҳлик билдирадилар, ўзлари эса мумтоз кишиларга муносиб кўрилган олий даражадаги роҳат-фароғатнинг соясидан лаззатланиб юрадилар. Ҳамма аъзолари биз ҳозиргина юқорида айтиб ўтган ижтимоий иерархиянинг соф тушунчаларини ўзларига сингдириб олган идеал давлатда ер юзи ана шундай жаннат макон бўлган бўлар эди... Ҳаммадан муҳими шуки, бундай давлат тузуми абадий давом этган бўлар эди, чунки унда ҳеч қандай бузилиш элементлари бўлмас эди. Унда лоақал узоқ келажакда умумий осойишталик ва роҳат-фароғатни буза оладиган ҳеч қандай нарса бўлмас эди. Ижтимоий иерархия тўғрисидаги соғлом тушунчаларга асосланган идеал жамиятнинг бутун-бутун асрлар давомида осойишта, тинч ва бахтиёр яшаши мумкин эди, фақат бирон геологик ағдар-тўнтаргина унинг идеал мукаммалликларини бузиши мумкин эди...

Лекин, инсоният дўстининг зўр таассуфига кўра, ҳикмат тоши топилмайди, ер юзида тўла мукаммаллик бўлмайди, фараз қилиш мумкин бўлган идеал жамият ҳеч жойда йўқ... Айтадиларки, китобхон, сиз билан биз эслай олмайдиган қадим замонларда Ҳиндистонда шунга ўхшаш бир тузум бўлган ва бу тузум ҳам браҳманнинг ўз ёрдами билан бўлган. Қашшоқ ҳинд(пория)нинг браҳмандан фарқи ер билан осмонча бўлган, улар ўртасидаги жарлик, айтишларига кўра, Макар Алексеич билан унинг генерал олижаноблари ўртасидаги жарлик сингари ўтиб бўлмайдиган бўлган. Ҳиндларнинг айтишларига кўра, у дунёда жаннатнинг етти қавати бор экан ва бу қаватларда ўтирган кишиларга ҳар хил ноз-неъматлар берилар экан; ўз қиёфасини, иродасини, онгини тамомила йўқотиб, ўзини браҳман қучоғига отган ва унда бутунлай, ном-нишонсиз йўқолиб кетган киши энг юқори қаватдаги жаннатда яшар экан. Бу эса ҳинд олими ўз хаёлига келтира олган олий даражадаги роҳат-фароғатнинг энг юқори нуқтаси эди. Чамаси, шундай бўлганда жуда яхши бўлар эди: бундай асосда қурилган жамият ҳалокатга учрамасдан, балки ўз бахтиёр аъзоларининг доирасини доим

кенгайтириб борган бўлар эди... Лекин, нима қилайликки, инсоннинг табиати ана шундай қомусаммал тузилган-да! Шунинг учун ҳинд таълимоти ҳам, у ўйлаб чиқарган жамият тузуми ҳам вайрон бўлиб кетди; агар ундан ҳозир бирон нарса қолган бўлса, у ҳам ўзининг дастлабки намунасидан жуда йироқ бўлган ожизона тақлидлар ва сохтакорликлардан иборат. Руҳоний иезуитлар (Парагвай республикасида) шу жамиятга ўхшаш бир нарса тузмоқчи бўлган эдилар, лекин (у ерда ҳам) бу иш унчалик муваффақиятли бўлиб чиқмади. [Идеалга эришмоқ учун, масалан, Неаполда, Австрияда ва бошқа мамлакатларда қилинган бошқа унча-мунча уринишлар тўғрисида сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади]. Назария яхши қабул қилинди, турли муассасаларда амалга оширилди, мактабларда ўқитилди, турли жамиятларга мансуб бўлган монахлар томонидан черковларда тарғиб қилинди, ҳатто уйдаги тарбиявий ишларга ҳам жорий қилинди, шундай қилиб, одамни энг нозик, энг таъсирчан йилларида ўзига жазм қилиб олди; Лекин, буларнинг ҳаммаси пучга чиқди! Кўпчилик гап-сўзсиз назарияни қабул қилди; лекин бу назария билан тинчланиб қола олмади ёки тинчланиб қолиш йўлини билмади. Қандайдир бир нимани топиш йўлидаги ҳаракат кишиларни доим ташвишга солиб турди, бирон қуруқ тасодиф, арзимаган тўқнаш юз бердими,— дарҳол ҳамма ҳаяжонга тушади, натижада доимий тинчлик идеали кўкка совурилиб кетади... Ахлоқдан панд-насиҳат қилувчилар, буларнинг ҳаммаси одам зотининг айниб бузилишидан ва одам ақлининг хираланишидан келиб чиқарди, деб даъво қилган эдилар; бошқалар эса, аксинча, жар солиб бақирган эдиларки, гўё одамнинг қиёфасини йўқотишдан иборат бўлган идеал ташкилот назарияси инсон хулқининг табиий талабларига зиддир ва шунинг учун ҳам у ярамас назария деб рад қилинмоғи лозим ва ўз ўрнини бошқа назарияга — шахснинг бутун ҳуқуқларини ва чексиз тараққий қилиш, чексиз олга босиш принципини, яъни турғунликка қарамақарши ўлароқ тараққиёт принципини эътироф қиладиган назарияга бўшатиб бермоғи лозим.

Бизлар, яъни руслар ва асосан адиблар Ғарбий Европада бўлган бу мунозараларнинг ҳаммасидан одатда ўзимизни четда тутиб келган эдик. Бу вақтда биз ўзимизга хос масалалар билан: энг қадимги Руснинг савдо-сотиғи тўғрисидаги, жаноб Щербининнинг таланти тўғрисидаги, Иаков Миих тўғрисидаги, славянларда зооморфик худолар тўғрисидаги масалалар билан шуғулланган эдик; Марионинг ашуласига ва Иван Александрович Чернокнижниковнинг мактубларига мафтун бўлиб юрган эдик. Жуковский, Гоголь ва Загоскиннинг деярли бир вақтда вафот қилганига ачиниб юрган эдик ва инглизларнинг бизга қарши тайёрлаётган ёвуз режаларига ҳайрон бўлиб юрган эдик... [Хулласки, биз, ҳамишаги-

дек, ўз ишимиз билан бўлган эдик ва бизга дахли бўлмаган нарсага аралашмаган эдик: «ҳеч кимга тегмасдан, бир навгина, фақир пайпада бўлиб яшаган эдик ва сувни лойқалатмасликка ҳаракат қилган эдик».] Шундай бўлса-да, жуда яқин вақтда кимдир биров «тараққиёт!» деб қичқирди-ю, яна ғойиб бўлиб кетди,— ана шу вақтдан бошлаб тараққиётни мақташ ва турғунликни алфоз-қабиҳ сўзлар билан сўкиш авж олиб кетди. Хўш, айтиб беринчи, қандай қилиб ва нима сабабдан шундай бўлди! Айтишларича, бунинг сабаби шу эдики, тараққиёт инсонга зарур экан ва инсонни тараққиётни истамасликка мажбур қилишдан кўра, унинг бошини шартта кесиб ташлаш мумкин экан... Билмадим, эҳтимол, шундайдир. Қарайлик-чи, биз мисол қилиб олган ва санъаткорлик кучи билан тасвирлаб кўрсатилган шахслар, балки, бизга бирон жавоб берурлар. Маълумки, санъаткор ҳамиша холис қолади: у мунозараларга ва назарияларга дахл қилмайди, балки фақат ҳаётда учраган фактларни кузатиб боради ва маҳоратига қараб уларни тасвирлаб беради,— унинг бу иши кимга хизмат қилишини, қандай идея учун яроқли бўлиб чиқишини асло ўйламайди.[16] Шунинг учун ҳам ажойиб санъаткор ижтимоий маънода муҳимдир: ҳаётда фактларни тўплаганингда ҳам улар номукаммал, узуқ-юлиқ бўлади, туйғулар равшан бўлмайди, сабаблар аралаш-қуралаш бўлиб кетган бўлади; бунда эса бир ёки икки ҳодиса олиб кўрсатилади, тағин улар шундай бир тарзда кўрсатиладики, улардан кейин бу хил ҳодисаларнинг бутун бир туркуми тўғрисида ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Шуни айтиб ўтмоқ керакки, жаноб Достоевскийда бир қадар санъаткорлик кучи доимо сезилиб, кўриниб туради, унинг дастлабки асарида эса бу куч ҳатто анча кўпроқ акс этган эди. Турмуш ҳақиқати унинг назаридан қоча олмаган, шунинг учун ҳам у одамнинг расмий кайфияти, ташқи кўриниши, шакл-шамойили билан унинг ички дунёси, юрак сирлари, яъни кайфи ўзгарган пайтда бир лаҳзагина сиртга отилиб чиқадиган юрак сирлари ўртасида ғоятда аниқ ва равшан чегара қўйган. Авторнинг ҳикояларидаги биз юқорида нақл қилиб ўтган мушоҳадаларидан кўриниб турибдики, одамларга шу қадар тинчлик ва роҳат-фароғат ваъда қилган идеал ташкилотни ҳақиқатда бутун вужуди ва жондили билан севадиган бир киши ҳам йўқ экан. Ҳатто шу идеал ташкилотни ўз кўнглига жо қилиб олган кишилар ҳам қуруқ гап сотиб ўзларини четга олиб қочадилар. Лоақал ўша Макар Алексеичнинг ўзини олайлик, сиз, эҳтимол, ҳақиқатан ҳам у «ҳар бир кишига ўзига яраша ўрин берилган, ўринлар эса қобилиятга қараб тақсимлаб қўйилган» ва ҳоказо гаплар билан хотиржам бўлиб ўтирибди деб ўйларсиз? Асло шундай эмас; у тинчгина гап сотиб ўтирган чоғдагина шундай дейди. Бирон нарса унинг қитиғига тек-

кундай бўлса, у бутунлай ўзгариб кетади ва унинг миясига ўз-ўзидан ҳар қандай «либерал фикрлар» келади. Шундай вақтларда савол бериб сўрайди: «Хўш, шундай бўлишининг сабаби нима, яхши одам хор-зор бўлиб мунғайиб ўтиради-ю, бошқа бировга бахт ўз оёғи билан югуриб келади?.. Биламан, биламан, онажонгинам (деб мурожаат қилади у Варенькага дарҳол қўшимча қилиб), бундай деб ўйлаш яхши бўлмайди, шаккоклик бўлади; лекин чин юракдан ҳақиқатни айтганда, нима сабабдан биров ҳали онасининг қорнида бўлгандаёқ бошига бахт қуши қўнади-ю, бошқа биров етимхонадан дунёга қадам қўяди? Ахир, шундай ҳам бўладики, бахт ғирт бир аҳмоққа насиб бўлади. Эй сен аҳмоқ, ота-бобонгдан қолган халтани ковлаштир, е, ич, айш қил, сен фалончи эса лабингни ялаб юра бер; сен фақат шунга арзийсан; шу бирода!! Гуноҳ, онажон, гуноҳ (деб яна писанда қилади қўрқоқ Макар Алексеич), бундай деб ўйлаш гуноҳ; *шундай вақтда шайтон қандайдир беихтиёр одамнинг ичига кириб олади».* Шундай вақтда Макар Алексеичнинг кўнгли бузилиб кетиб, энди шак-шубҳалар билан қаноатланмайди, балки ҳатто ғазабланиб кетиб, ўзидан яхшироқ кийинган кишиларга ҳам тил тегиза бошлайди: «унинг фракни олифтача кийиб олганига қаранг; тилло дурбиндан сизга кўз ташлашига қаранг, уятсиз,— бундақаларни жин ҳам урмайди, тағин бундақаларнинг пойма-пой сўзига бош эгиб қулоқ солиб ўтиришга тўғри келади! *Бас, шундоқ эмасми, азизлар?»*— Нима десангиз денг-у, аммо бу гапларни бечора чиновник томонидан кураш майдонига чақириб айтилган гаплар деса бўлади: кўриниб турибдики, унинг кўнгли мутлақо тинчиган эмас, «биз бир-биримизни койиб одобга чақириб турмаганимизда дунё бузилиб кетган бўлур эди ва тартиб бўлмас эди» деган гаплар билан ўзини мутлақо юпатмаган. Йўқ, энди чин юрагидан дод-фарёд қилмоқда ва дод-фарёд қилиб, зорланишга ҳақли эканини тушунмоқда; у бундай дейди: «Тағин бойлар камбағалларнинг баланд овоз чиқариб ўз ночор қисматидан шикоят қилишларини яхши кўрмайдилар, бу камбағаллар бизни безовта қилади, уларнинг хиралиги жонимизга тегди, дейдилар. *Дарҳақиқат камбағаллик ҳамиша жонга тегади; уларнинг очликдан инграшлари бойларнинг уйқусига халақит беради, шекилли?» Ғам-ғуссага* тўлган юраги унга шундай фикрларни уқтирадики, унинг табиий туйғуларини шундай сиртга тепдириб чиқарадики, булардан ўзи ҳам қўрқиб кетади ва натижада у ўзининг оддий ҳолатига қайтишини истайди-ю, лекин бу фикрлар ва туйғулар ўз-ўзидан қатъият билан бор кучини намоён қилади. «Энди мени *шундай қайғу-алам босдики,*— деб ёзади ғазабланган Девушкин,— *ўз фикрларимни ўзим чин юракдан маъқуллай бошладим;*

лекин, онажон, бундай маъқуллаш билан муродга етиб бўлмасликни гарчи ўзим билсам-да, ҳар ҳолда *ўзингни бир қадар адолатли кўрасан киши.* Чиндан ҳам, азизим, *кўп вақт сабабсиз ўз-ўзингни нобуд қилиб қўясан киши,* ўз қадрингни бир чақа қилиб қўясан ва ҳар қандай хас-хашакдан ҳам ўзингни ерга урасан. Қиёс қилиб айтганда, бу эҳтимол, шундан келиб чиқадики, мен ўзим, лоақал мендан садақа сўраган бечора бола сингари, *юрагимни олдириб қўйганман ва зада бўлганман».* Ана шунақа фикрлар одамнинг миясига жо бўлиб ва унда табиий туйғулар воситаси билан ғоят тезлик ва куч билан ривожланиб, юқорида бизга гўзал шаклда намоён бўлган идеал ижтимоий механизмдаги умумий тинчлик ва осойишталикни хароб қилади. Бунда автор уйдирма қилган, инсон табиатига туҳмат қилган деб бўлмайди, албатта. Шуни пайқаш мумкинки, Макар Алексеич ўз маълумоти, мавқеи жиҳатдан ҳаётнинг расмий негизлари билан унинг ҳақиқий талаблари ўртасидаги зиддиятларга ўткир баҳо бера оладиган кишидир; лекин бунинг сабаби шуки, Макар Алексеич ярим йил давомида деярли ҳар куни Варенькага ёза бериб услубини ўткирлаштирган; иккинчи томондан, хўш, нима учун автор ҳам унга оз-моз ёрдам бермаслиги керак? Лекин, бу ёрдам фикрларни бирдан-бир сўз билан ифодалашга тааллуқлидир; фикрларнинг ўзи эса шукул Макар Алексеичникидир,—лоақал қисқа муддатда, лоақал бир мартагина унинг аҳволига тушган ҳар бир киши шу гапни айтади. Алексеич ўзининг энг оғир шубҳаларини Варенькага ёзган хатларида ифодалаган; бошқа киши бўлганда, бундай шубҳаларни фақат ўз хатти-ҳаракати билан, ҳар хил ғалати кирдикорлари билан ва уларнинг хунук натижалари билан ифодалар эди. Агар сиз, масалан, жаноб Голядкиннинг битмас-туганмас саргузаштларини лоақал варақлаб чиқишга тоқат қилганингизда, у ҳам худди ўша сабаблар билан, яъни унинг одамгарчилигидан қолган-қутган хислатлар билан ўз аҳволининг расмий талаблари ўртасида ноқулай нифоқлик туғилиши натижасида азоб-уқубат чекаётганлигини ва ақлдан озаётганлигини кўрган бўлур эдингиз. Голядкин, Девушкин каби, унчалик камбағал ва эзилган эмас; у ҳатто бир мунча башанг турмуш кечиришга қодирдир; ҳатто у теварак-атрофидаги кишилардан баъзиларини ўзидан тубан кўришга *расмий равишда* ҳақлидир, чунки маҳкамада бўлим бошлигининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилади. Шунинг натижасида у бир қадар шартли ҳурмат қозонган ва «ўз ҳуқуқи» тўғрисида қандайдир ноаниқ, хира тушунча ортдирган. Лекин, худди шунда у чалкашиб қолган. Шундай бир ҳол юз берганки, бундай вақтда асло бу чиновниклик ҳуқуқини пеш қилмасдан, бошқа бир нарсани илгари суриш керак эди: у бир қизга ошиқ

бўлиб қолган эди. Югуриб-югуриб қуруқ қолган кишидек, четга сурилган ва фақат шундагина унинг бутун тушунчалари остин-устун бўлиб кетган. Макар Алексеич ўзининг эзги юрагига тасалли бериш, ўз севганига фойдали киши бўлиш учун имкон топган ва шунинг учун ҳам унда одампарварлик онги, чин инсонлик қадр-қимматини тушуниш тобора кўпроқ ва равшанроқ ривожланиб боради. Яков Петрович Голядкин, аксинча, ўз севган қизининг қариндошларидан ва ўз рақибидан бир неча марта қаттиқ сўкиш эшитган ва шунинг учун ҳам унинг инсонлик ҳиссиёти таҳқирланган, лекин у буни яхшилаб тушуниб олмасдан, тўғридан-тўғри ўзининг чиновниклик ҳуқуқини пеш қилган. У ўз севган қизининг ота-онаси уйида чақирилган меҳмондорчиликка киритилмагандан кейингина: «Бу менинг шахсий турмушим, менинг расмий муносабатларимга бунинг даҳли йўқ» деган гапларни айтади. Сўнгра унинг фикрлари бутунлай паришон бўлиб кетади; у энди нима ҳақу, нима ноҳақ эканлигини билмайди... У фақат бир нарсани — бунда нимадир кўнгилдагидек эмаслигини, нобоп эканлигини сезади, холос. Унинг ҳамма билан — душманлари билан ҳам, дўст бўлмаганлар билан ҳам очиқ сўзлашиб олгуси келади, лекин ҳеч сўзлаша олмайди, бўйни ёр бермайди. Натижада у сохта фикр йўлига кириб, ақлдан озиш нуқтасига бориб етади: дунёда фақат фитна-фасод билангина яшаш мумкин, кимки айёрлик, разиллик қилса, бошқаларни хафа қилса, ўша киши бу дунёда яхши кун кўради... Демак, унинг миясида ҳам: мен ҳам айёрлик қилишим керак, мен ҳам бошқаларга чуқур қазишим керак, фитна-фасод қилишим керак, деган фикр қатъий ўрнашиб олади... Аммо, шундай ишларни қилишга унга йўл бўлсин? Илгари бунақа тарзда яшаган эмас, у бунақа йўлда тайёрланган эмас, унинг характери бунақа эмас... У ўз-ўзи билан сўзлашиб айтади: «Сенинг хулқ-табиатинг шундай, сен ростгўй кишисан. Йўқ, Яков Петрович, яхшиси биз сабр қилайлик ва бардошли бўлайлик». Бунинг устига унда яна бошқа бир фикр туғилади ва бу фикр ҳам унинг характерини очиб беради; у ҳам бўлса, ҳали тағин «ҳаммаси аниқланиб, яхшиликка йўйилиб кетар» деган фикрдир. Шунинг учун ҳам у ҳеч нимага журъат қила олмайди, ҳаттоки ўз фикрини тузукқина айта олмайди, ва, «ўзида кучли ғайрат-шижоат бўлишига» қарамай, доимо мунғайиб, қўрқоқлик қилиб юради ва ҳамиша ярим йўлдан изига қайтади. Унда бўлган жонли, соғлом ва ошғли нарсанинг ҳаммаси ҳозиргача у жуда яхши ўрнашиб келган оддий формага негадир қуйилмай қолди ва ўрнидан сал қўзғалиб тағин унинг кўнглининг қаърига чўкиб кетди. Лекин, чўкканда ҳам қандайдир тартибсиз равишда, ўртаниб ва у ўтказиб қўйилган (чиновниклик) механизмининг мунтазамлигига мутлақо беўхшов равишда чўкди. Автор ундаги зиддиятларни характерлаб жумладан бундай дей-

ди: «У ўзини хафа қилишга асло йўл қўёлмас эди, айниқса ўзини латтадек эзиб ташлашга йўл қўёлмас эди, ва, ниҳоят, ахлоқи бутунлай бузулган кишига бундай қилишга йўл қўёлмас эди... Биз ҳеч нима демаймиз, хўп майли, биз ҳеч нима демаймиз: эҳтимол агар бирон киши, масалан, биров жаноб Голядкинни сўзсиз латтага айлантирмоқчи бўлганида, албатта айлантирган бўлар эди, ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан, бемалол айлантирган бўлар эди, (жаноб Голядкиннинг ўзи баъзан буни сезар эди), натижада Голядкин эмас, латта пайдо бўлар эди, жирканч, ифлос латта пайдо бўлар эди, лекин бу латта оддий латта бўлмас эди, бу латта нафсониятли жонли ва ҳиссиётли латта бўлар эди. Гарчи *бу латта жуда нуктадон ва жуда ҳиссиётли бўлса-да, бу ҳиссиёт унинг ифлос қатларида бекиниб ётган бўлса-да, ҳар ҳолда ҳиссиётли* латта бўлар эди». Менимча, Голядкин сингари эзилган, ҳақиқатан ҳам гўё латтага айлантирилган ва қандайдир инсоний бўлган, овози чиқмайдиган, гап қайтармайдиган, лекин ҳар ҳолда вақт-вақт ўзини сездириб турадиган нарсанинг қолдиқларини ўзининг ифлос қатларида бекитиб турган латта кишиларни яхшироқ тавсифлаб бериш қийин бўлса керак. Мана у жаноб Голядкинга ҳам ўзини сездирган ва оғир шубҳалар ва саволлар бутун оғирлиги билан Яков Петровичнинг ожиз ақл-идроки ва фантазияси устига ёпирилган. «Демак, иш чаппасидан келган экан. Бунда ҳар бир киши ҳам ўз ҳуқуқининг эгаси бўла бермас экан. Бунда одамлар фитна-найранг билан ўз ишини тўғрилаб юришар экан. Бас, шундай бўлгач, мен ҳам фитна-найранг қилишим керак... Эй, менга фитна-найранг қилишга йўл бўлсин? Менинг аҳмоқона феълим бор, тўппа-тўғрисини айтаману қўяман. Ҳеч қачон эгри йўлдан бормайман... Бошқалар эса эгри йўлдан юришади, йўқса кишини эзиб сиқишади. Мен бўлсам ўзимни эзиб сиқишларига йўл қўёлмайман. Хўш, ҳақиқатда борди-ю мен...» Умуман хафақон ва хаёлпараст бўлган жаноб Голядкин ғамгин хаёллар ва пуч орзулар билан ўзини изтиробга солади, ўзини характерига тўғри келмайдиган ишларга ундайди. У иккиланади, ўзини икки киши деб билади... У бутун қабоҳатни ва турмушдаги эпчилликни, бутун ифлосликни ва муваффақиятни, хаёлига келган нарсаларнинг ҳаммасини туркумларга бўлади; лекин қисман амалда кўрқоқлик қилиш, қисман кўнгилнинг узоқ бир бурчида яшириниб қолган маънавий ҳиссаёт қолдиғи ўзи ўйлаган бутун фирибгарлик ва разилликни ўз устига олишига тўсқинлик қилади ва унинг фантазияси уни «икки кўнгил» қилиб қўяди. Унинг ақлдан озишининг негизи ана шунда. Билмадим, «Двойник»нинг асосий идеясини тўғри тушунаётибманмикин? Менинг билишимча, бу асарнинг асосий идеясини тушунтиришда ҳеч ким

«романнинг қаҳрамони ақлдан озган киши» деган гапдан нарига ўтишни истамаган. Лекин, менимча, модомики ҳар бир ақлдан озишликнинг ўз сабаби бўлиши лозим экан, талантли ёзувчи томонидан 170 саҳифада ҳикоя қилинган ақлдан озишлик учун бундай сабабнинг бўлиши айниқса зарур экан, демак, бу повестни варақлаб чиққанимда (тўғрисини айтсам, мен уни бошдан-оёқ ҳаммасини кўриб чиқолмадим) ўз-ўзидан миямда туғилган ва менинг томонимдан тақдим қилинган изоҳот ҳаммадан кўпроқ табиийдир. Чамаси, шундай изоҳот беришга авторнинг ўзи ҳам қарши бўлмаса керак: ҳеч бўлмаганда повестнинг баъзи ўринлари шундай тасаввур қолдиради. Масалан, жаноб Голядкин ўзининг икки киши эканини биринчи марта эътироф қилишини автор бундай деб тасвирлайди: бу «ўз маҳкама бўлим бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган жаноб Голядкин эмас эди; *бу—кўзга кўринмасликка тиришиб, одамлар орасида бекиниб юришни яхши кўрадиган жаноб Голядкин* эмас эди; *ниҳоят бу: «Сиз менга тегманг, мен ҳам сизга тегмайман»*, ёки: *«Нега менга тегасиз, мен сизга тегаётганим йўқ-ку» деган гапи юриш-туришидан яққол кўриниб турган жаноб* Голядкин эмас эди; йўқ, бу *тамоман бошқа* жаноб Голядкин эди, лекин шу билан бирга *у аввалги* Голядкинга *бутунлай ўхшаб кетар эди»*. Сўнгра, жаноб кичик Голядкин муттасил шундай абжирлик ва уятсизлик билан ҳаракат қиладики, бундай ҳаракатни фақат хаёлдагина ўйлаш мумкин: у ҳаммага ёпишади, ҳамманинг олдида кеккайиб майда қадам ташлаб юради, жаноб олийларининг портфелини кўтариб югуради, буни кўрган жаноб катта Голядкин у «бошқача қилиқ чиқарибди» деган хулосага келади... Жаноб кичик Голядкин ҳамиша усталик билан ҳақ бўлиб чиқади, сувдан қуруқ чиқади, керак бўлганда ўзини четга олади ва тилёгламалик қилади; ҳатто ўзи еган овқатнинг пулини тўлашга бошқа бировни мажбур қилиш ҳам қўлидан келади; шу билан бирга у ҳамма билан яхши муомала қилади, кичик Голядкин дадил гап сотиб ўтирган жойда катта Голядкин мўмин-мулойим бўлиб довдираб қолади, кичик Голядкин ўтирган меҳмонхонага катта Голядкин, ҳатто даҳлиздан бош суқишга қўрқади... Хуллас, жаноб Голядкин бу билан ўзини ўзининг иккинчи шахси шаклида гавдалантиради. Унинг ақлга сиғмайдиган хаёлий жасоратларини ўз ичида ўйлаб чиқарар экан, бу билан у, фақат шундай ҳаракат қилганида (*баъзи кишилар* худди шундай ҳаракат қиладилар), хизматда ҳам кўтарилиб кетар эди ва ўртоқларига ҳам кулги бўлиб юрмас эди, ундан илгари, коллежский советник мансабига миниб олган бирон ғўдайган кишининг таъна-маломатини ҳам эшитиб юрмас эди ва айниқса қиммат баҳо Клара Олсуфьевна

ва унинг қариндошлари томонидан бу қадар қаттиқ хафа ҳам қилинмас эди. Лекин, жаноб Голядкин бундай жасоратларга ҳавас билан қараш ўрнига, йиллар давомида турмуш азобини сурункасига тортиб, шу азобдан сўнг қолган оз-моз онгининг заиф кучи билан бу жасоратларга қарши ғазабланади. Ҳатто у «баъзи кишиларнинг» ўзини ўнгариб олиш учун қиладиган ҳаракат ва ишлатадиган воситаларини ўйлаганда ҳам нафрати келади; у доимо хавфсираб, ўз хаёлларини бошқага оширади, у кишини шарманда қилади ва унга нафрат билан қарайди. Эс-ҳуши жойига келиб, ўз шахсини яна равшан англай бошлагач, ўзининг айёрлик қилишга мойил бўлган вақтларини эслайди ва унинг хаёлида чол Антон Антонич жазава билан: «ҳа, сиз ҳам айёрлик қилмоқчи бўласизми?» деяётгандай бўлади; шу пайтда оқариб-бўзариб, довдираб қолади ва кўз олдига яна ўз иккинчи шахсининг образи келади; ана у Голядкин бўлганида, бир йўрғалаб буларнинг ҳаммасидан қутулиб чиққан бўлар эди, деб ўйлайди ва жаноб Голядкиннинг бундай разил, зарарли шахсга ғазаби яна ортади... Баъзан унинг миясига илгариги фикрлар келиб, балки, ҳаммаси яхши томонга тузалиб кетар, деб ўйлайди; бир кун унга ҳатто шундай туюладики, гўё Клара Олсуфьевна унинг фазилатларига мафтун бўлиб, унга хат юборади ва хатида, мени бу ёвуз ва ғаразгўй фитначилар олдидан олиб кет, деб буюради. Жаноб Голядкин ҳам худди айтган вақтида Клара Олсуфьевнанинг деразаси олдига бориб пойлаб ўтиради, бу ердан эса уни жиннихонага олиб кетадилар...

Хўш, ўзингиз ўйлангчи, унинг ақлдан озишининг нима кераги бор эди? Агарда у, менинг ҳуқуқим ўзимда, ҳамманинг ҳуқуқи ўзида, деган сокин назарияга амал қилиб беғалвагина ўтирганда, агарда янги коллежский советник ундан илгари кўтарилган бўлса, демак, шундай бўлиши керак экан, деб қўя қолганида, модомики Клара Олсуфьевна унга рад жавобини берган экан, демак, унинг эшигига қайтадан бормаганида, хулласки, ўз йўлидан теккина бориб ҳеч кимга тегмасдан, дунёда ҳамма нарса энг қонуний равишда қобилиятга қараб тақсимланишини, қобилият эса кишининг табиатига қараб бўлишини ва ҳоказо шу кабиларни эсда тутиб юрганида, илгаригидек бемалол ҳузур-ҳаловатда яшайверган бўлар эди. Демак, у бундай қилмаган: унинг кўнглининг тегидан бир нарса кўтарилган-да, иш кўзини билмайдиган жаноб Голядкиннинг қодир бўлганича энг даҳшатли норозилик жиннилик тусига кириб сиртга отилган. Жаноб Достоевский бу жиннилик идеясини айниқса моҳирлик билан бўртдириб юборганини сўзлаб ўтирмайман; лекин, шуни эътироф қилиш керакки, унинг мавзуи — заиф, тутуруқсиз ва ўқимаган кишини икки кўнгилли қилиб, бир томондан тортиниброқ тўғри ҳаракат қиладиган ва иккинчи

томондан хаёлий равишда фитна-найрангга интиладиган кишига айлантиришдан иборат; бу шундай икки кўнгилли бўлишки, бунинг оғирлиги остида, ниҳоят, камбағалнинг фаҳм-фаросати карахт бўлиб қолади,— бу мавзуни яхши ҳал этиш учун жуда кучли талант бўлмоғи лозим. Яхши ишланганда, жаноб Голядкиндан фавқулодда, ғалати бир киши келиб чиқмасдан, балки бизларнинг кўпимизда хислатлари топилиб чиқадиган тип келиб чиққан бўлар эди. Амалдор кишилар билан учрашган чоғларингизни эсга олинг, ўзларини оддий, осойишта деб атайдиган ва ҳақиқат билан яшашни яхши кўрадиган кишиларни эсга олинг. Шуни эсга олингки, улар ўзларининг оддийлиги тўғрисида сўзлашни яхши кўрадилар-у, баъзан, бошқаларга қараганда каттароқ мартабага эришган, ўз хизматдошлари, бошлиқлари ёки таниш-ларидан бирор кишининг номи тилга олинганда, дарров сўзни бошқа ёққа бурадилар. Бунда дарҳол: «кимнинг бувиси фолбин бўлса, яхши яшайди», «ҳақиқат билан умрбод яшаб бўлмайди» деган гап кетади ва, разиллик қилишга уқувимиз йўқ, деб шиква-шикоят қилинади, шундан кейин кўрсатилган хизматлар киноя билан бирма-бир саналади: «Хўш, биз олти соатлаб пешона тери тўкдик нима-ю, тўкмадик нима, бутун ишнинг оғирлиги бизнинг устимизда бўлса бўлар... Мана жаноб олийларининг уйларига базмга бориб, полькага танца тушилса, эрта билан ишга бориш ўрнига магазинма-магазин юриб, жаноб олийларининг хотини айтган топшириқлар бажарилса,— иш деган бундай бўпти, шундай қилсанг обрўйинг ҳам ортади. Хўш; биз кимми-миз ўзи? Биз бамисоли сув ташийдиган аравага қўшилган қирчонғи от, бўйинга бўйинтуруқ солинган ҳўкизмиз — фақат қора ишга яраймиз холос»... ва ҳоказо. Сўнгра гап албатта бошқача тусолади: «Разиллик қилиш бизнинг ҳам қўлимиздан келар эди; биз ҳам мугомбирлик қила олар эдик»... ва бунинг исботи учун сизга, фалон кишига бир неча марта қулай пайт келган экан, шунда у бемалол разиллик қила олар экан, лекин қилишга қўли бормаган, деб ҳикоя қилинади... Ана шу хил жанобларнинг ҳаммасида жаноб Голядкин сингари жиннихонага тушиш майли қатъий ўрнашиб олган бўлади; агар уларга кўпроқ хаёл суришга ва қора хаёлларга берилишга йўл қўйиб берсангиз — уларнинг жиннихонага бориши тезлашади...

Зотан, жаноб Голядкин энди бутунлай жинни бўлиб қолади; уни ўз ҳолига қўяйлик. Лекин, жаноб Достоевскийда яна бир шахс бор, у ҳам жинни, тўғриси савдойи; бу киши жаноб Прохарчин. Бу киши ҳам, афтидан, хизмат майдонига қадам қўйган вақтдан бошлабоқ, «бировга етти дунёда гумбур аравага тушиб айш қилиб юриш насиб қилгану, бошқа бировга йиртиқ-ямоқ этик кийиб лойда шалпиллаб юриш насиб қилган» деб тушунган ва ўзини йиртиқ-ямоқ этик кийиб

юрувчилар қаторига қўшган-да, бир ғарибона кулбани ижарага олиб, ўз тақдирини синаб кўришни сира ўйламай, шунда яшай берган. Лекин, унинг кўнгил осойишталиги мутлақо барқарор эмас; унинг характери, ҳамма эзилган кишилар сингари, қўрқоқ; гарчи у ўз фалсафасининг бузилмаслигига қаттиқ ишонса-да, аммо дунёда ҳар хил тасодифий ҳодисаларни: касаллик, ёнғин, бошлиқнинг хоҳиши билан тўсатдан хизматдан бўшатиб қўйиш каби ҳодисаларни кўради... Камбағални ўз аҳволининг барқарор эмаслиги, аҳволи-турмушнинг *таъминланмаганлиги* тўғрисидаги фикр чулғаб ола бошлайди. Бу фикр жуда табиий, албатта. Унинг натижаси ҳам, яъни ҳар эҳтимолга қарши пул жамғариб қўйиш қарорига келиш ҳам табиийдир. Лекин, бу ишнинг бажарилиши ғалати, бироқ жаноб Прохарчиннинг аҳволини эътиборга олганда бунинг ҳам сабаби маълум: у тангаларни тўшаги орасига бекитади... Бошқа қаерга ҳам бекитсин, ахир? Сандиққа солиб қўйса, ўғирлаб кетишади; бирон кишига топшириб қўяй деса, ҳеч кимга ишониб бўлмайди; ломбардга қўяй деса, бу тўғридан-тўғри ўзини бой деб, Қорун деб эълон қилиш бўлади. «Унинг пули ломбардда фойда туғиб ётибди» дейишса — майда амалдорлар, хусусан ўзи каби кулбаи вайронада турадиганлар орасида нима деган гап бўлади!.. Шундай гап-сўздан қўрқиб жаноб Прохарчин пулини тўшаги орасига бекитади, 10 йил бекитади, 15 йил, 20 йил ва, балки ундан ҳам ошиқ бекитади ва ҳатто ўзи ҳам уни тузуккина санаб кўролмайди, қанча пул бекитганини билмайди, тўшакни қимирлатишдан қўрқади — бирон киши сезиб қолмасин, дейди... У жуда тинч, хомуш яшайди, бировни кўрса ўзини четга олади, ҳаммадан ҳайиқади ва ҳеч ким унга тегмаганига хурсанд бўлади. Бир куни тўсатдан унинг қўрасига янги кишилар кўчиб киради. Булар яхши кишилар бўлса ҳам, лекин «ҳазилкаш» бўлишади. Булар жаноб Прохарчиннинг қўрқоқлигини ва доимо турмуши ночорлиги тўғрисида ўйлаб юришини пайқаб, ўзаро тил бириктириб, мишмиш гаплар тарқата бошлайдилар; улар дам, штатлар қисқартилар эмиш, дам, эски амалдорлар имтиҳондан ўтказилар эмиш, дам, жаноб олийлари қадди-қомати келишмаган ҳамма амалдорларни ишдан бўшатиб юборар эмишлар, деган гапларни айтадилар ва умуман замоннинг оғирлигидан сўзлай бошлайдилар.... Хўш, натижа нима бўлди, дейсизми? Бечора Прохарчин бутунлай довдираб қолади: капалаги учиб кетади, ранг-рўйида қон қолмайди. Нуқул, мени бугун-эрта ишдан ҳайдашади, энди аҳволим нима бўлади? деб ўйлайди. Тўғри, жамғариб қўйган пули борку-я, лекин уни харжлаб қўйса, кейин ўрнини тўлдиролмайди-да... Прохарчиннинг ташвиши, одатда бўладигандек, жумладан шунга бориб етадики, у бир ўтакетган пияниста билан учрашиб қолиб ўлгудек ичади, уни беҳуш ва касал ҳолида уйига келтириб таш-

лайдилар. У бир оз ҳушига келгач, алаҳсираб, зорланишга тушади: елиб-югуриб яшайсан-у, бир кун гадой халтани бўйнингга илиб тиланчилик қиласан; сен бугун керак бўласан, эртага ҳам керак бўласан, сўнгра сенинг керагинг бўлмай қолади, қани, туёғингни шиқиллат, дейишади... Уни юпатиб, сен нимадан қўрқасан, ўзинг яхши одам, мўмин, мулойим кишисан, дейдилар... у жавоб беради: «мана мен эркин, мен эркин, ётиб қолсамчи, шу ётганча ётаман, қарайсанки бир кун»...—«Нима деяпти у?»—«Ана холос, фикри бузуқ экан-ку унинг»... Прохарчин фикри бузуқ киши бўлса керак, деган хаёл билан ҳамма даҳшатга келади, лекин у эътироз қилиб айтади: «Тўхтаб тур, мен ундай демоқчи... гапга тушунсангчи, қўйга ўхшайсан-а: мен мўмин-мулойим, бугун мўмин-мулойим, эрта мўмин-мулойим, сўнгра мўмин-мулойим эмас, қўпол; мана бу лаънат тамғасини тақиб ол, қани йўқол фикри бузуқ!..» Хулласини айтганда, жаноб Прохарчин чинакам фикри бузуқ киши бўлиб қолди: ўзининг барқарорлигига тугул, ҳатто ўзининг мўмин-мулойим киши эканлигига ҳам ишонмай қўйди. У худди кимнидир курашга чақиришни истайди: «Ҳа, нима, умрбод мен хушомадгўйлик қилиб юрармидим, бир қўполлик қилиб юбораман. мен ҳам қўполлик қила оламан... Фақат шуниси борки, кейин у ёғи нима бўлади?..» Бироқ, шундай қилиб жаноб Прохарчин ўлим олдидан кўнглини бўшатиб олди: ўша кечаси у ташвишнинг зўридан ўлди, ёнверидаги қўни-қўшнилари унга жуда ачинишди. Ўлгандан кейин унинг тўшаги орасидан ҳар хил тугунчаларга тугилган 2497 сўм кумуш танга ва ярим сўмлик қоғоз пул чиқди. Қўни-қўшнилар ва айниқса уйнинг эгаси буни кўриб жуда ғазабланди...

Жаноб Прохарчин эзилган, қўрқиб қолган киши, бу равшан; унинг тўғрисида ортиқча сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Унинг бирдан ғам-гуссага ботиб қолиши ва ишдан бўшаб қолишдан қўрқиши тўғрисида ҳам кўп гап сотишнинг ҳожати йўқ. У касал ётган вақтда унинг ҳамхоналари айтган фикрни кўрсатиб ўтиш кифоя қилади: «Ҳамма оҳ-воҳ қилиб қолди, ҳамма унга ачинди ва қайғурди; аммо, қандай бўлиб бу одам бирдан қўрқоқ бўлиб қолди?— деб ҳамма ҳайратда қолди. Нимадан бундай қўрқоқ бўлиб қолди экан? Мансаби катта бўлса, хотини бўлса, бола-чақаси кўп бўлса — бошқа гап эди; бирон иш билан уни судга тортганда, бошқа гап эди; ахир бу одам дув тўкилган-ку, бир сандиқ ва битта немисча қулфи бор, холос. Йигирма йилдан ошиқ вақт хилватда индамай ётди, яхши-ёмон билан иши бўлмади, зиқналик билан яшади; энди бўлса бир оғиз бемаза ҳазил гап билан бирдан бошини йўқотиб қўйди: дунёда яшаш оғир бўлиб қолди, деб уни бутунлай мотам босди... *Унинг лоақал шунга ақли етмадики, яшаш ҳаммага ҳам оғир!.. Ана шуни ҳисобга олганида,*— деди сўнгра Океанов,— *ҳаммага ҳам*

оғир эканини тушунганида, бошқа омон қолган бўлар эди, вайсаб-нолиб ўтирмас эди ва бир амаллаб кунини ўтказиб юрган бўлар эди».

Океаниевнинг гапи тўғри, ахир, ҳақиқатан ҳам, Прохарчин тўғри фалсафа йўлидан адашди-ю, шу билан ҳалок бўлди.

Хўш, бу йўлдан адашмаган киши борми? Ҳаёт механизмидаги тинч тузилишнинг равон боришини тўсатдан бузган ҳодисалар, жўшқинликлар ва мафтунликлар, кимда бўлмаган? Мана тағин жаноб Достоевскийдан мисол келтира қолайлик: ёш чиновник Вася Шумаков камбағал табақадан меҳнатсевар ва одобли киши бўлиб чиққан; хати чиройли бўлгани ва ўзи ювош бўлгани учун бошлиқлар ва жаноб олийлари Юлиан Мастаковичнинг ўзлари уни жуда яхши кўрганлар; у, хатларни кўчириб ёзиш учун жаноб олийларидан махсус қоғоз олади ва бунинг учун вақт-вақти билан ундан мукофот тариқасида мақтов ва пул ҳам олиб туради. Бунинг устига унинг Аркаша деган содиқ дўсти ҳам бор; бугина эмас — у бир қизни яхши кўрган, қиз ҳам буни яхши кўрган ва куёвлик номини ҳам олган... Хўш, унга тағин нима керак? У беҳад бахтиёр, ҳаёт унга кулиб боққан. Уч юз сўм мояна, бунинг устига тағин Юлиан Мастаковичдан махсус иномлар — хотини-чи, хотини билан туришни айтмайсизми! Улар бир-бирини шундай ҳам севишадики! Вася ўз қаллиғидан бўлак ҳеч нимани эсламайди, ҳеч нимани ўйламайди; унинг қўлида Юлиан Мастакович томонидан хатларни кўчириб ёзиш учун берилган қоғоз бор; хатларни кўчириб бўлишга икки кун муддат қолади, лекин Вася ошиқ-шайдо бўлиб қолган ҳар бир ўспирин сингари енгилтаклик қилади: «ҳали вақт бор» дейди ва чидаб туролмай янги йил кечаси ошнаси билан бирга қаллиғиникига боради... Уйга қайтиб келиб, тун бўйи хат кўчиришга ўтиради, ана шунда танг аҳволда қолиб кўзи очилади ва ҳайратда қолади: ҳамма қоғозни муддатида ёзиб улгириш мутлақо мумкин эмас, бунинг устига эрта янги йил — тағин ҳали бу қоғозларни жаноби олийларининг ҳузурларига олиб бориб қўл қўйдириш керак. Аркаша, қўй ташвишланма, унинг ўрнига ўзим қўл қўяман, деса ҳам бўлмайди. Вася, Юлиан Мастакович хафа бўлишлари мумкин, деб қўрқади. Унинг жонажон дўсти Аркаша Юлиан Мастаковичнинг кенг феълligини айтиб кўп ўзингни ўртама, хафа бўлмайдилар, деса ҳам фойда бермайди: бу гап Васяни янада кўпроқ ташвишга солади. Бу қандоқ гап бўлди! Мен қуртдай ожиз-нотавон, қарғишга қолган аянч бир киши бўлсам-у, шундай олижаноб бир одам менга ҳиммат қилиб турса, шахсан ўзи чақириб иш буюриб турса, меҳрибонлик кўрсатса — мана энди — хўш, нима бўлди?— Ношудлик, топшириқни вақтида бажармаслик, нонкўрлик! Вася ўз ишининг

бутун даҳшатини, бутун ваҳшатини ўлчовга ҳам сола олмайди, чунки у ўзи билан Юлиан Мастакович ўртасидаги масофани ўз ишининг даҳшати билан қиёс қилиб кўради,— хўш, бу масофани ким ўлчай олади, ахир?! Бу даҳшатли жарликка бир қараш билан бечора Васянинг боши айланади... Юлиан Мастакович олдига бориб узур сўрамоқчи бўлади; аммо бундай беадаблик қилишга у қандай ботина олади? Аркаша ўз дўстининг гуноҳини кечиришни сўраб жаноб олийлари ҳузурига бормоқчи бўлади, ҳатто унинг ҳузурига боради, лекин у ҳам бу тўғрида гап очишга ботина олмайди. Бечора Вася икки кеча-ю икки кун ўтириб хат кўчиради, боши айланади, кўзи тинмайди ва қоғоз бетида қуруқ перони югуртиради. Ниҳоят, муҳаббат, разиллик, Юлиан Мастаковичнинг ғазаби, кечаги бахт, нонкўрлик, ўзининг бутунлай нотавонлигидан қўрқиш бечора Васяни ҳолдан кетказади; у, энди менинг борадиган жойим фақат солдатлик, деб ишонади ва шу хаёл савдосига тушиб жинни бўлади. Юлиан Мастакович эса бундай деган: «Эй аттанг, эй аттанг! Унга топширилган иш аҳамиятсиз эди ва узуман шошилинч эмас эди-ку... Ишқилиб бекордан-бекорга бир одам нобуд бўлибди!».

Жаноб Достоевский ўз қаҳрамонларини ақлдан оздиришга ишқибоз, деб фараз қилайлик, Васянинг *қалби* жуда ҳам *заиф* (повесть *заиф қалб* деб аталади) деб фараз қилайлик. Лекин, агар сиз бу повестнинг асосига диққат билан назар солсангиз ўша илгариги хулосага, яъни ижтимоий механизмнинг идеал назарияси ва шу назарияга мувофиқ ҳамма кишиларни ўз ўрнида ва ўз ишида тинчитиб қўйиш асло ҳаммаларни роҳат-фароғатда бўлишини таъминлай олмайди, деган хулосага келасиз. Аммо, лекин Васянинг ўрнига ёзув машинаси бўлганда жуда соз бўлар эди. Лекин, гап шундаки, одамни жуда такомиллаштириб, бутунлай машинага айлантириб қўйиш даражасига етказиб бўлмас экан; жуда кўпчилик бўлганда бир амаллаш мумкин — буни биз (ҳарбий такомиллаштиришларда) фабрикаларда ва ҳоказоларда кўрамиз, лекин иш якка-ёлғиз бажариладиган бўлса, уни эплаб бўлмайди. Шундай инстинктлар борки, улар ҳеч қандай формага, ҳеч қандай тазйиққа берилмайди ва одамни мутлақо мос келмайдиган нарсаларга дуч қилади, шу йўл билан, оддий ҳолда уни бахтсизликка гирифтор қилади. Лоақал бояги Васяни олайлик; модомики унда муҳаббат ҳисси уйғонган экан, модомики у одамнинг зарур эҳтиёжларини ўзидан йироқлата олмас экан, у вақтда Юлиан Мастакович олдида ўзининг ожизлиги, ўзининг чексиз, аянч ношудлиги тўғрисида фахрланиб юрмаса, яхши бўлар эди. Ишга оддий равишда қараб, «нима қилай энди,— улгуролмадим; вазият шундақа бўлиб қолди» деб қўя қоларди ва ўзи ҳам тинчгина бўлар эди. Хўш, Васянинг аҳволига тушиб, шундай ботирлик кўрсата оладиган кишиларни кўп учратамизми? Узининг ожизлигини анг-

лаган ва бошлиқларнинг марҳаматига сиғинган кўнчилик қисм уларнинг топшириғини бажариш учун ҳовлиқиб қолтирайди ва гарчи ақлдан озмаса ҳам, қанча ташвиш тортади, кўнглига ҳар хил шубҳа тушади, бирон иш бажарилмай қолгудек бўлса ёки топширилгандек қилиб бажарилмаса, неча соатлаб оғир қайғуни бошдан кечиради... Буларнинг ҳаммаси эса иш важидан эмас (Васянинг ҳам ва унга ўхшаш бошқа кишиларнинг ҳам бундай ишга заррача эҳтиёжи йўқ), балки хўжайин қандай қарар экан, нима дер экан, деб қилинади, чунки Васянинг ҳаёти хўжайиннинг ана шу қарашига боғлиқ, унинг бутун тақдири ана шу бир оғиз сўзда бўлиши мумкин.

[Айтадиларки, одамнинг орқа таянчи, ғамхўри бўлса, унинг бутун ҳаётини, бутун ҳаракатини ўйлаб ва ҳал қилиб берадиган ва ҳатто фикрини тўғрилаб берадиган кишиси бўлса қандай яхши. Айтадиларки, бундай нарса одамнинг табиатан сустлиги, фаолиятсизлиги, унинг бирон кишига жон-дили билан сиғиниш, бирон кишини кўнглига ўрнак ва султон қилиб олиш, унинг хоҳиши ва ихтиёри билан бемалол яшаш эҳтиёжига мос келади. Буларнинг ҳаммаси маълум даражада жуда адолатли бўлиши ва ҳатто тарихдан мисоллар келтирилиб тасдиқ қилиниши мумкин. Лекин, бу фикр ҳозирги замон жамиятларининг майл ва интилишидан ўзига далил-исбот тополмаса керак. Янги замон жамиятларининг гўдаклик ҳолатидан, яъни табиий ожизлик ҳисси бошқа бировнинг ҳимоясига сиғинишга мажбур қиладиган ҳолатдан чиққанлигиданми; тарихдан бизга маълум бўлган илгариги жамият ҳомийлари ва васийлари ўз тақдирларини уларга ишониб топширган кишиларнинг ишончини кўпинча жуда ёмон оқлаганлариданми,— ҳар ҳолда, фақат эндигина ижтимоий майл ва интилишлар ҳамма жойда кўпроқ мардлик, мустақиллик характерини олмоқда. Кўр-кўрона, шуурсиз садоқат кўрсатиш, муътабар зотларга сўзсиз ишониш, суриштирмайнетмай бировнинг сўзига ишона бериш каби олий фазилатлар тобора камайиб бормоқда; ўзининг бутун вужудини маълум расмий программага ўлгунча итоат қилдириш — незуитлар жамиятида ҳам энди фақат қуруқ қоғозда қолди деса бўлади. «Одамнинг табиатан сустлиги, фаолиятсизлиги» эндиликда қандайдир салбий хусусият деб ҳисобланади; аксинча] энди *ташаббускорлик*, яъни одамнинг мустақил равишда, ўз ташаббуси билан ишга киришиш қобилияти биринчи ўринга чиқмоқда; эндиликда одамнинг фазилатлари тўғрисида ундаги ташаббускорлик даражасига ва унинг йўналишига қараб фикр юргизадилар. Ҳамма қандайдир ўзига мустақил бўлиб иш кўришга интилмоқда ва бошқаларнинг марҳамати билан яшашни ўзига номус деб билмоқда. Майл ва интилишларнинг бундай ўзгариши ўтган асрнинг охирларидан бошлаб Европадаги янги халқларнинг жамиятларида юз берди. Бу ўзгаришдан биз ҳам четда қолма-

дик деб айта оламиз. [Ҳозирги вақтда бизнинг тасвиримиз муяссар бўлмайдиган бошқа соҳаларни қўйиб], мисол учун лоақал адабиётни олайлик. Ҳозирги вақтда адабиёт бундан ярим аср бурунги адабиётга ўхшайдими? Бир томондан, адабиёт ўз доирасида мустақил шахс бўлиб, унинг *марҳамат қилувчилари* ҳам, бундай марҳаматга муҳтожлари ҳам йўқ; баъзангина, онда-сонда, узоқ вилоятдан бирон шоир журнал ходимига бемаза шеърларини юбориб, уларни фалон журналда бостириб чиқариш учун *хомийлик қилишни* илтимос этади. Қаралсаки, бу тентакларнинг кўпчилиги эски асрдан қолган ва қариган чоғида шоирлик илҳоми жўш уриб қолган кишилар бўлиб чиқади... Иккинчи томондан, халойиқнинг адабиётга бўлган муносабатига ҳам бир назар солинг: олий мақом зотлар энди йўқ, хато қилмайдиган муътабар зотлар тан олинмайди, «агар бу фалон киши томонидан ёзилган бўлса, албатта олий камолатига етган асардир» деган фикрни энди сиз жуда камдан-кам эшитсангиз керак, «бу жуда яхши асар; чунки уни фалон киши маъқуллаган» деган фикр янада камроқ эшитилса керак. Ҳар бир киши, яхшими, ёмонми, ўзи муҳокама қилиб кўришга, ўз ақлидрокини ишга солишга ҳаракат қилади, эндиликда энг оддий китобхон ҳам ўз фикрини айтишга қийналмайди; энди у, масалан, Островскийнинг «Ўз итларимиз» («Свои собаки») деган асари нурсиз ва янгилик эмас, Тургеневнинг «Илк севги» («Первая любовь») деган асари қабоҳат, Чернишевскийнинг «Мунозарали гўзалликлар» («Полемические красоты») деган асари одобсизлик даражасига бориб етган бемаза асар[18] ва ҳоказо деб бировнинг гапини талқин қилиб ўтирмайди. Бошқа китобхонлар тағин бунга тамоман қарама-қарши бўлган фикрни айтишлари мумкин; улар «Илк севги» асарини мақтаб, «Обломов»ни чирик асар дейишлари мумкин... Бу китобхонларнинг униси ҳам, буниси ҳам хато қилиши мумкин; лекин ҳар ҳолда бу кишилар ўз фикрини айтади ва бундай фикрни муътабар, истедодли, баланд мартабали ва адабиётда эътироф этилган кишилар тўғрисида айтаётганидан чўчимайди. Китобхонларимизда бундай ўзгариш бўлишига нима ёрдам қилганини сўзлаб ўтирмаймиз ва ҳатто, адабиёт тўғрисида ҳамманинг биринчи марта бундай ўз билганича муҳокама юргизиши жуда ёмон чалкашлик туғдирди: ҳар ким ўз миясига келган пойинтар-сойинтар гапни айтмоқда, деган фикрга қўшиламиз. Хўш, бутун инсоний ишлар қандай қилиб бошқача бажарилиши мумкин? Юпитернинг бошидан фақат Минерва беками-кўст шайланиб чиққан, бизнинг ерда қиладиган ишларимизнинг ҳаммаси эса, астасекин хатолар ва нуқсонлар билан бошланади. Нима ҳам деб эдик — граждан жамиятларининг ўзи ҳам Вавилондаги қиёмат-аросатдан бошланмай, нимадан бошланган, ахир?

Ҳамма ўз инсоний фазилатини сақлашга интилганда, биз

жаноб Достоевскийдан бир неча нусха олиб кўрсатган эзилган шахслар ҳам йўқ бўлиб кетади деб кутиш мумкин эди. Бироқ, теварак-атрофингизга назар солиб қарасангиз, бу шахслар йўқолиб кетмаганини, жаноб Достоевскийнинг қаҳрамонлари асло умри тугамаган ҳодиса эканини кўрасиз. Уларнинг бундай мустаҳкам ўрнашиб олишига сабаб нима? Ёки уларнинг турмуши яхшими? Йўқ, уларнинг эзилганлиги, овоз чиқармай яшаши ва ўз иродасидан, ўз шахсидан воз кечиши уларнинг ҳеч бирига мутлақо бахт-саодат келтирмаслигини биз юқорида кўрдик. Ёки уларда бутун инсоний нарсалар қотиб қолганми? Йўқ, қотиб қолган ҳам эмас. Биз автор томонидан бир қадар яхши тасвирланган тўрт шахсни атайин кузатиб бордик ва бу кишиларнинг тирик эканини, уларнинг қалби тирик эканини кўрдик. Уларнинг ақли-идроки хит бўлиб бормоқда, уларни уйқуда ғафлат босиб ётибди, уларнинг қиёфаси йўқолмоқда, сийқаланиб бормоқда, улар, чамаси, фикрини, иродасини ҳам йўқотмоқда ва бунинг устига тағин улар ҳар қандай шайтон васвасасини ўзларидан ҳайдаб, бу бизнинг ишимиз эмас, деган сўзлар билан ўзларини ишонтириб, жўрттага ўз иродаларини қўлдан бермоқдалар... Аммо, ҳар ҳолда уларнинг кўнглида табиий бир учқун яллиғланиб туради ва одам тирик экан, бу учқунни ҳеч қандай восита билан ўчириб бўлмайди. Одамни эзиш, ифлос латтага айлантириш мумкин, лекин ҳар ҳолда бу латтанинг бирон ерида, энг ифлос қатларида ҳис ҳам, фикр ҳам сақланиб қолади, гарчи шуурсиз бўлса-да, сезиларли бўлмаса-да, ҳар ҳолда ҳис ва фикр сақланиб қолади...

«Хўш, агар улар сезиларли бўлмаса ва шуурсиз бўлса, улардан нима фойда,— дейди китобхон.— Барибир, демак, улар йўқ, деган гап. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам бу бахтсиз кишилар, оёқ артадиган латта даражасига тушиб қолган бу эзилган бечоралар ҳозирга қадар яшаб келаётган бўлсалар керак».

Хўш, китобхон, сезиларли бўлмаса нима қилибди — сезиларли бўлмаслигининг сабаби шуки, уни сезишни истамайдилар. Бу маълум вақтгача сезилмайди. Лекин, шундай пайт келадики, ҳаммаси сиртга отилиб чиқади. Мана, жаноб Достоевский ўз қаҳрамонларининг хит, қотиб қолган хислатларида жонли қалб борлигини пайқаш имкониятини топибди-ку. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, инсон қалбининг чуқур ерида бекиниб ётган «шуурсиз» ҳис бирдан фарёд солади ва бу фарёдни ҳамма эшитади. Гап шундаки, инсондаги адолат ва ҳаққоният ҳиссини ҳеч нима билан бўғиб ташлаб бўлмайди; инсон ҳар қандай ноҳақликка индамай қараб тура олади, ҳар қандай ранж-аламга пала-зор қилмасдан чидаб тура олади, ўз ғазабини асло билдирмасдан ичида сақлай олади; лекин ҳар ҳолда у, ноҳақликни кўрар ва тушунар экан, унга безрайиб лоқайд қараб туролмайди; ҳар ҳолда

алам ва хўрлик унинг юрагини ўртайди, бинобарин, ҳатто энг эзилган ва қўрқоқ бўлиб қолган кишининг сабр-тоқатига ҳам бир чегара бўлади. Шу билан бирга инсонда заруран меҳр-муҳаббат туйғуси бўлади; ҳар бир кишининг бирон кимсаси, қадрдони — дўсти, хотини, болалари, қавм-қариндоши, маъшуқаси бўлади. У ўз аҳволини шуларга таққослаб кўради, уларни бошқалар билан солиштириб кўради; уларнинг таъминотини ўйлайди, у четдан туриб эркинроқ ва равшанроқ муҳокама қилиб кўради. Чунончи, Макар Алексеич пешонасининг шўр бўлишига ўзи сабаб бўлади ва ўзига ачинмайди, мен энди шунақаман, дейди у, майли, ҳамма мени хўрлай берсин. Қорним тўйиб овқат емасам емабман — зиён йўқ, менн ранжита берсинлар,— мен барин эмасман. Лекин, унинг меҳри тоза, назокатли бир вужудга тушади ва бу вужуд тез орада унинг ҳаётида ҳаммадан қадрли ва азиз бўлиб қолади; бу тоза вужуд Варенька эди: у дарҳол бу қизнинг бахтсизлигидан афсус-надомат қилади ва унинг бахтсизлигини ноҳақ деб билади: ўтиб кетаётган гумбур аравада ўтирган ойимларга назар солади ва уларнинг Варенькадан афзал эмаслигини кўради; шу ондаёқ унинг миясига тақдирнинг адолатсизлиги тўғрисидаги фикр келади; гумбур аравада сайр қилиб, бир ҳашаматли магазиндан иккинчисига кириб мол ташлаб юрадиган кишиларнинг ҳаммаси унга душман бўлиб кўринади; хуллас, юрагида тўпланиб ётган яширин дард-алам сиртга отилиб чиқади ва ўз амалини кўрсатади. Бу ҳол, масалани билмасдан фараз қилиш мумкин бўлганидек, асло унчалик сийрак учрамайди; шундай нарса тез-тез учраб турадики, кўп ҳолларда зада бўлган ва эзилган киши моддий жиҳатдан жуда ночор бўлади ва жумладан, турли ижтимоий шартларни бажаришга мажбур бўлади. Макар Алексеич, жаноб олийлари менинг бу ифлос вицемундиримни кўрсалар, нима дейдилар, деб қалтирайди ва, чойни аслда бошқалар учун ичаман, дейди; шинелини тозалаш учун унга чўтка бермаган ва, давлатга қарашли чўткани сизнинг шинелингизга уриб ишдан чиқариб қўйиш мумкин, деб баҳона қилган департамент қоровулининг мазақ қилишидан жуда қаттиқ ғазабланади... Дарҳақиқат, шу ҳам тирикчилик бўлдими: модомики, киши бошқа одамлар орасида ишга қўйилган экан, улар билан иш олиб бориши лозим экан, демак, ўша одамлар сингари кийинмоғи, ўшалар сингари еб-ичмоғи лозим эди, ҳолбуки у турмушини ҳатто лоақал сал-пал тузатишни ҳавас қилиш имкониятидан ҳам маҳрум қилинган. Яхши этик кийиш тўғрисида сўзлаб ўтирмаса ҳам бўлади — қанақа бўлса ҳам этик бўлса бўлаверади, лекин ўша ҳам йўқ: битта этиги бор эди, унинг ҳам тақчарми узилиб тушди... Макар Алексеичнинг фожиавий тарзда бундай хитоб қилишининг сабаби маълум: «балки, ўзим бориб айтаман, бундай қўрқоқ бўлиш керак эмас; хўш, ўзингиз айтингчи,

қайси этикни кийиб мен эртага хизматга бораман! Аҳвол ана шунақа, онажонгинам; ахир бундай фикр-хаёл одамни ҳалок қилиб қўйиши, бутунлай ҳалок қилиб юбориши мумкин». Хўш, ана шу нарсалар тўғрисида қайғуриб, азоб-уқубат чекиб, инграб юрувчи кишилар озмунчами? Хўш, борди-ю севган ёри ёки оиласи бўлса-чи? Бир-биридан оғир ва даҳшатли бўлган нақадар ғам-кулфат, нақадар қайғу-алам! Ана шу ғам-кулфатлар ичида киши ўзининг нақадар хўрланганини, турмушдан нақадар ранж ва алам кўраётганини сезади; [Макар Алексеичнинг юқорида баён қилинган фалсафасига кўра, у баъзи вақтда роҳат-фароғатда яшовчи кишиларга заҳар сочиб таъна-маломатлар қилади]. Инсоний онгнинг ана шундай уйғонишида ҳам у бизнинг хайрихоҳлигимизга кўпроқ сазовордир ва шу хил онгли ҳаракатлар қилиш имконияти билан у жирканч руҳий тушкунликни [бутун умрида ўзини бировнинг жабр-зулмига ва ҳар қандай ранж-аламга топшириб қўйган қўрқоқлик ва шуурсизликни] ўзидан соқит қилади.

Хўш, нима сабабдан «илоҳий учқун»нинг бу хил ёниши бу қадар заиф, натижаси жуда кам? Нима сабабдан бир лаҳзагина уйғонган онгни яна тезда ғафлат босиб қолади? Нима сабабдан инсоний инстинктлар ва ҳислар амалий фаолиятда бу қадар кам намоён бўлади ва кўпинча оҳ-воҳ билан, шиква-шикоят билан ва хом хаёллар билан чекланиб қолади?

Бунинг сабаби шуки, биз юқорида айтиб ўтган кишиларнинг характери ана шунақа. Агар уларда бошқача характер бўлганда эди, улар бу қадар хўрлик, разиллик ва ожизлик даражасига тушириб қўйилмаган бўлар эди. Демак, гап бундай характерларнинг кўпчилиги нимадан вужудга келади, деган масала устида, қандай (умумий) шарт-шароит инсоният жамиятида инерцияни кучайтириб, кучларнинг фаолият кўрсатишига ва серҳаракат бўлишига зиён етказади, деган масала устида боради.

Эҳтимол, айб бизнинг миллий характеримиздадир? Лекин бу билан масала ҳал қилинмайди, балки фақат узоқлашиб кетади: хўш, нима сабабдан миллий характер шундай тарзда, асосан суст ва заиф шаклда таркиб топган! Бу масалани ҳал қилишни фақат ҳозирги замон ўрнига тарихий заминга кўчиришга тўғри келади.

Бунинг устига тағин бу масала ҳали мунозара талаб: ахир, бизда рус табиатининг кенглиги тўғрисида ҳам, кенг қулоч отганлиги тўғрисида ҳам кўп бақириб-чақириб юрадилар. Биз ўз мулоҳазамизни бутун халқ устида юритмаймиз, биз фақат бу халқнинг тор бир доирасини назарда тутамиз. Аммо, шуни эътироф қилмоқ керакки, табиатнинг бундай кенг қулоч отганлиги билан завқ-шавққа тўлиб юришнинг ўзи ғалати, чунки бу кенг қулоч отиш шундан иборатки, баъзи жаноблар ҳаммомда қизиган тош устига шампан виноси сепиб, ўзларини буғлаб роҳат қиладилар, баъзилар қовоқхонада идиш-товоқ ва ойналарни уриб синдирадилар, баъзилар эса бутун умрини ит уриштириш билан ўтказадилар, илгариги вақтларда эса итларни одамлар билан ҳам уриштирар эдилар: пасткаш ювиндихўрларни айиқ терисига ўраб тикар эдилар ва сўнгра уларга итларни гиж-гижлатар эдилар. Бу хилдаги кенг қулоч отиш ҳар қандай нодон жамиятда бўлади ва илм-маърифат тарақкий қилган сари ҳамма жойда барҳам топиб боради. Хўш, оддий кишилар доирасида бизнинг кенг қулоч отишимиз қани ва у қаердан келади? Лоақал биздаги ҳали ғўр бўлган, ўқиб илм-фан ўрганаётган ёш ўспиринларни олиб қаранг: улар нимадан умидвор бўладилар, ҳаётда қандай мақсадни ўз олдиларига қўймоқчи бўладилар? Ахир, уларнинг кўпчилигининг фикри-зикри фақат мансабга миниб олиш ва ҳаётдан кузатган бутун мақсади яхшироқ турмуш кечиришдан иборат, холос. Бундай ҳолни сиз Европадаги бошқа халқларда беқиёс даражада жуда кам учратасиз. Мақтанчоқлик билан ном чиқарган французлар тўғрисида гапирмасдан, бошқа халқларни, масалан, камтар немисларни олиб қаранг. Бирон ўзига маъқул идеяни меҳр билан кўнглида тугиб юрмаган немис студенти жуда камдан-кам топилади,— улар кўпроқ назария билан шуғулланадилар,— бирон зўр орзуни дилларига тугиб оладилар. Ёки у, фалсафанинг янги асосларини кашф этади ва тафаккур учун янги йўллар очиб беради; ёки мавжуд педагогика методларини тубдан қайта қуради ва шундан кейин инсоният янги асосларда тарбияланади; ёки у улуғ композитор, шоир, рассом бўлади... Ниҳоят, борди-ю, у шахтидан тушиб, майл ва интилишлари торайиб қолгудай бўлса, у бирон қишлоқ мактабининг ўқитувчиси бўлиб ишлаш қарорига келади,— шунда ҳам у, болаларни қандай ўқитаман, қандай қилиб уларни ўзимга қаратиб оламан ва қандай қилиб жамоатнинг ҳурматини қозонаман ва ҳоказо, деб ўзига савол бериб ўйлайди. Буларнинг ҳаммасида сиз қандайдир ғайрат-шижоатни ва мустақилликни кўрасиз: «Мен фалон-фалон ишларни қиламан, бунинг учун менга қанча ҳақ тегишли бўлса, ўзи кела беради»... Бу, масалан, шаҳар бошлиғининг, Хлестаков қизимга уйланса, мени генерал қиладилар, деб хаёл суриши каби, кенг қулоч отган орзулар қабилидан эмас... Мисол қилиб биз немисни олдик: хоҳлаган бошқа бир кишини олиб қаранг, ҳамма жойда сиз бизлагига қараганда кенгроқ орзу-умидларни, орзу ва режаларнинг ўзидаёқ кенг ташаббускорликни кўрасиз. Масалан, инглиз мактабни битириб чиқиб, Четам, Веллингтон ёки Байрон бўлишни орзу қилмай қўйгандан кейин, чунончи, давлат ортдириб бойиш режасини туза бошлайди. Бу, албатта, бизда ҳам кўп кишиларнинг орзу-ҳавасини уйғотади. Лекин, воситалар ва кўламдаги фарққа бир қаранг! Бизда давлат ортдириб бой бўлиш хаёлига тушганлар қолоқ воситалар билан иш кў-

радилар, кўзлари кўрган ва очиқ ётган нимаики бўлса, ола берадилар ва кўпинча уйни ҳар хил зеб-зийнат буюмлари билан тўлдириш пайига тушадилар. Инглиз эса ўз хаёлида бир неча машина ихтиро қилади, бир неча марта океанларни кезиб чиқади, бир неча колония барпо қилади, бир неча фабрика қуради, бир неча катта-катта оборотлар қилади ва Ротшильдларни орқада қолдириб кетади... Ҳаммасидан муҳими шуки, у ўз вазифасини бажариш йўлига тушади ва гарчи ярмини бажармасада, ҳар ҳолда баъзи бир нарсаларга эришади... Французларни ҳам шундай деса бўлади: биз уларни беҳудага, валдирвайсақи, деб ёпишасига айблаймиз. Йўқ, улар ҳам вақти-вақти билан катта-катта вазифаларни бажарадилар, ҳар ҳолда уларнинг иш кўлами бизникидан кенгроқ. Биз бўлсак, қандайдир энциклопедик луғат тузиш билан [паспорт ёки эгри солиқ системасида қандайдир ўзгаришлар қилиш билан] овора бўлиб юрамиз... Улар эса «энциклопедия тузамиз» дейишганди, тузиб қўйишди ҳам, бизникига сира ўхшамайди. Ҳамма соҳада ҳам шундай; [«Бутунлай янги қонун нашр қиламиз» дейишганди, дарҳол нашр қилиб қўйишди ҳам; «турмушимиздаги фалон-фалон нарсаларни бекор қиламиз» дейишганди, бекор қилишди ҳам]. Ҳатто ҳозирги [расво ва хор-зор] француз жамиятида ҳам сиз ҳар ҳолда ҳар бир французнинг гап-сўзида, юриш-туришида яна хийли катта манманлик борлигини кўрасиз. [Унда сиз мана бу гапларни эшитасиз: Ламорисьер билан учрашганимда, сен виждонсизлик қилдинг, дейман; бошқа бир жойда: императорга унинг Италияга нисбатан тутган сиёсати тўғрисида ёзаётган хатим тамом бўлай деб қолди; учинчи бир ўринда: йўқ, мен Персиньянга, бундай тадбирлар ярамайди деб ёзаман ва ҳоказо ва шу кабилар... Сиз] кўриб турибсизки, бунда инсон ўзини бир нима деб ҳисоблайди, муҳокама юргизиш ва мунозара қилиш учун азият чекади [ва лоақал Moniteur нинг ҳар бир сўзи олдида сўзсиз ер билан яксон бўлишни асло истамайди]. Тўғри, кўпинча, у жиддий бир нарса қилмайди; лекин ҳеч бўлмаганда, унинг руҳи тушмайди ва [«инсонни ифлос латтага айлантириш» мумкин бўлган] қўрқоқ ва умидсиз ожизлик ҳиссиётига берилмайди.

Хўш, нима сабабдан бизда «инсонни бундай латтага айлантириш» бу қадар осон ва қулай, [буни қатъий тушунтириб беришимизни зийрак китобхон биздан, албатта, кутмайди: бундай қатъий тушунтириш фурсати ҳали келган эмас]. Фақат бир неча энг умумий белгиларни кўрсатиб ўтамиз, бу белгилар тўғрисида ҳатто авторнинг асарларида ҳам кўрсатмалар борлигини кўрамизки, унинг хусусида бизга бу масалаларнинг ҳаммаси аён бўлиб қолади.

Аввало, Макар Алексеичнинг юраги гам-ғуссага тўлиб тошганида кўнглининг чуқур жойларидан чиққан бир неча дадил фикрни эсга олинг. «Биламан, бундай дейиш гуноҳ... Бундай дейиш шаккоклик... Кўнглимга шайтон ораламоқда»... Кўриб турибсизки, унинг фикрининг ўзи даҳшатли гуноҳ ва жиноят хурофоти билан боғланган. Хўш, бу хурофий қўрқишнинг қасрдан келиб чиққанини бизнинг қайси биримиз билмаймиз? Қайси ота болаларини мактабга юбориб, фақат ўзига, ўз қобилияти ва меҳнатига ишонишни, илмни ҳамма нарсадан юқори қўйишни, фақат ҳақиқий билимнинг пайида бўлишни ва фақат шу билимни ўзига таянч қилиб олишни ва шу кабиларни ўргатган? Аксинча, бизнинг ҳар биримизга бундай деб айтмаганмилар: «Бошлиқларнинг эътиборини қозонишга ҳаракат қил, мўмин-мулойимгина бўл, буюрганларини хўп деб бажар, маҳмаданалик қилма. Агар маҳмаданалик қилсанг, ҳақдан ноҳақ бўлиб чиқасан: бошлиқларнинг кўнгли совийди,— шундан кейин сен нима деган одам бўласан? Ҳолинг хароб бўлади»... Биз ана шу асосда, ана шундай ўгит-насиҳатлар билан ўсиб-улғайганмиз. Бизнинг ота-оналаримиз болалик чоғимиздан бошлаб қулоғимизга шундай бир фикрни қуйганларки, биз ожиз кишилармиз, бизнинг бутун тақдиримиз ўқитувчининг, мураббийнинг ва умуман баланд мартабали кишининг илтифотига боғлиқ. Сизга уйингиздагилардан кўпинча мана бундай гапларни эшитишга тўғри келганини эсга олинг: «баракалла, ўқитувчи сени мақтади», ёки аксинча: «Сен ёмон бола бўлибсан, сендан бошлиқлар норози». Шуниси ҳам борки, сизнинг ҳеч қандай узур-важингиз қабул қилинмас эди. Хўш, бирон мустақил ҳаракатингиз учун сизни мақтаганларини, сизга ҳатто: «баракалла, сен мана бу ишни жуда яхши ўрганибсан ва бундан кейин ҳам шу ишингни қила бер» деб айтганларини ёки шу хилда бирон гапни айтганларини эшитганингиз борми?

Болаликдан шу йўсинда тарбия кўрган эканмиз, бас ҳақиқий ҳаётга қандай қадам қўямиз? Мен бойлар ва баринлар тўғрисида сўзлаб ўтирмайман; улар билан бизнинг ишимиз йўқ; биз ўрта табақадан бўлган камбағал киши тўғрисида гапираётирмиз. Баъзилар мактабни битириб чиққандан кейин ҳам, ота-онасининг қаноти остидан чиқмайди; улар учун бировларга ялиниб, ёлборадилар, разиллик қиладилар, уларга ҳам ялинишни, разиллик қилишни буюрадилар, уларга ёғлироқ ўрин топиб беришга ҳаракат қиладилар... Бундай жўжахўрозлар маълум ва машҳур кишилар даражасига етиш имкониятига эга бўладилар. Бироқ, қоқарга қозиғи, ейишга озиғи бўлмаган, бошини қасрга суқишни билмайдиган кўпчилик камбағаллар нима қилади? Зарурат важидан улар ҳам разиллик қиладилар ва бош эгиб илтимос қиладилар ва дастлабки пайтда бирон чердакдан бошпана сўраб олиб ва кунига овқатга бир тангадан харажат қилиб тирикчилик қиладилар, бу ҳам бировнинг марҳамати соясида бўлади, чунки, аслини айтганда, бизда ҳеч жойда одамга муҳтожлик сезилмайди, ва бу одамларнинг ўзлари ҳам улар бирон нимага керак бўлишларини сезмайдилар... Шунга эътибор беришки, агар бизда бирон

киши бирор нимани оз-моз ўқиб ўрганган бўлса, унинг амалдор бўлишдан бошқа иложи йўқ. Сўнгги вақтда лоақал бирон чет тилни бир қадар ўқиб ўрганган киши ўз тирикчилик воситаларини адабиёт орқали топишга уринади; лекин адабиётимиз ҳам ёзувчилик даъвосини қилувчи ҳар хил кишилар билан тўлиб-тошиб ётибди ва шунинг учун ҳам уларнинг ҳаммасини етарли даражада боқа олмайди. Бир талай кишилар тағин ҳар йили чор-ночор амалдор бўлиш пайига тушади ва ўзининг кераксизлигини ва мутлақо фойдасизлигини англаб, ноилож ҳамма нарсага кўнади. Жаноб Прохарчиннинг, мен бугун керакман, эртага керакман, индинига эса керак бўлмай қолишим мумкин ва менинг бутун мирзалик қалам-дафтарим ҳам керак бўлмай қолиши мумкин, деб дард билан ҳис қилиши,— ёлғиз ана шу ҳиснинг ўзи бизга унинг ўз ҳаётининг бутун ранж-аламига ва бутун оғирлигига жуда итоатгўйлик ва ювошлик билан чидаб келаётганини кўрсатади.

Хўш, бошқача қандай бўлиши мумкин? [Қаршилик кўрсатиш учун] куч ва жасоратни қаердан олиш керак? [Иш шахслар орасида, яккама-якка бўлганида, унда, эҳтимол, ҳаяжонга келган инсон туйғуси кучлироқ бўлиб ва қатъият билан юзага чиқиши мумкин эди; аммо бунда гуноҳсиз кишилардан бўлак ҳеч қандай шахснинг ўзи йўқ, чунки бунда одамлар ўз иродаси билан иш кўрмайди. Биз кўрдикки, ҳатто] масалан, Макар Алексеичнинг бошлиғи валинеъмат шахс, Юлиан Мастакович жуда жонон одам... Хўш, ундай бўлса Макар Алексеичга жабр-зулм қиладиган ва уни эзадиган киши ким? Вазият! Хўш, бу вазиятга қарши нима қилмоқ керак, [, модомики бу вазият мустаҳкам ва барқарор ўрнашиб олган экан, биздаги тартиб билан, цивилизация билан чамбарчас боғланиб кетган экан, унга қарши нима қилмоқ керак]? Бу вазият шундай зўрки, фақат Макар Алексеични эмас, бошқаларни ҳам эзиб янчиб юбора олади; Макар Алексеич бу вазиятни тушуниб бундай дейди: «баъзан эрта билан барвақт шошилиб хизматга бораётганимда, шаҳарга назар солиб, унинг қандай уйғонишини, ўрнидан туришини, тутун чиқаришини, қайнаб жўш уришини, шовқин-суронини томоша қилмоқчи бўламан,— бунда баъзан шундай бир манзарани кўриб, юрагинг шу қадар арзиқиб кетадики, гўё биров келиб қинқайиб турган бурнингга чертиб юборгандай бўлади, шундан кейин бошингни эгиб, қўлингни бир силтайсану, жимгина йўлингга кета берасан!...» Петербургда тўлиб-тошиб ётган ҳозирги замон маданиятининг муъжизалари Вася Шумаковнинг дўсти Аркадийда ҳам шундай таассурот қолдиради. Лекин, бу ерда уни ёзиб ўтирмаймиз.

Ларҳақиқат, одам ҳатто ўз ақли-идроки билан қамраб ололмайдиган жуда баҳайбат механизмнинг умумий таассуроти остида йўқолиб, нест-нобуд бўлиб кетади. Қадим замонда

яшаган маъжусий табиатнинг билиб бўлмайдиган зўр ҳодисалари олдида тиз чўккани сингари, ҳозирги замон киши ҳам олий цивилизация муъжизалари олдида тиз чўкади; бу цивилизация гарчи унинг ўзига қаттиқ таъсир қилса ҳам, лекин ўзининг жуда баҳайбат катталиги билан уни ҳайратда қолдиради. Бунда кураш тўғрисида сўз ҳам бўлмайди, бунда ҳатто энг кучли характерлар учун фақат фойдасиз асабийланиш, заҳарли шиква-шикоят қилиш ва умидсизликка тушиш мумкин. Лоақал тағин жаноб Достоевскийнинг сўнгги романини олиб қаранг. Масалан, кичкина Неллининг кучли, оташин характерини олинг, хўш, энди унинг вазиятига назар солинг; шундай вазиятда унинг миясига доимий ва ҳаққоний кураш тўғрисидаги лоақал заррача фикр келиши мумкинми? Унинг онаси Бубновадан қарздор бўлиб ўлиб кетган; уни кўмишга ҳеч нарса йўқ; Нелли иложсиз ва ҳимоясиз бўлиб қолган. Бубнова уни ўз уйига олиб келади ва, албатта, уни тарбиялаш ва унга хўжайинлик қилиш ҳуқуқини бутунлай ўз қўлига олади. Уни урадилар, азоблайдилар ва ҳар қандай йўллар билан эзадилар,— хўш, бунда нима чора? Бубнова унинг валинеъмати; Бубнова эмас, унинг ўрнида бошқа киши бўлганда ҳам, худди шундай қилар эди... Нелли уни урганларига ҳатто жон аччиғи билан хурсанд бўлади: бу калтакларни еган бир бурда нони ва Бубнова берган латта-путта учун тўланадиган ҳақ деб билади. Лекин, унинг юрагини бошқа бир нарса эзади: Бубнова уни нимага тайёрлаётганини сезади, хафа бўлади, даҳшатга келади, йиғлайди-сиқтайди... Лекин, унинг нима иложи бор? Бубновани сўя олмайди-ку! Уникидан қочиб кетадими — излаб топмасликлари учун қаёққа қочиб қутулиш мумкин? Мана бир кун у сотилади ва унга зўрлик қилиб разил жиноят содир бўлаётганда, тасодифан қутулиб қолади... Сўнгра, у, князнинг қизи, қонуний қизи эканини билади. Лекин, бундан нима фойда? Ҳужжат керак, унинг ҳужжати йўқ; судлашиш учун юрист бўлмоқ керак, аммо князда ҳамма юристлардан ҳам зўрроқ бўлган пул, ошна-оғайни бор... Бечора Нелли охирида яхши кишилар қўлига тушса ҳам, лекин бегона кишиларникида туриб, уларнинг хайр-эҳсони билан яшаш уни доимо газаблантиради...

Хўп, буни бир бола дейлик. Ўша романнинг ўзидан бошқа бир шахсни — Ихменевни олайлик. Унинг характери мустаҳкам, бироқ бу мустаҳкам характер курашга эмас, балки асабий қайсарлик қилишга боп келадиган характер. У ўз газабини, заҳрини дам бечора хотинига, дам қизига сочади; қизини жуда яхши кўради, лекин шундай бўлса ҳам, уни бир неча марта қарғайди. Нима сабабдан у ўзининг бутун кучини тўғридан-тўғри уни ранжитган князга қарши ишлатмайди?.. У жон-жон деб шундай қилар эдику-я, бироқ князь билан муомалада расмий такаллуф ва шартларга риоя қилмоқ керак бўлади. Иш қўзғалиб судга берилади. Суд йиллар давомида, жуда

секин, [қонуний тартибда боради. Қонун, тартиб эса] князь фойдасига бўлиб чиқади, ҳаммаси князь фойдасига бўлади, қанча шикоят қилсанг ҳам, барибир князь фойдасига ҳал бўлади... Пулни тўлашга тўғри келади, бунинг учун Ихменевка қишлоғи ким ошди қилиб сотилади... Ахир, чол Ихменев бунинг адолатсизлигини, ҳақорат ва виждонсизлик эканини билади-ку; лекин қандай қилиб буни ўзгартиш мумкин? [Хўш, бунда куч нимада? Ҳатто князда ҳам эмас]. Ихменов князни ўлдирганда ҳам, барибир унинг қишлоги сотилар эди... [Князни ўлдириб ҳам бўлмайди; унинг ҳомийлари жуда кўп!] Ихменевнинг шундай нияти бор эди: у, князнинг бир чиновникка «баъзи оилавий мулоҳазаларга кўра» чол Ихменевдан штраф учун олинган 10 минг сўмни қайтариб бермоқчиман, деганини эшитиб қолиб, уни ўлдиришга қасд қилади. Чунки бу пулни у ўз қизининг номуси ерга урилгани учун тўланадиган ҳақ деб билади. Ихменев ғазабга келиб, князни дуэлга чақиришга қарор қилади. Иван Петрович унинг бу уринишлари қандай муваффақият қозонганлиги тўғрисида мана бундай ҳикоя қилади:

У меникидан чиқиб тўғри князникига борган, уни уйидан топмаган ва унга хат ёзиб қолдирган: хатда ёзганки, бир чиновникка айтган гапларингизни эшитдим, бу сўзларингизни мен ўзим учун қаттиқ ҳақорат деб биламан; мен сизни разил киши деб ҳисоблайман ва мана шуларга кўра сизни дуэлга чақираман; сизга шуни айтиб қўйайки, дуэллан қоча кўрманг, бўлмаса халойиқ олдида расвонгизни чиқараман.

Анна Андреевна менга айтдики, у жуда ҳаяжонланиб ва кайфи бузилиб, уйга келган, ҳатто мазаси қочиб ётиб қолган. Унга ширин муомала қилган, лекин саволларига унча очиқ жавоб бермаган; афтидан, у қаттиқ ҳаяжон ичида нимандир тоқатсизланиб кутар эди. Иккинчи куни эрта билан шаҳар почтаси орқали бир хат келган; у хатни олиб ўқиганда, дод, деб бошини ушлаб қолган; Анна Андреевна қўрқувдан турган жойида қотиб қолибди. Лекин, у шу онда шляпасини, ҳассасини олиб югурганча чиқиб кетибди.

Хат князлан келган экан. Князь хатида қуруққина, қисқача қилиб, мулойим сўзлар билан Ихменевга маълум қилибдики, чиновникка айтган сўзларим учун ҳеч кимга ҳисоб беришга мажбур эмасман; суд сизнинг фойдангизга ҳал бўлмаганига жуда афсусланаман, лекин афсуслансам ҳам, сизнинг бу ишингизни ҳақ деб топмайман: мурофаада ютқизиб қўйиб, сўнгра ўч олмоқ учун ўз рақибини дуэлга чақиришни ҳақ иш деб бўлмайди; энди «халойиқ олдида расвонгизни чиқараман» деган даъдаангизга келсак, мен сиздан сўрайманки, бу хусусда овора бўлманг, чунки халойиқ олдида асло менинг расвомни чиқара олмайсиз, бундай бўлишн асло мумкин эмас; хатингизни дарҳол тегишли жойига юбораман; полиция воқиадан хабардор бўлгач, лозим даражада тартиб ва осойишталик ўрнатиш албатта унинг қўлидан келади.

Ихменев қўлида хатни ушлаб олиб, шу ондаёқ князникига чопиб борган. Князь тағин уйда бўлмаган: Ихменев князнинг хизматкоридан суриштириб, князь бир графнинг уйига кетганини билган; ўйлаб нетиб турмасдан югуриб ўша графникига борган. У зинопоядан чиқаётганида графнинг дарвозабони уни тўхтатган. Ғазабининг зўридан кўзига қон тўлган Ихменев қўлидаги таёғи билан дарвозабоннинг бошига туширган. Шу ондаёқ уни ушлаб, ташқарига олиб чиқиб полицияга топширганлар; полициячилар уни даҳа — қисмга олиб кетишган. Бўлган воқиани князь шуҳратпараст графга тушунтириб айтганки, мен айтган Ихменев ана шу, ўша мен айтган Наталья Николаевнанинг отаси [князь *бу иш тўғрисида* бир неча бор граф ҳузурига ташриф буюрган эди]; шундан кейин граф кулиб

юборган ва ғазабдан тушиб, шафқат қилган; Ихменев кўйиб юборилсин, тўрт томони қибла, қаёққа борса, шу ёққа борсин, деб буюрилган; лекин уни фақат уч кундан кейин бўшатиб юборганлар, шунда ҳам (князнинг амри билан бўлса керак) унга князнинг ўзлари гуноҳинган кечиришни графдан сўрадилар, деганлар.

Чол Ихменев девонавор бир аҳволда уйига қайтиб келган, ўзини тўшакка ташлаган ва бир соатча қимирламай ётган, ниҳоят, ўрнидан қўзғалган Анна Андреевна унинг важоҳатидан қўрқиб кетган; Ихменев тантанали равишда *абадул-абадгача* қизимни қарғайман ва оқ қиламан, деган.

Анна Андреевна жуда қўрқиб кетган, лекин чолга ёрдам берилиши керак; Анна Андреевна беҳушликдан зўрға ўзини тутиб, шу куни туни билан чолга қараб чиққан, латтани сиркага ҳўллаб бошига қўйган, бошига, кўкрагига ва оёқ-қўлига муз қўйган, у исситмада ёниб алаҳлаб ётган.

Мана шу билан гап тамом. [Бунда куч князда эмас, балки шундаки, у ҳамиша Ихменев ва шу кабиларнинг ҳамласидан ўз араваси, дарвозабони, оппа-оғайнилари билан, ниҳоят ҳатто жамоат тинчлигини сақлаш учун зарур бўлган полиция тартиби билан ҳар томонлама ҳимоя қилинган].

Демак, бу бахтсиз, эзилган, хўрланган ва таҳқирланган кишиларнинг аҳволи бутунлай нажотсиз экан-да? Уларнинг қиладиган иши фақат жимгина тоқат қилишдан, шунингдек, ифлос латтага айланиб, унинг энг тагдаги қатларида ўзларининг шуурсиз ҳисларини яширин сақлаб юришдан иборат экан-да?

Билмадим, балки, нажот бордир; аммо бу нажот йўлини адабиёт кўрсата олармикан, [ҳар ҳолда, сиз китобхон, агар мендан бу масала тўғрисида муфассал изоҳот берилишини кутсангиз, соддадиллик қилган бўлар эдингиз. Бир вақтлар мен шундай изоҳот беришга уриниб кўрган эдим, лекин бу изоҳот асло лозим даражада ўз ўрнига бориб тушмади. Энди ҳатто ёзмайман ҳам. Ноҳотки, сиз китобхон, ҳозирга қадар шуни пайқаган бўлмасангиз.] Биз ўз адабиётимиз билан фақат ўтганларни такрорлаб юрибмиз [?]. Ҳаётимиз бундан кўп йил муқаддам маълум туркумдаги шахсларни юзага келтирди; бундан йигирма йилча бурун санъаткорлар уларни пайқаб, тасвирлаб беришди; энди танқидга тағин мазкур санъаткорлардан бирининг асарларини таҳлил қилиб чиқишга тўғри келди; мана шу санъаткор-рассомларнинг расмларидан олиб бир неча шахсни гуруҳларга бўлиб чиқди, бир қадар умумлаштирди, баъзи бир хулосаларни чиқарди ва ўз мулоҳазаларини айтди... Бизнинг ҳозирча қила оладиган ишимиз ана шу. Биз кўрдикки, биздаги ўрта синфда эзилган, хўрланган ва таҳқирланган шахслар кўп, [маънавий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам уларга жуда оғир], улар ўз аҳволларига сиртдан кўникқандай бўлиб кўринсалар-да, унинг ғам-ғуссасини сезмоқдалар, [ҳаяжонга келишса ва норозилик билдиришга ҳам тайёрлар], зориқиб нажот кутмоқдалар... [Лекин, бизнинг мушоҳадаларимизнинг охири шундай тугайди.] Бу нажот қаерда, [қачон ва қандай қилиб бўлади]— буни турмушнинг ўзи кўрсатиши лозим. Биз турмушга эргашиб борамиз ва турмуш ҳодисаларини ўзлари кузатиб боришни яхши кўрмайдиган ёки

кузатиб боришни билмайдиган кишилар учун воқеликнинг умумий аҳволларидан у ёки бу нарсани кўрсатиб берамиз. Матбуотда хабар қилинган (факт, ишора, ёки кўрсатмани) ўз мулоҳазангиз учун материал қилиб олингиз, лекин муҳими шуки, ҳаётнинг узлуксиз, мунтазам, қудратли ва ҳеч нима тўхтата олмайдиган оқимини кузатиб боринг ва ўлик эмас, тирик бўлингиз. Макар Алексеич ва унинг йўлдошлари дунёга келгандан буён ҳаёт кўп нарсани қилди [бу кўп нарса фақат таърифлаб берилмаган холос]. Зотан, биз инсонлик фазилатини [ҳаммада ва ҳар бир кимсада тенг ҳуқуқни ҳам] тиклашга бўлган умумий интилишни кўрдик. Эҳтимол, бунда эзилган ва зада бўлган кишиларнинг ночор аҳволдан чиқиш йўли ҳам очилиб қолар [албатта, уларнинг ўз кучлари билан эмас, балки бундай ҳалок қиладиган ва эзадиган аҳволнинг оғирлигини камроқ бошдан кечирган характерларнинг ёрдами билан очилиб қолар. Етарли миқдорда ташаббусга эга бўлган бу кишиларга масаланинг ичига кириб шуни билишлари фойдалики], улар, эҳтимол, хароб бўлиб кетган ва маънавий жиҳатдан ўлган кишилар деб ҳисоблаб юрган бу эзилган кишиларнинг кўпчилиги жонли қалбларини ва яшашга ва бахтли бўлишга бўлган ўз инсоний ҳуқуқларини, [абадий ва ҳеч қандай азоб-уқубат билан йўқ қилиб бўлмайдиган] онгларини гарчи, ҳатто ўзларига ҳам пинҳон бўлса-да, ҳар ҳолда ўз ичларида маҳкам, чуқур сақлаб келмоқдалар.

А. В. КОЛЬЦОВ[1]

«Ёшлар мутолааси учун, А. В. Кольцов, унинг ҳаёти ва асарлари» М. 1858, 1—120 бет, имзосиз. «Н. А. Добролюбов асарлари»нинг биринчи нашрига кирмаган.

Добролюбовнинг Кольцов ҳақидаги танқидий-биографик очерки учун Белинскийнинг «Кольцов шеърлари» тўпламида босилган маълум мақоласи асосий материал бўлди («Кольцов шеърлари» 1846 йилда Санкт-Петербургда босилган. Унинг учинчи нашри 1857 йилда чиққан. Бу нашри ҳақида Добролюбов «Пушкин асарлари»нинг Анненков нашр қилган еттинчи қўшимча томига ёзган рецензиясида эслаб ўтади.

Добролюбов очерк устида 1857 йил февралида ишлаган, аммо китоб 1858 йилнинг ёзидагина босилиб чиқди. 1859 йилда «Тарбия журнали»да Добролюбов ўз китобига ва В. Новаковскийнинг «А. В. Суворов» (1858) китобига рецензия эълон қилади. Бу рецензияда у қуйидагиларни ёзган эди: «Кольцов ҳақидаги китоб мужик тўғрисида баҳс этиб, деҳқонлар табақасига, унинг аҳволига, қайғу ва ҳасратларига шафқат ва ачиниш ҳислари билан суторилган... Бу китоб авомнинг одамлик ҳуқуқларини эътироф этади ва мужикдан нафрат қилувчи маърифатли кишиларни газаб билан қоралайди». («Тарбия журнали», 1859, VI том, 8-китоб, VI бўлим, 109—111 бетлар).

Добролюбов Кольцов поэзиясининг халқчил характерини таъкидлаб кўрсатади; у Кольцов ижодини рус турмушини сохта халқчил қилиб бузиб кўрсатувчи дворян шоирлари ижодига, XIX аср бошидаги дворян поэзиясининг «қўшиқчилик» традицияларига қарама-қарши қўяди. Карабанов, Нелединский-Мелецкий, Дельвиг қўшиқлари мисолида Добролюбов дворян поэзисида расм бўлган «рус қўшиқларига» тақлидлар халқ турмушидан, халқ дунёқарашидан, халқ ижодининг поэтикасидан қанчалик узоқ эканини кўрсатиб беради. «Бу қўшиқларнинг на мазмунида ва на ифодасида ҳақиқий содда ва халқникига тегишли бирон нарса

[1] Изоҳлар В. А. Путинцевники.

йўқ». «Бу қўшиқларнинг ҳаммасидан,— деб ёзади Добролюбов,— Кольцов қўшиқлари осмон билан ерча фарқ қилади. Унинг шеърларида биз биринчи марта ўлароқ рус қалбига, рус туйғуларига эга бўлган, халқ турмушини яқиндан билган, халқ ҳаёти билан ҳамнафас ва унга хайрихоҳлик билан тўлиб-тошган соф рус кишисини кўрдик». Кольцов. Добролюбовнинг сўзлари билан айтганда, «рус ҳаётининггина эмас, рус кишисининг характерини ҳам жуда яхши тушунган ва уни ўз қўшиқларида ифодалай билган. Танқидчи ўз мақоласини Кольцовни «буюк халқ шоири» деб эътироф этиш билан тугатади.

Добролюбовнинг кейинги мақолаларида, хусусан «Рус адабиётининг ривожида халқчилликнинг иштироки даражаси ҳақида» мақоласида Кольцов ижодига берилган характеристика чуқурлашади ва аниқлашади. Танқидчи Кольцов реализмининг маълум даражада чекланган эканини қайд қилади: «унинг асарларида оддий халқ табақаси умумий манфаатлардан ажралган ҳолда фақат ўзининг хусусий маиший эҳтиёжлари билангина яшайди». Добролюбовнинг фикрича, ҳақиқий реалистик санъат ҳаётни унинг жамики хилма-хил ҳодисалари билан қамраб олиши, халқнинг «умумий манфаатлари» билан, унинг крепостнойлик тузумига қарши кураши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

1) Ф. П. Слепушкин *(1783—1848)* — деҳқонлардан чиққан шоир, 20 йилларда ва 30 йилларнинг бошида дворян китобхонлари ўртасида катта муваффақиятга эришган.

2) И. П. Сахаров *(1807—1856)* 1838 — 1839 йилларда беш қисмдан иборат «Рус халқининг қўшиқлари»ни нашр қилган.

3) П. В. Киреевский *(1808—1856)* ўзи тўплаган минглаб рус халқ қўшиқларидан ҳаётлик чоғида фақат 31 тасинигина нашр этишга улгурган (қаранг: «Россия ўтмиши ва тарихи жамиятининг мутолааси», 1848 IX китоб; «Московский сборник», 1852; «Русская беседа» 1856, 1 китоб).

4) Кольцов 1809 йил 3 (15) октябрда туғилган.

5) Кольцовнинг болаликдаги дўсти, «бой савдогарнинг ўғли»,— Варгин (1824 йилда вафот этган; қуйироқни қаранг).

6) «Тенгдошимга» (1826 — 1827) шеърини Добролюбов 1828 йилда ёзилган деб (Белинскийда —1827 йил) хато қилади. Бу шеърнинг, Белинский ва Добролюбов тахмин қилганича, 1824 йилда вафот қилган Варгинга қаратилган бўлиши эҳтимолдан узоқ.

7) Кольцовнинг Белинскийга 1839 йил 28 сентябрда ёзган мактубидан (Добролюбов 1838 йил деб хато кўрсатади).

8) 1831 йилда «Листок» журналида Кольцовнинг «Веневитинов қабридаги нола», «XXXга мактуб» ва «А... га мактуб» («Яна ғаму, яна муҳаббат») шерлари босилган эди.

9) Белинскийнинг «Рус повести ва Гоголь повестлари ҳақида» («Телескоп» 1835, XXVI қисм 7 — 8 сон) мақоласи кўзда тутилади.

10) Белинскийнинг «Телескоп»да (1835, XXVII қисм, 470-483 бетлар) босилган «Кольцов шеърлари» мақоласи (кейинги ўринларда Добролюбов келтирган цитаталар унчалик тўғри кўчирилмаган).

11) Кольцов Белинский билан 1831 йилда Москвага келганда танишган.

12) Белинскийга 1838 йил 15 июлда ёзилган мактубдан. Добролюбов Кольцов мактубларидаги цитаталарни Белинскийнинг «Кольцовнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида» мақоласидан («Кольцов шеърлари» нашридаги, 1846), олиб келтиради. (Кўп ўринларда бузиб кўчирилган).

13) Белинскийга 1838 йил 27 июлдаги мактубдан.

14) Белинскийга 1840 йил 15 августдаги мактубдан.

15) А. А. Краевскийга 1836 йил 27 ноябрдаги мактубдан.

16) Бу ва бундан кейинги уч цитата — Кольцовнинг Белинскийга 1838 йил 15 июндаги мактубидан.

17) Белинскийга 1840 йил 15 августдаги мактубдан.

18) Белинскийга 1840 йил 15 декабрдаги мактубдан.

19) Белинскийга 1841 йил 27 январдаги мактубдан.

20) В. П. Боткинга 1842 йил 27 февралдаги мактубдан.

21) 20-изоҳга қаранг.

22) 20-изоҳга қаранг.

23) Белинскийга 1840 йил 15 августдаги мактубдан.

ОБЛОМОВЧИЛИК НИМА?

«Современник», 1859, V китоб, III бўлим, 59 — 98 бетлар; имзо: «Н — бов» Н. А. Добролюбов «Асарлари»нинг биринчи нашрида қайта босилган, том II, бет 525—563.

Н. А. Добролюбовнинг «Обломовчилик нима?» мақоласи — чинакам принципиал, юксак сиёсий, асарда биринчи навбатда ижтимоий мазмунининг бойлигини қадрловчи, шу билан бирга унинг бадиий формасига бениҳоя сезгирлик ва талабчанлик билан қаровчи рус революцион — демократик танқидчилигининг классик намунасидир.

Мақола революцион демократларнинг дворян-буржуа синфларининг идеологларига қарши олиб борган кескин ғоявий кураш шароитида майдонга келди; у бошдан-оёқ мунозара руҳи билан суғорилган ва унинг кучи биринчи навбатда «соф санъат» тарафдорлари ҳамда либералларга қарши қаратилган. Мунозаранинг бундай йўналиши шу билан изоҳланадики, ўша йилларда Россияда тобора чуқурлашиб бораётган революцион кризис шароитида эстетикада ғоясиз «соф санъат»ни тарғиб қилиш сиёсатдаги либерализм билан қўшилиб кетган эди.

Добролюбов «жуда ажойиб тасвирланган дарахт барглари, масалан, жуда ажойиб тасвирланган инсон характери каби қимматга эга деб билувчи» «санъат санъат учун» деб аталмиш назария тарафдорлари устидан ўткир заҳарханда билан кулади.

Адабиёт учун ва жамиятнинг ўзи учун ҳам санъаткор таланти нимага сарф бўлаётгани, унинг асарлари қандай ижтимоий қимматга эга экани муҳим.

«Соф» бадиийлик ҳақида сафсата сотадиган, аммо амалда юзаки, формаль, «эстетик — аптекачилик» баҳоларидан нарига ўтмайдиган «санъат санъат учун» тарафдорларига қарама-қарши ўлароқ, Добролюбов бой ҳаётий мазмунга асосланувчи ва воқеликнинг мукаммал ҳамда ҳаққоний

---

* Изоҳлар М. С. Пенкинники.

тасвиридан, образларнинг нафис аниқлиги ҳамда тугалланганлигидан иборат бўлмиш ҳақиқий бадиийликни ҳимоя қилади.

Либераллари шармандаи-шармисор қилиб, уларнинг юзаки тенденциоз «фош қилувчи» адабиётидан кулиб, Добролюбов ижтимоий ҳодисаларнинг ич-ичига кириб бора оладиган ва уларнинг ижтимоий илдизини очиб ташлай оладиган чинакам илғор, реалистик адабиёт учун курашади.

«Обломов» эълон қилиниши ҳамон ўша давр журналларида роман тўғрисида жуда кўп мақолалар пайдо бўлди.

Славянпараст ва либерал танқидчилар Гончаров романининг фош қилувчи пафосини сўндиришга уринди. Ап. Григорьев кулгили бир жиддийлик билан Обломов ва Пшеницинани ўша даврнинг ўзига хос «ижобий» қаҳрамонлари сифатида тавсиф қилди.

Либерал — эстетлар «обломовчилик жуда ҳам тараққий этиб кетса чидаб бўлмайдиган нарсага айланади, аммо у муътадил ва эркин намоён бўлса, унга душманлик билан қарашга асос йўқ» (А. Дружинин) деб ҳукм қилдилар.

Буржуа Ғарби олдида қулларча бош эгувчи либерал —«сиёсатбоз»лар обломовчилик гўёки «русларга теккан миллий дард» деб, рус халқига туҳмат қилдилар.

Добролюбов мақоласи романнинг мазмуни ва бадиий ўзига хослиги билан бевосита алоқадор бўлган масалаларни қамраб олади. Аммо, Добролюбовнинг қалами остида ҳар қандай масала ҳам, ҳатто энг «бетараф», даврнинг актуал масалаларидан жуда узоқдай бўлиб туюлган проблема ҳам жонли воқелик билан боғлаб, шу қадар ғоявий кескинлаштириб очилганки, уларнинг ҳаммаси ўткир сиёсий оҳанг касб этган.

Шу тариқа, XIX аср рус адабиётида анча кенг тарқалган «ортиқча одам» образининг характеристикаси Добролюбов мақоласида халққа душман бутун бошли бир сиёсий оқимга — чиркин ва самарасиз, аммо ўша давр рус «маърифатли» жамиятида фавқулодда яшовчан ҳамда таъсирчан либерализмга қарши маҳв этувчи памфлетга айланиб кетган.

Гончаров Обломов образида мужассамлантирган чуқур ҳаётий белгилардан келиб чиқиб Добролюбов бу қаҳрамон характеристикасини шу қадар тўла ва аниқ қилиб беради ки, Обломов ижтимоий — сиёсий тип даражасига кўтарилади, крепостнойлик давридаги ҳаётнинг, онгнинг, ахлоқнинг эксплуататорлик укладининг табиий ва оммавий маҳсули сифатида очилади.

«Обломов»нинг юксак фазилатларини, унинг ижтимоий ҳаётдаги ва рус адабиёти тарихидаги жуда катта аҳамиятини кўрсатиш билан бирга Добролюбов «обломовчиликни ўлди деб, унинг қабри устида мақтов ўқиганн» учун Гончаровни қоралайди.

Бу мақтов билан,— деб ёзади танқидчи,— Гончаров «ноўрин гап» айтди. Крепостной обломовка ўз-ўзидан ўлиб кетмайди, уни маҳв этиш керак — изчил революцион демократ Добролюбовнинг асосий фикри ана шундай. У Штольц образининг сохталигини ҳам аниқ ва рўйирост айтади. Штольц «бизга рус қалбига тушунарли тилда... қудратли «Олға» сўзини айта оладиган» одам эмас. Добролюбовнинг фикрича, Ольга Ильинская бу мардликка кўпроқ қодир, у Штольцга қараганда «бизнинг ёшлари-

3-2С

миз ҳаётига» яқинроқ туради. Ольга Ильинская образида танқидчи ўша даврдаги рус ҳаёти шароитида Гончаров кўрсатиб бериши мумкин бўлган «олий идеал»ни кўради.

Гончаров Добролюбов мақоласини ўқиб чиқиб, 1859 йил 20 майда П. В. Анненковга ёзган эди: «Добролюбовнинг «Обломов» ҳақидаги мақоласини, марҳамат қилиб, бир қараб чиқинг; ўйлайманки, обломовчилик ҳақида, яъни обломовчилик нима деган масала ҳақида бу мақоладан кейин ортиқ бир гап айтишнинг асло ножи йўқ».

Обломов образини В. И. Ленин ўз мақолалари ва нутқларида кўп марталаб ишлатган.

1) Н. В. Гоголь, «Ўлик жонлар» т. II, I боб.

2) Биринчи марта «Адабий тўплам» да 1849 йилда «Обломовнинг уйқуси» романидан босилган парча кўзда тутилади.

3) «Обломов» 1859 йилда «Отечественные записки»нинг биринчи тўрт сонида босилган; «Дворянлар уяси» ўша йили «Современник»нинг январь сонида тўла босилиб чиққан.

Бу асарларнинг матбуотда пайдо бўлиши муҳим адабий-ижтимоий ҳодиса бўлди.

4) Н. П. Огарёвнинг «Тавба» сидан цитата:

Қалбим аро нимадир ажиб
Яшаб турар; аммо не қилай,
Не эканин айта олмайман.

5) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб I, XXXVII банд[1].
6) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб I, XLIII банд.
7) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб I, XIV банд.
8) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб I, XLIV банд.
9) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб 4, XXXVIII—XXXIX банд.
10) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб I, XLVI банд.
11) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб 8. Онегиннинг Татьянага хатидан. Пушкинда:

Бездирган эркимни қўлимдан бутун
Йўқотиб қўйишни истамагандим.

12) А. С. Пушкин «Евгений Онегин», боб 4, XVI банд.
13) А. С. Пушкин «Евгений Онегин», боб 8, XIII банд.
Пушкинда:

Қамраб олган эди бетинчлик уни,
Макон ўзгартишга уйғонди орзу.

14) Н. А. Некрасов «Саша», боб 4.
15) Н. А. Некрасов «Саша», боб 4.
16) А. С. Пушкин «Евгений Онегин», боб 2, XVI банд.

---

[1] «Евгений Онегин»дан келтирилган шеърлар Ойбек таржимасида берилди. *(Ред.)*

Пушкинда:

Асрлар чўзилган хурофотлар ҳам
Ўлимдан кейинги сирларки мубҳам.

17) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин» боб 2, IV банд.
Пушкинда:

Кўҳна баршчинанинг бўйинтуруғин
Енгил оброк билан алмаштиради.

18) Добролюбовнинг «Иқтисодий кўрсатгич» адресига айтган ўткир заҳархандаси. Капиталистик қулликни мақтаб кўкка кўтарган бу журнал «ишкора буржуа йўналишига эга эди.

19) А. С. Пушкин, «Евгений Онегин», боб 7, XXV банд.
Пушкинда:

Ажабо, бу сирни қиз этдими ҳал?
Ажабо, топилди керакли бир сўз?

20) «Ҳозирги вақтда, қачонки...» — либерал сафсатабозларнинг маҳмадоналигидан кулувчи Добролюбовнинг таҳқирли жумласи.

21) В. Бенедиктовнинг «Замонавий ибодат» шеъридан олинган мисралар. В. Бенедиктов ҳақида Добролюбовнинг «В. Бенедиктовнинг янги шеърлари» мақоласини қаранг.

«ЗУЛМАТ ДУНЕСИ»*

«Современник», 1859, VII китоб, III бўлим, 17—78 бетлар ва IX китоб, III бўлим, 53—128 бетлар; имзо: «Н — бов». «Н. А. Добролюбов «Асарлари»нинг биринчи нашрида қайта босилган, III том, 1—139 бетлар.

Добролюбовнинг бу мақолалари Островскийнинг 1859 йилда нашр этилган икки томли танланган асарлари муносабати билан ёзилган. Бу икки томликка драматургнинг «Қўйидан тўкилса — қўнжига» (1850), «Камбағал келин» (1852), «Бегонанинг ганасига ўтирма» (1853), «Камбағаллик айб эмас» (1854), «Истаганингча ҳаёт кечирма» (1855), «Бегонанинг тўйидаги кайф» (1856), «Сердаромад жой» (1858), «Асранди қиз» (1859) ва бошқалар каби ўн бир оригинал пьесаси кирган.

Добролюбовнинг «Зулмат дунёси» мақолалари Белинскийнинг Пушкин ва Гоголь ҳақидаги мақолалари каби Островский ижодининг ҳар томонлама ва чуқур анализини беришгина қолмади, балки ўз даврининг ижтимоий онгида катта силжишни ҳам вужудга келтирди. Островский ижодига бағишланган Добролюбов мақолаларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида Н. В. Шелгунов шундай ёзган эди:

«Островскийни Добролюбов яратди деб тўғри қайд қилинган эди. Аммо, унинг яратгани Островский эмас, унинг яратгани — Островскийдан ҳам муҳимроқ бошқа бир нарса. Островскийнинг онгсиз ижоди унга ўз маънавий қиёфасидан маҳрум қилиш руҳида мунтазам тарбияланиб келган қатор-қатор авлодлар кечиб юрган, бу авлодларни булғаган ва

* Изоҳлар М. С. Пешкинники.

ҳалок қилган даҳшатли қабоҳат гирдобини кўрсатиш ва ёритиш учун баҳона бўлди. Добролюбовнинг «Зулмат дунёси» танқид эмас эди, тўғри турмуш кечиришнинг ҳар қандай имконини йўққа чиқарувчи муносабатларга қарши норозилик эмас эди, у ижтимоий онгнинг янги тушунчалар йўлига бурилиши бўлган эди». (Н. В. Шелгунов, Асарлар, т. II, 1896, 683 бет).

Островский атрофидаги ғоявий хураш деярли унинг биринчи пьесасидан бошланди ва драматургнинг ҳар бир янги асари билан тобора кучайиб борди.

Славянпарастлар, либерал — эстетлар ва ҳ. к каби адабий «партия»ларнинг ҳар бири Островскийни ўз идеалларининг жарчисига айлантиришга уриндилар ва шунинг учун ҳам унинг ижодининг моҳиятини бузиб талқин қилдилар, энг муҳим нарсани — унинг шафқатсиз танқидий реализмини кўриб, кўрмасликка солдилар, драматург асарларидаги унинг дунёқарашининг маълум чекланган туфайли тугилган заиф томонларни, тасодифий белгиларни кўпиртириб мақтадилар.

Масалан, реакцион «Москвитянин» журналининг бошлиқларидан бири С. Шевирев «Рус комедиясига тадбиқ қилинган кулги назарияси» мақоласида «Қўйидан тўкилса — қўнжига» пьесасида гўёки қисқа муддатда ва осонликча тузатиш мумкин бўлган айрим «аллатлар» ва «доғлар»дангина кулинади деб исбот қилмоқчи бўлиб, пьесанинг реалистик характерини бузиб кўрсатди.

Эстетбоз либерал Дудишкин Островский «аном томошабинга» лаганбардорлик қилмоқда, санъатни «масхарабозликка», «ярмаркаларда кўрсатиладиган майнабозчиликка» айлантириб қўймоқда деб, драматургга туҳмат қилди.

Славянпараст Ап. Григорьев Островский пьесаларининг халқчиллиги тўғрисида кўпгина нидолар қилди, бироқ, у «халқчиллик» тушунчасига реакцион маъно жойлаган ва драматургни «Гоголь йўналишидан», илғор рус адабиётининг энг яхши традицияларидан четга тортишга уринган эди.

Фактларга ўтакетган ўзбошимчалик билан муносабатда бўлувчи мана шундай вулгар тенденциоз танқидга қарши Добролюбов «реаль танқид» принципини олдинга сурди.

Бундай танқид «санъаткор асарларига худди ҳақиқий ҳаёт ҳодисаларига бўлгандай муносабатда бўлади: уларнинг ўз маромини топишга, уларнинг муҳим, характерли белгиларини тўплашга интилиб, уларни ўрганади...»

Реаль танқид асарнинг баъзан-баъзан «авторнинг назарий эътиқодларига» қарама-қарши бўлувчи объектив маъносини ўқувчиларга тушунтириб бериши керак.

Бундай қарама-қаршилик асарнинг ғоявий ва бадиий яхлитлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди ва шунинг учун ҳам, деб таъкидлайди Добролюбов, фақат илғор дунёқарашга эга бўлган ёзувчигина ҳақиқий ижод эркинлигига эриша олади, фақат шундай ёзувчигина буюк асарлар яратади.

«Фан ва поэзиянинг бир-бири билан чирмашиб кетиши эса, дейди Добролюбов, идеал бўлиши керак, аммо ҳозирча бунга ҳеч ким муяссар бўлгани йўқ».

Добролюбов Островскийда ҳақиқий санъаткорга хос бўлган бадиий ҳақиқат туйғуси, «инсон қалбининг ич-ичига қараблиш... инсон табиатини ҳар қандай ташқаридан кирган бадбашара ва майиб нарсалардан ажратиб олиш» каби сифатларни юқори баҳолайди.

«Драматург томонидан яратилган типлар,— деб кўрсатади танқидчи, кўпинча ўзида фақат соф савдогар ёки амалдорларгагина хос белгиларни эмас, балки умумхалқ белгиларини ҳам қамраб олади».

Унинг пьесаларининг асосий мотиви —«бир хил одамларнинг зўровонлиги ва бошқаларнинг ҳуқуқсизлиги туфайлидан вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ғайри-табиийлигидир».

Островский «нарсаларнинг бундай тартиботига» қарши норозилик билдиради, «уларнинг турли-туман кўринишларини таъқиб қилади ва мана шу тартиботлар ичида яшаётган жамиятни шармандаи-шармсор қилади».

Масалан, «Бегонанинг чанасига ўтирма» пьесасини таҳлил қила туриб, Добролюбов: «ҳаёт заминининг ўзида зўравонлик шароити мавжуд экан... оилаларнинг фаровонлиги ва ҳатто бутун бошли жамиятнинг фаровонлиги мустаҳкам бўла олмайди ва ҳар қандай энг заиф тасодифотлар хавфидан ҳам холи бўла олмайди» деб драматург тўғри кўрсатганини қайд қилади.

Добролюбов Островскийнинг ўз олдига шундай фикрларни исбот қилиш вазифасини қўймаганини таъкидлайди, «аммо бундай фикрлар унинг асарларидан ўз-ўзича келиб чиқади, келиб чиққанда ҳам жуда тўғри келиб чиқади».

Тўғри, ўз асарларида драматург одамларга зулмат дунёсидан қутулиш йўлларини кўрсатиб бермайди, аммо, дейди танқидчи, бундай йўлларни «ҳаётнинг ўзидан қидириш керак».

1) А. Н. Островскийнинг икки томли асарлар тўплами «Оплавий бахт манзараси» пьесаси билан бошланган. Ҳақиқатда эса драмадургнинг матбуотда биринчи босилган асари — «Куёвни кутиш» — «Қурбсиз қарздор» комедиясидан парчалар эди. («Москва шаҳар варақаси», 1847, 7).

2) «Қўйнидан тўкилса — қўнжига» комедияси биринчи марта 1850 йилдагина нашр этилган («Москвитянин», 6). Аммо, пьеса бунга қадар ҳам жуда машҳур бўлган (Островский уни адабий салонлар ва тўгаракларда ўқиб берган).

3) «Ғалати тасодифлар»— Островский пьесасини саҳнада қўйишни ман этишга сабаб бўлган цензура таъқиблари.

4) Бу ерда ва қуйида Ап. Григорьевнинг «Санъат ва ҳақиқат — элегия — ода — сатира» шеърларидан парча келтирилган. Шеърларни ўзбек тилига А. Абдураззоқ таржима қилган.

5) «Островскийнинг ҳимоячиси» — реакцион танқидчи, славянпараст Ап. Григорьев. Унинг баъзи бир характеристикаси ва ибораларидан Добролюбов мақолада цитаталар келтиради.

«Қарама-қарши партия»»— эстетбоз, «гарбчилар», утилитар-буржуа қанёфасидаги либерал лагерь танқидчилари.

6) Москвада Малий театрда ва Петербургда Александринский театрида қуйидаги пьесалар қўйилган: 1853 йилда —«Бегонанинг чанасига ўтирма», 1854 йилда — «Камбағаллик айб эмас», 1859 йилда — «Момақалдироқ».

«Менинг пьесаларим,— деб ёзади Островский,— анча вақтгача саҳнада қўйилгани йўқ. Л. П. Косицкаянинг бенефиси куни 1853 йил 14 январда мен дастлабки авторлик ташвишларини ва дастлабки муваффақиятни татиб кўрдим. Шу куни менинг «Бегонанинг чанасига ўтирма» комедиям қўйилди; бу пьесаларим ичида театр саҳнасига чиқиш шарафига муяссар бўлган биринчи пьесадир» («Автобиографик хотира», «Таниш-билишлар», М. И. Семевский альбоми, 1888).

7) Қаранг: Добролюбов мақоласи «Граф В. А. Соллогубнинг асарлари» ва «Хурофот ёки Одам жой билан эмас, жой одам билан гўзал. Икки кўринишли комедия, Н. Львов асари».

8) «Орел» В. Д. Балашевич 1859 йилда нашр этган реакцион журнал, (ҳаммаси бўлиб тўрт сони чиққан).

9) Добролюбов пьесанинг ечимини биринчи, журнал варианти бўйича келтиради, чунки биринчи асарлар тўпламида ечим цензура талаби билан ўзгартирилган —«айбдор», яъни Подхалюзин жазоланган.

10) Добролюбовнинг «Михайло Розенгейм шеърлари» рецензиясига қаранг.

11) Гап Н. В. Гоголнинг «Дўстлар билан ёзишмаларимдан танланган жойлари» деган реакцион китоби ва В. Г. Белинскийнинг махсус мақоладаги ҳамда Гоголга ёзган машҳур хатидаги кескин танқид ҳақида бормоқда.

12) М. Ю. Лермонтовнинг «Уч хурмо» шеъридаги сўнгги банд.

13) Добролюбовнинг «Асранди қиз» ҳақидаги рецензиясига қаранг.

ҲАҚИҚИЙ КУН ҚАЧОН КЕЛАДИ?*

«Современник», 1860, III китоб, III бўлим, 31—72 бетлар, «Жаноб Тургеневнинг янги повести» номи билан босилган, имзосиз. «Ҳақиқий кун қачон келади?» деган ном остида муҳим ўзгаришлар билан Гейнедан олинган эпиграфни қўшган ҳолда (бу эпиграф журнал вариантида йўқ), «Н. А. Добролюбов «Асарлари»нинг биринчи нашрида қайта босилган, том III, 255 — 321 бетлар.

Мақоланинг шу пайтгача топилмаган дастлабки вариантини цензура тақиқлаган эди. «Бундай танқид,— деб ёзган эди цензор В. Бекетов 1860 йил 19 февралда Добролюбовга,— кўпдан бери ҳеч кимнинг кўзига чалинмаган йўқ ва у Белинскийни эслатади. Ҳозирги аҳволида уни босиб чиқаришнинг қатъиян ҳеч қанақа иложи йўқ». (Н. А. Добролюбовнинг тўла асарлар тўплами, II том, 683 бет).

Кейинчалик мақола босилиб чиққунга қадар Добролюбовга уни икки марта қайта ишлашга тўғри келди. Мақола Бош цензура бошқармаси томонидан «... Монархия ҳукмронлигининг асосларига зарба берадиган... ва бир табақанинг иккинчи табақага қарши нафратини уйғотадиган» ҳужжатлар қаторига киритилган эди.

«Современник»ка яқин турган кишилар бу мақолада «кўтаринкилик

* Бу ва бундан кейинги изоҳлар В. Дорофеевники.

бахш этувчи кучни» кўрдилар. («Оловлар» тўплами, 1 китоб, П. 1916, 72 бет)

Шуниси диққатга сазоворки, Добролюбовнинг энг севган эътиқодлари ва орзулари ифодаланган 1859—60 йиллардаги мактублари бу мақоладаги кўпгина фикрларга сўзма-сўз тўғри келади. Масалан, 1859 йил 24 майда Добролюбов дўсти М. И. Шемановскийга шундай деб ёзган эди. «Шу пайтга қадар Русда тараққий этган ва виждонли одам учун, шуғулланай деса, олижаноб фаолият йўқ; мана шундан ҳаммамиз сўляпмиз, айнаяпмиз ва ҳалокатга юз тутяпмиз. Аммо, биз мана шу фаолиятни *яратишимиз* керак». («Н. А. Добролюбов биографияси учун материаллар», том I, М., 1890, 510 бет.)

Добролюбов демократия либерализмдан узил-кесил ажралмай туриб, уларнинг манфаатлари қарама-қарши эканини англамай туриб, рус озодлик ҳаракатида олдинга қараб бирон жиддий қадам қўйилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам у, Чернишевский айтгандек, «вақтни шоширар, шоширар;», ижтимоий масалаларнинг ўткирлигини кўрсатар, қарама-қаршиликларни аниқлар, ўзининг матбуотдаги чиқишларида Россияни синфларнинг ошкора кураши йўлига олиб чиқишни орзу қилиб, турли-туман синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ҳамда мавқеларини очиб ташларди. «Ҳақиқий кун қачон келади?» мақоласи ҳам мана шу мақсадга хизмат қилган.

Добролюбов Берсенев ва Курлатовскийлар қабилидаги либералбозлик билан машғул дворянларнинг «пассив олижаноблигидан» ва ҳеч нарсага арзимас мақсадларидан ўткир заҳарханда билан кулади, Шубинга ўхшаш бадиий табиат эгаларининг «эпикурчена фазилатларини пичинг билан танқид қилади. Уларнинг ҳаракатсизлиги, қўрқоқлиги ва ноаниқлиги ижтимоий илдизларга эга — деб кўрсатади у:—«улар ўзлари ўтирган дарахтга қарши қўл кўтаришга ботинолмайдилар».

Буюк революцион демократ Добролюбов бундай одамларнинг ҳаммасига «ҳақиқий, жиддий қаҳрамонликка» қобил одамни, онгли ҳаёт сари уйғониб келаётган демократик Россия майдонга чиқара бошлаган ва кейин ҳам оммавий тип сифатида майдонга чиқаражак «рус Инсарови»ни қарама-қарши қўяди.

«Рус Инсаровининг қаршисида», деб таъкидлайди Добролюбов,— мураккаб ва оғир тарихий вазифа — қадрдон халқни «минг хил кнёфада ҳар хил жойларда тарқалиб ётган ички душмандан» революцион йўл билан озод қилиш вазифаси туради.

Добролюбов ўз мақоласида ватанга революцион хизмат қилиш идеалини ривожлантирди, рус воқелигини энг қатъий суратда тублан ўзгартишга чақирди. Ҳақиқий ватанпарвар,— деб ўргатади Добролюбов,— ўзини «майда-чуйда нарсаларга» сарф этмайди — у ўзини буюк идеяга — «бутун муҳитни ағдар-тўнтар қилиш», «ҳаётимизнинг зах ва туманли ҳавосини ўзгартириш» идеясига бағишлаши керак. Ватанни эзиб турган қора кучга қарши курашда у ярим йўлда тўхтаб қолмайди ва «эзгулик учун фидокорона қурбон бўлиш қарори билан» у йўлнинг сўнггигача боради.

Буюк танқидчи роман қаҳрамони Елена Стаховага алоҳида диққат қилган. Бу камтар қаҳрамонона аёл образида у нарсаларнинг мавжуд

тартибининг барча бемаънилигини англаган ва янги ҳаётни, ватан учун актив фаолият кўрсатишни қўмсовчи рус жамиятининг илғор қисмига хос бўлган интилишларнинг аксини кўради.

Добролюбовнинг мақоласи И. С. Тургенев билан «Современник»нинг янги редакцияси ўртасидаги пишиб келаётган ажралишни тезлаштирди. Тургенев ўз романига Добролюбов томонидан берилган революцион шарҳдан қўрқиб кетди, ҳолбуки танқидчи ўз мақоласида Тургенев «Арафа»да ҳаққоний тасвирлаб берган ҳодисаларнинг объектив қимматини ёритиб берган эди, холос, дунёқарашининг чеклангани туфайли Тургеневнинг ўзи ҳам кўпинча тушунмаган ва маъқул кўрмаган характерлар тараққиётининг муқаррар мантиқини очиб берган эди, холос. Добролюбов «адабий» фактни реал рус ҳаётининг фактларига бевосита боғлиқ ҳолда текширди, бу ҳаёт тараққиётининг тенденцияларини ўткирлик билан пайқаб ола билди ва очиб берди, шунинг учун ҳам ўқувчининг нигоҳи қаршисида рус воқелигининг тарихий бурилиш «арафасидаги», яъни 1859—1861 йиллардаги революцион вазият шароитидаги яхлит ва мукаммал манзараси ўқувчининг ўзи романдан ўқиб, билиб олиши мумкин бўлганига нисбатан, мақолада анча ёрқин ҳиҳатдан аниқроқ, равшанроқ намоён бўлди.

Добролюбов Тургенев талантини юқори баҳолаган ва биринчи бўлиб унинг бадиий ўзига хослигини —«замонага жонли муносабатини», санъаткорнинг ижтимоий, ҳаётдаги янги, илғор йўналишларга фавқулодда сезгирлик билан муносабатда бўлишини кўрсатган. У «Арафа»га «авторнинг фикри ва хаёлини ҳам бенихтиёр ўзига бўйсундирган ижтимоий ҳаёт ва фикрнинг табиий йўналиши кучли таъсир этганини» қайд қилади. Бу таъсир айниқса фидокор рус аёлининг ажойиб характерини яратишда яққол кўринади.

Бироқ, романда аниқ равшан сезилиб турган реализмнинг шубҳасиз ғалабасини кўрсатар экан, Добролюбов шу билан бирга Тургеневнинг маълум даражада чеклангани ҳам яширган эмас ва ўз даврининг демократик адабиёти учун муҳим вазифани олиб ватанпарварона революцион фаолият билан шуғулланувчи яхлит қаҳрамон рус характерини яратиш вазифасини олдинга сурган.

«Ҳақиқий кун қачон келади?»— буюк танқидчининг программ мақолаларидан бири. В. И. Ленинниг Добролюбовнинг ўзини таърифлаш учун шу мақоладан сўз танлагани ҳам бежиз эмас. 1901 йилда буюк революцион демократ вафотининг 40 йиллиги кунида бўлган намойиш муносабати билан В. И. Ленин Россиядаги маърифатли ва фикрловчи одамларнинг ҳаммаси учун «бутун эҳтироси билан зулмдан нафратланган ва «ички туркларга»— самодержавие ҳокимиятига қарши халқ исёнини сабрсизлик билан кутган ёзувчи азиз ва қимматлидир» (В. И. Ленин, Асарлар, том 5, 296 бет), деб ёзган эди.

1. Генрих Гейненинг революцион шеърларидан бири «Назария» (ёки «Доктрина») шеърининг биринчи мисраси келтирилган. 1858 йилда М. Михайлов таржимасида чиққан «Гейне қўшиқлари»га ёзган рецензиясида Добролюбов бу шеърнинг икки бандини ўз таржимасида берган.

2. «Мипг жон»— Л. Ф. Писемский романи, 1858 йилда босилган.

3. Қандайдир бир теран фикрли танқидчи —«Отечественные записки» журналида ўралишиб юрган либерал С. Дудишкин.

4. И. С. Тургенев асарларининг қаҳрамонлари: «Ортиқча одамнинг кундалиги» (1850), «Яков Пасынков» ҳикояси (1855), «Рудин» романи (1855), «Дворянлар уяси» романи (1858).

5. Добролюбов В. Г. Белинскийнинг 1859—1862 йиллар давомида нашр этилган дастлабки асарлар тўпламининг биринчи томларини кўзда тутяпти.

6. «Ортиқча одам»—И. С. Тургеневнинг «Ортиқча одамнинг кундалиги» асари. «Икки оғиз» ҳам И. С. Тургенев ҳикояси (1853).

7. Тимофей Николаевич—машҳур тарихчи Т. Н. Грановский (1813—1855), қирқинчи йилларнинг илғор одамларидан бири, Герцен ва Огаревнинг дўсти.

8. Бу ва бундан кейинги жумлалар «эзоп тили»нинг характерли мисоли бўла олади. Добролюбов «эзоп тили»га жуда моҳир бўлган. «...Агар меҳнатим цензурага дуч келиб, зое кетмасин десангиз,— деб маслаҳат беради у С. Т. Славутинскийга хатларидан бирида,— нарсаларнинг ўз номларини аташ у ёқда турсин, ҳатто баъзан уларнинг моҳиятига тамомила қарама-қарши номлар билан атаб, фактлар ва рақамлар тили билан гапириш керак». Бу ўринда Добролюбов «қарама-қарши» характеристика усулини қўллаган.

9. Добролюбов бу ўринда танқидчи С. М. Соловьевнинг халқ ҳаракатларини ёритишда содиқ фуқарочилик майлидан кулади. Добролюбов, афтидан Соловьевнинг шу йилларда «Русский вестник» да босилган мақолаларидан «Малороссия казаклари Хмельницкийга қадар» деган мақолани кўзда тутади.

10. Браун Джон (1800—1859)—Америка Қўшма Штатларидаги қулдорликка қарши курашчи, революцион кураш усулларининг тарафдори: Виргинияда қўзғолон кўтаришга уринган учун 1859 йилда қатл қилинган.

Аллақандай москвалик публицист—афтидан, Браунни, «қонунга хилоф» ҳаракатларда айблаган («Русский вестник», 1859, ноябрь, «Ҳозирги замон йилномаси» бўлими.) реакционер М. Катков бўлса керак.

11. Брусковлар, Большовлар, Кабановлар, Уланбековалар—А. Н. Островскийнинг «Бировнинг тўйидаги кайф», «Қўйнидан тўкилса—қўнжига», «Момақалдироқ», «Асранди қиз» пьесаларидаги қаҳрамонлар.

12. Ф. И. Тютчевнинг «Менга ҳамшаҳар аёл» шеъри.

ЗУЛМАТ ДУНЕСИДА НУР

«Современник», 1860, X китоб, III бўлим, 233—292 бетлар; имзо: «Н—бов». Н. А. Добролюбов «Асарлари» биринчи нашрида муҳим ўзгаришлар билан қайта босилган, III т., 441—517 бетлар.

Революцион вазият даврида (1859—1861), яъни В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «энг эҳтиётқор ва энг зийрак сиёсатчи революцион портловни батамом мумкин бўлган бир нарса деб ва деҳқонлар қўзғолонини—жуда катта хавф деб билиши лозим» (В. И. Ленин, Асарлар, 5 том, 29—30 бетлар) бўлган бир даврда Добролюбов ҳам Н. Г. Чернышевский сингари рус «авом халқи» ҳаётидаги ҳар битта янги факт ёки ҳодисани алоҳида

диққат билан кузатиб бориб, рус «оддий кишилари»нинг фикри қандай сиёсий йўналишда камол топаётганини, революцион портлаш юз бериши қанчалик реаллигини, реформа олди йилларидаги сиёсий сабоқлар таъсири остида халқ онги ва характерида қандай силжишлар рўй бераётганини аниқлашга ҳаракат қилди.

Бу эса ўз навбатида танқидчининг рус адабиётидаги янги йўналишларни ғоятда зийраклик билан пайқашига сабаб бўлди. У халқнинг эркинликка, нурга бўлган чинакам интилишини ифодалашни ва «кескин, бутун рус характери»нинг лозим асосий томонларини кўрсатиб беришликни ёзувчилар олдига тўғридан-тўғри вазифа қилиб қўйди.

Добролюбовнинг фикрича, А. Н. Островский Катерина образида стихияли тарзда ифодаланган ана шу характерни акс эттирди. Добролюбов Островский пьесасининг руҳи билан халқ орзу-умидларини—«ҳуқуқ ҳақидаги талабни, шахсни ҳурматлаш талабини, зулм ва ўзбошимчаликка қарши норозилик»ни ифодаловчи демократик руҳдаги разночинец ёшларнинг қалбини тебдириб турган кайфиятнинг ҳамоҳанглигини зийраклик билан пайқай олди.

Умуман Катерина образини таърифлаганда ҳам Добролюбов айни шу ҳамоҳангликка эътибор берди. «Катерина янги ҳаётга интилади, у ўзининг бу интилишида ўлимига ҳам рози»,—деб ёзди Добролюбов, демократик кайфиятдаги китобхон улуғ демократ қандай янги ҳаёт тўғрисида, қандай интилиш тўғрисида гапираётганини яхши тушунар эди.

Добролюбов либералларни «илм-маърифатли Тихонлар»га ўхшатиш билан бирга халққа яқин бўлган ва халқ оммасининг туб интилишларини акс эттирган бошқа тоифа кишиларни уларга қарши қўйди. У халқ ҳаётидаги «янги ҳаракатни» зийраклик билан пайқай олди. Бирмунча ошкора фикр юритишга нима мажбур қилди?—Добролюбов ана шундай савол қўйиб, бундай жавоб беради: Бунга мажбур этган нарса «ҳуқуқсизликка ва ўзбошимчаликка қарши умумий норозиликнинг кучини англаш бўлди-ки, буни яшириб қолиб бўлмайди. Добролюбовнинг мақоласи бошдан охир авж олиб бораётган революцион таъсирнинг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикр билан суғорилгандир.

Островский тасвирлаган ҳодиса «умумхалқ аҳамиятига» эга деб уқтиради улуғ танқидчи. «Бир томондан, ўзбошимчалик ва, иккинчи томондан, ўз шахсининг ҳуқуқларини тўла англаб етмаслик»—Островский пьесаларидаги асосий драматик тўқнашув ана шундан иборат бўлиб, бу тўқнашувни ёзувчи ўйлаб топган бўлмай, у рус жамиятининг реал аҳволига мувофиқ бир нарса, деб кўрсатади танқидчи. «Момақалдироқ»да Островский олға томон янги қадам қўйди, «Зулмат дунёси» ҳукмронлигига қарши охиригача курашиш нияти «пастда» тобора авж олиб бораётганлигини кўрсатиб берди.

Ҳар бир чин санъаткор каби Островский ҳам ҳаётнинг ўзгинасинигина такрорлаб қўя қолмади. Катерина образи турмушдан олинган бўлса ҳам, лекин у «санъаткорнинг онгида *равшанлаштирилган* ва ҳақиқий турмушда кўп учрайдиган шахсларга қараганда мукаммалроқ ва кескинроқ хусусиятларга эга қилувчи *бир вазиятга қўйилган*». (Курсив бизники.—Ред.)

Островский реализмга хос талайгина хусусиятлар орасида Добролю-

боз айниқса юксак қадрлайдиган бир хусусият бор, у ҳам бўлса драматургнинг ҳолжсалар «илдизи»ни, уларнинг «оддий, иқтисодий асоси»ни оча билишлиги, кишиларнинг жамиятда тутган мавқеига, уларнинг тақдирини бошқарадиган реал фактларга диққат-эътибор қилишлигидир. Добролюбовнинг фикрича, ана шундай «нуқтаи назар» Островскийни халққа, демократияга айниқса яқин қилади ва кўп жиҳатдан унинг пьесаларининг бадиий оригиналлигини — уларнинг талайгина эпизодик, лекин ғоятда ёрқин типлар мавжуд бўлган «оддий» фонини, ҳаётий, амалий манфаатларнинг тўқнашуви вужудга келтирган воқиалар ривожининг тезлиги ва драматизмини, характерларнинг гўё «бир гала одамлар» орасидан топиб олингандек бадиий тўкислигини таъминлайди.

1. Ўртача либерал Н. Ф. Павлов «виждонсиз хотин» Катерина «...нафрат уйғотди» деб ёзган эди. Добролюбов бу ўринда 1860 — 63 йилларда сотқин «Наше время» газетасининг редактори бўлиб турган Н. Ф. Павловнинг кўнгли қоралигига ва деҳқонлар ҳаракатини бостиришда унинг бевосита қатнашганлигига ишора қилиб ўтади.

2. Белинский граф Соллогубнинг «Тарантас» номли повестидан (1845) қирқинчи йиллардаги славянпараст-либерал И. В Киреевскийга қарши аччиқ тил билан ёзган памфлети учун материал сифатида фойдаланган.

3. Г. П — ий —«Московский вестник» деган помешчиклар газетасида ишлаган танқидчи А. Пальховскийдир; Островский пьесалари ҳақида танқид ёзишда у Добролюбовга эргашишга уринган эди.

4. Лермонтовнинг «Журналист, китобхон ва ёзувчи»номли шеъридан.

5. И. С. Тургенев бу иборани «Гамлет ва Дон-Кихот» ҳақидаги нутқида ишлатган бўлиб, у, олтмишинчи йилларнинг демократик кайфиятдаги ёшларига қарши қаратилган эди. Добролюбов бу иборага бошқача маъно беради. Тургенев мумтоз шахсларнинг ролини ҳаддан ташқари кўтаради ва «халойиқ»нинг аҳамиятини камситади, Добролюбов эса машҳур шахслар эмас, балки «халойиқ»нинг, «омма»нинг ўзи «икки томонлама ўткир анализ қиличи»га эга бўла бошлаганини ўз замонининг энг буюк ғалабаси деб ҳисоблайди.

6. Добролюбов П. В. Анненковнинг «Библиотека для чтения»нинг 1860 йилги III китобида босилган «Островский жанобларининг «Момақалдироғи» юзасидан ёзилган кескин рецензия ҳақида, халқчиллик ва илм-маърифатлилик ҳақида ва ҳоказолар ҳақида («Наше время» журналида «Момақалдироқ» танқидчисига жавоб)» деган мақоласини назарда тутади.

7. «Экономический указатель» (1857 — 1861) — буржуа руҳидаги журнал бўлиб, капиталистик тартибларни очиқдан-очиқ сурбетларча мадҳ қилган.

8. Крыловнинг «Деҳқон билан тулки» масалидан.

9. Славянпарастларга яқин бўлган «почвенничество» деб аталган адабий оқимга мансуб танқидчи Ап. Григорьев «Островскийнинг «Момақалдироғи»дан сўнг И. С. Тургеневга хатлар» («Русский мир», 1860, №№ 5, 6, 9, 11) деган ҳаддан ташқари чўзилиб кетган ва чалкаш мақолаларида «Момақалдироқ»ни таҳлил қилмоқчи ва Добролюбов билан мунозара қилишмоқчи бўлган эди.

10. Бу тўғрида Добролюбовнинг «Всероссийские иллюзии, разрушаемые розгами» деган мақоласига қаралсин.

11. Бунда Ап. Григорьев назарда тутиладн, у «Санъат ва ҳақиқат — элегия — ода — сатира» деган шеърида «Камбағаллик айб эмас» пьесасидаги Любим Торцовни ҳаддан ташқари мақтаган эди («Москвитянин», 1854, № 4).

12. Добролюбов бу ўринда Н. Г. Чернишевскийнинг «Камбағаллик айб эмас» сарлавҳали мақоласила («Современник», 1854, № 6) А. Н. Островскийнинг шу вомдаги пьесасида кўринган баъзи бир славянпарастлик иллюзиялари ҳақидаги танқидий мулоҳазаларини назарда тутади.

13. Цензура туфайли Чернишевский ва Добролюбов Россиядаги аҳвол тўғрисида ошкора ёза олмаганлар, шу сабабдан кўпинча киноявий тарзда ёзишга, масалан, Россия ўрнида Австрия ҳақида ёзишга мажбур бўлганлар.

14. Добролюбов бу ўринда бир қатор рус ёзувчиларининг «фаол» характер яратиш йўлидаги муваффақиятсиз уринишларини кўрсатиб, Писемскийнинг «Минг жон» («Тысячи душ») асари (1858) қаҳрамони Камиповични, Гончаровнинг «Обломов» романи (1859) персонажларидан бири Штольцни, Тургеневнинг «Аёрафа»сининг қаҳрамони Инсаровни, «Илк севги» («Первая любовь») (1860) асари қаҳрамони князь хотини Зинаидани, Писемскийнинг «Шўрлик тақдир» («Горькая судбина») драмасининг (1859) қаҳрамони Анаший Яковлевни тилга олади.

15. «Князь Луповицкий или приезд в деревню», славянпарастчи К. С. Аксаков комедияси.

16. Лермонтовнинг «Журналист, китобхон ва ёзувчи» номли шеъридан.

ЭЗИЛГАН КИШИЛАР

«Современник», 1861, IX китоб, II бўлим, 99 — 149 бетлар; имзо «Н.— бов». Н. А. Добролюбов «Асарлари» биринчи нашрида муҳим қўшимчалар билан қайта босилган, III том, 533 — 585 бетлар.

Бу мақола цензурада жиддий равишда текширилиб, унинг айрим жойлари, хусусан Добролюбов самодержавие маддоҳларини кўзда тутиб, социал дунёда ҳокимлар ҳам, қуллар ҳам гўё бирлашиб кетади деган фикрга асосланган «идеал» давлат тўғрисидаги хаёлий сиёсий назарияни масхаралаган қисми чиқариб ташланди. Н. Г. Чернишевский Н. А. Добролюбов «Асарлари»нинг биринчи нашрида «Эзилган кишилар»ни қайта босиб, мақоланинг цензура чиқариб ташлаган қисмларини босмахона гранкалари асосида қайта тиклаган бўлиши керак (бизгача мақоланинг фақат охирги қисмигина етиб келган, у цензура «тузатиши»дан ўтган бўлиб, унда цензор Обертнинг имзоси бор).

Мақола Ф. М. Достоевскийнинг ўша маҳалда пайдо бўлган асарини анализ қилибгина қолмасдан, шу билан бирга бу ёзувчининг Добролюбов томонидан тарғиб қилиб келинган «реал» танқид принципларига қарши мунозарали чиқишига муфассал жавоб ҳамдир. (Ф. М. Достоевскийнинг «Г. — бов ва санъат тўғрисидаги масала» номли мақоласига қаралсин, бу мақола «Время» журналининг 1861 йилги февраль сонида босилган).

Ф. М. Достоевскийнинг чиқиши унинг рус адабиёти ва танқидчилигидаги демократик йўналиш билан узоқ йиллар давомида олиб борган ва

бош айниқса юксак қадрлайдиган бир хусусият бор, у ҳам бўлса драматургнинг қолишлар «илдизи»ни, уларнинг «оддий, иқтисодий асоси»ни оча билишлиги, кишиларнинг жамиятда тутган мавқеига, уларнинг тақдирини бошқарадиган реал фактларга диққат-эътибор қилишлигидир. Добролюбовнинг фикрича, ана шундай «нуқтаи назар» Островскийни халққа, демократияга айниқса яқин қилади ва кўп жиҳатдан унинг пьесаларининг бадиий оригиналлигини — уларнинг талайгина эпизодик, лекин ғоятда ёрқин типлар мавжуд бўлган «оддий» фонини, ҳаётий, амалий манфаатларнинг тўқнашуви вужудга келтирган воқеалар ривожининг тезлиги ва драматизмини, характерларнинг гўё «бир гала одамлар» орасидан топиб олингандек бадиий тўкислигини таъминлайди.

1. Ўртача либерал Н. Ф. Павлов «виждонсиз хотин» Катерина «...нафрат уйғотди» деб ёзган эди. Добролюбов бу ўринда 1860 — 63 йилларда сотқин «Наше время» газетасининг редактори бўлиб турган Н. Ф. Павловнинг кўнгли қоралигига ва деҳқонлар ҳаракатини бостиришда унинг бевосита қатнашганлигига ишора қилиб ўтади.

2. Белинский граф Соллогубнинг «Тарантас» номли повестидан (1845) қирқинчи йиллардаги славянпарастлиберал И. В Киреевскийга қарши аччиқ тил билан ёзган памфлети учун материал сифатида фойдаланган.

3. Г. П — ий —«Московский вестник» деган помешчиклар газетасида ишлаган танқидчи А. Пальховскийдир; Островский пьесалари ҳақида танқид ёзишда у Добролюбовга эргашишга уринган эди.

4. Лермонтовнинг «Журналист, китобхон ва ёзувчи»номли шеъридан.

5. И. С. Тургенев бу иборани «Гамлет ва Дон-Кихот» ҳақидаги нутқида ишлатган бўлиб, у, олтмишинчи йилларнинг демократик кайфиятдаги ёшларига қарши қаратилган эди. Добролюбов бу иборага бошқача маъно беради. Тургенев мумтоз шахсларнинг ролини ҳаддан ташқари кўтаради ва «халойиқ»нинг аҳамиятини камситади, Добролюбов эса машҳур шахслар эмас, балки «халойиқ»нинг, «омма»нинг ўзи «икки томонлама ўткир анализ қиличи»га эга бўла бошлаганини ўз замонининг энг буюк ғалабаси деб ҳисоблайди.

6. Добролюбов П. В. Анненковнинг «Библиотека для чтения»нинг 1860 йилги III китобида босилган «Островский жанобларининг «Момақалдироғи» юзасидан ёзилган кескин рецензия ҳақида, халқчиллик ва илм-маърифатлилик ҳақида ва ҳоказолар ҳақида («Наше время» журналида «Момақалдироқ» танқидчисига жавоб)» деган мақоласини назарда тутади.

7. «Экономический указатель» (1857 — 1861) — буржуа руҳидаги журнал бўлиб, капиталистик тартибларни очиқдан-очиқ сурбетларча мадҳ қилган.

8. Криловнинг «Деҳқон билан тулки» масалидан.

9. Славянпарастларга яқин бўлган «почвенничество» деб аталган адабий оқимга мансуб танқидчи Ап. Григорьев «Островскийнинг «Момақалдироғи»дан сўнг И. С. Тургеневга хатлар» («Русский мир», 1860, №№ 5, 6, 9, 11) деган ҳаддан ташқари чўзилиб кетган ва чалкаш мақолаларида «Момақалдироқ»ни таҳлил қилмоқчи ва Добролюбов билан мунозара қилишмоқчи бўлган эди.

10. Бу тўғрида Добролюбовнинг «Всероссийские иллюзии, разрушаемые розгами» деган мақоласига қаралсин.

11. Бунда Ап. Григорьев назарда тутилади, у «Санъат ва ҳақиқат — элегия — ода — сатира» деган шеърида «Қамбағаллик айб эмас» пьесасидаги Любим Торцовни ҳаддан ташқари мақтаган эди («Москвитянин», 1854, № 4).

12. Добролюбов бу ўринда Н. Г. Чернишевскийнинг «Камбағаллик айб эмас» сарлавҳали мақоласида («Современник», 1854, № 6) А. Н. Островскийнинг шу номдаги пьесасида кўрилган баъзи бир славянпарастлик иллюзиялари ҳақидаги танқидий мулоҳазаларини назарда тутади.

13. Цензура туфайли Чернишевский ва Добролюбов Россиядаги аҳвол тўғрисида ошкора ёза олмаганлар, шу сабабдан кўпинча киноявий тарзда ёзишга, масалан, Россия ўрнида Австрия ҳақида ёзишга мажбур бўлганлар.

14. Добролюбов бу ўринда бир қатор рус ёзувчиларининг «фаол» характер яратиш йўлидаги муваффақиятсиз уринишларини кўрсатиб, Писемскийнинг «Минг жон» («Тысячи душ») асари (1858) қаҳрамони Каминовични, Гончаровнинг «Обломов» романи (1859) персонажларидан бири Штольцни, Тургеневнинг «Ғарафа»сининг қаҳрамони Инсаровни, «Илк севги» («Первая любовь») (1860) асари қаҳрамони князь хотини Зинаидани, Писемскийнинг «Шўрлик тақдир» («Горькая судбина») драмасининг (1859) қаҳрамони Анаший Яковлевни тилга олади.

15. «Князь Луповицкий или приезд в деревню», славянпарастчи К. С. Аксаков комедияси.

16. Лермонтовнинг «Журналист, китобхон ва ёзувчи» номли шеъридан.

ЭЗИЛГАН КИШИЛАР

«Современник», 1861, IX китоб, II бўлим, 99 — 149 бетлар; имзо «Н.— бов». Н. А. Добролюбов «Асарлари» биринчи нашрида муҳим қўшимчалар билан қайта босилган, III том, 533 — 585 бетлар.

Бу мақола цензурада жиддий равишда текширилиб, унинг айрим жойлари, хусусан Добролюбов самодержавие маддоҳларини кўзга тутиб, социал дунёда ҳокимлар ҳам, қуллар ҳам гўё бирлашиб кетади деган фикрга асосланган «идеал» давлат тўғрисидаги хаёлий сиёсий назарияни масхаралаган қисми чиқариб ташланди. Н. Г. Чернишевский Н. А. Добролюбов «Асарлари»нинг биринчи нашрида «Эзилган кишилар»ни қайта босиб, мақоланинг цензура чиқариб ташлаган қисмларини босмахона гранкалари асосида қайта тиклаган бўлиши керак (бизгача мақоланинг фақат охирги қисмигина етиб келган, у цензура «тузатиши»дан ўтган бўлиб, унда цензор Обертнинг имзоси бор).

Мақола Ф. М. Достоевскийнинг ўша маҳалда пайдо бўлган асарини анализ қилибгина қолмасдан, шу билан бирга бу ёзувчининг Добролюбов томонидан тарғиб қилиб келинган «реал» танқид принципларига қарши мунозарали чиқишига муфассал жавоб ҳамдир. (Ф. М. Достоевскийнинг «Г. — бов ва санъат тўғрисидаги масала» номли мақоласига қаралсин, бу мақола «Время» журналининг 1861 йилги февраль сонида босилган).

Ф. М. Достоевскийнинг чиқиши унинг рус адабиёти ва танқидчилигидаги демократик йўналиш билан узоқ йиллар давомида олиб борган ва

тобора реакция томон оғиб борган мунозарасининг бошланиши бўлди. Шу ҳол тасодифий эмаски, Достоевский 1861 йилдаги мақоласида бадиийлик тўғрисидаги масала устида мунозара бошлаб, Добролюбовни бадиийликни «камситишда», санъатга манфаатпарастлик билан муносабатда бўлишда айблади. Бу реакцион руҳдаги ва либерал матбуотнинг ўша йилларда одат бўлган ғовғарлик усули бўлиб, илгор рус ёзувчиларини «Современник» билан «уриштириб» қўйиш мақсадини кўзда тутар эди. Тургеневга ниҳоятда ёмон назар билан қараган Достоевскийнинг бу мақоласида уни «ҳимояси остига» олиб, гўё «Современник»нинг ҳужумидан сақламоқчи бўлгани бежиз эмас.

Добролюбов Достоевскийнинг чақирғини қабул қилди. У адабиётнинг ижтимоий мақсади ва вазифасини ҳимоя қилишлигини очиқдан-очиқ айтди ва «соф» пафосатпарастлар устидан аччиқ масхаралаб кулди. «Автор санъатга ҳеч нима бермаслиги, моҳият эътибори билан адабиёт тарихида бир қадам ҳам олға босмаслиги мумкин-у,— деб ёзди у,— аммо ҳар ҳолда ўз асарларининг асосий йўналиши ва маъноси жиҳатидан биз учун ажойиб истеъдод эгаси бўлиб қолиши мумкин». Добролюбов бу мақоласида ўзининг чин баднийлик тўғрисидаги тушунчасини ҳам ривожлантирди.

Добролюбов: «Санъаткор — фотография пластинкаси эмас»,— деб таъкидлаб, воқеликни жонли, бадиий-ижодий тарзда гавдалантиришни уни ўлик тарзда натурализмга кўчиришга қарши қўйди. Ҳақиқий санъаткор «узиқ-юлиқ қилиб олинган моментни ўзининг ижодий ҳиссиёти билан тўлдиради... афтидан, алоқадор бўлмаган ҳодисаларда жонли алоқа ва изчиллик борлигини кўради, жонли воқеликнинг... зидма-зид томонларини ўзининг умумий дунёқарашида бирга қўшиб қайтадан ишлаб чиқади» ва китобхон қаршисида «инсонни тўлиқ; гавдалантириб, ҳамма сиртқи қабоҳат ва разолатлар орасидан унинг инсоний табиатини кўришга мажбур қилади».

Чинакам баднийликнинг буюк тарбиявий кучи, Добролюбовнинг фикрича, умуман инсонга эмас, балки «тип»га нисбатан ё олижаноб муҳаббат ёки юксак нафрат тўғрисидаги «ҳал қилувчи асос»дадир.

Достоевскийнинг ўз ижодига мурожаат қилиб, буюк танқидчи дейдики, «Гоголнинг энг яхши томонларининг ва Белинскийнинг энг ҳаётий идеяларининг янгигина таъсири остида ёзилган» «Бечора кишилар» повестида Достоевский бечораҳол турмушимиздаги уни ҳайратда қолдирган ғайри нормаль ҳолларни анализ қилишга киришган ва бу анализда ўзининг юксак одампарварлик идеалини», хўрланган ва мute этилган киши учун ачиниш ҳиссини ифодалай олган. Ана шу инсонпарварлик йўналиши Достоевскийнинг кейинги асарларида, деб қайд қилади танқидчи, гарчи суст кўрина бошлаган, унинг «ўз иродаси ва онгидан» мустасно ҳолда қандайдир ўзича намоён бўлган бўлса ҳам у ижтимоий ҳаётни қайта қуриш тўғрисидаги масалаларни ҳар ҳолда китобхоннинг эсига солди ва бу билан Достоевский дарғазаб бўлиб ҳамла қилган «фойда»ни келтирди.

Лекин, ўша вақтдаёқ Добролюбов Белинский кетидан бориб, Достоевский дунёқарашидаги реакцион хусусиятларни чуқур заковат билан пайқай олган эдики, ундаги бу хусусиятлар унинг ҳаётни реалистик тасвирлаш принципларидан узоқлашувида, унинг инсон табиатига нотўғри назарида кўринган эди. У ёзувчи яратган образларнинг аксарияти реалистик образлар бўлмай, балки «ҳафсала билан тасвирланган ярамасликлар, ёвуз ва ҳаёсиз хусусиятларнинг йиғиндиси»дан иборатлигини тўғридан-тўғри кўрсатди.

Добролюбов мақоласи номининг ўзиёқ характерлидир. У Достоевский тасвирлаган инсон драмаси моҳиятини гўё бошқача англашга ишорадир: улар «бечора кишилар» ёки Достоевскийда бўлганидек «хўрланганлар ва таҳқирланганлар» эмас, балки самодержавие-крепостниклик тузуми томонидан эзилган, руҳи синган ва сиқилган кишилардир.

Достоевский асарларида унинг қаҳрамонларининг «ифлос латталик» аҳволидан (уларни бу аҳволга турмуш маҳкум этган) бир амаллаб қутулиб олишлари учун ҳатто имо-ишора ҳам йўқ. Добролюбов ўз мақоласида бунинг чорасини топиб берди. У Достоевский қаҳрамонларининг қарахт бўлиб қолган сабр-тоқати ва кўр-кўрона итоатгўйлигига ижтимоий ташаббусни, фаолликни, курашни қарама-қарши қилиб қўйди. Танқидчи Достоевскийнинг ўзининг энг яхши асарлари мисолида ҳатто энг ифлос «латта»нинг ҳам қатларида ҳаёт асари борлигини, қўрқа-писа бўлса ҳам норозилик кўтарилиб келаётганини, «яшаш ва бахт-саодатли бўлишга ўзининг инсоний ҳуқуқи борлигини англаш» ҳисси уйғониб келаётганини кўрсатди.

«Эзилган кишилар» буюк революцион демократнинг охирги мақоласи бўлди. 1861 йил октябрининг бошида Добролюбовни касал ётқизиб қўйди, 16 ноябрда эса у дунёдан ўтди.

1. Бу ўринда ҳам, абзацнинг охирида ҳам Ф. М. Достоевскийдан нозик киноя қилинган.

2. Ф. М. Достоевский петрашевчилар тўгарагида қатнашганлиги учун 1849 йилда ўлим жазосига ҳукм қилинган эди, лекин кейинчалик гуноҳи «кечирилиб» тўрт йиллик каторгага жўнатилади, сўнгра эса олти йилга Сибирга сургун қиликади. 1859 йилдагина у озод бўлиб, Петербургга қайтиб келади.

3. Крилов масалидан эркин олинган цитата.

4. Н. Д. Ахшарумовнинг «Бегона ном» ва А. Потекининг «Камбағал дворяилар» и ғоятда бўш асарлар бўлиб, 1861 йилда босилиб чиққан.

5. «Бретер» ҳикоясида (1846).

6. Эрист Фейдо — ўша йилларда машҳур бўлган француз беллетристи. Добролюбов, афтидан, бу ўринда ёзувчининг ўша маҳалда энг машҳур бўлган «Фанни» номли романини кўзда тутса керак.

7. Ф. М. Достоевский Добролюбовни шу масалада айблаган эди.

8. Добролюбов Достоевский асарлари — «Неточка Незванова» повести (1849), «Кичик қаҳрамон» ҳикояси (1857), «Хўрланганлар ва таҳқирланганлар» романи (1861)даги болалар образларини кўзда тутади.

9. Добролюбов Гончаровнинг «Жарлик» номли янги романидан олинган парчани кўзда тутади, бу парча «Софья Николаевна Беловодова»номи билан «Современник»да босилиб чиққан, 1860, 2-китоб.

10. Бу А. В. Дружининнинг берган баҳоси бўлиб, унинг «Бошқа шаҳар обуначисининг «Современник» редакциясига мактублари»да айтилган.

11. Достоевский «повестининг гамгин руҳда бўлганлиги» тўғрисида

нафосатпараст танқидчи П. В. Анненков «Ўтган йил адабиёти тўғрисида мактублар»ида («Современник», 1849, 1-китоб) ёзган.

12. М. Е. Салтиков-Шчедриннинг утопик социализм ғоялари билан суғорилган «Чалкаш иш» номли асари «Отечественные записки» журналининг 1848 йил, март сонида босилган («М. С.» имзоси билан) бўлиб, авторининг Вяткага сургун қилинишига сабаб бўлган эди.

13. Державиннинг Екатерина II ни мадҳ этиб ёзган одасидан эркин олинган цитата.

14. Подшоҳлик тузуми тарафдори бўлган ёзувчи ва тарихчи Н. М. Карамзиннинг XVIII аср француз буржуа революциясига салбий муносабатда бўлганига ишора. Добролюбов цензура шароити туфайли бу тўғрида очиқдан-очиқ гапира олмаган эди.

15. Гоголнинг «Ўлик жонлар» асаридан цитата, II т., 1 боб.

16. Бу ўринда Добролюбов ўз мақоласида деярли худди шунинг ўзгинасини ёзган Достоевскийдан киноя қилади.

17. Афтидан, Добролюбов А. Н. Островскийнинг 1861 йилнинг мартида эълон қилинган «Ўз итларинг ғажишяпти, бошқага ёпишма!» деган янги пьесасини кўзда тутган бўлса керак.

18. Н. Г. Чернишевскийнинг «Мунозарали гўзалликлар» асари «Русский вестник» билан либераллашган «Отечественные записки»нинг «фикрлари»ни қақшатғич таҳлил қилган. Бу асар 1861 йилда «Современник» журналининг VI («Биринчи коллекция») ва VII («Иккинчи коллекция») китобларида босилган. (Чернишевскийнинг тўла асарлар тўплами, VII т.).

БИБЛИОТЕКА
Инв. № 35125
19 г.

На узбекском языке

Н. А. ДОБРОЛЮБОВ

ЛИТЕРАТУРНО — КРИТИЧЕСКИЕ СТАТЬИ

Госиздат УзССР — Ташкент — 1959

Редакторлар *Х. Муҳамедхонов, О. Шарофутдинов.*
Рассом *И. Уманский*
Рассом редактор *Г. Бедарев*
Техн. редактор *Т. Скиба.*
Корректор *И. Қобилов*

Терishга берилди 28 II — 1959й. Босишга рухсат этилди 25/V — 1959 й. Формат 60X92¹/₁₆. Босма л. 29. Шартли босма л. 29. Нашр л. 31,92 Тиражи 10000. УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий, 30.
Шартнома № 1 — 57

* * *

УзССР Матбуот матчилиги Ўзсовполиграфиздатининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1959. Заказ № 817 Баҳоси 11 с. 55 т.